



ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

ҒАФУР ҒУЛОМ

МУКАММАЛ АСАРЛАР
ТЎПЛАМИ

ЎН ИККИ ТОМЛИК

ЎЗБЕКИСТОН ССР «ФАН» НАШРИЯТИ

ДРАМАТУРГИЯ

В. П. Катаев

**СОЛДАТ ФРОНТДАН ҚАЙТАРКАН...
(МЕН МЕҲНАТҚАШ ХАЛҚ ФАРЗАНДИ)**

(7 кўринишли пьеса)

Қатнашувчилар:

Семён Котко.
Фрося — Семённинг синг-
лиси.
Она — Семённинг онаси.
Биринчи чол.
Иккинчи чол.
Учинчи чол.
Биринчи хотин.
Иккинчи хотин.
Учинчи хотин.
Семённинг тенгдошлари:
Биринчи йигит
Иккинчи йигит
Учинчи йигит
Уриқ болалар.
Хотинлар.
Соня.
Микола Ивасенко.
Ременик.
Биринчи ҳамқишлоқ.
Иккинчи ҳамқишлоқ.
Чол Ивасенко.
Царёв.
Ер ўлчовчи.
Ткаченко — Сонянинг
отаси.
Ткаченконинг хизмат-
кори (аслида помещчик
Клембовский).

Ткаченконинг хотини.
Любка.
Қизлар.
Биринчи немис.
Иккинчи немис.
Учинчи немис.
Гуров.
Иккинчи малай.
Черноиваненко.
Иван Сидоренко.
Тихон Сидоренко.
Гайдамак.
Биринчи гайдамак.
Иккинчи гайдамак.
Немис вахмистри.
Фон-Вирхов.
Зиновий Петрович —
отряд командири.
Назоратчи.
Офицер.
Нотаниш чол.
Дивизия бошлиғи.
Самсонов.
Адъютант.
Биринчи немис офи-
цери.
Иккинчи немис офи-
цери.

Ғафур Ғулом таржимаси

Биринчи кўриниш

Котконинг уйида.

Семёнининг уйи. Бутун уй солдат буюмлари, милтиқ, кийим-кечаклар билан тўлган. Семён ухламоқда. Она печка олдида. Фрося. Эрталаб. Деразадан қизиқсинган хотинлар ва қизлар муралайдилар.

Она. Буни қаранглар-а. Фронтдан уйга қайтган солдат шунчалик ҳам лақ-луқ билан келадими? Уй тўлиб кетди-я. Яна чиппа-чип тўла. Мана бу қопчиқни айтинг. Тўрт йил сурункасига мириқибгина урушган кўринади. *(Чиқиб кетади.)*

Семён. Батарея, жангга!.. *(Уйғониб, атрофига аланглайди.)* Вой тавба-ей, ўзингга юз қатла шукр, худо! Мен, қайтадан позицияга бориб қолибманми, деб ўйлабман! *(Фросяни кўриб қолиб.)* Ия, хўш, мен қараб туриб, бу қанақа дўндиқ экан, деб ўйлабман, бу қаёқдан пайдо бўлиб қолди, дебман. Бу бўлса, ўзгинамизнинг Фроська экан. Қаранглар-а, бўйи ҳам чўзилиб қолибди. Хўш, нега жавоб бермайсан сингилгинам? Тилингни ютиб юбордингми? Айтсанг-чи, сен Фроськамисан, ё бошқамисан? Қани, устав қондасига мувофиқ жавоб бер-чи!

Фрося *(дадил)*. Фроська!

Семён. Кеча кечқурун қаерда эдинг, сени нега кўрмабман?

Фрося. Мен печканинг устида ётган эдим, сиз мени кўрмадингиз, мен бўлса сизни кўриб ётдим. Айтинг-чи, сиз суворийларданмисиз?

Семён. Ия, сен суворийларни ҳам биласанми? Хўш, нима қилардинг, қизалоқ тушмагур? Суворий нима эканига ҳам ақли етиб қолибди-я! Менинг суворийлардан эканлигимни нимадан била қолдинг?

Фрося. Гимнастеркангизга қадалган лентасиз «оқ бут» нишонидан билдим. Бу энди тўртинчи даражали Георгий крести дегани бўлади. Қани, йўқ денг-чи! Вой ўлай, мана бу нима? Улиб кетай, агар, бу ахир суворийларнинг милтиғи бўлмаса! Қани, йўқ, денг-чи! Вуй, вуй, ҳошияларининг чиройлигини кўринг. Этикларини қаранг-а, ялтираб турибди, кўзингни олади-я! Вуй, пичоқларининг эгрилигини қаранг, буни тўпчилар тақади-я? Бебут деб аталади-я? Қани, йўқ, денг-чи! Вуй, қопчиқнинг катталигини кўринглар, шундай оғирки, икки қўл-

лаб ҳам кўтариб бўлмайди, худди чамадондай! Ичида нима бор?

Семён. Чамадонга тега кўрма!

Фрося. Тегаётганим йўқ-ку! Ичида нима борлигини кўраман-да, жойига қўяман.

Семён. Қўл тегизма, деяпман, худди жазонгни бераман!

Фрося. Олинг-а, каравотнинг нарёғидан менга ета қолармидингиз?

Семён. Шунақами, менинг мис тўқалик камарим қани ҳали? Уша сенга етиб қолар.

Фрося. Мис тўқали камарингиз йўқ, мен уни ола тоғнинг бошига улоқтирганман.

Семён. Чиндан ҳам роса маҳмадона бўлиб кетибсан. Қопчиқни ерга қўй, деяпман сенга! Нима, уйни кўтариб ташлагинг келяптими? Балки бу қопчиқнинг ичида қўл бомбаси бордир, қаёқдан билиб ўтирибсан?

Фрося. Лимон нусхасими, шиша нусхасими?

Семён. А, а, нима дединг? Лимон нусхасими, шиша нусхасими, дедингми? Мана бу гапни томоша қилинглар энди! Хўш, бордию, лимон нусхаёқ бўлсин, унда нима бўларди?

Фрося. Биладан, биладан, лимон нусхаларнинг ёнидаги кичкинагина жойини мана бундай қилиб туртиш керак. Бўлмаса барибир ёрилмайди. Қани, йўқ, денг-чи!

Семён. Мен ҳам сенинг гарданингга мана шундай қилиб бир туртайки, таъзирингни егин. *(Ўрнидан қўзғалади.)*

Фрося йўлакка қочади.

Фрося. Айтмадимми, тутолмадингиз-ку!

Семён. Сени тутишга жуда кўзим учиб кетаётгани йўқ. *(Елғондан бир нарсани қидиргандек бўлади.)*

Фрося *(орқасидан келиб)*. Барибир тутолмайсиз.

Семён. Истасам шундай ҳам тутаманки. Мана мен ҳозир чолворим билан этигимни кийиб, қўлимга камаримни олай-чи!

Фрося. Барибир, тутолмайсиз!

Семён. Кўриб қоларсан!

(Эринчоқлик билан чолвориға қўл чўзиб, бирданиға қовоғини солганча Фросяға ташланиб қолади.)

Фрося аллақачонлар йўлак бўйлаб чопарди. Обкаш тушиб кетиб, челақ тарақлайди, Семён бўз иштонда ҳовлиға югуриб чиқадди. Қизиқсинганча деразадан томоша қилиб турган қизлар ва хотинлар ҳар томонға қочиб кетадилар.

Хотинлар (деразадан кўриниб). Вой ўлай, худо кўтарсин! Уятсиз, беҳаё! Нарн туринглар, худо хайрларингни бергурлар, юзларингизни бекитинглар. Вой дод!

Семён уялиб уйга қайтиб киради.

Фрося (деразадан мўралаб). Ҳих, қани тутолдингизми?

Семён (ўз-ўзига). Бу ким бўлди экан-а? Совянинг ўзими ё бошқами? (Қайчини олиб сочининг ўсиқларини қирқа бошлайди.)

10 Фрося (эшик орқасидан ачинган оҳангда). Мўйлабингизга тега кўрманг, ўзича қолаверсин! Сиз қатори фронтдан қайтиб келган ҳамма солдатларнинг ҳам мўйлаби ўсиқ.

Семён. Сен яна келдингми?

Фрося. Келдим.

Семён. Нима қилиб буқиниб турибсан? Уйга кир.

Фрося. Ҳа, алдамчи.

Семён. Киравер, киравер, тегмайман.

Фрося. Урмайсизми?

20 Семён. Урмайман.

Фрося. Бўлмаса чўқининг.

Семён. Мабодо мен худога ишонмасам-чи?

Фрося. Олинг-а? Ишонасиз.

Семён. Сен қаёқдан биласан?

Фрося. Биламан-да. Кимки артиллерияда хизмат қилса, ҳаммаси худога ишонади. Пиёда аскарлар билан Қора денгиз флотида хизмат қилган матрослар ҳеч қайсиси худога ишонмайди.

30 Семён. Бунн қаранглар-а! Ҳаммасини билар экан. Хўш, масалан суворийлар, инженерлик қўшинлари, буларда хизмат қилганлар-чи?

Фрося. Мен буларни билмайман. Чунки на суворийлардан, на инженер қўшинларидан қишлоғимизга ҳеч ким келганича йўқ. (Бирданига шивирлаб). Сизга битта гапим бор, Семён ака.

Кампир кириб қолади, челакни олиб чиқиб кетади.

Эшитдингизми, гапим бор! Битта одам сизга салом айтиб юборди. Бу одам сизни деб қандай жабру жафо тортганини ўзингиз яхши биласиз. Бундан буёндаги 40 фикрингиз қанақа? Уйига совчи юборасизми, йўқми? Балки сиз бу одамни унутиб ҳам юборгандирсиз?

Семён. Нима деяпсан? Нима бўлмағур гапларни валақлаяпсан. Бу гапинг учун қулоғингни кесиб қўлингга берса бўлади.

Пауза. Она кириб, чиқиб кетади.

Ўша одамга айтиб қўйки, у мени унутса унутгавдир, ammo мен уни ҳеч унута олмадим. Тўрт йил мобайнида кеча-кундуз ёдимда бўлди. Ҳали ҳам ўша гапим — гап, арслон изидан, йигит сўзидан...

Фрося (бошини қимирлатади). Хўп, бориб айтаман. (Кетади.)

Она киради, сандиқдан ироқи тикилган битта сулги олиб Семёнга беради.

Семён. Қани, хўш, она, совет ҳокимияти бўлгандан кейин умуман ишларингиз қалай? Доклад қилинг-чи.

Она. Худога минг бор шукур, совет ҳокимияти бўлгандан бери ишлар жойига тушиб кетди. Утган кузак помещчик Клембовскийнинг ери кўпчиликка тақсим қилиб берилди. Худо ярлақагур ер-сув шуъба бизга ҳам жон бошига уч десятинадан ер ажратиб берди.

Семён. Баракалла, бу киройи иш бўлибди.

Она. Онажон, сиз ҳам бир жон, дедию, менга уч десятина, Фросяни ҳам бир жон ҳисоблашди-да тагин уч десятина, ҳаммаси бўлиб олти десятина ер беришди.

Семён. Нега менга ажратишмади, мен жон эмас эканманми?

Она. Сен ўз жонинг учун яна уч десятина олишинг керак. Ўз ерингни сўраб бизнинг қишлоқ совети бошлиғи ўртоқ Ременюкка учрашининг керак. Хат-хужжатларинг қўлингда бўлсин.

Семён. Бўлмасам-чи, албатта бориб учрашаман. Қоидаси шунақа. Ана ундан кейин десангиз, ҳисобга солиб кўрганда ҳам бизнинг таппа-тахт тўққиз десятина еримиз бўлади. Ана рўзғору ана хўжалик, иш бундай бўлибди-да, онажон.

Она. Ундан ташқари десанг, Клембовскийнинг йилқиларидан Машка деган битта от тегди. Тагин битта сигир тегдию унинг номи йўқ, кейин тагин, учта она-болали қўй.

Семён. Ҳа, ҳа, ана рўзғору ана хўжалик, иш бундай бўлибди! Шошманг, онажон, қўйларни қаёққа қўйдингиз?

Она. Оғилхонада.

Семён. Кечасига қўйларни уйга олиб кириш керак бўлади, тагин, худо кўрсатмасин, қўзичоқлар музлаб қолмасин!

Деразадан чоллар кўринадилар.

Биринчи чол. Салом, болам, Семён Фёдорович!

Семён. Салом, отахоним Григорий Иванович!
Иккинчи чол. Бизнинг суворий ўғлимиз саломатми?

Семён. Омон-эсон, дийдор кўришганимиз учун юз қатла шукур!

Учинчи чол. Сафарлар муборак! Омон-эсон подшолик хизматини ўтаб келдингми, болам? Ҳа, ишқилиб, худо уй-жойингга барака берсин.

10 Семён. Қуллуқ, айтганингиз келсин. Сизнинг ҳам рўзгорингиздан барака кўтарилмасин, Кузьма Васильевич.

Деразадан хотинлар кўринадилар.

Биринчи хотин. Салом, Семён Фёдорович. Омон-эсон кўришар кунлар ҳам бор экан. Худога минг қатла шукур. Ишқилиб эсон-омон қайтиб келибсиз. Биз, сиз ҳали ҳам немисларни тумтарақай қилиб қувлаб юргандирсиз, деб ўйлардик. Одамларнинг айтишича, сиз уларни эмас, улар сизни тириқтирганмиш. Яратганинг ўзи асрасин!

20 Семён. Зинҳор ундай эмас. Подшоликнинг ўқларини бекорга немисларга нест-нобуд қилиб ўтирармидим. Яхшиси уйда печкага чиқиб олиб ички душманлар — хотин-халажни мўлжалга олиб ётаман.

Иккинчи хотин. Хуш келибсиз. Фронгда сизга мукофотни мунча оз беришди, крест нишонингиз ҳам кам?

Семён. Менга позицияларда мозорингга қўярсан деб яна битта ёғоч крест беришмоқчи эди, унамадим, жонимдан умидим бор, дедим.

30 Учинчи хотин. Суворий йигит, погонларинг қани?

Семён. Погонларимни Руминия яқинида битта аҳмоққа тамакига алмаштирдим...

Биринчи чол. Шундай қирчиллама эркак бўлиб қайтибдики.

Деразага Семёнини тенгдошлари келадилар.

Биринчи йигит. Салом адаш, ишлар қалай?

Семён. Саломатлик, тобуткаш. Сенинг билан менинг ишимиз ҳовли-жойнинг тинчлиги-да.

40 Иккинчи йигит. Позицияларда нима гап? Ярашилгани аниқ бўлди ми ё ҳали ҳам отишиб ётибдимиз?

Семён. Совет ҳукуматининг буйруғига кўра, худди 20 февралдан буён бутун фронтларда тиқ этган то-

вуш йўқ. Ҳаракатдаги турган қўшинлар ҳам буткул тарқатиляпти.

Иккинчи йигит. Немислар тагин ҳужум қилмоқчи эмасми?

Семён. Нега энди ҳужум қилсин? Немислар билан ярашганмиз-ку ахир, ошна-оғайни тутинганмиз.

Учинчи йигит. Қулоғингга чалиндими, бутун ишнинг тепасида ҳам Ленин турибдими?

Семён. Ҳа, эшитишимизча, Ленин ҳали ҳам ўша ўзининг эски ўрнида, бутун ишларни бажариб турибди, халқнинг ташвиши билан банд, беҳудага ўридан бўшамоқчи ҳам эмас.

Биринчи йигит. Керенскийни ҳали тутиб олишганларича йўқми?

Семён. Ҳа, газанда Керенский, хуллас, ҳалигача қўлга тушгани йўқ. Инглизлар унга қалбаки, текин поезд билети ёзиб бергандан буён, шу қалбаки билетни қўлида тутамлаганча баъзида хотинча, баъзида гимназистча кийиниб, бутун темир йўлларда айланиб юрипти.

Меҳмонлар кетадилар. Деразага болалар келадилар.

Болалар. Болалар, ҳей, болалар, буёққа келинглар. Семён амаки урушдан қайтиб келибди. Амаки, ҳой амаки, сиз большевикмисиз?

Семён. Қани бир туёқларингни шиқиллатиб қол, тирмизаклар. Бўлмаса дарчани хушбўй қилиб юборсанлар.

Болалар кетадилар, Фрося киради.

Фрося (муғамбирона шивирлаб). Мен ҳозиргина, яна ҳалиги айтган одамни кўрдим. Сизнинг айтган бутун гапларингизни унга айтдим. У сизга яна салом айтди. Озроққина вақт топсам фириллаб уйларингизга ҳам бориб келарман, деб айтди.

Соня (деразадан). Семён! *(Яширинади.)*

Семён. Соня!

Фрося. Соняни қаёқдан кўра қолдингиз, қани у?

Семён дераза томонга бориб ташқарига қарайди. Шу вақтда эшикдан Соня кириб келади.

Семён. Деразадан «Семён» деган ким бўлди?

Фрося. Сизга шундай эшитилгандир.

Семён (орқасига ўгирилиб Соняни кўради).
Соня...

Соня (унга ўзини отади). Оҳ, Семён! Оҳ Семёнгинам, жонгинам, жону танинг саломат, бахтимга омон

келибсан. Вой, қўлларинг шундай иссиқ, шундай иссиқ-ки! Мени эсингдан чиқариб юборибсан. Мен сени эсдан чиқарганим йўқ.

Семён. Йўғ-э, ўзинг мени эсингдан чиқариб юборгандирсан. Ҳали ҳам юрагимдасан, сенга берган сўзим — сўз! Отахон қалай?

Соня. Отам фронтдан октябрнинг ўрталарида қайтиб келди.

Семён. Фёзли айниганми?

10 Соня. Итдан ҳам баттар.

Семён. Мени тилга олмагандир-а?

Соня. Чурқ этиб ҳам.

Семён. Тилга олгандиру ёдингдан чиққандир-да?

Соня. Худо урсин агар, чурқ этгани йўқ. Хўп, бўлмаса, хайр. Одам уялиб кетяпти. Уйга борай.

Семён. Шошмай тур. Менинг келганимдан қариянинг хабари борми?

Соня. Уйда эмас. Бозорга тушиб кетган. Мен кета қолай. Тагин одамлар кўриб қолишмасин.

20 Семён. Тўхта, мунча шошилмасанг.

Соня. Вой, Семён! *(Унинг қўлларини ушлаб, атрофга қулоқ солади.)*

Семён. Нима бўлди, жоним?

Соня. Ҳай, ҳай, ҳай... *(Деразадан қарайди.)* Даддам бозордан қайтиб келяпти, вой шўрим қурмасин. Қилиғини қара-я. Шунча кўнгилхушлик қилганимиз етар, турқингни ел емасин, илоҳим. Кета қолай.

Семён. Шошма, мунча энди?

Соня. Одамлар кўриб қолади. Қўйиб юборсанг-чи!

30 *Ташқаридан гармонь товуши эшитилади.*

Семён *(Соняни қучоқлаб)*. Сени қўйиб юборолмайман. Худо кўрсатмасин, тагин тўрт йил жудо бўлсам-а...

Соня. Нега жудо бўлар экансан, ахир мен бир минг тўққиз юз ўн тўртинчи йилдан бери сеникиман-ку.

Семён *(гармонга қулоқ солиб)*. Яхши чаларкан.

Соня. Чалаётган матрос Царёв.

Фрося. Қора денгиз флотидан.

Семён. Ия, ҳали ҳам шу ердамисан?

40 Фрося. Нима қилибди! «Алмаз» деган юкчи кемадан. У Любка Удовченкога уйланиш учун атайлаб Одесадан келган. Уйининг атрофида парвона бўлиб, уни уйдан чиқаришга урингани-уринган, яккаш гармонь чалади.

Семён. Ҳа майли, соз. Биз сени ушлаб турмаймиз.
Жўнаб қўя қол.

Фрося. Жўнайман. (Пауза.)

Соня. Семён...

Семён. Нима дейсан, жоним?

Соня. Уйимизга совчи юбориш ўйингда борми ё йўқми?

Семён. Сўзим — сўз, арслон — изидан, йигит — сўзидан. Шундай қилиб дегин, Соня, худо хоҳласа, мендай ўғлимиз ҳам бўлар, деб умид қиламан.

Соня. Мен қўрқаман.

Семён. Нимадан қўрқасан, тентак?

Соня. Ўша кунларни кўролмай ўлиб кетсам-чи?

Семён. Нега ўларкансан? Ёмон ният қилма.

Соня. Иссиқ жон-да, ким билиб ўтирибди.

Семён. Ёмон ўйларга борма, ҳали ҳеч гап бўлгани йўқ-ку, сен ваҳмага тушиб ўтирибсан.

Соня. Менга қара, Семён. Биз ўша ўғилчамизни нима қилиб қаерда чўқинтирамиз? Фёдор отага олиб борамизми ё бошқасигами?

Семён. Қимни айтаяпсан?

Соня. Ўғилчани-да.

Семён. Қимнинг ўғилчасини?

Соня. Ҳалиги, ўзимизники-да.

Семён оҳиста кулади.

Бўлди, бўлди, уйимга кетаман, бас.

Семён. Шошмай тур. Сен ҳали ўғилчани гапириб ўтирибсан, уйингдаги кексалар бу гал ҳам менинг совчиларимни қуруқ қайтаришиб юборишса-я?

Соня. Сен шундай совчиларни юборки, йўқ дейишмасин, қуруқ қайтаришга ботинишмасин.

Семён. Улар қандай одамлар бўлиши керак? Даданг ийманадиган одамлар кимлар бўлди экан?

Соня. Бообрўроқ, дадилроқ одамларни юборсан-да!

Фрося. Мен ўшандай одамларни биламан.

Семён. Ҳали ҳам шу ердамисан?

Фрося. Бўлмасам-чи! Энг олдин бориб матрос Царёвга илтимос қилинглар. Сонянинг дадаси Ткаченко чол унинг гапини қайтаролмайди.

Соня. Рост, дадам матроснинг гапини қайтаролмайди.

Фрося. Ткаченко чол Қора денгиз матросларидан бало-қазодан қўрққандек қўрқади.

С о н я. Рост, инс-жинсдан қўрққандек қўрқади. Матросдан илтимос қилиш керак, совчи бўлиб борсин.

Ф р о с я. Матрос икки жойдан бирида бўлади, ё Любкаларнинг уйи атрофида айланиб юради, ё бўлмаса қишлоқ советига кириб бориб бошлиққа иш ўртади.

С о н я. Семён, ўша матросга бориб ялина қол.

С е м ё н. Тўғри, бугун-эрта бориб илтимос қилиш керак. Бу қийин иш эмас.

10 С о н я. Бўлмаса, яхши қолинглар. Мен кетдим. Уйга бормасам бўлмайди.

С е м ё н. Якка ўзинг кетасанми? Жоним, сени ўзим кузатиб қўяман.

С о н я. Дадам кўриб қолса нима бўлади?

С е м ё н. Биз полиз оралаб кетамиз-да.

С о н я. Биз қачонгача яшириниб юрамиз!

20 С е м ё н. Кўпга бормади. Эртагаёқ қишлоқ советига бориб, матросга учрашаман. Азбаройи худо, бу нима деган гап, Соня? Ҳеч ўзингни эҳтиёт қилмайсан-а...

Шундай салқин ҳавода, ялангқават кўйлак билан елиб-югураверасан. Кел, мен сени шинелим билан ўраб барримга олай. Суворийларнинг шинели қандай нарса эканлигини биласанми? Бу шинель билан бир взвод аскарни бошдан-оёқ ўраб-чирмаб ташласа бўлади. Қани, кел-чи... *(Ўзи билан Сонянинг кифтига шинелни ташлаганча чиқиб кетади.)*

Ф р о с я *(бир ўзи қўшиқ айтади):*

Гувиллаб, шариллаб қуяди ёмғир...

Шундай бир ҳавода ёш қайлиққинани

30 Айтинг, уйига ким кузатиб қўяр?

М и к о л а *(деразадан мўралаб)*. Фрося! *(Беркинади.)*

Ф р о с я *(деразадан қарайди)*. Микола! Майнавозчилик қилма!

М и к о л а *(эшикда кўринади)*. Уйингизга кирсак бўладими?

Ф р о с я. Қизиқсангиз, киринг. Биз уйимизни ҳар кимга ҳам ишонаверамиз. Нима дейсан?

М и к о л а. Сени кўргани келган эдим!

40 Ф р о с я. Кўриб олдингми?

М и к о л а. Кўриб олдим.

Ф р о с я. Бўлмаса, яхши боринг.

Микола Фросяга каноп билан танғилган пакет беради.

Бу нима бўлди?

ниясини немислар босиб олибди. Қаерга боришини билмай қолибди.

Семён. Уруш ҳам одамларнинг бошига не-не кўргиликларни солди-да.

Она киради.

Семён (онасига). Уйлаб-уйлаб, Соня важидан Ткаченконикига совчи юборишга қарор қилдим... Шунга сиз нима маслаҳат берасиз, онажон?

Она. Нима дердим, болам, оғизгинангдан айланай, худога минг қатла шукур, дейман, холос. Аммо Ткаченко бизнинг совчиларни қуруқ қайтармасмикан?

Семён. Буниси борганда маълум бўлади. Эҳтимол қуруқ қайтармас.

Парда

Иккинчи кўриниш

Ткаченконинг уйи.

Ткаченко. Семён Котко қишлоққа қайтиб келганмиши?

Хотини. Ҳа.

Ткаченко. Бу томон қалай, Соня уни эсидан чиқариб юборганми, ё ҳали ҳам ўйлагани ўшами?

Хотини. Бу қурмагурларни ким билади дейсан, Никанор Васильевич. Қизлари ўлгур замонасидан ҳам расво бўлиб кетди.

Ткаченко. Минг лаънат!

Янги хизматкор киради.

Хизматкор. Никанор Васильевич, жийрон қашқа Бургутчанинг бўйнини бўйинча шилиб юборибди. Буюрадиган ишларингиз йўқми?

Ткаченко. Худо хайрингни берсин, бир пас тўхтаб тур. Буларни ўйлашга ҳозир вақтим йўқ. (Бақиради.) Сонька! (Хизматкорига.) Бир нарсага ҳеч тушунмайман. Позицияларда баъзи одамларнинг калласини ўқ учуриб кетади, баъзилар бўлса бутун уруш давомида ҳар куни батареяда ўтириб олиб, бундан завқланадилар. Шу қадар ҳам аҳмоқлик бўладими? (Бақиради.) Сонька!

Соня киради.

Қани, хўш?

Хотини. Қизга раҳминг келсин, барака топгур,
Никанор Васильевич!

Ткаченко. Сен билан гаплашаётганим йўқ. Ҳой,
сендан сўраяпман, Сонька. Сен ҳали ҳам Семёнга те-
гиш умидидамисан? Айт-чи? *(Унга қўл кўтаради.)*

Соня *(бақириб)*. Шундай.

- Ткаченко. Овозингни ўчир, беҳаё!.. Юзингдан қў-
лингни ол! Кўзингни пириллатаверма. Ўчир. Муддаонг-
ни билиб турибман. Нима қилмоқчи бўлаётганингни мия
- 10 жувонмарг бўлгуринг билан ўйлаб кўрдингми? Кимга
тегмоқчисан? Менга ўша куёв бўлармиди? Балки сен,
бу ҳарала-тарала Россияда яна ўн йил давом этади, деб
ўйлаётгандирсан? Сенга айтадиган гапим шу — хомхаёл
қилмай қўя қол. Клембовскийнинг ерини тортиб олиш-
ди, Клембовскийнинг мол-ҳолини бўлиб олишди, Клем-
бовскийнинг уйи тақатақ ёпиқ, эшигида бузоқнинг кал-
ласидек қулф, уларники бўлса тараллабедод — ашула.
Хўжайинсиз ҳам кунимиз ўтаверади, деб ҳаммаси хур-
санд. Нуқул сургундан қайтганлар ўзбошимча иш қил-
20 олмас, деб ўйлайман. Билиб қўй, яқин орада, эҳтимол
бир ой ўтар-ўтмас ишлар яна бояги-боягидай бўлиб қо-
лади. Семённи бошингга урасанми, Клембовскийдан
талаб олинган сигирлару ноинсофлик билан тортиб олиб
экин экилган ерлар асқатармиди? Ушалар билан бирга
судга тушмоқчимисан? Сургунга кетгинг келяптими? Уқ-
қа тутилгинг келяптими? Менинг ҳам номимни бир пул
қилиб, юзимни умрбод шувит қилмоқчимисан? *(Пау-
за.)* Уқдингми? Яқинда буёққа немислар келишади.
- 30 Уларнинг изидан император ҳазратлари етиб келсалар
ҳам ажаб эмас. Бу гапларни бохабар ишончли одам-
лардан эшитдим. Озгина сабр қил. Худо хоҳласа ўзинг-
га яраша бирон одам топилиб қолар.

Соня. Менга бошқа одамнинг кераги йўқ. Менга
ёпишаверманг, дада, бари бир Семёндан бошқа ҳеч
кимга тегмайман.

Ткаченко *(Соняга жуда яқин келиб таҳдид би-
лан)*. Сен менга ҳали гап қайтариб ўтирибсанми?

Соня *(маъюс)*. Менга тега кўрманг! *(Уни итариб
ташлайди)*.

- 40 Ткаченко. Мохов!

Соня. Ўзингиз мохов! Сизда уят деган, виждон де-
ган нарса борми! Менга тега кўрманг. Боринг, чиқиб
совчиларни кутиб олинг.

Ткаченко. Қанақа совчи?

Соня. Одатдаги совчилар.

Ткаченко. Қани совчилар?

Хотини. Ана кўчада, биз томонга келишяпти.

Ходим. Қишлоқ советининг раиси билан матрос

Царёв.

Хотини чўқинади.

Ткаченко. Сонька!

Соня. Менга қараб ўдағайлайверманг, дада, мен ҳам ўдағайлашни биламан.

Ткаченко. Овозингни ўчир, деяпман, лаънати! Бошимни ғавғага қўйма. Бор, муздек сув билан турқтароватингни чайқаб ташла!

Хотини ва Соня кетадилар. Ременьюк билан Царёв кирадилар. Уларнинг кетидан Соня буқиниб киради.

Фрося (эшикда). Бу ёққа, амакилар, бу ёққа. (Эшик орқасида қолиб, кейин деразадан кўринади.)

Ременьюк. Сизга келган эдик, Никанор Васильевич.

Царёв. Шундай, ҳа, сизни йўқлаб келдик, ўртоқ Ткаченко. Бошқа қаерга ҳам борардик?

Ременьюк. Худо хайрингни бергур, шошилма.

Ткаченко. Хуш келибсизлар, қани, уйга киринглар. Айбга буюрмайсизлар, марҳамат, ўтиринглар.

Царёв. Мебелларининг кўплигини қаранг-а, шаҳардагидек. (Дераза орқасида турган Фросяга имлайди.) Жўнаб қолма, Фрося, ҳозир ҳаммасини қотирамыз.

Ҳаммалари ўтирадилар.

Ременьюк. Никанор Васильевич, дейман қишлоқ советимизга кам борадиган бўлиб қолдингиз?

Ткаченко. Нега, бориб турибмиз-ку. Шуниси ҳам борки, қишлоқ советида менга нима кераклигини билмайман! Бировларнинг отининг менга даркори йўқ, худога минг қатла шукурки, ҳозирча ўзимнинг отларим бор. Шунга ўхшаш бировнинг ерига ҳам зор эмасман.

Царёв. Улар социалист-революционерларнинг аграр платформасида турар эканлар, оддий кадетлар платформасида, деса ҳам бўлади. Бизнинг ўндратганларингни қайтиб ол, деган шиоримиз уларга ёкмас экан. Сиз нима дейсиз, ўртоқ Ременьюк?

Ременьюк. Мен айтаманки, маҳалликларимиз ичида ҳали ҳам шундай ўтакетган онгсиз кишилар бор.

Ткаченко. Мен, айтаманки аксинча, ўтакетган онглилар бор, деб.

Пауза.

Царёв (*Ременьюкка пичирлаб, сурур билан*). Ҳаҳ, гўсала! Бу гўсалага нима дейсан! Бизнинг Қора денгиз флотига ҳам шундай. Қондукторлардан шундай ярамаслар чиқиб қоларди — қўндоқ билан калласига тушириб, Қора денгизга ҳавола қилардик.

Деразадан Любка ва Фрося кўринадилар.

- 10 Любка. Нима, унашишяпти?
Фрося. Йўқ ҳали. Ҳозир гаплашишяпти.
Царёв (*Любага имо-ишора қилади*). Ҳечқиси йўқ, ўзимизники бўлади-қўяди. Ҳозир қотирамиз.
Ременьюк. Айтмоқчи, Никанор Васильевич, уйингизга қизил тулки югуриб киргани йўқми? Сиздан ёш князь илтимос қиляпти.
Царёв. Уша ўзингиз билган ўртоқ Котко Семён Фёдорович. Омилкор, бақувват, бўйдоқ одам, ҳар қандай одамни ҳам саранжом-сариништа қилиш қўлидан келади...
- 20 Ременьюк. Худо хайрингни берсин, тилингни тий. Ўзингни ўтга-чўққа урма. (*Ткаченкога*.) Сизга ёш князь илтимос қилиб, унга қизингиз Соня Никаноровнани беришингизни сўрайпти.
Царёв. Худди шу гапнинг ўзи-ку. Мен нима демоқчи эдим бўлмаса?
- 30 Ременьюк (*магросга*). Нағмангни чалаверма. (*Ткаченкога*.) Биз қишлоқ оқсоқоллари сизга ана шу илтимос билан мурожаат қиламиз, илтифот қилишингизни сўраймиз. Албатта энди, бизни қуруқ қайтариб бутун қишлоқдагилар олдида кулги қилмасиз, деб ишонамиз.
Царёв. Албатта-да. Хуллас, шамгун бўлмасак бўлди.
Фрося (*дераза томондан*). Унашишяпти.
Ткаченко. Бу ахир умр савдоси, менинг олдимга жуда мушкул масалани қўйиб қўйдиларинг. Бундай бўлишини ўйламаган эдим. Муҳлат берасизлар. Ўйлашиб кўрамиз.

40 *Деразадан Сонянинг ўртоқлари кўринади.*

Царёв. Бу ерда ўйлашгудек нима гап бор? Гап-

нинг пўст калласи шундаки, қизнинг ўзи розими? Рози! Семённинг ўзи розими? Рози! Энди қизнинг отасига келайлик, у ҳам албатта рози. Чунки ота Румин фронтдалигидаёқ Семёнга ўзининг қатъий ваъдасини бериб қўйган. Ушанда икковларининг ўртасида шу тўрида сўз ўтган экан. Ҳе, индамай турибсиз. Ҳақиқат аён экан, тасдиқланг. Ё инкор қиласизми?

Ткаченко. Мен лафзимдан қайтмайман. Қизим нима деса, манинг гапим ҳам шу. Майли ўзи келиб айтидиган гапини айтсин. (*Чақиради.*) Соня, Соня, қани бу ёққа кел-чи.

Царёв (*дераза орқасидаги қизларга қараб*). Дамларингни чиқарманглар, ҳозир унашамиз.

Соня билан онаси кириб келади, икковларининг ҳам кўзларида ёш.

Ткаченко. Хотин-қизларнинг кўз ёши-да, нима бўларди.

Царёв. Таомилдаги гап. Намакоб, обидийда холос. Бизнинг Қора денгиз ҳам шунинг ўзи. Ундан ортиқча эмас. Ҳе, бу гапни йиғиштириб турайлик. Сизларга ёш князь, ўзларингизга таниш бўлган бир одам, исми — Семён Фёдорович, фамилияси — Котко, қулчилик изҳор қиляпти. Жавобларингиз қандай бўларкан? (*Ременьюкка қараб.*) Тузук айтолдимми?

Ременьюк. Ҳа, майли.

Ткаченко. Хўш, қизим, Соня, гап сенда қолди. Жавоб бер.

Соня. Семёнга тегишга розиман.

Царёв. Вассалом, томоша соп бўлди.

Қизлар ва Фрося кириб келадилар.

Царёв (*Любкага*). Қани, Любочка, ёнимга келиб ўтир. (*Ҳаммага қараб.*) Қани, ўртоқлар, қуда-қудагайлар. (*Шиша олиб, вино қуймоқчи бўлади.*)

Ременьюк. Тура турсанг-чи, сабр қил!

Царёв. Тагин ўша, ўша гап. (*Любкага.*) Ҳамиша оғзимга уради.

Соня столга егуликлар қўя бошлайди.

Ременьюк (*стаканни кўтариб*). Қани кўтаринглар, бахт-толе билан қўша қарисинлар. (*Стаканни Ткаченко, унинг хотини, матрос билан уриштиради.*)

Фрося. Унаштиришди, унаштиришди, унаштиришди!

Царёв (*Любкани қучоқлаб*). Жонгинам, яқин фурсатда сен билан мени ҳам худди ана шундай унаштириб қўйишади. (*Шишага ёпишади*.)

Ременьюк. Тавба-ей, бир пас сабр қилсанг-чи, бунча жониқмасанг! Ўзи Қора денгиз флотидан бўлишига қарамасдан урф-одатга тариқча ҳам тушунмайди. Худди ёш болаларга ўхшайди! Винони жойига қўй.

Қизлар (*қўшиқ айтадилар*):

- 10 Қариялар нимага бу ерда ўлтирибсиз,
Уйингизга кетмасдан нималарни кутибсиз?
Сонечка бизнинг ўртоқ — у сизники бўлмайди,
Унашган бўлсак аммо — сизникига кетмайди,
Бизнинг Сонямизни олиб кетолмайсиз.

Ременьюк. Энди қўйиш мумкин. Тушундингми?
Царёв. Тушунмай ўлибманми, тушундим.

Ҳаммалари қадаҳларига қуядилар.

Соня (*Фросяга*). Югур, Семёни айтиб кел.

Фрося кетади. Қизлар қўшиқ айтадилар.

- 20 Любка (*Царёвга суянганча*). Василий!
Царёв. Нима дейсан, жонгинам?
Любка. Сен қачон бизникига совчи юборасан?
Царёв. Кўриб турибсан-ку, Любочка. Мана шу унашишни ўринлатсак, деган ташвиш билан бўлиб сени унаштиришга заррача ҳам вақт тополмадим. Буларни келиштиргунча, ўзим ўлар ҳолатга етдим.

Семён билан онаси кириб келадилар.

Ременьюк. Уйнаб кулсанг бўлаверади, унаштириб қўйдик.

- 30 Царёв. Менга раҳмат дейишинг керак, оғайни.
Мен мана бу ўлимтикка шундай бир девара қилдимки, оёғи куйган товукдай турган жойида типирчилаб қолди.

Ткаченко. Салом Қотко, табриклайман.

Семён. Салом, Никанор Васильевич.

Ткаченко. Сен билан яна бир марта дийдор кўришиш ҳам муяссар бўлар экан-а!

Семён. Худди шундай!

Ткаченко. Батараядан қайтганингга кўп бўлдимми?

- 40 Семён. Утган ойнинг ўн бешида, қўшин тарқатилиши муносабати билан бўшаб келдим.

Ткаченко. Жуда соз, шундай қилиб, немисларга бутун тўпу тўпхона, от-араваю, яроғ-аслаҳаларни ташлаб келавердингларми?

Семён. Оту араваю тўпу тўпхона ҳаммаси жой-жойида қолди. Бироқ буларнинг ҳаммаси энди Ишчи-Дехқон Қизил Армиясининг мулки ҳисобланади.

Ткаченко. Ҳаҳ-ҳа, ҳали иш шундай дегин? Ҳа. Демак, батарея бут-бутуну фақат қизил, дегин? Хўш, командир бўлиб ким қолди?

Семён. Командиримиз — кўнгилли бўлиб ҳарбий хизматга кирган Самсонов.

Ткаченко. Ана энди, буни сиз мулоҳаза қилиб кўринг. Жиндаккина ўйлаб кўринг, жаноблар... Э, э, афв этасиз, ўртоқлар. Ҳозир армияда хизмат қилиш жуда ҳам бачканалашиб қизиқ бўлиб кетди-да. Оддийгина бир кўнгилли бир батареяга бошчилик қилади-я! Шундай бўлгандан кейин, Қотко, сен ҳам ўз зимманга бемалол тўпчилар бригадасининг командирлигини олаверсанг бўларкан. Қани, қадрли қудалар, меҳмонлар овқатга қаранглар. Утиринглар.

Царёв. Нону туз сиздан, ароғи биздан. (*Қўйнидан шиша олиб, столга қўяди.*) Биттага биттани қўшса — жамулжами иккита бўлади, бунинг отини ҳисоб-китоб дейдилар.

Ременюк. Тўппа-тўғри.

Семён индамасдан Соняга тавъим қилади. Қиз унга лаганчада дастрўмол беради. Семён дастрўмолни олиб, камаридаги бебут ёнига қистириб қўяди. Бир неча дақиқа улар сўзсиз қарама-қарши турадилар. Охири Соня унинг бўйнига осилиб ўпади. У ҳам уни ўпади. Кейин улар қучоқлашиб олиб бир-бирларининг қўлларини узоқ ўпадилар.

Қизлар (*ашула айтадилар*):

Тонг отди, оқ тонг отди,
Тоғ бошида бир уй бор,
Унинг ичида тўй бор,
Еш куёв билан келин.
Қиздан сўрдилар секин:
— Қимни яхши кўрасан?—
— Уз отамни севаман!
Келинчак ёлғон айтди,
Тонг отди, оқ тонг отди.

Семён билан Соня стулга ёнма-ён ўтирадилар.

Ременюк (*Семёнга*). Қани энди, йигит, қили-

чингни буёққа берчи! *(Семённинг қиличини олади.)*
Энди бизга шам кўтарадиган яхшигина бир қиз керак.
Хўш, орангизда ким шу ишга муносиб?

Ф р о с я *(ўз-ўзига гапиргандек Ременьюкка тикилиб).*
Мен-да, амаки. Мен бўламан!

Р е м е н ю к. Хўш, сен ўзинг кимсан?

Ф р о с я. Ефросиния бўламан. Котко Семённинг синглиси.

Р е м е н ю к. Ундай бўлса ярайсан. Қилични тута
10 оласанми? Ма, ушла! Шамни сен кўтарасан.

Ф р о с я. Вой йўқ, вой йўқ амаки, мен уяламан.

Қизлар қилични қурғоқ гуллар ва бошқа нарсалар билан безайдилар.

Ц а р ё в *(қўйнидан йўғон бутхона шами олади).*
Мана бу ёруғликни олинглар.

Қизлар шамни қиличга боғлаб ёқадилар, Фросяга берадилар. Фрося шам ва қилични кўтариб стол четида ўтиради. Меҳмонлар кирадилар. Уларнинг орасида Микола ҳам бор.

М и к о л а. Вой, малла қизалоғ-эй! Сен шам кўта-
20 радиган бўлиб қолдингми?

Ф р о с я. Мен малла эмас, кўнғирман!

Қ и з л а р *(қўшиқ айтишда давом этадилар):*

Тонг отди, оқ тонг отди!

Далада қайрағоч бор

Шаҳар гули беғубор,

Сонечка гул узади.

Она уни тияди:

— Қизим, узма бу гулни,

Семёнга бердик сени.

30 Мен ҳам уни севаман,

Узук филдиратаман,

Узук кимда тўхтаса,

Арзийди ёрим бўлса.

(Семённинг онаси туриб таъзим қилади). Шунчалик меҳмондорчиликларингиз учун минг раҳмат. Энди бизларга жавоб, кетсак ҳам бўлар.

Т к а ч е н к о. Утирибсизлар-да, қадрли меҳмонлар. Буларнинг шамлари ҳали узоқ ёниб туради.

Ц а р ё в. Мен жўрттага шу шамни топиб келдим-да.
40 Бира тўла икки кеча сурункасига тўй-томоша қилайлик, деб.

Ременюк. Ҳа-ҳа, ҳали шунақа дегин? Мен сенинг шу бемаънилигинг учун бутун бир иш кунимни йўқотдим. Қишлоқ советида бўлса ишим тўлиб ётибди. Қлембовскийдан қолган қишлоқ хўжалик машиналарининг рўйхатини тузиб чиқиш керак. Бўлмаса одамлар экинларини ўз вақтида экиб ололмайдилар. Шундай қилиб, бу ишни тезроқ тамомлашимиз керак.

Царёв. Хўш, сиз нима дейсиз, Трофим Иванович, буларга янги расм бўлган рақсни кўрсатамизми? Уни Қора денгиз флотимизда бошлаб ижро қиладилар.

Ременюк. Бир вақт мен ҳам тўйларда ўйнаганман.

Царёв. Полькани чал! Любочка, қани ташла!

Рақсга тушадилар.

Парда

Учинчи кўриниш

Қишлоқ совети.

Микола крест, тухум, товуқ ҳамда бошқа егуликлар солинган сават кўтарган попнинг сурати тасвирланган динга қарши янги плакатни деворга осмоқда. Ременюк, Царёв ва бир неча қишлоқчилар.

Семён киради.

Семён. Саломатмисизлар!

Царёв. Омонмисан!

Ременюк (Семёнга). Хўш, нима гаплар бор, князь йигит!

Семён. Мен сизларга яна илтимос билан келдим. Айтишга ботинолмаяпман.

Ременюк. Марҳамат, айтавер.

Семён. Сизлар мени унаштириб қўйдинглар, бунинг учун Соня иккаламиз ҳам сизлардан миннатдоримиз. Яна бир илтимос, барака топинглар, қайтарманглар — тўйни ҳам шундай ўтказиб беринглар, бўлмаса бемаза чол яна сарсон қилади. Тўйни шу вақтгача чўзиб юрибди.

Ременюк. Йўқ, йўқ, бу ёнига ожизман. Бир март лафзимда туриб, унаштириб қўйдим, бундан кейин ишқ-муҳаббатларингизга аралашиб куйди-пишди бўлишга вақтим йўқ. Қўйиб берсанг — унашиш деган гап чиқади, унинг кетидан тўй чиқади, унинг кетидан ўғил

тўйи чиқади, унинг кетидан қиз тўйи чиқади, унинг кетидан никоҳ чиқади, кейин чўқинтириш деган гап чиқади, бу етмагандек ҳали мени бутхонага сургаб қолмасаларинг яхши эди. Гап шу, билиб қўй,— йўқ дедим, йўқ, бекорга овора бўлиб юрма ҳам, сўрама ҳам, минг уринганинда ҳам овора бўласан, кўндиролмайсан. Ҳозир Украинамизда тўйма-тўй югуриб, ишқ-муҳаббатга араллашиб, бировга насиҳат қилиб ўтирадиган вақт эмас. Биз томонга немислар бостириб келяпти.

10 Семён. Немисларинг нимаси? Ҳамма фронтларда немислар билан ярашганмиз-ку, ўзим яқинда ўша ёқдан келдим-ку? Бизнинг уларга, уларнинг бизга даҳли йўқ.

Ременьюк. Шунақа дегин. Сен унча тушунмаётибсан, Семён, унча тушунмаётибсан. Бизнинг уларга, уларнинг бизга даҳли йўқ эмиш. Билиб қўй, аксинча: бизнинг уларга даҳлимиз йўғу уларнинг бизга даҳли бор экан. Марказий радани биласан, уни орқа-ўнгидан роса дўппослаб Украинадан улоқтириб ташлаган эдик, ҳозир 20 ўша қабих Марказий рада Житомирга ўринлашиб олибди. Уша ердан туриб, биз — большевикларга қарши курашда ёрдам сўраб, Германияга мурожаат қилибди, ҳозир герман қўшинлари совет Украинаси тупроқларига бостириб кирди. (*Газета олади.*) Мана, ўқи, хат-савадинг бўлса, мана бу ерда ёзилган.

Семён (*ўқийди*). «Герман қўшинлари совет Украинаси тупроқларига бостириб кирди...» Йўғ-э, ишонгим келмайди, ахир улар билан ярашганмиз-ку!

30 Бола. Ременьюк амаки, биз томонга ғалати-ғалати, тентак солдатлар келишяпти.

Уч немис, уларнинг орқасидан бирин-кетин Ивасенко чол ва шу қишлоқдагилардан бир неча киши киради.

Пауза.

Биринчи немис. Моэн, моэн.

Иккинчи немис. Хайрли кун. (*Сукут.*) Қўрқманглар. Биз мутлақо сизларнинг душманларингиз эмасмиз, биз сизларнинг бус-бутун мангу дўстларингизмиз, яъни русларнинг ошноларимиз. Худо кушойиш берсин. Мен познанлик Кравецман. Полякман. (*Аланг-* 40 *лаб икона қидиради, попинг тасвири бор плакат олда тўхтайдди, ўнг ва сўлга чўқинади, плакатга иконага эгилгандек эгилади.*) Худоё худовандо ўзинг асрагил!

Учинчи немис. Ди банде швайний.

Биринчи немис (Ивасенкога). Худо кушойиш берсин, ота.

Иккинчи немис. Буларнинг орасида жаноб президент, яъни русча қилиб айтганда қишлоқ совети раиси ким?

Ременюк. Хўш, нима эди?

Биринчи немис (Ременюкка қоғоз узатади).

Битте.

Иккинчи немис. Яъни, русчасига, марҳамат.

Ременюк (ўқийди). «Император ва қирол бирлашган армиясининг қўмондони, мазкурни олишингиз баробарида, дала интендантлигининг омбори» ва уч кун муддат ичида бир минг икки юз пуд пичан, саккиз юз ўн пуд сули ва икки юз пуд чўчқа ёғни топширишингизни буюради. Бай, бай! Мазкур буйруқ бажарилмаган тақдирда айбдорлар қамоққа олинадилар. Обер-лейтенант фон-Вирхов». (Қоғозни пухталаб буклаб қўяди.)

Биринчи немис. Цурюкк!

Иккинчи немис. Герр унтер-офицер, яъни русча қилиб айтганда унтер-офицер жаноблари, сиз жанобнинг, герр обер-лейтенантга берадиган жавобингизни билмоқчилар.

Ременюк. Унингга айтиб қўй, сўзсиз бажарамиз.

Биринчи немис. Абер...

Ременюк. Бемалол ишонавер. (Уч от қўшилган арава — тройканинг товуши эшитилади. «Др-р-р!», деган овоз. Черноиваненко, Песчаная волость советининг раиси Гуров ва яна бир неча киши киради. Ҳаммалари қуролланганлар).

Биринчи немис. Ахтунг.

Гуров. Саломат бўлинг! Сизлар ҳам меҳмонли бўлиб қолибсизлар-ку. Зап ғалати иш бўлдим, Ременюк.

Биринчи немис. Моэн.

Иккинчи немис. Худо кушойиш берсин.

Гуров. Озиқ-овқат талаб қилишаётгандир?

Ременюк. Шундай.

Гуров. Қанча?

Ременюк. Вагонлаб берасан, дейди. Сизларга ҳам шундай дегандир?

Гуров. Худди шу гап.

Ременюк. Сен уларга бирон нима бердингми?

Гуров. Қаёқда! Танишинглар ўртоқ Черноиваненко, марказдан, партиямизнинг вакили.

Ременюк. Хабарим бор (Кўришади.)

Биринчи немис. Альзо?..

Ременюк. Шубҳаланмасангиз ҳам бўлади. Улар ҳам бизга ўхшаган одамлар.

Иккинчи немис. Аллес ин орднунг. Хайрли кун. Хайрли кеч. (Плакатга қараб чўқинади.) Худоё худовандо, ўзинг паноҳингда асра. Хайрли кеч!

Немислар чиқиб кетадилар.

Микола (уларнинг орқасидан қараб қолади). Қайтиб кетишди. Кетишяпти. Ҳалиги бадбашараси тамакисини бурқситиб кетяпти, цирлих-манирлих.

10 Иккинчи хизматкор. Уларнинг разведкасига ўхшайди.

Чол. Австрияликларми ё германларми?

Семён. Германлар.

Чол. Жуда шинам.

Хотин. Шинам бўлганда ҳам қанақа денг: бир минг икки юз пуд пичан сўраяпти. Атиги.

Ивасенко чол. Уч солдат. Бутун бошлиқ қўшин.

Гуров. Сизларда учта, бизда учта, Сичовкада учта... Қани бир ҳисобига етиб кўринг-чи.

20 Иккинчи хизматкор. Улар қаёқдан пайдо бўлиб қолишди?

Гуров. Нега куласиз? Худо хайрингни берсин, ўртоқ Черноиваненко уларнинг қаёқдан пайдо бўлиб қолганини одамларга бир тушунтириб бер.

Черноиваненко. Осмондан ёғилишди. Буларнинг ҳаммаси кеча эшелондан туширилган. Улар бизнинг уезддаёқ икки полкдан ошади...

30 Иккинчи хизматкор. Бу қанақаси бўлди яна? Ахир сулҳ тузилган эди-ку. Бўлмаса яна уруш бошланибди-да?

Черноиваненко. Қўрамиз. (Газета олади.) Мана бунда очиқ ёзилган. «Совет Украинаси бизга ғарбдан келаётган чет эл босқинчиларига қарши озодлик учун Ватан уруши бошлади, ҳозир Украинада юз бераётган ҳодисаларнинг моҳияти шудир». Тушундингларми? Ватан уруши!

Ивасенко чол. Ватан уруши дедингизми? Қим шундай деб ёзибди?

40 Черноиваненко. Ўртоқ Сталин шундай деб ёзган.

Ивасенко чол. Бу муқаддас, чин ҳақиқат, Ватан урушини бошлай берамиз.

Черноиваненко (газетадан ўқийди). «Бу — германлар ҳар пуд ғаллани, ҳар бир парча металлни

жанг билан, Украина халқи билан қаттиқ олишув натижасида олади — демакдир». (*Газетани Ременюкка беради.*)

Чол. Уртоқ Сталин соз айтибди. Халқ — катта куч. Ременюк. Маълумки, немислар биз томонга келди. Улар биздан нима истайди? Уларнинг истаган нарсаси озмунча эмас: ишчиларни қул қилишмоқчи, деҳқонларимизнинг ерини олиб қўйишмоқчи, халқнинг эркини тортиб олиб яна помешчикларни қўнқайтиришмоқчи.

Семён. Бунисини ҳам кўриб қўямиз.

Ременюк. Немислар Украинадан ўттиз миллион пуд ғалла ундиришмоқчи.

(Пауза.)

Овоз. Қанча дедингиз?

(Пауза.)

Ременюк. Ўттиз миллион пуд ғалла.

(Пауза.)

Овоз (паст). Ўттиз миллион пуд-а!

~~Кўқисдан ҳаяжонланган овозлар.~~

Овозлар. Шунга келган экан-да? Шумлар.

Иккинчи қишлоқи хотин югуриб киради.

Иккинчи қишлоқи хотин. Ўргилайлар, яхши одамлар. Ҳозиргина Шепетовкадан меникига бир одам келди. Уёқдан зўрга чиқиб келибди. Ҳаммаёқ герман билан босиб кетибди. Битта чавандозлар полки, битта қирол полки, битта — одамлари нуқул велосипед минган полк, биттаси шунақаки, ҳамма германлар броневик устида ўтиришганмиш, пастда битта ҳам одам кўринмасмиш. Совет Украинамиз хароб бўлди! Шайланинглар, одамлар, шайланинглар! Бутхонага човинглар!

Ременюк. Унга сув ичиринглар. Бошидан кружкалаб қуйинглар. Бутхонага чопишнинг ҳам, қўнғироқ чалишнинг ҳам ҳожати йўқ. Германлар Украина ва Россияни бўғмоқчи. Биз энди, сотқин одамлар эмаслигимизни, чет эл босқинчиларига қарши охиригача курашишимизни амалда кўрсатишимиз керак. Бир пайтлар шведлар ҳам Украинага оёқ босиб, қайтишга

мажолги келмай қолган эди. Французларнинг Наполеон Бонапарт дегани ҳам шундай кунга тушган эди. У ўзининг саноқсиз қўшини билан Москвага бостириб киришга кирди-ю пешонаси тошга тегди. Бу кунни биз германларнинг бошига ҳам соламиз. Агар кимдаки қурол бўлса, уни шайлаб кўз қорачигидай асрасин. У бизга керак бўлиб қолади. Гап шу, энди хотиржам тарқалайлик. (*Қишлоқ советининг эшигига қулф солади.*) Қани, оғайнилар, бир гаплашиб олайлик-чи, қишлоқда ким қолади-ю, ким кетади. Қария Ивасенко, сиз-чи?

10

И в а с е н к о ч о л. Мен кетаман.

Р е м е н ю к. Хўш, қаёққа бормоқчисиз?

И в а с е н к о ч о л. Большевиклар қаёққа борса, мен ҳам ўша ёққа бораман.

Р е м е н ю к. Ия, сиз икки чақиримдан ошиқ юролмайсиз-ку. Йўқ, ота, сиз қишлоқда қолинг. Қишлоқда ўзимизнинг одамлардан бўлиши керак, улар бизга керак бўлиб туришади. Мана бу хужжатларни яшириб қўясиз. (*Унга қишлоқ советидан олинган хужжатларни беради.*) Сиз қишлоқда қоласиз.

20

И в а с е н к о ч о л. Майли. Хужжатларни яшириб қўяман. Қимматбаҳо қоғозлар. Шуниси борки, ўлгудай қизиққонман, ўзимни тутиб туролмай, германларни берданка милтиқдан ўққа тутаман. Милтиғим ҳали миқти. Уни бир минг саккиз юз саксон биринчи, йўғ-э, иккинчи йилда беришган... Йўқ, бир минг саккиз юз саксон биринчи йилда беришган...

Р е м е н ю к. Майли. Ременюк партия аъзоси-я? Кетади. Яна. Иван Сидоренко хайрихоҳ-а?

30

И в а н С и д о р е н к о. Кетади.

Р е м е н ю к. Тихон Сидоренко-чи?

Т и х о н С и д о р е н к о. Кетади.

Р е м е н ю к. Василий Царёв-чи?

Ц а р ё в. Кетади.

Люба югуриб киради.

Л ю б а. Жон, Василий! Кетма! (*Уни қучоқлайди.*)

Ц а р ё в. Кетади. Лекин, худди ҳозирнинг ўзида эмас, икки-уч кундан кейин. Рост, Любочка, ҳали отпускамдан бир ҳафта бор. Семённинг тўйини ўтказаман, икковимизни унаштиришади, ана ўшандан кейин кетсам бўлади. Шуниси ҳам борки, менинг уйим сеникига яқин, биродар. Билишимча, сен Киевга борасан, мен Одессага ўзимнинг хабарчи кемамга бораман.

40

Р е м е н ю к. Ўзинг биласан. Қичкина бола эмассан.

Лекин ўзингга эҳтиёт бўл.

Царёв. Худога шукур, жонимга бунчалик қасдим йўқ.

Ременюк. Яна, Қотко, сен-чи?

Семён. Мен қоламан. Мен фронтда ўзимга керагича урушиб олдим. Тўрт йил азоб чекдим. Энди рўзгорга қарайман. Қоламан.

Черноиваненко. Қола қол. Ишончли одамларимиз қишлоқда иш беради. Биз германларни фронтда урамиз, сизлар ичкари томондан урасизлар. Икки томонлаб урамиз.

Ременюк. Майли, ўзинг биласан. Ҳар эҳтимолга қарши милтиғингни шайлаб тур.

Семён. Буниси турган гап. Милтиғим ҳаммавақт ёнимда бўлади, агар биров еримизга тумшугини суқар экан — кўрсатиб қўямиз!

Ременюк. Хўп, шу билан... яхши қолинглар. Биз тездан қайтамиз. Хайр, биродар. Эҳтимол кўришолмай қолармиз.

Царёв. Хайр, биродар (*ўпишадилар*). Эҳтимол кўришиб ҳам қолармиз.

Ременюк. Қани ўртоқлар, буларнинг сафига қўшилайлик.

Келганларга қўшиладилар.

Черноиваненко. Ҳечқиси йўқ. Қишлоқдаги ўз одамларимиз иш беради. Биз душманни фронтда урамиз, улар ичкари томондан урадилар. Яхши қолинглар!

Семён. Яхши боринглар!

Ременюк ва бошқалар кетадилар, уларнинг кетидан халқ кетади. Саҳнада Ивасенко чол, Семён, Царёв, Любка қоладилар. Қўнғироқчалар товуши.

Парда

Тўртинчи кўриниш

Ткаченко уйининг олдидаги боғча. Кўчанинг бир чеккаси. Ярим кечадан оққан. Скамейкада Семён ва Соня ўтирибдилар.

Соня. Яна туш кўрсам: уйда битта ўзим ўтирганмишман, атрофимда ҳеч ким йўқ, ҳамма нарса қаёққадир йўқолган эмиш. Уй шипшийдам, қул-қуруқ ерда мумшам ўз-ўзидан милтиллаб ёнармиш. Янгигина ёқилган, ҳали пилтаси ҳам қораймаган. Мен қўрқиб кетиб ҳовлига югуриб чиқсам — унда ҳам ҳеч ким йўқмиш.

Ҳовлининг ўртасида ярмигача ёниб бўлган мумшам турганмиш. Бир вақт қарасам — Семён. Уша бўм-бўш ҳовлидан янги хизматчимиз менга қараб келаётганмиш. Ҳеч нарса демасдан, мени чўл томонга имлармиш. Оҳ, Семён... Эсимга тушса ҳали юрагим орзиқади...

Семён. Жонгинам, ҳаммасини эсдан чиқариб юбор-қўй. Одамнинг тушига бўлар-бўлмас нарсалар кираверади. Бошингни елкамга қўй. Шинелимга ўраб олай. Асли унақа нарсаларни ўйлама.

- 10 Соня. Кўчада биров бордир, деб югуриб кўчага чиқсам, кўча ҳам бўм-бўш эмиш. Битта ҳам товуқ, битта ҳам ит, битта ҳам чумчуқ йўқ, хизматчимиз бўлса орқамда туриб олиб кўзлари билан чўл томонни кўрсатармиш. Мен унга: «Нега орқамдан эргашиб юрибсан?», дермишман. У: «Сенинг орқангдан эргашаётганим йўқ», дермиш. Вой, Семён, шунда орқамга қарамай чопиб, ўзимизнинг ҳувиллаб қолган устахонага кириб қолибман, эшикни ичкарисидан қулфлаб олибман, қарасам, устахонанинг ўртасида ҳам ўша шам ёниб турганмиш, лекин энди ўчай-ўчай деб қолган, эриб тушган ёғида пилтаси сузиб юрармиш, бурчакда яна хизматчи ўтирганмиш. Вой, Семён-эй... У менга қараб бир хунук кулармишки... Шунда мен...

Ткаченко (киради). Соня, сенмисан?

Семён. Ҳа, бизмиз, Никанор Васильевич.

Ткаченко. Мен Сонядан сўраяпман.

Соня. Ҳа, дада.

Ткаченко. Тун бўйи йигитлар билан санғиш қаёқдан чиқди?

- 30 Соня. Мен Семён билан ўтирибман-ку.

Семён. Сонечка икковимиз ўтирибмиз.

Ткаченко. Қим билан ўтирганингни сўраётганим йўқ, Соня. Мен сендан, бу шармандачилик қачон тамом бўлади, деб сўраяпман. Йўқол уйга! Сен Қотко, ҳали Сонянинг эри, менинг куёвим бўлганингча йўқ.

Семён. Ахир икковимиз унашилганмиз-ку.

Ткаченко. Унашилган бўлганларинг билан, бошларинг қўшилган эмас, никоҳ ўқилган эмас. Бунинг орасида осмон билан ерча фарқ бор. Соня, уйга йўқол!

- 40 Семён. Никанор Васильевич, бу ишни, азбаройи худо, тугаллаш керак. Эртага бизникига уйкўрарга боринглар, кейин никоҳни ўқитаверармиз.

Ткаченко. Сеникига уй кўргани борайми? Уйингда нималарингни кўрмай қолган эканман?

Семён. Тирикчилигимизни кўрасиз, бор-йўғимиз, молларимизни кўрасиз.

Ткаченко. Молларингизни кўриб нима қилдим?
Мен уларни аллақачондан бери биламан. Қлембовский-
ники эканлигидан биламан. Тўйни Маккавейдан олдин
қилишни хаёлингга ҳам келтирма.

Семён. Куздами?

Ткаченко. Ҳа, кузда.

Семён. Ниқанор Васильевич.

Ткаченко. Йўқ, дегандан кейин бўлди-да, яли-
ниб-ёлвораверма. Қотко, аввал сен менинг раъйимга
қарадинг, кейин мен сенинг раъйингга қарадим. Сен
яна мени раъйимга қарашинг керак. Нима дединг? Ҳа-
ли иш пишиб қошиққа чиққани йўқ, кечалари қизим
билан юрма, мен буни хуш ёқтирмайман. Соня мен де-
ворга гапирдимми, йўқол уйга!

Соня. Мени нега койиётганингизни ўзингиз ҳам
билмайсиз.

Ткаченко. Ҳой! Тилингни тий! Бас.

Соня. Хайр, Семён!

Семён. Хайр, Соня! (*Бир ўзи.*) Хўш, бунисига ни-
ма дейсиз энди?

Царёв ва Люба қучоқлашганча югуриб келадилар.

Царёв. Ҳорма, ёш князь!

Любка. Кечангиз хайрли бўлсин!.. Йўғ-э эртангиз!

Царёв. Омонмисан! Нега мунча қайғириб ўтириб-
сан?

Семён. Лаънати қари иблис яна майнавозчилик
қилипти.

Царёв. Ҳечқиси йўқ. Биз унинг ўзини майна қила-
миз. Йирлама, Соняни ўзимизники қилиб оламиз. Нима
дединг, Любочка?

Любка. Биздан ўрнак ол, солдат, кўрқма!

Царёв икковлари ўпишадилар.

Царёв. Мен сенга айтсам, куёв йигит, эртага Лю-
бочка икковимиз Одессага жўнаймиз. Мен сенга айт-
сам, бир-биримизга меҳр-муҳаббат қўйишимиз учун
фурдат ноқулай. Қишлоққа қандайдир душман унсур-
лар келиб қолиши мумкин.

Семён. Сизлар қаёққа кетяпсизлар?

Царёв. Қишлоқнинг у чеккасига бориб, қайтиб
келамиз, шундай ажойиб бир кечада Любочка билан
менинг кўзимга уйқи келармиди?

Семён. Мен ҳам сизлар билан бирга бора қолай,
агар менинг ҳам уйқим келмаяпти.

Любка. Артиллерист билан жон-жон деб бирга юрамиз.

Кетадилар. Ткаченко пайдо бўлади, эснайди, чўқинади, атрофга қулоқ солади. Хўроз қичқиради, тонг ёришади.

Ткаченко. Уҳ, ўҳ, ўҳ!
Хизматкор (киради). Ҳеч гап йўқми, Никанор Васильевич?

10 Ткаченко. Ҳеч гап йўқ.
Хизматкор. Вақт бўлиб қолди.

Ткаченко. Ҳа, ҳа.
Хизматкор. Бориб ётаман.
Ткаченко. Майли, мен навбатчилик қилиб тураман.

Хизматкор кетади. Ткаченконинг бир ўзи қолиб, атрофга қулоқ солади. Узоқдан матрос чалаётган гармонь товуши эшитилади.

Ашула товуши келяпти. Ашулангни айтиб қол, айтиб қол!

Пауза. Жимжитлик. Чўккалаб ерга қулоқ солади.

Ҳеч гап йўқ...

20 *Пауза. Хўроз қичқиради. Узоқдан кавалерия карнайи чалингани, от туёқларининг дупури эшитилади. Борган сари қаттиқроқ эшитилади. Ткаченко бирдан тўхтаб қулоқ солади, чўқинади. Уч-тўрт гайдамак, икки-уч немис киради.*

Гайдамак. Ткаченкокомисиз, Никанор Васильевич?

Ткаченко. Ҳа, мен бўламан.

Биринчи гайдамак. Ишлар қалай?

Ткаченко. Қишлоқ советининг раиси Ременюк билан олтига большевик кеча қишлоқдан чиқиб кетди.

30 Биринчи гайдамак. Эҳ, аттанг, билмай қолиб-миз-да.

Ткаченко. Матрос шу ерда.

Биринчи гайдамак. Ерларни бўлиб, қоғозга қўл қўйган матросми?

Ткаченко. Ҳа, худди ўшанинг ўзи. «Алмаз» кемасидан келган матрос Василий Царёв.

Биринчи гайдамак. У қаерда?

Ткаченко. Любка Удовиченконикига кетди. Қароргоҳдан кейинги иккинчи уй. Ҳов, анави ерда. Акацияли ҳовли. Топиб оласан.

40 Биринчи гайдамак. Топамиз. Яна ким бор?

Ткаченко. Жамоат вакили Ивасенко чол. У ҳам қўл қўйган. У қишлоқ советининг ҳамма ҳужжатларини ўз уйига яшириб қўйибди.

Биринчи гайдамак. Уйи қаерда?

Ткаченко. Любка Удовиченконинг уйи билан бир қаторда. Ҳов ана, кўряписизларми?..

Биринчи гайдамак. Кўряпман. Жуда соз. Қани, йигитлар, куёш чиқмай вақтни бой бермай бир...

Гайдамаклар ва немислардан бир қисми жўнайди.

Ткаченко. Қани, уйга марҳамат қилсинлар.

Биринчи гайдамак. Раҳмат, вақт зиқ, аввал ишни дўндирайлик-чи. (Атрофига аланглайди.) Қишлоқнинг ўртасида тикроқ дарахт борми?

Ткаченко. Ҳов анави, бутхонанинг олдидаги эски нокни кўринг!

Биринчи гайдамак. Анавими?

Ткаченко. Ҳа, ўша.

Биринчи гайдамак. Қуриб қолган-ку.

Ткаченко. Қуриб қолган бўлса нима? Қуриган бўлса ҳам маҳкам.

Биринчи гайдамак. Иккита вакилни кўтара оладими?

Ткаченко. Бемалол.

Биринчи гайдамак. Қишлоқнинг қоқ ўртасидами?

Ткаченко. Ҳаммаёқдан кўриниб туради.

Биринчи гайдамак. Бизга шуниси керак-да. Ундай бўлса, йигитлар, шу қуриган нок бизники бўлади. Сердюк, сенда арқон борми?

Иккинчи гайдамак. Бор.

Биринчи гайдамак. Иккита вакил учун жой тайёрла. Никанор Васильевич, бирон шотичами ёки баландроқ скамейка берсангиз. Иложи бўлса.

Ткаченко. Шу бўладими? (Шотича олиб келади.)

Биринчи гайдамак. Жуда боп. Сиз овора бўлманг. Бизга олти-етти минутгагина керак, холос.

Ткаченко. Менга деса кун бўйи ишлатинглар.

Биринчи гайдамак. Қани, йигитлар, чаққон бўлинглар! Халойиқ уйғониб қолмасдан ишни бажарайлик.

Йигитлар арқон ва шотича кўтарганча чиқиб кетадилар.

Ткаченко. Халойиқ уйғониб кўчага чиққанда бир

кечада етилиб пишган ғаройиб нокларни кўрадиган бўлади-да. *(Кетади.)*

Б о л а *(четан орқасидан кўриниб)*. Царёв амаки, немислар билан гайдамаклар қишлоқни ўраб олишди, сизнинг уйингизга қараб от чоптириб кетишди.

Л ю б к а. Василёк, қоч!

Ц а р ё в. Ваҳима қилма, Любочка! *(Яширинмоқчи бўлади.)*

- 10 *Уқ товуши, иккинчи ўқ товуши. Царёв четаннинг орқасига сакрайди. Гайдамаклар шовқин-сурон билан Ивасенко чолни олиб кирадилар. Уларнинг орқасидан қўрқиб кетган бир неча қишлоқ аҳли киради.*

Б и р и н ч и г а й д а м а к. Қани, сизлар шу ерда тура туринглар-чи. *(Кетади.)*

И в а с е н к о ч о л. Менга тегмаларинг! Ҳаром қўлларингни менга тегизмаларинг! Мен жасур рус армиясининг кекса солдати, ефрейтор ва чавандоз бўламан, сенлар сотқин, худофурушсанлар!

Уни сургайдилар.

- 20 Мени отсаларинг ҳам, чопсаларинг ҳам бизнинг ери-мизга хўжайин бўла олмайсанлар, ёвузлар! Сен газандалар ҳеч қандай тубанлик билан ҳам муддаоларингга эришолмайсанлар.

Уни олиб кетадилар. Гайдамаклар матросни ҳам шовқин-сурон билан сургаб келадилар.

Ц а р ё в. Эҳ, малъунлар, бизни фирибгарлик билан қўлга туширдилар. Любка...

Л ю б к а. Василёк... *(Царёвга интилади.)*

Ц а р ё в. Хайр, Любка!

- 30 *Упишадилар. Уларни ажратиб ташлайдилар.*

Хайр, Любка!

Ц а р ё в ни олиб кетадилар. Пауза.

И в а с е н к о н и н г о в о з и *(саҳна орқасидан)*. Уринглар бу босқинчи, ўғри... *(Сўзлари кесилиб қолади.)*

Ц а р ё в н и н г о в о з и *(саҳна орқасидан)*. Хайр, биродарлар! Яшасин Ленин!.. *(Сўзлари кесилиб қолади.)*

Л ю б к а *(қичқиради)*. Василёк, Василёк, Василёк!..

Ушқандан яқинлашиб келаётган оперетта марши эшитилади. Немис-
лар тўдаси келмоқда. Ткаченконинг ҳовлисида тараддуд. Тка-
ченко дарвозани очгани югуради. Хотини ва қизини чақиради.
Қўлада герман комендант лейтенант Фон-Вирхов пайдо бў-
лади. Уни бир неча немис солдати ва унтер-офицери кузатиб ке-
лади. Марш.

Немис вахмистри (лейтенантга рапорт бе-
риб). Аллес ист ин орднунг, герр лейтенант фон-Вир-
хов.

Фон-Вирхов. Гут! (Қўли билан ишора қилади ва
Ткаченконинг боғига кириб кетади. Зинапояда Ткачен-
конинг қизи ва хотини нон, туз, закуска ва вино солин-
ган идиш кўтариб турадилар. Хизматкор бирданига
пайдо бўлади, қиличини қўлида фон-Вирхов томонга
кўтариб боради.) Пермете муа де парлэ франсэ. На-
тюрельман. Яхшиси, русча гапира қолинг!

Ходим. Мен — собиқ рус армиясининг штабс-рот-
мистри Клембовский бўламан. Марҳум генерал Клем-
бовскийнинг ўғли ва шу мулкларнинг эгаси. Бу маскарад-
нинг тарихини гапириб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса
керак, деб ўйлайман. Энди фармонингизни адо этиб
сизга ўз қиличимни тақдим қилишга рухсат беринг.

Фон-Вирхов (олтин қилични моноклига олиб бо-
ради). Йўқ. Мен бунда «жасурлиги учун» деган ёзувни
кўриб турибман. Бундай қуролни бекордан-бекорга ола-
вермайдилар. Узингизда қолсин. Немис армияси оли-
жаноб рақибларни хурмат қилишни билади. (Қилични
қайтариб беради.)

Клембовский. Сизга ташаккур билдираман, лей-
тенант.

Фон-Вирхов. Қуллуқ, ротмистр.

Клембовский. Энди, менинг ишончли хизматчим
ва ҳаётимни сақлаб қолган ошнам, қишлоқнинг бўла-
жак оқсоқолини танитишга рухсат этинг. Узимизнинг
одам. Ҳой! Ткаченко! Никанор Васильевич!

Ткаченко (келиб). Саломат бўлинглар. Шундай
кувончли ҳодиса муносабати билан, боғимга кириб худ-
д берган нозу неъматлардан тотинишингизни сўрай-
ман, кўноғим бўлинглар.

Ушқанда яшин чақнайди.

Ҳой хотин, қизим. Ҳей! (Қуяди.) Бу подшоҳимиз дав-
ридан қолган. (Қадаҳни кўтаради.) Шу қадаҳни итти-
фоқчиларимиз билан дўстларимиз, ҳар қандай расво-
ғарчиликларга қарши курашда бизга ёрдам беришга
келган германлар учун кўтараман. Шу билан бирга

сизларнинг ишончларингизни оқлашим, халқни бошқара олишим учун ичаман. (*Ичадилар.*)

К л е м б о в с к и й. Шу қадаҳни менинг ҳаётимни сақлаб қолган Никанор Васильевич Ткаченко — мени аераб қолган дўстим учун, шунингдек жаноб помешчиларнинг ўз ерига бундан кейин қандай хўжайинлик қилишни билишлари, бадавлат ва содиқ одамлар билан ҳамдастурхон бўлишлари, деҳқон зотидан бўлса ҳамки, пишиқ-пухта қишлоқ хотинларига уйланишлари учун ичаман. Чунки, ер деганга бепарволик билан бир қўллаб эмас, балки пишиқ-пухта икки қўл билан ёпишиш керак.

Ичадилар.

Т к а ч е н к о. София! Жанобларига овқат тут!
(*Қизининг қўзғолмай турганини кўриб, закускалар солинган баркашни олиб меҳмонларга тутади.*)

Ф о н - В и р х о в (*қўлида қадаҳ билан*). Ҳиндистон учун. Ҳа, ҳа, шундай, жаноблар. Шу ерда, узоқ украин қишлоғида, шу қўпол столда Ҳиндистон учун ичаман.
20 (*Ичади.*)

Ткаченко унга яна қуйиб узатади.

Биз сизларга осойишталик берамиз. Сизлар бизга нон берасизлар ва Ҳиндистонга боришимиз учун хатарсиз йўл очиб берасизлар. (*Кўзлари сузила бошлайди.*) Англия бизни ғарбда бўғмоқда. Аммо шарққа борадиган йўл фақат Стамбул — Бағдоддан иборат эмас. Шарққа Киев, Екатеринослав ва Севастополдан борса ҳам бўлади. Герман кемалари Батумга, Трапезундга боради... (*Ичади.*) Мен Мессопотамияни кўрмоқдаман... Арабистон шамоли герман солдатларининг юзларига келиб урилмоқда... Ана, Ҳиндистон, Ҳиндистон!..

Ткаченко қуйиб беради.

(*Ичади, маст бўлиб қолади.*) Ҳиндистон учун! Биз Англиянинг юрагини суғуриб оламиз! Биз Англиянинг юрагини суғуриб оламиз. Биз бутун дунёни эгаллаймиз. Ура! (*Гандираклаб, идишни ерга тушириб юборади, идиш чил-чил синади.*)

Яшин чақнайди, момақалди роқ бошланади.

Т к а ч е н к о. Об-ҳаво ўзгариб қолгани учун ичкарига марҳамат қилишларингизни сўрайман.
40

Фон-Вирхов. Гут. (*Уйга киради.*) Бошқалар ҳам кирадилар. Яшин чақнайди. Жала. Момақалди роқ.

Любка (*кўчада пайдо бўлади*). Йўқ, у Василёк эмас. У бошқа матрос. Дарахтга осилиб турган нарса кўғирчоқ. У ҳаммаларингиздан куляпти. Менинг Василийим қани? У менга совчи юборибди, ўзи йўқ. Уни қасқа яширдиларинг, шумлар? Оҳ, одамлар, Василийимни қайтариб беринглар.

Яшин чақнайди.

Парда

Бешинчи кўриниш

Котконинг уйи.

Котконинг хонаси. Кеча. Момақалди роқ. Дераза тақиллайди. Семён дераза томон югуриб боради.

Семён. Соня!

Овоз. Оч!

Семён эшикни очади.

Соня. Семён, қоч!

Семён. Нима, даданг яна...

Соня. Ҳа, дадам...

Семён. Қутуриятими?

Соня. Итдан ҳам баттар. Вой оёқларим шундай қалтираб кетяптики.

Семён. Утир.

Соня. Азбаройи худо, қоч! Тўхта, чироқ ёқма, эҳтимол кўчадан қараб туришгандир. Деразаларни тўси

Фрося ва онаси ёстиқлар билан беркитадилар, Семён чироқ ёқади.

Соня. Қочиб қол, Семён! Шу бугуноқ қоч, эртага вақт ўтган бўлади. Қоронғидан фойдаланиб қочиб кет! Худо хайрингни берсин, отларни қўш, лаънати иблис — дадам немис комендантига сенинг тўғрингда маълумот берди. Унга бир қоғоз берган эди, немис коменданти ўқиб кўриб, «гут», деди.

Семён. Ҳаҳ-ҳа, ҳали шунақами, демак қоронғи кечада от-арава қилиб, ўз уйимдан ўғрига ўхшаб чиқиб кетишим керак экан-да? Менинг жонажон оилам бор-ку ахир. Бева онам, етим синглим, муҳаббат қўйган ёрим

бор-ку. Узимга яраша уйим бор-ку. Уз қўлим билан йўлга қўйган, парвариш қилган хўжалигим, ерим бор-ку. Энди бу шумлар деҳқонча турмушимизга раҳна солиб, мени бошим оққан томонга ситиб чиқармоқчи эканлар-да? Мен гаёй лўлилар, ёки анави маймун ўйнатадиган сербга ўхшаб қоронғу кечада даштга жўнашим керак экан-да. Мен ҳамма нарсани ташлаб уйимни ҳам ёру дўстларимнинг жасадини қарғаларга ем қилиб осилган жойида қолдириб кетаверарканман-да? (Ўрнидан санчиб туради.) Йўқ, йўқ, ярамаслар! Сизлар бу шармандачиликни мендан кутмай қўя қолинглар! Онажон, сиз ҳовлига чиқиб аравага ёғ ва нон солиб қўйинг, ундан кейин оғилдан Қлембовскийнинг Машкасини секин етаклаб чиқинг, сен, қизалоқ, чоринггни кий, оёғингни қўлингга олиб Ивасенколарникига югур!

Ф р о с я оёғига чорингни кияди.

Микола тирмизагингга бориб айтгинки, ҳовлимизга дарров Гусак деган отини олиб келсин. Мен унинг отини Машка билан бирга аравага қўшаман. Бари бир Гусакни эртагаёқ Қлембовскийнинг хўжалигига қайтариб олиб кетишади.

Микола Ивасенко киради.

М и к о л а. Бемаҳалда кирганим учун кечирешларингизни сўрайман. Мен сизга келган эдим, Семён амаки. Сиз Балтага кетаётганингизда мен Гусагимни бериб турган эдим. Бу сафар сиз менга Машкангизни бериб туринг. Мен уни Гусак билан бирга аравага қўшмоқчиман. Бари бир Машкани эртагаёқ Қлембовскийнинг хўжалигига олиб кетишади.

30 Семён. Мен ҳам ҳозир худди шу важдан Фроськани сенга юбормоқчи бўлиб турган эдим. Бирон ёққа жўнамоқчимисан?

М и к о л а. Жўнамоқчиман.

Семён. Қани қулоғингни тут! (Пичирлаб.) Сен нима дейсан?

М и к о л а. Менинг фикрим шунақаки... (Уни четга олиб бориб пичирлайди.) Сиз нима дейсиз?

Семён. Менинг фикрим ҳам сеникидақа. Икковлашиб жўнаймиз!

40 С о н я. Мени бу ерга ташлаб кетма. Бирга олиб кет!

Семён. Йўқ, буёқ томонини ўйламай қўяқол. Бу ишга сиз хотин-халажнинг алоқангиз йўқ, бу солдатларнинг иши. Узингни дадил тутиб, мени кут. Худо хоҳ-

даса, тездан кўришиб қолармиз. Бу ярамаслар бизнинг еримизда узоқ вақт хўжайинлик қилолмас. Ҳозирча, хайр.

Улар қучоқлашадилар ва анчагача бир-бирларининг қўлларини ўтадилар.

Семён (онасига эгилиб таъзим қилади). Бардам бўлинг, она!

Фрося (Миколага). Шундай қилиб, энди ҳам менга бир нима демайсанми?

Микола. Менинг ҳам гапим шу: мени кут, дадил бўл, тездан кўришиб қолармиз.

Фрося. Қурмагурлар қаёққа кетяпсизлар?

Микола. Тирик бўлсак эшитасан. (Пичирлаб.) Бизларни ҳов анави пастликдан қидиравер!

Семён. Хўп, она, дадил бўлинг! (Онасига таъзим қилади.) Хўш йигит танангда жонинг борми, ё жонинг ташқарига чиқиб кетганми?

Микола. Мен жон деган нарсани билмайман, мен ҳали урушиб кўрган эмасман.

Удан чиқадилар. Пауза. Саҳна орқасидан «Хальт!» деган қичқириқ эшитилади. Ўқ товуши. Жимлик. Пауза. Момақалди роқ. Пауза.

Она. Ушлаб олишмаса яхши эди.

Фрося. Ушлашолмайди. Қоронғини кўряпсизми?

Чақмоқ чақнайди. Момақалди роқ.

Она (иконага чўқинади). Худоё, ўзинг асра!

Соня (бутун вужуди қалтирайди). Фрося... Кўнглим шундай безовта бўляптики... Юрагим ўйнаб кетяпти.

Пауза.

Фрося. Ҳеч хавотир олманглар, ушлаб олишолмайди.

Саҳна орқасидан шовқин-сурон, овозлар, ўқ товуши, яна овозлар эшитилади.

Соня. Дадам!

Қўлида фонарь билан уйга Ткаченко, унинг орқасидан иккита гайдамак кириб келади.

Ткаченко. Ҳой, София, бир гал олдимда айб иш қилдинг, қўлим боғлиқ, тилимнинг ихтиёри ўзимда бўл-

магани учун ҳеч нима демадим, энди мендан яхшилик кутма!

С о н я. Менга тегманг!

Т к а ч е н к о. Овозингни ўчир, йўқол уйга!

С о н я (*қичқириб*). Семён! Семён! Мени кимга ташлаб кетдинг, Семён!

Т к а ч е н к о. Э ҳа, сенга Семён керак бўлиб қолдими? (*Жаҳл билан.*) Сенга айтиб қўяй, ўша Семёнинг Микола билан ҳозир битта немис соқчисини ўлдирди. Дарахтдан Ивасенко чол билан матрос Царёвни тушириб олди-да, ғарамга ўт қўйиб юборди.

С о н я. Уни ушлаб олишдими, дада, нега индамай-сиз! Семённи ушлаб олишдими? Азбаройи худо, чурқ этмайсиз айтсангиз-чи. Қўлларингизни ўпай, олдингизда тиз чўкай... Семён қани?

Т к а ч е н к о. Уҳ! (*Унга қамчин йқталади.*) Сени нима қилсам экан, чиройли башарангни қамчин билан дадала қилгим келмай турибди.

С о н я. Семён қани?

20 Т к а ч е н к о. Даштга қочиб кетди. Бир худодан бўлиб қўлимга тушиб қолса...

С о н я. Қочиб кетибди, қочиб кетибди! Фросечка, қочиб кетибди!

Т к а ч е н к о. Йўқол уйга! Билиб қўй! Оғзингдан бирон гап чиқса, ўлдираман-қўяман. Остона хатлаб эшикка чиқсанг терингга сомон тикаман, йўқол уйга!

Немислар ҳовлиқиб кирадилар. С о н я кетади.

30 (*Фон-Вирхов қаршисида қоматини ростлаб*). Рухсат этасиз, қочиб кетган жиноятчи большевик Семён Котконинг уйи шу бўлади. Мана бу кампир — унинг онаси, мана бу қиз — синглиси.

Ф о н - В и р х о в. Жуда соз. Швайн. (*Ткаченкодан ирганиб, уни таёқ билан четлатади. Бақиради.*) Турилсин!

Т к а ч е н к о. Турилсин!

40 Ф о н - В и р х о в (*соатини чиқариб*). Икки минут — бундан ортиқ ҳам эмас, кам ҳам эмас. Бу ерда битта ҳам ғишт қолмасин! Кейин керосин ва гугуртни ишга солинглар! Махт фойер! Фақат кули қолсин! (*Немисча-сига фармойиш беради.*)

Немис солдатлари бирданига ташланиб уйни буза бошлайдилар.

О н а. Ярамаслар, ўғрилар. Яхшилар, қўзғалинлар, қўзғалинлар.

Немислар уйни бузадилар ва унга ўт қўядилар.

Фрося (кираркан). Вой онажон, улар уйимизни нима қилишяпти?

Гурсиллаган садолар, ўт яллиғланади. О н а н и уйдан олиб чиқадилар.

П а р д а

Олтинчи кўриниш

Тепалик. Дашт. Дарё.

Ўнбирга партизан отрядининг лагери жойлашган. Семён тўп олдиди. Йигитлар ерда ўтирибдилар.

Семён. Демак, олдимизда турган нарса нима? Такрорлайман, кўриб турган нарсамиз — артиллерия тўпи, ё тезотар, уч дюймли рус дала замбараги, бир минг тўққиз юз иккинчи йил намунасида, поршенли затвори билан компрессори бор. Биринчидан, у ғилдиракка ўрнатилган, икки ёни тахтадан иборат. Битта ғилдираги жойидаю, иккинчиси йўқ. Чунки, тўп ишдан чиққан. Иккинчидан, у қуйруқ ва тумшукли аравачадан иборат. Қуйруғига зиён етиб узилиб кетибди, аравачаси билан тумшуғи бутун. Мана буниси — аравачаси, мана буниси — тумшуғи. Ундан ташқари тўпда, уни бошқарадиганларни ўқ парчаларидан сақлаб турадиган қалқон, олдинги бошпанаси бўлади. Қалқони бору бошпанаси йўқ. Мана бу кўриб турганингиз — мил. У айлантирадиган ва кўтарадиган механизмлар билан туташади. Уша механизмлари ҳам йўқ экан.

Отряд командири Зиновий Петрович киради.

Зиновий Петрович. Ҳорманглар! Шуғуллана-япсизларми?

Йигитлар (*жойларида ўтирганларича*). Ҳа. Шуғулланаяпмиз, Зиновий Петрович. Тўпни ўрганияпмиз.

Семён. Командир келганда дарров туриш керак, йигитлар. Тикка туриш — ҳарбий ҳурмат деган гап бўлади, ҳамма бараварига вақира-вуқур қилавермасдан, командирга битта-битта гапириш керак.

Йигитлар ўринларидан турадилар.

Шундай, ўртоқ командир. Тўпни ўрганаётибмиз.

Зиновий Петрович. Ўтиринглар. (*Семёнга.*)

Хўш, қалай? Ишлар юришиб кетдимки?

Семён. Юришиб кетди. Лекин, Зиновий Петрович, азбаройи худо, мана бу тўпни кўринг. Бу тўп эмас, оёқ-қўлсиз майибнинг ўзи-ку!

Зиновий Петрович. Тўкис тўпни сенга қаёқдан оламан? Йўқдан йўндирайми? Артиллерия бўлмаса мен ҳам ўзимни қўлсиз кишидай сезаман. Мен артиллериясиз жанг қилолмайман.

10 Семён. Ёз ҳам келди. Турналар ҳам учиб ўтишди-ю, биз ҳали ҳам жойимиздан қўзғолмай ўтирибмиз. Юрагим сиқилиб кетяпти.

Зиновий Петрович. Ичимизда юраги сиқилмаган ким бор? Сабрли бўл. Яқин қолди. Уларнинг кучи борган сари камаяётибди, бизга ҳар кун одам қўшилиб турибди. Ёзнинг бошида бу ўнгирида неча киши эдик? Ҳаммаси бўлиб ўн тўртта эдик. Энди жангчиларимизнинг сони икки юз қирқ бешга етди — баравар бўлдик. (*Назоратчига.*) Разведка қайтгани йўқми?

20 Назоратчи (*тепалик устида*). Қайтгани йўқ. Зиновий Петрович. Улар бугун кимни қўлга тушириб келишар экан.

Назоратчи (*узоққа қарайди*). Қани жим бўлинлар-чи, ўнгири бўйлаб биз томонга одамлар келаётганга ўхшайди.

Зиновий Петрович. Тревога!

Ҳаммалари жойларига туриб жангга тайёрланадилар.

Семён. Қим у келаётган?

Овоз. Ҳамқишлоқларингизмиз. Сиз қўзғолончиларга қўшилгани келяпмиз.

30 Семён. Дуруст. Уларни штабга киритиб юборинлар.

Бир тўда қишлоқ аҳли киради. Улардан баъзиларининг қўлларидан милтиқлари бор, пулемёт сургаб кирадилар.

Зиновий Петрович (*пана жойдан чиқади*). Ким бўласизлар?

Овозлар. Қишлоқлардан келдик... Песчани, Анатолевка, Қодим, Сичовка қишлоқларидан. Сизларга қўшилгани келдик. Тоқатимиз қолмади. Тинкамиз қуриди. Бўғилиб кетдик.

40 Зиновий Петрович. Қелганларингиз жуда соз бўлди. Нима, ораларингизда аёллар ҳам борми?

Семён. Ҳаш-паш дегунча ўнгимиз ҳам торлик қилиб қолади.

Зиновий Петрович. Бунақа ўнгирлар Украинада озмунчами! Назаримда, бу саховатли кишилар икки қўлларини бурунларига тиқиб келишмаганга ўхшайди. Бу ўйинчоқларни қаёқдан сотиб олдинглар? (Улардаги милтиқ, пулемёт, қилич ва бомбаларни имо қилади.)

Хотинлар. Биз буларни картошкага ўхшатиб ердан қазиб олдик.

Зиновий Петрович. Бу йил Украинамизда ҳосил жуда ҳам бўлиқ. Жуда ҳам бўлиқ.

Хотин. Бежиз эмас, қадрли меҳмонларимизни дурстгина тўйдиришимиз учун етарли.

Келганлардан бири. Нима бу? Тикка турганча беҳуда гаплашаверамизми? Бизни ҳужумга бошланглар-да!

Овозлар. Бошла! Йигитларни қўзгат.

Шовқин-сурон.

Зиновий Петрович. Сабр қилинлар, ўртоқлар. Ўзимнинг қиличим ҳам безовта бўлиб турибди. Соат сайин ревкомдан буйруқ кутяпман, ўша буйруқсиз ва артиллериясиз жангга киришга ҳаққим йўқ.

Назоратчи (*тепаликда*). Қани, жим турингларчи. Разведкамиз қайтиб келяпти. Қимнидир ушлаб олишибди. Шу ёққа олиб келишяпти.

Саҳна орқасида қичқириқ, сўкиниш, оёқ товушлари. Микола ва иккинчи разведкачи мўйлаблари шондек ва юлқинаётган герман офицерини тортқилаб кирадилар.

Микола. Юр, юр дейман муттаҳам! Штабга юр!

Офицер. Қўлимни қайирма, дейман сенга, худо урсин агар, ўзимни ўнглаб олсам абжафингни чиқарман.

Микола. Юр, дейман!

Офицер. Юряпман-ку ахир. Ҳаммаларингни ҳам жин урсин!

Микола. Ўртоқ командир, ҳарбий сумкаси, тўп-пончаси, офицерлик турқи, қиличи ва бутун ашқол-дашқоллари билан мана шу мустаҳкамланган райони-мизнинг яқинида ушлаб олдик, сиз бир кўриб қўйинг, деб олиб келдик.

Зиновий Петрович. Салом, жигар. Йўллари бўлсин?

Офицер (*аччиғланиб*). Қўйиб юборсаларинг-чи ахир қўлимни! Қайирмаларинг дейман! Бир тушираман... (*Олишади.*)

Семён. Шу ит билан пачакилашиб ўтирасизларми? Дарахтнинг орқасига олиб ўтиб эгасига ҳавола қилиб қўя қолайлик-да. (*Тўппончасини олади.*)

Зиновий Петрович. Тўхта. Аввал уни сўроқ қил. Мустаҳкамланган районимизнинг яқинида нима қилиб юрган эдинг, жигар? Жавоб берасанми?

10 Офицер. Аввал мана бу тойчоқлар қўлимни бўшатишсин.

Микола. Тойчоқнинг қанақа бўлишини сенга кўрсатиб қўяман.

Зиновий Петрович. Қўлини қўйиб юборинглар.

Улар қўйиб юборадилар.

Офицер. Худога минг қатла шукур-а...

Зиновий Петрович. Қайси қисмдансан?

20 Офицер (*фуражкасини ечади, мўйлабини кўчириб олади, у Ременюк бўлиб чиқади*). Қўзғолончилар марказиданман. Ахир сизларни зўрга топиб келдим. Дуруст, сезилмайдиган жой экан. Ўнгир деса — ўнгирдаккина.

Семён. Ия, бу раисимиз Ременюк-ку. Ўртоқ Ременюк!

Ременюк. Ҳа, Семён, ёш князь. Ўзим ҳам ўйлагандим, сен шу ердадирсан, деб.

Микола. Ременюк амаки. Мен сизни танимабман.

30 Ременюк. Аксинча мен сени дарров танидим. Сен Микола Ивасенкосан. Бахтингни қарагинки, мен сени таниб қолдим, бўлмаса абжағингни чиқарардим. Азбаройи худо, ёши қайтиб қолган одамнинг қўлини қайриш яхшими? (*Зиновий Петровичга.*) Қўзғолончилар марказида сизнинг ишингиздан жуда қойил бўлишди. Шундай аҳмоқона қиёфада келганим учун кечиринг.

Зиновий Петрович. Буларнинг ҳаммаси чакки эмас. Аммо сизни шахсан танимайман...

40 Ременюк. Ўз-ўзидан маълум. (*Унга қоғоз узатади.*)

Зиновий Петрович (*ўқийди, кейин уни қучоқлайди*). Сизни бир оз безовта қилганим учун кечирасиз. Хўш, қандай яхши гаплар бор? Қандай қувончли хабарлар?

Ременюк. Мен атайлаб, қўзғолончилар маркази-

дан, сизларга Украинамизда нима ишлар қилинаётганини айтиб бериш учун келдим. Сизлар худди уйқудаги айиқдай, ўнгирларингизда ҳеч нарсадан хабарсиз ўтирибсизлар... Билганларингиз ёши қайтиб қолган одамларнинг қўлини қайириш, шундан бошқасини билмайсизлар... Биродарлар, мен сизларга зўр, қувончли хабар олиб келдим. Халқ Коростень яқинида гетман Скоропадский панваччаларининг адабини беряпти. Шчорс ўзининг богунчилари ва отахон Боженко ўз тарашчанчилари билан Киев ва Чернигов яқинида бизнинг номимизу болимизни татиб кўрмоқчи бўлган немислару гайдамакларнинг абжағини чиқармоқда. Ҳамма оёққа қалқди, бутун Украина бир кишидек ўрнидан қўзғалди. Ҳозир худди шу томонга Қизил Армия дивизияси келяпти. Соат сайин, унга қўшилиш ҳақида буйруқ кутинглар.

Зиновий Петрович. Биз кутяпмиз. Лекин, кутганимиз тезроқ бўла қолмаяпти.

Назоратчи (тепаликда). Қани, жим бўлинглар-чи.

Ҳамма эҳтиётлик билан одатдаги ўз ўрнини эгаллайди. Қийимлари жулдур-жулдур бўлиб кетган Фрося киради.

Тўхта!

Фрося. Тўхтадим!

Назоратчи. Дарахтнинг олдига кел!

Фрося. Келдим.

Назоратчи. Бу ерда нима қилиб юрибсан?

Фрося. Акамни қидириб юрибман.

Назоратчи. Бемаъни орзу-ҳавасингни қара-я. Бу ер позиция, бу ерда аканг нима қилади! Қаёқдан келган бўлсанг ўша ёққа жўна!

Фрося. Бу позиция гайдамакларникими, қишлоқларникими?

Назоратчи. Қишлоқларники.

Фрося. Менга худди қишлоқларнинг позицияси керак-да.

Микола киради.

Микола. Фрося! Худо урсин агар, Фроська бўлма-сал.. Ҳой Семён амаки! Югуринг бу ёққа — Фроська келибди.

Семён киради.

Семён. Салом, Фрося. Нима бўлди? Нима воқеа юз берди?

Фрося. Худога шукур, тинчлик. Сув ичадиган жойларингиз қаерда? (У бирдан бўкириб йиглаб юборади.)

Қўзғолончилар ва Зиновий Петрович чиқиб, Фросяни ўраб оладилар.

Вой, одамлар! Яхши одамлар! Бу лаънати шумларнинг бизга қилаётган зўрликларига тоқатимиз қолмади. Вой Семён ака, акажон. Бору йўғимизни тортиб олишди. Уйимизга ўт қўйиб ўртаб юборишди. Машка деган от учун уч юз сўм тўлашга мажбур қилишди, пулимиз бўлмаганлигидан онам билан икковимизни оғилхонага қамаб, дод дейишга мадоримиз қолмагунча калтаклашди. Мени узоқ уришмади, чунки мен салдаёқ ҳолсизландим, ҳушимдан кетдим. Онам бечорани чурқ этмагани учун узоқ уришди, немислар уни масхара қилишди. Бечоранинг соғ ери қолмади, энди тўрва кўтариб хайр-эҳсон сўрагани волостларга жўнади. Йўлларда одамлардан хайр сўрармиш — ким ҳам бир нарса бера қоларди! Ҳеч кимда ҳеч вақо йўқ.

10 Семён. Эҳ, малъунлар! Фрося, синглим, жонгинам. Фрося. Зарари йўқ, хафа бўлманг. Биз кўникиб қолдик. Софья Ткаченкoning отаси, уни помешчик Клембовскийга бермоқчи.

Семён. Тўхта! Софьянинг ўзи розими?

Фрося. Ҳеч-да. Уни отаси мажбур қиляпти, у Соняни ертўлага қамаб, устидан қулфлаб қўйди. Мен Ткаченколарнинг ҳовлисига билдирмасдан кириб олиб, Сонька билан эшикнинг тирқишидан гаплашдим.

Семён. Тўй қачон?

30 Фрося. Эртага ўзимизнинг черковда никоҳ ўқилар кан.

Семён. Кўриб қўямиз. Уртоқ командир, ўртоқ жангчи ўртоқлар бу гапларни эшитдингларми?

Овозлар. Эшитдик.

Семён. Эшитган бўлсаларинг, нега отларингизга минмай бемалол ўтирибсизлар? Уртоқ командир, Зиновий Петрович! Отрядни отлантир.

40 Зиновий Петрович. Йўқ, Семён. Ревкомнинг буйруғисиз, артиллерия келмай, отрядни жойидан қўзғатишга ҳақим йўқ, чунки отряд меники ҳам эмас, сеники ҳам эмас, у меҳнаткаш халқники, биринчи навбатда Совет ҳокимиятиники ва унинг Ишчи Дехқон Қизил Армиясиники. Ҳарбий интизом деган гап бор. Қотко, сен буни эски солдат бўлганинг учун яхши билишинг керак.

Семён. Эски солдат эмиш! Бундан чиқдики, ўша ҳарбий интизом деб биз деҳқонлик қадр-ҳиссамиздан маҳрум бўлар эканмиз-да?

Зиновий Петрович. Ундай эмас, Семён. Бутун меҳнаткаш халқ сенинг қадр-ҳиссанг деб курашяпти.

Семён. Шу сўзингиз сўзми?

Зиновий Петрович. Ҳа.

Семён. Мени нима кунга солмоқчисиз, Зиновий Петрович? Худо хайрингизни берсин, азбаройи худо, отрядни йўлга туширинг.

Зиновий Петрович. Сира, сира бўлмайди, Семён.

Семён. Бу нима деган гап? Нима қилмоқчисиз ўзи? Ахир оғайнилар, биродарлар, жангчилар, ана, кун ҳам ботиб кетяпти. Менинг Сонечкамни бўлса, черковга олиб бориб бегона бир одамга никоҳламоқчилар. Оналаримиз, сингилларимиз кўча-кўйларда тўрва кўтариб ким кўрингандан тиланиб юришибди. Ҳовли-жойларимиз вайрон, ўт қўйилган. Бутун Украина аччиқ-аччиқ йиғламоқда. Қонли ёш тўкмоқда. Балки энг сўнгги соатлар яқинлашиб келаётгандир. *(Пауза.)* Майли, хуллас, мен ўзим, ёлғиз ўзим бораман. Ўз ризқ-рўзим, қадр-ҳиссам учун курашаман. Отимни қайтариб беринглар.

Зиновий Петрович. Йўқ, Семён, берилмайди.

Семён. Бу нима деган гап ахир? Менинг устимдан командирлик қилмоқчи бўласизми? Мен бу ерда ўз эрки ўз қўлида бўлган озод жангчиман. Бўлди, отряддан чиқаман.

Зиновий Петрович. Таъбинг, билганингни қил.

Семён. Отряддан чиқаман, дедим, чиқаман.

Зиновий Петрович. Чиқсанг чиқақол. Бизнинг отрядга бундай енгилтак, асабий кишиларнинг кераги йўқ.

Семён. Отряддан чиқаман. Пиёда бўлса ҳам физиллаб бораман.

Зиновий Петрович. Югур! *(Семённинг орқасидан қўзғалиб қолган партизанларга қараб.)* Тўхтанглар, қўзғалманглар!

Семён чиқиб кетади. Пауза. Семён қайтиб киради.

Семён. Ахир мен одамлардан ажралиб кетолмайман-ку. Хайр, хайр менинг қадр-ҳиссам! Хайр менинг Соням! Хайр борлиғим!

Номаълум чол *(кирганига анча бўлгану ҳеч*

ким билмаган). Бу ерда партизанларнинг бошлиғи ким?

Зиновий Петрович. Партизанларнинг бошлиғи мен бўламан. Исмин Зиновий Петрович. Хўш, хизмат?

Номаълум чол (*қондан битта тарвуз олади*). Сизга хат бор!

Зиновий Петрович. Беринг.

Чол тарвузни унга беради.

- Ажойиб конверт топишибди. (*Тарвузни тиззасига уриб ёради, ичидан сурғучланган пакет чиқади, пакетни очиб ўқий бошлайди.*) «Сизларга бир манзил яқин жойда турибман. Отрядни мукаммал ҳарбий тайёрликда тутишингизни ва душманнинг орқа томонида изчил разведка олиб боришингизни буюраман. Ҳозирги вазифа — фронт орқасидаги халқ билан мустаҳкам алоқа боғлаш, душманни ваҳимага солиш ниятида немислар штабига қисқа-қисқа зарбалар беришдан иборат. Тез фурсатда кўришиб қолармиз. Дивизия бошлиғи Емельянченко». Ана холос, азаматлар, фронт орқасида қизил разведка ишларини бажариш учун бир жуфт яроқли йигит керак.

Ҳамма олдинга чиқади. Шовқин-сурон.

- Тўхтанглар. Ҳамманглар бирдан олдинга чиқмангларда. Кўриб турибман, азаматлар ҳамманглар ҳам қайноқ қонли, довюрак, ўз қадр-ҳиссаси учун курашадиган йигитлар экансизлар. Бу ишларингиз менга жуда ёқади. Аммо ёқмайтурган бир томони шуки, ўртангиздан яна ҳам қайноқроқ, яна ҳам довюракроқ кишини тополмай турибман. Ҳа дарвоқе, ҳалиги қайноқ қонли Семён қани? Семён!

Семён (*дағал*). Нима эди?

Зиновий Петрович. Шу ҳам муомала бўлди-ми, нима эмиш-а! Командир билан сўзлашаётганда ўрндан туриш керак бўлади, чунки буни ҳарбий мулозимат деб айтилади.

Семён дик этиб ўридан туради.

Хўш, Қотко, сен буйруқни эшитдингми?

Семён. Йўқ. Қанақа буйруқ?

- Зиновий Петрович. Биз душманнинг орқасига ўтиб уни бирданига ваҳимага солишимиз керак бўлади. Хужумимиз олдидан уларни чалғитиб, саросимага солиб штабини яксон қилиш керак. Германларнинг

штаби сенинг қишлоғингда бўлгани учун сендан дурустроқ разведкачи тополмай турибман.

Семён (*паузадан кейин*). Амрингизга тайёрман, ўртоқ командир.

Зиновий Петрович. Бехуда шовқин-сурон кўтарганинг учун халқ олдида ўзингни оқла.

Семён. Герман штабини яксон этиш буюрилди. Буйруғингиз адо этилади, ўртоқ командир.

Зиновий Петрович. Шундай бўлсин, Семён, ўзинг билан бирга Микола Ивасенкони ҳам олиб кет. Истаган аравани танла, ўлжа олинган отлардан бир жуфт энг яхшисини қўш. Пулемёт, олти, еттита қўл гранати олу йўлга туш.

Семён. Пулемёт учинчи тачанкада, Микола, қани тур!

Микола. Қани, кетдик.

Югурганча чиқиб кетадилар.

Фрося. Тусингни ел егурлар, қаёққа жўнамоқчи-я?

Микола. Яхши қол, Фрося. Катта қиз бўл.

Фрося. Тусингни ел есин.

Қўнғироқ товуши, арава юриб кетгани эшитилади.

Нима қиляпсизлар ўзи?

Ременьюк. Ўлжа олинган отлар дашт бўйлаб чошиб кетди.

Зиновий Петрович. Бизнинг Семён ўз қадр-ҳиссаси учун курашгани кетди.

Қўнғироқ товуши.

Парда

Еттинчи кўриниш

Букхонада.

Пилатоялар ва ғов олдида бир неча қишлоқилар, уларнинг орасида Семённинг онаси, лентая гуллар осиб олган жияни Любка бор. Ҳаммалари жулдур кийимда, ориқлаган, тиланчиларга ўхшайдилар. Бир неча майиблар. Ҳамма жойда немисча лавҳалар. Қўр киши қўлини чўзганча маъюс куйлайди. Никоҳ кўйлаги кийган Соня оҳиста юриб ўтади, унинг орқасидан бир неча гайдамак ўтади.

Она. Вой бу қандай офат, бу қандай бало... Қандай оғир кунларга қолдик.

Любка (зорланиб). Бу нима ўзи-я, ҳайронман. Ҳамма черковга йиғилган, шамлар ёняпти... Василийдан бўлса дарак йўқ... Менинг Василийимни кўрмадингизми-а?.. Ҳозир бизнинг тўйимиз бўлади. Василий бўлса аллақачонларда тентираб юрибди. Уни кутавериб оёқларимда дармон қолмади.

Овозлар. Қуёв келяпти, куёв келяпти... Қуёв...

Гусарларнинг байрамга хос кийимида Клембовский кириб келади. У билан бирга фон-Вирхов, яна учта гайдамак.

- 10 Любка (унга ташланади). Василёк! Сенмисан! Азизим! Мунча интизор қилмасанг, қаерларда қолиб кетдинг?

Гайдамак (уни четлатади). Қаёққа? Қаёққа суқиялсан?

Любка. Менга тегманг. Василийимнинг олдига бораман! Нега мени ҳайдайсиз? Мен ахир, унга унашилганманку!

Гайдамаклар уни бир четга сургаб чиқарадилар. Черковдан Ткаченко гетман офицери формасида чиқиб келади.

- 20 Клембовский. Биласизми, сизга гетман формаси жуда ярашар экан.

Фон-Вирхов. Шундай қилиб, ерни бир қўллаб эмас, икки қўллаб тутиш керак экан-да.

Клембовский. Ҳа, икки қўллаб.

Фон-Вирхов. Бу жуда ҳам лутф гушди.

Черковга кирадилар. Қуёв учун хор йўқилади. Ташқаридан қўнғироқ ва арава товуши келади. Миколанинг от тўхтатган овози. Қўлида граната билан Семён югуриб киради.

Она. Семён.

- 30 Семён. Онажон, сизмисиз? Сизни ҳам шу аҳволга солиб қўйишдимми?

Она. Қўявер, жон болам, ҳеч қиси йўқ. Қимирлаб юрибман-ку.

Семён. Германларнинг штаби қаерда? Герман офицерлари қаёққа кетди?

Она. Черковда.

Семён. Микола, орқа томонга эҳтиёт бўлиб тур. Қани, худойим, ўзинг мадад бер! (Чўқинади. Олдинроққа ўтади. Бирданига минбар олдида Соняни кўриб қолади. Секин.) Соня! (Қичқириб.) Сонька!..

- 40 Соня. Семён! (Унга ташланади.) Азизим, ёлғизим! Семён. Тўхта! Епишаверма! Дарров кўчага югур,

у ерда бизнинг арава бор. Микола ҳам ўша ерда. (*Гранаталарни кўтаради.*) Эҳтиёт бўл, ўқ тегмасин. (*Бомбани ирғитади.*)

Микола. Югур!

Семён. Орқага эҳтиёт бўл. Узингни сақла!..

Ен томонидан гайдамаклар чиқиб, Семён билан Миколани тугадилар.

Соня. Семён, қоч!

Микола. Қўлимни қайиравермаларинг, синдиранлар.

Олишадилар.

Она. Семён, болам. Улар сени нима қилишмоқчи? (*Семёнга интилади.*)

Гайдамаклар уни милтиқ қўндоғи билан итардилар.

Ур, ур, уравер! Бир муштипар кампирга зўрингни кўрсатиб қол!

Гайдамаклар уни урадилар.

Семён. Онажон!

Ткаченко чиқади. Гайдамаклар Семён билан Миколанинг қўлини боғлаб четга ташлайдилар.

Ткаченко. Ҳой, ким бор, ҳой йигитлар! Замбил олиб келинлар. Жаноби ротмистр Клембовский бошларидан яраландилар. Сонька, билиб қўй!

Фон-Вирхов (*черковдан чиқаётди*). Бўлар. (*Тезликда ҳарбий сумкасида қоғоз олиб ёза бошлайди. Хатни черковдан чиқиб келган гайдамакка топширади, ўзи кетади.*)

Черковдан ярадор немисларни олиб чиқадилар.

Гайдамаклар (*Микола билан Семёнга*). Ҳукм эълон қилинади: деҳқонлардан Семён Котко билан Микола Ивасенко ўлим жазосига ҳукм қилиниб, отиб ташланадилар. Ҳукм дарҳол халойиқ олдида қишлоқ майдонида ижро этилади.

Черковдан Клембовскийни носилкага солиб, олиб чиқадилар.

Ткаченко. Халойиқ, тарқал!

Гайдамаклар халқни майдондан ҳайдайдилар.

Микола (*Семёнга*). Хўш, энди мен ҳам сендан

бир сўраб қўяй-чи жонинг танангда турибдими, ё чиқиб кетдими?

Семён. Менинг жоним ўн тўртинчи йилдаёқ чиқиб кетган, ўлганман, деб қўйганман.

Микола. Менинг жоним ҳали вужудимда турибди. Э, худойим! Худогинам! Қечагина бугун келиб герман ўқи мени нобуд қилишини ҳеч ўйламаган эдим. (Йиғлайди.)

Семён. Бас, битта-яримта кўриб қолмасин!

10 *Ткаченко киради.*

Ткаченко. Хўш, Котко, зерикаётганинг йўқми? Умринг жуда оз қолди, айтадиганингни айтиб қол. (Пауза.) Энг сўнги дамларингда сенга жуда раҳмим кел-япти.

Семён. Бўрининг ҳам бизга раҳми келиб ёли билан думини қолдирган экан. Менга сенинг шафқатингнинг кераги йўқ. Келган жойингга жўнаб қол. Умримнинг охирги дақиқаларида мурдор тумшуғингни кўрмай қўя қолай.

20 *Ткаченко. Аҳмоқсан, Котко. Бир умр аҳмоқ бўлган эдинг, ҳозир ҳам ўша аҳмоқлигингча пиёдалар взводининг олдига тушиб кетасан.*

Микола. Аттанг, аттанг, бу ярамаслар қўлимни қайриб боғлаб қўйишибди-да.

30 *Ткаченко. Шундай қилиб, Котко, сен қишлоқи қандай аҳмоқ эканлигингни тушунмадинг. Қалта-кўтоҳ ақлинг билан осмон-фалакка сапчидинг. Ер юзидаги бор бахту саодатни қўлга киритишни орзу қилдинг. Барногина қизни кўрдингу ўзингнинг ирkit қўлингни унга чўзиб шартта ёпишмоқчи бўлдинг. Аммо ошинг пишмай қолди. Уша қиз — бадавлат, ўқимишли, сенинг бевосита бошлиғинг бўлган бир кишининг қизи эди. У қиз сендай бир қишлоқига жуфт бўлолмасди. Кейин, сен Котко, Клембовскийнинг бўлиқ ерларини, тухумдай семиз чорвасини кўрдинг-да, яна ўша ирkit қўлингни чўзиб, уларни шартта эгалламоқчи бўлдинг. Бунда ҳам ошинг пишмай қолди. Ахир бу унумли еру бу семиз чорва, тангрию подшоҳ томонидан жаноб помешчик Клембовскийга берилган муқаддас ҳамда даҳлсиз мулк эди. Сенга ҳукумат тепасида туриш жуда ҳам ёқиб қолди. Сен дор тагидан қочган қадрдон большевикларинг билан биргаликда ўша худойимнинг иродасига чангал урмоқчи бўлдинг. Ана, ўша шум ниятларинг сени шу ергача етаклаб келди. Ақлли одамлар қай режа билан иш қиладилар, биласанми? Мен, ўз бошлиқларимни*

хурмат қилдим. Мен бировнинг муқаддас мулкни кўз қорачиғидай сақладим. Шунга яраша азоб тортдим. Оқибатда ниятимга етдим. Сен бўлсанг етмадинг. Мен энди ўзимнинг мунча садоқатли хизматларим эвазига у баланд мартабали пан гетман Скоропадский жанобларидан мана бу офицерлик погонини олдим. Мен, қизим Сонькани теги-тахтли оқсуяк кишига бераман. Худо хоҳласа бир оз фурсатдан кейин ўзим ҳам шу оқсуяклар қаторига ўтаман. Сен-чи, сен номаълум қоронғи гўрда чириб ётасан.

Семён. Валақлаяпсан, мурдор. Мен гўримда ҳам ўз бахтим учун курашаман. Менинг ҳатто суякларим ҳам сиз газандаларни бўғиб ўлдиради.

Ҳарбий бурғи товуши.

Ткаченко. Умринг охирига етиб қолди, Қотко, вақтинг жуда оз. Авваллари сен мени хурмат қилардинг, Қотко...

Семён. Худди ана ўшанда ўта кетган аҳмоқ бўлган эканман.

Ткаченко. Мен ҳам сени хурмат қилардим, сен ҳам яна мени хурмат қилардинг.

Семён. Ушанда аҳмоқ эканман, деяпман-ку.

Ткаченко. Мана мен сени ҳозир ҳам яна хурмат қиламан, сийлайман. Ма чек, ҳуморинг тарқалсин. Тамакиси жуда тоза, Месаксуди фабрикасидан чиққан. *(Кумуш портсигарни узатади.)*

Семён. Кераги йўқ. Ҳой, лаънати, ана шу сўзларинг учун мурдор кўзингга тупураман. *(Ткаченконинг юзига тупуради.)*

Ткаченко бўйин қочиради, рўмолча билан юзини артади, Семёнинг юзига уради. Ҳарбий бурғи чалинади. Немис соқчилари кирадилар.

Ткаченко. Тўхтанг, дўстлар! Ялангликдаги ўша дарахтнинг тагига борамиз.

Семён билан Микола немис соқчилари қуриовида туради. Снарядлар учиб ўтади.

Семён. Ҳа, мана бу ўзимизнинг уч дюймлик рус тўпининг ўқи! Қадрдоним!

Павласт ҳайқириқ, даштдан юзлаб овозлар эшитилади. Пулемёт қисқа-қисқа тириллайди. Ткаченко букилганича қочиб кетади. Немис тилида шоша-пиша берилган команда эшитилади. Немисларнинг штаби ҳовлидан қочиб чиқади. Жанг садолари. Ҳовлига

қўзғолончилар кириб келадилар. Уларнинг орасида милтиқ кўтарган Фрося ҳам бор.

Фрося. Уҳ, жуда чарчадим, оёқларимда дармон қолмади. (Микола билан Семёнга.) Сизлар қаерларда адашиб-улоқиб юрибсизлар, тусгинангни ел егурлар. Бир нафас кутиб туришга, Қизил Армия билан бирлашиб олгунимизгача ҳам сабрларинг чидамадими?

Семён. Гапни қўй, қўлимизни еч, қўлимизни еч..

10 Фрося (тиши билан ечмоқчи бўлади). Қуриб кет-гурлар шундай чандиб ташлашибдики, ҳеч тишим ўт-маяпти.

Семён. Қилич билан кесиб юбора қол!

Фрося. Ҳо, мен иримни билмас эканманми, мени бир умр эр олмай ўтиб кетар эканман-да.

Микола. Қўрқма, ўзим оламан. Сен аввал арқонни кес-чи.

Фрося тугунни қилич билан кесади.

20 Зиновий Петрович (кириб, буйруқ беради). Пулемётларни олдинга силжитинглар. Иккинчи рота ўнг қанотга! Хўш, Семён, ишлар қалай? Офарин, бу ўз вақтида кўтарилган шовқин-сурон бўлди. Раҳмат.

Котконинг онаси билан Соня югуриб кирабилар.

Соня. Оҳ, Семён, Семён! Азизим, хайрият, омон қолдингми?

Семён. Худо хайрингни берсин, Соня, бир пас сабр қил. Қўриб турибсан-ку, мен командир билан сўз-лашаётиман. Онамнинг ёнида туратур. Хотинларнинг нимасини айтасиз энди! Буларнинг билгани ваҳимаю сарөсима.

30 Ишғаллар шовқин-сурон билан кириб келадилар. Урталарида — Ткаченко.

Зиновий Петрович. Хўш тагин нима гап бўлди? Қани, одамларнинг резгиси, бир ўгирилиб юзингни кўрсат-чи! Балки булар сени таниб қолишар, сенинг ҳақингда яхшироқ фикр айтишар. Ахир биз билайлик, кимсан, нимасан? Сени ўнг томонгами, чап томонгами, қай томонга сафарқочди қилар эканмиз?

40 Семён. Угирилиб ўтирмаса — маълум. Биз ўлакса билан танишимиз. Кўп муддат кўзимиз-кўзимизга тушган. Ҳалигина шу жойда у мен билан гаплашган эди. Тумшуғидан ўша суҳбатимизнинг нами кетгани йўқ.

Зиновий Петрович. Инсоф ўзингга берсин.

Нима десанг шуни қиламиз. Унгга дейсанми, чапга дейсанми?

Ткаченко тиз чўкиб ёлворади.

Ткаченко. Мени афв эт, Семён. Бу ишларга мен айбдор эмасман. Менинг бошимдан ўтган умр айбдор.

Семён. Чапга!

Зиновий Петрович. Чапга!

Ткаченкони олиб чиқиб кетадилар, ўқ товуши. Узоқдан келган шовқин тобора яқинлашади. Дивизия бошлиғи ўз штаби билан кириб келади.

(*Бошлиққа яқинлашиб.*) Революцион комитетнинг буйруғига мувофиқ қўзғолончиларнинг командири Батюшков ўз отряди билан жасур Қизил Армия ихтиёрига келиб қўшилди.

Дивизия бошлиғи. Сиз Зиновий Петрович бўласизми?

Зиновий Петрович. Ҳа.

Дивизия бошлиғи. Таниш бўлайлик.

Зиновий Петрович. Биз сиз билан орқаворатдан аллақачондан буён яқин таниш бўлсак ҳам, ҳалигача кўришолмаган эдик.

Дивизия бошлиғи. Мана ниҳоят кўришдик. Хўш, ишларингиз қалай, Зиновий Петрович?

Зиновий Петрович. Уртоқ дивизия бошлиғи, бизнинг олдингизга, сизнинг жонли байроғингиз тагига ўз йигитларимни, ўз амакиларимни бошлаб келдим. Кечагина кечқурун, отрядда икки юз қирқ беш жангчи бор эди, бугун эрта билан бўлса бир минг бир юз саксон кишига етдик. Соат сайин янгидан-янги одамлар келиб қўшилиб турибди.

Дивизия бошлиғи. Зиновий Петрович, отрядингизни кучайтириш учун енгил батареяни олинг-да, ҳаракат бошланг. Қодим томонга жўнанг. Уртоқ Самсонов, қўзғолончилар командирининг ихтиёрида бўласиз.

Самсонов (*Зиновий Петровичнинг олдига келиб*). Мен — батарея командири Самсонов, сизнинг ихтиёрингиздаман.

Қўл олиб кўришадилар.

Зиновий Петрович. Худога шукур-э, тўпли ҳам бўлдик. Ростини айтсам, артиллериясиз қўлсиз кишидек эдим!

Самсонов. Зиновий Петрович, мабодо бизнинг

партизанлар ўртасида бопроқ келадиган биронта наводкачи топилмайдими? Мендаги учинчи тўп одам йўқлигидан бекор ётибди.

- Зиновий Петрович. Амаллаймиз. (*Қўзғолончиларга қараб.*) Гап шундай, немислар ўзларини ўнглаб олмасларидан бурун, менинг фикримча, тикка йўл билан Қодим станциясига от солишимиз керак-да, қишлоққа кирадиган йўлни улардан тозалашимиз зарур.
- 10 Украинамизнинг ноз-неъматлари уларнинг юртига етиб бормаслиги учун темир йўлда кичкинагина тўполон кўтарсак ҳам чакки бўлмайди. Тамом. Отланинглари!

Узоқлашаётган отряднинг отларининг дупури эшитилиб туради.

Самсонов. Тартиб билан тўпларга!

Партизанлар тўпларни судрайдилар.

Зиновий Петрович. Сен, Семён, батарея командирининг ихтиёрида бўласан. Тўхта. Сенинг мана бу аёлларинг тўғрисида икки оғиз гапим бор. Улар юкчи араваларда кетишлари мумкин.

- 20 Хотин. Вой ўлай амаки, сиз бизни отмоқчимисиз? Зиновий Петрович. Йўқ, сизлар билан ҳазиллашиб ўтирармидим. Ана шундай бир тушириб қоламан!

Хотинлар қичқириб қочадилар.

Семён. Ҳозир биз немислар билан гаплашмоқчимиз, ана шундай, Сонечка.

Соня билан Фрося чиқиб кетадилар.

(*Самсоновни танитай, унга.*) Тўпчи Котко сизнинг ихтиёрингизда.

- 30 Самсонов. Жуда маъқул, Семён, шундай бўлса, бориб ўзингнинг учинчи тўпингни эгалла. Нишонга олишни унутиб қўйганинг йўқми?

Семён. Ўзингиз ким бўласиз?

Самсонов. Самсонов.

Семён. Қўнгилли бўлиб келган Самсоновмисиз? Саломлар бўлсин ўртоқ Самсоновга! (*Унга отилади.*)

Самсонов. Худди ўшанинг ўзи.

Семён. Батарея ҳам ўша батареями?

- 40 Самсонов. Ўшанинг ўзи. Ўша ўзимизнинг қадрдон, уч дюймли батареямиз.

Семён. Мен отиб юрган тўп ҳам шу ердами?

Самсонов. Шу ерда.

Семён. Вой, худойимдан айланиб кетай. (*Тўнга*

ташланади.) Ўзгинамнинг тўпгинам! Мен бу тўпдан уруш вақтида икки минг саккиз юз олтмиш иккита ўқ узганман. Ана энди буни қарангки, солдат фронтдан қайтаркан, яна қайтиб фронтга дуч келиб қолди.

Самсонов. Мен сен тентакка, қолавер, деб айтмаганмидим? Хўш, урушдан қайтиб нима иш қилмоқчи эдинг?

Семён. Дон сочмоқчи эдим.

Самсонов. Сочолдингми?

Семён. Сочдим.

Самсонов. Бошқалар ўриб олишдими?

Семён. Ҳа.

Самсонов. Биласанми энди биз нима қиламиз, улар ўрган бўлса сен билан биз янчишга тушамиз. Бор, ўз тўпингнинг олдига. Уртоқлар, мана сизга янги наводкачи.

Адъютант киради.

Адъютант. Уртоқ дивизия бошлиғи, ҳозир биз томонга оқ байроқ кўтарган икки немис офицери келди. Улар сиз билан сўзлашмоқчи эмиш.

Дивизия бошлиғи. Олиб киринг. (*Ўзи черков зинасига ўтиради.*)

Оқ байроқ кўтарган икки немис офицери киради.

Биринчи офицер. Митвем хабе их дас фершюген шу шпрехен?

Иккинчи офицер. Сиз, жаноблари, Қизил Армия қисмларининг командири бўласизми?

Дивизия бошлиғи (*ўрнидан турмай*). Ўзи нима гап?

Биринчи офицер. Их шпрехе им ауфтраге унзерен, герр генерал. Ир бэнеймен хат унс цимлих унгенем бэрюрт.

Иккинчи офицер. Жаноб Қизил армия қисмларининг командири, сизга жаноб майор қатъий танбеҳ қилмоқчи бўладилар, шу аҳволларни назар-эътиборга олибким, яъни...

Дивизия бошлиғи. Қисқароқ!..

Иккинчи офицер (*қатъий*). Жаноб, Қизил Армия қисмлари командири, сиз ўз боқинчиларингиз билан немис армиясини безовта қилмоқдасиз. Немис қўмондонлиги номидан бу хилдаги ҳаракатларни тўхта-тишингизни таклиф қиламан. Акс ҳолда, немисларнинг икки полки ишга тушади ва сизлар янчиб ташланасизлар.

Дивизия бошлиғи. Сизларни безовта қилаётган мен эмасман. Аксинча сизлар Украина халқини безовта қилаётибсизлар. Хўш, сизларни бу ерга ким чақриб келди? (*Ғазабини тийиб ўрнидан туради.*)

Немислар орқаларига тисариладилар.

10 Сизларни бу ерга ким чақриб келди, деяпман? Немис қўмондонлигига бориб айтингки, дарҳол немис армияси бизнинг ўлкамиздан энасининг чалдиворига жўнаб қолсин. Биз ҳам ўша тобдаёқ ўз полкларимизни сизларнинг полкларингизга қарши қўямиз. Бироқ бизнинг полкларимиз каттароқ, кучлироқ бўлади. Бас, мен сизларни ортиқ тутиб турмайман.

Иккинчи офицер. Сиз ахир немис армиясининг вакиллари билан сўзлашиш шарафига муяссар бўлдингиз.

20 Дивизия бошлиғи. Нима-нима? Йўқ, сизлар ҳали бизнинг узил-кесил сўзлашиб қўйишимизни билмас экансизлар! Қаерда турганларингизни унутганга ўхшайсизлар. Бу ер сизнинг мустамлакангиз эмас. Бу ер — совет Украинаси! Ва улуғ Украинани совет халқи ҳеч қачон сизнинг этигингиз остида қолдирмайди. Бу этик Вильгельмникими, Гинденбургникими, Людендорфникими ё бўлмаса қандайдир бир юнкерингизникими, кимники бўлса ҳам бари бир. Ўз қулоғингизни ойнасиз кўролмаганингиздек Украинани кўриш сизга насиб бўлмайди. Биз сизни урганмиз, урмоқдамиз, уражакмиз. Қаерда бўлмасин, қачон бўлмасин бизга суқулиб кўрсангиз бас. (*Адъютантга.*) Мана бу парламент сўзамоли бўлган жанобларни кузатиб қўйинг.

30 *Немислар чиқиб кетадилар.*

Буюраман: ҳужум бошлансин.

Бурғу, барабан садолари.

Самсонов. Батарейа жангга! Нишон — етти ноль. Тўғри мўлжал билан. Шрапнелдан огоҳ бўл, Семён!..

Семён (*тўп олдида*). Эҳтиёт бўламан.

Дивизия бошлиғи. Яшасин енгилмас Ишчи-Деҳқон Қизил Армияси!.. Чекинаётган немис армиясига қараб олға!..

40 Самсонов. Ўт очилсин!
Тўп отилади, Қизил Армия қисмлари киради. Байроқлар. Хитоблар. Марш.

Парда

Б. А. ЛАВРЕНЕВ

ДЕНГИЗДАГИЛАР ШАРАФИГА

(3 парда, 7 кўринишли пьеса)

Қатнашувчилар:

- Харитонов — сувости қайиқларини ботирувчи. Қизил Байроқли дивизионнинг командири. Иккинчи ранг капитан, 40 ёшда.
- Шубин — дивизион штабининг начальниги. Учинчи ранг капитан, 35 ёшларда.
- 10 Клобуков — инженер, капитан-лейтенант. Флагмеханик, 30 ёшларда.
- Максимов — биринчи отряд командири, капитан-лейтенант, 29 ёшда.
- Боровский — иккинчи отряднинг командири, капитан-лейтенант, 30 ёшларда.
- Рикало — 101-катернинг командири, старший лейтенант, 27 ёшда.
- Лешев — 113-катернинг командири, старший лейтенант, 36 ёшда.
- Будков — мичман, 50 ёшда.
- Лябинский — биринчи даражали старшина, 26 ёшда.
- Бойко — иккинчи даражали старшина, 27 ёшда.
- 20 Афанасенко — қизил флот радисти, 27 ёшда.
- Харитонова — дивизион командирининг онаси, 62 ёшда.
- Горелова — флот театрининг артисти, 35 ёшда.
- Шабунина — медицина хизматидаги капитан. Боровскийнинг хотини, 29 ёшда.
- Оленька — қизил флотчилар уйининг официантси, 17 ёшда.
- Офицерлар, қизил флотчилар.
- Воқеа дивизион базасидаги флотлардан бирида юз беради.*
- 1943 йилнинг қиш ва баҳор пайтларида.*

Ғафур Ғулом таржимаси

БИРИНЧИ ПАРДА

Биринчи кўриниш

- Қиш кечаси, қуюқ ва паст булутлар флот тўхтаб турган қўрғон устидан тез-тез ўтмоқда. Бир томонда суюқ йирик қор ёғмоқда. Қирғоқнинг бир томонига яшиқлар уюлиб қўйилган. Шу ернинг ўзида қорларга кўмилиб оғир лангар ётипти. Қирғоқдан 5—10 қадам нарида катернинг мачталари оғир чайқалиб турмоқда. Рўпарадаги қирғоқнинг қоя учлари бўрон ичида аста-секин қорайиб бормоқда. Бу қирғоқнинг бир бурчида (олдинги планда) дежурний
- 10 бино. Бу кичкина кўк бўёқ билан бўялган уйча ичида уч киши ўтирипти. Рикало йўл комбинезони кийган. Қорачадан келган ўсиқ қошли, сочлари жингалак стол атрофида ўтириб катта кружкада чой ичмоқда. Максимов — ул ҳам йўл комбинезони кийиб олган, қизариб ёниб турган печканинг олдида ўтириб олиб, печкага аста-секин ўтин ташламоқда. Уткир кўк кўзлари ўтга тикилган. Навбатчи Лябинский олифта йигит, кийиб олган формалари ўзига келишган. Катерлар турган қирғоққа тўда-тўда бўлиб десант группасининг жангчилари чиқиб келадилар. Уларнинг ҳаммаси пахталик уст-бош, резинка этик, бошларига иссиқ шапка
- 20 кийиб олганлар. Улар яшиқларнинг орқасига ўтиб шамолдан буқиниб ўтира бошлайдилар.

Рикало (аста-секин чой ичиб, хуш овоз билан «Байкал» куйида минғирлаб ўтирипти).

Шайтон олгур денгиз, тўлқинлар гирдоби
Бўрон ва туманлар тубсиз бир бочка
Штурман айғоқ бўл, борар йўлинг бил
Сал бепарволик қилдингми... точка.

- Лябинский й. Кечирасиз, ўртоқ старший лейтенант, бу шеър кимники бўлдикин?
- 30 Рикало. Ҳа, маъқул бўлиб қолдимиз?
Лябинский й. Маъқул бўлгани учун қизиқиб сўра-
япман-да.

Рикало. Маъқул бўлган бўлса, бу менинг асарим.
Лябинский й (хўрсиниб). Ҳамма ишингиз ҳам шунақа ўринли бўлиб чиқаверади.

Рикало (бепарво). Урганишдан. (Қўшиқни давом қилдиради.)

Сузамиз зим-зиё совуқ бўронда
Денгизда яшамоқ номаъқул — чакки

Жанубдан шамол бор, шимолники йўқ
Шайтон ўғирлаб кетгандир балки.

Максимов. Балли!.. Шундай қилиб старший лейтенант шайтоннинг олдиғача сузиб борган экан-да. (Оташкурак билан печкадаги ўтларни титиб.) Тозаям ланғиллаб ёнаятти-да.

Лябинский. Иссиқни яхши кўрасиз дейман, ўртоқ капитан-лейтенант.

Максимов. Нега энди албатта иссиқни бўлсин, иссиқни ҳам, совуқни ҳам баббаравар. Ҳаёт қай хилда ҳам бўлмасин, ҳурмат қилавераман, мен уни севаман.

Рикало. Мен ҳам ҳаётни сендай севаман, яхши кўраман. Яхши кўришликка-ку кўраман, аммо ҳарорат 18 даражадан паст бўлмаслиги керак.

Максимов. Бўлмаган гап! Ҳаёт ҳар бир даражада ҳам яхши. Ушани эшитишнинг уддасидан чиқсанг кифоя.

Лябинский. Маъқул гап бўлди, ўртоқ капитан-лейтенант, менга совуқ жуда маъқул. Ўзим лимон билан мурч ўсадиган иссиқ мамлакатда туғилган бўлсам ҳам, қаҳратон қишни маъқул кўраман. Бу худди қора сочли йигит сариқ сочли қизга ошиқ бўлишига ўхшайди. Икки қарама-қарши зид томоннинг бир-бири билан бирлашганидек гап.

Максимов (кулади). Ҳа, ҳа, ҳа, ана бунинг отини диалектика дейдилар.

Рикало. Бу қанақа бўлди, ўртоқ старшина? Сиз бу аҳволни ўз шахсий тажрибангиздан ўтказиб кўрган-мисиз?

Лябинский (зарда билан). Йўғе... ундай эмас. Мен яъни айтганда тамоман теория кишисиман...

Максимов. Масалан, сен ҳозир «Шайтон олгур денгиз...» деган қўшиқни айтдинг, бу албатта ҳазилкашлик қўшиғи эди. Аммо, шундай бўлса ҳам, бир пулга арзимаёди. Денгиз — бу бизнинг ҳаётимиз, сен бунда тасодифий меҳмон эмассан. Ана шуни доимо ёдингда тут ва денгизни ҳурмат қил. Денгиз — бу муҳаббат демак. Улар ҳатто денгизни бир маъшуқа ҳисоблаб, ниқоҳланар эканлар.

Рикало. Уларнинг иши жойида эди. Уларни денгизнинг товуқ шўрваси деса бўлади. Денгиз муҳаббат эмиш. Бизнинг денгизга бўлса, қани бир уйланиб кўрчи. Тишинг-тишингга киришиб музлаб қолади.

Максимов. Беадабгарчиликни йиғиштир! Мен денгизга ҳазилкашлик билан муомала қилишни ёқтир-

майман. Мен ҳали дунёга кўз очиб қарамасданоқ денгизчи бўлганман...

Рикало. Бу қанақа гап бўлди!

Максимов. Менинг отам узоқ денгизларда сузувчи капитан бўлган. 1914 йилда Узоқ Шарқда бир пароходнинг қўмондонини бўлган — онам ҳам у билан бирга сузган, мен шунда унинг қорнида эканман. Янги йилга ўтар кечаси денгизда кета туриб, туғилибман. Отам ҳикоя қилгучи эдики, ўша кеча даҳшатли тўлқин бўлган экан, каттакон кема писта пўчоқдай чайқалиб, тоғдек тоғдек тўлқинлар пароходнинг устидан ошиб тушар экан. Доям мени энди ердан кўтариб олганда ҳалиги тўлқинлардан биттаси даҳшат билан урилиб каютанинг эшигидан кирибди-ю, чақалоқни, яъни мени Муҳит денгизларининг сувига чўмилтириб кетибди...

Рикало (суқланиб). Қиройи туғилиш ана шунақа бўлса. *(Жимжитлик, қирғоқда яшиқлар орқасида ўтирган десант аскарларнинг олдида Будков келади. Бақалоқ, қизил юзли, мошгуруч мўйлабли киши.)*

20 Будков (буюради). Становись! Смирно! Қўзғалинг! *(Десантчилар тездан туриб саф бўладилар.)* Вольно! Мен ҳозир бориб, капитан-лейтенантга хабар бериб келаман! *(Навбатчи уйига қараб кета бошлайди. Шу пайтда навбатчи уйида телефон жириглаб қолди.)*

Лябинский (трубкани олди). Пристань бўйича навбатчи биринчи даражали старшина Лябинский эшитяпти. Биринчи отряднинг командири деяпсизми?.. У шу ерда... Трубкани бераман. *(Максимовга трубкани бера туриб.)* Штаб начальниги.

30 Максимов. Капитан-лейтенант Максимов тинглаяпти... Шундай. Десантчилар пирсда тайёр. Учинчи ранг капитан... Йўлга чиқишларини тўхтатиб туриш керак дейсизми?.. Афв этасиз. Бу кимнинг буйруғи?.. Шундайми... Тушунарли. Ҳурмат қилишга қиламан. Аммо, комдивнинг 20.00 минутда «Лангарлар кўтарилсин» деган буйруғи бор... Тушунаман... Аммо, буйруқни ўзгартишни ҳам комдивнинг ўзидан олишим керак... Дуруст сиз у билан келишинг. Агар яна 10 минутдан сўнг буйруқнинг ўзгаргани тўғрисида комдивнинг тасдиғи бўлмаса, мен денгизга чиқишга мажбурман... Шундай, нима ҳам қилардинг. Қимга, қандай қўшилишаман, аммо, аксини бажаришга мажбурман. Хайрли кеч. *(Трубкани илади.)*

Рикало. Нима жанжал. Нима тўполон?

Максимов. Штаб начальнигига обу ҳаво ноқу-

лайроқ кўринибди шекилли... Болаларнинг оёққиналаридан нам ўтмасин деяпти. Гамхўрликни қаранг-у...

Рикало. Шунинг ўзгинасига ваҳимами? Бундан минг баттар об-ҳаволарда ҳам юрганмиз-ку.

Максимов. Мен ҳеч тушунолмаيمان, биз кимни тарбиялашимиз керак? Азамат денгизчиларними ёки жони бўш саъваларними? (*Эшикда Будков кўринади.*)

Будков. Киришга ижозат беринг, ўртоқ капитан-лейтенант.

Максимов. Қиринг, Семён Васильевич обу ҳаво нотинчроқ кўринади-а?..

Будков. Жуда ҳам маъкул обу ҳаво бўлиб турибди-да, ўртоқ капитан-лейтенант.

Максимов. Хўш, нима дейсиз? Сизнингча денгизга чиқаверса бўладими?

Будков. Э, бўлмаса-чи... Айни ҳузур-ҳаловатни ўзгинаси-ку. Ёшларнинг тўла тажриба олишларини айтмай-сизми?

Максимов. Бу гапларни эшитиш кишига ёқади. Десантчилар тайёрми?

Будков. Так точно, тап-тайёр. Саф тортиб турибдилар.

Максимов. Ўртоқ Лябинский! Агар мени қайтадан телефонга чақириб қолсалар, чиқиб кетди, деб айтиб қўйинг.

Лябинский. Есть! Айтиб қўйиш.

Максимов (*капюшонни кияди*). Қўзғалдик. (*Будков, Максимов, Рикало чиқиб кетдилар.*)

Будков (*команда беради*). Смирно!

Максимов (*қаторга яқинлашиб*). Салом ўртоқлар!

Десантчилар. Салом сизга, ўртоқ капитан-лейтенант!

Максимов. Вольно! (*Қаторнинг олдидан ўтиб, текшира бошлайди.*)

Навбатчи хонасида яна телефон жиринглаб қолди.

Лябинский. Пристань навбатчиси жавоб берапти... Ижозат беринг айтишга. Ҳозиргина қўзғалиб кетдилар... Бир озгина кечикдингиз... Худди шундай... (*Трубкани илади*). Бўлмасам-чи. Бизнинг капитан-лейтенантни қувлаб бўпсан. Унинг жуда илдам характери бор. (*Печкадан папирос ёндириб, стулга ўтиради. Китобни очиб ўқишга чўмди.*)

Максимов (*қирғоқдан*). Ўртоқ Мичман, нега Бой-

ко бушлатнинг ўзгинасида? Устидан киядиган пахталиги қани?

Бойко. Ижозат беринг, ўртоқ капитан-лейтенант... Бўйнимга тўғри келмаган пахталик тегиб қолган экан. Қопга ўхшаб шалвираб қолди. Қисқартиб олишга қўлим тегмади.

Максимов. Биринчидан, мен сизга сўзлаш учун жавоб берганим йўқ. Иккинчидан, бўлмағур гапни айтаяпсиз. Қисқартиб олиш учун етарли вақт бор эди. Де-мак, сиз ялқовлик қилгансиз. Бўйнимга тўғри келмади эмиш... Пахталик деган сўз бу парадда кийиладиган мундир эмас. Сиз базмга кетаётганингиз ҳам йўқ... Енгини қайтариб, ўралиброқ кийиб, устидан камарни маҳкам боғласангиз кифоя... ўртоқ Мичман. Буни бугунги юришдан олиб қолинг!

Бойко. Совқотаётганим йўқ-ку.

Максимов. Гап қайтарманг! Иккинчи даражали старшина бўла туриб, ҳали ҳам интизом билан чиқиша олмайсиз. Сизга бир неча қайта амримга итоат қилишингизни таъкидлаганман. Денгизда ушук уриб қўядида, фойда ўрнига бемаънилик бўлади. Таълим вақтидаги бепарволик. Жанг вақтида ўлим билан баробар сафдан чиқинг ва қолинг!

Бойко (*хафа*). Есть қолиш. (*Сафдан чиқади, дежур уйига қараб кета бошлайди.*)

Максимов. Ўртоқ Мичман, сиз ҳам тайёргарлик вақтидаги қилган бепарволигингиз учун, бу таъкидимни қабул қилиб қўйинг. Бундан буён одамларни менга тақдим қилган вақтингизда бугунгига ўхшаш сафдан чиқадиган воқеалар юз бермасин! Тушундингизми?

Будков. Тушундим, ўртоқ капитан-лейтенант.

Максимов. Қани, одамларни ўтқизинг!

Будков. Направо. Шагом арш! (*Десантчиларни олиб кетади. Максимов билан Рикало уларнинг изидан борадилар. Ишлаётган моторларнинг овози эшитилади. Дежур уйида Лябинский бошини китобдан кўтариб, овозга қулоқ солади.*)

Лябинский. Ана энди ҳақиқатан йўлга чиқади-ган бўлдилар. (*Пауза.*) Аммо жин урган кеча бўпти-да. 40 Ҳа, ҳийла қийналишади-да. (*Эшикни очиб Бойко кириб келади.*) Хўш бу кимнинг турқ-таровати бўлди.

Бойко (*жаҳл билан*). Чекишга ҳеч нима борми?

Лябинский. Арзимаган гап экан-ку, марҳамат, қарз олиб туринг. (*Халгани узатди.*) Хўш, нега мунча қовоқ-димоғ тушган. Безгак тутган балиққа ўхшайсан?

Бойко. Бе... қўйсанг-чи, бўлди-е, бундан кейин, иккинчи отрядга кўчиришларини сўрайман.

Лябинский. Нима, нима... қулоғимга янглиш кирдими?

Бойко. Дарҳақиқат, бу нима деган гап экан? Шу ҳам турмуш бўлдими? Нима иш қилсанг, йўқ унақа эмас вассалом... Иккинчи отрядда бўлса, капитан-лейтенант Боровский, ана у киройи командир. Қараб кўзинг тўймайди... Бир оз гуноҳ қилиб қўйдингми, бақириб олиб, андак сўкади-ю, зарра ҳам ранжитишни билмайди. Ўзи ҳам шод, у билан ишлаган одамлар ҳам хурсанд. Бизники бўлса, уккидай шумшайиб юради. Бир сиқикқа олиб қўйганда ҳаром ўлгани жой тополмай қоласан. Унда кишилар билан самимий муомала йўқ.

Лябинский. Валақлаб бўлдиларми? Ҳали мен, шунчалик доно одамга тамаки қарз бериб ўтирибманми?.. Буёққа бер-е...

Бойко. Хўш, хўш...

Лябинский. Хўш, хўш. Холангга бориб хўш-хўшла-е, якка хўжалик. Бизнинг капитан-лейтенантнинг ким эканлигини хўп таниб қўя қолибсану. У топширилган вазифаларни мустаҳкам бажарилишини талаб қилади. Балки сен у келиб сен билан яримтани ичишини хоҳласан, умидингни узиб қўявер, у — офицер, у сенга оғайинчалиш эмас, кетгинг келган бўлса, туёгингни шиқиллат! Сенга ўхшаган денгизчининг боридан йўғию, очидан — тўқи. Халтачани буёққа чўз-э...

Бойко. Писанда қилма, ма. Ол кераги йўқ, ўлиб қолмасман. (Эшикни зарда билан ёпиб, чиқиб кетади.)

Лябинский. Буни қаранг-а... у кишига какаони эрта билан каравотининг тепасига ўзи олиб бориб берадиган командир керак экан, лапашанг.

Қирғоқ чекасидан команда эшитилади. «Отдать кормовие!» Шу пайтда моторларнинг овози қаттиқроқ эшитилади. Катерларнинг мачталари — тиргаклари қирғоқдан узоқлашадилар. Қоронғуликка кириб кетадилар.

Ана энди чинакам жўнаб кетдилар. (Яна китобга тутинади.) Хўп ёзилган экан-да. (Овоз чиқариб ўқийди.) Кеча лим-лиму ва сарв дарахтларнинг муаттар ҳидлари билан тўлиқ тўлин ой мовий денгиз устида порламоқда... Мана бу сўзларни қаранг-а. Қўл билан силаб кўрса бўлғудай ёзилган. Худди шундай кечаларни кўп ўтказганман. Севганинг билан қўлтиқлашиб, Ботум парки орқали уйингга қайтаётибсан, сарв ёғочларининг

хушбўй ҳидлари қалбга оқади. (Ашула.) Қандай кетаётганларига бир қараб қўйсаммикин-а... (Чиқади.)

Қирғоқда тез-тез юриб келаётган бир кишининг шарпаси кўринадди. Устида чарм пўстин, оёғида буғу терисидан этик, офицерларга хос формали қулоқчин, унинг орқасидан узун бўйли бир шарпа, устида шинель, оёғида шивит валенкаси. Булар Шабунинга билан Боровский.

10 Ш а б у н и н а (қирғоққа югуриб). Кечикдик дедим-ку. Албатта кечикдим. Чакки бўлди-да, қўрқди деб ўйлашлари ҳам мумкин. Мен сенга айтдим-ку, ахир Саша, кетиб қолишади деб. Сен жўрттага қилгандай ҳадеб чўзавердинг.

Б о р о в с к и й. Тўппа-тўғри, жўрттага чўздим.

Ш а б у н и н а. Ҳазиллашаётганинг йўқми?

20 Б о р о в с к и й. Хаёлимга ҳам келтирмайман... Мен шу йўл билан сени бу тентакликдан сақлаб қолмоқчи бўлдим. Сен ахир денгизда бўлаётган ҳодисаларни аниқ кўриб турибсан-ку. Мен Шубиндан комдивга денгизнинг нотинч аҳволини айтиб, бу кечикиб юришнинг қолдирилишини ҳам сўраб эдим. У менинг гапимни маъқул ҳам топди... Ҳатто...

Ш а б у н и н а. Бироқ қарасангизки, Максимов жўнаб қолибди.

30 Б о р о в с к и й. Ҳар кимнинг бошбоғи ўз қўлида. Борис учун ҳаммавақт ҳам денгиз тиззасидан келади. У ҳар қачон одамлар тўғрисида ўйлаб ҳам ўтирмайди. Денгизда бўлаётган ҳодисаларни тасаввур қилаяпсанми! Катерларнинг аҳволи қалай бўларкин? Одамлар сўнгакига етгунча ивиб ҳаммаси яхлаб қолади. Шу ташвиш — машаққатнинг ичига энди сен суқилиб юришингни нима ҳожати бор?

Ш а б у н и н а. Мен ахир овқатдан ясалган мўрт бир нарса эмас, балки дивизионнинг врачлари аталган кишиман. Мен ҳеч бўлмаса, бирор гал шу тўполон ҳавода бориб ва бу қийинчиликлар одамларга қандай таъсир қилганини кўришни истаган эдим.

40 Б о р о в с к и й. Емонликни англамоқ учун врач бўлиш керак эмас. Борис бекордан-бекорга командани ҳолдан тойдирмоқда... Сенинг ҳам инвалид бўлиб қолишингнинг ҳеч қанақа ҳожати йўқ.

Ш а б у н и н а (пауза). Баъзан мен сенга ҳеч тушунолмайман, Саша.

Б о р о в с к и й. Бу ерда тушунмайдиган нима бор экан? Менга сенинг саломатлигинг бари бир эмас.

Ш а б у н и н а. Таажжуб, бир сидирға ҳафталаб мен

борманми-йўқманми бепарвойи фалак юрасан... ва тусатдан... кўпинча мен ортиқ сен учун йўқ бўлиб кетганман шекилли деган фикрга келаман.

Боровский й. Тағин ўша, хотинча бачкана гаплар. Узинг биласан-ку уруш. Аввалгидек осойишта умр учун, аввалгидай бизнинг астойдил жондан чиққан иссиқ суҳбатларимиз учун заррача ҳам вақт йўқ. Мен бўлсам бошим билан жавобгар бўлган ишлар билан бандман... ва сен ҳам шундай, ҳиссиётнинг фурсати эмас.

Шабунина. Агар сенинг бошқалар учун ҳам вақтинг бўлмаганини билганимда эди, бу гапларга тушунган бўлар эдим... ахир, ҳислар ҳам топилади-ку!

Боровский й. Женя! Обивателчилик, бу нима деган тор шахсиятпарастлик. Сен мени битта-яримтадан рашк қиялсанми?

Шабунина. Гап унда эмас... Менинг учун сени абадий йўқотини жуда катта қайғу бўлар эди. Қошки эди у аламга чидаб бериш учун менинг азаматлигим етолса... Мени афв эт! Менинг учун энг ўнғайсизлик шундан иборатки, сен мен билан ҳали алоқани узмай туриб, бошқа эрмаклар қидирасан... мен бундай қалбакиликни севмайман.

Боровский й. Сен қандай қалбакиликни кўриб қўя қолдинг? Бизнинг ҳозирги ҳаётимиз урушдан илгаригига ўшшамаганлигимиз, шуми? Ушанда мен ким эдим? Юзлаб шалвираб юрган шуҳратсиз бир лейтенант холос... Уруш мени камолатга етказди, олдинга қараб итарди, йўқ юқорига қараб кўтарди. Албатта тасодифий эмас. Истеъдодим ва меҳнатим ҳақлари билан мен олдинги қатордаги командирлардан бўлиб қолдим. Мана уч орденим бор, босиб ўтган жанговар йўлим ҳам ёмон эмас. Мен энди шу кифоя деб, шу обрўда тўхтаб ҳам қолмоқчи эмасман. Сендан яширмайман. Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган улуғ номни олиш учун курашаман. Албатта! Мен бу мақсадимга етаман. Мен ҳозир ҳам шу жиҳатдан анча кўзга илиниб қолган кишилардан бириман. Мени танийдилар, менинг тўғримда гапирадилар, ёзадилар... агарда ақлли, гўзал, талантли бир хотин менга эътибор қилса, наҳотки мен унга бўри қарагандай қарасам. Сен турмуш қанчалик ўзгариб кетганлигини тушунмайсан. Наҳотки мен унга бўри қарагандай қарасам.

Шабунина. Мен бу гапларнинг ҳаммасини тушунаман, Саша. Мабодо сен мenden ажралиб кетгудай бўлсанг, мени этагимга ёпишиб олади деб ўйламай қўя қол. Обивателчилик эмиш... малол келадиган таъна,

мен унчалик шахсиятпарастлардан эмасман, мен кўриб турибман, сен мендан ажралиб кетмайсан, аммо бошқачароқ бир нарсани аъло кўрасан. Хотин! бу ўнғай-да. Бу ахир оғир юришлардан сўнг тайёрлаб қўйилган бир пиёлагина қайноқ кофе... ювиб, дазмолланган оппоққина ёқа... Тоза уй, тинчгина истироҳат мулоҳазалари...

Боровский (унинг сўзини бўлиб). Женя! Менга бунақа суҳбатлар ёқмайди.

10 Шабунина. Хўп. Ҳозир тамом қиламиз. Битта гап холос... Сен кейинги вақтларда бир ўзингни икки кўриб иккилаб юрадиган киши бўлиб қолганингни биласанми?

Боровский. Тушунтир-чи.

Шабунина. Гарчанд ундан кўпроқ бегоналашиб қолган бўлсанг ҳамки, аввалгидайсан. Аммо одамлар ўртасига чиққанда-чи ўйнайсан...

Боровский. Ўйнайман? Қимни?

20 Шабунина. Хаёлингга сақлаб юрган қаҳрамонлик ролни, яъни ҳали қўлингга кирмаган Совет Иттифоқи Қаҳрамони капитан-лейтенант Боровскийлик роли... ўзинг айтдинг-ку, ахир. «Анча кўзга илганиб қолган» кишилардан бирисан. (Эркалаб.) Шу гапни нимага айтдинг-а, Саша? Бу жуда даҳшатли гап-ку.

Боровский. Нега даҳшатли?

Шабунина. Сен ўз хаёлларинг билан шу даража маст бўлиб қолибсанки, ҳозирдан бошлаб бутун феълү атворингни шу хаёлга бўйсундираяпсан...

30 Боровский. Киши ўзининг катта мақсадига етиш учун бутун иродасини шунга жалб қиладиган бўлса, бу ёмон эмишми?

Шабунина. Сенинг учун... Албатта! Сен кейинги вақтда жуда ҳам ўзгарибсан. Аммо яхшилик томонга эмас. Сени таниб бўлмайди. Билолмайманки, сенинг бу мақсадинг олижаноб бир мақсадми... ёхуд (куюниб) иккинчи бошқа бир мақсад учун йўлдаги бир восита бўлиш учунми...

Боровский. Бошқа сўз билан айтганда, мени мартабапараст демоқчисан-да.

40 Шабунина. Мен ҳали бу гапни айтганимча йўқ. Боровский. Суҳбатлашиб бўлдик! Баракалла, раҳмат, кўриб турибман, сен бугун сулҳи саломга келадиган эмасан. Хайрли кеч (Зарда билан айланиб кета бошлайди.)

Шабунина (орқасидан югуриб). Саша!.. Йўқ, кетиб қолди. Оббо, мен бу гапларда хато қилган бўл-

сам-а... Агарда... (Қирғоққа Қлобуков чиқиб қолди. У сиртдан қараганда, тўладан келган, бошқа ўз иши билан буткул машғул бўлган одамлар каби паришонхотир, тез-тез гапирадиган киши. Шабунина уни кўриб қолиб, дарров унинг олдига боради.) Андрюша.

Қлобуков (аланглаб). Бу сизмисиз, Женья?..

Шабунина. Мен, мен, Андрюша, жуда яхши бўлди-я, келиб қолганингиз яхши бўлди.

Қлобуков (таажжуб билан). Хўш, нима учун менинг келганим яхши бўлди?

Шабунина (ўзини тутиб). Ҳа, энди шунчаки жуда яхши бўлди. Мен дарё-денгизни бир томоша қилай деб чиққан эдим. Тўсатдан бир ўзим зерикиб ичим пишиб кетди.

Қлобуков. Сиз билан кимдир бор эди шекилли?

Шабунина. Саша бор эди. У кетди... Балки шунинг учундирми, бирданига зерикиб кетдим. (Сўзни буриб.) Сиз ўзингиз нима қилиб гангиб юрибсиз?

Қлобуков. Мен ҳаммавақт диққатим ошиб, жаҳлим чиқиб кетса, шунақа айланиб юришни яхши кўраман.

Шабунина. Жаҳлим чиққан дедингизми? Қимдан жаҳлингиз чиқди?

Қлобуков. Бюрократлардан... Ҳа, шунақа, ахир ўзингиз ўйлангиз-а, икки ойдан буён битта тешикни пармала олмай юрибман...

Шабунина. У қанақа тешик?

Қлобуков. Ўзингиз танангизга ўйлаб кўринг. Тажрибадан ўтказиш учун янги бир лаганнынг намунасини юборган эдилар. Бу конструкция мен билан офтобда қатиқ ичишган оғайниларимдан бириники эди. Ижодий нуқтаи назардан жуда маъқул нарса бўлиши керак эди. Яна шунини мен тажриба қилолмай юрибман. Катернинг тагидан диаметри бир дюйм келадиган бир тешик пармалашим керак. Ана шунга ижозат олиш учун энг камини ўнлаб шу ишга алоқадор баланд-паст муассасаларга мурожаат қилиш керак. Ҳа, бу мурожаат нимага керак десангиз, шу кичкина тешикни пармалаш тасдиқ қилинган чертёждан ташқарига чиқиш бўлармиш. Шайтонлар, ҳар куни мияларига ўша эски тушунчалар, эски нормалар айланиб келаверади. Ё тавбае... Гўёки булар наҳот подшоҳнинг амри билан яшайдиган кишиларнинг ўзгинаси... Зеҳни паст тўмтоқлар...

Шабунина. Шунинг учун мунчалик ҳаяжоннинг нима кераги бор?

К л о б у к о в. Хўш, мабодо сизга битта кўричакни операция қилиш учун олий медицина Советидан ижозат олиш керак десалар, ҳаяжонланмас эдингизми? Қорнини ёриш одамзотнинг тасдиқ қилган чертёжини бузади, десалар нима дердингиз?» Сизга бу лагнинг қанчалик яхши эканлиги маълумми? Ахир бу асбоб штурман бечораларнинг қанчадан-қанча вақтларини, нервларини сақлаб қолишлиги маълумми? Ана холос: биттагина тешикни пармалаш мумкин эмас эмиш. Шу

10 ҳам гап бўлди... Узимнинг киргизган таклифимни айтмайсизми, икки йилдан буён шу таклифимни ўтказолмай юрибман. Бу таклиф бўйича бакаут ўрнига шамшоддан қилинган дейдвуд бирикмалар қўйилиши керак.

Ш а б у н и н а. Нимадан қилинган деддингиз?

К л о б у к о в. Шамшоддан... Наҳотки шуни билмасангиз, жуда ажойиб дарахт-да.

Ш а б у н и н а (*гапни бошқа ёққа бурмоқчи бўлиб*). Тўлқин яна кучайиб кетди, а. Фикрингизча, бирор фалокат бўлмасмикин?

20

К л о б у к о в. Нима ваядан фалокат бўлар экан? Бизнинг катерлар истаган обу ҳавода жин урган даражада бардош беради, денгизни муз қоплаган бўлса, демоқчисиз? Ушанда шароитга қараб, чунончи катернинг тезлигига, музнинг қайси бурчакдан келиб урилишига, ўша муз парчанинг катта-кичиклиги, қанчалик қаттиқлигига... масалан, биз формулага қарайлик...

Ш а б у н и н а. Андрияша, сиз менга математикасиз жавоб беролмайсизми? Мен ахир сиздан одамларча, дўстлар, ўртоқлар тўғрисида сўраяпман, сиз бўлса, нуқул формула...

30

К л о б у к о в (*довдираб*). Афв этинг, мен математически ўйлашга ўрганиб қолганман... Александр ҳам улар билан бирга кетганми?

Ш а б у н и н а. Йўқ, шундоқ бўронда денгизга чиқиш маъқул эмас деди-ю, чиқмади.

К л о б у к о в. Жуда ҳақли. (*Пауза. Навбатчи уйига Лябинский қайтиб келди. Китоб ўқий бошлади.*)

Ш а б у н и н а. Андрияша, ростини айтинг, бир ўртоқ бўлиш сифати билан Александр тўғрисида нима фикрлар айта оласиз?

40

К л о б у к о в. Нима эди?

Ш а б у н и н а. Шунчаки сўрадим-да, балки ўз эри тўғрисида ўртоқлари қандай фикрда эканликларини хотини билмоқчидир. Чунончи, сизга Александр тўғрисида

аттестация ёзишга тўғри келса, нималар деб ёзар эдингиз?

К л о б у к о в. Жуда ҳам мақтар эдим... Олдинги қатордаги яхши командирлардан... Ботир, жонажон мураббий, бир ўринда тиниб турмайдиган... ишчан... деб ёзардим. Бонқа нима дердим.

Ш а б у н и н а. Бу унинг яхши томонлари. Хўш, камчиликлари тўғрисида-чи?

К л о б у к о в. Нима десам экан? Баъзида ҳаддан ташқари ўзбилармонлик кўрсатмоқчи бўлади-ю, бу жуда ҳам унчалик ўйлаганча эмас... Ҳаммавақт ҳам техникани қадрлайвермайди...

Ш а б у н и н а. Бироқ, бу гапларнинг ҳаммаси, бир командирга берилаётган аттестация... Хўш, бир ўртоқ бўлиш сифати билан қандай баҳо берасиз деяпман.

К л о б у к о в. Мунча сиз мени сўроқ қилиб қолдингиз? Нима бўларди, бир ўртоқ бўлиш сифати билан ҳам ёмон эмас.

Ш а б у н и н а. Ёмон эмаснинг ўзи холосми?

К л о б у к о в. Баъзида ўжарроқ ҳам бўлади. Бизнинг ҳаётда бунинг унча аҳамияти йўқ. Зарарсиз, ҳеч ким ҳеч кимнинг қадоғини босмайди. Қўпинча ҳаракатларида кенглик кўрсатмоқчи бўлади.

Ш а б у н и н а (кулиб). Раҳмат, Андрюша, сал ёзилдим, анча хурсанд қилдингиз.

Қирғоққа бир-бирлари билан сўзлашиб Харитонов билан Шубин чиқиб келади. Харитонов — озгин, дароз, катта бурунли киши. Шубин — дум-думалоқ, мунтазам, майдақадам киши.

Ш у б и н. У мутлақо ўзсўзлик ўжар одам. Мана кўриб турибсиз-ку энди жўнаб бўпти... 10 минутгина ортиқ-чароқ кутиб туриши мумкин эди-ку, ахир. Бунчалик ўжарликнинг нима ҳам маъноси бор экан? Одамларнинг ва катерларнинг саломатлигини мақсадсиз равишда таваккал билан ташвишга солиб қўйиш нима зарур экан. Бу ахир бирор жанговар юриш бўлмаса, ниҳоят таълим учун бўлаётган гап. Бундан ташқари ахир...

Х а р и т о н о в. Тўхтанг! Қим бу ердаги?

К л о б у к о в. Мен, ўртоқ иккинчи ранг капитан... Ҳам капитан Шабунина.

Х а р и т о н о в. Ит изғимайдиган шу пайтда бу ерда нима қилиб юрибсизлар?

Ш а б у н и н а. Бир айланиб сайр қилгани чиққан эдик. Йўл-йўлакай Андрюша Николаевич лаглар ва дейдвуд бирикмалар тўғрисида лекция ўқиб келар эди.

Х а р и т о н о в (заҳарханда билан). Ўҳҳў, бу жуда

маъқул, нима дейсиз? Еш хотинларни қизиқтириш учун, жин ургур, гапга чечан суҳбатдошнинг топилиб қолганини қаранг. (*Шубинга қараб.*) Шундай қилиб, сиз бу юриш жанговар юриш эмас дедингизми? Қани бўлмаса, мен бир билиб қўяй-чи. Уруш вақтида умуман жангга алоқасиз юришлар ҳам бўладими? Лаббай? Урушиб туриб, ўқиб-ўқиб туриб уруш деганлар. Обу ҳаво деган нарса сиз билан ади-бади айтишиб ўтирмайди. Ехуд сизнинг ишонган бирорта дуойингиз борми? Шу дуони 10 ўқиб, осмонга юмшоқ шабада чақириб олиш мумкин бўладими. Лаббай?

Ш у б и н. Биров, ўртоқ иккинчи ранг капитан, ҳатто Боровскийдай жасур тажрибали командир ҳам бу об-ҳавода денгизга чиқмоқлик мақсадга тўғри келмаслиги тўғрисидаги ўз шубҳасини менга айтган эди. Мен ҳам унинг фикрини маъқул топиб буйруқни ўзгартиришга ижозат берган эдим.

Х а р и т о н о в. Лаббай? Дуруст, Боровский ишчан офицер, фикри равшан, фаҳми ўткир, эҳтиёткор, аниқ 20 ишлайди. Аммо урушда ҳар хили керак бўлади. Эҳтиёткорлик ҳам, таваккалчилик ҳам, агар менга бирорта жуда эҳтиёткорлик билан ўтказилиши лозим бўлган худди аптекадаги хронометрдай аниқ бирор операция — юриш лозим бўлиб қолса, унда бу ишга Боровскийни юбораман. Аммо, буни тескарисича тўсатдан душмanning кал бошига ўтирадиган олий бир операция лозим бўлса, бу ишга Максимовдан ҳам маъқулроқ йигитни қидириб тополмайсан, лаббай? Ва у билан муомала қилишни билиш керак. У ғоятда худписанд ўжар, бир 30 сўзлик, аччиғи тез. У денгизга чиқиш тўғрисидаги буйруқни ўзгартирилишини гўё унинг тажрибаларига ишончсизлик билан қараш деб тушуниши мумкин... Боровскийга бўлса, қолиш тўғрисида ижозат бериб чакки қилибсиз. Ҳадеб осойишта ҳаётга тарғиб қилавериш ҳам керак эмас. Қўйинг, майли, у ҳам жасурликка маъқул таваккалларга ўргансин. Тушундингизми?

Ш у б и н (*совуққина*). Ҳа, шундай.

Х а р и т о н о в. Сиз менинг гапларимдан унчалик ранжиманг, мен сизни чимчилаш пайида ҳам эмасман. 40 Ехуд штаб бошлиғи бўлган кишини мирзабоши қилиб қўйиш сиёсатини ҳам тутмайман, аммо келинг, командирларни тарбия қилишда ҳар иккаламиз бирлашган нуқтаи назар тайин қилиб қўяйлик. Кетдик. (*Шубинга қараб.*) Агар совқотмаган бўлсаларинг, шоирларга хос командирлик дарсини давом қилдиришларинг мумкин.

К л о б у к о в. Михаил Михайлович, индинга байрам эканлиги ёдингиздан чиққани йўқми?

Х а р и т о н о в. Лаббай? Тагин қанақа байрам?

К л о б у к о в. Ана холос. Индинга ахир сизнинг туғилган кунингиз-ку, 40 дан ошиқ деб бурунга чертишингизни нима ҳожати бор.

Х а р и т о н о в. Дарвоқе, қирқинчи меридиан (чизиги)дан ўтганлиги учун бурунга чертилиб турган бир вақтда бу байрам унчалик аҳамиятли бўлмаса керак.

К л о б у к о в. Йўқ, биз байрам қилиш учун тайёрланмоқдамиз.

Х а р и т о н о в. Фақат шовқин-сурон бўлмасин. Агар осойишталик бўлса, кечқурунроқ уйга йиғиламиз, ўшанда ҳам онамнинг ҳурмати учун кампирни хафа қилгим келмайди... Ҳа, дарвоқе, флагмеханик... Яхшиям ёдимга тушириб қолди. Менинг сизда иккита зарур ишим бор. Шунинг учун ҳам ноилож сизни капитан Шабунинадан ажратиб оламан.

К л о б у к о в. Есть!

Х а р и т о н о в. Хайрли кеч, ўртоқ Шабунина.

Ш а б у н и н а. Хайрли кеч.

К л о б у к о в. Хайр, Женя.

Ш а б у н и н а. Ҳалиги ажойиб дарахтнинг исми нима эди? Шамшод? Энди эсимдан чиқмайди. (Харитонов, Шубин, Клобуков кетадилар. Шабунина навбатчи уйига юради.)

Л я б и н с к и й (китобдан бошини кўтаради. Қўллари уни уқалаб, завқ билан ўқийди). «Оҳ, унинг тошдан бўлган милклари орасида яшамоқ қандай оғир. Мен ўламан... Бутун умидлар тамом. Оҳ Дония-ания». (Оддий овози билан.) Ана китобни ҳам туширдик. айтганча, яхши китоб тамом бўлиб қолмаса-да ўқийверсанг-ўқийверсанг. (Шабунина кириб келади.)

Ш а б у н и н а. Салом. Оқшомлари муборак.

Л я б и н с к и й (ўридан туриб). Салом, ўртоқ капитан. (Табуреткани суриб.) Қани ўтиринг, ўртоқ капитан.

Ш а б у н и н а. Раҳмат. Мени телефонда бир минутликкина ишим бор эди. Қандай иссиқ-а? Йўқ, шошиб турибман. (Трубкани олади.) Бу базоваями? Ноль ўтиз... ўртоқ Мурский?.. Ҳа, мен... мен... қолдим, хайр... ҳа, ҳа, денгизга чиқолмадим, қолдим... уйда бўламан... Бирор зарур ҳодиса юз бериб қолса, телефон билан чақирарсиз... Ярим кечага борганда Полухинга бир поршок кардий азул бериб қўйиш ёдингизда бўлсин...

Хайр... (*Трубкини илади, Шубинга.*) Шундай қилиб, ҳар галгидай ҳали ҳам китоб ўқиб ўтирибсизми? Уртоқ Лябинский, китобни ўқияпсиз?

Л я б и н с к и й. Пушкиннинг «Тош меҳмон»ини ўқидим, ўртоқ капитан. Бу гал бешинчи марта ўқишим, ана шундай ёза олишни уддасидан чиқиш керак-да. Старший лейтенант Рикало ҳам яхшигина шеърлар ёзиб юради-ку, аммо бунга етишга йўл бўлсин.

10 Ш а б у н и н а (*илжайиб*). Сиз ўзингиз ҳам шеърлар ёзиб турасизми?

Л я б и н с к и й (*уялиб*). Урушгача тимдалаб юрар эдим. Аммо менда сўзлар эркин эмас, бир-бировига чаплашиб кетади. Маълумотим тўлиқсиз. Урушдан кейин бирор олий ўқув юртига кириб ўқисам деган орзум бор.

Ш а б у н и н а. Хўп бўлмаса, орзуйингизга етинг. Ҳозирча бахтингиз ёр бўлиб навбатчиликни давом қилдинг.

20 Л я б и н с к и й. Сиз ҳам яхшилаб истироҳат қилинг, ўртоқ капитан. (*Шабунина чиқиб кетади.*) Аммо кўп яхши одамохун хотин-да. Қимни бўлмасин, икки оғиз ширин сўзи билан ийдиреди. Латофатлик феъли бор. Бунга ўзига ўхшаган эр бўлиши керак эди. Шамолга муҳова бўлгандай, шунга тушиб қолган экан-да. Эри бўлса, ким кўринган билан дайдийди. (*Пауза.*) Дайдийверсин-чи, ўзи ҳам ахир жазосини еб қолар.

П а р д а

ИККИНЧИ ПАРДА

Биринчи кўриниш

- 30 *Харитоновнинг туғилган кунини. Стол атрофига унинг дўстлари ва шогирдлари йиғилган. Уртада Харитоновнинг онаси — Софья Петровна. У ҳам ўғлига ўхшаган озғин, бурни катта, қўли очик хотин. Унинг атрофида Харитонов, Максимов, Клобуков, Шабунина, Лешев, Гориловалар бор. Горилова — қора сочли чиройли хотин. У билан бир қаторда ўтирган Боровский ундан кўзини олмайди. Шабунина Максимов билан Клобуков ўртасида ўтирибди. Бугун у офицер формасида эмас. Уйин-кулги. Очик эшикдан иккинчи хона ҳам кўриниб турибди. Деворга ёпиштирилиб ясалган тахта супача. Ҳар хил рангли ёстиқлар ташланган. Деворда адмирал Нахимовнинг катта портрети. Лешев — «Макаровский» нусхада айри соқол қўйган. У тикка туриб, қадаҳ кўтармоқда.*

Лешев. Мен қирқ ёшли гўдакнинг (*Харитоновни*

кўрсатиб) волидаи меҳрибони Софья Петровнаинг мўъжизадай ҳунармандлик билан пиширган шу қуштилиларини еб тўёлмаётиман. Оғзимга солсам, эриб кетаяпти. Ноилож таъбимдан чиқазиб шу шеърни айтишга мажбурман:

Кўлда доим супраю ўқлоғидир
Жиззаси болу уни молёғидир.

Зеҳни бор одам керак бўлса ўзи ёд олиб олар. Яъни демоқчиманки, яшасин ҳаммамизнинг умумий онамиз бўлган Софьяхоним!

Софья П. (кулади). Ҳой йигит ўлмагур Юрка, умумий она деганинг нима деганинг? Шунинг ичида сен ҳам бормисан? Мен бўйрадай соқолли шу турқу тароватни қачон туға қолибман. (Кулги.)

Лешев. Чакки кетманг, она, чакки кетманг. Ҳаётда ўтган бахтли минутларни ёддан чиқазиш яхши эмас. Сиз мени худди шу туришимча бирваракай соқол билан туққансиз. (Кулги.) Ҳозирги масала қуштили устида бораётимди. Яъни шу қуштилиларни курсиллаб турган қилиб пишира олган қадрдон онамиз Софьяхонимнинг саломатликларига қадаҳни кўтаришларингизни сўрайман. (Кулги, қадаҳлар уриштирилади.)

Софья П. Эрмак қилиб қол, тентак, майли. Лекин ҳақиқатни ўйлаганда, сизлар билан бирга туриб, бирга яшаб шундоқ ўрганишиб қолибманки, бир нафас кўрмасам ичагим узилади. Ҳаммаларингиз ўз боламдай бўлиб қолибсизлар.

Лешев. Алоҳал бўйнингизга олдингиз. Ҳа, майли. Иқрор деган нарса, кеч бўлса ҳам бўлаверади. Энди биродарлар концерт программасини тузиш учун нариги уйга бир нафас йўқолиб тураман. Ижозат берасизлар.

Горилова. Жуда ҳам ёқимтой хушчақчақ йигитда. Соқол қўйгани учун бува деб чақирса ҳам бўлаверади.

Максимов. Тўғри, у бизга савдо флотидан ўтган. У ерда сув транспортининг газетасига муҳаррирлик қилар эди. Кечаси билан босмахонада айланишавериб ҳаммаёғи бўёққа ботар эди. Башарасини кўриб бўлмас эди. Босмахонадан тўғри чиқиб келиб қўлини оппоқ сочиққа артиб расво қилар эди. Алоҳал сочиқ чидамагандан кейин сочиқ ўрнига соқол қўйди-ю қутулди.

Горилова. Ҳазилингизни қўйинг. (Пауза.) Уйлаб қарасам, уруш деган нарса одамларни туб-тубидан ўзгартириб юборар экан. Мана энди муҳаррир. Дунёда

бундан ҳам тинч иш йўқдир. Бир қарабсизки, денгизчи... командир...

Х а р и т о н о в. Командир бўлганда ҳам қанақа денг. Лешевни ҳарбий ишни ўзига касб қилиб олган бир талай командирларга алишмайман. Лаббай? Чидамли, вазмин, айтганингни қиладиган, немисга ёпишдими, този итдай уни қўлидан тирик ажратиб олиб бўлмайди. (Ганни бошқа ёққа буриб.) Кеча спектакль ўйинларингизни жуда ҳам истироҳат билан томоша қилдим, Елена Васильевна. Жуда жонли ва асабий ўйнадингиз.

Г о р и л о в а. Чинданми? Маъқул бўлдимиз? Шу ролни ўзим ҳам севаман. Бу ролда муваффақиятли ўйнашимнинг яна бир сабаби, шу воқеалар ўз бошимдан ўтганлиги бўлса керак, деб ўйлайман. Ҳар ҳолда бутун умримда эсимдан чиқмайдиган воқеалар бошимдан ўтган.

Х а р и т о н о в. Дарвоқе, немиснинг қўлидан қанақа қилиб ичқиниб чиқа олдингиз?

Г о р и л о в а. Толе экан-да. Бутун труппадан фақат 20 уч кишигина қутулиб, ўзимизникиларга қўшила олдик. Биз поездга ўтирганимизда шарққа борадиган темир йўли қирқиб қўйилган эди. Кечкурунга бориб қандайдир бир ярим станцияда тўхтадик. Ҳаммамиз поезддан тушдик. Яёв кета бошладик. Кеч қоронғу бўлгани учун йўловчилар ҳар томонга тўзғиган, мен ҳам йўлдошларимдан ажралиб ёлғиз қолган эдим. Якка ёлғиз ўрмон ичида яккаоёқ йўлдан кета бошладим. Кетаётибману, қўрққанимдан юрагим худди мендан олдин кетаётганга ўхшайди. Ярим кечага борганда, рўпарадан немисларнинг автоколоннаси чиқиб қолди. Усиб ётган шох-шаббалар ичига кириб яширинишга мажбур бўлдим. Совуқ, қоронғу... қалтираяпман. Машиналар бўлса, қоп-қора илондай буғланиб келаяпти. Овози ҳам чиқмайди. Биттаси тўхтади ва ичидан бир немис ирғиб тушди. Тўппатўғри мен яширинган шохларга қараб кела бошлади...

Х а р и т о н о в. Келинг, қўйинг, ўйламанг, Елена Васильевна. Оғир, жуда оғир.

Г о р и л о в а (унга қулоқ ҳам солмай давом қилади). Келди-да нима учундир билмайман, худди бошимнинг тепасидаги шохларни синдира бошлади. Мен бўлсам, ерга қапишиб кетганман. Ич-ичимдан айтаман: «Оҳ, азизим, туғишганим, мени шуларнинг қўлига топширма, қутқаз»,— дейман. Немис синдирган шохларнинг учи шаппатилагандай шит-шит юзимга урилади... Эрта билан ўрмонда ўзимизнинг разведкачиларга йў-

лиқиб қолдим. Ана энди уёғини қўяверасиз, нима қилганимни ўзим ҳам билмайман. Бир йиғлайман, бир хо-холайман, ўзимизнинг отлиқларни ўпаман... Ролни ўйнаганимда ҳам ҳаммавақт ўша ўрмондаги бир кеча ёдимда туради. *(Қўли билан кўзини яширади.)*



Фафур Гулом грузин шоири Г. Леонидзе билан. Тбилиси. 1960 йил.

Софья Петровна. Сизнинг олдингизда мен бўлганимда чидаб туrolмасдим, шохларнинг ичидан шартта чиқардим, қуруқ қўлим билан бўлса ҳам немисни бўғиб ўлдирардим.

Харитонов. Акангнинг онаси. Ботир онам бор-да. *(Эшикда Лешев кўринади.)*

Лешев. Диққат ўртоқлар! Кечамизнинг асосий масаласига ўтаман. Концертимизни бошлаймиз. Биринчи номеримизда соли консерваториясининг солистларидан машхур от ўғриси Гаврило ўзининг бирдан-бир қайтариб бўлмайдиган хунари билан иштирок қилади. Марҳамат, ана ўзлари. *(Йўл бўшатади. Қари соли гримида Рикало чиқади. Қўлида гитара.)*

Горилова. Баракалла, баракалла, гўзал, фоятда гўзал.

Лешев. Томошабин ўртоқлар. Халойиққа тинчликни сақлашларини таклиф қиламан. Санъаткоримиз ҳам-

ма истеъдод эгаларига ўхшаш чалажинни... Гаврило, саҳнага марҳамат. *(Рикало супачага бориб ўтиради.)*

Ш а б у н и н а. Йўқ, у ерда ўтирманг, кўринмас экансиз, бери ўтиринг.

Л е ш е в. Гаврило, сиз ўзингизнинг муборак афт-башарангиз билан томошабинларни асир қилиб олдингиз. Улар сизнинг овозингиз билан баробар чуқур фикрларга тўлган турқ-тароватингизни ҳам кўришмоқчи. Хоп-ля. *(Гул қўйилган баланд столчани қўйиб беради.)*

10 Хоп-ля...

Р и к а л о *(столчага чиқиб ўтиради)*. Классик машқлардан бўлсинми, замонавий машқлардан бўлсинми?

Ш а б у н и н а. Классик машқлардан бўлсин.

Л е ш е в. Демак, «Ҳе чевали-чевали, лачали» бўлар экан-да. *(Рикало гитарани чертиб, лўлича «Қари эрим, золим эрим»ни чалиб кетди. Жимжитлик. Горилова берилиб тингламоқда. Боровский Гориллованинг Рикалога берилиб тинглашига ғашлик қилади. Асабийлик билан портсигарни олиб чекади. Портсигарни ўйнайди.)*

20 С о ф ь я П. Жим, жим бўлсаларинг-чи. *(Рикало ашула айтиб бўлди. Чапаклар.)*

Г о р и л о в а *(қизгин)*. Ажойиб овозингиз бор экан. Ажойиб усул билан айтар экансиз. Шунчалик бўлар деб ўйламаган эдим.

Ш а б у н и н а. Раҳмат, Миша. Сиз менинг кўнглимдагини топиб айтдингиз.

Р и к а л о *(кулиб)*. Кўнглимиз яқин-да, Женя.

30 Г о р и л о в а. Чин айтаяпман. Санъаткорлик касби бўлган кишиларникидай ҳақиқий чинакам лўли услубида хатосиз куйладингиз. Қаердан ўргангансиз?

Р и к а л о. Менинг ўзгинам лўлилардан бўламан.

Г о р и л о в а. Қандай қилиб?

40 Р и к а л о. Жуда оддий. Ростини айтсам, узоқ йиллар ўтиб десаммикин... Озгин, увадаларга ўранган бир лўлибачча эдим. Кўчкин карвонда яшардим. Арава тагида тонг отдирардим. Шаҳардан анча четда сойлар лабида. Қўнимсиз, қуванда. Шаҳарда бўлса, аҳён-аҳён-да бульварларда ўйнаб, одамлардан бир мири тилаш учун ўйин тушар эдим. Лўлилар урф-одатини назарга олганда, мен ёшлигимданоқ бузилган бола эдим. Кечқурунлар кўчадан қочиб бориб темир йўлга чиқиб ўткинчи поездларни томоша қилишни севардим. Лўлилар қабиласига бу тўғрида ўйлаш ман қилинса ҳам ўйлай-верардим. Уйлардим... ўйлардим... Бу поездлар қаёққа чопиб кетаётибди? Бу одамлар қаёққа бораптилар?

Одамларнинг ўзи ким? Уйлаган сарим яна кўпроқ поездга ишқибозлигим ортарди. Иложим қурирди.

Лешев. Қочиб қолдингми?

Рикало. Қочиб қолдим. (Кулади.)

Горилова. Тўсатдан қанақа қилиб денгизчи бўлиб қолдингиз?

Рикало. Бу гап ҳали кейин келади. Аввалига болалар уйи. Фабзауч ва бошқалар дегандай умр текин ўтди... Денгизчи дейсизми? Ростини айтсам, бу ишга қон тортди. Денгизчи деган сўз ҳам лўли дегандай. Қўним йўқ, кўчиб юради.

Шабунина. Миша, тагин бирор нарса куйлаб беринг.

Рикало. Бир оз туриб, хотиротлардан тўлқинланиб кетдим.

Лешев. Гаврило, ролдан чиқманг, давом эттиринг.

Харитонов. Менга қара, Гаврило, куйлашга-ку яхши куйлайсан, аммо ўтирган жойингни қара! Тасодифий бир ҳодиса бўлиб қолса, қанақа бўлади? Шу чолворинг билан катерга қараб чопаверасанми? Қийим-бошларинг шу ердами?

Рикало. Шундай-ку, ўртоқ комдив. Мен бугун инвалид ҳисобланаман. Катерим қуригани қўйилган, флагмеханик қандайдир ярасига малҳам қўярмиш. Эртага тайёр бўлади, деяпти. Эртага сувга туширилса мумкин эмиш.

Қлобуков. Бир соат ҳам илгари тузатиш мумкин эмас... Масала шундан иборатки, чап томондаги моторининг тўртинчи цилиндрининг устидаги қопқоқчаси атрофидаги...

Лешев. Андрюша, Андрюша. Бу хилдаги техникани аниқликларни заказной почта билан «Денгиз ахбороти» журнаliga юбор.

Қлобуков (жаҳлланиб). Бу нима деган гап, ахир? Бу хилдаги тўнғизликка ҳеч ақлим етмайди. Техникани ҳурмат қилишга бир оз ўрганиш керак. Техникасиз қаерга ҳам бора олардингиз?

Лешев. Тўғри айтасан, Андрюша, тўғри. Олам биносининг киндиги техника. Сен шу тўғрида бир илмий иш ёзиб тур. Унгача биз бир танца тушиб олайлик. Қани йигитлар муҳтарам хонимлардан битта-битта ўғирланглар-чи. (Иккинчи хонага чиқиб кетади.)

Харитонов. Евгения Сергеевна, ижозат берасизми? Чинини айтсам, бугун сизни ҳеч таниб бўлмайди. Сизни ҳадеб медицина хизмати капитани формасида кў-

риб юравериб, кўзим чиниқиб қолган экан. Сиз шунақа чиройлик эдингизми? Қизил юзлар, шахло кўзлар... Боровский, сиз бу хазинани эҳтиёт қилинг. (*Шабунинани етаклаб кетади. Боровский Гориловани таклиф қилмоқчи эди, ундан илгари Максимов эгаллаб қўяди.*)

Максимов. Елена Васильевна, мумкинми?

Горилова. Жоним билан. (*Максимов Гориловани етаклаб кетади. Горилова кета туриб, қовоғи тушган Боровскийга қараб кетади. Иккинчи уйда патефон овози.*)

10 Рикало. Софья Петровна, қани юринг. Бизнинг булардан қаеримиз кам?

Софья П. Нима бало деяпсиз, уятсиз? Бугун ўғлимга қирқ ёш тўлиб турган бўлсин-да, ман танца тушиб юрайми? Вақтида ўйнаб олганман. Энди қаридим.

Рикало. Мен ҳам ўша эски от ўғрисиман. Иккаламиз узукка кўз солгандай жуда пар бўламиз-да.

Софья П. Нарн тур! Турқи бузуқ тентак.

Рикало. Софья Петровна! Тизза чўкиб сўрайман.

20 (*Тиз чўкади.*)

Софья П. Тур, тур. Бу нима аҳмоқлик? Хўб бўпти. Қўндирдинг. Оёғимни босиб олмасанг бўлгани. (*Рикало билан Софья чиқиб кетади. Боровский билан Клобуков қолади.*)

Клобуков. Иккита бева қолибмиз... Хотин киши ўрнига мен сени таклиф қилиб қўя қолай.

30 Боровский (*бирданига қўполланиб*). Уддасидан чиқолмайсан номард. Сен эркак эмас, хотинларнинг холаси, қизларнинг аммасисан. (*Клобуков ҳайрон бўлиб, бориб супада ёнбошлайди. Асабийлик билан папирос чека бошлайди. Максимов киради. Горилованинг сумкасини олиб кетмоқчи эди.*)

Максимов. Александр, сен нима қилиб бу ерда ёнбошлаб ётибсан? (*Эътиборсиз кета бошлайди.*)

Боровский (*папиросини ирғитиб*). Тўхта!

Максимов. Нима?

40 Боровский (*унга яқинлаша бориб*). Сен шуни яхши билиб қўй. Бир оғиз гап, қисқаси, йўлда турма!
Менинг сузаётган йўлимда халақит берма!

Максимов (*осойишта*). Ўзи нима гап, нима деяпсан?

Боровский. Ўзинг билган гап... Чеккага чиқ! Бўлмаса, каттакон жанг бўлади.

Максимов. Елена Васильевна тўғрисида гапираяпсанми?

Боровский й. Демак, тушунибсан, вассалом, нуқта.

Максимов (*пауза*). Энди аниқланди. Менга қара. Хоҳлаганингча сузавер. Сенинг йўлинг мени заррача ҳам қизиқтирмайди. Мияннга ўйиб ёзиб қўйгинки, ўзингга буюрсин, менинг севганим бошқа. Лекин нима бўлса бўлару, мени жанг билан қўрқитма! Белинг узилиб кетади.

Боровский й. Урушасанми?

Максимов (*гизгигжлатиб*). Немислар билан урушишдан қўлим бўшамаяпти. Кўринган энтак-тентак билан урушаверишдан манфаат кўрмайман. Тушундингми?

Боровский й. Кўзингга қараб юр. Упкангни ичингга тушириб қўяман. Пушаймон бўласан.

Максимов. Тега кўрма. Чертишингга бўлмаса мушт ейсан. Лекин андиша қиламан.

Боровский й. Синаб кўр-чи.

Максимов. Синаб ўтирмайман... Модомики, сен шунақа аҳмоқ экансан, ўртоқчиликни узиб қўя қолайлик. Уддасидан чиққанингча тентакланиб юравер. Ақлинг кирганда чақирарсан. (*Кета бошлайди.*)

Боровский й (*унинг орқасидан*). Яхши! (*Столга бориб, қадаҳни тўлдириб ича бошлайди. Қўшни хонадан Горилова чиқади. У томондан Рикалонинг «Менинг гулханим» деган ашуласи эшитилади.*)

Горилова. Вой худойим-е. Бир секундгина бўлса ҳам сени ёлғиз учратиб бўларми экан. (*Қўлини унинг елкасига ташлайди.*) Нега қовоғинг солиқ?

Боровский й. Менимча, сен мен билан бўлишни унча ҳам истаганинг йўқ, шекилли.

Горилова. Шу гапни айтгани уялмайсанми, Алик? Эсингни едингми? Ҳадеб битта сен билан танца тушавераманми? Одамларнинг кўзи бизда бўлиб қолмайди-ми? Ҳа, бўпти. Ажинингни ёз. (*Боровскийнинг юзини кафти билан силайди.*) Мана бундоқ қил!

Боровский й. Эҳтиёт бўл, битта-яримта кириб қолади.

Горилова. Қирмайди, ҳаммаси ашула эшитиш билан банд. Бу лўлининг ҳақиқатан ажойиб, одамни элитадиган овози бор экан, эшитяпсанми? (*Нариги уйдан*

«Куни эртага, ким бўлса ҳам менинг азизим

Қалбим ярасига малҳам қўяжак».

деган қўшиқ эшитилади.) Бугун келасанми, Алик?

Боровский й. Мен ахир ёлғиз эмасман-ку.

Горилова. Биламан, нима қилайки, ахир сенсиз туролмайман... Севаман, севаман! Шунини ҳам айтиб қўяйки, азизим, бу бекинмачоқ ўйинини тамом қилиш вақти етди. Женя билан гаплаш, ҳамма гапнинг ростини унга айт, мен ёлғонни ҳам, қаллобликни ҳам ёмон кўраман. Модомики, севгандан кейин тоза ва мағрур севишни истайман.

Боровский й. Сирни очиш учун шошиш керак эмас. Аста-секин гаплашиш керак.

- 10 Горилова. Бу гапнинг тўғри, азизим, албатта мен тушунаман. Менга ҳам, Женяга ҳам қийин. Аммо чорасиз, айтиш зарур. Ўзимни ҳадеб ўғри мушукдай ҳис қилаверишни ёмон кўраман. Бу аҳволда на сени ва на ўзимни кўнгилдагидай ҳурмат қилолмаган бўламан.

Боровский й. (асабий). Хўш, нима демоқчи бўласан? Ҳозироқ шартта бориб ҳамма сирни очиб ташлаб қўя қолайми?

- Горилова. Аччиғланма, Алик. Мен сени мажбур ҳам қилмайман. Шоширмайман ҳам. Аммо ҳаяжонланаман. Тушунасан-ку ўзинг... Мен бу муҳаббатга имоним билан ишонаман. Бироқ бизнинг икки орада бўлган бу муносабатларимиз жўнгина, арзонгина ошиқ-маъшуқалик бўлиб қолмасин дейман. Бу муҳаббат менинг учун ҳамма нарсадан аъло, мен ёлғизликдан, етимликдан чарчадим. Тинкам толди, менда ахир на қариндош, на уруғ ва на сендан бошқа бирор яқин киши. Ўзинг яхши биласанки, мен бу муҳаббатни ўзлаштиргунча ўз ҳиссиётим билан талай муддат олишдим. Қарасамки, мен ожиз эканман... Сен менинг учун энди ҳамма нарса бўлиб қолдинг, қани битта чинини айт! Мени севасанми? Севасанми?

Боровский й. Лена! Бу қанақа савол ахир?

Горилова. Кечир... Бироқ бугун кечқурун албатта келасан. Женяни уйига кузатиб қўй-да, кейин кел. Сен ахир баҳона топа оласан-ку. Ҳаммавақт ҳам тўсатдан кемага кетдим деб чиқишинг мумкин-ку. Мен сени кутаман. Биз ҳамма гапни гаплашамиз. Келасан-а?

Боровский й. Келаман. (Эркалаб.) Бугун сен айнақса яхшисан, Лена.

- 40 Горилова. Бу фақат сенинг учун. Мен сенинг учун гўзал, бахтли ва саховатли бўлишни истайман, азизим! (У Боровскийга ёпишиб боради. Эшик очилади. Шабунина кўринади. У ихтиёрсиз бир қадам олдинга қўяди. Яна ўзини тутиб, орқасига оёқ учи билан қайтади.)

Боровский й. Бас! Битта-яримта кўриб қолади.

Горилова. Мен сен билан бирга бўлганда, ҳеч кимдан қўрқмайман. Юр танца тушамиз. *(Боровскийни етаклаб олиб кетади. Йккинчи хона эшиги олдида бу томонга келаётган Шабунина Рикало билан учрашиб қолади. Шабунинанинг ҳолида ҳаяжонли шодлик бор. У қаҳқаҳа солади.)*

Шабунина. Ҳа, ҳа, ҳа... Сиз менинг бошимни ҳам айлантириб юбордингиз, Миша, келинг, бир нафас ўтирайлик. *(Супачага ўтирадилар.)*

Рикало. Сизга нима бўлди, Женя? Гўё гулдай очилиб кетибсиз?

Шабунина. Шундайми? Жуда яхши бўлипти-да, жуда яхши. Бунинг отини нима деб айтадилар, Миша? Биласизми? Бунинг отини хотинликнинг ёзи дейлади. Бу муддат одатдагига қараганда хуррамроқ бўлади. Қайноқ, булутсиз, бекулфат, аммо жуда ҳам қисқа бу хотинликнинг ёзи. *(Овозида қайғу.)* Шод ва хуррам ўтиши керак шу қисқа муддат. Сиз бугун, Миша, ўз ёшлигингиз тўғрисида ажойиб ҳикоялар қилиб бердингиз. Сиз ўзингиз ўз тақдирингиз шунчалар ажойиб бўлишлигини илгаридан ўйлаганмидингиз, Миша?

Рикало. Албатта ўйлаганман. Умуман мен ўйлашни яхши кўраман.

Шабунина. Нималар тўғрисида кўпроқ ўйлайсиз? Менинг тўғримда бирор гал ўйлаб кўрганмисиз?

Рикало. Жуда кўп ўйлаганман.

Шабунина. Хўш, қани, нималарни ўйлагансиз? *(Пауза.)* Миша, гапни уёқ-буёққа бурмасдан рост гапни айтинг-чи. Сиз мени яхши кўриб қолганингиз йўқми?

Рикало *(илжайиб)*. Шу гапни юзма-юз айтаяврайми? Яхши кўриб қолганинг йўқми деб сўрадингизми? Жиндаккина!

Шабунина. Атиги жиндаккинами? Ҳа, майли шу яхши. Шу жиндаккинада тураверинг. Сиз ҳайрон қолманг, ҳозир менинг қандайдир бир шўхлигим тутиб турибди. Ҳамманинг ҳам бошини айлантиргим келаяпти. Бу яхши иш эмас-а? Майли, шундоқ қилиб жиндаккина севаман денг?

Рикало. Бу гапни тушунтиришим қийин бўлаяпти, Женя! Яъни сиз яхши, мулойим табиатли, хушхулқ бир хотинсиз. Ишончли дўст, содиқ ўртоқсиз. Сиз бир чўдек кишининг қалбини ўртайсиз. Ундан ташқари сиз рус қизисиз. Сизда рус ерининг покизалиги ва тиниқлиги бор. Бу замин учун мен курашмоқдаман. Бунинг учун ҳаммамиз курашмоқдамиз... Ҳалигина сиз менинг тақдирим тўғрисида гапирдингиз-да, ажойиб тақдир

дедингиз, балли, тўғри. Хўш, шу тақдирни менга ким тақдим қилди? Бизнинг кўчкин лўли оиласида янги туғилган чақалоқларнинг бешигига саодатли тақдир совғаси келадиган на фаришта, на малоика йўқ эди-ку. Бу тақдирни мен ўзимга ўз қўлим билан яратиб олдим. Бу ишда менга руснинг ери кўмаклашди. Қани энди шу тупроққа биров дахл қилиб кўрсин-чи, жонидан тўйган одам дахл қилади.

10 Ш а б у н и н а. Сиз дуруст одамсиз, Миша. *(Пауза.)* Қелинг уни қўйинг, буни қўйинг-чи. Қлобуков мени яхши кўриб қолмаганмикан, Андрюша.

Р и к а л о *(хохолаб)*. Ким? Андрюшами? Сиз нимасиз. Сиз ахир математикада бирор формула эмассиз-ку. Интеграл логарифма ҳам эмассиз-ку...

Ш а б у н и н а. Унинг шаънига бу гапингиз қаттиқ, ёмон.

Р и к а л о. Йўғе, азбаройи худо йўқ. Мен Андрюшани астойдил ҳурмат қиламан. У шўрлик ҳалол, заҳматкаш. У кемаларни жўжалари, ўзини курк товуқ деб ўйлайди. Кемаларнинг бирор ерига ўқ тегиб тешилиб қолса, кўзидан ёш ўрнига қонлар оқизиб тузатади. Агар у уйланса, байрам кунлари хотинини томоша қилдириш, овутиш керак бўлиб қолса, бирдан-бир эрмаклари ҳисоб масалаларини чиқариш бўлса керак. Ҳадсиз-ҳисобсиз анализлар, катта-кичик. *(Қўшни хонадан Максимов, Харитонов, Қлобуков, Боровский, Горилова, Лешевлар чиқиб қолдилар.)*

30 Х а р и т о н о в. Хўш дегандан кейин, ўртоқлар, етарли даражада ўйнашиб-кулишиб ҳам олдик. Энди ишга навбат келди. Менга бўлган шунчалик муҳаббат ва эҳтиромларинг учун жонимдан миннатдорман. Бу менга жуда қиммат. Бир талай яхши гаплар гапирилди. Энди сўнги хайрлашиш қадаҳини кўтарайлик ва бошланиши каби мажлисимизнинг охирини ҳам яхши сўзлар билан тугатайлик. Боровский!

Б о р о в с к и й. Мен.

40 Х а р и т о н о в. Нима учундир сиз бугун ҳеч нима демadingиз? Аммо гапга чечансиз. Демак, охирги сўз сизга берилади. Қани бирорта оташин гаплардан гапириб ташланг-чи.

Б о р о в с к и й. Хўп бўлади, ўртоқ иккинчи ранг капитан. *(Қадаҳни кўтаради.)* Нима тўғрисида гапирсамикин. *(Пауза.)* Қелинлар шараф учун ичайлик. Балли, бизнинг офицерларга хос жанговар шараф учун. Жангчининг шарафи ажойиб нарсадир, ўртоқлар. Жа-

ҳонда жасоратдан қийин ва улуғ нарса йўқдир. Бу жасорат учун одамлар жанг майдонида сариқ илондай судралиб юрадилар, аммо ғалаба нурлари билан порлаган кўкда учиш озгина одамларга насиб бўлади. Ана шунинг ўзини бир ўйлаб кўрилса кифоя. Ер юзиде лочин бўлиб яшаш ва ўлгандан сўнг қўшиқларда қолиш яхши. Жуда яхши. Аммо лочин бўлиш осон эмас. Шараф бу тантиқ нарса, унинг орқасидан ўжарлик билан муттасил қувиш, унинг ялтироқ қанотларидан удда билан ушлаб олиш, унинг камалакдай ранго-ранг фазилатларини ҳеч кимга бермай ўзингда сақлай билиш — мана гап қаерда. Шарафки сеникими, ўлмайсан деган сўз. Мен-ку ўламан, аммо исмим яшайди. Мен буни тушунаман. Қани, шараф учун!

Максимов. Бўлмагур гап.

Харитонов. Нима деяпсан?

Боровский. Бироқ...

Максимов. Бўлмагур гап деяпман. Зарарли валдираш, деяпман. Шахсий шараф орқасидан қувлаш бизнинг ишимиз эмас. Бизни шунинг учун туғиб, ўстириб, тарбиялаган эмаслар. Шараф меники эмас. Ҳамманики, умумники, сен ишингни қил! Немис лаънатиларни титиб ташла! Қим урушяпти. Петровми ёки Ивановми? Менинг нима ишим бор. Биз ҳаммамиз кучимизни бир ерга йиғайлик, бутун халқ душманнынг кулини кўкка совурайлик. Кейин ўзи ажратиб олади. Қим қаҳрамону, ким кўрқоқ? Қим лочину, ким товуқ.

Клобуков (ўрнидан ирғиб туриб). Йўқ, йўқ, сен нима деб валақладинг, Александр, қулоққа ҳам бошқачароқ кирди? Қанақа шараф? Қанақа ўлим билмаслик, менинг тўғримда қўшиқ айтадими, айтмайдими, менинг нима ишим бор. Менга зарури шуки, мана худди шу тобда мени дўстлар, қизил флотчилар астойдил кўнгилларида чиқариб «сенга ишонамиз, сен дуруст одамсан, сенинг қўлингга иш бериб, натижасини кутса бўлади», десинлар — мана менинг шарафим.

Шабунина. Тўғри, маъқул гапирдингиз, Андрюша.

Боровский. Ҳамма менинг гапимга қаршими? Сен-чи, бобо?

Лешев (финғиллаб). Мен ҳам қарши...

Харитонов. Қани бирпас тўхтанглар-чи, модомики ўртада икки хил фикр чиқиб қолди. Мен ҳам бир оғиз гап ташлаб қўяй: фикримча, гап бир ерга келиб тўхтади. Шараф масаласи, хўш ўзи нима дегани? Офицерларга хос шараф дегани нима дегани? Қани бир

ақлли одамнинг сўзига қулоқ солайлик. Русларнинг азиз бир ватанпарварининг сўзига бир қулоқ солайлик. Ана ўзига қаранглар. (*Нахимовнинг суратини кўрсатади.*) Биз денгизчиларнинг Павел Степановичдан бошқа яқинроқ муаллимимиз йўқ. Синоп жангидан кейин энг яқин дўстлари ва шогирдлари ўлмас шараф билан уни қутлагани келганда, у нима депти денг, мен ўзимнинг шахсий шарафим билан мақтанмайман, мен энг олдин Россиянинг шарафи ва менинг жонажон флотим шарафини ўйлайман, модомики мен флотни ўз жонимдан ажратиб ташлолмайман, ўзимни шу флотнинг кичкинагина бир бўлакчаси деб ўйлайман. Демак, рус флотининг шарафи — менинг шарафим демак. Ана Нахимов шундай ўйлар экан, аммо дуруст ўйлар экан. Шахсий шараф биз учун буюртирилиб қўйилган эмас. Бироқ, бир гапда сиз Боровский, юзингизга тикка айтаман, ёлгон гапирдингиз. Шарафни тузоқ қўйиб тутиш керак эмас. Садоқатли меҳнат орқали қозониш керак. Ана шундагина шарафнинг ҳам шарафи ортади. (*Бокални ичади.*)

10

20 Ш а б у н и н а. Шу гапингиз учун юзингиздан битта ўптирасизми, Михаил Михайлович?

Х а р и т о в (*довдираб*). Нима деяпсиз, ўртоқ Шабунина? Шу солдат башарасини-я?

Ш а б у н и н а. Худди ўзи (*Упади*.)

С о ф ь я П. (*эшикдан киради*). Ҳой сен, комдив ўғил, нега бемаҳалдан-бемаҳал бединлик қилаяпсан. Старшина пакет олиб келди, ма.

30 Х а р и т о в (*пакетни олади*). Қаердан экан? (*Очади*.) Ҳа, ҳа... Она, старшина кетиб қолгани йўқми?

С о ф ь я П е т р о в н а. Йўқ, тўхтаб тур, деб айтдим. Сенинг саломатлигингга бир рюмкагина ича қолсин деб бердим.

Х а р и т о в. Она, бу нима қилганинг? Менинг шахсий составимни нега ичирасан? Баракалла. Чиқиб айт. Шубинга айтгинки, ўн минутдан кейин бораман. (*Софья Петровна чиқиб кетади*.) Ўртоқлар! Уй-уйларингга ва хизматларингизга тарқалинглар! Капитан-лейтенант Максимов билан Боровский қолсин. (*Боровский, Харитонов, Максимовдан бошқалар чиқиб кетадилар*.)

40

Ўртоқ отряд командирлари! Масалага қулоқ солинглар. Авиациямиз денгизда немисларнинг катта сувости кемасини кўриб қолган. 288-квадратда. Ҳар икковингизнинг отрядларингиз соат уч ноль-нолда йўлга чиқиши керак. Қидириб топилсин, ҳужум қилинсин, йў-

қотилсин ва ботирилсин, қидиришни олиб борганда ҳар икки отряд айрим-айрим ҳолда эркин ҳаракат қилсин. Қайси отряд душманни топса, қўшнисини ёнига чақириб бирлашсин ва бирликда ҳаракат қилсин. Сувости кемаси қочиб кетмаслиги керак. Масала тушунарлими?

Боровский й. Тушундик, ўртоқ иккинчи ранг капитан.

Харитонов. Мукаммал маълумотни штаб бошлигидан оласиз. Қани ҳаракатга бошланг!

Максимов. Кетишга ижозатми?

Харитонов. Ижозат. *(Боровский билан Максимов эшикка юра бошлайдилар. Шу тобда узоқ-узоқдан бомба овозлари эшитила бошлайди. Радиорепродуктор эълон қилади: Диққат! Диққат. Базовойдаги ҳаво ҳужумига қарши мудофаа штаби гапираяпти. Тревога эълон қилинади. Максимов очиб кетган эшикдан кулги ва овоз эшитилади. Харитонов ўша ёққа чиқади. Унинг овози келади.)* Дарров ҳаммангиз бомбадан сақланиш учун ертўлага тушинглар! Она! Ҳужум тамом бўлган замон тинч-омонликларинг тўғрисида телефонда менга билдириб қўйинглар! Бўлмаса ташвишланаман. *(Чиқиб кетади, бу хона бир оз бўш қолади. Кейин қўлида тўқима тўқиб Софья кириб келади. У билан бирга Шабунина.)*

Софья. Женя! Ана шу бурчакка бориб ўтир. Иссиққина, шамолламайсан ҳам. Шу ерда ўтириб турамиз. Ертўлага тушишга тоқатим йўқ, ўлгундай зах. Моғор билан қурбақа ҳиди келади. Худо кўтаргур немис аблаҳларнинг шу ёшга кирганимда каламушдек ертўлага ҳайдашларига ҳеч тоқат қилиб туролмайман. *(Шабунина супачанинг бир чеккасига, Софья креслога ўтирадилар.)* Туриб-туриб сенга раҳмим келади, Женя! Озмаям-тўзмаям парвойингга келтирма! Синган чиннини ямаб бўлмайди.

Шабунина. Мен ҳам ямамоқчи эмасман, Софья Петровна. Александрга эрга чиққанимдан буён не-не кунлар бошимдан ўтди. Не-не бўлар-бўлмас хаёллар мени чулғади. Ҳаммасига тўзим бердим. Унга текканимда ўн саккизга ҳам етмаган эдим. Турмушда ниманинг ҳам фаҳмига борардим. Кўзимга ёш кўринди. Гўзал кўринди, уддабурон кўринди, у қилди-бу қилди бошимни айлантирди... Мендан нур ундан дераза...

Софья. Биз хотин кишиларнинг ҳаммамиз ҳам шунақа азизим болам.

Шабунина. У кимни бўлса ҳамки каттакон, ас-

тойдил ва ажралмас муҳаббат билан севса ва шу муҳаббатда мустақил қолса, мен ҳам енгил тортган бўлардим. Яхшироғини топиб мендан кета қолса ҳам рози эдим. Не қилай? Севаманки, қанотини боғлолмайман.

Софья. Кўп эшитганмиз: эски тос, эски ҳаммом деганларидек, шу қўшиқдан қулоқларимиз том битган. Қайсидир бир шоир ёзгану, ёзганда ҳам менимча ўзи аро йўлда бир саёқ одам бўлса керак.

10 Ш а б у н и н а. Энди у билан мени ҳеч нарса боғламайди. Уртамизда шериклик қолган нарса турган хонамизнинг томи холос. Мен ахир ўзим билан бирга турадиган буюм эмас, одам қидираман. Менга шундоқ бир одам керакки, ёнма-ён қадам ташласанг, юрагинг бир вазнда, бир мазмунда урса, Саша билан бизники бўлса, бошқа-бошқа. У қанча нари кетса, менга шунча ёмон. Чунки унга бўлган ҳурматимни йўқота бораман, усиз эса менинг учун яшашнинг ўзи арзимамайди. Мана энди у Леночка билан янги ошиқ-маъшуқлик достонини бошлабди.

20 Севади деб ўйлайсизми? Ишонмайман. Леночкани қўлга тушириш унинг учун бир ғалаба-ю тантиқланади, бай-бай... дунёга мақтанишга арзийдиган мана бунақа ишлар ҳам бор. Лена шўрлик бамаъни одам... Зеҳн солиб қарасам, у астойдил ишонаяпти... Саша бўлса, уни бир гунчадай узади, ҳидлаб кўради, кейин ерга ташлаб босиб ўтади. Орқасига қарамай кетаверади. Леночкага жабр, ачинаман. Саша учун бўлса, яна бир эрмак топилди, холос. Ҳеч тушунолмайман. Денгизчилар уйининг официанткиси Леночка. Мен эримни йўқотиб қўяётганим учун қайғураман. Мен ҳали ҳам унинг тақдирига яхшилик хоҳлайман. У астойдил барака топкур денгизчи. Мени ташлаб кетса кета қолсин, майли. Лекин мени уятга қўйиб кетмасин. Ўғли отасининг номини тилга олганда жирқанмасин... Шуни илтимос қиламан, холос. Аммо қўрқаман... (*Узоқдан зениткаларнинг отган овози эшитилади.*) Учаяпти-а?

30 Софья (бепарво). Учса-учиб ўлмайдим. Мен ҳам Александр ҳақида анча бўлар-бўлмас бемаза гаплар эшитганман. Ҳаммасини бир чеккадан комдивга ёзиб бераман. Ақлини киргизиб қўяди.

40 Ш а б у н и н а. Кераги йўқ, Софья Петровна, унинг жуда ҳам мағрур хулқи бор, қайтага қайнаб-тошиб кетади-да, бундан ҳам расво бўлиб кетади.

Софья. Ташвиш тортмай қўя қол. Комдив янглишиб кетмайди. Ўзига билдирмай туриб, биқинига қараб бир туртади, додини худога айтсин. (*Қўшни хонада оҳиста-оҳиста гитара овози.*)

Ш а б у н и н а. Бу нима гап бўлди?

Со ф ь я. Миша... У кетмаган экан шекилли. *(Чақи-
ради.)* Ҳо, лўли, буёққа чиқ! *(Рикало қўлида гитара
билан чиқиб келади. Офицер кийимини кийиб олган.)*
Ҳа, болагинам Миша, бу уйда сен биз билан бирга уй
қизи бўлиб қолдингми?

Р и к а л о. Мен олдингизда, Софья Петровна, тахми-
нан қоровулдай бўлиб турибман. Яъни эҳтиёт шарт
учун. *(Ўтириб секин чалиб куйлай бошлайди.)*

Қаранг-чи денгизларда кетар кема
Йўли узоқ-узоқ жойга
Қайғурмангиз биродарлар денгизчилар
Осмонда ҳеч тинимсиз тревога.

Со ф ь я. Кел, қўй бемаъни бўлма! Яхшироқ ашу-
лангдан айт! Осмонда борган сари кучайиб бораётган
жанг. *(Рикало ва Шабунина шифтга қарайдилар. Софья
Петровна бепарво тўқиб ўтиради. Бир авиабомба шу
яқинликда ёрилади.)*

Ш а б у н и н а. Жуда яқин-ку?

Со ф ь я. Бизга текканча йўқ болам. Ҳаромилар-ей,
тинчгина тўқишга ҳам халақит беради-я. Ашулангни
айтсанг-чи, Миша.

Р и к а л о *(бирдан гитарани чалиб, қувонч билан
куйлай бошлайди):*

Гумбур-гумбур отавер
Бир марта-юз марта.
Менга-чи парвойфалак
Яқинроқ келиб минг марта.

П а р д а

Иккинчи парда

Иккинчи кўриниш

*Дивизионнинг команда пункти. Езув столи орқасида Харитонов
ўтирибди. Иккинчи стол устида ўралган хариталар. Бириси ўннга
ва бириси чапга икки эшик. Деворда районнинг харитаси. Шубин
қўлида бир варақ қоғоз билан шу харитага қараб ўтирибди. Ор-
қаси залга ўеирилган. Харитонов олдидаги чарм креслода
Лешев ўтирипти. Чап қўли ва боши бинтланган, бинтлар ораси-
дан унинг айри соқоли чиқиб турибди.*

Х а р и т о н о в. Хўш энди ҳозир аҳволингиз қалай?

Л е ш е в. Бошим тузалди. Аммо қўлим зирқираб оғ-
риб турибди. Бир озгина безгагим ҳам йўқ эмас.

Х а р и т о н о в. Гаплаша оласизми?

Л е ш е в. Албатта.

Х а р и т о н о в. Маъқул. Қани бошлаймиз бўлмасам. Бир чеккадан навбати билан, қисқа, мазмунли, бир оғиз ҳам ортиқча сўзнинг ҳожати йўқ.

Л е ш е в. Ортиқча сўз гапирмайман... Чекишга ижозат берасизми?

Х а р и т о н о в. Марҳамат. *(Унга папирос узатади.)*

10 Л е ш е в. Раҳмат. *(Олиб чекади.)* Қандай буюрасиз? Энг бошидан бошлаб сўзлайми ёки душман билан тўқнашгандан буёғиними?

Х а р и т о н о в. Тўсатдан гапнинг мазмунидан тутаверинг. Бош томони маълум.

Л е ш е в. Есть. Еттидан 47 минут ўтганда биз икки юз ўттиз тўққизинчи квадратга етган эдик. Жануб шамоли бўйлаб борар эдик. Кузатувчилар бир юз ўн еттинчи катерда қора кўриб қолдилар. Ой ботмаган эди. Атроф равшан эди. Бу кўринган қора каттакон сувости кемасининг ёнбоши эканлиги аниқ эди. У понретион ҳолатида кетиб борар эди.

20 Ш у б и н *(айланиб қаради)*. Шу пайтда биринчи отряд сизга кўринарли *(Максимов отряди)* даражада яқин эдимиз?

Л е ш е в. Қаёқдан кўринарли яқинда бўлсин. Ҳар икки отряд ҳам қидириладиган районнинг ҳар икки томонидан эгаллаш учун бир соатдан илгарироқ ажрашиб кетган эдилар. Максимов узоқда эди.

Ш у б и н. Максимов сиздан тахминан қанча узоқликда эди?

30 Л е ш е в. Воқеадан бир оз илгари, ўзининг бизга берган хабарига қараганда, биздан ўн саккиз миля узоқликда шимоли-шарқий томонда борар эдилар.

Х а р и т о н о в. Масала равшан. Давом қилаверинг. *(Шубин харита атрофида ўралиб юрибди.)*

40 Л е ш е в. Бир юз ўн еттинчи душман тўғрисида бизга сигнал берди. Капитан-лейтенант Боровский катерни буриб немис кемаси устига босиб боришни буюрди. Биз бурилаётган пайтда, душман сувости кемасининг шошилинч равишда сувга чўкаётганлиги сезилиб қолди. Орадаги масофа ўн олти кабельт тартибда бўлиб, бизнинг катеримиз айланиш баробарида кемага қараб ўт очдик. Икки ўқимиз кемага етолмай йўлда сувга тушди. Учинчи ўқимиз бориб етган бўлса ҳам, немис кемаси чўкиб улгуролган эди. Биз тарқалиб кема чўккан жойга бордик. Устидан бомбардимон қилдик. Кейин моторларни

тўхтатиб, бомбардимоннинг натижасига қулоқ сола бошладик. Душман сувости кемасининг овозига қараганда, у шимолга қараб кетмоқда.

Шубин. Фикрингизча, шу бомбардимондан кейин зарарланган бўлиши мумкинми?

Лешев. Аниқ айтолмайман. Аммо мотори жуда тиниқ ишлаётгани маълум эди. Биз кемани қувиб, унинг орқасидан тушдик. Шу пайтда мен капитан-лейтенантдан бизга ёрдам учун капитан Максимовни чақириш вақти етмадими, деб сўрадим. У ўзим радистнинг олди-га «рубкага тушаман» деб жавоб берди. Рубкага тушиб ҳам кетди. Радистнинг олдига тушди. Менга эса қувлаб бораверишни буюрди. Биз аҳён-аҳёнда бомбардимон қилиб, кеманинг изидан қувиб кетавердик. Бирор соат ўтгандан кейин, осмонда булутлар орасидан немисларнинг тўққизта «Мессершмидт» аэроплани кўриниб қолди.

Харитонов. Шу пайтда Боровский қаерда эди? Рубкада эдими, кўприкчада эдими? Юқоридами ё радистнинг олдидами?

Лешев. Кўприкчада эди. Юқорида эди. Рубкада, радистнинг олдида ўн минутдан сал зиёда турди, холос.

Харитонов. Сизнингча, самолётлар ўз ихтиёрича учиб келдимикин ёки сувости кемаси чақирганмикин?

Лешев. Кема томонидан чақирилганига шубҳам йўқ.

Харитонов. Нега шунчалик ишониб айтаяпсиз?

Лешев. Чунки уларнинг самолётлари жуда аниқлик билан бизнинг устимизга бостириб келдилар. Ҳам ўша замониёқ уч звенога бўлиниб, бизнинг катерларга қараб ҳужум бошладилар. Шу минутда рубкадан радист хабар бердики, Максимов иккинчи маротаба бизнинг қаерда эканимизни кўрсатишни сўрайди. У бизни тополмаётганмиш... деб.

Шубин (айланиш қараб). Сизлар турган ўринларингизни маълум қилдиларингми?

Лешев. Улгуролмадик. Бу пайтда жуда қизгин жанг борар эди, учта «Мессершмидт» шўнғиб келиб катерни бомбага тутди. Биринчи ёрилган снаряд парчалари билан радиоаппаратура бузилди, радист оғир ярадор бўлди.

Харитонов. Шундай, қани давом қилинг.

Лешев. Жанг жуда қизиқ кетган. Шу пайтда тўсатдан сувости кемаси сув юзига сузиб чиқди-да, икки тўп билан бизнинг ўн бешинчи катерга қараб ўқ уза

бошлади. Бир неча тўп ўқи тўғри бориб катерга тегди. Катер ҳам кўз очиб юмгунча ботиб кетди. Мен сувости кемасини тумшуқ билан уруш ниятида катеримни бурмоқчи бўлдим. Шунда бир «Мессершмитт» жуда қуйи шўнғиб келиб бомба ташлади. Бизнинг катеримизнинг тумшуғини эзди. Бомба сирғалиб бориб палубага тушди. Менинг каютамда бир метрча деворни бузиб сувга тушди-да, катернинг худди биқингинасида ёрилди. Шу онда катер осмонга сапчиб кетгандай бўлди. Қаттиқ ҳаво тўлқини тумшуқда турган флотчиларни супуриб сувга олиб кетди. Менинг қулоғим чил битиб қолган эди, ўзимни ҳам судраб йўлчининг олдига олиб бориб қўйган эди. Мен ўзимга келганимда бир юз еттинчи катер менинг сувга тушган йигитларимни қутқазиб юрганини кўрдим. Сувости кемаси ҳам, самолётлар ҳам аллақачон ғойиб бўлган эдилар. Қомпас ишдан чиққан эди. Катер устидаги ҳамма нарсаларни сув ювиб олиб кетган эди. Йигирма минутлардан кейин шарқ томондан Максимовнинг катери кўринди... Воқеа шунинг ўзи, ўртоқ иккинчи ранг капитан.

Х а р и т о в. Хўш, Максимов нима иш кўрсатди?

Л е ш е в. У биздан «ёрдам керакми?» деб сўради. Биздан «йўқ» деган жавобни олгандан кейин катерини буриб, сувости кемасининг орқасидан қувлаб кетди, кейин биз билишимизча, у сувости кемасини ботирибди экан.

Х а р и т о в. Ботиришга-ку ботирди-я, лекин кечикиб ботирди-да.

30 Ш у б и н. Сиз бугун бу операция давом қилган вақтда илгаридан тайин қилинган режанинг аниқ бажарилганига ишонасизми?

Л е ш е в. Ишонардим. Харита бўйича кўрсатилган йўл режаси рубкада менинг ёрдамчим томонидан олиб борилади. Ундан ташқари менинг ўзим кўприкчада туриб ўз харитам бўйича бу режани текшириб бордим. Гарчанд меники асбобсиз кўз мўлжали билан бўлса ҳам, етарли даражада аниқ эди деб ишона оламан. Афсуски, харитани кўприкчадан сув ювиб кетган. Иккинчи харита билан солиштириб текшириш мумкин эмас.

40 Ш у б и н. Қомпас хато кўрсатиши мумкин эмас эди-ку.

Л е ш е в. Қомпас ҳам бузилиб қолганлиги учун унинг қанчалик аниқ ишлаганлигини ҳозир тайин қилиш қийин. Аммо, биз йўлга чиқишдан илгари тузук ишлаб турган эди.

Шубин. Максимов сизларни излаб тополмаганлигини ва сизлар қаерда деб сўрашга мажбур бўлганлигини сиз ўзингиз нима вайдан деб биласиз? Шу тўғрида изоҳ бера оласизми?

Лешев. Нима вайдан эканлигини ақлимга сиз диролмайман, ўртоқ учинчи ранг капитан. (*Графинга қўл узатади.*) Сув ичишга ижозат беринг.

Харитонов. Чарчадингизми?

Лешев. Бошим айланиб кетди.

Харитонов (*Шубинга*). Бу гаплардан сиз бирор нарса англаяпсизми?

Шубин. Борган сари туманлашиб кетаяпти. Ҳар ҳолда жанг бораётган нуқтага Максимовнинг ўз вақтида етиб келмаслик сабаби тушунарли эмас.

Харитонов. Тўғри... Ёмон бўлган. Эсизгина катерлар. Лаббай? Ундан ташқари, шармандаларча расволик билан жанг олиб борганлар. Немислар ҳам энди бизнинг урушимиздан ҳиқиллаб майна қилиб кулиб ўтирган бўлса керак.

Лешев (*ғазаб билан*). Ҳиқиллаб кулишга ҳақи йўқ, уларнинг кемаларини ботириб юбордик-ку?

Харитонов. Ҳа, ҳа, бизнинг битта катеримиз — ун бешинчи қани бўлмасам. Тавба. Муқаддас Разиннинг жанговар арвоҳининг ҳақи. (*Шубинга.*) Хўш, бу гапга сиз нима дейсиз?

Шубин. Трибунал текшириб кўрар, ўртоқ иккинчи ранг капитан.

Харитонов (*жони чиқиб кетди*). Нима? Трибунал деддингизми? Жин урсин трибуналда менинг нима ишим бор экан. Булар бегона одамлар эмас-ку, булар сиз билан менинг одамларим-ку. Сизни-ку билмайман, аммо буларни суд қила бошласалар, гарчанд мен ўзим одамларнинг ичида ўтирган бўлсам ҳам ўзимни шулар билан бир қаторда айбдорлар курсисидан ўтирган деб ҳисоблайман. (*Пауза.*) Ҳалиги фриц немис кемасининг қўлга тушган штурмани сизнинг ихтиёрингизда турип-тими? (*Эшикни кўрсатади.*)

Шубин. Шундай, эҳтиёт шарт деб уни бошқа ёққа юборишдан тўхтатиб қолдим.

Харитонов. Шундан суриштириб боқайлик-чи, қани немисларнинг ҳисоби бўйича, жанг бўлиб ўтган қайси ер экан? (*Шубин билан иккаласи чиқиб кетади.*)

Лешев (*ўзи ёлғиз папирос чекади*). Э аттанг, чолнинг ишининг расвоси чиқаяпти-ку, бу ор-номус учун соқолимни қиртишлаб ташласалар ҳам майли. Бошлаб

шуки, ҳеч миямга сиғдиролмаيمان. Нима бало бўлди-ю, Борис йўлдан адашиб қолди-а. (*Эшик чертилди. Лешев айланиб қаради, иккинчи марта чертилди. Жавоб бўлмагандан кейин очилиб, эшикдан Боровскийнинг боши кўринди.*)

Боровский й. Киришга ижозатми?

Лешев. Хўжайин йўқ.

Боровский (*кириб*). Хўш, ишлар қалай? (*Боши билан эшикни кўрсатади.*)

10 Лешев. Дор тагида ўтирибман.

Боровский й. Жуда ғазабликми?

Лешев. Гапирадиган наҳангнинг ўзи деб қўявер, бақириб келади-да, тупуради. Қайтиб орқасига кетади-да, тагин бақиради.

Боровский й. Нега бизга бақирар экан? Бу бизнинг гуноҳимиз эмас.

Лешев. Жин урсин, мен қаёқдан билай кимнинг гуноҳи экан. Лекин айб равшан. Ҳозир Борисга қарши ана сузаман-мана сузаман деб ўқталган.

20 Боровский й. Нима қилипти?.. Ишнинг пачавасини чиқаргандан кейин...

Лешев (*Борисга хўмрайиб қараб*). Бе, йўғе? Пачавасини чиқарган бўлсак, баравар чиқаргандирмиз? Шарманда қилаётган вақтда, биз ўрмонда эдик, дейилар экан-да?

Боровский й (*қуруқ*). Мен ишнинг пачавасини чиқарганмиз деб ўйламайман. Бизнинг ҳам ботиб кетишимиз шарт эдими? Бу далил бўлолмас эди-ку.

30 Лешев (*паузадан кейин*). Бу гап ўғил бола денгизчининг гапи эмас, мен шундай қараб туриб мулоҳаза қилсам, гуноҳ биттамизда эмас, ҳаммамизда экан. Демак ҳаммамиз бирлашиб туриб, шу хатони тузатишимиз керак. Хатони ҳамма ҳам қилиши мумкин. Модомики, хато қилиб қўйдик, ортиқ энди ҳеч қанақа аҳмоқона фикрларга бормасдан...

Боровский й (*тўсатдан жаҳл билан*). Нима биз... бу хатони жўрттага қилибмизми?

40 Лешев. Мен ҳали жинни бўлиб қолганимча йўқ. Бироқ бу иш тушуниб бўлмайдиган чигал. Калаванинг учи йўқолган. Орқангга ҳам қайтолмайсан, олдинда бўлса йўлга ёғоч қўйиб, бундан буёғи фалон деб ёзиб қўйгани йўқ.

Боровский й. Сен, бизсиз ҳам чигални ёзиб калаванинг учини топиб олишади. (*Харитонов билан Шубин қайтиб киришади.*)

Харитонов (*сўқиниб киради*). Падарингга лаънат!.. Шу ҳам ўзини штурман атаб юрган бўлса керакда-а. Итдан туққан. Қоқланган микроб. Ичбуруғ бўлиб қолибди. Турган жойи қаердалиги уёқда турсин, ўз фатер-матерининг қаерда қолганлигини ҳам унутган эмиш. Тфу. (*Боровскийни кўриб қолиб.*) Сиз ҳам шу ердами-сиз?

Боровский й. Буйруғингизга биноан... ўн уч соатда.

Харитонов. Тўғри. (*Лешевга.*) Сизга ижозат. Бугунча ҳеч қанақа иш билан шуғулланманг... Етиб осойишта дам олинг!

Лешев. Есть осойишта дам олиш. (*Эшикка қараб юради. Йўл-йўлакай айланиб Боровскийга қарайди. Бир хўрсиниб қўйиб чиқиб кетади.*)

Харитонов. Утиринг! Демак иш шундан иборат... Лешевнинг бизга қилган ҳикояси бўйича аҳволлар равшан. Хўш, қани, сизча қандай ҳодисалар юз беради?

Боровский й. Мен ҳозирча қатъий бир фикримни чамалаб чиққанам йўқ.

Харитонов (*норози*). Бу нима деган гап? Сиз эндигина хизматга чақирилган бир йиллик кадрлардан эмассиз-ку? Отряд командирининг ўз фикри бўлиши керак.

Шубин. Капитан-лейтенант Максимовнинг кечикишини қандай сабабларнинг натижаси деб билиш мумкин?

Боровский й. Менинг учун бу масала тамом ечиб бўлмайдиган бир жумбоқ.

Шубин. Сиз денгиз ўртасида тайин қилинган ўз жойингизга боришда харита ва компас бўйича янглишиб адашган бўлишингиз мумкинми?

Боровский й. Тахминимча йўқ... Мен кўприкчада Лешев назоратида олиб борилаётган жангни муттасил кузатиб бордим.

Харитонов. Тўхтаг-чи, Лешевнинг сўзига қараганда, Максимовга кодограмма бериш учун рубкага — радистнинг олдига шахсан ўзингиз тушган экансиз-ку... Афсуски, сизнинг харитангизни сув ювиб кетибди... Хўш, сиз рубкада экан чоғингизда тасодифан ўз асосий далилларингизни ёрдамчингизнинг далиллари билан солиштириб кўрганмидингиз?

Боровский й. Аниқ солиштириб кўрганман. Кодограммани тўлдира туриб ёрдамчимдан ўз координат далилларини сўраб олдим, ўзимники билан солиштириб кўрдим. Нуқтама-нуқта тўғри эди. Шундан кейин буларни бланкага кўчирдим.

Шубин. Хўш, айтинг-чи, бўлмасам, Максимовнинг кишилари янглишишлари мумкинмиди?

Боровский. Билмайман.

Харитонов. Сиз бунни ўзидан сўраб кўрмадингизми?

Боровский (*пауза*). Йўқ, Максимов мен билан сўзлашишдан ўзини четга тортади.

Харитонов. Хайр. Таажжуб.

10 Боровский (*истар-истамас*). Утган кун иккала-мизнинг ўртамизда қаттиқроққина гап қочиб қолган эди... Максимов ортиқчароқ гап қилиб қўйди, кейин айтдики, иккаламизнинг ўртамиздаги ўртоқлик ҳозирдан бошлаб узилди, деди.

Шубин (*гапни чертиб*). Жуда қизиқ бўпти-ку.

Харитонов. Лаббай? Энди шу етмаганмиди? Бу гап ўзи кимдан чиқди?

Боровский. Ўртоқ иккинчи ранг капитан. Икки ўртада чиққан жанжал, холис шахсий асосда бўлгани учун ижозат берсангиз нима эканлигини айтмасам...

20 Харитонов. Хўп, айтманг, бироқ, шуни ҳисобга олишингизни сўрайманки, айниқса уруш вақтида офицерларнинг ўзини шахсий иш ва ҳарбий иш деган икки қисмга ажратишига ижозат беролмайман, таклиф қиламан: мумкин қадар тез, шу пайтдаёқ бу бемаънилик бартараф қилинсин, бўлмаса... э тавба, бу қандай номаъқулчилик? Равшан бўлдимиз?

Боровский. Равшан.

30 Харитонов. Ҳозирча бўшсиз. (*Телефонни олиб гапиради.*) Дивизион навбатчисини беринг! Ўртоқ лейтенант, менинг буйруғимни бутун бор офицерларга топширинг! Улар роса ўн учу ўттиз минутда команда пунктига йиғилишлари лозим. (*Трубкини қўйди. Боровский-га.*) Сиз ҳам келасиз, ҳозирча жавоб. (*Эшик тақиллади.*) Киринг! (*Максимов кириб келди.*)

Максимов. Ижозатми?

Харитонов. Аҳа. (*Чиқиб кетаётган Боровский эшикнинг олдида Максимов билан учрашиб, унга қўлини чўзади.*)

40 Боровский. Утган кун иккаламиз ҳам бир оз қизишиб кетибмиз, Борис. Ортиқча гапларни гапиришиб қўйибмиз. Шу жанжалнинг нима кераги бор? Иккаламиз ҳам ҳақсиз эдик. Қол, ўтган ишга салавот.

Максимов. Эсинг жойинга тушдимиз? Ҳақсиз мен эмас, сен эдинг. Ҳа, майли, жин урсин ўшанақа жанжални, кел, қўлни бер! (*Ҳар икковлари қўл сиқишадилар. Боровский чиқиб кетади.*)

Харитонов (*соатга қараб*). Келинг хулосага келайлик. Масала озми-кўпми, ҳар ҳолда равшан. Ҳадеб айлантираверса, уч қайрағочнинг ўртасида йўл йўқотгандай бўлиб қолиш мумкин. Сиз тушунтириб бера оласизми?

Максимов. Ҳозирча йўқ.

Харитонов. Ҳозирча йўқ? Хўш, қачон бўлмасам?

Максимов. Ҳеч нима деёлмайман, ўртоқ иккинчи ранг капитан. Ақлимни минг ишлатиб кўрганим билан саволларга жавоб беролмайман. Кўрсатилган ўринга аниқ етиб борганимга ишонган ҳолда, қанақа қилиб Боровскийнинг иккинчи отряди билан тўқнашишда янглишганимга ҳайронман.

Харитонов. Сизга қайси узунликда юриш топширилган эди?

Максимов. Шарқ томонда ўттиз тўрт-у ўн беш.

Шубин. Сиз шу кўрсатилган жойга аниқ борганингизга ишона оласизми?

Максимов. Мутлақо, ҳалигача ҳеч янглишмаганман... Янглишган бўлишим ҳам мумкиндир.

Шубин. Бизга шуни билиш зарурки, ахир ким янглишган? Сизми ё капитан-лейтенант Боровскийми?

Максимов (*асабийлашиб*). Мумкин эмас. Боровский гоятда тажрибакор командир, чақалоқ бола ҳам топиши мумкин бўлган бир ерни у тополмай қолиши, янглишиши мумкин эмас.

Шубин. Шундай бўлса, гап нимада? Демак, сиз янглишдингиз деб тахмин қилишга тўғри келади?

Максимов (*яна асабий*). Мен ҳали айтдим-ку, янглишган бўлсам янглишгандирман.

Харитонов. Бўлмаган гап. Сиз ахир тажрибада Боровскийдан қолишадиган командир эмассиз.

Максимов. Мени бемаънигарчилигим шундан иборат бўлганки, катер командирининг харитасини ўзим шахсан текшириб бормаганман, унга ишониб ташлаб қўйганман. Ваҳолонки, лейтенант Журавлёв тажрибасиз ёш офицер эди.

Шубин. Тўғри, бу ишингиз хато бўлган. Боровский шахсан ўзи текшириб борган экан.

Максимов (*алангаланиб*). Бўпти-да энди. Унга баракалла деяверинглар бўлмасам. У намунали командир.

Шубин. Бу қанақа оҳанг бўлди, ўртоқ капитан-лейтенант?

Максимов. Кечирасиз...

Харитонов (*Максимовга диққат билан қараб, ўрнидан туради*). Баракалла, масалани яқунлаштирамиз. Биринчидан, масаланинг бошқа ёқларини қўйиб турганда ҳам, ҳар ҳолда аниқ факт шуки, сувости кемаси ботирилган. Қолган гаплар уч пулга арзимайди. Гапни қай томонга айлантириб қараганда ҳам, ўртоқ капитан-лейтенант, жавобгарлик сизнинг устингизга тушади. Сизга аниқ жой кўрсатилиб берилган эди. Сиз шу ерга бормагансиз. Натижада иккинчи отрядга қийин жанг шароитида ўз вақтида ёрдам қилмагансиз. Натижада келиб чиққан кўнгилсиз воқеа ўзингизга маълум. Шунинг учун мен воқеаларни контрадмиралга айтишга мажбурман. Улар яна керак бўлса, муфассалроқ текшириб кўришар... Ҳозирча буюраман... Сиз командирлик қилган отрядни старший лейтенант Лешевга топширинг! (*Оғир пауза. Максимов секин ўрнидан туради.*)

Максимов. Отрядни топшир дедингизми?

Харитонов. Бўлмаса сиз нима деб ўйлаган эдингиз? Шу қилмишингиздан кейин менинг қўлимдан дивизионни қабул қилиб олинг дейишим керакмиди? (*Оташин ҳис билан.*) Максимов, ҳеч қачон сенга шундай оғир сўзни айтарман деб ўйламаган эдим. Бу жангда айниқса сенга ишончим зўр эди. Бўлар иш бўлди, нимасини ҳам айтасан.

Максимов (*ўзини тутиб*). Шу айтган бир оғиз яхши сўзингиз учун ҳам сизга раҳмат, ўртоқ иккинчи ранг капитан. Ҳозир бу сўзлар менга бир эмас, икки томонлама қиммат. Отрядни қачон топширишга буюрасиз?

30 Харитонов. Кечқурун, Лешев уйқуга тўйиб олсин.

Максимов. Есть. Ижозатми, мен бўшманми?

Харитонов. Шу ерда қолишингиз ҳам мумкин. Ҳозир офицерлар ҳам йиғилишади.

Максимов. Ижозат берсангиз, бир неча минут ёлғиз қолмоқчи эдим.

Харитонов. Хўп, боринг. Аммо ўзингизни тутинг! (*Максимов чиқиб кетади.*)

40 Шубин (*ишонч билан*). Энди мен воқеа қандай юз берганлиги тўғрисида аниқ мулоҳазага эгаман, ўртоқ иккинчи ранг капитан.

Харитонов. Қани, қанақа экан?

Шубин. Сиз ҳалигача бизга маълум бўлмаган тамоман янги бир аҳволга диққат қилинг. Бу Боровский билан Максимов ўртасидаги жанжал.

Харитонов. Хўш, шу билан нима бўпти?

Шубин. Бу фожианинг калди... Сиз ҳаммавақт Максимовни тўнгуёйин, қизиққон, аччиғи тез деб таърифлар эдингиз-ку...

Харитонов. Ҳимм...

Шубин (берилиб). Шунинг натижасида нималар келиб чиққанига диққат қилинг-а... Икковлари жанжаллашганлар... Кейин бирга операцияга чиққанлар... Боровский душманининг кемасини кўриб қолгану... Максимовни ёрдамга чақирган... Максимов бўлса, унча шошмаган ҳам, ҳа, деган, мени-ку хафа қилгансан, қани ёлғиз уддасидан чиқиб кўр-чи, деган. Балки Боровский душман кемасини қўлдан чиқариб юборса, унда Максимов орқасидан етиб бормоқчи бўлган... Хулоса қилиб айтганда, худбинлик юзасидан игна санчмоқчи бўлган. Аммо ҳисобда янглишган. Жангга аввалдан тахмин қилинган бир фактор сифатида авиация ҳам араллашиб қолган. Шундан кейин Максимов ёрдам учун шошган бўлса ҳам кечиккан. Натижада ҳалокат юз берган. Сиз ахир ўзингиз уни қанчалик маъюс, қанчалик асабий ҳолда эканини кўрдингиз-ку.

Харитонов. Тамом қилдингизми?

Шубин. Асосан тамом.

Харитонов (жаҳл билан туриб столни муштлайди). Нима, нима?! Улар бир-бировига душманими? Йўқ, мен ҳеч қачон бунга ишонмайман. Немис келиб ўртганини нест-нобуд қилиб юборгунча Максимов қараб ўтиради, деган гапга ҳеч қачон ишонмайман. Агар Боровский унинг энг қаттол душмани бўлганда ҳам, бу ҳолатга йўл қўйишига ҳеч ишонмайман. Сиз шунинг фаҳмига борасизми? Жанжал эмиш-а? Нима? Хайр, иккита хўроз бирор рюмка арақдан кейин жиқиллашиб қўйипти. Ҳойнаҳой, хотин-потин жанжали бўлса керак. Шу билан нома тамом вассалом... Бу гапдан сиз қандайдир фалсафий хулосалар чиқариб ўтирибсиз. Заб гап топибсиз-ку... Достоевский!

Шубин. Хўп бўлмаса, сизнинг ўз тахминингиз қандай?

Харитонов. Менинг ҳеч қанақа тахминим йўқ. Керак бўлса Максимовга буткул ишонаман. Лаббай? Мустаҳкам, ажир одам. Қалласи кетса-кетадик, худбинликни билмайди. (Эшик тикиллади.) Ким у?

Клобуков (йўлакда). Уртоқ иккинчи ранг капитан. Буйруғингизга мувофиқ офицерлар йиғилишдилар.

Харитонов. Есть! Ремонт ишларингиз қалай борапти?

К л о б у к о в. Бир минг ўн учинчини қуритишга қўйганмиз. Корпуси бутун. Палубасининг шикастини тузатиб қайтадан денгизга тушириш мумкин... Аммо жуда ҳам таажжуб қоладиган иш-да... бутун уруш давомида бирдан-бир ҳодиса...

Х а р и т о н о в. Нима тўғрисида гапираяпсиз?

К л о б у к о в. Қулоқ беринг-а... Бомба-ку катернинг таггинасида ёрилган. Товуқнинг кўзича ҳам шикаст беролмаган. Агар катернинг таги металлдан бўлганда

10 эди. Тухум пўчоғидай мажақланиб кетган бўларди. Ҳамма гап ёғочдан бўлишида, ёғочнинг чопиш кучида.

Х а р и т о н о в. Сизга нима бўлди, механик? Тентак бўлиб қолдингизми? Қувонишга топилган баҳонани қаранг... Бир катер ботиб кетган бўлса, иккинчиси мажақланиб шикаст топган бўлса, бу одам севинганидан оғзи қулоғида.

К л о б у к о в. Аммо сиз бу далилни томоша қилинг. Ёғочнинг эгилиб букилиши натижасида қарши кучни томоша қилинг. Мен бу тўғрида кемасозлик бошқар-

20 масига ўз тажрибаларимдан мурожаат ёзиб юбораман.

Х а р и т о н о в. Мен бўлсам, сизнинг жанозада ўйинга тушганингиз учун беш сутка қамоқ ёзаман. Шунда эсингиз жойига келади. Қувониш учун топилган баҳонани қаранг. Тфу. Офицерларни чақиринг!

К л о б у к о в (*эшикни очиб*). Уртоқлар! (*Офицерлар кириб келадилар. Буларнинг ичиди Рикало, Боровский, Максимов ва бошқалар бор.*)

Х а р и т о н о в. Утиринглар! (*Утирадилар.*) Офицер

30 ўртоқлар! Бу гал ҳам, одатдагича, ўтган операциянинг натижаларини мулоҳаза қилиш учун йиғилишдик. Аммо, афсуски, бу операция бизнинг бир кемамиз учун ғоятда ор ва номус билан тамом бўлди. Бунинг учун бизнинг орденимизни тортиб олсалар ҳам арзийди. Шу муносабат билан айтмоқчи бўламанки, бу кейинги ҳодисалар менга ҳеч ҳам ёқмайди. Диққат билан қараб кўрсам, баъзи ўртоқларимизда манманлик, ўзига ҳаддан ташқари ишониш, енгилтаклик ҳолатлари учраяпти. Ўз ўзингизни тарбия қилишнинг уддасидан чиқолмайсиз-у, қанақа қилиб бошқаларни тарбия қила оласиз? Офицер

40 деган киши ҳар ерда ҳозир-нозир бўлиши керак. Турмуш билан хизмат бир-бировидан ажралмаслиги керак. Қимки турмушда ўз устидан назоратни йўқотган бўлса, йўлдан чиққан бўлса, у одам кемада ҳам ҳақиқий денгизчи бўлолмайди. Лаббай? Мен бу гапни сизнинг дивизион тўғрисида гапираётганим йўқ. Мисол учун мен

бир офицер тўғрисида айтиб бераман. У офицер тўғрисида яқинда бўлмағур хабарлар эшитишга тўғри келди. У офицер жанговар, ишчан, хулласи калом, дуруст йигит эди. Лекин бу тоққа кўтарилиб олгунча экан. Хизматига яраша орденга ҳам эга бўлди. Ана шундан кейин десангиз айниди. Кеккайиб кетди. Ўртоқлари бор эди, ўртоқларининг биқинига тушира бошлади. Хотини бор эди, битта хотин унга камлик қилиб қолди. Бу — тўнғизлик. *(Ҳамма офицерларнинг кўзи Боровскийга тушади. Боровский кўзини ерга тиккан.)* Яна қайтариб айтаманки, гап бизнинг дивизион тўғрисида бораётгани йўқ. Бизнинг ичимизда бундай одамлар йўқ. Мабодо шундай одамлар пайдо бўлиб қолгундай бўлса, мен унинг яхшилаб адабини бериб қўяман. Супуриб ташлайман. Бизнинг ўзимизга хос муқаддас урф ва одатимиз бор. Биз буни ғоятда қадрлаймиз. У ҳам бўлса, бизнинг жанговар оила бўлишимиз шарафидир. Ишонманки, гапим ҳаммангизга тушунарлидир. *(Офицерлар ўртасида: «Тушунарли, тушунарли.»)* Мен ҳаммамиз тушунадиган тилда сўзлашганимиз учун ва ҳаммамизнинг қалбимиз бир хилда урганлиги учун жуда қувонаман... Энди, ўртоқлар, бўлиб ўтган кўнгилсиз ҳодисани мулоҳаза қила бошлаймиз. Қани штаб бошлиғи гапни бошланг! *(Шубин харита ёнига чиқади.)*

Учинчи парда

Биринчи кўриниш

Дивизион биносида Максимовнинг каютаси. Бу каюта собиқ пассажир теплоходида бўлиб «Люкс» каюталаридан, ғоятда бежирим безатилган. Юмшоқ мебеллар. Ялғиратилган ёғочлар. Ипак пардалар ва ҳоказо. Етоқ ўрни салондан айрим. Каравотда қўлни бўйнига қилиб, шифтга қараб Максимов ётибди. У ғоятда паришон, эзилган. Диванда Рикало ёнбошлаб ётибди. Тугмалари ечиқ. Ёнида гитараси.

Рикало. Кеча Новодворскийнинг уйида ажойиб харала-тарала бўлди-да... Сен сигналчи латиш миллатидан бўлган Қайнис деган кишини эсингдан чиқарганинг йўқми? Ўзи жуда ювош, ҳафтасига икки оғиз сўзни аранг гапирадиган одам. Улар эндигина денгизга чиққан эдилар. Новодворский кўприкчада турар экан. Қанис унинг ёнида. Тўсатдан тилга кириб қолибди. «Ўртоқ лейтенант, — дермиш, — ўнг томонда йўлимиздан ўн беш нуқта нарида ҳозиргина наҳанг сузиб ўтди». Новодворский сўрабди: «Қани, қани? Қаёққа йўқолди!»

кўринмайди-ку», у жавоб берармиш: «Билмадим, шу томонга шошиб ўтиб кетди. Иши зарур бўлса керак...» (*Хохолаб кулади. Максимовга қараб кулгисини тўхта-тиб.*) Бе, жин урсин, ҳеч бўлмаса бир марта илжай-санг-чи.

Максимов. Сен мени кулдираман деб овора бўлмай қўя қол, Миша. Яхсиси бирор нарса куйла. Овозингни яхши кўраман.

10 Рикало. Мен сенинг қони қочган турқ-тароватингга қараган сарим, қўшиқ ичимдан ташқарига чиқмаяпти. (*Гитарани олади.*)

Сиз мендан ашула сўрайсиз, дўстлар,
Айтишга тилим йўқ, қалбимда алам,
Умр қайғуларда зеркиб ўтар,
Чарчаган юрак ҳам урмайди кўркам,
Қўшиқлар айтишга...

(*Гитарани қўяди.*) Йўқ, ашула қовушмаяпти. Қўшиқлар жуда мунгли чиқаяпти. Борис, ундан кўра ичмай-мизми? Менинг шкафимда бир баллон вино бор. Мен бу винога «Ю-88» маркали шўнғийдиган аэроплан номини қўйганман. Улиб кетганимдан кейин оғайниларим келиб мени эслаганда ичишар, деб сақлаб қўйган эдим. Уларга насиб қилмаган экан...

Максимов. Мен хурсандчилик вақтларда ҳам ичишни унча ёқтирмас эдим. Қайғу кунлари бўлса, айниқса.

Рикало. Соғинаяпсанми? Зерикдингми?

Максимов. Ҳа.

30 Рикало. Соғинмай қўя қол. Бу кунлар ҳам унут бўлиб кетар.

Максимов (*каравотга ўтириб*). Мен нимани соғинаётганимни биласанми?

Рикало. Қани, хўш?

Максимов. Мен денгизни соғиндим. Жанговар сузишларни, ўртоқларимни соғиндим... Айниқса, ҳаммасидан ҳам кўп капитанлик кўприкчасини соғиндим. Узимнинг командирлик ҳуқуқларимни соғиндим.

40 Рикало. Мен ҳеч қачон сенинг қалбингда, сенинг ҳиссингда шу ғурурнинг томирлари урар деб ўйламаган эдим.

Максимов. Уради, урганда ҳам қандай дегин. Менинг учун бу жуда қимматга тушган. Бундан уч йил илгари бизнинг ҳаммамиз ҳам оддий қизил флотчидан тортиб офицерларгача бу урушга тажрибасиз болалар

бўлибгина келиб кирган эдик. Мен ёшимиз тўғрисида гапирётганим йўқ. Билимимиз тўғрисида, ҳақиқий каттакон урушни қандай тасаввур қилганимиз тўғрисида гапираяпман. Мен ўйлар эдимки, бир амаллаб беш йил мактабда ўқигандан кейин командир деган номни олишга ҳаққим бўлади, холос деб. Аммо денгизда биринчи маротаба немис билан тўқнашганимдан кейин тушундимки, аҳа, ҳали командир бўлишимга анча бор экан. Жангдаги ҳамма ҳаракат, ҳамма иш биз ўйлагандан тамоман бошқача экан... Мен урушга, жангга киришни ўрганганимча, аъзойи баданим моматалоқ бўлиб кетиб озмунча ҳам гурра орттирганим йўқ. Мияминг ичида ҳам нечта қадоқ пайдо бўлдикин. Шунча қийинчиликлардан кейин, ростини айтсам, ҳақиқий уруш кишиси бўла олдим. Энди эса урсам, ўлдираман!

Рикало. Мана, ҳозир сен шу аҳволда менга жуда ёқасан. Тирик одамга ўхшайсан.

Максимов. Шундай қилиб десанг, мана энди етилдим. Маҳкам қадамлар билан одимлай оламан, деб ўйлаганда қарабсанки, теп-текис жойда тўсатдан оёғимни синдириб қўйдим. Зарарсиз! Битиб кетар, аммо сизлардан ажралиб кетиш, ана шуниси қийинроқ бўлиб турибди.

Рикало (*таажжуб билан*). Нима деяпсан? Ажралиб кетиш деяпсанми?

Максимов. Ҳа, сен нима ўйлаб эдинг? Менинг иззат-нафсим йўқми. Мен ахир сизнинг ўз кўз олдиларингизда бутун зинапояларни босиб ўтдим. Сут эмишдан тортиб, балоғатга етгунча дейиш мумкин. Ҳамиша сиз билан бирга. Мен бу билан фахрланаман. Фахрланишимнинг яна боиси шуки, мен кўплардан ўсиб кетдим ва кўприкчада туриш ҳуқуқини эгалладим. Менинг кўприкчам менинг ҳарбий шарафим демакдир. Модомики, мен уни йўқотибман, мени танимайдиган ерларга бориб, шу даражамни қайтариб олиш учун қайта бошдан хизмат қилиб чиқаман. Бу ерда карвонсаройнинг ходими бўлиб юришни истамайман.

Рикало. Биздан ажралиб кетишга қандай кўнглинг бўларкан? Ачинмасмикансан?

Максимов. Елгон гапириб ўтирмайман... Кета туриб балки йиғларман ҳам. Биз ахир озмунча туз-намак бўлган эмасмиз.

Рикало. Сен кетадиган бўлсанг, гитарамни ерга уриб, парчалаб ташлайман.

Максимов. Бундай қилма! Ҳали кўп керак бўлади... Менга ҳаммасидан қийини комдивдан ажралиб

кетиш. У бизнинг ҳаммамизнинг ҳам, кичкина кучук болаларидай тумшуғи билан туртиб тарбиялади. Жангга ўргатди... Аммо ўзи бизларни жуда севар эди... Буёққа қара-я. (Қўли билан каютани кўрсатиб чиқиб.) Бир хил тилига кучи етмаганлар, бизнинг катерчиларни базада эмас, пар тўшак, ёстиқли хужраларда яшайди, деб ўйлайди. Бизнинг ўзимиз ҳам биринчи навбатларда бу зебу зийнатларни кўриб ҳайратда қолган эдик. Аммо комдив бу саройни биз учун юлиб-юлқиб олиб бергандай, ўз қилаётган ишини ўзи яхши биларди. Биласанки, бизнинг хизматимиз ғоятда оғир. Катерда на айланиб бўлади, на эркин нафас олиб бўлади, на бир нафас исиниб бўлади. Шунинг учун ҳам у бизнинг истироҳатимиз, дам олишимизни яхши ташкил қилиш тўғрисида кўп ўйлар эди. Яхшилаб дам олсанг, даҳшатлироқ урушасан.

Рикало. Нима бўлганда ҳам, сени отряддан бўшатиб қўйганлиги чакки бўлди-да.

20 Максимов. Тўғри бўшатди. Унинг ўрнида мен бўлсам ҳам, шу ишни қилардим. Сен-чи?

Рикало. Йўқ, мен Сашкани бўшатардим.

Максимов. Нега?

Рикало. Чунки катерни йўқотди. Бу — бир. Душманнинг сувости кемасини қўлидан чиқариб юборди, бу — иккинчи.

Максимов. Сен нима деб ўйлайсан? Уруш қурбонсиз бўлишини истайсанми? У сўкишиди-ку, ахир. Сўкишганда зарар ҳам бўлади-да... Ўз вақтида ёрдам олмади. Бу ишда ким жавобгар? Ҳар ҳолда мен... Айлангирсанг ҳам шу, айлангирмасанг ҳам шу...

30

Рикало (пауза). Менга қулоқ сол, Борис. Мен сендан ўртоқларча бир савол сўрайман. Сен нима бўлса ҳамки, гапни уёқ-буёққа бурмасдан, тўғри жавоб бер... инсоф билан айтганда шу ишларнинг ҳаммасини чатоғини чиқарган Боровскийнинг ўзи деб ўйлайсанми?

Максимов (пауза). Нима десам экан? Далил йўқ... Аммо ўзининг хато қилганимга ҳеч ишоналмайман. Демак, бу хато Боровскийники деб ўйлашга тўғри келади.

40

Рикало (тутоқиб). Э, жин урсин, нега шу гапни кўтариб юрибсан, тўғридан-тўғри комдивга айтмайсанми? Ким хурсанд бўлсин деб шу тавқин лаънатни бўйнингга илиб юрибсан?

Максимов. Тутуқма! Лўлиларнинг бойваччаси. Шахтингдан туш. Менинг қўлимда қанақа далилларим

бор экан. Хўш? Ҳа, ҳа, ана шуни билиб қўй. Валақлаб қўйишга қўярману, исботлашга қўлимда ҳеч гап йўқ. Гап тухмат бўлиб чиқиб қолади. Айниқса, бу гапни жўртга ҳам айтмайман. Чунки ўзинг биласан, яқинда у билан сену менга бориб қолган эдик. Уч олаяпти, деб ўйлашлари мумкин.

Рикало. Тушунарли. Шунақа сенга ўхшаган одамларни инглизча «жентльмен», ammo бизнинг тилда «олижаноб тентак» деб атайдилар.

Максимов. Бироқ Мишка... Сен енгилтакроқсан.

Рикало. Оғир ҳодисаларда енгил сўзлар бермайди. Сен ҳам шу оғзинга сув солганча тураверасанми?

Максимов. Туравераман, жавобгар ким эканлигини майли қидираверсинлар. Мен энгаким билан кўрсатиб бермайман...

Рикало. Аҳмоқсан, кошки у сенинг бу жентльменлигинга арзиса.

Максимов. Хўш, унга қарши сенинг қандай кекларинг бор?

Рикало. Ясан-тусан, олифта одамларни ёмон кўраман. Сашка бўлса, асилзот олифталарнинг биттаси, ўз-ўзига кўзгу бўлиб хизмат қилади-да, ўз-ўзига муҳаббат изҳор қилади. Вужудидан беадаблик бурқиб туради. Гўёки у бизнинг ичимизга гусарларнинг базмидан оёғини узатиб тушган тантиқ... ке қўй ўшаннинг падарига... Юр флотчилар уйига борамиз. Жуда ажойиб концерт бўлади дейишяпти.

Максимов. Бормайман. (Эшикни тақиллатмасдан очиб йўлакда Харитонов кўринади.)

Харитонов. Халақит бермадимми?

Рикало (шошиб ўрнидан туради. Тугмаларини сола бошлайди). Кечиришингизни сўрайман, ўртоқ иккинчи ранг капитан. Биз бамайлихотир уйдагидай ўтирган эдик...

Харитонов. Зарарсиз, мен ҳам бирор расмий иш билан келганим йўқ. Бир-икки минут вақт ажратиб, атайлаб кўргани келдим.

Максимов. Мени кўргани келдингизми, ўртоқ иккинчи ранг капитан?

Харитонов. Бу ерда таажжуб қиладиган нима бор экан? Ёхуд бевақт келдимми?

Максимов (ўзини тутиб). Сизни кўришдан, сиз билан суҳбат қилишдан доимо шодман, ўртоқ иккинчи ранг капитан. (Креслони суриб.) Марҳамат қилинг, ўтиринг.

Рикало. Концертга мутлақо бормайдиган бўлдингми?

Максимов. Бормайман.

Рикало. Мен бориб, бир шўнғиб чиқаман... Кетишга ижозат берасизми, ўртоқ иккинчи ранг капитан?

Харитонов. Марҳамат, ўйнанг-кулинг. (Рикало чиқиб кетади. Унғайсиз пауза.) Хўш, сиз нима учун ёзилиб келишни истамайсиз?

10 Максимов. Таъбим кўтармай турипти, ўртоқ иккинчи ранг капитан.

Харитонов. Чакки қиласиз. Бир ерда моғорлаб ўтиравериш яхши эмас. Лаббай? Ўртоқлар ўйнаб-кулганда, бир уйга қамалиб ўтиравериш хурсандлик келтирмайди. Пўнғушга айланиб қолиш учун унчалик қариганингиз ҳам йўқ-ку.

Максимов. Умрим ҳали узоқ... Ўйин-кулгига ҳам фурсат топилиб қолар...

20 Харитонов. Балли, бундай деб ўйласангиз, бу жуда яхши. Қелажақда ҳаммаси ҳам яхшиликдан иборат ажойиботлар тўлиб ётибди.

Максимов. Шу тобда мен учун энг яхшиси шуки, сизни ўз уйимда кўриб турибман, ўртоқ иккинчи ранг капитан.

30 Харитонов (сўзини бўлиб). Тўхта, хитойларга хос таъзим-тавозени йиғштириб қўяйлик. Лаббай? Кел, қани бир очиқчасига гаплашиб қўяйлик-чи, мен ўзимни иккинчи ранг капитани эканимни яхши биламан, сен ҳам ўзингнинг капитан-лейтенант эканлигингни биласан. Ҳа, хўп, дуруст! Пайти келиб адмирал ҳам бўлиб қолармиз... Мен сенинг олдинга мартабаларимизни аниқлаб олиш учун келганим йўқ. Хўш, мени нима деб ўйлаган эдинг? Мени дарров эсидан чиқариб қўйди, деб ўйлаганмидинг?

Максимов. Йўқ... биров мен...

40 Харитонов. Менинг тўғримда бундан ҳам яхшироқ ўйлашинг мумкинмиди? Сен билан биз ахир биринчи йилгина бирга ишлаётганимиз йўқ-ку... Мен сени яхши танийман-ку... Бўлмағур гапларнинг нима ҳожати бор? Кўриб турибман, нимадир демоқчисан... Қани гапир!

Максимов (пауза). Сўрашга ижозат берасизми, мен ёзган хатни ўқий олдингизми?

Харитонов. Уқиб чиқдим... Шунинг учун ҳам келдим. Сен менга жавоб бер, нега сен у хатни менга бердинг?

Максимов. Нима эди? Чакки қилибманми?

Харитонов. Ростимни айтсам, биринчи гал ўқиганимда, оббо бу тентак бўлиб қолибди-ку деб ўйлаб, бир челак сувни кўтарганча югуриб келиб, каллангдан қуймоқчи бўлдим.

Максимов. Кейин-чи?

Харитонов. Иккинчи гал ўқиб чиқиб тафтимдан тушдим. Учинчи гал қўлимга қалам олиб паст-баландларга ажратиб, диққат билан ўқидим. Бошим билан шўнғиб кетдим. Лаббай? Ростини айтсам, қўрқмасдан, аммо ақлли, талантли, далилларга суяниб ёзилган... Торпеда тўпларини, сен айтганча, қирғоққа қарши ва ёнбош тўсиқларга қарши фойдаланиб ишлата олиш жуда янги ва равшан фикр. Лаббай? Қўриб турибманки, бекорга шунча ўқимаган экансан.

Максимов. Демак, сиз бу планни бажариш мумкин деб топасиз, шундайми?

Харитонов. Бутунлай эмас! Баъзи жойларида чалкашиб кетибсан, олиб қочибсан. Аммо баъзи тузатишлар киритилса албатта амалга оширса бўлади, зотан қалтислиги ҳам бор. Агар дафъатан ҳужум қилиш элементлари ишлаб чиқилса, муваффақиятга эришиш ҳам мумкин. Қирғоқдаги радиолокацияни ҳам ҳисобга ол. Офарин, жуда ҳам қувонтирдинг. *(Кителининг ич чўнтагидан буқланган қоғоз чиқариб, Максимовга беради.)* Ушла! Келажак учун эҳтиёт қилиб сақла. Бу план орқали ўзинг учун каттакон шараф қозонишинг мумкин.

Максимов *(қоғозни ўзидан нари итариб)*. Йўқ, агар бу планни ҳозир амалга ошириш мумкин эмас деб топсангиз, ўтга ташлаб юборинг.

Харитонов. Тўхта, тўхта, ўтга эмиш-а. Нима дейсан ўзинг? Епиқ пристанни (гаванларни) ёриб ўтиш учун сенинг ишлаб чиққан бу планинг ғоятда яхши ва порлоқ бир метод. Тўсатдан ўтга эмиш-а? Шундай планни агар мен ўйлаб чиқарган бўлсам, мен ҳам мақтанган бўлар эдим.

Максимов. Гапиришга ижозат берасизми? Мен бу планни ишлаб чиққунча озмунча ҳам меҳнат, шижоат, ҳаяжон сарф қилганим йўқ. Қаторасига неча кунлаб тинмай ўйлаганман, урушда ниманики кўрган бўлсам, ҳаммасини шунга сарф қилганман ва бу планни амалга ошириш ўзимга муяссар бўлар деб ширин хаёл сурардим. Бироқ, бундай бўлиб чиқмади. Ҳамма ҳам бир талай йирик натижалар кутган бу катта ишда афсуски, мен ўз отрядимни етаклаб бора олмайман...

Харитонов. Хўш, шунга энди нима қилибди? Сен ўз кутган мақсадинга, албатта, етишасан, сенга қаттиқ ишонаман. Бўлиб ўтган бу бахтсиз ҳодисани бўлса, уч пулга ҳам олмайман.

Максимов. Ташаккур айтаман... Бироқ истар эдимки, сиз менинг фикрларимни охиригача тушунсангиз экан. Агар сиз менинг бу планимни ҳаётга ошириш мумкин, деб топсангиз, ҳалиги айтган камчиликларни ўз тажрибаларингиз билан тўлатиб, тузатиб қўмондонга тақдим қилсангиз... балки мен ҳаддан ташқари ўзимга ишониб кетгандирман. Аммо менинг планимда ҳарбий савод ва соғлом фикрлар деб ўйлайман.

Харитонов. Сен ўйлагандан кўпроқ.

Максимов. Агар қўмондон сизнинг берган баҳоларингизни эътиборга олиб, мумкин деб топса, ҳам планини ҳаракатга киритиш учун берса, бу менинг учун ғоятда катта мукофот бўлар эди. Ёхуд менинг бу планимни ўзига эмас, кимдир бошқа амалга оширадиган бўлса... ростини айтсам, яшириб ўтирмайман, менга алам қилади. Ўз фикримни жангда ўзим амалга оширсам, бошим кўкка етади... Бироқ бу ҳозирча мумкин бўлмас экан...

Харитонов. Сен ҳам шу ақлинг ва қалбинг билан ишлаган ишингни бегоналарнинг қўлига топшириб қўяманми деб ўйлайсан-да?

Максимов. Йўғ-е, нега бегоналар бўлар экан! Сизнинг қўлингизга, ўртоқ иккинчи ранг капитан... ўз ўртоқларимнинг қўлига топшираман. *(Узоқ пауза, бир нафасдан сўнг Харитонов Максимовга эгилиб, уни маҳкам қучоқлайди.)*

Харитонов. Флотимиз ҳурмати учун... Менинг ҳурматим учун... Ҳаммамизнинг ҳурматимиз учун! Етар! Бу ерда могорлаб ўтирма! Юр концертга борамиз, сен билан юрсам қувончим ошади.

Парда

учинчи ПАРДА

Иккинчи кўриниш

Денгизчилар уйининг бир бўлаги. Унг томонда кафе бурчаги. Стол лампалари қўйилган икки стол. Орқа деворда эшик. Саҳна ўртасидаги арк кафени кичкинагина артист хонасидан ажратиб туради. Шубин, Рикало, Лешев стулда ўтирибдилар. Концерт борапти. Чапаклар овози келмоқда.

Шабунниа. Бориснинг йўқлиги жуда чакки бўл-

ди-да, шу ҳам иш бўптим. Кўр каламушдай инига кирганча чиқмаслик ҳам яхши эмас. У бўлмаса, одам қовушмаганга ўхшаб туради. Сизга нима бўлди, Миша? Наҳотки, уни ёқасидан судраб чиқолмадингиз?

Рикало. Гирибонидан судраб чиқишнинг уддасидан чиқолмасам. Унинг устига десангиз, комдив келиб қолди.

Лешев. Сен қўлдан чиқиб кетди деяпсан, Миша. Сени уйлантириб қўйиш керак эди.

Рикало. Меними? Нима қиласан, ўзинг совчиликка борасанми?

Лешев. Сенга раҳмим келади. Шундай қора қўнғироқ сочли йигит бўлсанг-ку, бўйдоқ яшасанг? Умрнинг нима маъноси бўла қолди. Мен аёлманд одамман. Ойла ўчоғини жуда севаман. Дунёда оиласиз яшаш кишини зериктиради.

Шабунина. Уйланганингизга анча бўлганми, Юра?

Лешев. Бу йил турмуш қурганимга ўн беш йил тўлади. Ҳалигача қилган хизматларим учун мукофот зарур.

Шабунина. Қани, хўш, қанақа қилиб уйланганингизни бир ҳикоя қилиб берсангиз-чи.

Лешев. Нимаси бор экан, ҳамма қанақа қилиб уйланган бўлса, шунақа. *(Кулиб қўйди.)* Дарвоқе, бир ўйлаб қараганда, унчалик ҳамманикига ўхшайвермайди ҳам. У маҳалда мен Ленинградда денгиз техникумини тамом қилган вақтим эди. Бизнинг олдимизда Гутаевский оролчасида бир лоцман амакининг уйида яшар эдим. У ерда бир умумий уй бор, бортнинг ҳамма лоцманлари шу уйда яшайди. Буларнинг лоцман бошлиғи Евсеев деган бир одам, айиқдай бақувват эркак. Ҳозир у етмишларга кирган бўлса керак. Йўлбарс мўйлабли, бўка кўзли, итфеъл. Ана шуниси ҳаммадан қизиқки, ҳазрати азроилга ўхшаган шу чолнинг бир даста чўхчудай ажойиб қизи бор.

Рикало. Сариқ сочми?

Лешев. Аксинча, сенга ўхшаш қорасоч.

Рикало. Э, аттанг.

Лешев. Ҳар кимнинг таъби ҳар хил... Шунақа қилиб, биз Евсеев билан бир қаватда турар эдик. Бу кал шайтон уйдан чиқадиган бўлса, эшикни қулфлаб юради. Шўринг қурғур қиз қафасдаги қушдай уйда қолади. Тағин чол мақтаниб ҳам юради. «Мен Иринани, умуман эрга бермайман. Мабодо берганимда ҳам, бу ҳа-

ромини денгизчиларга бермайман. Чунки қизимни буларга атаб ўтирганим йўқ»,— дейди. Қиз шўрлик нима қилади, денг? Деразага чиқиб олади-да, қўлини энгагига тираб, денгизга телмуриб ўтираверади. Мен ҳам ўз деразамга ўтириб оламан-да, унга тикилганим-тикилган. Кун ўтди, ой ўтди дегандай бир-биримизга тикилишиб, ҳусни жамолимизга тўйишдик. Гаплашиб гапимиз ҳам бир ерга етди. Кейин диққат қилиб қарасам, иморатнинг раҳидан юриб қиз ўтирган деразага борса бўлар экан.

10 Ш а б у н и н а. Қўйинг-э, бу чўпчак-ку. Ромео ва Джульетта.

Л е ш е в. Ҳа, ўхшаб кетади... Сал ўтмай деразадан ошиб хонанинг ичига кирадиган ҳам бўлиб қолдим. Қиз билан гапни бир ерга қўйдик. Кейин мен қизнинг қўлини сўраб отасининг олдига қоидада кўрсатилгандай қилиб катта эшикдан кириб бордим. Таъзим-тавозелардан кейин муддаони очиб ташладим. Чол десангиз, бирдан бўкириб юборди. «Бермайман» деб айтади. Қарасам мени тириклайинча теримни тўнамоқчи. Мен унга қараб қичқираман. Бермай ҳам кўр-чи, дейман. У, йўқ, берадиган қизим йўқ, дейди. Бир-биримизга тармаша кетдик. Чолнинг уч юз олтмиш томирини санаб чиқдим. Чолнинг менга кучи етмади, шекилли, нафаси ўчиб йиғига турди. Мен бу томошани кўриб шкафчага чопиб бордим. Шкаф тортмасидан рўмолча олиб келиб қўлига бердим. Ешингизни артинг, Самойло Прохорович, юрагим эзилиб кетди. Кўп йиғламанг,— дедим. Шу пайтда унинг оз қолди тутқаноғи тутиб қолса. «Оҳ, сен саёқ ҳали менинг рўмолчам қаерда туришини ҳам биласанми, уйимга шунақа синашта бўлиб қолганмисан, иш шу ерга келиб қолипидан кўчиб қолган экан-ку, ол-е қизнинг баҳридан кечдим?»— деди. Шу билан десангиз, на мен, на хотиним алданмаган эканмиз. Шундан буён қўша каптардай бирга яшаймиз. Чолнинг кўз ёшларини артиб тураман.

30 Р и к а л о. Уларча ёлғон гапирдингми?
Л е ш е в. Ҳужжат билан исбот қиламан.
Ш а б у н и н а. Тақдирингиз жуда ҳам ҳавас келадиган бўлган экан. (Орқа эшикдан Қлобуков чиқиб келади. Эзилган, чарчаган башара, сочлари тўзғиган, юзида қора доғ.)

40 Р и к а л о. Э, худонинг қудрати-е. Бу ташриф буюрган ким бўлди экан? Бизнинг флаг— механигимизми ё унинг соясими? Қаердан келяпсан, Андрюша?

... К л о б у к о в. Узинг биласан-ку қаердан эканлигини, уч кечаю кундуздан буён қуритишга қўйилган, шикаст еган катернинг тагидан чиқолганим йўқ. Сиз ўз ишларингизни биласиз. Сизнинг ишингиз кемаларни майиб қилиш. Мен бўлсам, сизнинг орқангиздан юриб ёмонлигингизни йўқотишга мажбурман. Ярим соатга аранг сирғалиб чиқдим. Чанқабман. Ўлгудек чой ичгим келяпти. Официантка қаёққа йўқолди?

Р и к а л о. Шовқинлама, Андрюша. Мана, меникини ича қол, менинг ичгим келмаяпти. *(Клобуков бир кўтариб ичиб қўйди.)* Дарвоқе, рўмолчангни олиб турқтароватингни сал тозала. Не қилганда ҳам бу ер кўпчиликнинг жойи. Битта-яримта бошлиқнинг чиқиб қолиши мумкин.

К л о б у к о в *(рўмолчасини олиб юзини артади)*. Падарлаънати қора мой. Ишхонада ойна йўқ. Узингни-ўзинг кўролмайсан... Мен ҳозир қайтиб келаман.

Л е ш е в. Андрюша, ростини айт-чи. Уч кун бурун комдив нега сени ғазабига олиб туриб эди? Бизнинг ҳалигача нима гап эканлигидан хабаримиз йўқ. Фақат эшикнинг орқасидан дағал-дағал гапириб ҳайдаётганини эшитганмиз, холос. Нима бало қилиб жаҳлини чичара қолувдинг?

К л о б у к о в. Мутлақо англашилмовчилик. Сенинг катеринг шикаст егани учун у гўё мени севиняпти, деб ўйлапти. Мен фақат холис ният билан, биласанми гап қаерда? Мана менга диққат қил. *(Чўнтагидан қалам олиб дастурхонга чизиб кўрсатмоқчи бўлади.)* Эсингда бўлса керак, бомба-ку мана бу ерга келиб урилган эди. Мана бу нуқтанинг ўртасида...

Л е ш е в *(унинг қўлини ушлаб)*. Андрюша, ахир бу сенинг иш столинг эмас, бу дастурхон.

К л о б у к о в. Нима деясан? Ййи дарвоқе-а. Аммо ўзи, ҳақиқатда қарасанг-чи. Ёғоч конструкцияларнинг мустаҳкамлигини исбот қилишга бундан яхши далил бўлиши мумкинми? Мен шунга қувондим холос... Кемаларни ўйлаб чиқиб кечалари ухламайман, у менинг гапимга тушунмай юрипти. Таажжуб.

Р и к а л о. Тажанг бўлмай қўя қол, Андрюша. Авлиёлар ҳам ҳақиқат учун жафо чеккан. Энг охир уларнинг айтгани ҳаққа чиққан.

К л о б у к о в. Бир юз ўн учинчи катерни тузата туриб, шундай бир нарса ўйлаб топдимки, шундай мустаҳкам зирҳ бўлиши мумкин эмас. Беҳад хурсандчилик...

Шабунина. Сиз ҳеч бўлмаса бир оз дам олсангиз бўлар эди, Андрюша. Лимондай саргайиб кетибсиз. Кўзингиз ичига кириб кетибди. Юринг биз билан концертга. *(Тўртинчи симфонияни чала бошлайдилар.)*

Клобуков. Уят бўлади-я, аҳволимни қаранглар.

Шабунина. Зарарсиз, чироғ ўчганда кириб оламиз. Мен сизнинг киришингизни истайман. Мен кейинги кунларда ҳаяжонда яшамоқдаман. Сизни кўрсам менда осойишталик пайдо бўлади.

10 Клобуков. Ҳали шунақами? Мен бун пайқамай юрар эканман. Сизга шу маъқул бўлса, жоним билан бораман.

Рикало. Йўл-йўлакай ювинадиган хонага кирамиз. Мен сени болагинам юзларингни ювиб, сочларингни тараб қўяман. Юр кетдик. Юра, чойнинг пулини сен тўлаб қўярсан. *(Шабунина, Клобуков, Рикало чиқиб кетадилар. Лешев чўнтагидан газета олиб ўқишга чўмиб кетади. Оленка кириб келади-да, столга яқинлашади.)*

20 Оленка. Яна чой керак эмасми, ўртоқ старший лейтенант?

Лешев. Йўқ, раҳмат, қани, аввалгиларнинг ҳақини олинг. *(Тўлайди.)* Нега рангингиз ўчган, тобингиз йўқми?

Оленка. Йўқ, шунчаки, ўзим...

Лешев. Йўқ, айтинг-чи, ўзи нима гап?

Оленка. Ҳеч гап йўқ. *(Подносни кўтариб тез чиқиб кетади.)*

30 Лешев *(унинг орқасидан)*. Демак ҳеч гап йўқ, денг-а? Ёмон яшар экансиз, Александр Ильич. Тубан яшар экансиз-а. *(Яна газета ўқишга берилиб кетади, актриса хонасига (уборнийсига) ўтадиган йўлакда Горилова кўринади. Уни форма енгига навбатчилик лентасини боғлаган Лябинский кузатиб келади.)*

40 Лябинский *(саҳна орқасида бошланган сўзни давом қилдиради)*. Мен ҳам худди шуни сўрамоқчи эдим. Нима учун китобларда ва саҳна асарларида бахтсиз муҳаббатлар тўғрисида сўз кўп бўлади? Сиз ҳозиргина Анна Каренина тўғрисида ўқидингиз. Мен бўлсам буёқда ўй ўйлаб ўтирибман. Муҳаббат бечорани қабргача етаклаб олиб борди-я. Пушкинда ҳам шундай. Островскийда ҳам шундай. Гўё муҳаббатдан кутиладиган бахтсизликнинг ўзи холос. Йўқ, ўзи бахтли муҳаббат бўлмайдами?

Горилова. Бўлади, фақат сийрак, жуда сийрак бўлади.

Лябинский. Аммо баъзида муҳаббат ажойиб кутмаган йўлларга қараб оғиб кетиб қоладики, ҳатто тушуниб улгуриш қийин. Мана, мен ҳам, тўсатдан йўлни буриб юборган бир муҳаббат учун оз қолган ўзимни йўқотиб қўйсам.

Горилова. Қандай?

Лябинский. Судга тушганман. Бир йил штрафной батальонда ўлим билан қўлтиқлашиб томоша қилганман.

Горилова. Сиз-а? Штрафнойда бўлганман дейсизми? Бутун офицерлар сизнинг тўғрингизда энг дуруст аълочи деб гапирадилар-ку...

Лябинский. Ҳозир тузалиб қолдим... Аввал айтганимдек эдим.

Горилова. Нима бало қилиб қўя қолган эдингиз?

Лябинский. У вақтда ҳали Болтиқда ишлар эдим... Қирқ биринчи йил декабрь ойида эди. Севишиб юрган бир қизим бор эди, урушдан илгари яхши кўришиб қолган эдик. Уруш халақит бериб ажралишган эдик. Мен кемадаман-у, у — шаҳарда. Орамиз яқин бўлса ҳам қўл етмайди. Мен унинг аҳволи қалай бўлди экан, тириклиги дурустмикан, деб кўп қийналардим. Уша пайтда турмуш ҳали оғир эди. Ўзингизга маълум. Ахири омадим келиб қолди-ю, командировка олиб қолдим, Ленинградга келдим. Телефон орқали у ишлаб турган озиқ-овқат магазинини чақирдим. Кечқурун кўришишга ваъдалашдик. Кечқурун унинг уйига бордим. У чой қўйди. Шунда шкафчасидан нима балодир олмақчи бўлди-ю, шкафнинг яшиги тарақ этиб ерга тушиб кетди. Мен унга ёрдам бериш учун шартта ўрнимдан туриб қарасам, ер билан битта тилла асбоб, узуклар дейсизми, соатлар дейсизми, билагузуклар дейсизми? Ҳаммаси тилла. Хўш, булар қаердан олинди, дедим. У мийиғида кулиб: «орттириб турибман, ҳозир бунақа асбобларни айни йиғиштирадиган вақт... Халқ очдан ўлай деяпти. Бунақа нарсаларни қотган нонга алишяпти»,— деса бўладими. Ана шу гапдан кейин тутақиб кетибману, нима қилиб қўйганимни билмайман. Қўшнилари чиқиб қўлимдан тўппончамни олганларида ўзимга келдим.

Горилова. Вой худойим-е! Наҳотки, уни ўлдирдингиз?

Лябинский. Айтяпман-ку, ўзимда йўқ эдим. Шунақа бўлиб қолипти...

Горилова. Ҳойнаҳой кейин тоза ачингандирсиз.

Л я б и н с к и й (*пауза*). Йўқ, чакки қилишга-ку қилдим, лекин унинг ҳам бу жаҳонда яшашга ҳаққи йўқ эди. У ахир халқнинг душмани эди... Афв этинг, мен балки сизга жуда ҳам бўлмағур ҳикоя гапиргандирман.

Г о р и л о в а. Йўғе, нима деяпсиз? Қўрқинч бўлса ҳам яхши ҳикоя экан.

Л я б и н с к и й. Билишга ижозат берасизми? Уртоқ иккинчи ранг капитан сизга қай вақтда машина тайёрлашни буюрди экан! Машинани қай вақт келтиради?

10 Г о р и л о в а. Мен ўн беш минутлардан кейин тайёр бўламан.

Л я б и н с к и й. Хўп бўлади. Биз ҳам ўн беш минутдан кейин келамиз. Ҳозирча хайр. (*Лябинский чиқиб кетади. Горилова хонасига киради. Чироғ ёнади. Диванчага ўтиради.*)

Г о р и л о в а (*ўз-ўзига*). «Унинг бу жаҳонда яшашга ҳаққи йўқ эди...» қанчалик қўрқинч ҳикоя. (*Хаёл суради. Орқа эшикдан Боровский кафега кириб келади. Лешев газетадан бошини кўтаради.*)

20 Б о р о в с к и й. Нима қияпсан, бобо?

Л е ш е в. Газетани синчиклаб ўтирибман. Нима қилса ҳам эски муҳаррирлик одати қолмас экан.

Б о р о в с к и й. Ҳа, майли синчиклайвер. Ёдингда бордир-а, бугун соат бешда денгизга юрамиз.

Л е ш е в. Ёдимда бор. (*Боровский тарафга қараб юра бошлайди.*) Менинг ҳам сенга айтадиган унча-мунча гапим бор эди.

Б о р о в с к и й (*тўхтаб*). Хўш, масалан?

30 Л е ш е в. Агар маъқул бўлмаса, мени кечирасан, мен ўзим шунақа тўғри сўзли одамман. Менимча, сўнгги вақтларда Александр Ильич, сенинг виждонинг лойқаланиб қолди.

Б о р о в с к и й (*ҳайрат билан*). Нима?

Л е ш е в. Эски замон бўлганда эди, попнинг олдига бориб тавба қилишинг керак бўларди. Ҳозир эса ўз ҳаётинг билан ўзинг суҳбатлашиб кўр. Сўраб кўр-чи: шу эгри сўқмоқ йўлдан ҳам кетса бўлармикин?

40 Б о р о в с к и й (*аччиғини босиб*). Мени ҳам кечир, агар менинг ҳаётим сенга ёқмаса, соқолингни тараб қўя қол. Аммо бу ҳаёт меники, шуни билиб қўй, аралашма.

Л е ш е в. Қачонгача? Сен ахир ўрмонда эмас, одамларнинг ичида яшаб турибсан-ку.

Б о р о в с к и й (*асабий*). Уртоқ старший лейтенант, мен бошқалардан ахлоқ ўрганишни истамайман.

Л е ш е в. Бўлиши мумкин. Аммо шуни ҳам сизга ай-

тишни истар эдимки, сизнинг ўтказаётган турмушингиз менга маъқул эмас, ёқмайди. Менинг нуқтаи назаримча, яъни бир офицернинг шону шарафи-ю, битта одамнинг ахлоқий нуқтаи назарига таққослаб кўрганда, сизники фарқ қилади.

Боровский. Нима, нима? Нима деяпсиз? Сиз ўзингиз кимсиз? Сиз бир йили кам бир ҳафталик офицерсиз, холос. Қандайдир газет-мазетдан туз-насиба тортиб келгансиз-у, тагин газетага қайтиб кетаверасиз. Шону шараф тўғрисидаги масалаларни мулоҳаза қилиш сизнинг ишингиз эмас. Сиз бу масалада ҳеч балони ҳам тушунмайсиз. *(Лешев ўрнидан туриб.)*

Лешев. Сенга айтадиган гапимга қулоқ солгин-а, Александр Ильич... сен рост гапираяпсан. Мен офицерлар оиласига дарҳақиқат, муҳаррирлик стулидан туриб келдим. Ҳа, шуниси ҳам тўғрики, уруш тамом бўлди деган куниеъ жоним билан севган шу ишга қайтиб кетаман. Яна битта тўғри гап шуки, сен ўзинг қаерда яшаб турганингни билмайсан, бундан ўттиз йил бурун сен ўйлаганча мулоҳазалар бор эди. Яъни юнкерлар мактабини тамом қилишинг баробар елканга иккита погон билан, қўлингга шону шарафни тутқазиб қўярдилар. Биз совет матбуотининг заҳматкашларимиз. Биз иш бошлаганда сен ёш эдинг. Ҳали сен бу гапнинг ўзи нима-ю, шу матбуот деган гапни нима қўшиб ейилар экан, деб довдираб юрган вақтда, шу шону шараф учун курашган ва уни юқорига кўтарган одамларимиз, кимки юнкерлик мактабини битирадиган бўлса, унга бир жуфт елкага тақиш учун погон берадилару, мана сенинг шону шарафинг деб бир шаҳодатнома ҳам бериб қўяр эдилар. Биз совет матбуотининг заҳматкашлари ўз шону шарафимизни жуда юқори кўтариб кела олганмиз. Сен ўша вақтларда ёш эдинг. Матбуот деган нима деганию, нимага қўшиб ейиладиган овқат деб довдираб юрар эдинг.

Боровский *(жаҳлланиб)*. Буюраман! Уртоқ Лешев, овозингизни ўчиринг!

Лешев *(қизишиб кетади)*. Гуноҳларингга тавба қил, Александр Ильич. Мен отбоқар эмасману. Сен муштумзўр эмассан. Типирчилаб турадиган юрагим, ботмондан оғир муштим бор. Жаҳлим чиқса, ҳазилкашликни билмайман. Соқолимнинг ўзи билан бўғиб ўлдираман.

Боровский. Сиз ўзингиздан даражада юқори турган кишига шунчалик таҳдид қиласизми? Бунинг учун

комдивнинг олдида жавобгар бўлишингизга тўғри келади.

Лешев. Шайтоннинг олдида демайсанми? (*Қўлидаги газетасини йиртиб чиқиб кетади. Боровский тезликда арканинг олдида боради. Горилованинг хонасига тақиллатмасдан киради.*)

Горилова (*ўрнидан ирғиб туриб*). Қим бу? Мумкин эмас! (*Боровскийни кўриб қолиб.*) Ҳа, сенмидинг? Чўчиб кетдим-а. Бўрондай ғув этиб кирганингни билмай қолибман-а.

Боровский. Кечирасиз. Жуда шошиб турибман. Ҳали замон денгизга йўлга чиқиб кетаман. Хатимни олдингми?

Горилова. Олдим... Аммо жуда ҳам диққатим ошди. Шунчалик ҳам совуқ, қуруқ хат бўладими? Сен мен билан гаплашмоқчи экансан. Хўш, нима гап?

Боровский. Жиддий бир масала устида.

Горилова. Нима гап бўлиб қолди, Алек? Мени кўрқитмагин. Қулоғим сенда, қани айт-чи, ўтир!

Боровский. Раҳмат. Ўтиролмаيمان, сенга шошиб турибман деб, айтдим-ку. (*Пауза.*) Лена! Энди биз... ажралишмасак тўғри келмайдиганга ўхшаб қолди.

Горилова (*ҳайратланиб*). Ажралиш?!... Хўш, нима учун?

Боровский. Сен тагин бу гапни янглиш тушуниб ўтирма! Мен сени жонимдан яхши кўраман... Менга шунчалик бахт толе бахшиш қилганинг учун менинг сенга тугалмас ташаккурларим бўлсин...

Горилова. Шунинг учун ҳам ажралишмоқчимисан? Бу гапларинг нима учундир чалакам-чатти-ку?

Боровский (*юшоқ ва кўнгилдан гапирмоқчи бўлиб*). Мен эмас, аҳволнинг ўзи чалакам-чатти. Бизнинг сен билан бўлган борди-келдимиз ҳатто комдивга ҳам маълум бўлиб қолибди. У ҳамманинг олдида, аниқ ва равшан қилиб шу тўғрида мени туртиб ўтиб кетди. Бу ишингиз менга ёқмайди, дегандай қилиб қўйди. Дўқ билан шу гапни ишора қилиб ўтди. Нима қилганда ҳам бу одамлар тушунмайди-да. Эски замоннинг тарбиясини кўрган, тухумдай силлиқ одамлар. Булар офицер деган сўзни тамом менинг қўлим остида, ҳатто уларнинг шахсий турмушига ҳам ҳукимни ўтказавераман, деб ўйлайди.

Горилова. Сен шўрлик ҳам шахсий, ҳиссий масалаларда командирнинг буйруғига итоат қилишга мажбурмисан?

Боровский. Оҳ, жоним, тушунсанг-чи! Агар мен унга қулоқ солмасам, у менинг икки томонлама ҳаётимни заҳарлайди. Мен ҳали ўз оёғимда мустақкам туриб блотган киши эмасман. Мен буткул унга муте одамман. Агар бу воқеалар бошқа пайтда рўй берганда эди, мен унга қарши исён қўзғатар эдим. Аммо ҳозирча тилимни тишлайман. Ҳаммасини сенга айтишим мумкин эмас. Қошки эди сен менинг аҳволимни тушунсанг... Мени ҳозир сендан ажралишдан бошқа иложим йўқ...

Горилова. Хўш, нима учун энди бошқа иложи йўқ?

Боровский. Сенга тушунтира олиш қийин бўлса, нима дейсан, энди. Қўрқинч, аммо айтишга мажбурман... Бу ишни қилсам, даҳшатли бир фалокатга йўлиқишим аниқ. Бутун менинг тақдирим битта қил устида турибди.

Горилова (пауза). Ҳа, ҳа. Бошқачароқ сўз билан айтганда, менинг муҳаббатим, сенинг ҳаётдаги толеларингга тўсқинчилик қилар экан-да, сенинг келажакдаги ёппа-ёруғ тақдирингга-я?.. Жўнгина гап эканку. Мен буни мушкул бир масалами деб ўйлабман.

Боровский. Лена!

Горилова. Хўш, нима қилибди? Агар сенинг саодатинг шуни талаб қилса, ажралишганимиз бўлсин, мен ўз севган кишимнинг ҳаётини оёқ ости қиладиган худбинлардан эмасман...

Боровский. Менга ишон, менга жуда оғир. Шундан бошқа иложим қолмади. Бошим дор тагида қолди. Ҳали ҳам менинг аҳволимни сен тушунганингга шукр.

Горилова. Албатта!.. Кўриб турибман. Сен масаланинг шунчалик жўн ҳал бўлганига ҳайрон қолдинг. Сен бу ерга кела туриб, ҳойнаҳой жанжал-сурон, бирор шўриш бўлади деб ўйлаган бўлсанг керак, унчалик эмас.

Боровский. Йўғе... Сенинг масалани таги билан тушуниб ологанингга қойил қолдим, холос...

Горилова. Ҳа, ҳа, тушуна олибманми? Мен сенинг ёзган хатингни ўқигандаёқ тушуна олган эдим. Энди мен сенинг ким эканлигингни фаҳмладим.

Боровский. Яъни, масалан?

Горилова. Бундан беш минутча илгари мени саҳнадан бу ерга кузатиб қўйган старшина ўз севган қизи билан бўлган бир ҳодисани менга айтган эди. Унинг севган қизи Ленинград қамалида қолган вақтда ўз келажак толеини шу фожиа билан бойитмоқчи бўлган экан. Яъни: очарчиликда қолган фуқаронинг қиммат-

Баҳо буюмларини нонга алишиб, шу билан ўз келажакини таъмин қилмоқчи бўлган экан. У нонни қаердан олибди, дегин? Бировнинг толеи, бировнинг кўзини чиқарибди, дегандай, у қиз фуқаронинг бошига тушган фалокатдан ўзига бахт қурмоқчи бўлибди.

Боровский. Сенинг бундоқ дейишга ҳаққинг йўқ!

Горилова. Уша қиз билан нега сен ўзингни тенглаштирасан? Нега? Қизнинг ўзини оқлаш учун далили



Ғафур Ғулом қозоқ ёзувчиси Мухтор Азевонинг уй-музейида. Олмаота. 1966 йил.

10 бўлган бўлса керак. Эҳтимол, бирор бадавлат оиладан чиққан қиздир... Еки ўзим бўлай дейдиган обиватель кишилардан бўлиб, ўзгаларнинг дард-алами унинг учун бир пул бўлгандир. Аммо сени ўқитдилар, ватаннинг ҳимоячиси бўлгил деб тарбия қилдилар. Одам боласининг шарафи нимаю, вазифаси нима ўргатдилар. Сенга юкмади, ҳеч нима бўлмадинг, умид пучга чиқди.

Боровский. Мен бу гапларни истамайман.

Горилова (унинг сўзини бўлиб). Сенинг истагинг мени қизиқтирмайди. Яқинда сени севишимни истар эдинг. Хўп, мен ҳам сени севдим. Мен ёлғиз эдим. Оз-

гинагина муҳаббат, озгинагина ғамхўрлик қидирар эдим. Мен ахир бу урушда ўзимга қиммат бўлган ҳамма нарсани йўқотганман-ку, отамни, эримни, боламни... буларни душман ўлдирди. Уруш деган сўз мен учун шараф иши бўлиб қолди, гарчанд мен бир жангчидай қурол кўтара олмасам ҳам, менинг қўлимда қурол сифатида санъатим бор эди. Мен шу санъатим орқали жангчилар билан бир қаторда турганимга қувонаман. Менинг учун бизнинг ҳаққонийлигимиз учун курашаётган ким бўлса ҳам бари бир қиммат ва бебаҳо. Биринчи кўришда сен менга қаҳрамон кўриндинг, шунинг учун ҳам мен сени севдим, аммо сен... қалбаки одам экансан.

Боровский й. Йўқ, бу энди ҳаддан ташқари...

Горилова. Нима? Сен, ҳойнаҳой, менинг бу таъналаримни тақиб олган орденларим рад қилади, деб ўйларсан. Йўқ. Бундай эмас, фабрикадан чиқадиган аъло молларнинг-ку ўз тамғаси бўлади. Аммо баъзида шу тамға янглишлик билан брак молларга ҳам ёпиштирилиши мумкин.

Боровский й. Бу гапларга мен ижозат бермайман, мен...

Горилова. Тўхта! Мен ахир сенга абадий ва оташин муҳаббат тўғрисида истаганингча ижозат берган эдим-ку... Мен ҳозир гапимни тамом қиламан! Мен сени ва сен билан бўлган бутун хотираларни янглиш ва ярамас тушни унутгандай, унутишга ҳаракат қиламан! Яшайвер! Уддасидан чиққанингча ўйнаб-кул. Мен сенинг доғ тушмаган кителингни ёқасидан иккинчи бош бўлиб чиқмоқчи эмасман. Аммо хайрлашиш олдида мени бир яқин одам санадинг-у, маслаҳатимга қулоқ сол. Сен виждонингни йўқотиб қўйибсан... Шуни қайтадан топишга ҳаракат қил! Виждонсиз киши етакчисиз қолган кўрга ўхшайди. Ҳар қадамда бир фалокатга йўлиқиши мумкин... Энди... Жўна!

Боровский й. Лена!

Горилова. Овозингни ўчир! Бас, бас! (Эшикни очди. Зўрлагандай қилиб Боровскийни чиқарди ва эшикни ёпди. Узи тизза чўкиб диванда ётган пўстиннинг ёқаси билан юзини беркитди. Боровский эшикнинг олдида ранги ўчган, қалтираб турибди. Рўмолчасини олиб юзидаги терларни артаяпти.)

Боровский й (алаҳлагандай). Энди қаерга борсам экан? Қаерга? Кўз олдим бўшлиқ, қуруқ сахрога ўхшайди. (Эшикдан аста-секин узоқлашиб, беҳуд кафенинг олдига келиб қолади. У ерда Харитонов ва Максимов билан тўқнаш келиб қолади.)

Харитонов. Салом, Боровский, хўш, йўл бўлсин? *(Боровский довдираб тўхтайтиди. Харитоновга анграйтиб қарайди. Кейин ўзини тутиб олиб илжая бошлайди.)*

Боровский. Уртоқ иккинчи ранг капитан, хотинимни биррав кўриб келай деб кетаётган эдим. У бугун госпиталда навбатчи. Тонготарда биз денгизга чиқиб кетамиз. Сўнги вақтда у билан кўришмасак айб бўлади.

10 Харитонов *(билинар-билимас истеҳзо билан)*. Ажаб қиласиз-да. Бизнинг тириклигимиз шунақа бўлгандан кейин нима ҳам қилар эдик. Ҳазил-ҳазил билан денгизга-ку чиқиб кетасиз, қайтиб келасизми йўқми тавakkал. Келгунингизча бувингиз еттига туғиб ўтиради. А, лаббай? Шунинг учун яқин одамлар билан хайр-хўш қилган ҳам маъқул. Хўп, боринг! Евгения Сергеевнага салом айтиб қўйинг.

Максимов. Омон-эсон бориб кел, ўртоқ Саша.

Боровский *(тўсатдан ҳаяжон билан)*. Омон-эсон дедингизми? Кошки эди. Ундоқ бўлса сенинг ниятинг холис одам. Раҳмат, Борис! *(Кетади.)*

Харитонов *(қовоғи солиқ)*. Аттанга, жўжа ўғирлашни одат қилмаганда эди, яхши лочин чиқадиган бола эди-да... Лаббай? Кўрдингми? Бу ерга биттаси билан хайрлашгани келган, энди иккинчининг олдига югуриб кетди... Имо-ишора билан гапиришгани фаҳлмагандан кейин, юзма-юз, очиқчасига суҳбат қиламиз шекилли-да...

30 Максимов. Кейинги вақтларда бунинг ўзига нима бўлиб қолди-я, ҳеч тушуна олмайман. У чиқиб келатганда кўзига диққат билан қарадингизми? Худди кўрларга ўхшаб довдираб келар эди.

Харитонов. Мана кўриб турарсан, мен унинг кўзини ишқор қум билан шундай ишқалайки, кўзи чироқдай очилиб кетсин. Заррача шабкўрлиги қолмайди. *(Хона эшигига бориб тақиллатади. Ҳеч ким жавоб бермайди. Иккинчи мартаба тақиллатади, яна жавоб йўқ. Кейин секин эшикни очиб киради. Гориловани кўриб хайратда қолади. Энгашиб секингина унинг елкасига туртади.)* Елена Васильевна, сизга нима қилди?

Горилова *(бошини кўтариб кўрққандай сесканади)*. Бу сизмисиз? Келинг! Худо ҳаққи мени ёлғиз қўйинг!.. *(Ўзига келиб.)* Йўқ, йўқ. Нима деётганимни ўзим ҳам билаётганим йўқ. Мени афв этинг!

Харитонов *(уни турғизиб)*. Тинчланинг... Максимов!

Максимов. Есть!

Харитонов. Елена Васильевнани уйигача кузатиб бор. Мен орқаларингдан етиб боргунча ҳеч қаёққа жилмай ёнида ўтир!

Горилова. Ҳожати йўқ! Узим ҳам кета оламан.

Харитонов. Лаббай! Йўқ. Ортиқ команда берадиган сиз эмас, менман. Қабул қилсангиз ҳам бари бир, ҳайдасангиз ҳам бари бир. Бориб сиз билан уч-тўрт оғиз суҳбат қиламан... Максимов, қани, тез бўл! (*Унинг қулоғига.*) Мен ҳозир госпиталга бораман. У шайтондан тукқанни етти марта терлатмасам, юрган эканман. Чинқиртириб юбораман. Сен хуштавозе бўл, мулоимлик қил! Не қилганда ҳам хотин киши деган нарса эр-калашни яхши кўрадиган юмшоқ буюм бўлади. Жин урсин. (*Шошиб чиқиб кетади. Максимов Гориловага нўстинни кийишга ёрдам беради.*)

П а р д а

Учинчи парда

Учинчи кўриниш

Госпиталда кечаси. Палатанинг ичи. Кўк чироғ билан хира ёритилган. Бойко, Будков, Афанасенко оқ ятак кийган, каравотда ўтирибдилар. Будков тиззасида бир тугунча қўйиб ўтирибди. Будков билан Бойко Афанасенкони кўргани келишган. Палата билан қоронғи йўлак, йўлакда шахмат столи, йўлакнинг охирида оқ ёғоч шкаф. Унинг ичида ҳар хил шиша идишлар. Шкаф ёнида ташқарига чиқадиган эшик.

Будков (*тугунчасидан ҳар хил майда-чуйдаларни олиб*). Келинг, йигитлар, биродарларча тақсим қиламиз-а. Мана бу чорак қадоқ тамаки сенга, Бойко, конфет сенга бўлсин, Афанасенко, чунки сен кашанда эмасан, устаранинг тиғи киши бошига учтадан, зарур асбоб, хизматнинг улдасидан чиқадиган киши госпиталда ҳам соқол олиб туриши керак.

Бойко. Раҳмат, ўртоқ мичман. Бу ташвишларнинг нима ҳожати бор эди? Бу нарсалар ахир сиз учун юборилган-ку. Бизга ўзимизники ҳам етиб ортади.

Будков. Сиз иккаловларинг ажойиб ўғил бола жангчилар бўлганларингдан кейин, сизларнинг ташвишларингизни тортмай, кимларнинг ташвишини тортай, яхши матрослар учун менинг юрагим каптарбаччадай ўйнаб туради. Ҳеч нимани аямайман. Олаверинглар.

Бойко. Ўртоқ мичман, сизга қараб жуда ҳавасим

келиб кетаяпти-да. Икки кунгина касал бўлдингиз-у, мана энди озодликка ҳам чиқдингиз. Мени қачон бўшатадилару, бизникилар яқинда катта жангга борадилар. Мен бўлсам бу ерда нега илиб қўйган қазидай ётишим керак. Зерикиб кетдим.

Будков. Катта жанггача тузалиб қоларсан... Эсингда борми, Бойко бир сидирға отряддан чиқиб кетаман, деб юрганларинг?

10 Бойко. Бу тўғрида эсимга солманг, ўртоқ мичман. У пайтда мен командиримизнинг хулқ-атвори билан таниш эмас эканман. Одамгарчилиги йўқ, деб ўйлаб юрарканман. Энди яхшилаб таниб олдим. У бечора ҳаркунни келиб мени бир марта кўриб кетади-я. Ҳар гал ҳам, кўнгил кўтариш учун беш-олти оғиз яхши гап топа олади.

Афанасенко. Тўғри айтаяпсиз. У ҳар келганда менинг билан ҳам бир пас ярим пас ҳазиллашиб қўяди. Капитан-лейтенант Боровский бўлса, ҳали бир марта бошини суқиб хабар олгани йўқ. Гўёки ер юзида мendan ном-нишон қолмаган.

Будков (гапни буриб). Иши кўп-да, кемаларни жангга тайёрлаётгандир.

Бойко. Наҳотки, эндиги бўладиган жангда ўртоқ Максимов биз билан бирга иштирок қилмаса...?

Будков. Бу гапни сенга ким айтди? Албатта, боради, иштирок қилади. Мана, мен сенга айтдим-қўйдим. Унга отрядни ҳам қайтариб берадилар, даражаси ҳам юқори кўтарилади, кўрарсан, шу гапим ёдингда турсин. Қелинглар, ўртоқлар, хизматимизга алоқадор 30 гапларни йиғиштириб қўяйлик. Чўпчак айтиб берайми, қулоқ соласизларми?

Афанасенко. Айт, айт! Сен жуда қотирасан.

Будков. Қайси чўпчакни айтсам экан-а? (Пауза.) Чўртган балиқдан пиширилган шўрва тўғрисида гапирсаммикин? Эҳе, эҳе, бу жуда қадим замонда, ҳали ҳудо одамзоднинг лойини ҳам қормаган вақтда бўлган иш экан. Аммо ер аллақачон қотган экан, сувда балиқлар сузар экан, ўрмонда ҳайвонлар яшар экану, аммо одамзоднинг уруғи ҳам йўқ экан. Фақатгина битта денгизчи 40 оила бўлиб, дарё лабида балиқ тутиб тирикчилик қилар экан.

Афанасенко. Ия, бу қанақа гап бўлди, ўртоқ мичман? Узингиз ҳали одамзоднинг уруғи ҳам йўқ экан деб айтиб, тагин дарёнинг лабида балиқчилик қилар экан, деб қўясиз...

Будков. Шунақа эпчил халқлар экан-да, худодан ҳам илгари ўтиб кетган одамлар экан. Кунлардан бир куни худо ўзи яратган махлуқларни томоша қилиш учун учиб юрган экан, учиб томоша қилиб юриб қараса, пастда бир чайла, чайланинг ёнида гулхан ёниб турибди. Гулханда темир ўчоқ. Қозон бақиллаб қайнаяпти. Қозон ичида чўртан балиқнинг шўрваси. Тангри таоллоқ бир татиб кўрсаки, жуда мазали, учиб келиб чайлага кўнибди-да, улар билан саломлашибди. Дарё лабидагилар ҳам қарасаларки, жуда ҳурматли бир одам. Бизнинг старший лейтенант Лешевга ўхшаган соқоли киндигига тушади. Қийим-боши жойида. Ҳурмат билан юқорига ўтқазиб, олдига шўрва сузиб қўйишади.

Бойко. Одамнинг оғзидан суви келадиган қилиб ҳикоя қиласиз, ўртоқ мичман.

Будков. Худойи таоллоқ шўрвани ичиб бўлиб, соқолини силаб раҳмат айтадию, шу ўртада сўраб қолади: Хўш, «Сизлар қаердан пайдо бўлиб қолдиларинг?»— дейди. Дарё лабидаги одамлар жавоб берадилар: «Биз ўз ихтиёримиз билан, мухторлик билан пайдо бўлдик». «Пайдо бўлган бўлсангиз, худо ёр бўлсин, мен ахир бутун оламнинг худоси бўлсам, бир оғиз сўрамабсизлар-да. Турмушларинг тўйинчилик экан, ўзларингиз ҳам сахий одам кўринасизлар. Мен аслида бошқачароқ яратмоқчи эдим. Бу фикрдан қайтдим. Мен энди ярададиган одамларни сизларга ўхшатиб яратаману, уларга сизнинг қаторингиздан жой бермайман». Қирғоқ одамлари худонинг бу гапини эшитиб, худоё худовандо, кераги йўқ, янги яратган одамларингни бизнинг олдимизга юбора кўрма, деб эътироз билдирибдилар. Хўш, нима учун деб худо сўрабди. Улар жавоб берибдиларки, балки бу одамларинг бизнинг одамларга қараганда ялқовроқ чиқиб қолар ва биз меҳнат билан чўртан балиқ тутармизу, улар ёнбошлаб ётиб бизнинг овқатимизга шерик бўлар. Шунинг учун, э худоё худовандо, янги яратиладиган бу тантиқларингни мумкин қадар биздан узоқроқ жойга жойлаштир. Йил бўйи қуёш бориб турадиган, осмондан қор ўрнига ун ёғадиган ерларга жойлаштир. Биз шу чўртан балиқ шўрвага қаноат қилиб, бир амаллаб умримизни давом қилдирамиз, дептилар. Худо ҳам буларнинг гапига кўнибди. Шундай қилиб, қирғоқ одамлари ўз балиқ шўрваларини ҳеч кимга бермай ўзлари сақлаб қолибдилар...

Афанасенко. Жуда қувноқ ҳикоя экан, ўртоқ мичман. Одамга дори-дармондан ҳам яхши таъсир қилар экан.

Будков. Шунинг учун айтиб берайман-да. (Йўлакда Шабунина кўринади. Келади. Энда докторлар яктаги.)

Шабунина. Бу нима гап, ярим кечадан оғиб кетди. Қоровуллик қилаяписизларми, яхши эмас, ётиш керак.

Будков. Ҳозир ётамиз, ўртоқ капитан, ижозат берсангиз, ётиш олдидан биттадан тамаки тортиб олардик.

10 Шабунина. Майли, тортиб олингу, аммо тез бўлинг. (Будков билан Бойко йўлакка кетади. Шабунина Афанасенконинг каравоти четига ўтиради.)

Будков (йўлакдан овози келади). Бойко, шахматни ола чиқ, сенга чекиш хонасида ҳам бир мот бериб қўяй. (Бойко шахматни қўлтиқлаб олади. Иккалалари чиқиб кетадилар.)

Шабунина. Хўш, аҳволлар қалай? Узингизни дуруст сезаяписизми? Қўлингизни беринг-чи?

Афанасенко. Яхши бўлиб қолгандай ҳис қилиб турибман.

20 Шабунина (енгини шимариб, тирсагини силаб кўради). Дуруст, жойида, тагин ўн марта уқалаб силанса, қўлингиз тамоман саломатланади.

Афанасенко. Раҳмат-э, ўртоқ капитан. Тозаям ғайрат кўрсатдингиз, ҳаддан ташқари жонкуярлик қилдингиз.

Шабунина. Шунчалик енгиллик билан ўтганига жуда қувонаман. Мен қўлингиздан унча қўрққаним йўқ эди. Жигарингизда қолган бомба парчасидан қўрқинчим зўр эди. Ололмасак нима бўлади, деб хавотир қилардим.

30 Афанасенко. Улишдан унча қўрқмасдим, ўртоқ капитан. Нега десангиз, менинг ҳаётим ўртоқларим олдида оқланган, немисларни ўлдирганман. Жангда ялқовлик қилганим йўқ. Ўртоқ Сталиннинг буйруқларини ҳамиша ёдимда тутганман... Аммо шундоқ бўлса ҳам, албатта энди одам яшашни истар экан.

Шабунина. Ана шу истагингиз сизга ёрдамлашиб сақлаб қолди-да.

40 Афанасенко. Ўртоқ капитан, модомики тузалган бўлсам, менинг битта шубҳани ёзиб бериш учун ёрдамлашингизни сўрар эдим.

Шабунина. Балки бу шубҳани ҳам эртага қўйиб турмаймизми?

Афанасенко. Бу шубҳам ёзилмаса, бари бир бугун ҳам ухлолмай чиқаман-да. Миям оғирликлардан қутулиб, равшан ўйлай бошлаганимдан буён эс-ҳушим

шу шубҳа устида, ўйлаганим-ўйлаган. Ҳеч тагига етолмайман.

Шабунина. Қани, хўш, айтинг-чи?

Афанасенко. Бу гап галги юришимизда бўлди. Мен радионинг олдида ўтирган эдим. Бирданига катернинг қийшайганини сездим. Демак, айланаётган эдик. Бирданига палубадан тўп отиб қолдилар. Албатта энди равшан гап шуки, жанг. Шу пайтда кўприкчадан командир менинг олдимга ўртоқ капитан-лейтенант Боровский тушиб келди. Қўлимга кодограммани тутқазиб шошириб қолди. Тезлик билан капитан-лейтенант Максимовга маълум қил, деди. Мен ҳам бир нафасда тақиллатиб радиограммани бердим. Квитанциясини қабул қилдим. Шу пайтда катер даҳшат билан чайқалиб кетди. Ҳамма нарсалар сочилиб кетди... Бу катер остида бомба ёрилганлик натижасида бўлган эди... (Йўталади.)

Шабунина. Шошмасдан гапираверинг.

Афанасенко. Менинг бланкаларим тўзғиб кетди. Мен энгашиб уларни териб олдим-да, папкага тартиб билан сола бошладим. Худди шу пайтда қовурғанинг тагига ўтди. Қизиган бигиздай бир нарса санчилди. Қўлим ишламай қолди. Ҳали ҳушимдан кетмасдан бурун, қоғозларим яна ҳаммаёққа сочилиб кетди. Бир нафасдан кейин ўзимга келиб, кўзимни очиб қарасам, тепамда командир турибди. Командирнинг ўзи менинг қоғозларимни папкага йиғиштириб солмоқда эди. Ярамни боцман боғлаб қўйди. Бир бурчакка олиб бориб ётқизиб қўйдилар. Оғриқдан эсим бир кириб-бир чиқиб турибди. Шундай бўлса ҳам папкани олиб текшириб қўйдим. Тагин битта-яримта қоғоз йўқолиб қолмасин дедим-да, папкани очиб кўра бошладим. Ҳамма қоғозларнинг устида худди шу кодограмма турган экан... Шундоқ қарадим-у... хўш ўзи нима гап?

Шабунина. Нима? Нима экан? Айтинг-чи.

Афанасенко. Уқалашдан чарчадингиз шекилли-а, ўртоқ капитан? Қўлингизнинг қалтирашини қаранг?

Шабунина (асабий). Қани, гапингизда давом қилаверинг-чи.

Афанасенко. Мен-ку у пайтда ҳали эсимни йўқотганимча йўқ эди. Радио орқали Максимовга берган хабарим ёдимда эди. Аммо кодограммада тамоман бошқача...

Шабунина (яна асабий). Нима, тамом бошқача?

Афанасенко. Турган ўрнимизнинг кўрсатилиши

бошқача... турган ўрнимизнинг кенглик чизиғи тўғри кўрсатилади-ку, аммо бўй чизиғи хато. Ёдимда бор. Мен ўттиз тўрт ноль беш даражада, деб берган эдим. Аммо бланкада 55 деб ёзилиб қолибди. Бирданига 50 минут фарқ қилади-я. Жоним чиқиб кетди. Миямнинг томирлари ўйнаб кетди. Шу пайтда яна ҳушимдан кетиб қолибман. Кўзимни очиб ўзимни бу ерда кўрдим. Шундай қилиб, десангиз ҳеч тушуна олмайман... Кодограммада кўрганим хаёлимдами ё бўлмаса ҳақиқатан ҳам хабар беришда янглишиб кетдимми? Натижада бундай бахтсиз ҳодиса рўй бериб, одамларнинг нобуд бўлишига сабаб бўлдимми? Шу вайдан ўйлаб ўйимга етолмайман. Тинчлигим йўқ. Бунга сиз қандай қарайсиз?

10

Ш а б у н и н а (*секин ўрнидан туриб*). Азизим, булар ҳаммаси бўлмаган гап. Кўп қон йўқотганингиз натижасида бўшашгансизда, хаёлингизга шундай келган. Тинч ётинг! (*Афанасенконинг устини одеял билан ёпади.*) Осойишта ухланг. (*Коридорга чиқади, деворга суянади.*) Нима? Бу нима деган гап бўлди? Энди мен нима қилишим керак? (*Истар-истамас эшикка қараб юра бошлайди. Эшикдан шошиб-пишиб Боровский кириб келади. У билан учрашган Шабунина чўчиб оқ тортади. Орқасига чекинади.*) Сенми? Сен бу ерда нима қилиб юрибсан.

20

Б о р о в с к и й (*ҳаяжонлангану, ўзини тутиб турибди. Гаплари ҳам унча қовушмайди*). Латофат билан кутиб олишингни қара, Женя! Энди мен ўзимни бирор арвоҳнинг шарпаси эканман-да, деб ўйлашим ҳам мумкин. Мен атайлаб сени кўргани шошиб келган эдим. Жангга юриш олдидан сен билан астойдил ханда чиқазиб гаплашмоқчи бўлиб келган эдим. Сўнгги вақтларда бизнинг турмушимиз кўнгилдагидай эмас, сал чаккироқ ўтди... Бунинг учун мен айблیمان. Бунисини ҳам тушунаман. Шунинг учун ўзим олдин келиб узр сўрамоқчи бўлдим. Кел қўй, ҳали ҳам ўша тотув умримизни қайтарайлик.

30

Ш а б у н и н а. Утган тотув умримизни қайтариш учун келдингми? Шунинг учун бу ерга келдингми?

40

Б о р о в с к и й (*тушунмайди*). Бу гап сени нимага ҳайрон қилиб қўйди? Менинг бу ерга энди келишим эмас-ку.

Ш а б у н и н а. Мана шу деворнинг орқасида сенинг жиноятинг учун ширин жонидан айрилай деган қизил флотчи турибди. Сен ўшанинг хотирасини қилиш ўрнига менинг юрагимни ечмоқчи бўласан..

Боровский (ирғиб тушади). Бу қандай васваса?
Сен қандай жиноят тўғрисида гапираяпсан?

Шабунина. Ўзингни анқовликка солма. Мен сенинг жиноятинг тўғрисида гапираяпман. Мен учун ҳамма нарса равшан.

Боровский. Хўш, нимани биласан?

Шабунина. Сенинг ниқобингни йиртиб ташлаш фурсати келганини биламан.

Боровский. Ниқоб дедингни?

Шабунина. Ҳа, энди ҳамма нарсани рўйирост айтишим мумкин... Сен ана у куни менга туриш-турмушим шу дединг. Ўша гапингни эслай оласанми? Мана шу гапинг ўзинга қарши қилич яланғочлашини билганмидинг? Чиндан ҳам туриш-турмушинг шунинг ўзи эканлиги маълум бўлди. Сен кичкина бўлиб кўринсанг ҳам, жуда хавfli одамсан. Микроскоп тагидаги кичкина қуртдай бир нарсасан.

Боровский. Женя, эс-ҳушинг жойидами?

Шабунина. Мени бундан кейин Женя дема! Бундан кейин абадул-абад орамиз очиқ. Э, муттаҳам, энг яқин дўст бўлмиш Борис билан урушиб қолдинг. Сен ундан ўч олмоқни истадинг. Тонма! Сен уни ўзинга кўмакка келиш имкониятидан маҳрум этиб, ниҳоят иш чаппасига кетгудай бўлса, унинг ўзини айбдор қилишни, унинг ёш жонига жабр қилишни истаб, манзилни нотўғри кўрсатиб бердинг. Аблахларча қасос олиш ниятинг учун одамларни ҳалок этдинг. Агар ўз командири-нинг соф виждонини билиб, унга айб тушганидан азоб чекаётган ўша қизил флотчи бўлмаса эди, ўзганинг жони ва ўзганинг виждони бадалига сувдан қуруқ чиққан бўлар эдинг. *(Ҳайратда қолган Боровский Шабунинанинг сўзларини сукут сақлаб тинглайди. Аммо сўнги жумладан кейин дарҳол қаддини ростлайди. Шу пайтда йўлакка Харитонов киради. Қизгин-суҳбат билан овра бўлганлар унинг келганини билмай қоладилар. Харитонов Боровскийнинг дастлабки сўзларини эшитганидаёқ шкаф орқасига паналади.)*

Боровский. Бас! Мен энди тонмайман.

Шабунина. Демак, тўғрими?

Боровский *(осойишта, қўрқинчли қиёфада)*. Тўғри! Бундан кейинги сафсаталардан фойда йўқ... Мен ҳозиргина роса адабимни едим. Мен сенинг олдинга катта андишада ва шу билан бирга бефойда умид билан келдим... Умидларимнинг бекорлигини фаҳмлаб турибман. Борадиган бошқа ерим йўқ... Ҳа, айб менда.

Аммо мен гуноҳимни кўпиртириб юборишингни истамайман. Осмонга кўтарилмоқчи бўлган эдим, бир ўрага йиқилиб тушдим. Ҳар қанақа ёмон одам бўлсам ҳам, сен ўйлаган қадар тубан эмасман. «Борисдан ўч олмоқчи бўлдингми» деддингми? «Унинг ширин жонига қасд қилмоқчи бўлдингми?» деддингми? Бу бўлмагур нарсаларни хаёлингга келганини қара-я. Йўқ, мен уни ҳалок этишни истамадим, мен ўзимни ҳалок этдим, холос... Дивизия командиримиз ана ўша лаънати кемани

- 10 атака қилишни буюрганда, унга қарши якка бормоқчи, уни яккама-якка жангда бир ёқли қилиб қўя қолмоқчи бўлдим. Уйинни ёлғиз ўзим ютишни истадим. Агар мен ўша кемани сувда чўктириб юборсам, ҳирс билан интилган нарсамга етишган бўлар эдим. Ўзимни ўйлабман, холос... Тўғри, мен Борисга манзилни нотўғри кўрсатиб бердим. Бундан мақсадим уни ғалабадан баҳрасиз қолдириш эди. Бироқ, ғалаба у ёқда турсин, ишнинг охири шармандалик билан тугади. Шундан кейин сирни ёпиб қўя қолишга қарор бердим. Бориснинг бўйнига катта айб қўймасалар керак. Уруш деган нарсасунақа. Гоҳо отилган ўқ бекорга кетса, ажаб эмас, деб қўя қолсалар керак, деб ўйладим... Шунини қарангки, томдан тараша тушгандай, унинг ўзи ёлиб бўлиб қолди.

Ш а б у н и н а. Шундай дегин? Гуноҳсиз бир одамни зарбалар сангбўронига йўлиқтирмоқчи бўлибсан-да, ўз ўғлингни хаёлингга келтирдингми? Сенинг шармандалик ишинг туфайли унинг дунёда бош кўтариб юролмаслигини ўйладингми? Ниҳоят ўзинг ҳақингда ҳам мулоҳаза қилиб кўрдингми?

- 30 Б о р о в с к и й (ҳорғин). Мен энди шафқат сўрамайман. Агар умрни бошқатдан яшаш иложи бўлса, мен уни энди бошқача бошлаган бўлар эдим. Энди бўлар иш бўлди! Фақат...

Ш а б у н и н а. Нима фақат?

Б о р о в с к и й. Бир амаллаб дурустроқ ўлиб олишим қолди!

- 40 Ш а б у н и н а. Йўқ. Бу йигитнинг иши эмас! Ўлиш керак эмас, ишнинг охиригача бардош бериб туриш керак. Ботирлигинг қаёққа кетди, қани, бўлган ишнинг ҳаммасини сўзла!

Б о р о в с к и й. Сўзлай олмайман. Қерак бўлса, ўзинг сўзлаб берарсан. Менинг сиримни бошқалардан яширишга ҳақинг йўқ. Мен бўлсам шунчаки... осонгина...

Ш а б у н и н а (ғазабланиб). Сенинг қўрқоқлигингни энди кўриб турибман.

Боровский (қалтираб кетади). Қўрқоқ дедингми?! Йўқ!.. Мен ҳеч нарсадан қўрқмаганман. Мен комдив билан учрашувдан бошқа ҳеч нарсадан қўрқмайман. Хайр, мен кетдим. *(Кескин бурилади, шкаф орқасидан чиққан Харитоновни кўриб турган ерида қотиб қолади. Харитонов унга рўбарў келади. Харитоновнинг чеҳраси ғуссали, аммо осойишта гапиради.)*

Харитонов. Ана холос! Учрашишга учрашдик... Бундай учрашишни кутмаган эдингизми? Ҳа, нима бўлди? Мендан қўрқаяпсизми? Қўрқсангиз арзийди. *(Овозини кўтаради.)* Қани, кўзларимга бир қаранг-чи! Ҳа, бардош этмаяптими? Қарашга мажбурсиз! Жавоб беришга ҳам мажбурсиз. Ҳаммага! Қизил флотчиларга! Халққа! Жавоб беришга мажбурсиз! Хўш, нима деб жавоб берасиз? Мен сиздан сўраяпман! Нима деб жавоб берасиз деяпман?

Боровский. Илтимос қиламан...

Харитонов. Мендан илтимос қилманг!.. Шу онардан илтимос қилиб кўринг-чи, балки сизга қабр учун бир парча жой берар. Қуроли топширилсин... *(Боровский тўппонча осиглик камарни аста ечади ва Харитоновга узатади. Харитонов ғазаб билан юзини ўгиради.)* Уртоқ капитан! Маҳбуснинг қуралини қабул қилиб олинг!

Парда

ТУРТИНЧИ ПАРДА

Биринчи кўриниш

Шабунинанинг хонаси. Базадаги командирлар уйида бўладиган оддий жиҳоз. Пианино, унча катта бўлмаган стол. Столга ҳаворанг дастурхон ёзилган. Клейнка қопланган диван. Унг томонда бошқа бир хонага кириладиган эшик. Чап томонда йўлакка чиқадиган эшик. Хонанинг чап томонига келиб тақалган деворда зинага кўтариладиган кичкира супача. Зинадан саҳнанинг тагига тушиб кетилади. Супачада уйнинг эшиги бор. Бу эшик мойлик бир оқ бўёқ билан бўялган. Диванда Софья Петровна ниманидир тўқиб ўтиради. Стол ёнида Рикало ўтирибди. Парда очилмасдан сал илгари Рикалонинг баланд товуши эшитилиб туради.

Рикало. Ҳа, ўшанинг падарига!.. Унга бу ҳам кам! Суд қилиб чўзиб ўтиришнинг нима кераги бор экан?

Софья (бармоғини ўқталади). Эсингни едингми?

Нега бўкирасан, уни уйғотиб қўясан! Уч кечадан бери мижжа қоққани йўқ.

Рикало (*эшикка ҳурков назар ташлаб. Аста шивирлаб гапиради.*) Унутиб қўйибман-а!.. Бари бир астароқ гапирсам ҳам ўша гапимни гапиравераман. Мен у билан ҳеч вақт чиқиша олган эмасман. Йиртқич, осон ўлжага югурадиган ҳайвонларни биласизми?.. У ана шунақа осон ўлжаларни қўлга туширишга ўрганиб қолган. Қовушибгина меҳнат қилган бола эмас. Йўлидаги одамларни уриб-суриб, ўзим бўламан дейдиганлардан, ўлжа қўлдан чиқиб кетмасин деб, кўзини сира ердан олмайди. Биз бошқача нарсани ўйлаймиз. Ахир биз денгизчилармиз-да. Кўзимиз узоқни кўрадию, ўзимиз ҳисоб билан иш қиламиз. Довулларнинг ёлига ёпишиб юрадиганларданмиз. Ҳа, биринчи рақам — жанговар тревогага қулоқ сол! (*Пауза.*) Қароқчини шартта босадиганларданмизда.

Софья. Бу сен — лўлибачча, бунақа гапларни қаёқдан топасан! Фолбинга ўхшаб олиб қочасан, а? Қози бўлсанг, шартта кесар экансан-да.

Рикало. Хўш, нима қилипти? Унга тилла баркашда мақтов-ёрлиқ олиб бориш керакми?

Софья. Агар лозим кўрилса, сендан сўраб ўтирмаёқ отиб ташлайдилар. Лекин сендақа шошма-шошарларни қози қилиб қўймасликлари аниқ. Қози бўлмоқ учун одамнинг ақли расо бўлиши керак. Бир одамни йўқ қилиб юбориш ҳеч гап эмас. Аммо уни жарликдан чиқариб, оёққа турғизиб қўйиш мушкул нарса.

Рикало. Бўлмаган гап! Ишонмайман! Бунақа гапларни афсоналарда ўқиганману, лекин турмушда кўрганим йўқ.

Софья (*мазах қилиб*). Сен ўзинг турмушда қўлингга гитара билан таралладан бошқа нимани ҳам кўргансан? Гапнинг сирасини айтганда, одам шарткесар бўлмаслиги керак. Кеча унинг олдида сотган гапларинг эсингдами? Жения бўлса унга бегона эмас.

Рикало. Мен Жениянинг дўстиман... Бошимдаги нарсаларни унга рўйирост айтишни вазифам деб биламан.

Софья. Бу ишинг яхшию, лекин бошинг қовоқбош.

Рикало. Нега мени қарғайсиз?

Софья. Қарғайман-да! Тентак бўлганингдан кейин гап эшитасан. Бузуқ тегирмондақа, ҳаммаёқни шовқинга тўлдириб юбординг-ку, ундан дарак йўқ. Гапирган гапларингни ўйлаб гапирасанми? Сендан йиртқичлар

ҳам қолмади, довул ҳам қолмади, уруш тревогаси ҳам қолмади. Одамларга ўхшаб соддагина гапир қўй-да. Хўш, сенингча нима, Александр душманми?

Рикало. Ҳа, душман бўлмаса, яна нима бўлади?

Софья. Менимча, душман эмас. Сизлардан қолишадиган жойи йўқ. Урушда ўзини яхши кўрсатди. Қўрқоқликни билмайдиган йигит, рус ерини севар эди.

Рикало. Маза қилиб юриш мумкин бўлганлиги учун севар эди-да.

Софья. Бас! Вайсама гаргарак. Билмаганингдан кейин гапирма! Нима бўпти. Бир қоқилиб кетибди-да. Қоқилганда ҳам ўзининг пешонаси ғурра бўлибди. Хўш, нимага қоқилибди. Бошидан ҳуши йўқолганлиги учун қоқилибди-да. Ўзининг ҳуснига ўзи маҳлиё бўлибди-да. Агар товус думига ҳадеб қарайверса, кўзи тиниб кетади. Бошини деворга уриб олади. Одам боласи товусдан ҳам нозикроқ... Нима, кўзи тингани, бу дунёдан ўтганими? Йўқ! Кўз тинишини йўқотмоқ учун унинг елкасига қоқиб қўядилар. Юрадиган йўлини кўрсатиб берадилар. Гуноҳи бўлса, гуноҳини ювадилар. Иш мана бундоқ бўпти...

Рикало. Ён беришдан бошқа нарса йўқ экан-да. Олиб қочган отига ем беришдай бир гап экан-да.

Софья. Сени қара-я. Лўлиларнинг чодиридан чиқиб келганингга анча бўлган бўлса ҳам, қизиқ-қизиқ гапларни эсингдан чиқармабсан.

Рикало. Эсдан чиқаришнинг нима ҳожати бор. Бунақа қизиқ гапларнинг тарихи Фиравнлар замонасидан бошланади.

Софья. Ўзинг ҳам Фиравнларга ўхшайсан. (*Гапни бошқа ёққа буради.*) Борисни кўриб хурсанд бўламан. Нима иш қилганини билмай, азоб чекиб юргандир, бечора.

Рикало. Ҳа, энди иши беш-да. (*Кулади.*) Михаил Михайловичникидан тўйбола бўлиб чиқиб, катерни эгаллаб олди. Қела солиб Юркани отряддан қувиб солди. «Бас!» деб қичқирди. Шунча хўжайинлик қилганинг бўлади. Ўзингнинг катерларингга бор. Соқол-мўйловингни саломатлигида бу ердан жўнаб қол! Ана вайсашу, ана ҳангама. Қаерга борса, тартиб йўқлигини гапирди. Соқолимни олдирмаганим учун минг бир балога мубтало қилди. Қойил. Хўжайин деган мана бунақа бўлади, деб азбаройи хурсанд бўлдим. У бўлса, титиғимизни ўйнатди. У йигитларга бир соат ичида берган нарядларини бошқа одам икки йил ичида ҳам бермас эди.

Хулоса қалай, у каптарбачча роса адабимизни берди. (Рикало сўнги сўзларни айтаётганда зинадан супачага Харитонов билан Максимов кўтариладилар.)

Харитонов. Қўнғироқни чал. Биринчи бўлиб ўзинг кириб бор. Мен бунақа нарсаларни болай олмайман. Бир ишни солдатчасига шарт қилиб қўйганимдан кейин бўлмай қолади. (Максимов қўнғироқ чалади. Софья Петровна ташвишланади.)

Софья. Қўнғироқ чалаяптилар.

10 Рикало (йўлак томонга боради). Ташвиш тортманг! Уйда чалинган қўнғироқ, уруш тревогаси эмас. (Софья Петровна йўлакка ташвишли назар ташлайди, катта эшикни очади ва кирувчилар билан шивирлашиб гаплашади. Максимов хонага биринчи бўлиб киради.)

Максимов. Оқшомингиз хайрли бўлсин!

Софья (кескин). Агар яхши хабарлар олиб келган бўлсанг, хайрли бўлса ажаб эмас. (Унг томондаги эшик аста очилади. Шабунинанинг сояси кўринади. Унинг пайдо бўлганини ҳеч ким сезмай қолади.) Хўш, иш бир

20 ёқли бўлдими?

Максимов. Олий жазо... (Кучсиз фарёд, эшик ёпилади, Софья Петровна қалтираб кетади.)

Софья. Уйғониб кетибди! Афсус! (Хонанинг ўртасидан тез юриб боради.)

Максимов. Мен гапимни ҳали айтиб бўлганим йўқ... Олий жазони бошқа жазо билан алмаштирдилар. Унинг урушда кўрсатган илгариги жасорати ҳамда узоқ хизмати назарга олинди. Штрафнойга жўнайди.

30 Софья. Хўш, энди қалайсан? Денгизчи эмиш-а! (Кетади.)

Рикало. Демак гуноҳидан ўтибдилар-да.

Максимов. Ҳа.

Рикало. Чакки бўпти! (Пауза. Максимов билан Харитоновга тикилади. Харитонов бошини баланд кўтариб, хонани кесиб юриб келади ва шиддат билан қайрилиб, Максимовнинг олдида тўхтади.)

Харитонов. Бу гапга қўшиласанми, хўш?

Максимов. Қўшиламан, ўртоқ иккинчи ранг капитан.

40 Харитонов. Бу ишинг чакки! Сендан буни кутмаган эдим. А лаббай? (Рикалога ишора қилади.) Ешлиги учун афв этса бўлади. Сен бўлсанг, анча катта бўлиб қолдинг! Ҳар бир нарсани чуқурроқ мулоҳаза қилиш керак.

Максимов (осойишта). Гапларингни тушунмадим.

Харитонов. Гапларимнинг тушунадиган жойи йўқ. Тушундингми? Лаббай? *(Пауза.)* Мен унга Андрейга қараган назар билан қарайман: «Хўш, қайси казакдан ёмон? Қадду қомати келишган, қора қош, чеҳраси яхши ўртоқнинг чеҳрасига ўхшайди. Жангда қаттиққўл... Шундай одам орамиздан кетди!» хайф кетди. Хўш, нега кетди? Ўз айби билан кетди, демоқчимисан? Бундай дейиш ярамаслик бўлади! Фақат ўз айби билан кетди дейиш тўғрими? Қани ўзимизга бир назар ташлайлик-чи... Ўзимизга савол бериб, ўзимиз рост жавоб қайтариб кўрайлик-чи... Айб ҳаммада... Мен ҳам жавобгар эканимни тан оламан.

Максимов. Йўге, сиз айбли эмассиз.

Харитонов. Нима дединг? Яхши гапирмадинг! Юрагингга кўз ташлаб кўр, сенга аён бўлади. Бир сафда бўлатуриб, ўз вақтида олдини ололмадик, ўртоғимиз жарнинг ёқасига келиб қолганида уни ушлаб қололмадик! Нима деб ўйладик? Уддабурон, ботир, демак иш жойида деб ўйладик! Бу тўғри эмас! Урушқоқликда хўроз ҳам ботир. Аммо бизлар одамлармиз, совет одамларимиз. Ботирлик билан уддабуронлик — жангчиларнинг иродаси. Большевикларнинг ақл-идроки, аскарларнинг шон-шарафи бўлмаса ҳеч қандай иш беролмайди... Мана шунини бир ўйлаб кўр-чи! Ўзингнинг ҳам гуноҳларинг йўқ эмас.

Максимов. Тонмайман. Дарвоқе, бизларни ҳам суд қилиш керак эди... Лекин бизнинг гуноҳимиз унинг гуноҳини ювиб кетолмайди.

Харитонов. Сени кеча ақлли деб мақтаб чакки қилган эканман. Ақлинг борлигига кўзим етмай қолди.

Максимов. Сабаб, ўртоқ иккинчи ранг капитан?

Харитонов. Шафқат қилинганидан пушаймон эмаслигинг, балки севинишинг керак.

Максимов. Сабаб?

Харитонов *(кутилмаганда жиддий гапиради)*. Сен қаерда хизмат қилаяпсан? Офицермисан, офицер эмасмисан?

Максимов. Офицерман!

Харитонов. Ўзинг хизмат қилиб турган дивизионни қадрлайсанми ёки қадрламайсанми?

Максимов. Қадрлайман.

Харитонов. Модомики қадрлар экансан, нима учун унинг шарафини қадрламайсан?

Максимов. Менми?

Харитонов. Ҳа, сен! Нима дейсан? Ўз касбинг-

даги офицер билан ҳисоб-китоб қилиб юбораверилса... Бу катта шармандалик эмасми, сен ғоздай четга чиқиб тураверасанми?

Максимов. Гуноҳкор отилиш-отилмаслигидан қатъи назар, шармандалик-шармандалигича қолавереди.

Харитонов. Ёлғон! Улчамасдан кесяпсан! Нима дединг? Одам ўлиб кетгани билан унинг хизмати саломат қолади. Унинг шавкатини ҳеч нарса билан юва олмайсанми... Агар тирик бўлсанг, ўзингни ҳам тузатиб олишинг, бошқаларнинг ҳам юқини енгиллаштиришинг мумкин. Агар бошқалар ўзларининг ҳам гуноҳсиз эмасликларини тушуниб олсалар, кейин бошқаларга ҳам кўмаклашадилар... Чинакам кўмаклашадилар... тушундингми?

Максимов. Тушундим!

Харитонов. Гап мана бундай бўпти!.. Жаҳлим чиқиб кетишига сал қолди. Ўзинг яхши йигитсан-ку, гоҳо ақлинг калталиқ қилиб қолади.

20 Максимов. Мен, ўртоқ иккинчи ранг капитан...

Харитонов. Биз сен билан ҳали кўп гаплашамиз! Мен ҳали сен билан ҳисоб-китоб қилганимча йўқ, ҳали кўп жаҳлим чиқиши мумкин...

Максимов. Сабаб?

Харитонов. Хўш, Дон-Кихотнинг найрангини кўрсатган ким? Паҳлавонликдан ваъзхонлик қилган ким? Агар унга бўлган ишончингни ўз вақтида ҳалол айтиб, хатога йўл қўйганинга тан берсанг, бизлар чуқурроқ ўйлаб кўрган, аввал ишнинг миридан-сиригача 30 суриштириб кўрган бўлардик, шундан кейин олам гулистон бўлган бўларди. Ҳали шошмай тур! Шунақа ўйинга тушираманки. *(Рикало кулиб юборади.)* Ҳа, сиз нега куласиз?

Рикало. Масала тўловда, ўртоқ иккинчи ранг капитан.

Харитонов. Нима, нима?

Рикало. Кўз ёшларимизнинг бадалини тўлабди демоқчиман. У одам отрядимизга келгандан бери кўрган кунимиз қурсин. Ҳаммамизни титигимизни ўйнатмаган кун йўқ эди. Бизнинг бошимизга тушган мусибатлар унинг бошига тушганга кулаяпман...

Харитонов. Севинмай қўя қолинг! Ўзингизга эҳтиёт бўлинг!

Рикало *(ўзини йўқотиб қўяди)*. Шундай, ўртоқ...

Харитонов. Нима шундай? Тентак қани энди бу

ердан юриш қилиб қолинг! Евгения Сергеевнага ҳам ором керак. Марш! *(Харитонов Максимов билан эшик томонга кетади. Рикало қолади.)* Ҳа, нега қолаяпсиз? Қани бир юриш қилиб қолинг! Бу ерда ўралашмасангиз ҳам бўлади! Сиз бўлмасангиз ҳам унинг иши бита-веради.

Рикало. Кетолмайман, ўртоқ иккинчи ранг капитан. Софья Петровнадан уни уйига элтиб қўйиш тўғрисида буйруқ олганман.

Харитонов. Командирингиз ўша бўлгандан кейин кутишингиз керак. Унга бу ерда кўп ўтириб қолмасликни маслаҳат берсангиз ҳам бўлади. *(Харитонов билан Максимов кетадилар. Рикало улар чиқиб кетган эшикни беркитиб, жойига қайтиб келади.)*

Рикало. Ана холос. Отамизнинг жаҳли чиқиб кетди. Мен Борькани шайтон уриб кетди, деб ўйлаган эдим... Балли, отамизга, бунақа бошқа одамни топиш қийин. *(Пианинога яқинлашади. Унинг олдига ўтириб, аста чалиб куйлайди.)*

Рикало қўшиқ айтиш билан банд. Зинанинг супасида Клобуков пайдо бўлади. Унинг қўлида туғун, хаёл суриб аста кела бошлайди.

Клобуков *(катта эшик олдида тўхтайдди)*. Қизиқ!.. Уч марта келиб, ҳали ҳам тополмаяпман. Бу ерда бирор чалкаш борга ўхшайди... Қизиқ, нимада чалкаш бўлиши мумкин? «Лаперон» тенгламасидами? Йўғе, Эвольвента хулосасида бўлса керак. Яна бир текшириб кўрсаммикин-а? *(Шинелининг чўнтагини кавлайди. Қалта қаламни олиб пичирлаб эшикка ҳар хил жадваллар ёза бошлайди.)*

Рикало *(куйлашда давом этади. Телефон чақиради, Рикало телефонга яқинлашади)*. Старший лейтенант Рикало эшитаяпти! Хўш, эшитаман! Ўртоқ учинчи ранг капитан... Есть. Дарров кемага бораман. *(Трубкани қўяди.)* Ашулага мос келганини қаранг-а! *(Эшикка яқинлашиб, уни чертади.)* Софья Петровна. *(Эшик очилади. Софья Петровна ва Шабунина чиқадилар. Шабунина рангсиз, аммо тинч қиёфада.)*

Софья. Нима гап?

Рикало. Кемага чақираяптилар. Денгизга бориш керак экан.

Софья. Қани бора қолайлик. Эртага эрталаб келаман. Сен бўлсанг, Женя, ҳозирча дам ол. *(Шабунининг қулоғига гапирлади.)* Ўринга кириб бемалол

ҳанграб йиғла! Бурнингни ёстиққа қилиб хотинларда-
қа ув торт. Дарров енгил тортасан. Бошимдан ўтган
гапларни гапираяпман...

Рикало. Кўришгунча хайр, Женя. Денгиздан қай-
тиб келишим билан ҳузурингизда бўламан. Истаган
вақтингизда ҳар қандай фармойишингизни бажаришга
тайёрман.

Шабунина. Яхши. Ўзингизни эҳтиёт қилинг, Ми-
ша, сиз жуда яхши дўстсиз.

10 Рикало. Сиз мендан чўчиб ўтирманг, менга ба-
лоям урмайди. Ҳеч ҳалок бўлмайман. Ҳа, сира ҳалок
бўлмайман. Мен ғалаба учун яшашни истайман. Мен
энди ўлмайдиган бўлиб қолдим. Бирор кун бирор бало
бўлиб ўлиб қоладиган бўлсам ҳам, бари бир тирик бў-
ламан. Сизлар билан бирга яшайман. Жангларга ки-
раман. Сизлар билан бирга севинаман. Урушаман, ғус-
салар чекаман. Сизлар мени энди балки йўқ деб ўй-
ларсиз, мен бўлсам, ёнингизда тирик тураман, мен шу-
нақа одамман, ҳа!

20 Софья. Ҳадеб сафсата сотаверма! *(Шабунина
уларни йўлаккача узатиб қўяди. Рикало катта эшикни
очган пайтда, жадваллар билан банд бўлган Клобуков
ерга ўтириб олиб эшикнинг пастки тахталарига рақам-
лар ёзаётган бўлади. Сўзсиз саҳна.)*

Рикало. Андрюша! Бу қандай гап? Нега сен
эшикнинг тирқишидан қараяпсан?

Клобуков *(ўзини йўқотиб қўйиб ўрнидан тура-
ди)*. Қўйсанг-чи? Худо урсин бунақа гап эсимга ҳам
келгани йўқ! Мен... бу ерга шунчаки келдим.

30 Рикало. Кўриб турибман! Менимча сен эшикнинг
тирқишидан қараб турган эдинг.

Клобуков. Бу-ку тўғри-я... Биласанми мен кела-
ётган эдим, ҳа, етиб қолган ҳам эдим... Шу пайтда бир
ҳисобни текшириб кўриш хаёлимга келиб қолса бўла-
дими...

Рикало. Ҳисобни шу ерда текшириб кўради-
ларми?

Софья. Сен эшикнинг ҳаммасини чизма-чизиқ қи-
либ юборибсан-ку.

40 Клобуков. Рост-да! Кечирасиз! Мен ҳозир артиб
ташлайман! *(Чўнtagидан рўмолчасини олади. Тупуриб
қўллайди, эшикни артмоқчи бўлади. Шабунина уни
тўхтатади.)*

Шабунина. Қўйинг, Андрюша, баттар суркатиб
юборасиз. Сиз қаёққа келаётган эдингиз, менинг ол-
димгами?

Клобуков. Мен сизга айтсам, журъат қилмадим, фақат соғлигингизни сўраб кетмоқчи эдим... Модомики кетаётган экансизлар... Мен бир нарсани айтмоқчи эдим, лекин кўриб турибманки...

Шабунина. Ҳеч нарсани кўриб турганингиз йўқ, Андрюша. Бировнинг эшигига келиб, уни қора қилиб кетиш яхши эмас.

Клобуков. Балки мен бу ерда ортиқчадирман?
Софья. Топди! Уни ҳайда, Женя!

Шабунина. Йўқ... Йўқ! Мен ҳали ўтириб чой ҳам ичаман, кираверинг, Андрюша.

Софья. Узоқ айланишиб қолма! Чойни ичу кетавер! *(Софья Петровна билан Рикало хохлашиб, пастга тушадилар. Клобуков Шабунинанинг кетидан уйга кира туриб, эшикни беркитишни унутиб қўяди.)*

Шабунина. Ечинг. Шинелингизни илиб қўйинг!

Клобуков. Ростимни айтсам, жуда ўнғайсизлана-япман.

Шабунина. Чой ичасизми?

Клобуков. Раҳмат! Ростимни айтсам...

Шабунина. Мен билан чой ича қолинг! Баданим увушиб кетаяпти.

Клобуков. Уйингиз иссиқ-ку.

Шабунина. Баданим совуқдан увушаётгани йўқ. Асабларим тортишаяпти.

Клобуков. Ҳа, тушундим... Мен шу сабабдан ҳам ҳузурингизга келишга журъат этдим. Менинг гапга унча ҳам уқувим йўқ. Бироқ мен сизга шу қадар хайрихоҳманки...

Шабунина. Яхши, яхши... Дастурхонга яқин келинг. *(Клобуков ўтиради. Аммо қўлидаги тугунни қўймайди.)* Қўлингиздаги нима?

Клобуков. Чизмалар! *(Жонланади.)* Биласизми, менинг ўтгизинчи билан юз берган ҳодисадан миям тинчимаяпти... Мен ажойиб материалдан тенги йўқ корпус ясашни ўйлаб топдим. Уч қатор фанер ишлатиш керак бўлади. Фанерларни қўл билан, елим билан бир-бирига ёпиштираемиз. Корпусимиз сув ўтказмайдиган мустаҳкам бўлади. Чизмани кўрсатсам, кўрасизми?

Шабунина *(ҳурмат билан)*. Жуда қизиқ бўлса керак.

Клобуков. Билмадиму, ҳар қолда, мен уч кундан бери шуни ҳисобини қилаяпман. Лекин кейинги кундаги воқеалар... Бу чигалга ақлим етмай қолди... Қаердадир янглишганга ўхшайман. Миям ишламай қол-

ди... Нима учундир ҳаммавақт сизни ўйлаганим-ўйлаган... Сизга раҳмим келади. (*Шабунина кутилмаганда бошини столга қўйиб йиғлайди. Клобуков ҳайратда ўрнидан туради.*) Евгения Сергеевна! Женя! Сизга нима бўлди? Қўйинг йиғламанг! Бас қилинг! (*Шабунина жавоб бермайди. Клобуков эҳтиёт билан унинг елкасини силайди.*) Мен ҳалал беришимни билмадим... Хафа бўлманг, ҳозир кетаман.

10 Ш а б у н и н а (*ўрнидан туради.*) Сиз ҳеч қаерга кетмайсиз... Сизнинг бу ерда ҳеч қандай алоқангиз йўқ! Менинг аҳволимга парво қилманг.

К л о б у к о в. Ростимни айтсам, кетгим келаяпти. Қаютам шу қадар жонимга тегдики, у ерда одамлар бекордан-бекорга сандироқлаб юришади. Ўткинчи сарой бўлиб қолди. Бошни бир ерга қўйиб ўйлаб иш қилишимга қўйишмайди. Сизнинг уйингиз тинч. Бемалол. Фикрлар ўзидан-ўзи қўйилиб келади.

20 Ш а б у н и н а. Бўпти, шу ерда ўтириб ишингизни қилаверинг! Ёнимда одам ўтирганини сезиб турсам тинчланаман. Эсингиздами, маслаҳатларингиз менга ҳаловат бағишлайди, деган эдим. Сиз тенгламаларингизни чизиб ўтираверинг, мен чой қўяман.

К л о б у к о в. Чиндан ижозат берасизми? Мен бу ерда узоқ ўтирмайман. Эсимни сал йиғиштириб олсам, бас, ахир қилаётган ишим ўзим учун эмас, катта режаларим бор. Демак, ижозат берасизми?

30 Ш а б у н и н а. Хўп дедим-ку. (*Шабунина дераза ёнига бориб электр чойнакни қўяди. Клобуков стулга тиз чўкиб ўтиради, қоғозларини кўриб чиқа бошлайди. Шабунина унга ўгирилиб қарайди.*) Худди ёш боланинг ўзи.

К л о б у к о в (*ишга кириб, жонланиб кетади. Чўнтагидан логарифма чизғини олиб чизиб кетади. Орқасига қарамай гапираверади.*) Женя, бир нафасга олдимга кела оласизми? (*Шабунина унинг олдига келади.*) Қўмагингиз керак бўлиб қолди... Мен хатони топганга ўхшаяпман. Мен мана бу иш билан банд бўлиб турганимда сиз менга синуслар миқдорини ҳисоблаб беринг. (*Шабунинага чизғич ва бир парча қоғоз беради.*)
40 Тезроқ бўлинг! (*Клобуков яна ишга шўнғиб кетади.*)

Ш а б у н и н а (*чизғични олади, қўлида айлантиради, жилмаяди, аста гапиради.*) Шамшод.

К л о б у к о в (*қайрилиб қарайди.*) Нима дедингиз?

Ш а б у н и н а (*чизғични ўйнаб туриб.*) Бу шамшод ёғочдан ясалганми?

Қлобуков (*норози*). Бу ерда шамшоднинг нима алоқаси бор? Мен сиздан жамлаб беришни сўрадим.

Шабунина. Мен жамлашни билмайман, Андрюша. Ҳатто бу нарса қанақа ёғочдан ясалганини ҳам билмайман.

Қлобуков (*унинг гапни тушуниб қолиб*). Бунга қаранг-а, мен сизнинг доктор эканлигингизни унутиб қўйибман. Лекин мен сизга айтсам, бу сал нарса, ҳар қандай мактаб ўқувчиси ҳам билади. Ургатиб қўяйми?

Шабунина (*тоби бир тусда*). Майли.

Қлобуков. Мана қаранг! (*Чизғични стол устига қўяди. Шабунина тирсакларини стол устига тирайди. Уларнинг бошлари бир-бирларига тегай деб туради. Шу вақтда зинапояннинг супчасига Лябинский югуриб чиқади. Эшик очиқ турганини кўриб хонага аста қарайди.*) Мана бунга қаранг... Ҳар қандай мураккаб ҳисобларни бир неча секунд ичида чиқариш мумкин. Мана бу бўлса...

Лябинский. Уртоқ капитан-лейтенант!

Қлобуков (*унинг гапни эшитмайди*). Мисол учун бир ҳисоб чиқариб кўрайлик... Синуснинг бурчагидан бошлаймиз...

Лябинский (*ўзича*). Эшитмаяпти! (*Жилмаяди.*) Одамлар севгида бахтиёр бўлсалар, шунақа бўлар экан-да! (*Уларга яқинлашиб, баланд овоз билан гапирди.*) Уртоқ флагмеханик! Минг биринчига боришингизни сўрадилар. Мотор ғириллаб қолди. Сабабини тушуна олмаяпмиз. Мени старший лейтенант Рикало юборди. Албатта келсин деяпти...

Қлобуков (*ўгирилиб қарайди*). Нима гап, қаёқдан келдингиз? Сизга нима керак? Қанақа моторни гапираяпсиз?

Лябинский. Узимизнинг моторни гапираяпман, ўртоқ капитан-лейтенант.

Қлобуков (*ғазаб билан ўрнидан туриб кетади*). Узингизнинг моторингизни? Узингизнинг моторингизни гапирётган бўлсангиз, бориб тузатавермайсизми? Ахиртинч қўясизларми, йўқми? Одам деганга бир лаҳза ором ҳам керак-да.

Парда

ТўRTINЧИ ПАРДА

Иккинчи кўриниш

Лешев. ...Сиз резерв группа бўлиб борасиз, лейтенант Журавлёв, иккинчи дивизионнинг торпедо катерлари сиз билан бирга боради. Сизнинг вазифангиз мабодо биринчи эшелоннинг ҳужумкор тўдаларидан бирортаси муваффақиятсизликка учрагудай бўлса, ўша тўда атака қилаётган нуқтага бостириб бориш ҳамда ҳужумни охиригача етказишдан иборатдир. Вазифа аниқми?

Журавлёв. Аниқ, ўртоқ капитан-лейтенант.

- 10 Лешев. Ҳаммангиз кўрсатиб берилган йўл ва манзилларни яна бир марта текшириб кўринглар. Гаваннинг ичкарасида балки туманликда тутун пардалари орқасида ҳаракат қилишга тўғри келар. Шунинг учун ҳар бирингиз йўлни яхши билишингиз, кўз юмиб туриб инанинг тешигига ип ўтказган одамдай мўлжалда янглишмаслигингиз керак. *(Офицерлар қўлларидаги қоғозларни яна бир марта кўзларидан кечирадилар.)* Ўртоқ капитан-лейтенант! Ҳамма нарса тайёр!

Максимов. Яхши! Қомдивни кутиб турилсин!

- 20 Лешев *(Максимовга яқинлашади)*. Иш жойида? Фақат бу гал жангга Мишасиз кетасиз... Агар у бўлса эди...

Максимов *(кескин)*. Бас! Бу тўғрида гапирма... Сафарга кетиш олдида юрагимни эзма...

Лешев. Ўзимнинг ҳам юрагим эзилаётгани учун гапираяпман-да.

Максимов. Бас, деяпман! Биласанми, у менинг кимим эди? У кетиб ҳаётимнинг ярмидан айрилгандайман. Туғишган биродаримдан ҳам ортиқ кўрардим... У яшашни истар эди, ҳа, ғалаба учун яшашни истар эди. У мана шу ғалаба йўлида шаҳид бўлди.

- 30 Лешев. Биз ҳарбийларнинг қисматимиз шу-да...

Максимов. Ҳа... шафқатсиз, илтифотсиз тақдир!.. Биз немисларни шундай бопплаймизки, улар биродаримизни унутмаяжаклар. Бугун юз берадиган ҳодиса биродаримиз учун душмандан оладиган қасосимиздир. Немисларнинг ҳолига вой! *(Қирғоқда Харитонов пайдо бўлади.)*

Журавлёв *(комдивни кўриб)*. Смирно! *(Максимов Журавлёвнинг олдига боради.)*

- 40 Максимов. Ўртоқ иккинчи ранг капитан, сувости кемалари Қизил Байроқли қирувчилар дивизиони сафарга тайёр!

Харитонов. Вольно... Сизларни табриклайман, ўртоқ офицерлар! Бу гал сафаримиз қизгин бўлади. Оташни татиб кўрасиз!

Журавлёв. Оташдан ҳеч вақт чўчимаганмиз, ўртоқ иккинчи ранг капитан. Қойилмақом чиниққан, қоврилиб пишганларданмиз!

Харитонов. Ўртоқлар! Яқинроқ келишларингизни сўрайман! (*Ҳамма уни ўраб олади.*) Кўп гапириб ўтирмайман. Сизларнинг бугунги сафарингиз кўпроқ жасорат талаб қилиши ҳамда қуролни бошқачароқ ишлатилишини талаб этиши эътибори билан оддий сафарларга ўхшамайди. Аммо бизлар шунча вақт бекорга машқ қилмадик. Улуғ маршалнинг таълими қулоғимизда — ғалабага тўла ҳақ-хуқуқимиз бор. Бизлар бундай катта мушкул ишни биринчи марта бажараётганимиз йўқ... Шундай бўлса ҳам, менинг қалбим бугун бошқачароқ дукиллаб турибди. Чунки бугун биз флотчиларнинг унутилмас байрам куни. Она ватан бизлардан кўпдан бери талаб қилган нарсани — ўзимиз ҳам узоқ вақт чидам билан кутган нарсамизни шу бугун амалга оширишимиз керак. Душман денгизимизни икки йил мобайнида лойқалатиб, ифлос қилиб келди. Биз мана шу душманни шу бугун абадий ҳайдаб чиқаришимиз керак. Жангга кира туриб ўзингизга ва бошқаларга нисбатан қаттиққўл ва ҳамиятли бўлиш кераклигини унута кўрманг... Тирсакларингиз мустаҳкамлигини сезиб туринг! Ҳаммамиз умумий бир иш учун яшаймиз. Ҳаммамиз мана шу иш учун жавобгармиз. Олдимизда узоқ йўл ётибди. Бамисоли тоққа кўтарилаяпмиз. Тикка тоққа кўтарилиш осон иш эмас... Мен сизларга айтсам, оғир иш! Бу машаққатни қаттиқ меҳнат ва шижоат билан енгмоқ керак. Уни ҳаммамиз бирга бўлсак енга оламиз. Кимки эгри йўл излаб қолгундай бўлса, кимки ёнма-ён кетаётганлардан ўзиб кетаман деб шошилса, унинг ҳолига вой... Бундайлар ярим йўлда чилпарчин бўлиб кетиши аниқ. Қадимги денгизчиларнинг: ҳамма бир киши учун — бир киши ҳамма учун, деган қондасини биласизлар. Мана шу қондага амал қилсак, қовурғамиз синмайди! Афсуслар бўлсинки, ўзим сизлар билан бирга бораётганим йўқ. Аммо сизларни Максимов қўлига топшираман. Оқ йўл бўлсин сенга, учинчи ранг ва катта сафар капитани! (*Офицерлар сўқмоқ йўлдан денгиз бўйига тушадилар. Будков яшик устига ёзиб қўйилган харитани йиғиштириб олади.*)

Максимов. Оқ йўл тилаганингиз ва ишонч билдирганингиз учун раҳмат, ўртоқ иккинчи ранг капитан. Фақат сиз менинг унвонимни ошириб гапирдингиз.

Харитонов. Тўғри гапирдим. Эсим жойида! Фар-

мон уч кундан бери қўлимда турибди. Сафарга чиқиш олдида табриклай деб, шу пайтгача ичимда сақладим...

Максимов. Менга унвон берилдими?

Харитонов. Арзигудай иш қилган бўлсанг керакки, унвон берилибди... Аммо ҳовлиқиб кетма. Ботирлик ўз йўли билан, лекин саломатлик, аҳиллик, сабот ва эҳтиёткорлик шу ботирликнинг йўлдоши бўлиши керак. Сенга ақл ўргатадиган жойим йўқ. Узинг биласан! (Соатга қарайди.) Вақт бўлди. Ҳозир адмирални кутиб олишим керак. Саломат бўл! (Максимовни бағрига босади, хайрлашиб тезлик билан кетади.)

10

Будков. Сизни табриклашга ижозат беринг, ўртоқ учинчи ранг капитан.

Максимов. Шошилманг, Степан Василич, сафардан қайтиб келганимизда табриклайсиз.

Будков. Шундай вақтда табриклаш сафардаги бахтиёрликка йўлдош бўлади!

Максимов. Бўпти, бўпти! Қўлболадан чекайлик. (Портсигарини олиб, Будковга узатади.)

20

Будков. Соғ бўлинг, бунинг тамакиси енгил. Мендан чекмайдиларми?

Максимов. Йўқ, кексамиз! Сизники ўпкани тешиб юборади.

Будков. Бизники кўнгилни очади. Чекишга ижозат берасизми?

Максимов. Марҳамат!.. Утиринг! Ихтиёримизда ўн минут вақт бор. (Иккови яшиқ устига ўтиради. Пауза.) Ойни қаранг-а!

30

Будков. Нима дедингиз?

Максимов. Ойни қаранг деяпман. Шу ерда ҳам шайтоннинг қўли бор! Ишимизга халал бермаса деяпман.

Будков. Йўлимизни ёритади. Бугун қуёш булутлар бағрига ботди. Уфқ сержаҳл башарага ўхшайди. Эрталабга бориб осмон булут билан қопланса, шамол турса керак.

Максимов. Жуда соз! Шамол турса, тўлқин бўлади. Баланд кўтарилган тўлқинлар бизларни душманга кўрсатмайди. Хўш, Степан Василич, бопплармиканмиз?

40

Будков. Боппламаган пайтимиз ҳам бўлганми, ўртоқ учинчи ранг капитан.

Максимов. Мен ҳам бопплаймиз деб ўйлайман. (Уйчан.) Биз сиз билан узоқ яшадик, Степан Василич, фалокатлар ва ғалабалар бағрида чиниқдик. Мен бир воқеани асло унутолмайман, балки сизнинг ёдингиздан

кўтарилгандир. Мен бу ерга бундан ўн йил бурун келган эдим. Ушанда биринчи марта кеманинг кўприкчасига чиқдим. Ҳали пишмаган бир одам эдим. Менга кўз қирини ташлаб, ёнингизда қўпол бир одам турганини хўриб, қовоғингизни солдингиз.

Будков. Йўғе! Мен сизга қараб, ҳа, бундан денгизчи чиқади, деб қўйган эдим.

Максимов. Ушандан бери қанчадан-қанча сувларни босиб ўтдик. Усиб улғайдик. Бошқа ҳамма нарса ҳам ўсиб-улғайди. Олдимизда эса буюк истиқбол бор.

Будков. Тўғри, ўртоқ учинчи ранг капитан. Энди бўзал яшаймиз. Менинг ёшим анча ўтиб қолди. Шундай бўлса ҳам бўлажак гўзал ҳаётни кўраман деб ўйлайман. Ёшлар бўлса — мана шу гўзал ҳаётнинг чинакам эгалари бизнинг қабрларимиз тепасида чиройли гулдай яшнайдди. Қуёшни айтмайсизми, қуёш мана шу чаман тепасида солдатнинг тугмачасидай ярқираб туради.

Максимов. Тўхтанг!.. Бу, сиз дейман, Степан Василич, қабрлардан гап очиб қолдингиз? Ярашадиган гапни гапиринг-да.

Будков. Тилимга келиб қолдию, гапириб юбордим... Агар жиддийроқ ўйлаб кўрилса, ҳақиқатда шундай, умр ўтиб кетди. *(Пауза.)* Шу фурсатдан фойдаланиб, ўрнимга кимни боцман қилиб олиш масаласида қулоғингизга икки оғиз гап айтиб қўймоқчиман.

Максимов. Хўш, кимни оласиз?

Будков. Мотор старшинаси Лябинскийга ишонасизми?

Максимов. Сал ёшроқ-да.

Будков. Ёшлик айб эмас. Ҳозир ўзингизнинг ёшлигингизни эсладингиз. Кексалар қолмади, ҳисоб. Энди ёшларнинг гали...

Максимов *(ўрнидан туриб, ҳа, ҳа, ҳалаб кулади)*. Гапимизни қаранг, Степан Василич, боцманимиз тирик бўла туриб янгиси тўғрисида фол очиб ўтирибмиз.

Будков. Урмонга борсанг болта ола кет, деган гап бор, ўртоқ учинчи ранг капитан. *(Гапни буради.)* Кемага бораёми?

Максимов. Ҳа, вақт ҳам яқинлашди. *(Қирғоққа Бойко келади. У сал оқсоқланиб, сўқмоқ билан нагга туша бошлайди. Максимов уни кўриб қолади.)* Ўртоқ Бойко!

Бойко *(чўчиб турган ерида қотиб қолади)*. Мен, Бойко!

Максимов. Йўл бўлсин?

Бойко (*бепарво гапиради*). Кемага бормай қаёққа борамиз, ўртоқ капитан-лейтенант...

Максимов. Кемага дедингизми? Госпиталдан қандай қилиб чиқдингиз? Ижозат қоғозини олдингизми?

Бойко. Соғ-саломат одамга ижозат қоғози нимага керак? Оёғим ишга яраб қолди.

Максимов. Ишга яраб қолди дейсизми? Қийшайиб кетаяпти-ку. Ижозат қоғозингиз бўлмаса, кемага боришга рухсат бермайман.

10 Бойко. Икки оғиз гапиришга ижозат беринг.

Максимов. Гапиринг!

Бойко. Утган ойда камарни бўш бойлабсан деб сафардан қолдирган эдингиз. Тўғри қилган эдингиз-ку, ammo менга қаттиқ алам ўтган эди. Бугун бўлса кийимимни бошлаб кийиб олдим, кайфият ҳам бўлакча...

Максимов (*жилмайиб*). Қайфингиз қанақа?

Бойко. Жанг қилмоқчи бўлиб турибман! Қайтарманг!

Максимов. Қайтармасликка ҳақим йўқ.

20 Бойко (*жаҳли чиқади*). Ахир, мен бўлмасам, прессларни тоблаш масаласи нима бўлади? Шафқатингиз борми, ўртоқ капитан-лейтенант.

Максимов (*ўзини кулгидан тўхтаиб*). Хўш, Степан Василич, сизнингча қалай, менинг шафқатим борми?

Будков. Албатта бор! Сизнинг шафқатингиз менга «Эй боцман, денгизчини кемага олиб кет» деб, буюраётгандай.

Максимов (*ҳа, ҳа, ҳалайди*). Бопладиларинг!
30 Таслим бўлмай, иложим йўқ!

Бойко. Бир олишайки, ўртоқ капитан-лейтенант! Осмонга чиққан фрицни оёғидан тортиб тушираман.

Будков. Иш қилмай туриб мақтанма! Сенга айтиб қўяйки, унвонни тўғри айтишга ўрган! Капитан-лейтенант эмас, балки учинчи ранг капитан, дейишинг керак.

Бойко. Узр сўрайман!.. Билолмай қолибман.

Будков. Қани, кетдик! (*Будков билан Бойко кетадилар. Максимов яшик устига ўтириб чекади. Баланд бўйли қизил флотчи пайдо бўлиб, сўқмоқ йўлдан*
40 *пастга туша бошлайди.*)

Максимов. Ўртоқ қизил флотчи! (*Қизил флотчи қайрилиб қарайди. Аниқ ҳаракат билан салом беради. Қаддини тиклайди. Бу қизил флотчи Боровский эканлиги билинади.*)

Боровский. Ўртоқ капитан-лейтенант, жарима

ротасидаги қўпоровчи взводнинг қизил флотчиси сизнинг ихтиёрингизда...

Максимов (*паузадан кейин, оҳиста*). Салом! Бери келинг! (*Боровский юриб келади.*) Менинг олдимга нима учун келганингизни биласизми?

Боровский. Йўқ.

Максимов. Моторларни ишга солинг, қўзғалдик.

Парда

ТАМОМ

Нозим Хикмат

БИР СЕВГИ АФСОНАСИ
(3 парда, 5 кўринишли пьеса)

Қатнашувчилар:

Фарҳод.
Беҳзод — Фарҳоднинг
отаси.
Вазир.
Келган киши.
10 Мунажжим.
Ҳакимбоши.
Ашраф.
Устабоши.
Дарвиш.
Жарчи.
Бағдодлик.
Пакана одам.
Новча одам.
20 Ишчи.
Биринчи шаҳарлик.
Иккинчи шаҳарлик.
Учинчи шаҳарлик.
Маҳинбону.

Ширин — Маҳинбонунинг
синглиси.
Энага.
Сарвиноз.
Болалик хотин.
Биринчи ёш қиз.
Иккинчи ёш қиз.
Кичик терак.
Темир тоғ.
Гурзи.
Қора қоя.
Сув.
Қуёш.
Кулувчи анор.
Йиғлоқи беҳи.
Булбул.
Буғулар ва жайронлар.
Чўлпон юлдуз.
Халқ.

Ғафур Ғулом таржимаси

БИРИНЧИ ПАРДА

Пролог

Парда орқасидан жарчининг овози эшитилади.

Ж а р ч и. Эшитинглар, эшитинглар, шаҳримизнинг аҳолиси, эшитинглар, эшитинглар султонимизнинг фармонларини! Эшитинглар, шаҳар аҳли, ёшу қари — етти ёшдан етмиш ёшгача, ҳаммаларингиз эшитинглар, эшитмадим деманглар...

Жарчи пардаси ёпиқ турган саҳнанинг ўртасига келади, қўлидаги фармонни ўпиб, бошига тегизганидан сўнг очиб ўқий бошлайди.

«Арзинликлар, ёшу қари — етти ёшдан етмиш ёшгача — ҳаммангиз қулоқ солинг... Бизким шоҳ Салим қизи, ҳукмронингиз Маҳинбону, ҳаммангизга сўзимиз равшан бўлсинким, биз адолатни каппоннинг тарозусида эмас, заргарнинг мисқол тарозусида ўлчаймиз, ёдингиздадир, ёдингиздадир, шаҳарни душман аскарлари қуршаб олганда Арабузенги деган жасур аёл сингари жангга кириб, энг номдор паҳлавонларни ер билан яксон қилган эдик, ҳолбуки биз аёл кишимиз, қоматимиз сарв новдасидан ҳам нозикроқ, қўнғир қора сочларимиз эса... тўпиқларимизни ўпиб ётибди, арзинликлар, сўзимизга қулоқ солинг, сўзимиз ҳаммага! Яккаю ягона синглимиз қирқ кундан буён касал ётипти. Қимки бизни бу кулфатдан халос этса, синглимизни даволаса, истаса — қирқ мамлакат, истаса — қирқ туя хазина берамиз. Арзин шаҳрининг аҳолиси, ёшу қари — етти ёшдан етмиш ёшгача ҳаммангизга...»

Қўлидаги фармонни ўпиб, таъзим билан бошига қўяди, кета бошлайди.

Эшитинглар, эшитинглар, шаҳримизнинг аҳолиси, эшитинглар, султонимизнинг буйруғини эшитинглар, эшитмадим деманглар! (*Кетади.*)

Биринчи кўришиш

Маҳинбону саройи. Тун. Чироқлар ёнган. Маҳинбону, вазир, ҳақимбоши, мунажжим, энага, Сарвиноз. Ши-

рин катда ётибди. Вазир билан ҳақимбоши эшик ёнида тик турибдилар. Мунажжим очик деразадан юлдузкўрар дурбинда юлдузларга қарийди. Маҳинбону Шириннинг бош томонида, кафти билан чеккаларини сиқиб, овоз чиқармай йиғламоқда. Маҳинбонунинг оёқ томонида энага чўкка тушиб, тебраниб ўтирибди. Катнинг нариги томонида Сарвиноз катта елпигич билан Ширинни елпимоқда. Узоқ-узоқлардан жарчининг овози эшитилади.

10 Жарчи. Шаҳримизнинг аҳолиси, эшитинглар, эшитинглар, эшитинглар, султонимизнинг фармонини эшитинглар, эшитинглар...

Жарчининг овози секин-секин йироқлашиб йўқолади.

Маҳинбону (бошини кўтариб, кўмак сўрагандек атрофга боқади). Эй менинг вазирим...

Вазир. Маликам...

Маҳинбону. Қулоқ сол, ҳақимбоши...

Ҳақимбоши. Буюринг...

Маҳинбону. Сен мунажжим...

Мунажжим. Фармонингизга мунтазирман...

0 Маҳинбону. Энагам!

Энага. Энаганг айлансин, мен бу ерда, жигарим, оёқларинг тегкинасидаман...

Маҳинбону яна эски аҳволига қайтади, йиғлайди, жарчининг овози яна узоқлардан келади.

Жарчи. «Эй, арзинликлар! Эшитмадим, деманглар, яккаю ягона синглимиз қирқ кундан буён касал ётибди...»

Жарчининг овози тинади.

30 Мунажжим (ўзича). Синглиси ўладими-қолади-ми, бунга юлдузларнинг заррача алоқаси йўқлигини бу хотин билмайди.

Вазир (ўзича). Нақадар гўзал-а, нақадар гўзал хотин. Ҳатто йиғлаганда ҳам ҳуени бузилмайди. Ё, раббий!

Сарвиноз (ўзича). Елпийвериб қўлларим ҳам узилгудек бўлди.

Ҳақимбоши (ўзича). Оҳ, маликам, ҳозир-ку оддий хотинлардек ўксиб-ўксиб йиғлаяпсан. Шу туришингда менинг хотинимдан фарқинг йўқ. Аммо... синглинг ўлса борми, бутун аламингни мендан оласан!

10 Маҳинбону (яна бошини кўтариб атрофдагиларга бирма-бир қарайди). Қани, айтинг, менинг ва-

зири, мунажжимим, ҳақимбошим, умид йўқми? Яккаю ягона сингилгинам ўлиб кетаверадимми?

Энага. Ҳадеб ич-этингни еяверма, болагинам... Оёқларингдан ўпай!

Маҳинбону (эски ҳолига қайтади. Ўзича). Индамайдилар... Майли, индамаганлари яхши. Агар «Энди умид йўқ» дея кўрсалар, Ширинимдан илгари менинг жоним чиқиб кетади. Сурмаларим юзларимга суркалиб кетди, кўзимга кириб ачитаяпти... Йиғлайвериб киприкларим тўкиладиган бўлди... Сурма ҳам қуриб кетсин, киприкларим ҳам!..

Мунажжим (ўзича). Шу топда бир рубой ижод этмоқ керак. Чунончи, шундай деб бошласак: «Юлдузлар...»

Энага (ўзича). Буни қаранг-а. Ҳалигача пайқамаган эканман, вазирнинг соқоли ҳам анчагина оқариб қолибди!..

Мунажжим (ўзича). Рубойни «юлдузлар», деб бошласак бўлмас экан... Қелишмайди... Бўлганда ҳам... Ҳа-ҳа, топдим, шундай деб бошлаш керак: «Қул бўлсанг ҳам, подшо бўлсанг ҳам...» Энди, «бўлсанг ҳам» сўзларига қофия топиш керак...

Сарвиноз (ўзича). Энага қурғурнинг ҳадеб лапанглайвериши ҳам жонимга тегди. Елпиғич билан калласига бир туширсаммикан?

Вазир (ўзича). Юзига қараб тўёлмайман. Ҳатто йиғлаганда ҳам ҳусни бузилмайди-я.

Маҳинбону (Шириннинг юзига қарайди. Ўзича). Кошки ҳеч бўлмаса бир қимирлаб қўйсаю бўйнимдан кучоқлаб, «Опа!», деса.

Ҳақимбоши (ўзича). Нима бўлса ҳам, султоним, отангга тортдинг... Отанг шоҳ Салим ўлимидан беш минут бурун устозимнинг бўйини кесишга буюрган эди.

Мунажжим (ўзича). Иккинчи мисра ҳам тайёр. Учинчи мисрага ўтамиз. Бу мисрага «юлдузлар» мос келади... Қандай бошласак экан? «Юлдузларни», дебми?.. «Юлдузларга», дебми?.. йўқ... «Юлдузларнинг», деб бошлаймиз!

Ҳақимбоши (ўзича). Сенинг панжаларингдан калламини қутқазиб қолишим керак. Саройдан қочмоқ қийин эмас... Ализоданинг карвони эртага Ҳиндистонга жўнайди... Бирор минг олтин берсам, Ализода мени яшириб ўзи билан олиб кетади.

Вазир. Шукрки, кексаман, бу гўзал чехранинг қариганини кўрмайман.

М у н а ж ж и м (*Ўзича*). «Хоҳ ерга жо бўлсанг ҳам»
...Ёмон айтилмади. Ёддан чиқмаслиги учун яна бир так-
рор қилиб қўяйликчи:

Қул бўлсанг ҳам, подшо бўлсанг ҳам,
Хоҳ шоҳ, хоҳ ғамга мубтало бўлсанг ҳам
Бу билан юлдузларнинг ҳеч бир иши йўқ,
Хоҳ ҳаёт, хоҳ ерга жо бўлсанг ҳам...

10 *Ҳ а к и м б о ш и* (*Ўзича*). Ализодага беришга минг
олтин кўплик қилади... У хасис озроғига ҳам кўнавера-
ди. Тагин, борди-ю, касал тузалиб қолса, унда нима бў-
лади?.. Тузалмаса-чи? Унда, худо ҳаққи, Маҳинбону
бўйнимни уздиради!

С а р в и н о з (*Ўзича*). Қорним очди. Бунинг устига,
шундай чанқадимки, тилларим қовжираб кетяпти.

Ҳ а к и м б о ш и (*Ўзича*). Ализодага етти юз олтин
бераман. Йўқ, йўқ, етти юз ҳам кўп... Беш юз бераман...
Хўп, бирданига бемор тузалиб қолса, унда нима бў-
лади?

20 *М а ҳ и н б о н у* (*энагага*). Бир пиёла сув бер!
Э н а г а. Шарбат олиб кела қолай. Сен қулупнай
эзилган шарбатни яхши кўрасан-ку...

М а ҳ и н б о н у. Йўқ, сув келтир!

С а р в и н о з (*Ўзича*). Ҳойнаҳой ҳали менинг рўпа-
рамда қултиллашиб сув ҳам ичади!

Э н а г а сувга чиқиб кетади.

30 *М а ҳ и н б о н у* (*яна Ширинга тикилади. Ўзича*). Оҳ,
онагинам ўлмаганда эди! Агар мен касал бўлиб, шу аҳ-
волга тушсам, Ширин ҳам мен учун шунчалик куюнар-
миди? Ё бўлмаса тахтимни эгаллаш хаёлида қувонар-
миди? Балки ўзи ҳам фарқига бормай, ихтиёрсиз шуни
ўйлаган бўлар эди... Эҳтимол озгина бўлса ҳам севи-
нармиди... Мен-чи! Отам ўлганда унинг тахтига ўтира-
ман, деб қувонганмидим?.. Нима учун бундай хаёллар-
га бораёпман?

В а з и р (*Ўзича*). Қаранг-а, қанчалик хаёлга чўмиб
кетди. Ким билсин — хаёлидан нималар кечмоқда
экан? Қани энди, у қиёматгача шу хилда хаёл суриб
ўтирса-ю, мен маҳлиё бўлиб томоша қилаверсам!

40 *М а ҳ и н б о н у* (*Ўзича*). Ҳеч бўлмаса қимирласа эди!
Опагинанг ўргилсин! Мана шу бармоқчасини бир қи-
мирлатса эди! Киприклари мунча узун. Менинг киприк-
ларимдан ҳам узунми?

М у н а ж ж и м (*Ўзича*). Бу сукут, бу жимжитликни

қаранг-а. Узоқда, жуда узоқ-узоқларда — юлдузлар кўк юзида ором олган ерларда ҳам худди шундай сукут ва жимжитлик...

Маҳинбону (севинганидан қичқириб ўрнидан турлади). Қимирлади. Кўрдингизми? (*Кўрсатиб.*) Сингилгинам (*кўрсатиб*) қўлини мана шундай қилиб қимирлатди. Кўрдингизми? Жавоб берсаларинг-чи! Сизга айтаяпман! Кўрдингизми? Еки кўр бўлганмисиз? (*Сарвинозга.*) Сен ҳам кўрмадингми? Шу кўр бўлгур кўзларинг кўрмадимми? (*Бирданига юмшаб.*) Сен кўрдинг-а, Сарвиноз, кўрдинг!

Сарвиноз. Кўрдим, султоним, кўрдим. Ана шу қўлини мана бундай қилиб...

Маҳинбону (ҳакимбошига). Нега қаққайиб турибсан? Ахир, сен ҳакимсан! Қелиб касалга қарасанг-чи! Қўлини қимирлатди, деяпман. Ё менга ишонмайсанми?

Ҳакимбоши (келиб касалнинг биллагини ушлади). Ишонаман, султоним, ишонаман. Ишонмасликка ҳаддим борми?

Маҳинбону. Мана бу қўлини қимирлатди. Демак, сен ҳам кўрибсан-да?

Ҳакимбоши. Кўрдим, маликам.

Маҳинбону (мунажжимга). Мунажжим, юлдузларга бир қараб қўйсанг-чи. Шириннинг юлдузига қара, уларнинг авзоида бирор ўзгариш йўқмикан?

Мунажжим (юлдуз кўрар трубага қараб). Бор, бор, ўзгариш бор. Ширин султоннинг юлдузи Ҳамал буржининг қиронидан чиқиб...

Маҳинбону (бақириб мунажжимнинг сўзини кесади). Ёлғон, ёлғон айтаяпсан, ҳаммангиз ёлғон айтаяпсиз! Ёлғон! Ёлғон!

Бирданига жим бўлади.

Ҳакимбоши (ўзича). Қочиб қолиш керак.

Маҳинбону (ўзича). Бунча чийилладим. Товушим ўзимнинг қулоғимга ҳам ёқмади.

Вазир (ўзича). Ғазабланганда ҳам гўзал-а!

Маҳинбону (оғир-оғир, салмоқли, лекин дўқ билан гапиради). Бирортангиздан яхшилик чиқмайди. Бирингиз вазир, бирингиз ҳакимбоши, бирингиз мунажжим бўлатуриб, бирор ишнинг улдасидан чиқолмайсиз. Ўн бешгина ёшда, навқирон ўлиб кетаяпти. Арзин шаҳрини худо мўтарсин. Тонг отгандан буён жарчи чақиради-ю, бирор киши ёрдамга келгани йўқ. Энди нима

қилишимни биламан. Мана, кўриб турибсиз, йиғлаётганим ҳам, бақираётганим ҳам йўқ. Сарой дарвозасидан синглимнинг тобути билан баравар сизнинг ҳам кесилган каллаларингиз чиқади. Ҳаммангизнинг бўйингизни кестираман, сеникиними ҳақимбоши, энг аввал! Сеникини, мунажжим, (*вазирга*) сеникини ҳам... Арзинликларни-ку, етти ёшидан етмиш ёшигача қилич дамидан ўтказаман! Ҳаммасини! Ҳаммасини!..

- 10 *Э на га кўза кўтариб киради ва ундан пиёлага сув қуйиб, Маҳинбону га узатади.*

Э на га. Ташқи қопқадан хабар келди. Қандайдир бир киши ҳузурингизга кирмоқчи эмиш. Қасалимизни даволаш...

Маҳинбону. Уша одамни тезда олиб келинглар! Балки ёрдам берар...

Вазир билан э на га ташқарига чиқади, ҳақимбоши ҳам уларга эргашиб чиқмоқчи бўлади.

- 20 Маҳинбону (*ҳақимбошига*). Сен қол. Сен уминингни йўқотган одамсан. Келаётган одамга икки оғиз ваҳима гап гапира қолсанг, бу ерга киргунча шўрликнинг қанот-қуйруғи синиб, қилар ишини билмай қолади...

Мунажжим (*ўзича*). Бу киши ҳам беморни тузата олмаса...

Ҳақимбоши (*ўзича*). Агар у тузата олса, ҳақимбошилиқ қўлдан кетади. Оҳ, кошки шу топда қаттиқ ер қимирласа, ёки ёнғин чиқа қолса эди!..

- 30 Маҳинбону (*ўзича*). Бу келаётган ёшмикан ёки қаримикан?

Ҳақимбоши (*ўзича*). Шу чироқни ағдариб юборсам...

Маҳинбону (*ўзича*). Ширинни тузата олади... кўнглим сезиб турибди...

Ҳақимбоши (*ўзича*). Жинни бўлиб қолмасам яхши эди.

Мунажжим (*ўзича*). Агар у касални тузатмаса, бизни ўлди деяверинг!

- 40 Сарвиноз (*ўзича*). Шунақаям уйқум келдики. Ҳозир йиқиламан.

Маҳинбону (*ўзича*). Ширингинамни қутқаради!..

Ҳақимбоши (*ўзича*). Қочиш керак. Аммо қандай қилиб? Дарҳол қочиш керак.

М у н а ж ж и м (*ўзича*). «Бу билан юлдузларнинг ҳеч бир иши йўқ». Юлдузларнинг иши бўлмаса-бўлмас, аммо тирик қолишим...

М а ҳ и н б о н у (*ўзича*). Ешми ёки қаримикан?

М у н а ж ж и м (*ўзича*). Ҳеч ҳам ўлгим йўқ. (*Беихтиёр, товуш чиқариб гапиради.*) Ўлгим йўқ...

М а ҳ и н б о н у (*мунажжимга*). Нима дединг?

М у н а ж ж и м. Менми? Ҳеч нима деганим йўқ, султоним...

М а ҳ и н б о н у (*Сарвинозга*). Ойнани олиб кел.

Сарвиноз елпигични қўйиб, кумуш ойнани олиб Маҳинбонуга тутади. Маҳинбону бошидаги рўмолини ва қошларини тугатади.

(*Ўзича.*) Чиндан ҳам, айтганларича гўзалманми?

Ҳ а к и м б о ш и (*ўзича*). Қочиб керак.

М у н а ж ж и м (*ўзича*). Ҳақимбошининг бўйнини уздирсалар арзийди.

М а ҳ и н б о н у (*ўзича*). Қиприқларим тўкилиб кетгандир, деб ўйлаган эдим. Ҳеч нима қилмабди. Фақатгина кўзларим бир оз қизарибди.

М у н а ж ж и м (*ўзича*). Менинг гуноҳим нима? Жаллод мени аввало тиз чўктиради, кейин рост туриб, болтасини кўтариб, энсамга қараб, менинг энсамга, яъни бўйнимга-я, бир туширади! Войбўй... Кейин десаңг... қўрқиб кетаяпман!

М а ҳ и н б о н у (*Сарвинозга*). Олиб қўй.

Сарвиноз ойнани қўйиб, яна елпий бошлайди.

М у н а ж ж и м. Ижозат берсангиз, султоним, минорага чиқиб, у ердан юлдузларни кузатсам.

М а ҳ и н б о н у. Йўқ. Шу ерда тур, балки, ҳалиги киши сендан бирор нарса сўраб қолар...

М у н а ж ж и м (*ўзича*). Ҳақимбоши билан бирлашиб, шу иккала хотиннинг бўғзидан хиппа... Яширин нарвон қаерга қўйилганлигини биламан... Қочамиз... Бу масалада ҳазиллашиб бўлмайди.

Мунажжим орқа ўгириб турган Маҳинбонуга қараб бир қадам ташлайди. Ҳақимбоши ҳам ўрнидан қўзғалиб қўяди. Сарвиноз мудраб елпийди. Худди шу топда вазир, знага ва нотаниш киши кириб келади. Нотаниш киши ҳурмат билан Маҳинбонуга салом беради.

Келган киши. Тангри ёр бўлсин, султоним. (Ҳақимбоши ва мунажжимга ғалати қилиб қарайди.) Қайғуларинг унут бўлсин!

Маҳинбону (*ўзича*). Мунча ҳам бадбашара одам экан бу!

Келган киши. Қасал кишингиз бор экан... (*Ширинни кўрсатиб*.) Шуми?

Маҳинбону. Сен Арзинликмисан?

Келган киши. Йўқ.

Маҳинбону. Ҳакиммисан?

Келган киши. Йўқ.

10 Маҳинбону. Мунажжиммисан?

Келган киши. Йўқ.

Маҳинбону. Ҳиндмисан?

Келган киши. Йўқ. Ҳиндлар гўзал бўлади. Ҳол буки сен мени киришим билан «мунча ҳам бадбашара одам экан!» деб хаёлингдан ўтказдинг.

Маҳинбону (*чўчиб*). Буни сен қаердан билдинг?

Келган киши. Қани, касални кўрайлик-чи.

Келган киши Шириннинг ёнига боради, эгилиб Шириннинг томирини кўради, кўз-қовоқларини очиб-ёпади, кейин қаддини кўтаради.

20 Синглинг гўзаллиги тилларда дostonдир, ammo мен мунчалик гўзалдир деб ўйламаган эдим. Ҳозир нимани ўйлаганингни айтиб берайми?

Маҳинбону. Йўқ-йўқ. Керак эмас...

Келган киши. Беморимиз хавф остида, тонггача тирик қоладими, йўқми, номаълум. Тўғрисини айтганда — бир соатга бормаиди.

Маҳинбону. Менга шу хабарни айтмоқ учун келганмидинг?

30 Келган киши. Йўқ. Мен сенга синглингни софайтиришимни айтгани келганман.

Маҳинбону. Худога шукур!

Келган киши. Аммо уч шартим бор.

Маҳинбону. Истаганингни тила!

Келган киши. Сендан ўзим учун тилайдиган ҳеч тилагим йўқ. На ваъда қилганинг — қирқ мамлакатингни тилайман, на хазинангни ташиб олишга қирқта туя бор. Шунини бир марта билиб қўй, шоҳ Салимнинг қизи Маҳинбону!

Маҳинбону. Шартларингни қабул қиламан!

40 Келган киши. Шундай бўлса, аввало (*Сарвинозни кўрсатиб*), шу қизгинанинг елпигич елпийвериб қўллари толиб кетган, қорни ҳам оч, жўнат, дам олсин. Мунажжиминг кетмоқчи. Унга ҳам жавоб бер, кетсин.

Маҳинбону. Кетинглар.

Келган киши. Бу ерга ҳеч ким кирмасин.

Маҳинбону. Яхши.

Келган киши. Сўнг буйруқ бер, синглинг учун алоҳида бир кўшк сарой қурсинлар.

Маҳинбону. Шириним учун бир эмас, минг кўшк қурдираман.

Келган киши. Учинчи шартимга келганда... (*Ҳакимбошига ўғирилиб.*) Уйлаганинг тўғри эмас, ҳа-кимбоши. Амалингни тортиб олмоқчи эмасман... Йўқ, асло шайтон эмасман. Мен инсонларнинг зеҳнларидан ўтказган ҳаёлларини англай олишни ўрганганман, холос. Бир оз машаққат чекиб машқ қилинса, буни ҳам-ма ҳам ўргана олади. (*Маҳинбонуга ўғирилиб.*) Учинчи шартим... Синглингни соғаймоғи ва яшамоғи шу шартга боғлиқ. (*Бир нафас жимлик.*) Жуда узоқ йўлдан келдим, сувсадим. Сув беринглар.

Маҳинбону (*энагага*). Сув бер.

Энага (*сув қуйиб беради*). Шифо бўлсин.

Келган киши. Сувингиз шакардан ҳам ширин.

Энага. Сарой учун атайлаб Темиртоғдаги булоқдан келтирамиз.

Келган киши. Биламан. Арзин шаҳрининг ўзида ичиб бўладиган сув йўқ. Чашмаларидан сув эмас, йиринг оқаяпти.

Маҳинбону. Учинчи шартингни айтмадинг-ку.

Келган киши. Сен Ширинни жуда ҳам севасан, Маҳинбону. Ҳеч бир опа ўз сингисини сенчалик севган эмас, сендай севмайди ҳам. Сен ўз синглингни қутқармоқ учун жонингни, тахтингни... (*Бирданига вазирга ўғирилиб.*) Уйлаганинг тўғри эмас, вазир. Сабр қил, сўзимни тамом қилай. (*Маҳинбонуга.*) Сен ўз синглингни қутқармоқ учун тожингни, тахтингни бермоққа ҳам тайёрсан. Биламан, лекин бунчаликка эҳтиёж йўқ. (*Бир нафас сўзини тўхтатади. Сукут.*) Сув ичким келаяпти... (*Сувни олиб ўзи қуйиб ичади.*) Чиндан ҳам сувингиз муз солинган шарбатга ўхшайди.

Энага. Шифо бўлсин!

Келган киши. Лекин шаҳар халқи сувсизликдан қирилмоқда. Чашмалардан сув эмас, ахлат оқаяпти. (*Бирданига ҳакимбошига қараб.*) Яна тополмадинг, ҳакимбоши, яна тўғри ўйламадинг. Учинчи шартим шаҳарга сув келтириш эмас. Шаҳарга Темиртоғдан сув келтириш учун қанчалик меҳнат қилинганлигини жуда яхши биламан.

Вазир. Баланд тоғларни кесиб ўтишнинг имкони йўқ.

Келган киши. Биламан. (*Ҳакимбошига ўғирилиб.*) Ана холос, кўрдингми ҳакимбоши, энди қулай йўл топдим, ҳеч нимани ўйламаганим бўлсин, деб ўйлаяпсан, ваҳолонки, шунинг ўзи ҳам ўйлаш.

Маҳинбону. Учинчи шартинг нима эди?

Келган киши. Жуда ҳам чўзиб юбораяпти, деб мендан шундай жаҳлинг чиқаяптики, синглингни соғайтиришимга ишонмасанг шу топдаёқ бўйнимни уздирар эдинг.

10 Маҳинбону. Учинчи шартинг нима эди?

Келган киши. Синглингнинг соғайиши учун сен бир нарсадан кечишинг лозим. Лекин бу нарсадан кеча олармикансан ёки йўқми — бунисини билмайман.

Маҳинбону. Учинчи шартинг нима эди?

Келган киши (*ҳакимбошига*). Ана, тагин ўйламоққа бошладинг, ҳакимбоши, шундай расво гапни ўйладингки! Ҳолбуки, мен хотинлардан сен ўйлаган нарсаларни сўрай олмайдиган даражада кекса, бадбашара, фақир кишиман.

20 Маҳинбону. Талабинг нима?..

Келган киши. Сен менинг учун эмас, синглинг учун, синглингнинг тузалиши учун бир нарсангдан кечишинг керак.

Маҳинбону. Қани ҳозир нима ҳақда ўйлаганлигини топиб кўр-чи?

Келган киши. Ҳозир «Синглимнинг яшамоғи учун менинг ўлишим керак бўлармикан... Майли ўлишга розиман» деб ўйлаяпсан. «Ишқилиб азоб чекмасдан, тўсатдан ўлсам» деб ўйлаяпсан. Сўнгра, ана, ўзингнинг ҳам ақлинг етмаган бир қайту қалбингга тушди.

30 (*Бирданига вазир томонга ўғирилиб.*) Йўқ, вазир, султонинг жонини бермоғи лозим эмас, аммо шундай бир нарсасидан кечмоғи лозимки, сенга қолса ўшанинг ўрнига жонини бергани афзалроқ бўларди...

Вазир. Бас... Тушундим, тушундим! Лаънати! (*Маҳинбонуга.*) Ҳузурингиздан ҳайданг, бу жодугарни!

Келган киши (*Маҳинбонуга*). Кетайми?

Маҳинбону (*сесканиб*). Нима? Қаерга? Сен ахир, синглимни соғайтирмоқчи эдинг-ку?

40 Вазир. Бу талаб қилган нарсани берманг, султоним... Бу малъуннинг калласини олдинг!

Келган киши (*Маҳинбонуга*). Шоҳ Салимнинг қизи, сен ғоят гўзалсан! Мулойим баданинг эса, етти йилда бир очиладиган гул баргидан ҳам нозикроқ... Манглайинг тонготар ёруғидай. Қалам қошларинг, оху

кўзларинг... сузгун қора қошларинг, тим қора ва қуюқ киприкларинг... Бурнинг-чи, мрамрдан ясалгандай мунтазам... Лабларинг Стамбул қулупнайидек, болу олучасидек қипқизил... Шоҳ Салимнинг қизи, сен ўз синглингдан ҳам гўзалсан!

В а з и р. Сўзлатманг, бу иблисни, султоним!

Келган киши. Шоҳ Салим қизи, шоҳ Салим қизи! Бу нозик теринг қуруқ чинор япроғига айланажак. Сариқ, қовжираган, гудур-будур... Бу қошлар тўкилиб, кўзлар куйдирган калланинг кўзларидай бақрайиб қолади. Бурнинг узайиб кетади... Лабларинг шахрингдаги энг фақир одам жомасининг йиртиғидай осилиб қолади... Шунда ҳам, Маҳинбону, бари бир, мендай бадбашара бўлмайсан!

М а ҳ и н б о н у. Нималарни жовраяпсан! Нима учун бу гапларни айтаяпсан?

В а з и р. Лаънати! Сўзлатманг буни!

Келган киши. Учинчи шартимни сўзлаяпман, Маҳинбону. Синглингнинг ўлмаслиги учун лозим бўлган учинчи шартим. Сен ўз гўзаллигингни унга берасан. Шунда синглинг ўлмай қолади.

В а з и р. Бундай қилолмайсан, султоним! Бундай шартни қабул қилишга ҳаққинг йўқ. Киприкларингнинг бир донасини юз минг...

М а ҳ и н б о н у. Бас!..

Келган киши. Нималар ўйлаётганингни билаяпман, Маҳинбону. Жуда ҳам тез, жуда ҳам қарамақарши ўйлар ўйлаяпсан. Лекин мана энди ҳеч нимани ўйламай қўйдинг. Ҳатто ўйлаб кўришингнинг ўзини ҳам ўйламай қўйдинг... Мана энди хотиржам бўлдинг.

М а ҳ и н б о н у. Ҳеч нима ўйлаётганим йўқ... Бўпти, учинчи шартингни ҳам қабул қилдим...

Келган киши. Мен ёлғон гапирмайман. Юзинг сўлади, қариб кетади, лекин вужудинг, юрагинг аввалгидай тоза, аввалгидай эҳтиросли, ҳамишагидай навқирон бўлиб қолади... «Шунисига ҳам шукр!» деб ўйлама. Йўқ, улар ҳам қариса, улар ҳам ўлса қайта яхши бўларди...

В а з и р. Султоним... Бекам!.. Ёлғизим...

М а ҳ и н б о н у. Энди ишни чўзмайлик... Шартингизни қабул қилдим. Қабул қилдим, деяпман... Эшитаяпсизми? Қабул қилдим!

Келган киши. Мана шу ерга ўтир, қизим.

Маҳинбонунни томошабинларга орқа ўғиртириб ўтқзади. Бир чеккада турган катта кумуш косани олади-да, қўйнидан бир ши-

ша дорини чиқариб, унга қуяди. Косадан олов чиқа бошлайди. Яна қўйнидан бир гул билан битта қуруқ ёғоч чиқариб, уни ҳам косага салади. Аланга янада кучаяди. Қўрқиб кетган энага дуо ўқий бошлайди.

(Маҳинбонуга.) Қўрқма, қизим, жонинг сира оғримайди. Синглингнинг қўлини тут. (Маҳинбону болягидек то-



Фафур Фулом турк шоири Нозим Ҳикмат билан. Тошкент. 1958 йил.

мошабинларга орқа ўзирган ҳолда ўтирибди. Шириннинг қўлидан тутуди.) Бу гуноҳсиз ва покиза олов. Бу олов гуноҳсиз ва покиза бўлгани учун ҳам шафқатсиздир... Шу ўтда ёнган гулнинг гўзаллиги куйиб, кули

ёнаётган ёғоч куллари билан аралашиб кетгани сингари сенинг гўзаллигинг синглингни чулғаб олган ўлим билан худди шундай аралашиб, ёниб тамом бўлади. (*Ҳакимбошига.*) Сен кетишинг мумкин.

Ҳакимбоши чиқиб кетади.

Сен ҳам кетишинг мумкин, вазир.

Вазир. Йўқ, мен кетмайман. Мен шу ерда қолишим...

Келган киши. Ҳақлисан, кетма.

Маҳинбону (*энагага*). Йиғлама, энажон... Агар ўлим тўшагида ётган Ширин эмас, мен бўлганимда, Ширин ҳам шундай қилмасмиди, ахир?

Вазир. Йўқ, қилмас эди! Қасамёд этаманки, қилмас эди. Бундай ишни ҳеч бир хотин, ҳеч бир эркак қила олмасди, ҳеч ким!..

Маҳинбону. Вазирим, нима учун бундай аччиқ сўзлар айтаётисан? Мени десанг, бас қил... Сўзлама... Юзларимга қара. Юзларимга қара-чи, ўз юзимнинг қай аҳволга тушганини сенинг юзларингдан англайин.

Келган киши (*Маҳинбонуга*). Синглингни ўйла... Синглинг яна қайта бошдан аввалгидай, худди кийикдай атрофингда ўйноқлаб юради, кулади, овқат ейди, ухлайди, уйғонади. Умр кўради!

Маҳинбону. Юзимга қара, вазирим, юзимга қара... Жим, гапирма... Сен ҳам менга ўхшаб фақат бир нарсани ўйла. Менинг синглим ўлмайди!.. Менинг Шириним!..

Маҳинбонунинг юзидаги ўзгаришларни кўрган вазирнинг ранги аста-секин ўча бошлайди.

Келган киши. Сен сева олар экансан, шоҳ Салимнинг қизи... Сен сева билар экансан...

Маҳинбону. Нега рангинг ўчиб кетди, вазир. Нега кўзларингни мендан яшираяпсан? Илгарилари-ку қараб тўёлмас эдинг, мени кўрмади, деб ўйлайсанми?

Келган киши. Ана, кўраяпсанми? Синглингга секин-секин жон кираяпти. Ундан кўзингни узма, қимирлама.

Маҳинбону. Нима бўлди сенга, вазир? Сенинг юзларинг қариган, аммо сира ҳам хунук эмас. Онамнинг юзи ҳам қариганда хунук бўлмаган эди. Меникичи? Энага, ойнани олиб келиб рўпарамга тут-чи. Йўқ... Қерак эмас, кейин қарарман... Кейин.

Вазир. Бас! Худо ҳаққи, бас! Туринг бу ердан... Синглингизни қўлини қўйиб юборинг... (*Вазир ханжарини чиқариб, ўз кўксига урмоқчи бўлади, келган киши дарҳол унинг қўлидан ханжарни тортиб олади.*)

Энага. Вой!

Маҳинбону. У нима қиляпти?

Келган киши. Тўхта! Қимирлама... Синглинг уй-ронаяпти...

Вазир катга йўқилади.

10 Вазир (*келган кишига*). Нега қўйиб бермадинг, лаънати!

Келган киши. Сен қўрқоқлар каби севар экансан, севганда ҳам фақат ўзинг учун. Севгинг шу эканки, мени ўлдириш ўрнига ўзингга ханжар урмоқчисан.

Бу орада косадаги олов ёниб битади.

(*Маҳинбонуга.*) Олов ҳам ўчди, қизим... Синглинг ўлимдан қутулди.

Маҳинбону. Менинг Шириним!..

Ширин аксиради.

20 Келган киши. Қара. Мана у кўзларини очаяпти. Синглинг ўлимдан қутулди! Қўлини қўйиб юбор.

Вазир. Ҳаммамиз худонинг ғазабига учрайлик!

Маҳинбону. Синглим, Шириним, азизим!..

Ширин қаддини ростлаб ўтиради. Маҳинбону Шириннинг тиззасига бош қўйиб юзини бекитади. Энага Шириннинг бўйнидан қучоқлайди. Ширин гўё кўрмаган, эшитмагандай. Келган киши шу пайтда секингина чиқиб кетади.

Энага. Худога шукур!.. Худойимга минг қатла шукур!..

30 Ширин. Энагажон... узоқ вақт касал ётдим... энди тамом тузалдим, а? Опам қаерда? Опамга хабар берсангиз-чи! (*Маҳинбону бошини кўтаради, Ширин Маҳинбонунини кўради*). Бу хотин ким?!

Иккинчи кўриниш

Ширин учун қурилаётган сарой боғи. Саройга чиқаверишида кенг зинапоя. Боғда пишиб ётган олмалар. Дарвиш, Беҳзод, устабодши, Ашраф, Фарҳод, ишчилар, шогирдлар. Фарҳод эшикнинг чап табақаси томонида баланд шотининг устига чиқиб, шарафага нақш чизмоқда. Ашраф шоти тагида нақш

40 *ўймоқда. Эшикнинг чап томонида сарой зинапоясининг ёнбошини*

Беҳзод бўямоқда. Устабоши билан Дарвиш саройни кўздан кечирмоқдалар. Ишчилардан биттаси бўёқ аралаштирмоқда, қолганлари усталарга ёрдам бермоқда.

Устабоши (*Дарвишга*). Ана шундай қилиб нақш ишлари битди дегунча, Ширинсултоннинг ҳам кўшки тайёр деган сўз...

Дарвиш. Неча киши, неча кун ишладиларинг?

Устабоши. Эҳҳа, тўрт юз чамали киши ишладик... Пойдеворини қўйганимизга ўн бир ой бўлди.

Дарвиш. Хўш, неча йил туриши мумкин?

Устабоши. Ўт тушмаса, бузиб юборилмаса, яхшилаб қараб турилса, бирор минг йиллик умри бор...

Дарвиш. Хўш, ундан кейин нима бўлади?

Устабоши. Ундан кейин нима бўлади деганингиз нимаси?

Беҳзод (*ишини қўйиб*). Ундан кейин чирийди, ўлади, дунё тургунча турмайди-ку, ахир!

Дарвиш. Ундай бўлса, нега бунча жон куйдираётибсиз?

Беҳзод. Нимага куйдираётибсиз дейсанми? Ўзинг нега нафас олаяпсан? Сенингча, минг йилдан кейин йиқилар экан деб, ишни тўхтатиб қўяйликми? Эртага йиқилса ҳам қурамыз, ҳа, йиқилса ҳам қурамыз.

Дарвиш. Яна йиқилади.

Беҳзод. Биз яна қураверамиз. Асос — йиқилмоқ эмас, қурмоқ. (*Фарҳодни кўрсатиб.*) Ҳу, шарафага нақшлар чизаётган йигитни кўраётибсанми? Пастда ишлаётгани эмас, тепадагисини. Менинг ўғлим бўлади. Оти Фарҳод. Тўрт кундан буён емасдан, ичмасдан, ухلامасдан...

Устабоши. Кечалари ҳам машғал ёқдириб...

Беҳзод. Ишляпти!

Устабоши. Мен кўп гапирдим, онаси келиб йиғлади, отаси койиди...

Беҳзод. Фойдаси йўқ. Нақшларини кўнгилдагидай қилиб чизмагунича, нақшлар орасида кўзга чалинар-чалинмас бир ерга «амали уста Фарҳод», деб ёзмагунича қўлидан буёқ қалами тушмайди.

Дарвиш. Ўзингиз ҳам, нақшингиз ҳам мангулик эмас. Ҳаммангиз ҳам ўлиб кетасиз.

Беҳзод. Биз яшаймиз, отахон, яшаймиз! (*Ўзи чизган нақшларни кўрсатиб.*) Сен бир оз яқинроқ келиб менинг нақшларимга қара-чи... Ўғлим-ку наққошликда мендан ўтиб кетди, аммо менинг мана бу новоти бўёғим ҳали уникидан яхшироқ!

Уста боши. Тўғри айтасан, уста Беҳзод. Бўёқ бо-
расида ҳали сен ҳаммадан устунсан. Аммо нусха соли-
шида Фарҳоддан ўтадиган наққош йўқ... Ҳарвақт би-
рор нарса ўйлаб топади! Айниқса, мана бу нақшни
кўргим келаяпти... Ишини тугатганда эди, мана бу шо-
тини олиб қўйиб кўрар эдик.

Ашраф. Уста, ҳой уста.

10 Уста боши. Ҳозир, Ашраф оға. *(Дарвишга.)* Сен
мана шу сояда бир оз дам олиб тур. Салдан кейин са-
ройни томоша қилдираман. *(Устабоши Ашрафнинг ол-
дига келади.)*

Ашраф *(чизган нақшларини кўрсатади)*. Битта
қараб қўйинг демоқчи эдим, тузукми?

Уста боши. Ҳай-ҳай-ҳай... Ёмон эмас, жуда яхши
чиқибди-ку-я. Фақат мана бу япроқлар... Япроқлар сал
жойига тушмагандай...

Ашраф. Япроқларга нима қилибди?

20 Уста боши. Япроқларга нима қилибди дедингми?
Мана ўзинг кўр, болам. Ашраф оға, билиб қўйки, биз-
нинг санъатда: «нима қилибди?» деб сўрадингми, иш
мушкуллашади... Наққош деганинг, қайси бўёқнинг,
қайси чизиқнинг нима учун, қандай келишиб-келишма-
ганини, ўринлаб-ўринламаганини тушунтириб бера ол-
майди-ю, аммо ўзи билиб туради... Дид керак, дид...

Беҳзод *(ишлаётган еридан гапга қўшилади)*. Ху-
до ҳақи, уста, менга қолса, наққош деган киши, билиб-
сезиб қўя қолгани кифоя эмас, шу камчилик нимадан,
нима учун эканини ҳам тушунтира билиши керак.

30 Уста боши. Гапинг тўғри, уста Беҳзод. Лекин сен
айтган наққош мингтадан битта чиқади...

Беҳзод. Менинг Фарҳодим ана шунақалардан.

Уста боши *(ўзича)*. Бу Беҳзод деганимиз ҳамма
ерда ўғлим дегани-деган.

Ашраф *(нақшларининг бир-икки ерини тузатиб,
устабошидан сўрайди)*. Хўш, энди нима дейсиз?

Уста боши. Ҳа... ана, бўлди. Баракалла... лекин
сенга бир гапни айтиб қўяй, болагинам Ашрафжон,
бизнинг бу наққошлик санъатимиз сенга ўхшаш юқори
мартабали йигитларнинг иши эмас...

40 Ашраф. Бу гапингиз билан нима демоқчи бўласиз?

Уста боши. Сен бизга ўхшама демоқчи бўлаётим-
ман. Агар шайтон ўзининг айбини ўзи билганда эди,
ёрилиб ўларди, деганлари бежиз эмас. Мана биз ҳам,
ахир шунча юрган дурадгорлар, тошчақарлар, темир-
чилар, заргарлар ва бошқалар ўз санъатимизни кўкка
кўтаришни севамиз, лекин оширмай-тоширмай айтган-

да, ҳар қандай ҳунар — оддий халқнинг қўлидан келадиган иш. Шунақа эмасми, уста Беҳзод?

Беҳзод (*ишдан бош кўтармай, пичинг билан*). Тўппа-тўғри сўз шу. Уста Ашрафнинг волидаи шарифлари саройда энагабегим, султонимизнинг энагаси.

Уста боши (*Ашрафга*). Мен худди шуни айтмоқчи эдим, Ашрафжон. Ахир, унинг бир оғиз сўзи билан...

Беҳзод. Истаган мамлакатингга ҳоким бўлиб кетишинг мумкин эди!

Ашраф. Мен наққош бўлишни истайман.

Уста боши. Ихтиёр ўзингда... Лекин ҳоким бўлмоқ...

Ашраф. Мен наққош бўлмоқчиман. Бўлиб ҳам қолдим.

Бўёқчи (*ишлаб турган жойидан чақиради*). Уста, ҳо уста! Тўқ-қизил бўёқни қориб бўлдим.

Уста боши. Ҳозир бораман. (*Ашрафнинг ёнидан ўтиб борар экан, кўзи яна унинг нақшларига тушади, тўхтайдди.*) Шу сариқ гулларнинг рангини ҳам бир оз очсанг эди... яна ихтиёр ўзингда, Ашраф оға, ҳар ҳолда бир оз очсанг яхши бўлар эди. (*Бўёқчининг олдига кетади.*)

Ашраф (*ўзича*). Булар мени туппа-тузук аҳмоқ қилишмоқчи... Буларга ёт бўлганиндан кейин, санъатига суқулдингми, ҳеч йўлатишмайди, ишим чаппа деявер. Шу гулларга нима қилибди? Сариқ гулларнинг ранги сира ҳам тўқ эмас-ку?.. Чиндан ҳам бир оз очиш керакми, а? Жин урсин, нега мен шу ишнинг уддасидан чиқа олмаётган эканман. (*Юқоридан Ашрафнинг устига бўёқ томади. Ашраф юқорига қараб бақиради.*) Ҳой, Фарҳод, кўзингга қара, уст-бошимнинг расвосини чиқаздинг... Бўёғинг томаяпти! Сенга айтаяпман, кўзингга қарасанг-чи! (*Бўёқ яна томади. Бўёқ тинмай томиб турибди.*) Ҳой, ҳой, сенга айтаяпман, кар бўлдингми, нима бало? (*Ашраф шотини қимирлатади.*)

Уста боши (*Ашрафнинг ёнига келиб*). Ўзи нима гап, Ашрафжон?

Беҳзод (*ишини қўйиб Ашрафга яқинлашади*). Бир гап бўлдим?

Ашраф. Фарҳод юқоридан бўёқ тўкиб юборди...

Уста боши. Бўлмаган гап. Фарҳод бўёқ тўкармиди?

Ашраф. Мана, оққанини қарасангиз-чи, ё бўёқни ағдариб юборди, ё чўткасидан томаяпти.

Беҳзод. Менинг ўғлим чўткасидан бир қатра ҳам бўёқ томизмайди.

Энди томчилар кўпайиб, сизиб оқа бошлайди.

Беҳзод (юқорига қараб қичқиради). Фарҳод, ҳой Фарҳод!

Уста боши. Унга бир гап бўлдимми?

Беҳзод. Фарҳод! Жавоб ҳам бермаяпти. (Шотини қимирлатаётган Ашрафга қараб.) Тўхта, Ашраф, шотини қимирлатаверма. Мен чиқиб кўрай-чи. (Чиқа бошлайди.)

10 Ашраф (ўзича). Улиб қолдимми?.. Қимирламаяпти-ку... Улиб кетсин-э!

Уста боши (ўзича). Таажжуб, деворга суянганча қотиб қолибди. Қўли ҳам, оёғи ҳам қимирламайди-я.

Беҳзод (тепага, Фарҳоднинг ёнига чиқиб олиб, ўша ердан гапирди). Ухлаб қолибди! Ана холос... ухлаб қолибди. Лекин мана бу чизган нақшларини қаранг-а! Шунақанги лолалар чизибдики! Бу муғамбир буларни нима билан чизган экан-а? Ер юзида бу хилдаги лолани ҳеч ким чизган эмас! Пиш-пиш ухлаб ётибди. Тикка турганича, худди қатиқфурушнинг оти-

20 дай ухлаб қолибди!..

Уста боши. Тўрт кеча-кундузнинг ҳорғинлиги.

Беҳзод. Уйғонмаяпти. Бўйинини узсанг ҳам уйғонмайди.

Уста боши. Тағин беҳуш бўлиб қолган бўлмасин?

Беҳзод. Йўғе, ундай эмас!

Уста боши. Пастга олиб туш, уста Беҳзод! (Шогирдларга.) Болалар, устага ёрдамлашиб юборинглар!

30 Беҳзод шогирдларнинг ёрдами билан Фарҳодни қуйига олиб тушади, олиб бориб Дарвиш ўтирган олма тагига ётқизади. Беҳзод кўйлагини ечиб, Фарҳоднинг бошига ёстиқ қилиб қўяди.

(Ашрафга.) Қани юр, Ашраф оға, юқорига чиқиб уста Фарҳоднинг шарафага чизган нақшларини томоша қиламиз.

Ашраф (ўзича). Уни гапирганда ҳаминиша, «уста Фарҳод», менга келганда «Ашраф оға». Бир эмас-бир кун мени ҳам уста Ашраф деб чақирришга мажбур қиламан! Ҳа, ҳали мени ҳам уста Ашраф деб чақирасиз!

40 Уста боши (шотига тирмашиб чиқади). Қани чиқмайсанми, Ашраф оға?

Ашраф. Фарҳоднинг нақшларига қарашдан нима фойда чиқади?

Уста боши. Гўзал нарсага қарамоқ савоб иш.

Уста тепага чиқийда давом қилади, Ашраф ҳам эндигина чиқа бошлаганда Беҳзод дарахтнинг тагидан қичқиради.

Б е х з о д. Ашраф оға! Ҳой, Ашраф оға!

А ш р а ф. Нима гап?

Б е х з о д. Кўзачангдан бир пиёла сув олсам майлими? Сенинг сувинг сарой сувидан. Темиртоғ булоғидан. Бизларники ўзингга маълум!..

А ш р а ф. Сув нимага керак бўлиб қолди?

Б е х з о д. Фарҳоднинг оғзини бир оз ҳўллаб қўяй деган эдим. Лаблари қовжираб кетибди.

А ш р а ф (*ўзига-ўзи*). Бермасаммикин... Айб бўлади, Ашраф... Сувсаганга сув бермасдан бўладими, ахир?

У ста бо ши (*юқорига чиққан, Фарҳоднинг нақшларини томоша қилмоқда*). Баракалла, уста Фарҳод! Ҳунарингни тўкиб ташлабсан. Қўлларинг дард кўрмасин. Худо ҳаққи, мана бу яшил рангга қарагин-а, уста Бехзод. Бунақа рангни ҳалигача кўрмаганман, бундан кейин ҳам кўрмасман, ўғлинг бўёқ ишида ҳам сендан ўзиб кетибди.

Б е х з о д. Йўғе, ҳали бунчалик ўсиб етган эмас... Ёшлик қилади... (*Чиқиб, устабошининг ёнида турган Ашрафга қараб.*) Сувингдан олсам майлими, Ашраф оға?

А ш р а ф. Ҳозир тушиб ўзим қуйиб бераман.

Б е х з о д. Сен овора бўлиб ўтирма.

А ш р а ф! Тегманг! Ўзим қуйиб бераман.

У ста бо ши (*Ашрафга нақшларни кўрсатиб*). Ашраф оға, қалай? Қойил қолмасдан бўладими? Мана бу лолаларни, мана бу яшил рангни кўринг-а... Войбўй, айниқса, мана бу гажакларга қаранг...

А ш р а ф. Кўзингиз қуйяптими?

У ста бо ши. Ёлғон гапириб нима қиламан, ёш бўлганимда эди ҳасаддан ёрилиб ўлардим. Ҳозир ҳам тўғриси айтсам, юрагимнинг бир ёнбоши кулса, бир ёнбоши секин-секин ачишиб қўяди. Ҳали мени деяпсан, отаси ҳам озгинагина ҳасад қилаётибди... Шундай эмасми, уста Бехзод?

Б е х з о д. Билолмадим... (*Ашрафга қараб.*) Сенинча қалай, Ашраф оға?.. Бўёқлари чиндан ҳам менинг бўёқларимдан...

А ш р а ф. Сизнинг бўёқларингизга йўл бўлсин! Сиз мана бу яшил бўёққа бир қараб қўйинг-а...

Б е х з о д. Маъқул, маъқул...

Устабоши билан Ашраф қуйига тушадилар. Ашраф шотининг тагида турган кўзачани олиб Бехзодга узатади.

А ш р а ф. Мана олинг.

Ашраф кўзачани узата туриб тушириб юборади. Кўзача синади.

Э, жин урсин!

Беҳзод (*жаҳл билан*). Хўб иш кўрсатдинг-да.

Ашраф. Жўрттага қилганим йўқ-ку!

Беҳзод (*жаҳл билан*). Жўрттага қилганим йўқ эмиш-а!

Беҳзод зарда билан кетар экан, Ашраф югуриб бориб қўлидан тутади.

Ашраф. Жўрттага қилганим йўқ деяпман, уста,
10 жўрттага қилганим йўқ.

Беҳзод. Қўлимни қўйиб юбор!

Устабоши. Тўхтанг. Нима гап ўзи, уста Беҳзод?

Беҳзод (*қўлини силтаб ажратади*). Бир қултум сув-а... Айб-э... (*Жаҳл билан узоқлашиб, олма дарахти тагида ётган Фарҳод ва Дарвиш ёнига боради.*)

Ашраф (*устабошига*). Сиз айтинг ахир, атайлаб қилганим йўқ-ку...

Устабоши. Албатта, албатта, Ашраф оға. Бунақанги ишларни инсон деган ўзи ихтиёри билан қилар-
20 миди.

Ашраф. Кўзачани билиб синдирганим йўқ, аммо истасам уста Беҳзоднинг калласини...

Устабоши. Ҳай, ҳай, шахтингдан қайт, Ашраф оға!

Ашраф. Ҳе, ўша «оғангиз» ҳам, сиз ҳам балога гирифтор бўлинг! (*Устабошига тескари ўгирилиб олади, бир муддат боғ айланиб юради, кейин ишига тушиб кетади.*)

30 *Беҳзод ўз кўзачасидаги сувга бармоқларини ҳўллаб, Фарҳоднинг лабларига суртади.*

Дарвиш (*Беҳзодга*). Сержаҳл одам экансан.

Беҳзод (*жаҳл билан*). Ҳа, сержаҳлман.

Дарвиш. Нимага жаҳлинг чиқди?

Беҳзод. Жаҳлим чиқиши керак бўлгани учун жаҳлим чиқиб турибди. Ахир, жаҳлим чиқмасинми, отахон? Жўрттага кўзачани синдириб ўтирибди... Менинг ўғлимга ҳасад қилаяпти. Бизнинг хунаримиз унга нимага керак бўлиб қолибди?.. Пичоқни чиқарсаму, шартта... Мени оссалар осаверсинлар эди...

40 Дарвиш. Бунча шошмоқнинг кераги йўқ. Бу фоний дунёда ҳеч ким қолмайди.

Беҳзод. Ана бу бемаъни гапни қаранг-у... Бу фо-

ний дунёда абадий қолмаймиз, деб жаҳлимиз ҳам чиқмасинми? Севинма, севма, ҳавас ҳам қилма, урушма ҳам, курашма, яшама ҳам дерсан?

Д а р в и ш. Сизнинг кўзларингиз нариги дунёни кўришга ожиз бўлиб қолибди, бу дунёнинг хомхаёлларига берилиб кетибсиз...

Б е ҳ з о д. Қанақа хаёл? Хаёл нимаси? Ийи, мана шу тошлар билан, темирлар билан, тахталар билан, тагин билмайман нималар билан, бўёқлар билан, чўткалар билан ишланаётган нарса нега хаёл бўлар экан? Сен ўзинг, ўз дунёингдан зериккан, тонган одам кўринасан... Шунинг учун бекор санқиб юрибсан.

Д а р в и ш. Мен дунёнинг бутун қилу қолини, кулли-аҳволини муроқаба қилиб, сўнг тарк этганман.

Б е ҳ з о д. Мен тарк этган эмасман. Уни қилу қоли билан, кулли-аҳволи билан яхши кўраман. Мен бу муборак нарсани севаман! Ийи, ўзинг ишлаган нарсани севмай бўладими?

У с т а б о ш и (шогирдларга). Шарафанинг нақши тугади. Шотини олиб қўйинглар.

Шогирдлар Фарҳод ишлаган шотини олиб қўядилар.

А ш р а ф (ўзича). Шотининг бир томони тимдалаб кетиб, нақшларнинг бир четини сидириб юборса эди... Ҳали бўёқлари қотган эмас. Хафа бўлма... Нимаси ҳайф бўлади? Тентаклик қилма, ҳайф бўлади!

У с т а б о ш и (шогирдларга). Ҳой, йигитлар, эҳтиёт қилинглр...

Б е ҳ з о д (келади). Эҳтиёт бўлинглар, мана бу бурчаги билан нақшни сидириб юборманглр... эгманглр деяпман...

А ш р а ф (ўзича). Итариб юборайми?.. Шоти нақшларнинг устига ағдарилиб тушади. Итариб юборайми?..

Шотини оладилар, ҳалигача кўринмай турган нақшлар очиқ кўрина бошлайди. Ҳамма ишини ташлаб, нақшларни томоша қилади.

О в о з л а р. Бунақанги бўёқ кўрилган эмас! Қойилман, отангга раҳмат, Фарҳод! Кўзингга қарасанг-чи, оёғимни босдинг. Мана бу лолаларни қаранг-а! Наққош дегани мана бунақа бўлади!

М у н а ж ж и м киради. Тўпланганлар ҳурмат билан унга йўл беришади.

М у н а ж ж и м. Боракалло! Жаннат ул-аълонинг

худди ўзгинасини келтириб, шу шарафанинг таккинасига жойлабсизлар. (*Ёнидаги Ашрафдан сўрайди.*) Хўш, сен нима дейсан, Ашраф оға?

А ш р а ф (*қовоғи солиқ*). Гўзал...

М у н а ж ж и м (*қуйидаги нақшларни кўрсатиб*). Мана бу сен чизган нақшларми?

А ш р а ф. Меники.

М у н а ж ж и м. Қутлайман, Ашраф оға. Булар ҳам гўзал... Онанг сенинг наққошликка бўлган ҳаваскорлигиндан жаҳли чиқиб юради. Мана буларни кўрса, қувонади. Мен унга ҳар гал: койиманг энага, бу бир ҳавас, ўтар-кетар, дейман. Жаннат макон шоҳ Салим ҳам шоирликка ҳаваскор кишилардан бири эди.

А ш р а ф. Меники ҳавас эмас.

М у н а ж ж и м. Биламан, ишқибозлик. Ҳаваснинг узунроқ чўзилгани, кескинроғи... (*Беҳзодга қараб.*) Шарафадаги бу нақшларни сенинг Фарҳоднинг чизган-ку.

Б е ҳ з о д (*ғурур билан*). Ҳа, у чизган.

М у н а ж ж и м. Ўзи қаерда?

Б е ҳ з о д. Ухляяпти.

М у н а ж ж и м. Ухляяпти дейсанми?

У с т а б о ш и. Тўрт кундан бери емай-ичмай, мижжақоқмай, кечалари машъал ёқиб...

М у н а ж ж и м (*устабошининг гапига қулоқ солмай Ашрафга ўйирлади*). Шундай ажойиб кўшқинг, боғнинг бўлса-ю, олтин қадаҳларга шарбат қуйиб, жононларни кўкрагингга боссанг! Бир рубой тўқиган эдим, тинглачи, ўқиб берай...

30 Ҳаётимиз бир ғазалдир, э кўзлари маҳнур,
Шараф билан тўлатилсин бу жому биллур.
Бу гумбази даввор ичра унутмағилким,
Ушбу ғазал фақатгина бир бор ўқилур.

(*Устабошига.*) Шундай эмасми, уста?

У с т а б о ш и (*тушунмасдан*). Тўғри, тўғри...

М у н а ж ж и м. Бу ерга келмаганимга уч кун бўлди шекилли, шундайми?

У с т а б о ш и. Ҳа, уч кун бурун марҳамат қилган эдилар...

40 М у н а ж ж и м (*устанинг сўзини бўлиб*). Заргарлар шифтларга ҳал суриб бўлдиларми?

У с т а б о ш и. Ҳа, суриб бўлдилар.

М у н а ж ж и м. Қани юр, кўрайлик-чи. Ашраф оға, марҳамат.

М у н а ж ж и м, А ш р а ф, у с т а б о ш и *кўшқининг ичига кириша-*

ди. Ишчилар ҳам тарқалишади. Ҳар ким ўз иши билан банд. Беҳзод Фарҳод ухлаб ётган олма дарахтининг тагига келади.

Беҳзод (*битта олма узиб олиб, тишлайди*). Байбай, мунча ширин олма-я... (*Дарвишга.*) Сен ҳам кўшкнинг ичкарисини томоша қилмоқчи эдинг-ку, бор...

Дарвиш. Бормайман... Бу одам ким?

Беҳзод. Мунажжимбоши... Уқиган рубойисини эшитдингми?

Дарвиш. Эшитдим.

Беҳзод. Сенинг йўлинг бошқа, уники бошқа. Аммо икковингиз бир нуқтада учрашдингиз, отахон. Иккингиз ҳам ўлимдан қўрқасиз... Ҳар нима бўлганда ҳам... Дарвоқе, менинг ўғлим ҳали ҳам қимирлагани йўқми?..

Дарвиш. Йўқ.

Беҳзод. Яхши... Майли, ухласин.

Ташқаридан ногора ва довул овози эшитилади.

Дарвиш. Бу нима экан?

Беҳзод. Султонимиз Маҳинбону шаҳарни айлангани чиққан бўлсалар керак.

Дарвиш. Овозлар бу томонга яқинлашиб келаяпти.

Беҳзод. Чиндан ҳам! Энди, нима қилиб бўлса ҳам Фарҳодни уйғотиш керак...

Ичкаридан мунажжим, Ашраф, устабоши югуриб чиқишади. Мунажжим билан Ашраф овоз келаятган томонга кетишади. Устабоши ерда ётган қиринди, челақларни кўрсатиб, ишчиларга, шогирдларга буйруқлар беради.

Устабоши. Буёққа келишаяпти!.. Мана шуни ўртадан олиб ташланг! Мана бу ерни супуринглар!

Беҳзод (*Фарҳодни уйғотмоқчи*). Фарҳод... Фарҳод... Кўзингни очсанг-чи, ўғлим!.. Тез тур...

Устабоши. Илдамроқ бўлсанглар-чи! Мана, мана бу челақ қолди...

Беҳзод (*Фарҳодни уйғотишда*). Фарҳод... Фарҳод, ўғлим!

Дарвиш. Елкангга кўтариб олиб бора қол... Ердам берайми?..

Беҳзод. Йўқ... Маҳинбону ҳар ҳолда шарафадаги нақшларни кўради. «Бу нақшларни ким чизди?» деб сўрайди. Шундай нақшларни кўргандан кейин...

Устабоши (*ишчиларга*). Қани энди, йигитлар, дарров тарқалинг.

Устабоши Маҳинбонуни қарши олишга кетади. Саҳнада Фарҳод, Беҳзод, Дарвишдан бошқа ҳеч ким қолмайди. Маросим яқинлашмоқда.

Беҳзод. Мен буни уйғотиш йўлини биламан...

Дарвиш. Нима қилиб уйғотасан.

Беҳзод (*жилмайиб*). Ҳозир кўрасан.

Беҳзод эгилиб Фарҳоднинг қулоғига бир нима дейди, Фарҳод уйқусида чўчийди.

10 Дарвиш. Қулоғига нима дединг?
Беҳзод. «Чизган нақшларингни бузишайпти, уйғон, уста Фарҳод, уйғон» дедим...

Дарвиш. Эшитдимикан?

Беҳзод. Кўрмаяпсанми? Эшитди! Ана қимирляпти... Агар наққошнинг қабри тепасига бориб: «ясаган нақшларингни бузишайпти» десанг, у гўридан чиқиб, нақшнинг тепасига чопади.

Дарвиш. Чинданам уйғонди.

Беҳзод. Албатта уйғонади! Фарҳод... Уғлим...

Фарҳод. Ота! Менинг нақшларим...

20 Беҳзод (*кулиб*). Ҳеч гап бўлгани йўқ. Сен фақат эс-ҳушингни бир ерга тўпла! Маҳинбону келаяпти. Ҳар ҳолда сенинг ишларингни кўриб: «буларни ким ишлади?», деб сўраб қолади. Сен шу ерда тур. Лекин жуда эҳтиёт бўл. Унинг юзига, Ширинсултоннинг юзига ҳам, у билан бирга келган хотинлардан биронтасининг юзига ҳам қарай кўрма. Узингга маълум, ҳов анави воқеадан кейин, ким унинг юзига қараса, дарров бошини уздиради. Худо ҳаққи, жон ўғлим, кўзинг доимо ерда бўлсин... Хайр, биз кетдик... Ашрафми ё бошқа бирортасими, олдинроқ келиб, сенга кет, деб қолса, ўрнингдан қўзғалма...

30

Беҳзод билан Дарвиш чиқади. Ногора товуши яқинлашиб қолади. Маҳинбонунинг қилич, қалқонли қўриқчиларидан тўрттаси илгарироқ келиб, зинанинг ҳар икки томонига бетма-бет туррадилар. Зинанинг ўнг томонидаги соқчилардан бирининг қиличи Беҳзоднинг чизган нақшларига тегмоқда. Соқчилар келгач, ўзини дарахт орқасига олган Фарҳод буни кўриб қолади.

Фарҳод. Ҳой, ҳамшаҳар, эҳтиёт бўл, қиличинг отам чизган нақшларга тегаётпти...

40 Соқчи Фарҳоднинг овозини эшитиб, ўгирилиб уни қидирмоққа тушади. Шу вақт ногоралар жуда яқиндан чалинади. Соқчи аввалги ҳолига қайтиб, бошқа соқчилар сингари бошини пастга эгиб, кўзини ерга тикади. Фарҳод ҳам шу фурсатдан фойдала...

қиб, бошини қуйи солиб, кўзи ерга тикилганича, қилчи нақшга тегаётган соқчига яқинлашади.

(Соқчининг орқасида туриб.) Қиличингни бир оз ёнингга торт... нақшларни бузасан...

Ноғоралар яна қаттиқ чалиниб, Фарҳоднинг сўзи бўлинади. Маҳинбону, Ширин, уларнинг ёнидаги маҳрам хотинлар, мунажжим, Ашраф ва устабоши кирадилар. Хотинларнинг бошларида рўмол, юзлари очиқ. Фақатгина Маҳинбонунинг юзида юлқагина тўр бор. Бу ердаги эркакларнинг бошлари эгик, кўзлари ерда. Маҳинбонунинг қадди-қомати гўзал ва навқирон.

Мунажжим (энагага шивирлайди). Энага, ана, хув ана, шу эшикнинг сўл томонидаги нақшларни ўғлинг Ашраф чизган.

Энага. Болагинамнинг қўли дард кўрмасин!

Мунажжим. Султонимизга унинг ишини кўрсат...

Ашраф. Бу гапни қўйинг, мунажжимбоши, қўйинг, худо ҳаққи... Меникиларни кўриб нима қилади. Фарҳоднинг нақшларини кўрсин.

Ширин (Маҳинбонуга кўшкни кўрсатиб). Опажон, мунча ҳам чиройлик бўлибди. Худди жаннат кўшк-я!

Маҳинбону (паришонлик билан). Ҳа... чиройлик бўлибди... (Тўхтади.) Устабоши!

Устабоши кўзи ерда, яқинлашади.

Устабоши. Фармонингизга ҳозирман, маликам.

Маҳинбону. Кўшк қачон тайёр бўлади?

Устабоши. Яна икки-уч кунлик иши қолди.

Маҳинбону. Икки-уч кун икки-уч ойга чўзилиб кетмасин.

Кўшкка кира бошлайди. Устабоши эски ўрнига қайтади.

Фарҳод (олдини тўсиб турган соқчини нуқиб, шивирлайди). Қўлингни бир оз ёнингга олсанг-чи! Сенга айтаянман... нақшларни бузаётисан...

Маҳинбону, Ширин ва уларни ўраган одамлар эшик олдига келганда Фарҳод жим бўлади. Энага ўғлининг қаршилигига қарамай, Маҳинбонуга яқинлашиб, Ашраф чизган нақшларни кўрсатади.

Энага. Мана буёққа қаранг, султоним... Менинг Ашрафгинамнинг чизган нақшларига бир қараб қўйинг.

Маҳинбону. Нима дединг, энага?

Э на га. Мана шу нақшларни менинг ўғлим Ашраф чизган.

Маҳинбону. Ашраф чизган? Чиройли.

Шу пайтда Фарҳод чидамасдан олдидаги соқчини туртиб, бақиради.

Фарҳод. Бу нима қилганинг, айиқбашара?

Маҳинбону. Нима гап? Бу ерда нима бўлаётпти ўзи?

10 *Оломон ўртасида шов-шув. Соқчилар Фарҳодга ташланмоқчи бўладилар. Маҳинбону ва Ширин зинанинг устига чиқадилар.*

Фарҳод (*кўзи ерда*). Қиличи билан отам ясаган нақшларни бузаётпти, ҳали бўёқлар қуримаган...

Мунажжим. Фарҳод!

Фарҳод ўзини босган, жим. Соқчилар унинг устига ташланишга тайёр. Маҳинбону билан Ширин Фарҳодни кўриш билан худди бирор мўъжиза кўргандай, кўзларини унга тикадилар.

20 Маҳинбону (*ўзича*). Бу қандай гўзал...
Ширин (*ўзича*). Ана бунинг йигит дейдилар!

Маҳинбону (*ўзича*). Кўра олсам эди...

Ширин (*ўзича*)... Унинг кўзлари!

Маҳинбону. Бунга тега кўрманглар. Бу йигит ўзи ким?

Мунажжим. Фарҳод деган қулингиз! Наққошлардан бўлади...

30 *Устабоши (Маҳинбонунинг оёғига йиқилади).*
Бунинг нодонлигини кечиришингни сўрайман, султоним. Ёш жонига раҳминг келсин! Бундай наққош дунёга келган эмас. Бундан кейин ҳам келмайди. Сўзларимда заррача ёлғон йўқ, султоним! Марҳамат қилиб унинг шарафага чизган нақшларига бир назар ташла...

Маҳинбону (*кўзларини Фарҳоддан узмай, ўзича*). Унинг номи...

Ширин (*кўзларини Фарҳоддан узмай, ўзича*). Фарҳод.

Маҳинбону (*ўзича*). Кўра олсам эди...

Ширин (*ўзича*). Унинг кўзлари...

40 *Устабоши. Фарҳод қулингга ва ўзини наққош деб атаган бошқа қулларингга раҳминг келсин, марҳамат қил, султоним.*

Маҳинбону (*ўзича*). Э худо!..

Ширин (*ўзича*). Унга шайдо бўлдим!

Маҳинбону (*нақшларга назар ҳам ташламай устобошига*). Урнингдан тур! Биз уста Фарҳодни саройимизнинг бош наққошлик вазифасига тайин этдик... Эртагаёқ ишга тушсин...

Маҳинбону, Ширин ва уларни ўраган одамлар, соқчилар кўшкка кирадилар.

Ашраф (*Фарҳоднинг олдидан ўтатуриб*). Қутлуғ бўлсин, Фарҳод оға, бахтли бўл!

Фарҳод саҳнада ёлғиз қолади.

Фарҳод (*ўзича*). Нега бу йигит мени «оға» деб атади? Маликамизнинг овози жуда ҳам ёқимли экан... Икковларининг ҳам кавушларинигина кўра олдим, холос... Тагин қанақа кавушлар денг-а, худди пистапўчоққа ўхшайди. Шундай қилиб бош наққош ҳам бўлиб қолдик... Бир амал бўлди-ю, калла омон қолди... Демак, нақшларим ёқибди...

Фарҳод орқага чекиниб шарафадаги ўз нақшларига қараб, ўйланиб қолди.

Яша-э, уста Фарҳод!.. Нега у мени Фарҳод оға деди? Офарин, уста Фарҳод! Қўлларинг дард кўрмасин. Лекин мана бу ерини яна бир оз...

Ширин киради, Фарҳод уни кўрмайди. Ширин Фарҳодни орқа томондан кузатади.

Ширин (*ўзича*). Мунча синчиклаб нимага қараётибди экан. Ҳа, мана шу нақшларга экан... Бу нақшларни Ашраф чизган бўлса керак? Фарҳод, Фарҳод... Бир қайрилиб менга қарасанг-чи...

Фарҳод (*ҳали ҳам ўйчан ўз нақшларини кўздан кечирмоқда, ўзича*). Яшил бўёғингнинг шуъласини, ялтираб туришини қара-я! Бўёқни неча хил кўкатдан ишлаб чиқардинг! Отанг ҳам сирини билмайди...

Ширин (*ҳали ҳам Фарҳодни кузатмоқда, ўзича*). Фарҳод, Фарҳод... Бир қайрилиб боқсанг-чи! Кўзимиз-кўзимизга тушса-чи!.. Ялт этган қиличдай рўпарамда тик турсанг-чи!

Фарҳод (*ўзича*). Лолаларни айтинг, қайси қалам билан чизганингни бари бир тополмайдилар. Офарин, наққошбоши, офарин, уста Фарҳод!

Шу топда Ширин дарахтдан битта олма узиб, Фарҳодга ота-

ди. Фарҳод ялғ эгиб орқасига қарайди. Ширин билан юзма-юз келадилар. Фарҳод шошиб бошини эгиб, кўзини ерга тикмоқчи бўлади. Лекин уйда қила олмайди. Ширинга тикилади, яна ерга қарайди, бошини эгади, яна кўтаради, ниҳоят юзини қўлла-ри билан бекитади.

Ширин. Юзингни бекитма. Нега кўзларингни яши-раётисан? Бошингни кўтар!

Фарҳод. Кўзларим... (Юзини очади.)

10 Ширин. Фарҳод! Мен мана бу эшикдан қочиб чиқ-дим... Мени қидириб қоладилар... Тезроқ менга қара... кўзларимга қара...

Фарҳод. Қаролмайман. Қуёшга қарагандай, кўз-ларим қамашиб қолаяпти!

Ширин. Менинг ҳам кўзларим шундай бўлаяпти!

Шу пайтда эшикдан Ашраф кўринади. Фарҳод билан Ши-ринни кўриб, билдирмасдан яна ичкарига кириб кетади.

20 Фарҳод (Ширинга яқинлашиб). Сен қандай тен-так, қандай шўх, қандай сеҳргар, қизилгина, яшилгина, лоладаккина, нақшдаккина қизсан! Агар мен ўзимни тута олмасам, товушим борича ҳайқириб юборардим. Ҳайтовур ўзимни тута оламан... (Шириннинг елкасидан тутиб, бўйнидан ўпади.) Сен маликамининг чўрилари-данмисан?

Ширин. Йўқ, Фарҳод!.. Менинг отим Ширин...

Фарҳод (Ширинни ўзидан нари итариб). Оҳ... Мендан қанчалар узоқсан. Мен тонг юлдузига ошиқ бў-либман-да!..

ИККИНЧИ ПАРДА

Интермедия

30 Ашраф, Фарҳод ва энага ўнг томондан ёпиқ парда олдига чиқадилар. Энага тўхташи билан улар ҳам тўхтайдилар.

Энага. Бир оз тўхтанглар... Юрагим қинидан чи-қиб кетай деяпти!

Ашраф. Балки, биздан бирор нарсани яширган-дирсан? Айта қол, ойижон!

40 Энага. Ҳеч нарса яширганим йўқ, ўғлим... Аммо тўғрисини айтганда... Йўқ, йўғе ташвиш тортма... Бу томонда бирор киши қолгани йўқ. Ҳаммасини атрофга тарқатдим... Оҳ, ўғилгинам-э, ўғлим... Бошимга қандай кунларни солдинг! Сени наққошликка шайтон васваса қилди-ку! Истасанг, вазир бўлишинг ҳам мумкин эди.

А ш р а ф. Шу топда бу гапларингни қўйиб тур, она-жон... Шу қилаётган ишларингни ёлғиз мен учун деб ўйлаш мумкин!

Э н а г а. Бу гапинг-ку тўғри-я... Мен сенга ишнинг устини очиб қўймасайдим, сен ҳам ҳадеб «шу ишни қиласан» деб тиқилинч қилавермасайдинг, бу ишни сира қилмасдим. На Ширинсултон учун, на бошқа учун... Ҳатто раҳматлик отанг гўрдан тирилиб келганда ҳам...

А ш р а ф (Фарҳодга). Ваъданг ёдингдами, Фарҳод ога? Яъни айтмоқчиманки...

Ф а р ҳ о д. Биз гаплашиб олмаганмидик, ахир?

А ш р а ф. Яна бир гаплашиб олайлик... Шундай қилиб эртага эрта билан...

Ф а р ҳ о д (Ашрафнинг сўзини бўлиб). Эртага эрта билан менинг уйимга келасан, мен сенга ўша яшил бўёғимнинг, яъни ер юзида мendan бошқа ҳеч ким билмайдиган янги бўёғимнинг сирини айтаман, ўргатаман.

А ш р а ф. Лола чизадиган қаламни ҳам...

Ф а р ҳ о д. Буни гаплашмаган эдик-ку.

А ш р а ф. Мана ҳозир гаплашаяпмиз-да!

Ф а р ҳ о д. Хўп, бўпти. Лола чизадиган қаламимни ҳам бераман. Хўш, тағин нима? Бошқа гап йўқми? Шу топда сўраб қолсанг-чи, қани бошқа сўрайдиганинг йўқми? Сўраб қол!

Э н а г а (Ашрафга). Ашрафгинам, оҳ Ашрафгинам! Сенинг бутун ақлу ҳушинг шу бўёқларда, қаламларда! Ваҳолонки, агар истасайдинг...

А ш р а ф. Ой,и шу бачкана гапларингни қўй, дедим-ку. Қани кетдик.

Кета бошлайдилар. Ашраф бирданига тўхтади.

Алланима тиқирлаб кетдимми?

Э н а г а. Йў-ў-ўқ, жоним... Хавотир олма, ҳеч ким йўқ. Бировни ўлдириб кетса ҳам билмайди бу ерда...

А ш р а ф. Хўп, кетдик. (Юра бошлайдилар.) Сендан бир нарсани сўрамоқчи эдим, уста Фарҳод, наҳотки, санъатимнинг сирларини қўлдан чиқариб қўяётибман, деб юрагинг сира ҳам ачинмаса?

Ф а р ҳ о д. Йўқ.

А ш р а ф. Ўзингга жуда ҳам ишонганлигингдан бўлса керак. Ҳа майли, булар қўлимдан чиқса-чиқар, мен яна янгисини ижод қиламан, деб ўйлайсан-да, ана шунинг учун...

Ф а р ҳ о д. Йўқ, бунинг учун эмас.

А ш р а ф. Бўлмаса нима учун?

Фарҳод. Тушунтиришга анча вақт керак, худо ҳаққи, бу гапни тушунтириш ҳам қийин, тушуниш ҳам қийин.

Парда бирлашган ерда энага тўхтайди.

Энага. Ана келдик... (Фарҳод билан Ашраф ҳам тўхтайдилар.) Мен шу ерда тураман. Ашраф ичкари эшикни кузатсин... Қани киравер, уста Фарҳод...

Фарҳод парданинг икки томонидан ушлаб оча бошлайди.

Учинчи кўриниш

- 10 *Шириннинг уйи. Тун. Ширин сабрсизлик билан юриб турибди. Фарҳод кирганда Ширин тескари қараб туради, Фарҳод овоз беради.*

Фарҳод. Ширин!
Ширин (ўзирилиб). Фарҳод!

Бир-бирларига қараб кела бошлайдилар. Юзма-юз турадилар. Бир-бирларининг кўзларига тикиладилар.

Фарҳод (ўзича). Томоша қил, тўйиб ол, Фарҳод. Инсоннинг юзи нақшлардан ҳам гўзал бўлар экан!

- 20 Ширин (ўзича). Мўйловлари ингичка, қоп-қора.
Фарҳод (ўзича). Сен Ширинга етиша олдинг, Фарҳод! Ваҳолонки, бунинг учун тоғларни ўрнидан қўзғатишинг керак эди...

Ширин (ўзича). Елкалари мунча кенг экан... Қомати келишган!

Фарҳод (ўзича). Чўлларни босиб ўтмоғинг керак эди...

Ширин (ўзича). У тағин қўлларимдан ушлайди...

Фарҳод (ўзича). Турналардан хабар сўрмоғинг керак эди...

- 30 Ширин (ўзича). Яна бўйнимдан ўпади...

Фарҳод (ўзича). Зиндонларга тушмоғинг керак эди...

Ширин (ўзича). Қўлларимдан тутиб, бўйнимдан ўпади.

Фарҳод (ўзича). Темир совутли қўшинлар билан жанг қилмоғинг керак эди. Ҳолбуки, сен жуда осонлик билан Ширинга етиша олдинг, Фарҳод!

Ширин (ўзича). Энг аввал унга олма отган сен

бўласан, Ширин. «Кўзларимга тикил» деб айтган ҳам биринчи сен бўласан, Ширин!

Ф а р ҳ о д (ўзича). Энг гўзал нақшни ҳам инсон юзига тенг қилиб бўлармикин?

Ш и р и н (ўзича). Уни ўз хонанга чақирган сенсан...

Ф а р ҳ о д (ўзича). Гўзалликнинг мунчалик зулми бўлар экан...

Ш и р и н (ўзича). Ширин, сен султоннинг синглиси бўлмай, оддий камбағал бир қиз бўлганинда, унга олма отармидинг?

Ф а р ҳ о д (ўзича). Фарҳодим, нега бунчалик қайғулисан?

Ш и р и н (ўзича). Агар оддий бир камбағал қиз бўлганимда нима бўлиши хаёлимга ҳам келмапти...

Ф а р ҳ о д (ўзича). Ҳой Фарҳод! Бу гўзаллик сени чўктириб қўяди...

Ш и р и н (ўзича). Бари бир олма отардим, «кўзларимга тикил» деярдим.

Ф а р ҳ о д (ўзича). Сен Ширинга осонгина етиша олдинг, Фарҳод. Етишдим деяпсанми? Унга етишмоқ мумкинми? У сендан шунчалар узоқ... Сен йўлингдан адашдинг, Фарҳод...

Ш и р и н (ўзича). Мўйловлари мунчаём қоп-қора!..

Ф а р ҳ о д (ўзича). Фарҳодим, дўстим, айт менга: нега мунчалик қайғулисан?

Ш и р и н (ўзича). Ана, ҳозир қўлимдан тутади...

Ф а р ҳ о д (ўзича). Ана, у рўпарангда таслим бўлиб турибди... дадил бўл, Фарҳод!

Ш и р и н (ўзича). Ана у, ҳозир қўлимдан тутади, мени ўпади...

Ф а р ҳ о д (ўзича). Ҳа, Фарҳод, нимани кутаяпсан, дадил бўл!

Ш и р и н (ўзича). Ўпади...

Ф а р ҳ о д (ўзича). Қўлларида тут, худди ўша кунгидек ўп!

Фарҳод Шириннинг қўлидан тутади ва ўпади. Ширин Фарҳоднинг қучоғидан чиқиб, ўзини катга ташлайди. Фарҳод тикка турганича қолади. Кат устидаги катта қумуш идишда олмалар турибди. Ширин шу олмалардан биттасини олиб Фарҳодга кўрсатади.

Ш и р и н. Бу ҳам сенга отган олма дарахтининг меваси. Шу олмаларнинг ҳаммаси ҳам ўша дарахтдан... (Олмани секин-секин арта бошлайди.) Фарҳод, бугун келмассан деб жуда қўрққан эдим.

Ф а р ҳ о д. Қўрқдинг? Сен билардинг-ку!

Ш и р и н. Нимани билардим? Гапир!

Ф а р ҳ о д. Бу кеча Ашраф ичкари эшикда кузатувчилик қилиб туришини.

Ш и р и н. Буни билардим...

Ф а р ҳ о д. Энага менга ёрдам берди. Етоқхонанинг орқа томонида яширин нарвон бор экан...

Ш и р и н. Биламан... Қўявер, уни. Уни ўйламай қўя қол!

10 Ф а р ҳ о д (*хаёл суриб*). Энага... Ашраф... Ҳалиги яширин нарвон сабаб бўлди-ю, шунчалик қулайлик билан, шунчалик осонлик билан...

Ш и р и н. Тушунаман... Қандай ўтган бўлсанг ҳам ўтгандирсан, аммо шу келишингнинг ўзи сени қувонтирмайдими, шунинг ўзи сенга кифоя эмасми? Етишмоқликнинг ўзи шу етишмоқлик йўлидаги ҳамма воситаларни унутдиргани йўқми? Менга етишмоғининг ўзи сенга Ашрафни ҳам, энагани ҳам, яширин нарвонни ҳам унутдирмайдими?

20 Ф а р ҳ о д. Сенга етишмоқ — бутун оламга етишмоқдир! Мен учун сенинг юзингни кўрмоқ, сенинг овозингни эшитмоқ, сенинг сочларингни силамоқ, бутун бир дунёни кўрмоқ билан тенг, уни қўл билан ушламоқ демакдир. Аммо ўша энага, Ашраф ва яширин нарвонни унутиб бўлмайди. Ширин, сенга етишмоқ учун нима қила қолдим? Жонимни ўртага солганим йўқ, озодлигим таҳликада қолгани йўқ... Бирор жабр-жафо тортганим йўқ!

30 Ш и р и н. Энага айтди, сен Ашрафга сирларингни очмоқчи...

Ф а р ҳ о д. Арзимаган гап! Ўзим билиб олган санъатимнинг сирини айтмоқчи бўлганман...

Ш и р и н. Беш ойдан буён ишламаётган эмишсан, ростми?

40 Ф а р ҳ о д. Ҳа, ишлай олмаяпман! Ҳов ўша кундан буён... Қўлимга қалам оламану, лолалар чиза бошлайман. Қарайман, чизган лолаларим сенга муносиб эмас... Учириб ташлайман. Битта лоланинг ичига бутун дунёни сиғдира олсам, нурнинг бутун жилвалари, рангнинг бутун товланишлари, бутун севгилари билан бирга, жабру жафолари, умидлари билан бутун дунёни, яъни сени шуларнинг мазмунига сиғдира олсам эди. Ширин! Шу лолага сени сиғдиrolмаганимдан кейин, у наққошлик бўлдим, наққошлик эмас, уят...

Ш и р и н. Бундан чиқадики, мени астойдил соғинмас экансан-да!

Фарҳод. Соғинмас эканман?!

Ширин. Соғинганингда эди, мени битта лолага сиғдирилган бўлар эдинг.

Фарҳод. Лоланинг қандай чизилишини биласанми, Ширин? Худди шеър ёзгандай, худди қўшиқ басталагандай, худди бино қургандай, худди темир тоблагандай, ер ҳайдаб экин эккандай! Лола нақш этмакнинг ўз усули бор, ўз низоми бор... Менинг соғинишларимнинг ўлчови ҳам йўқ, ҳадди ҳам!.. Мен ўз ёримни лолада акс этдирилдим, деган наққош, ишон менга, Шириним, ё ёлгончи бўлади, ё тентак, ё ўз хунарини ёри билан аралаштириб юборган, ёхуд тўғриси билатуриб ёлгон айтган бўлади. Наҳотки унинг ҳасратлари, соғинишлари битта лолага сиққундай кичкина бўлса! Биз ўз ҳасратимизнинг мингдан биринигина ўз нақшларимизга сиғдира оламиз, мингдан биринигина. Ортиғига хунаримиз ожиз.

Ширин арган олмасининг ярмини кесиб Фарҳодга узатади.

Ширин. Олманинг ярмиси сен, ярмиси менман... Нега ўтирмайсан?

Фарҳод. Қўявер, узоқдан тикилиб дийдорингга тўяй.

Ширин. Нега яқиндан эмас? Яқиндан хунук кўри-наманми?

Фарҳод. Сен яқиндан ҳам, узоқдан ҳам гўзалсан, ҳамма жойда, ҳаммавақт сўзлашиб турган шу туркча тилинг каби гўзалсан, Ширин!

Ширин. Нега ёнгинамда, худди чаманда ўтиргандай тиззама-тизза, юзма-юз ўтиришни истамайсан?

Ширин Фарҳодни қўлидан тортади. Улар юзма-юз ўтирадилар.

Ширин. Ҳамма вақт мен биринчи бўлиб олма отишим керакми? Айт-чи...

Фарҳод. Чунки сен султон вориссан...

Ширин. Буни мен ўйлаб кўрдим, Фарҳод.

Фарҳод. Ўйлаб кўрдингми?

Ширин. Мабодо мен, арзинли камбағал бир қиз бўлганимда ҳам...

Фарҳод. Нима қилар эдинг?

Ширин. Сенга олма отардим... кўзларимга тикил, дер эдим.

Фарҳод. Шундай қила олардим деб ўйлайсанми, Ширин?

Ш и р и н. Албатта.

Ф а р ҳ о д. Қошки арзинли камбағал бир қиз бўлсанг эди.

Ш и р и н. Ушанда нима бўлар эди?

Ф а р ҳ о д. Узимники бўлар эдинг, Ширин! Аммо сен султоннинг қизисан, мен эса оддий бир наққошман. Лекин ҳунаримни пастга урмайман. Уни бутун ҳинд подшоҳлигига ҳам алмаштиргим йўқ.

10 Ш и р и н. Ҳалигина наққошликни номус деб айтган эдинг-ку?

Ф а р ҳ о д. Ҳа, номус, у ҳасратимни бир лола нақшига сиғдиролмайди. Лекин ҳарҳолда, у менинг санъатим, у мени гўзалликни севишга ўргатди, ранг ва чиқиқлар ёрдами билан мен олам ҳуснини тошга ўя оламан.

Ш и р и н. На мен султон қизиман, на сен наққош! Лолаларинг билан менинг ишим йўқ. Сен Фарҳодсан, мен эса — Ширин. Мен тайёрман. Олиб кет мени, қочамиз!

20 Ф а р ҳ о д. Нима деяпсан?

Ш и р и н. Фарҳод, менинг Фарҳодим! Сенга чин кўнглимдан рост ва қатъий айтаман: Фарҳод! Мен сени севаман! Мен сеникиман! Мен тайёрман. Олиб кет мени, қочамиз! Бу сафар хизматкор ҳам, энага ҳам йўқ, бизга ҳеч ким ёрдам бермайди. Фақат ётоқхонамнинг эшиги ва унинг орқасида қилдан ингичка, қиличдан тез... пулсиротдай нарвон бор, холос... Тутулиб қолсақ, сени ўлдирадилар ёхуд зиндонга ташлайдилар, у ерда сен то ўлгунча чириб ётасан. Эшитаяпсанми? Менга эришиш учун сен жонингни ўртага қўйишинг керак! Мен тайёрман! Қочамиз, Фарҳод!

30

Ф а р ҳ о д (*Шириннинг қўлидан ушлаб*). Қочамиз!

Саҳна олдига юриб борадилар, Фарҳод бирдан тўхтади.

Тўхта!

Ш и р и н. Нима гап! Нима учун?

Ф а р ҳ о д. Мен яшил бўёқ билан лола чизадиган қаламимнинг сирини ёзиб қолдиришим керак. Ашрафга ваъда қилган эдим...

40 *Фарҳод чап қўли билан Шириннинг биллагидан тутган ҳолда ўнг қўли билан жайрон терисига ёза бошлайди.*

Энага бу ерга киради, бизни тополмагандан кейин Ашрафни чақиради. Ҳаммаёқни тинтийдилар, шунда бу хатни ҳам топиб оладилар.

Ш и р и н. Билагимни қўйиб юбор, бемалол ёзасан.

Ф а р ҳ о д. Йўқ, қўймайман.

Ш и р и н. Оғрийпти... қўйиб юбор!.. Йўқ, оғриётгани йўқ, билагимни қўя қўрма!

Ф а р ҳ о д (хатни ёзиб битиради). Қани, кетдик!

Саҳна олдига келадилар. Ф а р ҳ о д бир қўли билан пардани бекитади. Ш и р и н ни кўтариб олади.

Ш и р и н. Мени ўп!

Ф а р ҳ о д. Йўқ... сен меникисан! Мен ўзимники бўлган нарсани ўғриларча ўпмайман!

Тўртинчи кўриниш

Маҳинбону саройида тахтхона. Оқшом вақти. Бу тўртинчи кўриниш бораётган вақтда саҳна аввал қизғин шуғла билан ёритилган бўлади (кун боғиш), кейин бора-бора қоронғулашади. Маҳинбону жунжикиб, оёқларини йиғиб тахтда ўтирибди. Ҳузурда вазир. Дарчалар очиқ, кўк юзи кўринмоқда.

М а ҳ и н б о н у (бошини кўтариб, дарчага қарайди). Кеч ҳам кирди.

В а з и р. Маликам, шамларни ёқишни буюрадиларми?

М а ҳ и н б о н у. Кераги йўқ... Ҳаво салқинлашдими, ё ўзим увушиб кетаяпманми?

В а з и р. Дарчаларни ёпишни буюрадиларми?

М а ҳ и н б о н у. Йўқ... Нафасим сиқилиб кетаяпти.

Маҳинбону ўрнидан қўзғалиб, дарча ёнига келади, вазирга орқасини ўзган ҳолда туради.

Энага билан Ашраф тергов қилиндими?

В а з и р. Ҳа, маликам. Мен бу тўғрида ўзларини хабардор қилган эдим.

М а ҳ и н б о н у. Уларга азоб берилгани йўқдир-а, вазир? Азоб берилгани йўқми?

В а з и р. Йўқ, маликам, ахир ўзингиз шундай амр этмаганмидингиз?

М а ҳ и н б о н у. Айт-чи, уларга азоб берилмаганига аминмисан?

В а з и р. Албатта, маликам. Аммо бу иш қулингизнинг ихтиёрида бўлганда эди...

М а ҳ и н б о н у (ўғирлиб вазирнинг юзига тикилади). Ҳа, агар сенинг ихтиёрингда бўлса, улар аллақачон чормихга терилиб, икковининг ҳам калласи олинган бўлар эди!

В а з и р. Гуноҳларига яраша! Гарчи қочқинларга ёрдам бермаган бўлсалар ҳам, бўёқчини ҳарамга шулар олиб кирган!

Маҳинбону. Сенга қолса, қочоқлар ҳам қўлга тушиши биланоқ... (*Жим бўлади.*)

В а з и р. Қўлга албатта тушади, маликам. Орқаларидан тўрт юз отлиқ из қувиб кетди. Чор атрофга чопар юбордим.

10 Маҳинбону. Сенга қолса, эҳтимол қочганларни хачирга судратдириб, парча-парча қилдиар эдинг!

В а з и р. Йўқ, бу бебош наққошни қирқ хачирга судратиб парчалаш ҳам камлик қилади. Аммо Ширинсултоннинг бир тола сочига ҳам қўл тегизмоққа менинг ҳаддим йўқ.

20 Маҳинбону. Ҳаддинг бўлганда-чи? Нега жавоб бермайсан? Нега ёлғон гапираётибсан, вазир? Сен аслида Ширинни ёмон кўрасан-ку, мени билмайди дейсанми? Унинг кўшқини кўргани ҳам бирор марта борган эмассан. Шундай эмасми, вазир? Ўз нафратингни ошкора қилишга наҳотки юрагинг ботинмаса? Сен Ширинга душмансан! Хўш, нега жавоб бермайсан? Нега жимсан?

В а з и р. Сиз ҳақлисиз, маликам!

Маҳинбону. Нақадар ярамас одамсан!

В а з и р. Мени яхши инсон қила оладиган биргина нарса бор эди. Уни ҳам Ширин олиб олди...

30 Маҳинбону. Биладан, сени яхши инсон қила оладиган — менинг гўзаллигим эди. Аммо уни мен ўзим фидо қилдим. Бунга пушаймон эмасман! Ўзим бердим... Ана шунинг учун ҳам эркаклардан фақат сенгина менинг юзимга қарай оласан. Аммо, вазир, сен мени ҳам ёмон кўрасан. Сен менинг ҳам душманимсан. Сен инсон эмас, бўриси!

В а з и р. Мени бўри қилган ўзингизсиз!

Маҳинбону жавоб бермайди. Яна дарчага қараганча туриб вазирга гапиради.

Маҳинбону. Агар қочганларга қўл тегиза кўрсанг, шуни яхши билки, ўзингга ҳам, отлиқларингга ҳам ёмон бўлади.

40 В а з и р. Хўп, маликам... Бош устига. Қочганларнинг битта мўйига ҳам зарар етказилмайди...

Маҳинбону (*ўз-ўзига*). Қандай гўзал оқшом! Нақадар гўзал оқшом, ё худо! Олам мунчалар гўзал!.. (*Вазирга ўгирилиб, юзига тикилади.*) Вазир, сен ҳам билар эдинг-а?

В а з и р. Нимани, маликам?

М а ҳ и н б о н у. Фарҳодни севганимни...

В а з и р. Билар эдим.

М а ҳ и н б о н у. Аммо фақат сен билар эдинг. Сендан бошқа буни ҳеч ким пайқай олмасди.

В а з и р. Ширинсултонга сир бериб қўймаганмидингиз?.. Энагангизга-чи?..

М а ҳ и н б о н у. Йўқ, ҳеч. На сўз билан, на имошора билан. Уялар эдим...

В а з и р. Энага-ку овсар бир хотин... Аммо Ширинсултон қандай сезмай қолдйкин! Аминманки, унга ҳамма нарса аён эди!

М а ҳ и н б о н у. Йўқ, у билмас эди...

В а з и р. Билганида ҳам, бари бир...

М а ҳ и н б о н у. Мунча ҳам тилинг заҳар! Гап билан илоннинг ҳам уйқусини қочирадиган одамсан... Менинг ҳам кўксимда илон бор. Юрагимнинг чуқур жойида кулча бўлиб ухлаб ётибди... йўқ, ухлаётгани йўқ! У бошини кўтариб, ҳавони искамоқда... Йўқ, мен малоика эмасман, вазир! Малоика эмасман, юзимга бир боққан билади... Малоика эмасман... Юрагим ўртаниб кетаяпти... Азоб чекаяпман... Тушунаяпсанми? (*Яна дарчага қарайди.*) Шаҳарда ўлат пайдо бўлганини кеча сен айтган эдинг шекилли?

В а з и р. Шундай, маликам халқ ўлатдан қирилмоқда. Илгари вақтлари, сизнинг марҳум отангиз ҳукмрон бўлган йилларда ҳам худди шундай бўлган эди. Арзинликлар шу сувни ичаверса, бундан кейин ҳам шундай бўлади.

М а ҳ и н б о н у. Ўзингга маълумки, Темиртоғ булоқларининг сувини шаҳаримизга келтиришнинг ҳеч иложи йўқ.

В а з и р. Ҳа, иложи йўқ. Тоғда шундай қоялар борки, унда ишлаб бўлмайди. Орасига фақат биргина киши сиғади. Бир киши эса, бу қояларни юз йилда ҳам кесиб ўта олмайди. Марҳум отангиз даврида ҳам бунга кўп ҳаракат қилинган...

М а ҳ и н б о н у. Биламан, вазир.

В а з и р. Чашмалардан шу хилда — сув ўрнига йиринг оқаверса, халқ қирилиб битади!

Маҳинбону вазирга қайрилиб қарайди.

М а ҳ и н б о н у. Нима дединг? Вазир, нима дединг? Чашмалардан сув эмас, йиринг оқаяпти дедингми?.. Таажжуб! Эсингдами — анави номаълум одам ҳам худди

шундай деган эди. Нақадар бадбашара одам! Ё раб-бий! Нақадар хунук! Ёдингдами? У менга: «Бадбашара бўлишга-ку бўласан, аммо менчалик расво бўлмайсан», деган эди. Эсингдами?

В а з и р. Эсимда, маликам.

М а ҳ и н б о н у. Нега сен ўшанда уни ўлдириб қўя қолмай, ўзингни ўлдирмоқчи бўлдинг? Сенга нима дегани эсингдами? «Севишни билмас экансан, вазир! Қўрқоқларча севар экансан! Фақат ўзингни севар экансан!»

10 деган эди. Шу гапларни рўйирост айтгани ёдингдами?

В а з и р. Ёдимда, маликам.

М а ҳ и н б о н у. Шу гаплари ёлгонмиди?

В а з и р. Йўқ, тўғри. Аммо, сиз ҳам севишни билмайсиз, маликам.

М а ҳ и н б о н у. Мен-а? Яккаю-якка синглим Ширинни қутқармоқ учун...

В а з и р. Синглингизни севишни уdda қилолдингиз, маликам. Ҳеч бир эгачи ўз синглисини бунчалик севган эмас.

20 М а ҳ и н б о н у. Ҳа, ўша келган одам ҳам шундай деган эди... Ҳеч бир опа ўз синглисини сенчалик севмаган, бундан кейин ҳам сева олмайди... Бундан кейин ҳам сева олмайди.

В а з и р. Сиз синглингизни севасиз, лекин Фарҳодни...

М а ҳ и н б о н у. Фарҳодними?

В а з и р. Сиз уни севмайсиз.

М а ҳ и н б о н у. Бас, гапирма!

30 В а з и р. Азоб-уқубатлардан қутулмоқ учун ўшанда ўзимни ўлдирмоқчи бўлган эдим... Ўша топда, дунёдаги энг қимматли нарсам қўлимдан чиқиб кетаётган пайтда... Шундан бошқа чора тополмадим. Қад букиб ёлворидан, ҳашаротдай ўрмалашдан шуни афзал билдим. Ваҳолонки, уни ўша вақтдаёқ ўлдиришим керак эди! Тўғри, мен қўрқоқлардай севар эдим. Аммо билиб қўйки, қизим, сен ҳам худди шундай севасан. Йўқотган нарсангни қайтариб олишга жасорат қила олмайдиган даражада қўрқоқсан. Ўз ҳузур-ҳаловатингни шу қадар ардоқлайсанки, ҳатто бутун бойлигингни тортиб олган одамни янчиб ташлагани ҳам қўрқасан, ҳа, қўрқасан...

40 М а ҳ и н б о н у. Бас! Худо ҳаққи, бас қил!..

В а з и р. Сен Фарҳодни севмайсан, қизим! Сен уни Ширинни севгандай сева олмайсан... Ширинга-ку гўзаллигингни бердинг, лекин айт-чи, Фарҳодга нима бердинг?

Маҳинбону. Хўш, Фарҳодга нима беришим керак? Шириннинг севгисиними?.. ёки унинг калласиними?

Вазир. Шириннинг калласини? Йў-ў-қ, йўқ! Бундай қонли ҳадянинг ҳожати йўқ. Истасанг, шу тортган азоб-уқубатлардан қутулиш учун, менинг сингари, ўз-ўзингни ўлдиришга уриниб кўришинг мумкин, ёки бўлмаса... *(Бирданига жим бўлади.)*

Маҳинбону. Хўш, нимага жим бўлиб қолдинг? Хўш?

Вазир. Ёки бўлмаса... Фарҳодни тахтингга шерик қиласан... Арзинли фақир наққош салтанат ҳашаматининг шуъласи остида тез фурсатда Ширинни унутади, ҳа, инон менга!

Маҳинбону. Нималар деяпсан?

Вазир. Вужудингни кўз ўнгинга келтир, маликам, вужудинг шу қадар ёш, ахир эндигина йигирмага киргансан, бутун мамлакат хотинлари аро бунчалик сўлим, гўзал вужуд топилмайди.

Маҳинбону. Эсингни едингми, тентак! Нималар деяпсан!

Вазир. Ширин бўлса бир муддат оҳ-воҳ тортиб юради-да, сўнг унутади.

Маҳинбону. Унутмайди!

Вазир. Унутади!

Маҳинбону. Фарҳодни унутиб бўлармиди?

Вазир. Сен севмайсан, қизим! Сизга севги бегона, маликам!..

Жим қоладилар.

Маҳинбону. Дарчаларни ёптир, совқотдим!

Вазир *(дарчаларни ёпади)*. Шамларни ёқтирайми?

Маҳинбону. Йўқ... Кет. Ёлғиз қолишни истайман... *(Вазир кета бошлайди.)* Тўхта... Менга энагани айтиб юбор... Ашрафни зиндондан бўшатишлар!

Вазир *(таъзим қилиб)*. Фармонингиз — қонун, маликам.

Вазир кетади. Маҳинбону бирпас жим қолади, кейин, тентираб бир-икки қадам босади, деворга суяниб қолади.

Маҳинбону *(ўзича)*. Вужудим... баданим... эндигина йигирма ёшга кирганман. Болдирларим, кўкракларим, қўлларим, бўйним... Билакларим оқ каптарнинг боласидай... ҳали тип-тиниқ, шу билакларимни катта, буғдойранг қўлларингга олиб эркалашинг, мижиғла-

- шинг мумкин эди, Фарҳод... Фарҳод... Оҳ, тангрим, мен уни нақадар севаман! Қани энди билакларимдан тутса-ю... бошини кўксимга босса... Бундай чанқоқ, бундай дод солаётган, тентак бўлаётган ёлғиз баданимгина эмас... Юрагим ҳам, бошим ҳам... Оҳ дардим, ҳасратим! Овозини тингласам! Юзларини томоша қилсам... Ё тангрим, мен уни нақадар севаман! Ҳатто шу топда ҳам... шу зумнинг ўзида ҳам... ҳеч қандай умид бўлмаган ҳолда! Балки умид бўлмагани учун шундайдир?.. Энди
- 10 нима қилай? Мунчалар чорасизман! Қалбим қонли ярадай... Бунчалик аламга қандай чидай оламан? Рашким беомон! Уламан! Мени ўлдилинг, йўқса мен уларни ўлдираман!.. Шириним. Сингилгинам... азизим... Ўлдираман сени! Фарҳод, севгилим, қонингни тўкаман; мен сенинг қонингни тўкаман!.. Инсонлар! Менга раҳмингиз келсин! Ё тангрим... Мен нималарни ўйламоқдаман? Ўйламаслик керак! Ҳеч нимани ўйламаслик керак! Бу девордаги ёруғлик қаердан тушаяпти? Қуёш ботаяптими? Ўйламаслик керак. Ҳеч нимани ўйламаслик керак.
- 20 Қуёш ботаётганини ҳам ўйламаслик керак... Фарҳод... Ширин... Ширингинам... яккаю-ягона синглим... У ўлиб кетаётган эди, мен уни қутқардим! Мен, мен қутқардим! Мен... Энди пушаймон бўлаётибманми? Йўқ! Яна аввалгидай гўзал бўлиб қолсам эди... Фарҳод... Фарҳод... Яна аввалгидек гўзал бўлсаму, яна бировни қутқазим зарур бўлиб қолса... Фарҳод... Мен Ширинни яна қутқардим! Девордаги шуъла худди қулупнай сувидай... Сенга шарбат келтирайин... сен муз солинган шарбатни севасан-ку... Пушаймонмиман? Укинаётибманми?

30 *Энага кириб, эшик ёнида ўзини йўқотган ҳолда Маҳинбону га қўрқиб қараб туради.*

Энага. Маликам...

Маҳинбону (*ўзига келиб*). Оҳ, сенмидинг?.. Нима қилиб турибсан? Ичкари кир... Улар сени тоза қийнадиларми? (*Энага томон боради. У Маҳинбонунинг оёқларига йиқилади. Йиғлайди. Маҳинбону унинг қўлидан ушлаб турғизади.*) Тур, йиғлама. Йиғлама... (*Маҳинбону катга ўтиради. Энага унинг оёқлари тагида, ерга чўқади.*) Яқингинада бошқа бир хонада, бошқа бир

40 вақтда иккимиз худди мана шундай ўтирган эдик, сен ўшанда ҳам худди мана шундай, оёқларим тагида ўтирган эдинг, иккаламиз бир беморга қараганимиз эсингдами? Ўлим тўшагида ётган бир касалнинг тепасида... Беморимиз тузалмоқда эди, ошиқ бўлди, қуш бўлди-ю, инини ташлаб, пирр этиб учди-кетди.

Энага. Худо ҳаққи, менинг бунда заррача гуноҳим йўқ, маликам! Мана бўйним қилдан ингичка, худо ҳаққи, менинг гуноҳим йўқ!

Маҳинбону. Ҳеч кимнинг гуноҳи йўқ... Айтдим, Ашрафни бўшатиб юборадилар.

Энага. Тупроқ олсанг — олтин бўлсин, қилган ишинг ойдин бўлсин. Худоё-худовандо...

Маҳинбону. Тўғрисини айт, сизларни қийнашмадимми?

Энага. Йўқ, маликам, қийнамадилар...

Маҳинбону. Хўш мен-ку, ахир, сенинг ўз қўлинг-да туғилганман... қани айт-чи, қандай қилиб сен менга...

Энага. Оҳ, болагинам! Болажоним! Онанинг юраги чидаб туролмас экан! Бола туққанымдан кўра, тош туға қолсам бўлмасмиди... Ҳар бир нарсани онадан талаб қиладилар! Худди жўжалар сингари, бир умр катта бўлмайдиган жўжалар сингари, ҳадеб талаб қилаверадилар! Ашрафнинг наққошликка бўлган ҳаваси ҳам тинкамга тегди. Ҳа деса «ўша бўёқнинг сирини билмоқчиман», дейди, қистайди. Ҳол-жонимга қўймади. Менга қолса-ку ҳеч қачон...

Маҳинбону. Биладан. Хўш, айт-чи... энди пушаймонмисан?

Энага. Нега пушаймон бўлмас эканман. Минг марта, юз минг марта пушаймонман. Сенга хиёнат қилган бўлсам, ҳарамингга бегона эркаки олиб кирган бўлсам, тагин пушаймон ҳам бўлмайми?

Маҳинбону. Мен сендан буни сўраётганим йўқ! Ашрафнинг ўша сирни билиб олиши учун қилган ёрдамингга пушаймонмисан, деб сўраётиман.

Энага. У ўша сирни билолмади! Болагинамнинг толеи йўқ экан. Уста Фарҳод ўз сирини жайрон терисига ёзиб қолдирган экан, ўша терини қўлимиздан тортиб олдилар.

Маҳинбону. Айтаман, қайтариб беришади.

Энага. Оҳ, маликам! Болам! Бизнинг бўйнимизни уздирсанг арзир эди... *(Йиғлайди.)*

Маҳинбону. Йиғлама... йиғлама... яхшиси, менга тўғрисини айт, сира пушаймон эмасман, дегин, агар ўғлим Ашраф талаб қилса, саройингга ўт қўйишга ҳам тайёрман, дегин.

Энага. Худойим, ўз паноҳингда сақла! Мен унчалик...

Маҳинбону. Энагажоним, айт, айта қол... сира пушаймон эмасман, дегин. Ахир, тўғриси шу-ку?

Э на га. Нима десамикин... Модомики, сен ўзинг гуноҳимизни кечганингдан кейин, ўша терини қайтариб берадиган бўлганингдан кейин... Сен ўзинг ҳам, ахир, синглингни қутқазиш учун энг қимматбаҳо нарсангни — гўзаллигингни унга бағишладинг. Ё пушаймонмисан?

Маҳинбону жавоб бермай, ўрнидан туради. Э на га ҳам туради.

Маҳинбону. Ҳаво дим бўлиб кетди! Нафасим қайтаётир. Дарчаларни ким бекитди экан?

10 *Э на га тезда дарчаларни оча бошлайди. Маҳинбону дарча олдига келиб, томошабинларга орқа ўйрган қолда тўхтайдди.*

Менга қара... Улар бир мартагина учрашдиларми?

Э на га. Ҳа, жонгинам, атиги бир марта.

Маҳинбону. Биламан, шундай деб айтгансан. Балки сен вазирдан ёки сени сўроқ қилган бошқа кишилардан қўрқиб шундай дегандирсан? Нима қилса ҳам улар эркак киши, бегона одамлар. Аммо мен Шириннинг опасиман. Менга ҳамма бўлган ишни, тўппа-тўғри, қўрқмай айтишинг мумкин...

20 Э на га. Худо ҳаққи, атиги бир марта, бир мартагина учрашдилар!.. Ёлгон гапирсам, Ашрафнинг ўлиги устида ўтирайин!

Маҳинбону. Демак, фақат бир марта.

Э на га. Худди шундай... Лекин аввал, боғда ҳам бир-бирларини кўрган эканлар.

Маҳинбону. Ҳа. Буни биламан. (*Маҳинбону ҳали ҳам ташқарида қараб турибди.*) Ажойиб оқшом! Ҳадемай кун ботади... (*Энагага қайрилади.*) Улар бир-бирларини жуда севар эдиларми?

30 Э на га. Шундай бўлса керакки, қочдилар-да. Оҳ, Ширин шўрликнинг менга ялиниб-ёлворганлари, гулдай ёноқларидан инжудай ёшлар тўкилгани...

Маҳинбону. Демак, бир-бирларини ниҳоятда севар эдилар...

Э на га. Жуда-жуда, маликам. Худди қумрилардай. Қумрилар ҳам бир-бирларига бунчалик ошиқу беқарор бўлмас...

Маҳинбону. У Ширинни ўпдимми?

Э на га. Қайдам, маликам.

40 Маҳинбону. Фарҳод ҳарамга киргандан кейин орқасидан кузатмадингми?

Э на га. Улай агар, кузатганим йўқ...

Маҳинбону. Упган!.. Фарҳод буғдойранг, йирик қўллари билан Шириннинг оппоқ билакларидан тутган...

(Дарчадан узоқлашади.) Чанқадим!.. Ҳалқумим қуриб кетяпти...

Э н а г а . Шарбат келтирайми... Сен қулупнай эзилган шарбатни севар эдинг...

Маҳинбону. Йўқ... сув... Шу ерда кўзада бор... (Энага кўзадан сув қуйиб беради... Маҳинбону ичади.) Илиқ, худди қондай... Шаҳарда яна ўлат бошланибди...

Э н а г а . Ашрафим ҳам айтаётган эди. Сувнинг иф-лослигидан дейишади... Бир эмас-бир кун шу лаънати
10 сувдан бутун шаҳримиз қирилиб кетади...

Маҳинбону (ўйчан). Демак, Ширин мени заррача ҳам севмас экан-да!

Э н а г а . Бу қандай гап, маликам! Қизнинг гуноҳига ботиб юрманг. Тепамизда худо бор-а... У сен учун жонини фидо қилишга тайёр.

Маҳинбону. Мени ташлаб қочди-ку... У мендан кўра Фарҳодни ортиқроқ севар экан...

Э н а г а . У бошқа севги.

Маҳинбону. Демак, ўша севги опа-сингил севгисидан, ота-она севгисидан устунроқ экан-да...
20

Э н а г а . Устунликка-ку устун эмас.., аммо у бутунлай ўзгача севги.

Маҳинбону. Борди-ю, сен ўша ўзгача севги савдосига гирифтор бўлганигда, Ашрафингни ташлаб қочармидинг?

Э н а г а . Мен кексайиб қолганман, маликам. Шунча ёшга кириб...

Маҳинбону. Ёш бўлсанг, қилармидинг? Ашрафинг отаси ўтган йили эмас, илгарироқ, сенинг ёш ва
30 гўзал вақтингда ўлган бўлса-ю, ўшанда Фарҳоддай бир йигитни учратиб қолган бўлсанг...

Э н а г а . Билмадим... Шаҳарда мен танийдиган Покиза деган бир қиз бор эди. Отаси темирчи. Олти ойлик келинлигида эридан тул қолди. Эридан кейин ойдаёқ бир ўғил кўрди. Шундан кейин шўрлик сочини супурги, қўлини косов қилиб шу ўғилни ўстирди. Қўп жойлардан совчи чиқди, ҳатто шаҳардаги заргарларнинг оқсоқоли ҳам киши қўйди. Аммо ҳеч кимга чиқмай, тул ўтди...

Маҳинбону. Заргарларнинг оқсоқоли эмиш! Уша
40 қизга Фарҳод учраганда эди...

Э н а г а . У замонда Фарҳод қаерда эди-ю? Ҳозир Покиза кампир бўлиб қолган. Бизнинг Фарҳод эса...

Маҳинбону (алам билан). Бизнинг Фарҳодми, ё бошқа Фарҳодми... ҳарҳолда, унга Фарҳод учрамаган-да...

Энага. Бундан чиқди, Ширин қочиб, тўғри қилган экан-да? Ҳозиргина ташлаб кетди, деб газабинг тошаётган эди-ку.

Маҳинбону. Газабим тошгани йўқ, энага... йўғе, газабландим! Довдираб қолдим, нима бўлганини ўзим ҳам билмайман! Юрагимни гусса босаётибди... Шамларни ёқ-чи...

Энага шамларни ёқади.

10 Қўй, қўй, шамларни ўчир... Майли, гаму гусса мени бўғиб ўлдирсин!.. Бағримга яна ҳам чуқурроқ бота қолсин... Юрагимнинг тилка-порасини чиқариб юборсин...

Энага (*шамларни ўчириб*). Худоғим, ўзинг сақла!..

Жимжитлик.

Маҳинбону. Энага, ростини айт, мен ҳали ҳам бирортага ёқармиканман? Биронтаси севармикин деб сўраётганим йўқ, ...лоақал ёқармикинман? Шу қаримсиқ, ҳунук башарам билан.

20 Энага. Хотин деган ёлғиз юздан иборат эмас ахир, маликам. Сенинг ақлинг, қадду қоматинг, андомингни айтмайсанми, қизим, санаморастадай вужудингни айт! Гапимизда худо ҳозир у нозир, сенинг вужудинг олдида Шириннинг вужуди сарв олдида мажнунтолдай бўлиб қолади. Менга қарагил-а, маликам, шаҳримизда Захро деган бир қиз бор, карвонбоши Ализоданинг қизи, ёшлигида чечак чиқиб, юзи чўтир бўлиб қолган, юзига қараб бир қисм нўхат сочсанг, бир донаси ерга тушмайди, аммо шунақанги келишган қадду қомати борки! Албатта, сенинг қаддинг олдида униқини тилга олмаса

30 ҳам бўлади... Лекин худо унга қадду қоматни берган. Ана оёқлару, ана кўкраклар, белини айт-а, бўйинини... Отаси ҳам жуда бадавлат киши... Йигит-ялангга талаш. Эшигидан совчи аримайди...

Маҳинбону. Отаси бадавлат дейсанми?

Энага. Бир қатор карвони Ҳиндистонга жўнаса, бир қатори Бағдоддан келади!.. Лекин сенинг хазинанг олдида унинг давлати дарёдан томчи. Сен еру кўкнинг эгаси бўлган маликасан... Бир марта кўз учи билан қиё қарасанг, чидаб туратурган қайси бир эркак, қайси бир шаҳзода бор экан, ҳаммаси ҳам муккасидан оёғингга

40 йиқилади...

Маҳинбону. Сен ҳам вазирга ўхшаб гапирётибсан... Лекин бу гапларни айтишга сени ҳам мажбур қилдим... Ё оллоҳ! Менга нима бўлди?

Э н а г а. Мен бирор ёмон сўз айтиб қўйдимми, маликам? Дилингни ранжитдимми, жонгинам? Вой, мени худо кўтарсин... Мен эсини еб қўйган тентак кампирман... (Йиғлайди.)

М а ҳ и н б о н у. Йиғлама... Қўй, йиғлама... Ҳеч қанақа ёмон гап айтганинг йўқ... Ёмонлик менда... Қўй, йиғлама... Кўз ёшини кўришга тоқатим йўқ... Мана мен ҳам ерга ўтириб олиб, бошимни тиззамга қўйиб, уввос тортиб йиғлагим келаяпти.

Э н а г а. Болагинам! Жонгинам!.. Энаганг сенга қурбон бўлсин!.. Ўзингга ўзинг мунчалик жабр қилаверма... Оёқларингни ўпай? Уларни қўлга туширадилар! Албатта ушлайдилар! Ширин тентаклик қилди... Қатта деган кичкиналарнинг гуноҳидан кечади... Фарҳодни ўзингга вазир қиласан, никоҳларини ўқитиб, тўйларини қилиб юборасан. Никоҳ деган ҳамма гуноҳларни ювиб кетади... Сенинг ҳаққингга дуо қиладилар. Ўзлари ҳам бир-бировларига жуда мос, жуда ҳам муносиб!

М а ҳ и н б о н у. Улар бир-бирларига жуда муносиб дейсанми?

Э н а г а. Худди бир жуфт, қўшалок гилосдай!

В а з и р киради.

В а з и р. Улар шу ерда, маликам.

М а ҳ и н б о н у (паришон). Қим?

В а з и р. Ширинсултон билан бош наққош.

М а ҳ и н б о н у. Ўзлари келдиларми?

В а з и р. Йўқ, маликам. Тутиб келтирилди.

М а ҳ и н б о н у. Тезда икковини ҳам бу ерга келтир!

В а з и р. Хўп, маликам, лекин...

М а ҳ и н б о н у. Нима гап? Нима лекин! Тез бўл, гапир деяпман!

В а з и р. Наққош яраланган.

М а ҳ и н б о н у. Фарҳод яраланган? Нима деяпсан? Ақлингни еб қўйдингми?

В а з и р. Яраси оғир эмас. Ташвиш тортманг. Бироз тимдаланган, холос.

М а ҳ и н б о н у. Ахир, нега бундай бўлди? Сенга нима дейилган эди...

В а з и р. Карам қилинг, маликам... Отлиқлар қочоқларни қуршаб олганда бўёқчи уларга қарши ташланибди... Бўёқчидан шунчалик жасорат кутилмаган эди... Бу иблис худди Зол ўғли Рустамдай жангга киришибди. Ширинсултон унинг орқасига мингашиб олган экан. Шунинг учун бўёқчини тутиш қийин бўлибди. Ниҳоят Ши-

ринсултон отдан йиқилибди, шундан кейингина бўёқчи-ни ушлабдилар.

Маҳинбону. Ширин ҳам яраланганми? Отдан йиқилган-да юзи, кўзи...

Вазир (*унинг сўзини бўлиб*). Йўқ, маликам... Фақат тиззасининг кўзи бир оз қирилган. Хавфли эмас. Юзларига, ўша гўзал юзларига заррача ҳам зарар етган эмас! Йккаласини бирданига хузурингизга келтирайми? Шундай буюрдингиз чоғи?.. Лекин айрим-айрим

10 қабул этсангиз яхши бўлар эди.

Маҳинбону. Нега?

Вазир. Қулингизнинг фикрича, шундай қилсангиз муносиброқ бўлар эди...

Маҳинбону. Яхши. Ширинни келтир. Тез бўл, нимага қараб турибсан? Бор дарров!

Энага. Худога шукур!

Вазир чиқиб кетади. Маҳинбону девордаги қуёш шуғласини энагага кўрсатади.

20 Маҳинбону. Мана бу шуғлага қара, энага...
Энага. Қанақа шуғла? Қани?

Маҳинбону. Мана, мана буни кўраяпсанми?

Энага. Кун ботаяпти, ўшанинг шуғласи...

Маҳинбону. Истасанг, чиқиб кета қол...

Энага. Ихтиёр сенда.

Маҳинбону. Бора қол, бор.

Энага чиқиб кетади, Маҳинбону девордаги шуғлаларга маҳлиё бўлиб қараб қолади. Қўлини деворга қўяди. Шуғла қўлига тушади. Қўлини тортади, яна қўяди. Ширин киради, опасининг ҳаракатларини кузатади, юзлари ғамгин.

30 Ширин. Опа!..

Маҳинбону (*Ширинга ўгирилади*). Ширин! Жонгинам! (*Уни қучоқлайди.*) Тиззанг қаттиқ оғригани йўқми? Бошқа ерингга зарар етгани йўқми? (*Ширин опасининг қучоғидан зўр билан сирғилиб чиқади.*)

Ширин. Йўқ... Ҳеч еримга зиён етгани йўқ...

Маҳинбону. Тиззанг-чи! Ҳақимбошини чақиртирайми?

Ширин. Кераги йўқ... Оғриғи қолди.

40 Маҳинбону. Қийналиб кетдим! Жуда ҳам кўрқдим!

Ширин. Кечир мени. Сени шунчалик қийнаб...

Маҳинбону. Қўй, ундай дема... Биз опа-сингиллармиз!.. Ахир, мен сенга она ўрнидаман, биласан-ку!

Ш и р и н (*Маҳинбонуға тикилади*). Фарҳодни нима қиласан? Айта қол.

М а ҳ и н б о н у. Фарҳодними?

Ш и р и н. Ҳа.

М а ҳ и н б о н у. Бу ҳақда ҳали ўйлаб кўрганим йўқ... Аммо ташвиш тортма. Мен унга азоб бера олмайман. (*Кулумсирайди.*) Ҳатто бўйини ҳам уздирмайман... Ҳатто зиндонга ҳам ташлатмайман...

10 Ш и р и н. Хўп, бўлмаса, нима қиласан? Фарҳод нима бўлади? Мен-чи?

М а ҳ и н б о н у. Таажжуб, худди мен гуноҳкордай, мени сўроққа тутиб қолдинг-а...

Ш и р и н. Кечир... Лекин мен ҳам ўзимни гуноҳкор деб ҳис этмайман...

М а ҳ и н б о н у. Сени гуноҳкорсан дедимми?

20 Ш и р и н. Йўқ, опагон! Сен ёлғиз опагина эмас, ҳукмдорсан ҳам. Биз сенинг уйингдан эмас, ҳукмдорнинг саройидан қочдик. Ҳукмдор бизнинг орқамиздан отлиқлар чиқарди, қочоқларни тутдирди... Бўйнимиз қилдан ҳам ингичка.

М а ҳ и н б о н у. Йўқ, мен сенинг опанг бўламан, эшитдингми, опангман... Орқангдан отлиқлар чоптирганимда ҳам ҳукмдор эмас, опанг эдим. Қаерга кетмоқчи эдинг? Нима бўлишингни билармидинг? Сен бу ҳақда ўйлаганмидинг, Ширин?

Ш и р и н. Биз буни ўйлаганимиз йўқ...

М а ҳ и н б о н у. Уйлаганмидингиз деяётганим йўқ, ўйлаганмидинг деяпман.

30 Ш и р и н. Мен эса, ўйлаганимиз йўқ деяпман. Бундан буён мен эмас, биз ўйлаймиз, опа, Фарҳод ва мен. Бундан буён биз нафас оламиз — Фарҳод ва мен!

М а ҳ и н б о н у. Ширин! Сен тамоман бошқа бир инсон бўлиб қолибсан! Қандай қилиб, шу қадар тез ўзгариб кетдинг!

Ш и р и н. Энди мен йўқман, опа.

М а ҳ и н б о н у. Ҳа, сиз йўқсиз...

Ш и р и н. Фақат у бор.

40 М а ҳ и н б о н у. Мен буни яхши тушунаман! Бу туйғулар менга ошна... Қанчалик севишингни биламан... Севмак нима эканини биламан...

Ш и р и н (*изтиробда*). Опагон!..

М а ҳ и н б о н у. Сенга нима бўлди?

Ш и р и н (*Маҳинбонуни қучоқлайди*). Опа! Опагон! Албатта, сен севишни биласан, ҳеч ким сенчалик севишни билмайди... Ахир мен... Мен нонкўр, мен ярамас қиз,

мен бунинг гувоҳиман. Мана уйингдан қоча олдим, яшаб турибман... Буларнинг барчаси сен туфайли!

Маҳинбону (*Шириннинг қучоғидан сирғаниб чиқади*). Бу гапларнинг нима кераги бор?

Ширин. Ҳеч бир хотин, ҳеч бир вақт ҳеч кимга беролмайдиган нарсани сен менга бердинг... Сен севишни ҳаммамиздан кўра яхши биласан!

10 Маҳинбону. Сен ҳам худди шундай қилмасмидинг? Нега жавоб бермайсан? Аминманки, сен ҳам худди мендай қилган бўлардинг! Мен аминман, қилардинг! Шундай эмасми?

Ширин. Опа! Бу саволингга дарров жавоб беролмайман, чунки ҳозир шундай ҳолатдаманки, ёлғон гапиршим сира мумкин эмас... Кўнглимда ҳамма нарса шунчалик равшан, худди гул очилиб ётган боқчадай. Ҳа, опажон, мен ҳам сенинг учун худди шундай қилган бўлар эдим!

Бир нафас сукут.

20 Маҳинбону. Сен ҳам худди шундай қилган бўлардинг... Худди шундай... Аммо кейинчалик... Кейин Фарҳодни учратганимда, қилган ишингга пушаймон бўлмасмидинг?

Ширин. Тўхта, ўйлаб олай, опа... Сен нима дединг! Билмайман! Билмайман...

Маҳинбону. Кўнглим «равшан», «гул очилиб ётган боғдай» демаганмидинг? Сен бу дамда ёлғон гапиролмайсан-ку! Ҳайлаб кўр! Борди-ю сен шундай ёш, соғлом, шундай хушрўй, шу қадар барқ уриб турган бўлмаганимда... Борди-ю сенинг ҳам юзинг меникидай хунук бўлганида... Ушанда Фарҳодни учратиб қолсанг, пушаймон бўлармидинг?

30 Ширин. Пушаймон... Пушаймон бўлардим, опа... Пушаймон бўлардим... (*Утириб йиғлай бошлайди. Маҳинбону унинг ёнига ўтириб, сочларини силайди.*)

Маҳинбону. Нега йиғлаётибсан?

Ширин. Сен пушаймонмисан деб ўйлаяпман...

Маҳинбону. Менми? Мен Фарҳодни учратганим йўқ.

40 Ширин. Шунинг учун йиғлаяпманки, ҳозиргача шу гапларнинг ҳеч бирини ўйламаган эканман... Сен тортган аччиқ азобларни ўйламаган эканман. Мен ёлғиз ўзимни ўйлаган эканман.

Маҳинбону. Йиғлама... йиғлама! Мен Фарҳодни учратганим йўқ... Мен пушаймон эмасман. Мен Фар-

ҳодни учратганим йўқ, шунинг учун ҳам бағрим кўк-
ламдаги боғдай гул-гул очилган эмас. Мен ёлғон гапи-
ришим мумкин... (*Ўрнидан туради.*)

Ш и р и н. Ёлғон сўзлашга ҳаққинг йўқ, опа!

М а ҳ и н б о н у. Ҳаққим бор, бўлганда қандай! Мен
тамоман бошқача бўлиб қолдим, Ширин. Иккимиз то-
тув, қўл ушлашиб юрган пайтимизда орамизга бирдан
ўт тушди...

Ш и р и н. Ғалати гапларни гапираяпсан, опа...

10 М а ҳ и н б о н у. Ғалати эмас... Қўрқинч! Нақадар
қўрқинчли нарсалар ҳақида ўйлаётганимни билсанг
эди...

Ш и р и н. Опа... Фарҳод ҳақида эмасми?

М а ҳ и н б о н у. Қўрқма. Мен шу қадар қаттиқ се-
ваманки, унга озор етказишим сира мумкин эмас...

Ш и р и н. Биладан, мени севасан! У сиз мен... мен
йўқман, у бор, холос...

20 М а ҳ и н б о н у. Бор, Ширин, мени ёлғиз қўй... Мен
Фарҳод билан гаплашишим керак... Мен у билан ёлғиз
қолиб сўзлашмоқчиман.

Ш и р и н. Бизларнинг ишимиз нима бўлади?

М а ҳ и н б о н у. Энаганинг гапига кўра, дарров ни-
коҳингизни ўқитдириб, қирқ кечаю қирқ кундуз тўй қи-
лишим керак экан...

Ш и р и н. Опажонгинам!

М а ҳ и н б о н у. Энаганинг гапига кўра дедим-ку.
Бу унинг фикри, меники эмас. Энди ҳамма гап менинг
қанчалик сева билишимда...

30 Ш и р и н. Сен дунёда энг яхши...

М а ҳ и н б о н у. Бор... чиқ...

*Ш и р и н н и ҳарамга кирадиган эшикдан чиқариб юборади. Ўзи
қайтади.*

(*Ўзича.*) Мен дунёда энг яхши.

В а з и р киради.

Сен бизни пойлаб турганмидинг?!

В а з и р. Ҳа, маликам.

40 М а ҳ и н б о н у. Шу тобда ниманидир синдиргим,
ниманидир парча-парча қилиб ташлагим, йўқ қилгим,
қон тўкким келиб турибди! Ҳойнаҳой сенинг қонингни
тўксам керак!

В а з и р. Қандай яхши бўларди, маликам!

М а ҳ и н б о н у. Фарҳодни келтир.

В а з и р. Мен ҳам ҳузурингизда қолайми, маликам? Еки бўёқчи билан ёлғиз қолишни истайсизми? Ёлғиз қолганингиз яхшироқ бўлар эди.

М а ҳ и н б о н у. Йўқ. Соқчилар кирсин.

В а з и р. Фармонингиз — қонун.

10 *В а з и р* чиқади. *М а ҳ и н б о н у* секин юриб бориб тахтга ўтиради. *Тўртга соқчи* кириб, эшик олдида туради. Саҳна ярим қоронғу. *Воқеа давомида аста-секин қоронғу тушади. В а з и р* билан *Ф а р ҳ о д* киради. *Вазирдан бошқа ҳамма эркакларнинг кўзлари ерда. Ф а р ҳ о д* таъзим билан яқинлашиб, *М а ҳ и н б о н у* га салом беради.

М а ҳ и н б о н у. Оғилдан қўй ўғирлагандай, синглимизни олиб қочдинг, Фарҳод. Устингга аскар юборсак, таслим бўлмабсан.

Ф а р ҳ о д. Таслим бўлмоқ одатим эмас, маликам.

М а ҳ и н б о н у. Сени фақат наққош десак, жанг қилишни ҳам билар экансан.

Ф а р ҳ о д. Билар эдим, маликам.

20 *М а ҳ и н б о н у*. Сени саройимизга бош наққош қилиб тайин қилган эдик. Аммо ҳалигача чизган нақшларингдан бирортасини ҳам кўрган эмасмиз.

Ф а р ҳ о д. Нақшларимни кўрмаганмидингиз? Ширинсултон кўшикида шарафадаги нақшларни кўрмаганмидингиз?

М а ҳ и н б о н у. Йўқ.

Ф а р ҳ о д. Мен кўргансиз-у, шунинг учун бош наққош мансабини бердингиз, деб ўйлабман...

30 *М а ҳ и н б о н у*. Бошингни кўтар, Фарҳод. Менга қара. Бошимдан оёғимгача томоша қилиб чиқ. (*Ф а р ҳ о д* бошини кўтариб *М а ҳ и н б о н у* га боқади, *М а ҳ и н б о н у* ўз бетидаги тўрни олади, унинг бети томошабинларга кўринмайди.) Сени ўлимга ҳукм қилмоғим лозим эди, ўлим жазоларидан истаганингни танла дейишим керак эди. Фақат ҳеч қандай ўлим, ҳеч қандай жазо, сенинг менга, бизга, шоҳ Салим қизи *М а ҳ и н б о н у* га етказган азобларингни... менга ва саройимизга етказган маломатларингни тасалли қилолмайди... Нега юзимга бундай ғалати қараётибсан?

40 *Ф а р ҳ о д*. Ерларга йиқилмоқ... этагингни ўпмоқ истайман... Сени кўриб, ўзимнинг инсон бўлганимга қувонмоқдаман! Қилган яхшиликларингни на малоика, на дев, на дарахт ва на қуш қила олади... Буни фақат инсон қила олади! Қалбим сенга бениҳоя ҳурмат билан лиммо-лим... Кўзларим...

М а ҳ и н б о н у. Бас! Етар... Кўзларингни ерга тик.

Бундан сўнг яна бир марта кўзингни юзимга тиксанг,
бошингни уздираман... Яранг оғир эмасми?

Ф а р ҳ о д. Йўқ, маликам.

М а ҳ и н б о н у. Ярангни даволадиларми?

Ф а р ҳ о д. Даволадилар, маликам. Ҳақимбоши қа-
ради.

*Шу тобда очиқ даричалардан, узоқ-узоқлардан юракни эзадиган
оҳу-фигон эшитилади.*

М а ҳ и н б о н у (*вазирга*). Бу нима?

10 В а з и р. Халқ ўлганларга мотам тутмоқда. Улат
қирғин солмоқда.

М а ҳ и н б о н у. Даричаларни ёпинг!.. (*Вазир билан
икки соқчи даричаларни ёпади. Фигон эшитилмайди.*)
Кўрдингни, Фарҳод, этагимни ўпгулик даражада яхши
одам эмасман... Аммо сен ҳам мендан қолишмайсан.
Ўлганлар учун йиғлаётган бу кишилар билан сенинг
ҳам ишинг йўқ. Сен ҳозир Шириндан бошқа нарсани
ўйламайсан... Хўп, Ширинни сенга берамиз, уста Фар-
ҳод. Уни олишга тайёрмисан? Хўш, сен бизга нима бе-
расан? Темиртоғни қазий оласанми? Темиртоғни қазиб,
ундаги сувни шаҳарга оқиза оласанми? Мен бу гапни
халқимиз учун, халқимизнинг ғамини еганим учун айта-
ётганим йўқ. Сув оқадими, йиринг оқадими, ичса-ича-
версин, менинг учун бари бир. Ширинга эга бўлмоқ
учун Темиртоғни қазиб ўта олармикансан — шунини бил-
моқчиман, холос. Менинг шартим шу. Шу шартимни
қабул қиласанми?

Ф а р ҳ о д. Қабул қиламан.

30 М а ҳ и н б о н у. Тоғни қазигунингча ўн беш йил,
балки йигирма йил ўтар, розимисан?

Ф а р ҳ о д. Розиман.

М а ҳ и н б о н у. Балки, Ширин бунчалик узоқ ку-
тишни истамас?

Ф а р ҳ о д. Розиман.

М а ҳ и н б о н у. Тоғни қазиб ўтмагунингча Ширин-
нинг жимжилоғини ҳам сенга кўрсатмаймиз.

Ф а р ҳ о д. Розиман.

40 М а ҳ и н б о н у. Балки, ишни битиролмасдан ўлиб-
кетсанг-чи.

Ф а р ҳ о д. Бари бир, розиман.

Жимлик. Маҳинбону тахтидан туради.

М а ҳ и н б о н у. Яхши... Боравер. Сизлар ҳам ке-
тинглар!

Соқчилар, Фарҳод, вазир чиқиб кетадилар. Маҳинбону тахтга чиқиб ўтиради. Букчайиб, бошини қўллари орасига олиб, ҳўнграб-ҳўнграб йиғлайди.

Шириним! Фарҳод! Фарҳод!

УЧИНЧИ ПАРДА

Пролог

Парданинг олдига ўнг томондан бир тўда арзинликлар чиқади. Баъзиларининг қўлида машғал, баъзиларининг қўлида фонарь. Чап томондан саҳна олдига Ашраф билан бағдодли киши чиқади. Улар тўхтаб аламонни томоша қиладилар.

10

1-ш а ҳ а р л и. Кеч қолдик! Кеч қолдик!

2-ш а ҳ а р л и. Яна бир соатлик йўл бор. Ҳадемай кун чиқади.

1-ш а ҳ а р л и. Қуёш чиққунча ета олмаймиз...

2-ш а ҳ а р л и. Уни кўролмай қоламиз...

1-ш а ҳ а р л и. Кеч қолдик! Кеч қолдик!

Бағдодли. Бу аламон қаерга кетаётибди, уста Ашраф?

20 Ашраф. Темиртоққа, Фарҳодни кўргани. Фарҳоднинг тоғ қазий бошлаганига бугун ўн йил тўлди.

Бағдодли. Бу гап Бағдодга ҳам етиб борган эди. Ишонмаган эдик. Демак, рост экан-да!

3-ш а ҳ а р л и (хотинига). Олти ойлик болага бунча азоб бермасанг!

Болалик хотин (эрига). Азобсиз иш борми, ўргансин-да. Буни туққанда озмунча азоб чекканманми? Мен унга Фарҳодни кўрсатаман!

3-ш а ҳ а р л и. Сен чарчаб қолдинг, менга бер, бир оз кўтарай.

30

Болалик хотин. Йўқ, йиқитиб қўясан...

1-ш а ҳ а р л и. Кеч қолдик! Кеч қолдик!

2-ш а ҳ а р л и. Ҳадемай кун чиқади...

Бағдодли (Ашрафга). Демак, қуёш билан баравар ишга тушади-ю, қуёш ботгунча...

Ашраф. Ҳа, қуёш ботгунча ишлайди.

Бағдодли. Борди-ю Фарҳодни кўришга кетаётган бу халойиқ Темиртоққа кун чиққунча бориб етолмаса, унда нима бўлади?

40

Ашраф. Унда юз ботмонлик гурзисининг ҳайбатли садосини эшитадилар. Гурзисининг садоси — гўё минг одам бирваракай куйлаб, ўн минг созанда бирданига соз чалаётгандай! Даҳшатли, аммо ғоят гўзал садо! Мунгли, аммо чексиз умид бағишлайдиган садо!

Пакана одам (новча одамни қувиб етиб, этагидан торгади). Ҳой-ҳой, тўхта, биродар... Сен ҳам жини бўлиб қолдингми?

Новча одам. Этагимни йиртасан, қўйиб юбор.

Пакана одам. Бу нодон аламон нима қилаётганини билмайди! Бўёқчини пайғамбар деяпти булар!

Новча одам. Йўқ-э. Пайғамбари нимаси! Пайғамбар ҳам эмас, жин ҳам эмас... Сен билан менга ўхшаган оддий бир инсон боласи.

10 Пакана одам. Ўз манфаати учун унаб ётган бир ҳайвон! Ўлгудек ўжар! Муддаосини биламиз! Ширинсултонни оламан, маликага куёв бўламан, деган ҳаёлда! Шунинг учун тоғ қазияпти... Тентакни қара-я! Хасислик кўзини кўр қилиб қўйибди! Эҳа... шундай тоғни ёриб ўтиб бўлармишми?

Новча одам (пакана одамга). Этагимни қўйиб юбор, деяпман... (Этагини унинг қўлидан тортиб олади.) Биламан сени! Сув келиши биланоқ биринчи бўлиб кўза кўтариб чиқасан?

20 Пакана одам. Қанақа сув? Ун йилдан буён кутавериб кўзимиз тўрт бўлди. Яна ўн йил кутсак ҳам бўлмайди! У замонгача ким бору ким йўқ! Ишонма бу гапларга! Қани қайтдик.

Пакана яна новчага ёпишади. Новча одам уни итариб йиқитади, ўзи аламонга қўшилиб кетади. Пакана одам ўрнидан туради, чангаларини қоқиб, орқасига қайтади.

30 Бағдодли. Мажнун ҳақида эшитган эдик. Лайлининг ишқида чўлларга чиқиб кетган, кеча-кундуз оҳ тортиб, бағрини қора тошлар тилган бечора эди. Ошиқ деганинг ана шунақанги, бўйни букик, кўзи ёшли... бўлади шекилли деб юрар эдик. Ҳолбуки, Фарҳодингиз на йиғлайди, на оҳ-зор қилади...

Ашраф. Бизнинг Фарҳод одамларга тоза сув бериш учун юз ботмонлик гурзи билан тоғ қазимоқда.

Бағдодли. Ажойиб одам экан!

Биринчи қиз. Наҳотки бугун ҳам Фарҳодни кўролмай қолсам-а!

Иккинчи қиз. Мен кўрганман... ўтган йили.

40 Биринчи ёш қиз. Жуда ҳам чиройликми? У ҳам сени кўрдими?

Иккинчи қиз. Биз кўпчилик эдик.

Биринчи қиз. Сени кўрса, балки Ширинни унутар эди!

Иккинчи қиз. Нима, Ширин жуда чиройли эканми?

Биринчи қиз. Ҳа, ҳарҳолда сендан чиройлироқ.

Ашраф (*бағдодлига*). Сен ҳозир мана шу йўлдан борсанг, масжид кўринади, Ализоданинг уйи ана ўша ерда. Ўғлига мендан салом айтсанг, сенга бошпана беради.

Бағдодли. Сен-чи?

10 *Бу вақт аламон чап томондан чиқиб кетган эди. Парда олдида бағдодли билан Ашраф гина қолади.*

Ашраф. Мен Фарҳоднинг олдига бораман. Отаси уста Беҳзод наққошликни ташлаб қўйгани учун ўн йилдан буён Фарҳоддан аразлаб юрарди. Аранг кўндирдим. Бугун чолни етаклаб ўша ёққа олиб кетаётибман... Чол ўзи ҳам ўғлини тоза соғинган. Биз отда борамиз. Қуёш чиққунигача етиб олармиз, деб ўйлайман. Хайр, худо ёр бўлсин!

Бағдодли. Йўқ, мен ҳам сиз билан бораман.

20 Ашраф. Бўлмаса, қани юр. Худо хоҳласа, қуёш чиққунигача етиб оламиз, Фарҳодни кўрасан.

Бағдодли. Ҳеч бўлмаса гурзисининг товушини эшитишга ҳам розиман...

Чиқадилар.

Бешинчи кўриниш

30 *Темиртоғнинг тепасида майдонча. Чапда булоқ қайнаб турган горнинг оғзи. Унда — дарахтзор, узоқ уфқда ўрмон. Энг олдинда бир-бирдан пастак, қатор экилган ўн бир терак. Ун биринчи терак — ҳали ёш кўчат. Саҳна тонг нурлари билан ёришган. Фарҳод ўн биринчи теракни ўтқазиб бўлиб, қўлининг тупроғини қоқмоқда.*

Фарҳод. Ун биринчи теракни ҳам ўтқаздим... Бу ерга келганимга ўн бир йил тўлаяпти... Ҳализамон қуёш чиқади! (*Теракчани сийпаб.*) Совқотаяпсанми? Дийдираб кетаяпсанми, ниҳолгинам?

Кичик терак. Совқотаётибман...

Фарҳод. Ҳали-замон исиб қоласан! Бирпас ўтмай қуёш чиқиб, шохларингни илитади.

Кичик терак. Билмадим, исирмиканман...

40 Фарҳод. Ке қўй, эркаланма... Исиб кетасан! Ана оғангни қара, ўн йил аввал ўтқазган эдим, бўй тортганини кўр! У ҳам сенга ўхшаган қилтириқ бир ниҳол эди. Ййи сен билан овора бўлиб, ёр-ошналар билан

саломлашишни ҳам ёддан чиқарай дебман. (Чинорга суяб қўйган гурзисини олади.) Салом гурзим, қадрдоним, салом!

Гурзи. Салом, Фарҳод!

Фарҳод (гурзини ерга тик қўйиб, унга суянади).

Салом, Темиртоғ! Салом масканим, салом!

Чўлпон юлдуз. Салом, Фарҳод!

Фарҳод. Салом, Чўлпон юлдузи! Туя қўнғироғидай ҳали ҳам солланиб турибсанми? Салом!

10 Чўлпон юлдуз. Салом, Фарҳод!

Фарҳод. Салом, буғулар, жайронлар, салом!

Жайронлар

Салом, Фарҳод!

Буғулар

Фарҳод. Салом, қишни пойлаб ётган бўрилар, каштан дарахтлар тагида ухлаб ётган айиқлар, одамзод этига ишқибоз бўлган илонлар, маккор ва лақма, хонн ва жасур йиртқичлар, қурт-қумурсқалар, ўтлар, дарахтлар, зайтун шохлари, буғдой бошоқлари, кулувчи анор, йиғлоқи беҳи — ҳаммангизга, ҳаммангизга салом!

20 Ҳаммаси. Салом, Фарҳод!

Фарҳод. Салом, биродарлар! Ҳаммангизга яксара салом!

Ҳаммаси. Салом, биродарларимиз! Салом, Фарҳод!

Фарҳод яна гурзисини чинорга суяб қўяди. Ўзи дарахт тагига ўтиради. Булбул сайрай бошлайди.

30 Фарҳод. Бугун юрагимда аллақандай бир қайғу бор, дўстларим. Лекин бу қайғу киши қалбига қора пашшадай ёпишиб оладиган қайғулардан эмас; ўзи нордон олмага ўхшайди, лекин мағзини қурт емаган, тоза.

Булбул. Сен ошиқсан, уста Фарҳод!

Фарҳод. Бу маълум. Худога шукр, ошиқман, булбул! Ошиқ ошиқни кўзидан биледи. Сен ҳам мени бир қарашда билдинг, булбул! Ахир, сен бу ерларга кечагина учиб келган эдинг-ку!

Кулувчи анор қаҳқаҳа уриб юборади.

Кулувчи анор! Нимага мунча кулаяпсан?

Кулувчи анор. Сендан кулаяпман!

40 Йиғлоқи беҳи ҳўнграб йиғлайди.

Фарҳод. Йиғлоқи беҳи! Нега йиғлайсан?

Йиғлоқи беҳи. Сенинг ҳолингга йиғлаяпман!

Фарҳод. Мен ўз аҳволимга йиғламайман ҳам, кулмайман ҳам. Ўз аҳволимдан мамнунман, худога шукр! Лекин кўнглимдаги осуда қайғу... Сен бунга нима дейсан, Чўлпон юлдуз?

10 Чўлпон юлдуз. Сенинг хаёлларинг кўп узоқларда, уста Фарҳод. Кеча Ширинни кўрмаганингга, товушини эшитмаганингга, қўлидан тутмаганингга ўн йил тўлди.

Фарҳод. Мен унинг дийдорини тўйиб кўролмадим!

Чўлпон юлдуз. Юзи ёдингдами?

Фарҳод. Йўқ.

Чўлпон юлдуз. Наҳотки унутган бўлсанг?

20 Фарҳод. Унутмоқ эмас... йўқ, бу тамоман бошқа бир нарса... Кўзи, қоши, лабларининг бичими ёдимда йўқ... Қанча зўр берсам ҳам, унинг юзини кўз олдимга келтира олмайман. Унинг юзи оппоқ шуъла каби хотирамда қолган. Худди сенинг нурингга ўхшаш, узоқ-узоқлардан оқариб кўрингандай... Йўқ, ундай эмас, хаёл ёки шарпадай эмас, ҳароратли, жонли бир нарсадай... Одамни қийнаб юборадиган даражада жонли... типирчилаб тургандай... вужудимга шу қадар яқин, худди ўз теримдай... У ҳамма ерда бор, ҳамма нарсада бор, сенда ҳам, мана бу чинорда ҳам, гурзимда ҳам, шабадаларнинг шивирлашида ҳам, бу ерга мени кўргани келувчи кишиларнинг чеҳраларида ҳам! Ҳамма ерда, ҳамма нарсада!

30 Темиртоғ. Сиз, инсонлар... муҳаббатларингиз жуда ғалати!

Фарҳод. Нима деяпсан, Темиртоғ?

Темиртоғ. Муҳаббатларингиз жуда ғалати, деяпман... Сен бўриларга, қушларга, каштанзордаги айиқларга, буғдой доналарига, тупроққа қара... Улар фақат таналари билан севадилар, қўллари, лаблари, кўзлари билан севадилар. Сиз бўлсангиз... юрагингиз билан ҳам, хаёлингиз ва ақлингиз билан ҳам севар экансиз.

40 Фарҳод. Тўғри айтаяпсан, Темиртоғ. Айниқса, севган ёримиз кўзимиздан, лабимиздан, қўлимиздан узоқ бўлса, биз унга бутун борлигимиз билан интиламиз!

Темиртоғ. Сизни бахтсиз қилган нарса ҳам шу.

Фарҳод. Бахтиёр қилган ҳам шу. Бизнинг умидорзуларимиз — қувватимиздир.

Кулувчи анор қаҳқаҳа уради. Йиғлоқи беҳи йиғлаб юборади.

Сен фақат кулишни биласан, кулувчи анор, сен эса, фақат йиғлашни биласан, йиғлоқи беҳи. Фақат йиғлашни! Инсон йиғлашни ҳам, кулишни ҳам билади.

Т е м и р т о ғ. Уста Ашраф келаяпти!

Ф а р ҳ о д. Уста Ашраф? (*Ўрнидан туради.*) Қани у! Ҳа, ана... (*Ашрафга пешвоз чиқади.*) Салом, Ашраф! Хуш келибсан!

А ш р а ф. Саломат бўл! (*Қучоқлашадилар.*) Қани топ-чи, ҳузурингга кимни олиб келдим?

10 Ф а р ҳ о д. Ширинимни?!

А ш р а ф. Йўқ, уста Фарҳод, Ширинни олиб келиб бўлармиди?

Ф а р ҳ о д. Бўлмаса кимни олиб келдинг? Наҳотки...

А ш р а ф. Топдинг, уста Беҳзодни, отангни бошлаб келдим.

Ф а р ҳ о д. Отам! Қани у?

Беҳзод билан бағдодли киради.

Ф а р ҳ о д (*шошиб қолади. Отасининг қўлини ўпади*). Отажон!

20 *Ота-бола бир муддат бир-бирларига термулиб қоладилар.*

Б е ҳ з о д. Менга мунча тикилиб қолдинг? Қучоқласанг-чи. Ёки кишининг қучоқлашиши, олиб қочилиши, тоғларнинг қазилиши учун албатта Ширинсултон бўлиши лозимми?

Ф а р ҳ о д (*отасини қучоқлайди*). Отажон!

Б е ҳ з о д (*Фарҳоднинг қучоғидан ўзини қутқариб*). Тўхта, тўхта!.. Бўғиб ўлдирасан-ку. Наққошликни ташлаб, тошчақарликни бошлаганингдан буён қўлларинг темирдай бўлиб кетибди. Шундай наққош-а!.. Ана тагин миямга қон тепиб кетди!

30 Б а ғ д о д л и. Салом, уста Фарҳод!

Ф а р ҳ о д. Салом, биродар. Хуш келибсан!

А ш р а ф (*бағдодлини таништиради*). Бу киши Бағдоддан бўлади... Шаҳримизга кеча келди. Бу ерда лолаларни қандай чизишимизни кўрмоқчи экан.

Б е ҳ з о д. Эшитаётибсанми, ҳой тошчақар, одамлар бизнинг лолаларни кўрмоқ учун Бағдоддан келадилар-у, сен бўлсанг...

40 Ф а р ҳ о д. Отажон, ўтирсанг-чи, чарчаб келгандир-сан.

Б е ҳ з о д. Йўқ... Қани, қирқ ботмонли гурзингни бир кўрайлик-чи...

Фарҳод гурзисини келтириб, отасининг оёғи остига қўяди.

Оғир кўринади. (*Гурзини аранг қимирлатади.*) Ҳа, чиндан ҳам, қирқ ботмон деганларича бор экан. Қани ўзинг бир кўтариб боқ-чи, кўрайлик. (*Фарҳод гурзини кўтаради.*) Наққошнинг қўлига қаламдан бошқа асбоб ярашмас деб ўйлар эдим. (*Фарҳод гурзини ерга қўяди.*) Қани энди, қазийтган горингни ҳам кўрайлик.

Ф а р ҳ о д. Марҳамат!

Фарҳодга эргашиб горнинг оғзига борадилар.

- 10 **Б е ҳ з о д.** Демак, мана шу тешикдан ичкарига кириб кетасан? Оҳ ўғлим, ўғилгинам! (*Бағдодли билан Ашраф горга қарайдилар ва орқага тисариладилар.*) Шундай қилиб шаҳарга сув келтирмоқчимисан? Шунга кўзинг етадимми?

Ф а р ҳ о д. Ишончим комил, отажон.

Б е ҳ з о д. Халқ сенга ишонади. Халқни алдаб бўлмайди. Халқ сенинг Ширинсултонингга эришмоқ учунгина тоғ қазийтганингни аллақачон унутиб юборган.

Ф а р ҳ о д. Мен ҳам унутиб юборганман.

- 20 **Б е ҳ з о д.** Ширинни-я?

Ф а р ҳ о д. Йўқ... уни унутиб бўлармиди? Қалбимда Ширин билан сув бир-бирига қўшилишиб кетган. Мен Темиртоғни нима учун қазийтганимни ўзим ҳам билмай қолдим — Ширин билан қовушмоқ учунми ёки халқни сув билан қовуштирмоқ учунми...

Б е ҳ з о д. Яна неча йиллик ишинг бор?

Ф а р ҳ о д. Қамида ўн йил.

- 30 **Б е ҳ з о д.** Қани, сенга бир қарай-чи... Юзларинг оқариб кетибди. Офтоб кўрмайсан-да, ўшаники... Кечалари ишлаб, кундузлари дам олсанг бўлмайдими?

Ф а р ҳ о д. Бошдаёқ ишнинг интизомини шундай белгилаган эдим, дада... Энди ўзгартириш қийин...

Б е ҳ з о р. Тўғри... Ишнинг интизомини бузиш қийин. Лекин шундай бўлса ҳам эрта билан бир оз кечроқ ишга тушсанг ё бўлмаса кечқурун бир оз илгарироқ тинсанг... Қуёш ботмасдан илгарироқ... Бўлмаса, жуда рангинг кетиб қолибди, ўғлим...

Ф а р ҳ о д. Утирмайсанми, отажон?

Б е ҳ з о д. Хўп.

- 40 **Ф а р ҳ о д билан Б е ҳ з о д** чим устига, бир-бирларига юзма-юз ўтирадилар.

Онанг ҳар ой сени кўргани келарди-а?

Ф а р ҳ о д. Ҳар ой келарди...

Беҳзод. Мендан яширинча. Лекин мен бари бир билардим. Хотинлар ажойиб халқ бўлар экан. Айниқса, она бўлдим — тамом деявер: боладан бошқа ҳеч ким кўзига кўринмайди. Ўз қўлимда жон берди... Ула-ўлгунча тилидан тушмадинг... Энг сўнгги нафасида кўрган одами мен бўлдим, аммо кўзи кўрмасди. У, ёнида бўлмасанг ҳам, сени кўрди... Йиғлаётибсанми? (*Узининг кўз ёшини енглари билан артади.*) Ҳеч вақт ўлим ҳақида ҳам ўйлаганмисан?

10 Фарҳод. Ўйлаганман, отажон.

Беҳзод. Кўрқинчлими?

Фарҳод. Йўқ, дада.

Беҳзод. Мен ҳам кўрқмайман. Лекин айрилиқ азоби — азобларнинг энг даҳшатлиси экан.

Бу вақт Ашраф билан бағдодли эгилиб, ердаги ўтларни томоша қилишади.

Ашраф. Уста Беҳзод!

Беҳзод. Нима дейсан?

Ашраф. Топдим чоғи...

Фарҳод билан Беҳзод Ашрафнинг ёнига келишади.

20 (*Беҳзодга бир япроқ узатиб.*) Мана бунга қаранг, шу эмасми?..

Фарҳод (*Ашрафнинг қўлидан иккинчи япроқни олиб*). Бу нимага керак?

Ашраф. Нимага кераклигини уста Беҳзод айтиб берсин.

Беҳзод. Сен халқ учун тоғ қазийганинда, бизларни қўл қовуштириб ўтирибди, деб ўйлаганмидинг? Наққошлар, тошйўнарлар, мискарлар бирлашиб, шаҳарда йигирма тўрт фонтан қураётирмиз.

30 Ашраф. Темиртоғнинг суви йигирма тўрт фонтандан отилиб туради.

Беҳзод. Йигирма тўртталови ҳам мрамардан бўлади... Бугун биз мана шу хабарни сенга етказгани келган эдик...

Ашраф. Энг катта фонтан чинор майдонига қурилади.

Беҳзод. Нақшларни Ашраф икковимиз чизамиз.

40 Ашраф. Мана бу япроқларнинг нусхасини ойнатошга кўчирсак яхши чиқар, деб ўйлайман.

Фарҳод (*қўлидаги япроқни текшириб кўриб*). Шу япроқними?.. Йўқ, унча келишмайди.

Ашраф. Ёқтирмадингми?

Фарҳод (*таёқча билан ерни чизиб кўрсатади*).
Фонтанга қўйиладиган ойнатош мана шундай ўрнатил-
са керак? Шунақами?

Ашраф. Ҳа, ҳа...

Фарҳод. Агар сиз шу япроқни ойнатошнинг атро-
фига мана шундай қилиб (*чизади*) чизсангиз, мана қа-
ранг-а, жуда қўпол чиқмайдими?

Бағдодли. Тўғри.

Ашраф. Лекин биз...

10 Беҳзод. Лекин-пекини йўқ, Фарҳод ҳақли... хунук
чиқади!

Ашраф. Ахир биз япроқни худди шундайича чиза-
вермаймиз-да, уни ўзгартирамиз.

Фарҳод. Яъни қандай? (*Чизади.*) Мана бундай-
ми? (*Чизади.*) Мана бундай қилиб чизса ҳам бўлади.
(*Чизади.*)

Ашраф. Мана бу учинчи нусха хаёлимга келгани
йўқ эди.

20 Фарҳод. Ана кўрдингизми, бўлмас экан. Сиз бир
нафас тўхтанг-а... (*Югуриб бориб горнинг ёнидаги ер-
ларни тимирскилаб, ўтлар орасидан бир япроқни узиб
олиб келади.*) Мана! Ойнатошга мана бу япроқдан нус-
ха кўчириш керак! (*Ерга чизади.*)

*Мана бу томонини бир оз чўзиш керак. (Чизади.) Мана бу томо-
нини эса кенгайтириш керак. (Чизади.)*

Бағдодли. Баракалла! Худо ҳақи, жуда чиройли
чиқади!

30 Беҳзод. Оҳ, ўғлим... Яна миямга қон тепиб кетди!
Шундай наққош-а... Шунча йиллар ўтса ҳам ҳунаринг-
ни унутмаган экансан!

Фарҳод. Инсон йилларча гаплашмагани билан ўз
она тилини унутадими?.. Хўш, қачондан ишга тушмоқ-
чисизлар?

Ашраф. Эрта тонгдан.

Беҳзод. Бу иш беш-олти йилга чўзилади. Балки
ундан ҳам кўпроққа борар...

Бағдодли. Йиллар тез ўтиб кетади.

40 Беҳзод. Умр ҳам шунга ўхшаш... Фарҳод, балки
мен фонтанлардан сув сапчиганини кўролмасман...
Ешим етмишдан ошиб қолди, ахир... Лекин ўша фон-
танларнинг қандай отилишини кўз олдимга келтира
оламан... Қайдам, балки ойнатошларга ўйиладиган
нақшларни ҳам битиролмасман... Зиёни йўқ! Ашраф
менинг ишларимни давом эттиради! Лекин мрамор фон-
танларимизнинг худди сувдай шуъладор, сувдай мусаф-

фо ва гўзал, сувдай баҳайбат бўлишлигини биламан!

Фарҳод. Отажон... Ҳар куни дейишга-ку тилим бормайди, ишинг кўп, аммо ҳеч бўлмаса, ҳафтада бир марта келиб турсанг.

Беҳзод. Келаман, болам, келаман... рангинг қочиб қолибди, бир амаллаб озгина бўлса ҳам, офтоб кўриб турсанг яхши бўлар эди... Ё оллоҳ... Хўш, энди биз кетайлик.

Фарҳод. Яна бир оз қолгин, отажон.

10 Беҳзод. Кетишимиз керак, ўғлим. Ҳар ҳафтада келиб тураман дедим-ку... Қани кетдик... Яхши қол.

Фарҳод отасининг қўлини ўлади.

Ашраф. Хайр, Фарҳод.

Бағдодли. Яхши қол, уста Фарҳод.

Фарҳод. Кузатиб қўяман...

Саҳнанинг чап томонига қараб юрадилар.

Беҳзод. Кечалари тинч ухлайсанми, ахир?

Фарҳод. Тинч ухлайман, отажон.

20 Беҳзод. Ухлаш керак, тинч ухлаш керак... дам олиш керак...

Фарҳод. Дам оламан, ота...

Ҳамма чиқади. Саҳна бирпас бўш қолади. Кейин ўнг томондан, тепанинг орқасидан Ширин чиқиб келади, Фарҳод кетган томонга қарайди ва секин дарахт орқасига яширинади. Фарҳод қайтиб келиб, саҳнанинг ўртасида тўхтади. Ширин ердан бир тош олиб Фарҳодга отади. Фарҳод атрофга қарайди. Ширин яна, яна бир тош отади. Фарҳод тошларни дарахт орқасидан отилаётганини пайқаб, ўша томонга боради. Ширин дарахт орқасидан чиқади.

30 Ширин! (Бир-бирларига отиладилар, қучоқлашадилар, кейин Фарҳод Шириннинг қўлларидан тутиб кўзига термулади.) Ширин! Ширин!

Ширин. Фарҳод!

Фарҳод. Қандай қилиб келдинг? Қочиб келдингми? Йўқ, йўқ, бирпас жим тур... Гапирма... Юзларингни тўйиб томоша қилай!

Ширин. Фарҳод! (Кулумсирайди.)

Фарҳод. Шириним! Жилмайишинг нақадар чиройли! Сувда қуёш шуъласи каби...

40 Ширин кулади.

Кулишларинг нақадар гўзал! Баҳор шабадаси ёш новдаларни силкитганидай...

Ширин овоз чиқармай йиғлайди.

Нега йиғлаяпсан?

Ш и р и н. Севинчимдан. Кўз ёшларим чарақлаб кулиб турибди, кўрдингми...

Ф а р ҳ о д. Гапир, қандай келдинг, Ширин? Жонгинам... Қандай қилиб келдинг? Қочиб келдингми? Орқангдан одам қувмасмикан?

Ш и р и н. Қочганим йўқ. Соқчилар билан келдим. Улар тепаликнинг орқасида мени кутиб туришибди.

Ф а р ҳ о д. Бўлмаса опанг...

10 Ш и р и н. Худога шукур, у соғ-саломат! Мени ўзи юборди...

Ф а р ҳ о д. А? Менинг ёнимга ўзи юбордимми? Бутунлай-а?

Ш и р и н. Мен умрбод сеникиман!

Ф а р ҳ о д. Шириним! *(Ширинни қучоқлайди.)* Бундан буён сен ҳаммавақт менинг билан бирга бўласан... Менинг билан... менинг бағримда шунчалар яқин, шунчалик қувончли, шунчалик жонли... *Ўзимники! (Ширинни бағридан бўшатиб, қўлларидан ушлайди, форнинг оғзига томон етаклайди.)* Юр, сенга ишлаётган жойимни кўрсатаман... Тўхта, аввал гурзимни кўрсатай. *(Гурзини кўрсатади.)* Мана... Қани, бир дастасидан ушлаб кўр-чи!

Ш и р и н гурзини ушлаб кўради, лекин қимирлата олмайди.

Ш и р и н. Мунча оғир! *(Фарҳоднинг яланғоч мускулларига қараб.)* Мускулларинг тошдек қаттиқ бўлиб кетибди. Мени қучоқлаганингда назаримда суякларим қирсиллаб кетди... Бир оз рангинг қочибди, Фарҳод, аммо бу сўлғунлик ҳуснингга яна ҳусн қўшибди...

30 Ф а р ҳ о д. Биласанми, отам келди... Ун йиллик гинасини ташлаб, кўргани келибди!

Ш и р и н. Хурсандман.

Ф а р ҳ о д. Чолни кўриб жуда қувониб кетдим! Мана энди сен келдинг, Ширин! Энди айрилиқ-ҳасратлар тамом тугади! Бундан буён иккимиз ҳар кеча юлдузларни томоша қиламиз. Ҳар тонготарда ёнма-ён уйғонамиз... Менинг Шириним! Менинг кечаю кундузим!

Ш и р и н. Мана шу ерга ўтир.

Ф а р ҳ о д ўтиради, Ш и р и н кўкат устига ётиб, бошини Ф а р ҳ о д нинг тиззасига қўяди.

40 Сўзимни бўлмасдан қулоқ сол... Ҳамма гапни сенга бир бошдан айтиб беришим керак...

Ф а р ҳ о д. Гапир, лекин тез бўлсин... чунки ҳозир мен бўлиб ўтган ишларни эмас, эндиги бўладиганларни ўйлагим келади.

Ш и р и н. Тингла, тингла... Қўрқинчли бир нарсани билиб қолдим. Ишонгим келмайди, аммо ишонмасдан иложим йўқ... Опамнинг бу ўн йил ичида кундан-кунга мендан узоқлашиб, бегоналашиб бораётганини ўйлаб кўрганимда... У яна янги шарт қўйди...

Ф а р ҳ о д. Қанақа шарт? Тезроқ айтсанг-чи?

Ш и р и н. Бундан уч ой бурун вазир вафот этди.

Ф а р ҳ о д. Эшитганман.

10 Ш и р и н. Ўлмасдан бир кун илгари вазир менинг олдимга келди. Мен инсоннинг бунчалик хоин, бунчалик маккор, бунчалик нафратга тўлиқ бўлишини билмас эканман! «Шириносултон, мен сени нафратлайман,— деди,— менинг кунларим sanoқли, биламан, бугун-эрта ўлиб кетаман, аммо ўлмасдан олдин сенга икки оғиз сўзим бор,— деди...— Сен опангни фақат чиройидангина эмас, балки севган кишидан ҳам маҳрум қилдинг...»,— деди.

Ф а р ҳ о д. Нима дединг?

20 Ш и р и н. Вазир шундай деди...

Ф а р ҳ о д. Ёлғон!

Ш и р и н. Биламан... Чиройидан маҳрум қилганим тўғри...

Ф а р ҳ о д. Уни сенга ўзи берган!

Ш и р и н. Баъзида, кошки эди шу ишни қилмаганда-ю, ўлиб кетаверганим яхши эди, дейман.

Ф а р ҳ о д. Ширин!

Ш и р и н. Ўзинг ўйлаб кўр... Бировнинг ҳиммати билан, шу қадар улуғ ҳиммати билан яшаётган бўлсаму, яна ўша кишини севгилисидан, сендан маҳрум қилсам!

30 Ф а р ҳ о д. Ёлғон!

Ш и р и н. Балки тўғри ҳамдир...

Ф а р ҳ о д. Тўғри бўлганда ҳам бу иш учун на сен гуноҳкор, на мен!

Ш и р и н. Бари бир эмасми, Фарҳод! Юзимга астойдил тикил-чи... Пешонамдаги учта ажинни кўраяпсанми? Буларнинг иккитаси сендан айрилиқнинг нишонаси, учинчиси яқиндагина пайдо бўлди. (Фарҳод Шириннинг пешонасидан ўпади.) Опам мендан гўзал эди.

40 Ф а р ҳ о д. Йўқ! Дунёда ҳеч қайси гўзал сендан гўзалроқ бўлолмайди!

Ш и р и н. Оҳ, агар мен ўлганимда у гўзаллигича қоларди. Икковингиз учрашар эдингиз... Шундайми? Жавоб берсанг-чи! (Ўрнидан туради.) Йўқ, вазир ёлғон гапирган! Мен бахтиёр бўлишни истайман!

Ф а р ҳ о д. Биз бахтиёр бўламиз... Айтгандай, сенга

ишлаётган жойимни кўрсатмоқчи эдим. (Форнинг олди-га олиб боради.) Ана, кўрдингми?

Ш и р и н. Мунча қоронғу!.. Ҳамма нарсани унутишни истар эдим! Бу қоронғуликни ҳам, ўн йиллик айриликни ҳам, опамни ҳам... Юр, кетамиз!

Ф а р ҳ о д. Қаерга?

Ш и р и н. Бахт сари... Шарафасидаги нақшларни ўз қўлинг билан чизган кўшкимизга... Мен сенга олма отиб ўйнаган боғчамизга... Сенга нима бўлди? Нега юзимга бундай таажжуб билан қараяпсан?

Ф а р ҳ о д. Опанг ўйлаб чиқарган янги шарт нима эди?

Ш и р и н. Фарҳоднинг олдига бор, деди. Агар у шу топдаёқ, шаҳарга сув келтирмақ учун тоғ қазиш ишини тўхтатиб, сен билан бирга шаҳарга қайтса, тўйингиз бўлишига розиман... Агар бу шартимни қабул қилмаса, ҳамма нарса илгаригича қолаверади...— деди.

Ф а р ҳ о д. Маҳинбонунинг янги шarti шунақа дегин!

20 Ш и р и н. Бу шарт эмишми? Шарт жуда ғалати-я, нима дейсан? Лекин менга қара... Йиллар бўйи эшитганим овозидан опамнинг қандайдир сирли нияти борлигини пайқадим... Хонлик десам, тилим бормайди! Макр десам, йўқ, у бунга қобил эмас! Уч десам... Оҳ, Фарҳод, юр тезроқ кетдик! Бу ерда бир нафас ҳам қолишни истамайман...

Ф а р ҳ о д. Бу ер ёқмадими?

30 Ш и р и н. Бу ер бошимизга айрилиқ солди... Кўшкимиз, боғчамиз, гуллари сен чизган нақшларга ўхшаган боғчамиз — у ерда... У ерда ҳамма нарса яхши!

Ф а р ҳ о д. Ширин!

Ш и р и н. Менга жуда ғалати қарадинг-а...

Ф а р ҳ о д. Ширин! Шаҳримизга сув чиқариш учун ўн йилдан буён қояларни ёриб ётибман. Шаҳарга сув бориши керак, албатта боради! Фонтанлардан йиринг эмас, сенинг кўзларинг каби жилвали, қўлларинг каби гўзал, нафасинг каби соф сувлар оқади! Мармар фонтанлардан сув сапчийди, Ширин!

40 Ш и р и н. Нималар деяпсан?

Ф а р ҳ о д. Бундан буён халқимиз ўлатдан қирилмайди... Гузар-гузарларда тўпланиб ожизликдан оху фиғон тортмайди...

Ш и р и н. Фарҳод... Мен билан бирга кетмоқчи эмасмисан? Демак, мени ортиқ севмайсанми?

Ф а р ҳ о д. Сени ҳеч қачон ҳозиргидай қаттиқ севган

эмасман! Ун йил мобайнида горнинг ичида юз аршинча илгариладим... Энди рўпарамда биттагина қора қоя қолди... Ана шу қояни парчалаб ўтсам, уёғи сув!

Ш и р и н. Бу неча кунда бўлади? Жавоб берсангчи! Неча ойда?.. Нега жавоб бермайсан?.. Неча йилда? Йўқ, йўқ, жавоб берма... *(Йиғлайди.)*

Ф а р ҳ о д. Йиғлама... йиғлама, Ширин! Қўз ёшларинг билан қўлларимни боғлама! Қувончларинг билан билагимга қувват бер!

10 Ш и р и н. Мен қаҳрамон эмасман... Мен ўз ёри билан қовушмоқни истаган, уни ўн йил кутган ожиз бир аёлман, холос. ...Шунча интизорликдан кейин ўз ёрининг қалбига ёт эканини тушунган бир шўрлик аёлман...

Ф а р ҳ о д. Ҳамиша қалбимдасан, қўлларимдасан, кўзларимдасан!

Ш и р и н. Мен кетаман...

Ф а р ҳ о д. Кетма... Қол!

20 Ш и р и н. Мен билан кетмайсанми? Демак, яна йилларча кўзинг-кўзимга тушмайди, қўлинг-қўлимга... Кетмайсанми? Пешонамда учта ажин бор... Лекин мен ҳали гўзалман. Кўшкимиз, ўзинг чизган нақшлар сени кутаётибди, Фарҳод! Кетмайсанми?

Ф а р ҳ о д. Ширин!

Ш и р и н. Кетмайсанми?

30 Ф а р ҳ о д. Одамлар пашшадай қирилиб турган бир пайтда сен билан мен кўшқингда кумуш кўзаларда Темиртоғнинг сувини ичиб бахтиёр бўла қоламизми? Йўқ, ўша сув Арзиннинг мраммар фонтанларидан сапчиб туриши керак! Албатта шундай бўлади! Биргина қоя қолди... Мен уни парчалаб ташлайман!

Ш и р и н. Сен Арзинни мендан кўра ортиқроқ севар экансан!

Ф а р ҳ о д. Сен ҳам арзинли эмасмисан, ахир?

40 Ш и р и н. Кетишим керак. Мени ўп! *(Фарҳод Ширинни ўпади.)* Тағин... *(Фарҳод Ширинни ўпади.)* Биз яна йилларча дийдор кўришмаймиз... Манглайимдаги ажинлар кўзларимни босиб тушади... Сўнгра дудоқларимгача тушади... Қариб қоламан... Ушанда, ниҳоят, сен шаҳаримизга сув келтирганингда ва биз қовушганимизда афсус-алам билан юзларимга қарарсан!

Ф а р ҳ о д. Сен менинг учун ҳар қачон ҳам...

Ш и р и н. Бас! Ишонаман... Қўлингни бер... *(Фарҳод қўлини беради, Ширин унинг қўлини ўпади.)* Худога топширдим... Фарҳод... *(Фарҳод Ширинни қучоқламоқ-*

чи бўлади.) Йўқ, фақат кўзларимдан ўп... (Фарҳод Шириннинг кўзларидан ўпади.) Бу ҳикояда ҳар ким бир иш билан ўзини кўрсатди... Мен ҳам бир иш қиламан, мен сени кутаман, қамоқдаги эрини кутган хотин каби, аскарга кетган ўғлини кутган она каби кутаман... Яхши қол, Фарҳод!

Ф а р ҳ о д (Шириннинг орқасидан боради). Кетма... Шу ерда қол.

10 Ширин шошиб узоқлашади. Фарҳод унинг орқасидан қараб қолади. Кейин тепаликка чиқиб узоққа тикилади.

Ширин! Ширин!

Халқ киради. Қуёш чиқмоқда.

Х а л қ. Салом, Фарҳод! (Фарҳод халққа ўгирилди.) Қуёш чиқаётибди, Фарҳод! Биз, гурзингнинг гумбурашани тинглагани яна келдик. Саломлар бўлсин, Фарҳод!

Ф а р ҳ о д. Салом, халойиқ!

20 Болалик хотин. Сени кўрсин, сендай баҳодир йигит бўлсин деб, олти ойлик ўғлимни олиб келдим, уста Фарҳод!

Ф а р ҳ о д. Мен баҳодирманми? Ўғлинг мендан яхшироқ бўлсин!

1-қ и з. Кўзларимга тикил, уста Фарҳод! Сен тикилган кўзлар муродига етармиш...

Х а л қ. Кун чиқаётибди, Фарҳод, қара, кун чиқаётибди!

Ф а р ҳ о д. Салом, қуёш!

Қ у ё ш. Салом, Фарҳод!

Ф а р ҳ о д. Гурзий-гароним, тайёرمىсан?

30 Г у р з и. Тайёрман, қўлларингни кутаётирман, Фарҳод!

Ф а р ҳ о д. Қора қоянинг орқасидаги сув, овозимни тинглаяпсанми?

С у в (узоқдан). Ҳа... а... тинглаётибман, Фарҳод...

Ф а р ҳ о д. Қора қоя, сен-чи, тайёرمىсан?

Қ о р а қ о я. Тайёрман, Фарҳод! Кел, олишайлик, вақт ўтмасин!

40 Ф а р ҳ о д гурзини олиб ғорга кириб кетади. Бир муддатдан кейин гурзининг борган сари кучайиб бораётган товуши эшитилади.

Болалик хотин. Гурзининг товушини тингла, ўғлим, гурзининг товушини тингла!

Х а л қ. Қора қояларни янч, Фарҳод, янч! Темиртоғнинг сувлари, тезроқ сапчинг! Кўзаларимизни тўлдиринг! Ур, Фарҳод, янч!

Георгий Мдивани

ФРОНТ БУЙЛАБ БУЙРУҚ

(7 кўринишли пьеса)

Қатнашувчилар:

1. Серго Оржоникидзе.
 2. Зинаида Гавриловна.
 3. Павлик — 12 яшар бола.
 4. Захар — штаб комендант.
 - 10 5. Николаев — штаб бошлиғи.
 6. Лалаев — комиссар.
 7. Бядуля — командир.
 8. Мўйсафид — актёр.
 9. Актриса — унинг қизи.
 10. Калюга — ишчи.
 11. Иванов — темир йўл бошлиғи.
 12. Петров — озиқ-овқат комиссари.
 13. Степан — чопар.
 14. Станция бошлиғи.
 - 20 15. Иван Кузьмич — қоровул.
 16. Биринчи анархист.
 17. Иккинчи анархист.
 18. Деҳқон.
- Командирлар, қизил аскарлар, вокзалдаги халқ

Ғафур Ғулом таржимаси

Биринчи кўриниш

Штаб хонаси. Саҳнада Николаев, Лалаев, Петров, Калюга, Иванов. Николаевнинг олдидаги столда харита. Ҳаммалари ўйланиб ўтирадилар.

Л а л а е в (*жаҳл билан ўрнидан туради*). Йўқ, бу мумкин эмас, ўртоқ Николаев. Бизнинг чекинишимиз сотқинликнинг ўзи бўлиб қолади.

К а л ю г а. Тўғри, ўртоқ Лалаев.

И в а н о в. Наҳотки бошқа чора топилмаса?

10 Н и к о л а е в. Бор.

П е т р о в. Қандай чора?

Н и к о л а е в. Ҳаммамиз битта қолмай ҳалок бўлишимиз керак бўлади. Аммо... бари бир душман бизнинг ўликларимизни топтаб фронтни ёриб ўтади. Мен-ку ўлимдан кўрқмайман, хўш сизлар-чи... (*Атрофидагиларга қарайди.*)

Л а л а е в (*унинг сўзини бўлади*). Бу демагогия! Куруқ сафсатабозлик!

20 Н и к о л а е в (*ўрнидан сапчиб туради*). Бу ер фронт, митингхона эмас, ўртоқ комиссар! Армиянинг тақдири учун мен жавоб бераман.

Л а л а е в. Шундай, аммо менинг ҳам армия тақдири учун жавобгарлигим сизникидан кам эмас! Мени Москвадан, штаб бошлиғи нима деса лаббай, деб ўтирадиган нотариус бўласан, деб жўнатган эмаслар. Сиз ҳам менинг фикрим билан ҳисоблашишингиз керак. Мен фикримни партияли ўртоқлар олдида очиқ айтаман. Чекинмаймиз! Мен чекинишга қаршиман!

30 Н и к о л а е в. Дуруст, мен партия аъзоси эмасман, аммо Революцион ҳарбий кенгаш олдида етарликкина ишонч ва эътиборга эгаман. Хўш, сиздан сўраб кўрай, ўртоқ Лалаев, айтинг-чи, душманга қаршилиқ кўрсатаверсак-да, оқибатда жонли барча кучларимиз нобуд бўлиб кетса, хўш икковимиздан қайси биримиз партия олдида жавобгар бўламиз? (*Петровга мурожаат қилади.*) Ўртоқ Петров, озиқ-овқат масаласи қалай, шаҳарда қанча ғалла қолган?

Петров. Ғалланинг мазаси йўқ. Бир-икки кунга аранг етади.

Николаев. Шаҳардаги қочоқлар қанчага етди?

Петров. Қим санаб чиқибди дейсиз. Эҳтимол беш мингдир, балки ундан ҳам ортиқроқдир.

Николаев. Беморлар-чи?

Петров. Жуда кўп. Қасалхоналар тирбанд.

Николаев. Ана шундай, ўртоқ Лалаев, энди бир хулоса қилиб кўрайлик-чи. Нималаримиз бор экану, нималаримиз йўқ экан? Чунончи, снрядимиз йўқ, патронларимиз йўқ, дон-дун, нонимиз йўқ? Нималаримиз бор? Буларнинг ўрнига ҳақиқатга мос келмайдиган революцион дастурлар, бекорга кучаниш ташаббуси, очлик ва терлама бор, холос.

Чанг-тўзон босган Бядуля югуриб киради.

Лалаев. Нима хабарлар бор?

Бядуля. Расво хабарлар, ўртоқ комиссар! (Николаевга.) Менга нега снряд юбормадингиз? Бу ерда нима қилиб ўтирибсизлар ўзи? Полк икки кундан бери нонсиз ўтирибди.

Николаев (*Лалаевга қарайди ва қўли билан Бядуляни кўрсатади*). Ҳа, ана, кўрдингизми... сўзларимнинг жонли далили.

Лалаев. Жангчиларнинг кайфияти қалай?

Бядуля. Кайфияти жойида. Жангга отилгани шай бўлиб туришибди, аммо... патрондан йўқ.

Николаев (*Лалаевга*). Эшитяпсизми, сўзларим яна бир марта тасдиқланди.

Бядуля (*давом этади*). Душман устимизга зовталаб келяпти... Ҳар томондан сиқик ва ҳужум ичида-миз... Унг қанотда Ткаченкони ўлдиришди!

Николаев (*ҳайрон бўлиб*). Ткаченкони дедингизми?

Бядуля. Қозловнинг отряди бўлмаганда, батареяларимиз душман қўлига ўтиб кетган бўларди. Йигитларга минг раҳматки, айти вақтида етиб келишди. Қозлов тўп садоларини эшитибди-ю, отряди билан менга мадад бергани югурибди. Узи... ҳеч қандай буйруқсиз. Одам деган бундай бўлибди-да!

Лалаев (*хомуш*). Энди нима қилиш керак?

Николаев. Айтдим-ку ахир: чекинамиз, ана шу билан армиянинг жонли кучларини сақлаб қолган бўламиз. Шу бугуннинг ўзидаёқ чекиниш керак. Қоронғи кечадан фойдаланиб қолайлик. (*Харитага қарайди*.)

Аммо, ҳовлиқмасдан, саросимага тушмасдан чекиниш керак. Мана бу чегарагача. Ўттиз чақирим келиб қолар.

Л а л а е в. Хўш, шаҳар-чи?

Н и к о л а е в. Шаҳарни орқалаб олиб кетолмаймиз. Ташлаб чиқишга мажбурмиз. Терлама билан бижғиб ётган шаҳар қолса қолар.

Б я д у л я. Чекинамиз, дейсизми? Улганда ҳам чечинмаймиз!

10 Н и к о л а е в. Мен сизга шунисини айтишим керакки, ўртоқ Бядуля, сизнинг полкингиз ичкари томонга жўнаши зарур. Мана бу чегарада душманга қаршилик кўрсатиш учун тайёрланиш керак. (*Харитадан кўрсатади.*) Оқоплар қазишга тўғри келади, маълумки, бунинг учун патроннинг даркори йўқ.

Л а л а е в. Тўғри!

Б я д у л я. Эсларингни едингларми!

Л а л а е в. Ўртоқ Бядуля, сиз ахлоқ доирасидан жуда четга чиқиб кетяпсиз!

20 Б я д у л я. Гапнинг мазмунини тушунтириб беринглар-чи, ўзи нима гап?

Н и к о л а е в (*Бядуляга*). Сиз штабнинг буйруғини оласиз. Унда ҳамма нарса тушунтирилган бўлади. Сиз буйруқдаги кўрсатмаларни финг демай бажаришга мажбурсиз.

Б я д у л я. Бу ҳеч мумкин эмас!

Л а л а е в. Мен сизни тартибга чақираман, Бядуля. Бу ўзбошимча, анархистик қилиқларингизни ташланг.

Б я д у л я. Мен чекинишга қаршиман. Мени отиб юборсаларингиз ҳам фронтни ташлаб кетолмайман.

30 *Эшик очилиб, Серго Оржоникидзе, унинг орқасидан Захар киради.*

С е р г о. Хўш, бу ерда мардоналиги учун кимни отиб ташламоқчи бўлиб турибсизлар?

Ҳаммалари эшикка ўгириладилар. Қараб турадилар. Пауза.

Н и к о л а е в. Ким бўласиз?

С е р г о. Революцион ҳарбий кенгаш аъзоси Оржоникидзе.

Л а л а е в. Ўртоқ... Серго!

40 С е р г о (*Лалаевга ўгирилади*). Лалаев, салом! (*Қўлини сиқиб кўришади.*)

Н и к о л а е в (*кўришади*). Николаев.

С е р г о (*Николаевга тикилиб*). Жуда соз. Мана сизларнинг ҳузурингизга етиб келдим.

Николаев (*хурсанд кайфиятда*). Жуда хурсандман, ўртоқ Оржоникидзе. Мен шу вақтгача сиз билан таниш бўлиш шарафига муяссар бўлмаган эдим.

Серго. Гап бунда эмас. Ҳозир, яхши соатда дийдор кўришмакни насиб қилсин, дейдиган замон эмас. Ҳозир энг муҳими одамларнинг қилиб турган ишларини билиш.

Петров (*кўришиб*). Петров.

Бядуля (*саломлашиб*). Бядуля.

Серго. Сиз жуда ҳам ботир кўринасиз, ўртоқ Бядуля!

Бядуля. Тутоқиб кетган эдим-да...

Серго (*сўзини бўлади*). Ўзингни оқлашингнинг нима ҳожати бор, ўртоқ Бядуля! Тутоқанинг жуда ҳам яхши. Айниқса, революцияга хос ишларда бепарво кўнгилчанликдан расво нарса йўқ.

Калюга (*кўришади*). Калюга.

Серго. Депо бошлиғимисан?

Калюга. Ҳа.

Серго. Ҳали икковимиз узоқ гаплашамиз. Мен сенинг тўғрингда кўпгина гаплар эшитганман.

Серго одамлар билан сўрашаётганда, Захар ҳам унинг кетидан индамай ҳамма билан бирма-бир қўлини сиқиб кўришиб чиқади.

Иванов (*кўришади*). Иванов.

Серго. Хўш, айтингиз-чи, вокзалда турган ўнта қизил вагон нима учун шайлаб қўйилган?

Иванов. Қочоқларни шаҳардан олиб чиқиб кетиш учун.

Серго. Хўш, қай томонга, ўртоқ Иванов?

Иванов. Ия, мен қаёқдан биламан? Тўрт тарафлари очик, истаган томонларига кетаверишсин.

Серго. Демак, сен улардан қутулмоқчи экансан-да?

Иванов. Албатта, ўртоқ Серго. Улар ишга ҳалақит берадилар холос. Бу уйнинг куйгурларга нон етказиб бўлса ҳам майли эди.

Лалаев. Шуни гап деб гапиргани уялмайсанми? Ҳимоясиз қочоқларни кимнинг қўлига топширмоқчисан?

Иванов. Ахир мен бу одамларни қайтадан оқлар томонига жўнатишни таклиф қилаётганим йўқ-ку!

Серго. Бўлмаса қаёққа жўнатмоқчисан? Бошқа шаҳаргами? Фронтгами? Ўзларингни бу ортиқча нон-хўрлардан қутқариб, уларни бошқа ўртоқларга ортмоқламоқчимисизлар?

Иванов. Мен бунисини ўйлаб кўрмаган эканман, ўртоқ Серго.

Серго. Тавба. (*Хўрсинади.*) Ўйлаш керак, ахир, ўртоқ Иванов, ўйлаш керак.

Иванов. Ўртоқ Серго, бутун бошлиқ транспортни бошқаришни уdda қилолмаёпман. Мен темир йўлни қизил вагонда юрадиган, яъни паст табақали бир пассажирчалик биламан, холос.

10 Серго. Жуда соз, мен ҳам илгари ким бўла қолган эканман, ўртоқ Иванов? Балки, сен мени давлатни бошқаришни ўргатадиган университетми ёки ҳарбий академияни битирган, олий маълумотли кишилардан, деб ўйлаётгандирсан? Мен оддий фельдшер эдим. Фельдшер нималигини биласанми — мен ниҳояти беморларнинг ҳароратини ўлчаб ва иситма бўлса *chinini turiciati* деган дорини 0,3 граммдан ёзиб беришгача ўқиганман холос. Тушундингми? Ҳа, айтгандек, бизда тунука се-робми?

20 Иванов (*уялиб*). Билолмадим... ўртоқ Қалюга, қанчача тунукамиз бор?

Қалюга. Икки юз пуд тунука бор.

Серго. Нима қилди сенга, Қалюга? Алланечук бўлиб турибсан. Тобинг қочдими дейман?

Қалюга. Йўғ-э, ўртоқ Серго, отдекман, сал-пал эгим увушиб турибди. Икки сутка ухлай олмадим. Вагонларни ремонт қилган эдик.

30 Серго (*қўлини Калюганинг пешонасига олиб боради*). Менга қара, ўртоқ Иванов, қочоқлар ҳеч ёққа олиб чиқиб кетилмасин. Улар озиқ-овқат билан таъмин қилинсин, беморлар даволансин. Вагонларга эса шу бугуноқ тунука қоплаб, тўплар ўрнатилсин, кейин фронтга жўнатилсин.

Иванов. Адо этамиз.

Серго. Ўртоқ Николаев, буйруқнинг тез ва пухта бажарилишини кузатишни сизга топшираман.

40 Никол аев. Бажонидил, Григорий Константинович. Айниқса, бу қарор фронт манфаатларига беҳад фойдали бўлганлиги учун жуда ҳам ўтқир мулоҳаза билан топилган маъқул қарор деб биламан.

Серго. Штаб бошлиғи бўлатуриб нега шу вақтгача бу ҳақда ўйлаб кўрмадингиз?

Никол аев. Ҳали ҳозиргача ҳеч ким ҳарбий тажрибада бундай ҳодисани учратган эмас, Григорий Константинович. Бизга академияда қизил вагонлардан зирҳли поезд ясашни ўргатишмаганларини қаранг.

Серго (киноя билан). Бўлмаса, менга сургунда ўргатишган экан-да, а?

Николаев. Тушунарли, Григорий Константинович.

Серго. Захар, деразани беркит.

Захар. Хўп бўлади! (Беркитади.)

Серго (Калюгага). Кўйлагингни еч.

Калюга (ҳайрон бўлиб). Нима қилмоқчисиз, ўртоқ Серго?

Серго. Кўйлагингни еч, деяпман сенга!

Калюга. Нега ахир?

Серго. Еч, дейман, тентак! Кўкрагингни кўрсат. (Унинг кўкрагига қулоқ солади.) Унта зирҳли вагон. Демак, бизга паровоздан...

Николаев. Бизга иккита паровоз бўлса етади — беш вагонга биттадан.

Серго. Тўғри. Йўтал.

Калюга йўталади.

Қани, яна бир марта йўтал-чи.

Калюга йўталади.

Нима бало? Гунгурсдек гавданг бору йўталишинг имитқи боланикича ҳам келмайди. Яна бир йўталасан, лекин ростакамига бўлсин. (Калюга бор кучини йиғиб туриб йўталади.) Ҳа, дуруст, иш бундай бўлибди. (Унинг кўкрагига қулоқ солади.) Ёт! (Диванни кўрсатади.)

Калюга. Нима кераги бор, ўртоқ Серго? Филофини ифлос қилиб қўяман.

Серго (эйтибор бериб, жиддий). Қасалсан, ёт!

Калюга ўнғайсизланиб етади, Серго унинг қорнига бармоқлари билан уриб кўради.

Бядуля. Мен ошиқиб тургандим. Рухсат берсангиз, ўртоқ Оржоникидзе.

Серго (Калюганинг кўкрагига қулоқ солиб). Қаёққа ошиқаётибсан, ўртоқ Бядуля?

Бядуля. Полкни чекинишга тайёрлагани. Начора, буйруқни бажармасликка иложим йўқ, ўртоқ Оржоникидзе.

Серго. Чекинишга дедингми?

Николаев. Афсуски, шундай, Григорий Константинович.

Серго (Бядуляга). Сен шу ерда тура тур. (Калю-

гага.) Хўп, бўлди. Қийинсанг бўлади. Уч кун ётасан, кўчага чиқа кўрма.

К а л ю г а. Мен, айиқдай соппа-соғман-ку, ўртоқ Серго.

Серго. Вақти келса айиқ ҳам касал бўлиши мумкин. *(Рецепт ёзади.)* Мана: кечаси ярим граммли аспири порошоги ичасан. Йўтал дорини — ош қошиқда кунига уч марта ичасан. Уч кундан кейин тузалиб кетасан. *(Рецептни Ивановга беради.)* Манг, ўртоқ Иванов, 10 бу дориларни ҳозироқ тайёрлатинг-да, Қалюганинг уйига жўнатинг.

К а л ю г а. Ўртоқ Серго, ҳозир менинг касал бўлиб ётишга вақтим йўқ. Зирҳли вагонларда ишлашим керак.

Серго. Хўп ҳам дейлик, лекин сен бугун ишлаб, эртадан икки ойга ётиб қолмоқчимисан? Бунақа зебзийнатга, ҳашаматларга ижозат бера олмаймиз.

К а л ю г а. Мен ҳеч вақт касал бўлган эмасман. Салпал этим увушиб турибди холос, ўртоқ Серго. Рухсат берсангиз, бир стакангина араққа қалампир эзиб ичсам — кўзим ярқ этиб очилади, кўрмагандек бўлиб кетаман. 20

Серго. Бошқа вақтда икки юз грамм ичсанг ҳам майли, қалампир эзасанми, эзмайсанми, унис менга бари бир. Ҳозир эса мумкин эмас. Иссиғинг кўтарилиб кетади.

К а л ю г а *(безовталаниб)*. Ўртоқ Серго, ахир вагонлар зарур-ку.

Серго *(уни қучоқлайди)*. Бу тўғрида гап тамом, Қалюга. Ўртоқ Петров, ишларингиз қалай?

30 Петров. Ўртоқ Оржоникидзе, шаҳарда атиги бир кунга етадиган ун қолди. Мана кўринг... *(Қоғоз узади.)*

Серго. Хўш, ўзингиз қандай чоралар кўрдингиз? *(Қоғозни кўздан кечиради.)*

Петров. Буғдойни-ку оламиз-а, лекин ташиб келгани ҳеч нарса йўқ. Транспорт йўқ.

Серго. Ия, шаҳар транспорти-чи? Мен ҳозир шаҳарда анча-мунча арава, хўкиз арава, извош кўрдим, тўлиб-тошиб ётибди.

40 Петров. Борликка-ку бор-а, лекин ҳаммаси хусусий киракашларники-да.

Серго. Ундай бўлса, уларни ёлланг, кира қилинг.

Петров. Ўлганда ҳам кўнишмайди, ўртоқ Оржоникидзе. Бу ишга от қўшишдан манфаат кам, дейишади.

Серго. Нима-нима? Одамлар буёқда очидан тиришса, уларга манфаатли бўлар эканми?

Петров. Ҳа, шунақа, ҳеч кўнишмайди, ўртоқ Оржоникидзе. Қайси бирига борсанг, ўзимнинг отимга ўзим хўжайин, отим — бисотим, дейди.

Серго. Эҳ, ноинсоф чайқовчилар! (*Телефон трубкасини олади.*) Милиция бошлиғининг фамилияси нима?

Лалаев. Климов, ўртоқ Серго.

Серго. Милиция бошлиғига улаб қўйинг! (*Пауза.*)

10 Климовми? Сен билан Ҳарбий революцион кенгаш аъзоси Оржоникидзе гаплашаётибди. Салом. Соатинг неча бўлибди? Бир, дедингми, тўғри. Соатинг аниқ экан. Энди гапга қулоқ сол. Соат учга, яъни икки соатдан кейин бутун шаҳар транспорти, ҳамма отлар, хўкиз аравалар, хуллас, ҳамма аравалар кимники бўлишига қаралмай сафарбар қилинсин. Бутун транспорт шаҳарга ғалла ташиб келтириш учун ўртоқ Петровнинг ихтиёрига топширилсин. Шуларнинг бажарилганлиги ҳақида соат учда менга хабар қиласан. Соатинг пухта юради-я? Тушундингми, хайр.

Петров. Раҳмат, ўртоқ Оржоникидзе.

20 Серго. Шунга ҳам раҳмат айтиб ўтирибсизми? Буни аллақачон ўзингиз қилган бўлишингиз керак эди. (*Иванов, Қалюга ва Петровга.*) Мен сизларни тутиб турмайман, ўртоқлар. Ишларингизни давом эттиринглар. (*Қалюгага.*) Сен уйингга жўна, бориб ёт.

Иванов (*Николаевга*). Шундай қилиб, темир йўлдаги вагон составларини қочоқларни ташиш учун тайёрлайверайликми?

Серго (*жаҳл билан*). Сизга ахир буюрилди, ўртоқ

30 Иванов, қизил вагонларни зирҳли вагонларга айлантисиз. Шу буйруқни бажаринг!

Иванов. Хўп бўлади, ўртоқ Серго.

Штаб аъзоларидан бошқа ҳаммалари чиқиб кетадилар.

Бядуля (*Сергога*). Бизга қандай буйруқларингиз бор?

Серго. Штаб буйруқ бермагунча жойларингиздан қўзғалманглар. Мудофаа чегаралари ҳар томонлама мустақамланиши керак.

Бядуля. Ҳа, бу тўғри гап бўлди. Раҳмат, ўртоқ

40 Серго. (*Чиқиб кетади.*)

Николаев. Жуда ҳам тизгинсиз одам-да.

Серго. Кўнглида кири йўқ... Бу хавfli эмас, ўртоқ Николаев. (*Харитага яқинлашиб.*) Фронтда аҳвол қалай?

Николаев. Аҳвол оғир, Григорий Қонстантино-

вич. Сўнги кунларда душманнинг тазйиқи анча-мунча кучайди.

Серго. Сиз нима таклиф қиласиз?

Николаев. Чекиниш керак. Биз учун бирдан-бир нажот шунда.

Серго. Чекиниш керак, дедингизми? Бизнинг шароитимизда чекиниш билан нажот топмайдилар, балки ҳалок бўладилар, ўртоқ Николаев. Фронтдаги бизнинг участкамизга қандай вазифа юклатилганини ўзингиз
10 яхши биласиз. Гап шундаки, биз чекиниш билан душманга қўриқланмаган кенг йўл очиб берган бўламиз.

Лалаев. Тўғри. Чекиниш бу...

Серго. Сиз ахир ҳарбий мутахассиссиз-ку. Жин урсин, бошқа чора топинг-да энди.

Николаев. Армияда на снаряд, на патрон, на этик бор. Мен ҳам қуруқ қўл билан яланғочлаб жанг қила олмайман-да ахир! Сеҳргарлик қилиш қўлимдан келмайди, мўъжизакорлигим ҳам йўқ, Григорий Константинович.

20 Лалаев. Шахсан ўзим Москвада су ҳақда масала қўйдим... Бу ердан эса ўнлаб телеграмма бердим...

Серго. Қўй энди, Лалаев, шу телеграмма деган нарсага суянаверма. Телеграмма деган нарса мудофаа ишида иш бермайдиган қурол. (Николаевга.) Мен сизнинг фикрингизга қўшилмайман, ўртоқ Николаев. Менинчга, қандай бўлмасин эгаллаб турилган позицияларда мустаҳкамланиб олиш ҳар қандай зарбага чидаш билан бирга чекинмаслик керак. Агар биз чекинсак — фронт чегараси ёппасига заифлашиб кетади.

30 Николаев. Бу мумкин эмас. Ҳеч мумкин эмас, Григорий Константинович, биласизми, ора йўлда армияни нобуд қиламиз, ишларимиз ҳам ўнганмайди. Менинчга, душманнинг фронтни ўпириб кириши муқаррар.

Серго. Ҳарбий мутахассислар Борисовни ҳам олиш мумкин эмас, деган эдилар. Бироқ биз уни олдик.

Николаев. Стратегия фани нуқтаи назаридан бу хато эди...

Серго (қизишиб). Қани энди шундай хатолардан кўпроқ бўлиб турса, ўртоқ Николаев.

40 Николаев. Сизлар душманнинг хотиржамлигидан фойдаландингизлар. Кутилмаган ҳужум Борисов шаҳрининг тақдирини ҳал қилди. Лекин сиз ўлим билан ўйнашдингиз, Григорий Константинович. Ўқ ярим вершок пастга келиб текканда борми, фуражкангизни учириб туширмасди, ўзингизни қулатарди.

Серго. Сиз менинг ҳаётимни вершоклаб ўлчайсизу ўзингиз эса ўн километрларча орқага қочиб чекинмоқчисиз. Сиз, шу чекиниш билан неча минг кишининг ҳаётини қутурган душман қўлига топшириб кетишингизни ҳеч ўйлаб кўрдингизми?

Николаев. Ахир тушунинг, Григорий Константинович, чекинишимиз муқаррар. Борисовни қўлдан бериб қўйгандан кейин душман эҳтиёткорроқ, маккорроқ бўлиб қолди.

10 Лалаев. Ўртоқ Николаев, сиз ўзимизнинг имкониятлардан кўра душманнинг имкониятлари тўғрисида кўпроқ гапираётибсиз.

Серго. Яна бир карра сўрайман: хўш, сизнинг чекинишдан иборат планингиздан муддао нима ўзи?

Николаев. Марҳамат. Мана менинг мудрофаа планим. (*Харитани ёзади.*) Мана бу ерда, дарёнинг ўнг қирғоғида душманнинг зарбачи қисмлари тўпланган. Ўз-ўзидан равшанки, улар асосан фронтни шу ердан ёриб ўтишмоқчи.

20 Серго. Ҳа... Хўш, сиз қандай чоралар кўрмоқчисиз?

Николаев. Биз чап қанотдан олиб келинган икита артиллерия дивизиони ўларга қарши қўямиз, бу ёққа латиш ўқчиларини олиб келамиз.

Серго (*харитани кўрсатиб*). Демак, сиз оқлар дарёдан кечиб ўтгунча кутиб турмоқчи экансиз-да?

Николаев. Шундай.

Лалаев. Бошқа иложи ҳам йўқ.

30 Серго. Нега бўлмасин? (*Харитани кўрсатиб.*) Хўш, мана бу қишлоқда нима бор? У қай тариқа мустаҳкамланган? Қандай қуроллантирилган? Душманнинг қандай қисмлари бор? Уларнинг аҳвол руҳияси қай аҳволда?

Николаев. Бу нарсалар бизга маълум эмас.

Серго. Бундан чиқдики, бизнинг разведкамиз ҳеч нарсага ярамас экан-да?

Лалаев. Қишлоқ тўхтовсиз ўққа тутиб турилибди. Биз уч марта разведкачиларимизни юбордик. Улар мўлжалга етиб бормасданоқ ҳалок бўлдилар.

40 Серго. Ўйлашимча, сизларнинг бу мудрофаа планларингиз ҳам ҳеч нарсага ярамайди. У душманни кутиш негизига қурилган, энг яхши мудрофаа — ҳужумдан иборат. Стратегия шундай деб ўргатса керак. Мен, бизнинг қўшинларимиз дарёни кечиб ўтишларини таклиф қиламан.

Лалаев. Ана, масалани бундай ҳал қилиш керак, ўртоқ Николаев.

Николаев. Шундай-ку-я, лекин қишлоқдаги аҳволдан хабаримиз йўқ. Агар оқлар уни мустаҳкамлаб олган бўлсалар, улар орқа томонимиздан келиб зарба берадилар-да, биз ҳалқага тушиб қоламиз.

Серго. Демак, разведка жуда зарур экан. Дам ўтмай, дарҳол! Захар!

Лалаев. Ўртоқ Оржоникидзе, менга ижозат беринг...

Серго (*ўрнидан туриб*). Туринг, қирга разведкага
10 борамиз... Сиз билан мен борамиз, ўртоқ Николаев.

Николаев. Куппа-кундуз куни-я! Душман ёмғирдай ўқ ёғдириб турибди-ку.

Серго. Акс ҳолда кечқурунгача иш қўлдан кетади, кечиккан бўламиз.

Николаев. Григорий Константинович, бу ахир мулоҳазасизлик. Ҳарбий раҳбарлик ўз-ўзини хавф-хатарга тутиб беришга ҳақи йўқ.

Серго. Агар орамизда битта-яримта қўрқаётган бўлса қолавериши мумкин.

20 Николаев (*таъна қилиб*). Григорий Константинович, сиз ахир менинг ким эканлигимни билмайсизми? Мен 1916 йили икки юзтагина солдат билан душмanning бир дивизия эгаллаб турган фронтини ёриб ўтолганман. Ун икки марта яраланган бўлсам, шуларнинг биронтаси ҳам яғринимдан эмас, чунки, Николаевнинг ҳалигача ҳеч ким қўрқинчлардан юз ўгириб қочганини кўрган эмас.

Серго. Сўзингиз тамом бўлдими, ўртоқ Николаев?

Николаев. Ҳа, тамом.

30 Серго. Ана, менинг сиздан талаб қилаётган нарсам ҳам шунинг ўзи: ҳарбий ишдаги билимингизу шахсий жасоратингиз. Сизда ана шу хислатлар бўлмаса революцион армиянинг штабига бошлиқ қилиб тайинланмасдингиз. Шундайми, ўртоқ комиссар?

Лалаев. Жуда тўғри, ўртоқ Серго.

Серго (*милтиқни олиб, затворини текшира бошлайди*). Қани, юринглар, ўртоқлар, кетдик. Уша ерда яна маслаҳатлашиб кўрамиз. У ерда ўртоқ Николаев душманни хотиржам кутиб ўтиришга асосланган чекиниш плани ўрнига душманга аёвсиз зарба билан ҳужум қилиш тўғрисидаги янги бир план таклиф қилар, деб ўйлайман.

40

Парда

Иккинчи кўриниш

Кичик бир темир йўл станцияси. Учинчи даражадаги йўловчиларга мўлжалланган зона. Скамейкаларда хотинлар, болалар ва чоллар ётибдилар. Олдинроқда чамадон устида қора кийимлик хотин ўлтирибди. Бурчақда бир неча киши карта ўйнамоқда. Қизиқувчилар уларни жипс қуришаб олганлар.

10 Кичкина хотин (бошида мода бўлган шляпачи бор, ёнида ўлтирган суҳбатдоши билан шивирлашиб сўзлашмоқда). Йўғ-а, сен ўзинг бу нарсанинг қанчалик даҳшат эканлигини ўйлаб кўр... Эрим, керак эмас, дейди, мен, керак, керак, керак, дейман. Кўзлари қинидан чиқиб кетган, худди бўрининг кўзига ўхшаш ола-кула, еб қўйгудай. Жуда қўрқиб кетдим. Бир фалокат бўлма-са эди... Йўқ, гапимни эшит... Ваҳиманг келади!.. (*Кўллари ни ўйнатиб кўрсата бошлайди.*) Мен унга бориб ёпишибману ўзимдан кетибман. Бир маҳал кўзимни очиб қарасам, иш расво бўлибди. Буни қараки, эрим бечора жонворгинани бўйи баробар кўтариб қудуққа ташлаб юборибди... Вой-воей... Нафасим тиқилиб, худди жоним чиқаётгандай бўлдим. Кўзим шифтга битиб ётибдию қулоғимга жониворнинг ангиллагани, сувнинг шапиллагани ғира-шира эшитилиб турибди. Кейин-чи, кейин бирданига жимжит бўлиб қолди. У бўлса, эрим бўлса, золим, қонхўр эрим ўлгур, теламда кўзимга ўқрайиб қараб турибди. Вой, ўша пайтда эрим кўзимга шундай шумшук кўриниб кетдики... Кейин мени қучоқлаган бўлиб: кел энди, ҳадеб куйиб пишаверма, мен бу ишни сени киройи севганимдан қилдим, ахир ўзимизга

30 егани овқат йўқ-ку, мана энди уруш тамом бўлгандан кейин бундан ҳам зотдорини олиб боқамиз, дейди. Қара, ўзинг ақл югуртириб кўр, шунчалик ҳам қаттоллик бўладими! Шўрликкина жонивор бир бурдагина боши билан нима ҳам ея қоларди?! Бунақа зотдорини қаердан ҳам топардик? Шундай, тозигинани топиш осон деб ўйлайсанми? Бу ит шўрлик ота-она, насл-насабидан тортиб бизга таниш эди... (*Ҳиқиллаб йиғлай бошлайди.*) Ана ўшандан бери ҳали ўзимга келолмайман...

40 **Ҳ а м р о ҳ и** (*бепарволик билан*). Албатта, бу мусибатга чидаш осон эмас.

Д е ҳ қ о н (*хўрсиниб*). Уҳ, уҳ, уҳ... Гуноҳларимиз ҳаддан ташқари оғир экан-да.

Ш л я п а л и к и ш и. Ҳа, нега мунча уҳ тортиб қолдинг?

Д е ҳ қ о н. Уҳ тортмай нима қилай? Сен жуда севинганингдан юрагинг чапак отиб кетаётибдими? Шляпа кийиб олибсан, буржуймисан?

Шляпали. Бу замонда буржуй деган гап йўқ. Ҳозир ҳамма ҳам оч-яланғоч.

Деҳқон. Бу гапинг тўғри, бизлар ҳаммамиз ҳам битта емишимиз... Аммо айтишларига қараганда оқ йигитлар борган сари авжга минишаётганмиш.

Шляпали. Бу важига ҳеч бир таажжуб қиладиган жойи йўқ. Чунки уларнинг мунтазам армияси, ўқ-дориси, озиқ-овқати ошиб-тошиб ётибди. Уларни ахир Антанта боқади-да.

10 Деҳқон. Антанта деганинг ўзи қанақа буюм?

Шляпали. Антанта деганими, энди бу сенга айтсам, оғайни... *(Деҳқонни бошдан-оёқ разм солиб чиқарди ва қўлини силтайди.)* Суриштириб нима қиласан? Сенга бари бир эмасми?

Деҳқон. Албатта энди, бари бирликка-ку бари бир-а, лекин мана бу уруш тезроқ тамом бўла қолса эди, дейман-да. Нега десанг, ер ишловсиз ёввойилашиб кетяпти, одамлардан инсоф-тавфиқ кетган, ака — укани, ўғил — отани аямайди. Шу дажжолли ланн чиқиб ер юзини оладю ҳаммамиз ҳам ҳалок бўламиз дейман-да...

Интеллигент *(у карта ўйнаб ўлтирган эди, бирданига ўрнидан ирғиб турди. Картани тавкадагиларнинг бирисига қараб ирғитади. Қичқира бошлади).* Сиз муттаҳам, сиз фирром одам экансиз!

Рақиб *(киноя билан).* Ҳали шунақа денг? Мен сиз бўлсам, бундай демасдим.

Шляпали *(ҳаяжонланиб).* Бу нима деган гап ахир? Ватаннинг бошига шундай оғир кулфат тушиб

30 турганда карта ўйнаш керакми?

Интеллигент. Сиз Россияни нобуд қиласиз! Таловчилар... чайқовчилар...

Рақиб *(ўрнидан туриб).* Овозингни ўчир, қуйруғи куйган кўркаламуш, ўйиннинг уҳдасидан чиқолмасанг даврага тумшуғингни тиқиб нима қиласан? Буни карта дейдилар, бунинг ўйини жуда нозик, хушқимор; қилни қирққа ёриб ўйналади, чидаганга чиқарган.

Кимдир орқадан қаҳ-қаҳ уриб кулади.

Шляпали *(қоровулга яқинлашиб).* Салом, биродар, станцияда кўпдан бери ишлайсанми?

40 Қоровул. Ҳа, ўн беш йилча бўлиб қолди.

Шляпали. Вой бў-ў!.. Ўн беш йилдан бери рўпарадан поездлару йўловчилар ўтгани ўтган экан-да, а?

Чодир хаёлнинг ойнасидай бақрайиб қолганим-қолган, дегин? Эртаю кеч вокзалдамисан?

Қоровул. Ҳа, шу ердаман.

Шляпали. Мен бўлсам бу ерда мана икки кундан бери диққатим ошиб ётибман, аммо тоқатим тоқ. Яна бирор кун кутиб қоладиган бўлсам, тарс ёрилиб ўламан.

Қоровул. Бу ҳаммаси асабийликдан... Кўриниб турибди, сиз ўқиган одамга ўхшайсиз, ўқиган одамларнинг ҳаммаси асабий бўлади.

10 Шляпали (*ҳаяжонланиб*). Ҳа, тўғри... Асаб, асаб...

Қоровул. Мана мен бўлсам вокзалсиз туролмайман. Йўловчиларнинг ҳаммаси менинг қариндош-уруғимдай бўлиб кетган. Ун беш йил мобайнида бу ердан озмунча йўловчи ўтмаган. Лекин ҳаммасини ҳам ёдимда тутиб келаман. Мабодо мана ўн йилдан кейин сизни кўрсам дарров танийман. Кўзим жуда ҳам ўткир. Мана, мана бу деҳқонни қаранг-а. (*Деҳқонни кўрсатади.*) Шу уч ой мобайнида бу ерда камида ўн марта кўргандирман.

20 Деҳқон. Бекор айтибсан. Мен умрим бино бўлиб, бу ерга сира келган эмасман.

Қоровул. Йўқ, оғайни, бекор айтаётганим йўқ. Сен ҳам яширмай қўя қол. Вокзал деган жой ҳамманики, бемалол яшайвер. Нимасини аяйман?

Деҳқон (*ўз-ўзича*). Вой, ярамас-эй! (*Юзини ўгиради.*)

30 *Залга қизил фуражка кийган станция бошлиғи киради, уни хотин-халаж ўраб олади.*

Биринчи қизил аскар. Поезд қачон келади?

Биринчи хотин. Жаноби бошлиқ...

Иккинчи қизил аскар. Бу ёққа қара, ҳой қизил шапка. Нима, биз бу ерда қишлаб қоламизми?

Учинчи қизил аскар. Беш кундан буён қорамолдай тентиб юрибмиз.

Биринчи қиз. Еярга нонимиз йўқ!

Тўртинчи қизил аскар. Очмиз.

Иккинчи қиз. Состав беринг!

40 Бир хотиннинг овози. Состав берилсин!

Станция бошлиғи. Ҳой хотин-халаж, овозингни ўчир! Мен сенларга қаердан состав топиб бераман? Туғиб бергин, дейсанларми?

Иккинчи хотин. Бизни қачон жўнатасиз ахир?

Бошлиқ. Қачон, қачон... Буни большевиклардан сўраларинг, улар сенларга жавобини айтади.

Қора кийимли хотин. Уртоқ бошлиқ, нима учун сиз халқ билан бундай муомала қиласиз? Уялмай-сизми? Улар сўраётган экан, жавоб беришингиз керак.

Бошлиқ. Хўш, сиз нимага бировнинг ишига суқиласиз? Тагин битта фармонбардор чиқиб қолганини қаранглар-а! Сиз ўзингиз ким бўласиз?

10 Қора кийимли хотин. Мен ҳам сизга ўхшаган оддийгина совет гражданиман.

Начальник. Мен оддийгина граждан эмасман, мен станция бошлиғи бўламан.

Қора кийимли хотин. Ундай бўлса яна яхши.

Бошлиқ. Ахир биласизми, бу йўлларда неча минглаб қочоқлар сарсон-саргардон? Ахир ўзингиз ўйлаб кўринг, шуларнинг ҳаммасига ҳам бирма-бир жавоб бериш осонми?

Қора кийимли хотин. Жавоб бериш сизнинг вазифангиз.

20 Бошлиқ (*ғазабни ошириб*). Менинг қанча хўжайиним бор? Ахир айтинг, менинг қанча хўжайиним бор?

Қора кийимли хотин (*жуда осойишта*). Сизнинг хўжайинингиз бутун халқ.

Бошлиқ. Бас! Бу ернинг хўжайини мен бўламан!

Қора кийимли хотин. Демак, жуда яроқсиз хўжайин экансиз.

Иккинчи қиз. Тўғри айтдингиз. Яхши хўжайин бўлганда борми...

Шовқин-сурон.

30 Бошлиқ. Ҳей, оддий гражданка бўлган ойм! Чамадонингизни кўтаринг! Йўлни бўшатинг.

Қора кийимли хотин. Хўп бўлади, афв этасиз... (*Чамадонни кўтариб, бурчакка боради ва иккиланиб тўхтади, чунки чамадонни қўйгани жой йўқ.*)

Станция бошлиғи залдан чиқиб кетади. Хотиннинг оёқлари тагида Павлик ўлтиради. У ўрнидан туради, толиққани ва оч эканлиги аён сезилади. Қора кийимли хотинга мурожаат қилади.

40 Павлик. Хола, чамадонингизни мана бу ерга қўйинг, ўтиринг.

Қора кийимли хотин. Кел, ўзинг ҳам ўтир...

Павлик. Йўқ, мен тикка турсам ҳам бўлади.

Қора кийимли хотин (*чамадонни қўяди. Утиради*). Кел, ёнимга ўтир, тортинма.

Павлик. Раҳмат.

Қора кийимли хотин. Қаёққа кетяпсан, йигитча?

Павлик (*хўрсинади*). Билмадим... Ҳеч ёққа...

Қора кийимли хотин. Нега ҳеч ёққа? Ота-оналаринг қаёқда?

Павлик (*паузадан сўнг*). Ота-онам йўқ.. На отаму, на онам... (*Кўзларида ёш кўринади.*)

10 Қора кийимли хотин. Нега йўқ? Улардан адашиб қолдингми? Энди, нима қилиб ҳам бўларди дейсан! Уруш тездан тугайди. Улар сени топиб олишар.

Павлик. Йўқ, ҳеч топишолмайди. Дадамни ўтган ҳафта чопиб ташлашди...

Қора кийимли хотин. Ойинг-чи? Ахир ойинг тирикдир?

20 Павлик (*бошини қуйи солади*). Биз ойим икковимиз қочдик. Кейин бу ерга келдик. Шу ерда, вокзалда яшадик. Поезд кутдик. Кейин ойим касал бўлиб қолиб «Войдод, дадангни ўлдирешяпти!», деб бақира бошлади. Кейин ойимни олиб кетишди, тепкили терлама юқибди, дейишди.

Қора кийимли хотин (*хафа бўлиб*). Сен касалхонага бормадингми? Суриштирмадингми?

30 Павлик. Мен ойимнинг кетидан югурдим, мени у ёққа киргизишмади. Мен касалхонанинг дарвозаси олдида тунаб қолдим. Эрталаб доктор чиқиб: «Ойинг кечаси кетиб қолди», деди. Ўзи бўлса кўзимга тикилиб қаролмайди. Нима, мен ёш боламидим, нима гап эканлигини тушундим. Лекин ойимни шунақа ҳам кўргим келардики... Қун-узун кун шаҳарда зир югуриб уни қидирдим... (*Сўзларини тамомлаёлмай, бошини тиззалари орасига олиб йиғлай бошлайди.*)

Қора кийимли хотин (*уни қучоқлаб, бағрига олади*). Йиғлама, жон болам, йиғлама. Қап-катта йигитча ҳам йиғлайдими? Сен қиз боламисан, қиз болалар йиғлайди-да. (*Павликни овутишга тиришади.*)
Отинг нима?

Павлик. Павлик.

40 Қора кийимли хотин. Бирон нима ейсанми, ҳойнаҳой қорнинг очдир?

Павлик. Йўқ.

Қора кийимли хотин. Вой мунча ҳам ўжар бўлмасанг. (*Сумкасини очиб, нон, қоқ балиқ олиб, чамадон устига қўяди.*) Ол, е, жонгинам.

Павлик ёшини артиб аввал хотинга кейин нонга қарайди.

Ол, е, деяпман сенга. Мана нон, мана балиқ. Ол, бо-
лам. (Унга суриб қўяди.)

*Залнинг эшиги очилади. Қурооланган тўртта анархист кириб ке-
лади. Қоровул уларнинг йўлини тўсади.*

Биринчи анархист (уни итариб ташлаб).
Йўлни бўшат. Қўзинг кўр бўлдимми? Қимлар келаётган-
нини кўрмаяпсанми?

Қоровул. Сен ҳам туртмасдан гапир, билдингми?

10 Биринчи анархист (пичинг билан). Ия шуна-
қами, безовта қилганимиз учун кечирасиз, жаноби ўр-
тоқ.

Иккинчи анархист. Вой сўқим-эй! (Қоровул-
ни туртади.)

Биринчи анархист (йўловчиларга ўгирилиб
қараб). Вой-бў, чамадон... сон-саноғи йўғ-а. Шунча
одам қаёққа кетяпти ўзи?

Иккинчи қиз. Утинг, ўтинг, ўргилай.

20 Биринчи анархист. Ҳаммаси сафар қочди-я,
жўнагани жўнаган. Ургилай граждан, гражданкалар
йўл бўлсин? Қандай қилай, сизларга-ку ўлгундай ачи-
наман... (Қичқириб.) Ҳей шабада қоққан бароқсоч йи-
гит, қани, буларнинг бир ҳужжатларини текшириб кўр-
чи. (Қўлига рўпара келган чамадонни ушлайди.)

Иккита анархист катта эшикда пойлоқчилик қилиб туради.

Кичкина хотин. Ана холос, бошланди.

Кампир. Қўзичоққинам, бу чамадоннинг сенга ни-
ма кераги бор? Қўй, айланай, қўзим, ҳужжат десанг ма-
на менинг ҳужжатим, ўқиб кўр!

30 Иккинчи анархист (жаҳли чиқиб). Нима-ни-
ма? Қўзичоғинг ким? Мен ҳали қўзичоқманми?

Саҳна орқасидан яқинлашиб келаётган поезд гулдуроси эшитилади.

Деҳқон. Поезд... алоҳал поезд ҳам келиб қолди.

Биринчи анархист. Ҳужжатларни текшириш
тўхтатилсин!

Иккинчи анархист. Падар лаънати чамадони
очилмаяпти-ку!

Биринчи анархист. Олиб кетавер, кейин ти-
тиб кўрарсан.

40 Кампир (қичқиради). Қаёққа! Қаёққа олиб кета-
версин. Тусингни ел егур! Чамадонимни бер! Войдод,
қоровул! Уйим куйди!

Анархистлар қочиб қоладилар. Поезд перронга кириб келади.

Иккинчи қиз. Поезд!

Биринчи қиз. Келди, келди!

Иккинчи қизил аскар. Ҳой, ярадорга йўл беринглар!

Болалар. Вой, босиб олдингиз!

Поезд тўхтайди. Паровознинг оғир пишқириши эшитилади. Қоровул эшикка туриб олади ва ҳеч кимни платформага чиқармайди.

10 Қоровул. Эшикдан нарироқ туринглар! Йўлни очиб қўйинглар!

Хотинлар. Йўл беринг!

Биринчи қиз. Поездга чиқайлик!

Залга бир неча ҳарбийлар кирадилар. Улардан бири командир Бядуля.

Биринчи қизил аскар. Жим! Жим бўлинглар!

Бядуля (*ҳамроҳларига*). Биринчи галда касаллар олиб кетилсин. Улар учун махсус вагонлар ажратилсин.

Халқ ҳаяжонланади.

20 Иккинчи хоним. Йўл беринглар!

Иккинчи қиз, Эшикни очинг!

Командирнинг олдига станция бошлиғи келади.

Бошлиқ. Мен поезднинг жўнатилишига ижозат бермайман.

Бядуля. Нима учун?

Бошлиқ. Менинг жадвалимда бундай поезд йўқ.

Бядуля. Илгари бўлмаган бўлса, энди бўлади. Мен сизнинг жадвалингизни билмайман, ишим йўқ, билмоқчи ҳам эмасман. Буйруқни бажаринг.

30 Бошлиқ. Мен бажармайман. Мен фақат йўл ишлари халқ комиссарлигининг буйруқларига итоат қиламан. Мен шикоят қиламан.

Бядуля. Истаган одамингизга шикоят қилишингиз мумкин. Ҳозирча мен буюрган ишни қилиб туринг.

Бошлиқ (*аччиғланиб*). Суҳбатимиз тамом, сиз билан гаплашмайман. Поезд бир қадам ҳам ўрнидан жилмайди. Ҳеч қаёққа бормади. Йўл ишорат калитини ҳам топширмайман, бу состав учун йўлланма ҳам бермайман.

Бядуля (*қоровулга муржаат қилиб*). Уртоқ қоровул!

Қоровул. Хизмат, қандай буйруғингиз бор?

Бядуля. Бу ерда қачондан бери ишлайсан?

Қоровул. Ун беш йилдан бери.

Бядуля. Поезд жўнатишни уҳдасидан чиқасанми?

Қоровул. Бўлмасам-чи!

Бядуля. Саводинг борми?

Қоровул. Бўлмасам-чи!

10 Бядуля. Йўлланма ёзишни, ишорат калитини беришни биласанми?

Қоровул. Бўлмасам-чи! Бошлиқ бўлмаган кезларда поездни ҳамиша ўзим жўнатиб келганман.

Бядуля (*қоровулга*). Бўлмаса сен станция бошлиғи қилиб тайинландинг. Ҳозир мандат ёзиб бераман. (*Сумкасидан блокнот олиб, қалам билан ёза бошлайди.*) Фамилиянг нима?

Қоровул (*шошиб*). Фамилиям... мени Иван Кузьмич деб чақирришади...

20 Бядуля. Иван деганинг отинг бўлади, Кузьма бу энди — отангнинг оти бўлса керак. Менга фамилиянгни айт, азизим! Наҳотки, шуни ҳам айтолмасанг?

Қоровул (*ҳаяжонланиб*). Фамилиянг... Фамилиянг... қаерга борсанг шуни сўрайдилар.

Бошлиқ (*киноя билан*). У фамилиясини айтишга қўрқади, фамилияси — Романов. Романов деганларни биласиз-ку ахир, Николай подшонинг фамилияси ҳам Романов эди. Бу албатта энди сизнинг социалистик революциянгизга унча мос келадиган фамилия эмас.

30 Бядуля. Ҳеч қиси йўқ. (*Кулади.*) Бу хилдаги Романовларга мен ишонаман. Демак, Романов Иван Кузьмич станция бошлиғи қилиб тайинланади. (*Бошлиқнинг қизил фуражкасини олиб қоровулга кийдиради.*) Уртоқ Романов, тездан ишингга кириш.

Иван Кузьмич. Хўп бўлади, ўртоқ бошлиқ.

Биринчи хоним. Вой ўлай, жаноби бошлиқ.

Эски бошлиқ. Бу ўзбошимчалик, бошбошдоқлик! Мен шикоят қиламан, Москвагача бораман.

Бядуля. Уртоқ Романов, составни тездан жўнатишга тайёрла!

40 Иван Кузьмич. Хўп бўлади, ўртоқ командир, фақат...

Бядуля. Тағин — нима фақат?

Иван Кузьмич. Мен ахир бундан ҳамма ишларни қабул қилиб олишим керак-ку.

Эски бошлиқ. Қандай ишни қабул қилиб олардинг? Сен нима, бутун Россияга подшо қилиб сайланганмидинг?

Бядуля. Буюраман, шу тобдаёқ бутун ишларни ўртоқ Романовга топшир.

Эски бошлиқ. Ҳали шундай бўлдими, а, Романов?

Иван Кузьмич. Ҳозир энди мен ўртоқ Романовман, сен бўлсанг унсурсан! Кетдик!

10 *Чиқиб кетадилар.*

Қора кийимли хотин. Ўртоқ командир. Мана менинг ҳужжатларим. Мен эримнинг олдига кетаётган эдим.

Бядуля (*ҳужжатларни кўради, чеҳраси ёришиб кетади ва ҳурмат билан қайтиб беради*). Поезд йигирма минутдан кейин жўнайди. Мен сизни штаб ўрнашган вагонга жойлаштираман. Бир ўзингизмисиз? (*Қора кийимли хотин Павликка қарайди. Павлик эса бошини қуйи солганча, нон ейиш билан овора.*)

20 Қора кийимли хотин. Йўқ, мен ёлғиз эмасман.

Бядуля. Эрингиз билан кўришмаганингизга анча бўлгандир-а?

Қора кийимли хотин. Ҳа, йигирма кунча бўлиб қолди.

Бядуля. Бўлмаса, ўртоқ Серго роса хурсанд бўладиган бўлди.

Қора кийимли хотин. Бу ерга келгандан буён унинг аҳволи қандай? Тузуккина юрибдими?

30 Бядуля. Нимасини айтасиз, Зинаида Гавриловна, жуда ҳам яхши. Шу ерда бир нафас кутиб туринглар. Икковларингизни ҳам жўнатамиз.

Қора кийимли хотин. Раҳмат, ўртоқ. (*Павликнинг ёнига келиб, чамадонга ўлтиради.*)

Павлик (*қолган нон ва балиқни хотиннинг сумкасига солиб қўяди*). Раҳмат, хола. (*Сумкадан тушиб кетган китобни олади.*)

Қора кийимли хотин. Уқишни биласанми?

40 Павлик. Аввал иккинчи синфда ўқирдим. Кейин қолганини дадам ўқитган.

Қора кийимли хотин. Отанг нима иш қиларди?

Павлик. Ўзимизнинг қишлоқда ўқитувчилик қиларди.

Қора кийимли хотин. Қитоб ўқишни яхши кўрасанми?

Павлик. Бўлмаса-чи!

Қора кийимли хотин. Бўлмаса, мана бу китобни ол, уни сенга совға қиламан.

Павлик. Менга-я? *(Китобни диққат билан варақлай бошлайди.)*

Қора кийимли хотин. Бу китоб Улуғ француз революциясининг тарихи. Эшитганмисан, ҳеч қулоғингга чалинганми?

10 Павлик. Ҳа... Дадам айтиб бергандай эди. Раҳмат.

Қора кийимли хотин *(китоб титкилайётган болага термилиб туриб)*. Павлик, хўш, энди нима қилмоқчисан?

Павлик. Билмадим, хола...

Қора кийимли хотин. Агар хоҳласанг бирга олиб кетай. Ёқмаса қайтиб келарсан. Нега индамайсан? Ёки мен сенга маъқул келмадимми?

20 Павлик. Нега ундай дейсиз, холажон?

Қора кийимли хотин. Павлик, менинг ўғлим йўқ. Агар хўл десанг, сенинг яхши ва ақлли отанг ҳам бўлади. У киши менинг эрим, у албатта сенга ёқади. Сен уни албатта яхши кўриб қоласан. Павлик, қани, бўла қол, поезд ҳозир жўнайди. Кўрдингми, мен бир пасда сенга кўникиб қолдим.

Павлик. Сиз-а... сиз-а...

Қора кийимли хотин. Наҳотки, менга ишонмасанг, Павлик?

30 Павлик. Нега ундай дейсиз, хола, нега ундай дейсиз?

Қора кийимли хотин. Гапимга ишонавер, Павлик, мен сени туққан ўғлимдан ҳам зиёда кўраман... Павлик.

Биринчи қизил аскар. Қани, чамадонингизни менга беринг.

Қора кийимли хотин. Раҳмат, ўртоқ. Қани, кетдик, Павлик. *(Қўлидан етаклаганча кетади.)*

Парда

40 Учинчи кўриниш

Оржоникидзенинг хонаси. Саҳнада Павлик. У Зинаида Гавриловна совға қилган китобни ўқимоқда. Захар киради.

Захар. Салом, Павлик. Хўш, жиян, янги жойда дурустгина дам олдингми?

Павлик. Салом, Захар амаки. Маза қилиб ухладим.

Захар. Онанг қани?

Павлик. Бирон егулик овқат олиб келгани шаҳарга тушиб кетди.

Захар. Серго ҳали қайтганича йўқми?

Павлик. Йўқ.

10 Захар. Зап одам-да... Юраги типирчилаб туради. Хойнаҳой ошиқаётгандирсан? Тезроқ кўра қолсам, деггандирсан?

Павлик. Нимасини айтасиз, жуда ҳам кўргим келяпти, Захар амаки. Қечаси туш кўрсам уйга кириб келаётганмиш. Шунақа ҳам сипо, шунақа ҳам зардали, худди Робеспьерга ўхшармиш.

Захар. Кимга ўхшайди дединг? Унинг ким бўлди?

Павлик. Робеспьер деяпман-ку.

20 Захар. Робеспьер дейсанми? Мен шу вақтгача бу революционер ҳақида ҳеч нарса эшитмаганман-ку.

Павлик. Нега энди ҳеч нарса эшитмагансиз?

Захар (*уялинқираб*). Э, кексалик қурсин, ёдимдан кўтарилибди. Қулоғимга чалинган, албатта эшитганман. Айтишларига қараганда у қаердадир жанг қилаётган эмиш, Украина фронтида десаммикан, Қавказ фронтида десаммикан. Бундай одамлар бизда минглаб топилади, жиян. Ҳаммасини ёдда сақлаб қолиш осонми?

Павлик. Нима деяпсиз ўзи! Бу ёққа келинг! Мана бу суратни кўринг. (*Китобни очиб кўрсатади.*)

30 Захар. Бу чаккаси чиққан ориқ одам ким бўлди?

Павлик. Робеспьер шу-да — француз революциясининг раҳбари.

Захар (*ишонинқирамай*). Робеспьер шуми? Бизнинг Серго, шу уқа тутган жимжима ёқали кўғирчоққа ўхшайди, деб ўйлайсанми?

Павлик. Мана бунисини танийсизми? (*Бошқа бир портретни кўрсатади.*)

Захар. Хўш, буниси ким бўлди?

Павлик. Марат.

40 Захар (*хурсанд бўлиб*). Ҳа, буниси ўхшайди. Кўзлари бургутнинг кўзларидай чақнаб турибди. Марат дедингми, жиян?

Павлик. Ҳа, Марат.

Захар (*китобни қўлига олади*). Китоб шулар ҳақида ёзилганми?

П а в л и к. Шундай дегани уялмайсизми? Қўйинг-э! Улуғ француз революциясининг тарихини билмас экансиз.

З а х а р. Агар муҳлат берсанг, ҳаммасини ўрганиб оламан, ҳамма илмларни битта қўймай сув қилиб ичиб юбораман. Аммо ҳозир ўқиб ўтиргани вақтимиз йўқ. Марат! Бориб-бориб бизнинг ишлар ҳам шундай китоб бўлади. Кўп йиллар, балки юз, балки икки юз йилдан кейин неварачевараларимиз бизнинг революциямиз тарихини ўқийдилар, болаларига суратларни кўрсатиб:

10 мана бу Серго эди, унинг ёнида турган Захар, дейдилар. *(Пауза.)* Яхши ният-да, жиян... Сал ошириброк юбордим шекилли...

Кимдир эшикни тақиллатади.

Киринг.

С т е п а н. Уртоқ Оржоникидзенинг уйи шуми? *(Захарни кўргач.)* Захар!

З а х а р. Ия, огайни, саломатмисан!

С т е п а н. Хўш, ишларинг қалай?

20 З а х а р. Жойида. Нима янгиликлар бор?

С т е п а н. Мана Революцион ҳарбий кенгашдан хат олиб келдим. *(Йўл сумкасидан пакет олиб, Захарга беради.)* Қўл қўйиб ол!

З а х а р. Мунча ошиқмасанг, жонгинам. Ўтир, дамингни ол, чой ичайлик.

С т е п а н. Чой ичмаган жойимми, кейин ичарман. Шошиб турибман. Хайр, Захар. *(Кетади.)*

З а х а р. Хайр, соғ-омон бўл, Степан.

30 П а в л и к. Захар амаки, Революцион ҳарбий кенгаш дегани нима ўзи?

З а х а р. Вой-бў, қизиқ бўлди-ку. Қўй-э, Революцион ҳарбий кенгаш нима эканлигини билмасанг. Уят эмасми? Сергомиз ҳам Революцион ҳарбий кенгашнинг аъзоси. Уқдингми?

П а в л и к. Йўқ, Захар амаки, тушунолмадим.

З а х а р. Сенга қандай қилиб тушунтирсам экан? Революцион армия нималигини биларсан?

П а в л и к. Ҳа, биламан.

40 З а х а р. Худди ўша Революцион ҳарбий кенгаш дегани бизнинг мана шу армияга раҳбарлик қилади. Мен сенга бафуржа тушунтириб қўяман. Энди мен кетай, вақт етди. Иш кўп, ҳаммасини бажариб улгуролмайсан. Сен уйдан кўз-қулоқ бўлиб тур, бегона одамларни киргизма. Мана бу хатга эҳтиёт бўл. *(Кета туриб, тўхтади.)* Павлик!

Павлик. Хўш.

Захар. Мен Сергонинг ёнида юраман, шунинг учун ҳамма нарсани билишим керак. Унинг олдида тагин Маратдан гап оча кўрма. Шуни ҳам билмас экан, демасин? Ўзинг биласан-ку, йигитлар билиб қолишса тоза изза қилишади.

Павлик. Ҳеч кимга айтмайман.

Захар. Ростингми?

Павлик. Агар ёлғон гапирсам — яшин урсин.

Захар. Хўп, бўлди, ишонаман сенга, жиян.

Павлик. Захар амаки, хўп десангиз, бу китобни бирга ўқиймиз.

Захар. Уяламан-да. Кўрганлар — тухум товуқни ўргатяпти, дейишади.

Павлик. Ҳеч кимга айтмаймиз. Сиз биласиз, мен биламану (*кулади*), Марат билади, холос.

Захар. Ҳа, ундай бўлса жуда жойида. (*Кетади.*)

Павликнинг сув ичгиси келади. Графинда сув йўқ. У деразани пухталаб беркитади, эшикни қулфлайди ва уйдан чиқиб кетади. Бир оздан кейин эшик очилади. Серго киради. Деразани очади, унинг рафига милтиғини қўяди, стол олдига келади, пакетни очади ва диққат билан ўқийди. Серго уйга кираётган Павликка қарайди ва кейин шкафнинг орқасига беркинади. Павлик очилган деразани, унинг рафидаги милтиқни кўради. Стол олдига югуриб келади — пакет йўқ. Ҳаяжонланиб стол устидаги қоғозларни бирма-бир ола бошлайди.

Павлик. Худо уриб қолибди. Худо уриб қолибди! Уйга ўғри кирибди! (*Шкаф орқасида Сергони кўриб қолади.*) Ҳей, кимсан? Ким бўласан? Ким бор?

Серго қаддини ростлайди, унинг қўлида хат.

(*Хатни тортиб олади.*) Бировнинг хатини ўқишга нима ҳақнинг бор? Сени бу ерга ким киргизди?

Серго. Ўзим кирдим. Йигитча, бу ерда ким туради?

Павлик. Сенинг нима ишинг бор? (*Стол тортмаларининг очилганини кўради.*) Кимсан, дейман? Ёрдам беринглар!

Серго (*столдан узоқлашади*). Кечир мени, йигитча. Мен билмай кириб қолибман, ҳозир чиқиб кетаман, ҳеч кимга айтма...

Павлик (*эшик томонга югуриб қичқиради*). Йўқ, тўхта! Жойингдан қимирлама!

Серго (*ўзини кулгидан базўр тўхтатиб*). Қўйиб юбора қол, жон ука.

Павлик. Тўхта, деяпман сенга! Ҳой, Захар амаки, ҳой, ким бор, ёрдам беринглар!

Серго (*жилмайиб*). Сен ўзинг кимнинг боласисан?

Павлик. Бу сенинг ишинг эмас! (*Қичқиради.*) Захар амаки! Ҳой, Захар амаки!

Захар (*югуриб кириб*). Нима гап? Нима гап?

Серго (*Захарга имлаб*). Мен янглишиб бировнинг уйига кириб қолган эканман. Мана бу йигитча мени ўғри деб ушлаб турибди.

10 Павлик. Ёлғон, Захар амаки. Мен сувга бормоқчи бўлиб деразани бекитдим, эшикни қулфладим. Қайтиб келсам — дераза ҳам очиқ, хат йўқ. У хатларни ти-тибди.

Серго (*ҳазиллашиб*). Қандай хат? Мен хатларга текканим йўқ.

Павлик (*очилган конвертни кўрсатади*). Хўш, бу нима бўлмаса? Уни мен очибманмики?

Серго. Эҳтимол ўзинг очгандирсан.

Павлик. Ушланг уни, Захар амаки!

20 Захар (*ролга киради*). Кўтар қўлингни!

Серго (*қўлини кўтаради*). Бу бола эмас — шайтон экан-ку!

Захар (*Павликка*). Ёнларини тинтиб кўр.

Павлик (*дадиллик билан унинг олдига боради ва чўнтақларини тинтий бошлайди*). Тўппонча, чўнтагида тўппончаси бор экан.

Серго (*кулади, қўли билан чўнтагини беркитади*). Бас, ўйин соб бўлди. Тўппончага тега кўрма. Уқланган.

30 *Серго ва Захар куладилар. Павлик қизаради. Хонага Зинаида Гавриловна киради.*

(*Хурсанд бўлиб.*) Зина!

Зинаида Гавриловна. Серго!

Серго. Саломат бормисан? Эсон-омон келдингми? Толиқиб қолмадингми? Алланечук кўринасан. Қачон келдинг?

Зинаида Гавриловна. Кеча кечқурун.

Павлик (*ҳайрон қолиб*). Серго?!

40 Серго (*Павликни қучоқлайди*). Балли, ўғил бола, мен Серго бўламан. (*Зинаида Гавриловнага.*) Бу бола ким?

Зинаида. Ўғлимиз.

Серго. Баракалла азамат. Қани, кел танишайлик. Отинг нима?

Павлик хижолатдан индамайди.

Зинаида Гавриловна. Павлик.

Серго. Кел, қўй, мендан хафа бўлма. Ярашайлик. Менинг ўғилгинам жуда ҳам азамат йигит экан.

Павлик (*минғирлаб*). Мен танимабман-да... (*Захарга кўз қирини ташлайди.*)

Серго (*Захарга имлаб*). Албатта бунинг ҳаммасига Захар гуноҳкор-да. У ҳамма вақт гуноҳкор. Ҳамма вақт шундай чатоқ ишларни қилиб юради.

Захар. Тўғри.

Павлик. Мен танимабман-да... Мен сизни бошқача деб ўйлаган эдим.

Серго (*кулади*). Қандай деб ўйлаган эдинг? Новча деб ўйлагандирсан, ё бўлмаса албатта от минган деб ўйлагандирсан, шундайми?

Павлик (*ийманиб*). Йўқ, мен сизни баджаҳл, қовоғи солиқ, кулишни билмайдиган одам бўлса керак деб ўйлаган эдим.

Серго (*қаққақ уриб кулади*). Нимага энди кулишни билмаган одам ёмон одам бўлади?

Павлик. Бўлмаса Робеспьер нима учун ҳеч кулмаган?

Серго (*ҳайратланиб*). Эҳ-ҳе! Робеспьерни ҳам биласанми? Буни қаранглар-а, ўзинг нечага кирдинг?

Павлик. Ун иккига.

Серго. Робеспьер, азизим Павлик, ўтакетган ўзига мағрур, совуқ одам эди. Шундай эмасми, Захар? Ахир сен Робеспьерни билсанг керак? (*Унга қараб маъноли илжаяди.*)

Захар (*Павликка им қоқиб*). Биламану, унча хушкўрмайман. Уларнинг раҳбарларидан Марат дидимга ёқади, холос.

Калюга ва Иванов кирадилар.

Серго (*Калюгага*). Сен касалсан-ку, нега туриб келдинг, ким жавоб берди?

Калюга. Ўзингиз, ўртоқ Серго.

Серго. Менми? Мен сенга ётгин, дори ичгин, деган эдим.

Калюга. Худди айтганингизни қилдим. Дорини ичган эдим, кўзим ярқ этиб очилиб, кўрмагандек бўлдим.

Серго. Ростингни айт, дорини бир марта бўлса ҳам ичдингми?

Калюга. Бўлмаса-чи! Мен биратўласи шишаси билан ичдим-қўйдим. Ишонмасангиз, Петрович йўталиб

кўрсатиши ҳам мумкин (*йўталади*). Ана қийналдимми? Бемалол йўталдим.

Серго. Вой, айиб-эй! Билиб қўй, касал бўлгудек бўлсанг — ўзим боқиб ўтирмайман, тўппа-тўғри мол докторига жўнатаман.

К а л ю г а (*кулиб*). Мен ҳам бор дейману касал бўлмайман-қўяман.

Серго. Танишасизлар, ўртоқлар. Менинг хотиним ва дўстим — Зинаида Гавриловна.

10 И в а н о в (*қўлини узатади*). Иванов.

З и н а и д а Г а в р и л о в н а. Жуда соз.

К а л ю г а. Қалюга.

З и н а и д а Г а в р и л о в н а. Ҳе, ўртоқ Қалюга сиз бўласизми?

К а л ю г а (*кулади*). Ҳа, мен бўламан, Зинаида Гавриловна.

З и н а и д а Г а в р и л о в н а. Серго сизнинг тўғрингизда менга ёзиб юборган эди.

К а л ю г а (*ҳайрат билан*). Менинг ҳақимда-я?

20 С е р г о (*кулади*). Сени роса сўкиб ёзганман, Қалюга... Утиринглар. Хўш, вагонлар нима бўлди?

И в а н о в. Саккизтасига тунука қопладик. Иккита паровозга зирҳ кийдирдик.

С е р г о. Офарин!

К а л ю г а. Ўртоқ Николаев ҳали уларни кўриб чиққани йўқ.

С е р г о. Унинг ҳозир бундан ҳам зарурроқ иши бор. У фронтда банд.

30 И в а н о в. Ўртоқ Серго, шундай бўлса ҳам биз чекинармишмиз деган овоза бор. Шу гап ростми?

С е р г о. Яширишнинг ҳожати йўқ, ўртоқлар. Аҳвол жуда ҳам оғир, аммо биз чекинмоқчимасмиз. Сиз ҳам бундай овозаларга ишонаверманглар.

К а л ю г а. Бугун комиссарнинг ўзи шундай деди.

С е р г о. Қайси комиссар?

К а л ю г а. Лалаев-да.

С е р г о. Лалаев? (*Пауза.*) Ажаб... (*Фуражкасини кияди, чиқиб кетмоқчи бўлади.*)

40 З и н а и д а Г а в р и л о в н а. Сен кетасанми?

С е р г о. Мен тездан қайтиб келаман.

З и н а и д а Г а в р и л о в н а. Ахир ҳеч нарса емадинг-ку. Ақалли бир стакандан чой ичинглар, ўртоқлар.

С е р г о. Ичгим келмай турибди. Овқатланган эдим. Захардан сўра, хабари бор. Қани депога кетдик, ўртоқлар.

Зинаида Гавриловна. Алдаяпти. Ҳеч нарса еган эмас.

Захар. Алдаяпти, Зинаида Гавриловна. Алдагани, алдаган. Унга овқат тайёрлаб қўясан, у келмайди ҳам. Ёки югуриб келиб, овқатга бир қарайдию кетаверади. Кун-узун кун очдан-оч юраверади.

Эшик очилади. Сергонинг боши кўринади. Захар индамай қолади.

Серго (*илжайиб*). Захар! Орқаворатдан хамиримни тоза пишитяпсан шекилли-я?

Захар. Йўғ-э, ўртоқ Серго!

Серго (*секин Захарга*). Сен Лалаев тўғрисида...

Захар. Тушунарли, ўртоқ Серго.

Серго. Павлик, юр биз билан бирга.

Павлик (*қувониб*). Хўп бўлади!

Серго. Хўш, қорнинг тўқми?

Павлик. Ҳа, ҳозиргина овқатланганман. Хайр, ойи! (*Зинаида Гавриловнани қучоқлайди ва югурганча чиқиб кетади.*)

Захар. Алдаяпти-я, Зинаида Гавриловна.

Зинаида Гавриловна. Алдаяпти.

Захар. У ҳеч нарса емаганмиди?

Зинаида Гавриловна. Албатта. Уйда бир бурда ҳам нон йўқ эди.

Захар (*жилмаяди*). Ҳечқиси йўқ, Зинаида Гавриловна. Мен сизга айтсам, ўртоқ Марат ҳам шундай большевик эканки, революция деган жойда овқатни унутиб юбораркан.

Парда

Тўртинчи кўриниш

Уша хона. Саҳнада Серго, Зинаида Гавриловна ва Павлик. Зинаида Гавриловна уйни йиғиштирмақда. Павлик Сергонинг тиззасида ўлтирибди.

Серго. Кунлардан бир кун, яхши соатда, дегандек, Сталин менга айтиб қолди: Серго,— деди.— Сен шу тобдаёқ Разливга Лениннинг олдига боришинг керак,— деди. Мен қувониб кетдим.

Зинаида Гавриловна. Шунга ҳам икки йил бўлибди-я! Ёдингдами, июль ойида эди.

Серго. Ҳа, тўққиз юз ўн еттинчи йил июль ойида эди. Мен ўшанда ҳатто уйга ҳам киришга улгуролмай жўнаб кетавергандим.

Павлик. Ойимга ҳам хабар беролмаганмидингиз?
Зинаида Гавриловна. Ушада роса хавотир олганман-да... Кутаман, кутаман, нонуштага келиб қолар, дейман — йўқ, кечки овқатга келиб қолар, дейман — йўқ. Тонг отгунча мижжа қоқмай пойлаб чиқдим. Икки кун ўтиб кетибди ҳамки дому дараги йўқ. Вой, худо-ей, дейман, қамалиб қолдимикан, ё ўлдириб кетишдимикан, дейман. Қимдан сўрашимни билмайман. Қаёққа адашиб-улоқиб кетганини ҳам ҳеч ким билмайди...

10 Серго. Тўғри айтасан, хотин. Кел, бир чой ичайлик.

Аччиқ, қайноқ бир стакангина чой бўлса жон-жон деб ичардим.

Павлик. Шундан кейин нима бўлди?

Серго. Шундан кейин Сталин менга бир ишчининг адресини берди-да, паролени айтди. Пароль нималигини билсанг керак? Пароль дегани — яширин сўз ишорати. Мен жуда эҳтиёт билан кетиб борардим. Битта-яримта жосус пайимга тушиб қолмаса яхши эди, деб хавотир олардим. Сталин тайин қилган станцияга кечаси етиб бордим. У айтган ишчининг уйини қидириб топдим. Қарасам, уйда йўқ экан. Ишчининг хотини худди сендек бир болани менга йўловчи қилиб берди. Биз у билан аста-секин кўлнинг лабига бордик-да, қайиққа тушдик...

Павлик. Уша бола Ленин яширинган жойни биларканми?

Серго. Албатта. Шундай қилиб, кўлнинг у қирғоғига сузиб ўтдик. Ундан кейин чакалакзорга кириб кетдик. Мен чурқ этмасдан ёш ҳамроҳимнинг орқасидан кетавердим. Биз дафъатан кичиккина пичан ғарами олдида тўхтадик. Ҳалиги бола аллакимнинг отини айтиб чақира бошлади. Овозни эшитиб қандайдир бир одам чиқиб келди. Бу одам ҳалиги боланинг отаси экан. Биз саломлашдик. Мен ўша кишига воқеани тушунтирдим. Ичимда ҳали Лениннинг олдиғача шу одам бошлаб борса керак, деб ўйлагандим? Йўқ, шу пайтда қаршимздан соқол-мўйлови қирилган яна бир одам чиқиб қолди. У менга: «Салом», деди. Мен ҳам унга шунчаки бепарвогина «Салом» деб жавоб бердим. Ундан кейин ҳалиги одам, жилмайиб менинг елкамга қоқди-да: «Нима бўлди, ўртоқ Серго? Танимай қолдингизми?» деди.

Павлик (қувониб кетиб). Уша одам Ленин эканми?

Серго (*жилмайиб*). Ҳа, ўзи экан. Мен ҳаяжон билан унинг қўлини сиқдим. У мени қучоқлаб, ҳар томондан сўрай бошлади. Ундан кейин ўзи яшаб турган чайлага бошлаб борди. Мен ўтириб олиб Владимир Ильичнинг қўзғолонни ташкил қилиш тўғрисида хат ёзаётганини ҳайрат билан кузатиб турдим. Кичкинагина керосин чироғ милтиллаб ёниб турарди, ҳамма ёқдан ўримга келган пичан ҳиди анқирди. Ленин битта кесилган дарахтнинг тўнкасига ўтириб олиб хат ёзарди. Лениннинг фикрларига халал бермасликка тиришгандай бутун табиат жимжит, қимирлашга ийманар, ҳамма ёқда қоронғи кечага хос осойишталик ҳукм сурар эди. (*Пауза.*)

Зинаида Гавриловна. Бугун кун шундай осойишта бўлдики... Энди ўтириб овқатланайлик.

Серго. Дуруст! Ахир чой қани? Менинг чой ичгим келяпти.

Биров эшикни асабий равишда тақиллатади.

(*Зинаида Гавриловнага қараб жилмаяди.*) Қираверинг.

Эшик шартта очилиб, узун сочли, кенг қора иялапа, қора плашч ва ола костюм кийган мўйсафид киради. Қўлида катта таёғи бор. Унинг кетидан — Актриса — унинг қизи кириб келади. У 19—20 ёшларда.

Хўш, хизмат?

Актёр (*бошини баланд кўтариб, ҳолатга кириб айтади*). Менга ҳамма ишга қодир мутлақ бўлган жаноб Оржоникидзе керак.

Серго. Ҳамма ишга қодир мутлақ бўлган жанобни-ку танимайман, ўртоқ Оржоникидзе керак бўлса — мана мен. Қани, марҳамат, ичкарига кириңг.

Актёр (*ҳолатга кириб*).

Бу фоний оламдан сизни ахтариб,
Охири оила ичида топдим.

Серго (*табассум билан*). Эҳа, сиз актёрмисиз?

Актёр. Қаердан билдингиз?

Серго. Билганда ҳам қандай. Ҳатто сизнинг трагедия артисти эканлигингизни ҳам билдим.

Актёр (*баланд овоз билан*). Бали, мен трагедия артистиман ва ҳаммиша навжувон бўлиб қолгучи Шекспир шу ҳаётимнинг ягона қувончидир. Сиз бўлсангиз — заррача ҳам генералга ўхшамайсиз.

Серго. Чунки менинг мундирим ва генералларга хос погон дейсизми, эполет дейсизми — ашқол-дашқолларим йўқ-да? Менингча шахсий ҳаётида ҳам артистга ўхшаган артист — энг ярамас артист бўлади.

Актёр (*ғазабланиб*). Мен бу ерга сизнинг аччиқ-жиззаки гапларингизни эшитиш учун келганим йўқ. Бусиз ҳам мени бутун умрим бўйи, бутун усули идораларда ва бутун газеталарда узлуксиз танқид қилиб келдилар.

- 10 Серго. Сиз мени тушунмадингиз. Мен сизнинг актёрлик фаолиятингизни эмас, балки ўзимнинг ҳарбий, нима десам экан, яъни генераллик фаолиятимни назарда тутган эдим.

Зинаида Гавриловна. Нега туриб қолдинглар, қани, ичкарига киришлар.

Серго. Менда биронта ишларингиз борми?

Актёр (*қизига*). Қани, кир-чи, қизим.

Актриса (*киради*). Салом.

Зинаида Гавриловна ва Серго. Салом.

- 20 Актёр. Ҳозиргина сизнинг солдатларингиз бор-йўғимни талаб олдилар, ҳақорат қилдилар.

Серго. Қизил аскарлар демоқчимисиз?

Актриса. Ҳа... ҳа... сизнинг солдатларингиз. Қизил аскарлар.

Серго. Бундай бўлиши мумкин эмас. Қизил аскарлар ҳеч кимни таламайдилар, ҳақорат ҳам қилмайдилар.

- 30 Актёр. Бўлмаса сиз, ўз солдатларингизнинг феъл-атворини билмас экансиз. Улар уйимга бостириб кириб қизим билан менинг, нимаики бўлса бор буд-шудимизни таладилар. Менинг кийим-бошларимни дейсизми, театрда киядиган либосларимни дейсизми, ҳаммасини талаб олдилар. Гамлет ролини ўйнаганда киядиган либосимни, Чеховнинг «Уч опа-сингил» пьесасидаги Вершинин ролини ўйнаганда киядиган мундиримни ҳам тортиб олдилар. Улар мени қамаб қўймоқчи бўлдилар. Ҳатто, отиб ташлаймиз, деб таҳдид қилдилар.

- 40 Актриса. Рост, рост, жаноби олийлари... (*Хижолат чекди.*) Кечирасиз... ўртоқлар. Мен дадамни ўлдириб қўйишадими деб қўрққан эдим. Улар шундай ўдағайлашар эдики...

Актёр. Улар менга: «Халқ ҳукмидан қочган полковниксан!» деб ўдағайлашди. Мен уларга: «Бу ахир Чехов, Антон Павлович Чехов!» десам ҳам қани энди кўнишса! «Биз сенинг Чеховингга тупурамиз!» деб дағдаға қилдилар.

Актриса. Рост, рост, улар: «Чеховингга ҳам, Шекспирингга ҳам тупураамиз!», деб бақирришди.

Актёр. Оҳ, дўстим Горацио, сизнинг рўйи заминга сочаётган нарсангиз маданиятсизликнинг ўзгинасидир.

Актриса (*уни тўхтатиб*). Дада! Сизга нима бўлди! Кечиринглар, дадам жуда ҳаяжонланиб турибди...

Серго. Тинчланинг, ўртоқ.

10 Актриса (*шошиб қолиб*). Сиз кечиринг, жаноби олий... йўғ-э, ўртоқ Оржоникидзе... Менинг дадам ўзи шундай асабий одам. Ўзингизни тутсангиз-чи, дада. Ахир ўзингиз пайқаб турибсиз-ку, бизнинг бор-йўғимизни талаб кетишди.

Актёр. Мен ўттиз йиллик умримни саҳнага сарф қилганман. Шу хизматларим эвазига беш-олти оғиз лутфли сўзлар ёзилган жетонлар билан мукофотланганман, холос. Шуларни кўрганлар, менинг талантимни қадрлаб ҳурмат қилардилар... Сизнинг солдатларингиз шуларни ҳам тортиб олдилар. Булар эса менинг учун ўттиз йиллик саҳна чирогларидан ва менга бағишлаб ўтказилган кечалардан эсдалик эди. Ардоқли хотиралар эди. Шуларни менга қайтариб олиб беринг. Бечора артистнинг бирдан-бир илтимосини ерда қолдирманг.

20 Актриса (*ўнғайсизланиб*). Дада, шундай ҳам бўладими! Ўзингизни тутиб олинг. Мен ҳаммасини комиссарга тушунтираман.

Актёр. Йўқ, ҳаммасини мен ўзим тушунтираман. Менинг товушимда қаҳру ғазаб янграйди.

Серго. Наҳотки сиз, осойишта гапиролмасангиз? Чеховнинг «Уч опа-сингил» пьесасидаги подполковник 0 Вершинин шундай бақирармиди?

Актёр. Сиз мени калака қилаётибсиз.

Серго. Қўйинг-э! Мен сизни тинчлантирмоқчиман, холос. Дурустми?

Актёр. Дуруст.

Павлик (*секин Зинаида Гавриловнага*). Ойи, бу одам жинними?

Зинаида Гавриловна (*табассум билан*). Жим, Павлик. (*Унинг бошини силайди.*)

Серго. Бу босқинчилик қачон бўлди?

40 Актриса. Бундан уч соатча бурун.

Актёр. Ҳа, ҳа, дарҳақиқат... уйим куйди, соатимни ҳам, қонқоғига «Рус император театр жамиятидан ҳадя» деб ёзилган соатимни ҳам тортиб олдилар.

Серго. Мен ҳозир шаҳар комендантга телефон бериб нима гап эканлигини биламан. Комендатура!

Йўлакдан шовқин-сурон эшитилади. Серго Зинаида Гавриловнага қарайди.

Зинаида Гавриловна. Қимдир штабни эшигини тақиллатаётибди.

Павлик (*дарҳол эшикни очиб, штаб томонга қарайди*). Сизга ким керак?

10 Ташқаридан овоз. Сенинг нима ишинг бор? Бу ерда ҳеч ким йўқ экан. Штаб каламушлари сичқоннинг инига уриб кетибди шекилли. Тирноғдек болани қолдириб кетишибди.

Серго. Штабдан кимни қидиряпсизлар?

Ташқаридан овоз. Оржоникидзени.

Серго. Оржоникидзе мен бўламан.

Ташқаридан овоз (*киноя билан*). Ҳа-ҳа, ҳали мен Оржоникидземан дегин!

20 *Эшикда икки одам кўринади. Кўкракларига патронташга хос нусха қилиб тақиб олганлар, камарларида тўппонча ва гранаталар осилган. Бири Гамлетнинг қора либосини, иккинчиси эски армия офицерининг погонсиз мундирини кийган. Булар иккинчи кўринишдаги анархистлар.*

Актёр (*қўрқиб бақиради*). Ана шулар!

Серго. Сизга нима керак?

Биринчи анархист (*қўпол*). Бизнинг сенда ишчамиз бор.

Иккинчи анархист. Ҳе, ҳе, бу ерда чойхўрлик катта-ку. Тинчгина айш-ишрат бурчаги. Тилла қафас билан саъва етмайди, холос.

Серго. Қани уйга киринглар!

30 *Анархистлар уйга кирадилар. Серго уларнинг орқасидан эшикни беркитади ва уларни кўздан кечиради.*

Хўп, қулоғим сизларда.

Иккинчи анархист. Бизлар анархист бўламиз.

Серго. Бу яққол кўриниб турибди. Хўш, нима гап?

Биринчи анархист. Сенинг буйруғинг билан бизнинг етакчимизни қамаб қўйишибди. (*Оёғи билан тепиб, стулни ағдаради.*)

Серго. Тўғри. Биз бандитларни, йўлтўсарларни қамаймиз ҳам, отиб ташлаймиз ҳам.

40 Биринчи анархист (*маузерига қўл юбориб*). Оғзингга қараб гапир. (*Дўқ билан.*) Жўялироқ гапир. Бўлмаса-чи...

Серго. Гапнинг қисқаси, сиз мендан нима истайсиз?

Биринчи анархист. Шу тобдаёқ бизнинг етакчимизни бўшатиб берасан. Бўлмаса... *(Тишини гижирлатади.)*

Серго. Бўшатмасам-чи? Унда нима қила оласизлар?

Актёр. Тангрим, булар уни ўлдириб қўядилар-ку...

10 Иккинчи анархист. Нима қила олардикми? Унчалик ортиқча иш қилмаймиз. *(Маузерини олади.)* Мана шундай... Арзимаган бир безовталиқ уюштирамиз, холос.

Биринчи анархист *(иддиоли)*. Сизнинг штабингизни уч-тўрттагина бомба билан остин-устин қиламиз.

Иккинчи анархист *(намойишкорона бепарволик билан)*. Атиги, битта-яримтани отиб ҳам ташлаймиз.

20 Серго. Шу ишларнинг ҳаммасини иккаловларинг бажармоқчи бўлиб турибсизларми?

Иккинчи анархист. Ҳа, икковимиз... Аммо тиш-тирноғигача қуроқланган йигирма чоғли оғайниларимиз зинада пойлаб туришибди. Улар завқ-шавқ билан бир пасгина тарс-турс ўқ узишга шай туришибди.

Павлик сездирмай эшик томон боради ва хонадан чиқиб кетади.

Биз бўлсак шунчаки ўртада турган воситачилармиз, холос.

30 Биринчи анархист. Яъни, нима десам экан, парламентдагидай келиштирувчилармиз... *(Сергога.)* Бас, ўзингни билиб билмасликка солаверма. Лўндагина жавоб бер. Бизнинг етакчимизни қўйиб юборасанми, йўқми?

Серго *(яшин тезлиги билан биринчи анархистдаги гранатани тортиб олади ҳамда қичқиради)*. Қўлларингни кўтар!

Актриса. Вой худойим, дада!

Актёр. Оҳ улуғ Данте, бундай жаҳаннам сенинг етти ухлаб тушингга ҳам кирган эмас.

40 *Саросимада қолган анархистлар қўлларини кўтарадилар.*

Биринчи анархист. Биз билан ўйнашма. Бўлмаса ҳаммаларингни яксон қиламиз.

Серго. Қуролларни бу ерга қўй, гап қайтарма!

Иккинчи анархист (*қўли кўтарилган*). Сенга айтаяпмиз-а, ҳей, сенга айтаяпмиз, биз билан ўйнашма!

Павлик (*эшик орқасидан*). Захар амаки, тез бўлинг, тез!

Эшикда Павлик, Захар ва бир неча қизил аскарлар кўринадилар.

Серго. Захар, булар қандай қилиб бу ерга кириб қолди?

10 Захар. Пропускларига ўртоқ Николаев қўл қўйган экан.

Серго. Николаев дейсанми? Бундай бўлиши мумкин эмас. Ёнлари тинтилсин, ўзлари қуролсизлантирилсин.

Захар. Хўп бўлади! (*Уларни тинтий бошлайди.*)
Ўртоқ Серго, чўнтакларидо олтинлари ҳам бор экан.

20 Актёр (*қичқиради*). Бу менинг мукофотга олган жетонларим. Эсдалик тухфаларим. Сен, Дания шахзодаси аслзода Гамлетнинг либосларини кийишга қандай журъат қилолдинг?

Биринчи анархист. Биз бандитлар эмас, биз анархистлармиз. Биз диктатурага ва зўравонликка қаршимиз.

Иккинчи анархист. Биз қамоқхоналарга қаршимиз...

Серго. Мен сизларга, анархия нима эканлигини кўрсатиб қўяман, муттаҳам ўғрилар. Қани менинг орқамдан. (*Шошиб кета бошлайди.*)

Орқасидан қизил аскарлар чиқадилар.

30 Захар. Қани, қўзичоққиналар, бир туёқларингни шиқиллатиб қолинглар-чи. Юринглар, юринглар, тортинчоқлик қилманглар. Уйни бир бўшатиб қўйинглар.

Биринчи анархист. Сен бизни қаерга олиб кетяпсан?

Захар. Ресторанга-да, кечки овқат қилиш учун. Ахир сизлар қамоққа қаршисизлар-ку. Қани кетдик.

Чиқиб кетадилар.

Павлик эшикка югуради.

40 Зинаида Гавриловна. Павлик, сен қаёққа? (*Павлик тўхтайдди.*)

Актёр. Қизгинам, Оржоникидзенинг кўзларини бир умр ёдингда сақлаб қол. У кўзларда нечоғлик қудрат

барқ уриб турибди. Эҳ, болагина-чи? (*Павликни қучоқлайди.*) Сен худди лочиннинг боласисан! Ботирим, отинг нима?

Павлик (*кулиб*). Павлик.

Актёр. Сен улғайганигда жасур қахрамон бўласан Павел! (*Зинаида Гавриловнага ўгирилади.*) Сизни айтинг-а, шунча воқеа бўлдию, қошингиз ҳам чимирилмади-я. Менгина чол бўлсам худди қуёндек қалт-қалт титрабман. Сиз бўлсангиз, бепарво чойингизни ичавер-

10 дингиз, а.

Зинаида Гавриловна. Мен бундай ҳодисаларга ўрганиб кетганман. (*Жилмаяди.*)

Актриса. Наҳотки қўрқмасангиз?

Зинаида Гавриловна. Қўрққанингиздан фойда чиқармиди?

Актриса. Ахир улар эрингизни ўлдириб қўйишлари мумкин эди-я.

20 Зинаида Гавриловна. Ўзингиз ўйлаб кўринг, мен қўрқиб қичқирсам, ҳойнаҳой эрим менга айланиб қарарди. Бандитлар шу фурсатдан фойдаланиб, кейин... ким билади бу можаро нима билан тамом бўларди.

Актёр (*қизига*). Ана, қизим, ибрат ол. Сенинг олдингда ҳаёт ва ҳаётнинг гўзал қонунлари туради. Қачон бўлса ҳам сенга шундай бир ролни ижро этишга тўғри келса, сахнада довдираб, қўрқишдан, қўлингни қаёққа қўйишингни билмай қолмайсан. Ана шундай, қизгинам. Биз соддаликнинг улуғ санъатини ҳаётдан ўрганишимиз керак.

30 Актриса (*асабий*). Дада, бас, ахир. Зинапояда йигирмалаб қуролланган кишилар туришибди.

Актёр (*қизига*). Хўп, бас қилдим.

Зинадан кетма-кет узилган икки ўқ товуши эшитилади.

Актриса (*қичқириб юборади*). Вой, худойим!

Зинаида беихтиёр эшикка югуради. Павлик югуриб чиқиб кетмоқчи бўлади.

Зинаида Гавриловна. Павлик, қайт орқангга!

Павлик эшикда тўхтайдди. Яна орқасига қайтиб эшик томонга боради.

40 Актёр (*ҳаяжон билан*). Ҳечқиси йўқ... Ҳечқиси йўқ... ўзларингизни босинг.

Зинаида Гавриловна (*қўрқиб кетган ота би-*

лан қизга қараб, столга яқинлашади). Қани, марҳамат... чой ичинглар... (Узи эшик томонга қарайди.)

Актриса. Йўқ... ҳожати йўқ... овора бўлманг... раҳмат.

Актёр (Зинаида Гавриловнага). Сизни қаранг-а... Шу тобда кимнинг юрагига сифади...

Зинаида Гавриловна (чой қуйиб). Сиз ишқилиб қўрқмасангиз, бас... (Оғир-оғир босилган қадам товушлари келади. Ҳамма қулоқ солади. Қувончли ҳаяжон.) Узи келяпти!

10

Эшикдан аччиқланган Серго кўринади. Унинг кўзлари чакнайди. Орқасида эса милтиқлар, бомбалар кўтарган бешта қизил аскар.

Серго. Муттаҳамлар! Уғрилар! Қолганлари трибуналга топширилсин!

Захар. Хўп бўлади!

20

Актёр (қувонч билан қичқиради). Худога минг қатла шукур, шикастланмасдан қайтиб келибсиз! Сиз минотаврларни енгган Афинанинг шуҳратли қаҳрамони Тезейдай саломат қайтиб келдингиз. Мен сизнинг, яъни Тезейнинг ҳаёти учун таҳликада эдим. (Ҳолатга кириб, шеър ўқий бошлайди.)

Қалтира...

Ўзини уятга буркаган, малъун —

Э қотил ҳамкори, жанжаллари қон

Мудҳиш ҳийлагар...

Яширин хаёлот, зулмат ва азоб...

Қалтира сен энди даҳшатлар билан

Ҳалокат олдида титра, қалтира.

30 Серго (кулиб).

Қани сенинг шамширинг...

Юраксиз бадбахт!

Бу бошни ҳақорат учун ташийсан,

Юзинг ҳам тарсаки учун яралган.

Ҳозир зарур экан кўрмоқ ва билмоқ

Даҳшатга рўбарў кетмаклик учун

Ишларни олдиндан пайқамоқ керак.

Аммо манглайингда йўқдир кўзларинг

Нимага мунтазир сен?

40

Қани сенинг шамширинг?

Сенинг қон душманинг дубулға кийиб

Шаъну-шукуҳ билан босиб келадир,
Сен аҳмоқ ҳақпараст, фақат бақрайиб
Сўрайсан: «Буларнинг бари не учун?»

А к т ё р (*таажжуб билан*). Қулоғимга нималар эшитилаётибди? Сиз Шекспирнинг сатрларини ёддан ўқиётибсиз-ку. Ёинки сиз «Қирол Лир» пьесасида Лир ролини ўйнаганмисиз?

Серго (*жилмайиб*). Шекспир ўз асарларини албатта сахнада ўйнасинлар, деб ёзганми?

10 А к т ё р. Албатта, бундай эмас. Аммо бугун ҳар қандай масхарабоз ҳам Гамлетни, Лирни, Отеллони ўйнай оламан, деб ўйлайди. Узингиз ўйланг-а, ҳалиги Аркашка Дания шаҳзодаси ролида чиқса-я! Бироқ сиз комик эмассиз, сизда учқун, аланга бор. Ҳалиги монологни жуда ўринлатиб ўқидингиз. Мендан яширишнинг ҳожати йўқ, сиз актёрмисиз?

Серго (*жилмайиб*). Йўқ, азизим, мен ҳеч қачон актёр бўлган эмасман ва ҳеч қачон сахнага ҳам чиққан эмасман, ҳалиги парчани ҳам сиз, менинг артистлик қобилиятимни кўриб қўйинг, деб ўқиганим йўқ. «Қани сенинг шамширинг?» Тушундингизми?

20 А к т ё р. Тушундим, азиз ўртоқ, тушундим. Бироқ мен кимман? Актёрман, холос. Қурол-яроғ ишлатишни уҳда қилолмайман. Тўғри, сахнада фақат бир қилич менинг ихтиёримда бўлади, аммо шу қилич ҳам картон қоғоздан.

Серго. Сизнинг қўлингиздаги қурол ёмон қуролми?

А к т ё р (*ҳовлиқиб*). Қандай қурол?

30 Серго. Сўз, жўшқинлик, истеъдод, бу кичкина қуролми? Сиз ўз армиянгиз — актёрлар армиясини тўплаб фронтга борасиз. У ерда спектакллар кўрсатиб шодлик гулханини ёқасиз. Шундан кейин жангчилар эса қувнаб-қувнаб жангга кирадилар ва ғалаба қозонадилар.

А к т р и с а (*тўлқинланиб*). Жуда ҳам гўзал фикр!

Серго. Сизнинг ана шу катта ишингиз учун революция ўз ташаккурини айтади. Бу ташаккур чинакам артист учун ҳалиги сизнинг қабр тошлари каби устига хат ёзилган жетонларингиздан минг мартаба афзал.

40 А к т ё р (*тўлқинланиб*). Ташаккур билдираман, ташаккур, ўртоқ Оржоникидзе. Сиз ҳақ гапни айтдингиз, ҳақ гапни. Менинг қўлимда фикр, сўз ва одамзодга хос ҳиссиётлардан иборат улуғ қурол бор. Сиз мени янги ҳаёт билан илҳомлантирдингиз. Юр, қизим, актёрлар ўртасида нидо соламиз ва улардан труппа тузиб фронтга борамиз.

Серго. Тўхтанглар, ўртоқлар, тўхтанглар.

Зинаида Гавриловна. Бир оз тура туринглар, бирга-бирга чой ичамиз.

Актёр. Илтифотингиз учун ташаккур, бироқ бизни ўз зиммамиздаги бурчларимиз чақирмоқда. (*Зинаида Гавриловнага қараб.*) Хайр. Қизимнинг ҳам сизга ўхшашини жуда орзу қилардим. (*Павликка.*) Хайр, Павлик, биз сен билан яна учрашамиз.

Актриса. Хайр.

10 Актёр. Павлик, истайсанми, мен сени актёрликка ўргатардим.

Павлик. Қераги йўқ.

Актёр ва актриса чиқиб кетадилар.

Зинаида Гавриловна. Жуда ҳам думбул одам экан.

Серго. Дунёда бизнинг доноларимизнинг тушига ҳам кирмаган талай одамлар бор, дўстим Горацио! Алоҳал тинчландик. Энди бизга ҳеч ким халақит бермас, деб ўйлайман. (*Зинаида Гавриловнани қучоқлайди.*)
20 Оҳ, бир стакангина қайноқ, аччиқ чойга шундай хумори бўлдимки!

Парда

Бешинчи кўриниш

Штаб. Стол қаршисида Серго ўлтирибди. Унинг олдида Бядуля ва Деҳқон.

Серго. Қурол-яроғи бор эканми?

Бядуля. Йўқ, қурол-яроғи йўқ экан.

Серго. Бўлмаса уни, нега бекордан-бекор ушладинглар?
30

Бядуля. У эмакляб келаётган экан, ўртоқ Оржоникидзе, соқчи унга «Тўхта!» деса, қоча бошлабди.

Серго. Ҳа-ҳа. (*Деҳқонга.*) Сен ўзинг кимсан?

Деҳқон. Мен оддий деҳқонман. Тепамдаги худо урсин, мен деҳқонман.

Серго. Бўлмаса сен нега қизил аскарни кўриб қоча бошладинг? Деҳқон одамнинг Қизил Армиядан қочшининг ҳеч ҳожати йўқ-ку.

Деҳқон. Бола-чақаларим у томонда қолган. Қўйиб юбормайдилар деб кўрқдим-да. Хотинимни, бола-чақаларимни жуда ҳам соғинганман.
40

Серго. Шундай дефин? (*Командирга.*) Буни қўйиб юборинглар. (*Ўзи Деҳқондан кўзини узмайди.*)

Бядуля (соқчига). Қўйиб юборилсин.

Деҳқон. (қаддини ростлаб). Муруватли одам экансан, худойи таоло сени ўз паноҳида сақласин, соғ-саломат бўл. (Кетмоқчи бўлади.)

Серго. Тўхта! Деҳқон одам деган бир ишга миннатдор бўлиб ташаккур айтмоқчи бўлса бошини букиб таъзим қилгучи эди. Сен нега қаққаясан?

Деҳқон шошиб қолади.

Ўқиш-ёзишни биласанми?

Деҳқон. Йўқ, омийман.

Серго. Бўлмаса нега кўзойнак тақасан?

Деҳқон (шошиб қолиб). Умримда кўзойнак таққан эмасман. Менга кўзойнакнинг ҳеч керакли жойи йўқ.

Серго. Тақмайдиган бўлсанг, нима учун қаншарингда кўзойнакнинг изи бор?

Деҳқон. Мунча суриштиравердинг энди? Кўзойнак, кўзойнак... Менинг кўзойнагим йўқ, деяпман-ку!

Серго. Лақиллатаман, деб ўйламай қўя қол. Айтчи, ўзинг кимсан?

Деҳқон. Ахир бир марта, деҳқонман, дедим-ку. Оқлардан қочганман, бола-чақаларим у ёқда қолган. Мани қиттак ҳам гуноҳим-йўқ.

Серго. Демак, иқрор бўлмоқчи эмассан?

Деҳқон. Ахир нимага иқрор бўлишим керак, жаноби ўртоқ?

Серго. Хужжатларни ташлаб юбордингми, ё ўзингда турибдими?

Деҳқон. Қандай хужжатлар? Ахир, мен омийман, дедим-ку, менда ҳеч нарса йўқ. Мана, мана. Қопчиғимда бир бурда нон, кўйлагимда битимдан бошқа ҳеч нарсам йўқ. Ёнимни тинтишиб ҳеч нарса топишолмади.

Серго. Қандай хужжатлар ҳақида сўз кетаётганини ўзинг ҳам яхши биласан. Қўй бу ерга.

Деҳқон (қайсарлик билан). Менда ҳеч нарса йўқ, Мана, қидириб топиб ола қол! (Кўйлагининг ёқасини очади.)

Серго. Ўртоқ Бядуля. Бу ярамасни олиб чиқиб ҳарбий трибуналга топширинг. Ўйлайманки, бунини жосуслар қаторида шу бугуноқ отиб ташлайдилар.

Деҳқон. Мен гуноҳкор эмасман. Мен деҳқонман ахир... Бола-чақамнинг олдига кетаётган эдим.

Командир. Юр, юр, гапни кўпайтирма.

Деҳқон (*қўли билан стол четига ёпишиб қичқира бошлайди*). Войдод, менга раҳмларинг келсин! Бегуноҳ ўлиб кетяпман. Войдо-о-од.

Серго. Олиб чиқиб кетинг.

Деҳқон (*тиз чўкиб қичқира бошлайди*). Ердам беринг, ёрдам беринг! Худо хайр бергур одамлар! Мени ўлдиришмоқчи.

Икки қизил аскар киради.

Серго. Буни олиб чиқинглар.

10 *Қизил аскарлар деҳқонни тутиб судрай бошлайдилар.*

Деҳқон. Имонсизлар, анархистлар, мени қўйиб юборинглар. (*Сергога.*) Менга раҳминг келсин, ўртоқ бошлиқ. Заррача ҳам гуноҳим йўқ. Хотиним, ёш болаларим бор... (*Оёқ-қўллари билан эшикка тиралади, олиб чиқувчиларга қаршилик кўрсатади.*) Бир оғизгина сўз айтишга ижозат беринг, атиги бир оғиз.

Серго. Уни қайтаринг.

Қизил аскарлар Деҳқонни Сергонинг олдига олиб келадилар.

20 *Хужжатларни қаерга қўйгансан?*

Деҳқон (*ийғлайди*). Ўртоқ бошлиқ, менда ахир ҳеч қандай хужжатлар йўқ. Нега ахир бир бегуноҳ одамнинг қонини тўкасишлар.

Серго. Сабабини у дунёда суриштирасан. (*Деҳқонга яқинлашиб келиб, унинг кўзларига диққат билан тикила бошлайди.*) Мен ким билан гаплашаётганимни жуда яхши биламан. Бизни якка қўйиб турунглар.

Ҳамма чиқиб кетади.

Қани, айт.

30 Деҳқон. Тўғри. Иқрор қиламан. Мен офицерман. Рус армиясининг кадрдаги офицериман. Мен бу ерда тасодифан илиниб қолдим. Яшириниб юрган эдим. Қочмоқчи бўлган эдим. Бироқ мана иложи бўлмади. Қўлга туширдилар.

Серго. Бор гапинг шуми?

Деҳқон. Шу.

Серго. Бошқа гап ҳам бордир. (*Деҳқоннинг тугунчасидан нонни олиб синдиради. Ноннинг ичидан бир қоғоз чиқади.*) Ҳа, бу бизнинг штаб ишлаб чиққан хужум плани. Буни сенга ким берди?

Деҳқон. Билмадим. Қимдир юзини боғлаб олган бир киши.

Серго. «Қўндоқ» дегани нима дегани?

Деҳқон. Билмайман.

Серго. Елғон айтасан.

Деҳқон. Бундан чиқадики, сиз ҳамма нарсани менадан кўра ҳам кўпроқ билар экансиз-да?

Серго. Йўқ, ҳаммасини айтиб берасан, ё бўлмаса...

10 Деҳқон. Агар ҳаммасини очиқ айтиб берсам — шу ёруғ жаҳони оламда ўйнаб-кулиб яшаб юрсин, деб мени қўйиб юборасизми?

Оёқ товушлари.

Серго. Деразанинг олдига бор.

Деҳқон боради.

Николаев (*киради*). Мумкинми, Григорий Константинович?

Серго (*деҳқонга*). Орқангни ўгир. (*Николаевга*.) Кириг. (*Деҳқонга*.) Бизнинг штабда ким билан алоқанг бор эди. (*Николаевга қарайди*.)

20 *Бядуля кириб келади.*

Буни олиб чиқинг, ҳеч кимга кўрсатмай, ўзини ёлғиз қаманг.

Бядуля. Хўп бўлади.

Соқчи. Кетдик. (*Чиқиб кетадилар*.)

Николаев. Бу қандай қуш бўлди? (*Эшик томонга боши билан ишора қилади*.)

Серго. Қандайдир бир деҳқон. Нима учундир уни жосус деб гумон қилишибди.

30 Николаев (*енгил тортиб*). Қишлоқиларимизнинг ҳаммаси ҳам бир-бирига ўхшаб кетади.

Серго. Сиз шундай деб ўйлайсизми? (*Соатига қарайди*.) Сиз тайин қилинган муддатдан ҳам ўн беш минут олдин келибсиз.

Николаев. Мен интизомга ўрганиб қолганман, Григорий Константинович.

Серго. Шундай денг, а? Интизомли бўлиш бу яхши сифат. (*Пауза*.) Қолганлар қани?

40 Николаев. Ҳозир етиб келишади. Григорий Константинович, штаб бошлиғига хабар бермай туриб шошилинч мажлис чақирилишининг сабаби нима?

Серго. Бироқ бу мажлис сизнинг бевосита ишти-
рокинги билан ўтади, Николаев. Қўлимизга янги маъ-
лумотлар тушди. Шуларни муҳокама қилиш керак.
(Пауза.) Шундай қилиб сиз, қишлоқилар ҳаммаси бир-
бирига ўхшайди, дедингизми?

Николаев (*базўр илжайиб*). Бугун сиз чап ёнбо-
шингиз билан турганга ўхшайсиз, Григорий Константи-
нович. Ҳар бир гапдан иккинчи маъно қидираётибсиз.

10 Серго. Сиз эса бунга эътибор бермай қўя қолинг.

Захар. Мумкинми?

Серго. Кир. Ҳамма йиғилдимиз?

Захар. Ҳа, ўртоқ Серго.

Серго. Чақир.

Захар. Киринглар, ўртоқлар.

Лалаев, Калюга, Захар, урта командир, Бядуля ва бир неча ишчи кирадилар.

Ҳаммалари. Салом, ўртоқ Серго!

20 Серго. Салом, ўртоқлар. Утиринглар, бошлаймиз-
ми? (*Кичик командирларга ва ҳарбий бўлмаганларга қараб.*) Уртоқлар, сизлар ҳозир ҳарбий кенгашда иш-
тирок қилаётибсиз. Сизларга шу маълумми?

Кичик командир. Маълум.

Николаев. Қечирасиз, Григорий Константинович,
нима учун ҳарбий кенгашда бегона кишилар иштирок
қилаётганини тушунтириб беришингизни сўрар эдим.
Бу ахир ҳарбий сирни ошкор қилиш бўлади. Айниқса,
мен бугунги мажлисда баъзи оператив масалаларга тўх-
талмоқчи бўлган эдим.

30 Серго. Тушунтириб берай. Мен бу ерга партия-
нинг раҳбар ходимларидан бир қанчасини чақирдим.
Биласизми, душман бизнинг ҳарбий сиримиздан хабар
топибди.

Николаев. Бундай бўлиши мумкин эмас.

Лалаев. Нима деяпсан, ўртоқ Серго! Уртоқлар...
Менинг хаёлимга шу нарса келдики...

40 Серго. Хаёлига келганмиш! Хаёл эмиш! Хаёл де-
ган нарса ойдин кечада севишган ёринг билан ёнма-ён
ўтирганда бўлади, Лалаев. Бу ер эса фронт. Бу ерга
сени Москвадан фақат хаёл суриш учун эмас, балки иш
қилиш учун юборишган. Биласанми, кеча биргаликда
ишлаб чиққан хужум планимиз бугуннинг ўзидаёқ оқ-
ларнинг қўлига тушибди. (*Гимнастёркасининг чўнтаги-
дан жосусдан олинган қоғозни чиқариб стол устига қўя-
ди. Кўзини штаб аъзоларидан узмайди.*)

Лалаев. Бу нима бўлиши мумкин? Сотқинликми?

Николаев. Бу план менга, сизга ва Лалаевдан бошқа ҳеч кимга маълум эмас.

Серго. Бу ёққа қаранглар-а. Бу сотқинликни ким қилган. Ҳам бу «Қўндоқ» дегани нима? (*Қоғозни кўрсатади.*)

Николаев. Бу нима эмиш? Тилдан дарс бермоқчимисиз? Қўндоқ дегани, қўндоқ бўлади-да.

10 Серго. Мен сўраяпманки, «Қўндоқ» дегани бу ким деб?

Николаев. Мен билолмадим. Бу ерда қандайдир бир чуволчиқлиқ бор...

Серго. Йўқ, аксинча, ҳаммаси ойнадан ҳам равшан.

Николаев. Бу сотқинликни ким қилган бўлиши мумкин?

Серго. Жаноби Қўндоқ! Сен сотқинсан, Николаев! Қўндоқ — бу сенинг махфий лақабинг!

20 Николаев (*ирғиб туриб*). Сиз ким билан сўзлашаётганингизни унутиб қўяётибсиз! Бундай дейишга қандай журъат қилдингиз?

Серго. Бўкирма! Бу ер қовоқхона эмас, балки революцион армиянинг штаби.

Николаев. Ўртоқлар, бу тўхмат! Оржоникидзе ҳарбий мутахассисларга қарши. Урушни фельдшердан чиққан ҳаваскорлар эмас, балки ўз мутахассислари олиб борадилар.

Серго. Сен бу жиноятнинг изини йўқотмоқчимисан, а? Овора бўласан!

30 *Николаев тўппончасига ёпишади.*

Бядуля (*уни дарҳол мушт билан уриб ерга йиқитади*). Қўлингни қаёққа чўзаяпсан, ифлос! (*Қўлидан тўппончасини тортиб олади.*)

Калюга уни тикка тургазиб қўяди.

Серго. Тинчланинг, Николаев, бўлмаса фельдшер Оржоникидзе, отнинг юрак ўйноғини тўхтатадиган бром ёзиб беради. Қани айг-чи, сен ўзингнинг бу сотқинлигинг билан қанча гуноҳсиз одамнинг қонини тўқдинг?

40 *Николаев худди пойига болта урилгандай шилқ этганча креслога йиқилиб тушади.*

Лалаев. Уят! Бу малъуннинг шундай бўлиши

мумкинлиги хаёлимга ҳам келмаган экан. Нима гап ўзи, а? Нима бўлди-я? Жинни бўлиб қолай деяпман.

Серго. Сен бу таҳликадан холисан.

Лалаяев. Уртоқ Оржоникидзе, менинг сиздан ёшим катта.

Серго. Шуниси ачинарлики, ақл деган нарса ҳамма вақт ҳам ёш улғайган сайин ошавермайди. (Захарга.) Захар, мана бу одамни олиб чиқ. (Николаевни кўрсатади.)

10 Захар. Уйинингни ўйнаб бўлдинг. Тур, кетдик.

Николаев (туради. Эшиккача боради, ўша ерда туриб Сергога қарайди). Оржоникидзе!

Захар. Юр, юр.

Николаев. Оржоникидзе, менга дағаллик қилманг. Мен яна керак бўламан.

Серго. Янами? (Захарханда билан.) Яна, яна революцияни сотиш учунми, а?

Николаев. Аттанг! Бу қилғуликларни камроқ бажаролганимдан жуда афсусланаман.

20 Серго. Олиб кетинг!

Захар Николаевни олиб чиқиб кетади.

Калюга (Сергога яқинлашиб). Тинчлан, ўртоқ Серго.

Лалаяев. Тинчлан, ўртоқ Оржоникидзе, жин урсин. Ҳар ҳолда ўз вақтида бўлгани яхши бўлди.

Серго. Ўз вақтида эмиш. Шунини ўз вақтида деб бўладими? Қанча жангларни ютқиздик. Армиямиз қандай қопқонга тушай деб қолди.

Лалаяев. Рост, қарасам, мен кетишим керак экан.

30 Буларнинг ҳаммасига менинг ҳарбий ишда тажрибасизлигим сабабчи.

Серго. Йўқ, аксинча, сен ғоятда ҳам тажрибали одамсан. Бу тўғрида ҳали бизга Бядуля айтиб беради.

Телефон жириглайди.

Захар (трубкани олиб). Ҳа, ҳа, эшитяпман. (Трубкани қўлига сиқиб.) Уртоқ Серго, сизни тўғридан-тўғри тортилган сим орқали Смоленск сўраяпти.

Серго. Уртоқлар, мени бир оз ҳоли қўясизлар.

Лалаяев. Хўп, биз ҳали гаплашиб кўрамиз.

40 Ҳамма чиқиб кетади.

Серго. Эшитаман... эшитаман. Оржоникидзе гапир-

япти. *(Пауза.)* Салом, Иосиф Виссарионович. Раҳмат, жойида. Аҳвол жуда оғир. Эшитяпман... тушунарли...
Ҳа, Николаев, сен уни Питерда кўргансан, танийсан. Аммо, алам қиладиган жойи шундаки, Москвадан юборилган комиссар Лалаев, менинча, хиёнатнинг бош ташкилотчиси унинг ўзи бўлса керак... *(Пауза.)* Тартиб, интизом, Троцкийнинг мунтазам армияси қани? Буларнинг ҳаммаси пуч хаёл. *(Пауза.)* Айт, Сосо, у бизга яқнаш ортмоқлаётган бу сотқинлар, савдойнамо малъунлардан қандай қилиб қутулсак бўлади? *(Пауза.)* Тушунарли. Яна сендан илтимос қиламан: яроғ-аслаҳа олиб келаётган эшелон ҳам қаердадир йўлда тўхтаб қолган. Бу ҳам тасодифий бўлмаса керак, деб қўрқаман. Бир қатъий чора кўр. Раҳмат. Ильичдан ҳеч қандай хабар йўқми? *(Қувониб.)* Бугун дейсанми? Бугун гаплашдингми? Соғлиги қалай? Жуда яхши. Раҳмат, кўришгунча хайр! *(Трубкани қўяди.)*

Бядуля киради. Ҳаммаси тасдиқланган.

Бядуля. Мен сизга айтган эдим-ку.

20 Серго. Собиқ комиссар Лалаев назорат остига олинсин.

Саҳна орқасида йўқ товуши эшитилади.

Захар *(югуриб киради)*. Уртоқ Оржоникидзе!

Серго. Нима гап?

Захар. Ўзини отиб қўйди.

Серго. Лалаевми?

Захар *(таажжубланиб)*. Ҳа, Лалаев.

Серго *(аччиғланиб)*. Улгурибди-да. *(Қўлини силтаб.)* Унинг кетадиган йўли ҳам шу эди. Ўртоқларни

30 чақир.

Захар чиқиб кетади. Ҳаммалари кирадилар. Ҳаммаси ҳайратда.

Серго *(уларга кўз ташлаб)*. Сизларга нима бўлди, ўртоқлар?

Калюга. Йўқ, йўқ, ҳеч гап бўлгани йўқ, ўртоқ Серго.

Серго. Кенгашимиз давом этади... *(Столга ўлтиради.)* Уртоқ Бядуля, сени шундай вазифага тайин қиламиз...

Парда

Олтинчи кўриниш

Яшаш учун мосланган пульман вагони. Яқин орадаги артиллерия отишмаси ва пулемёт тариллаши эшитилиб туради. Бунга кўникиб кетган Павлик ҳеч нарсага эътибор бермай китоб ўқимоқда. Вагонга Зинаида Гавриловна киради.

Павлик (*унинг олдига югуриб бориб*). Ойи? Чарчадингизми?

Зинаида Гавриловна. Ҳечқиси йўқ, ўғлим... ярадорлар кўп, лекин уларни госпиталда ушлаб туриш 10 қийин, яраларини боғладингми, сўрамай-нетмай ўз ихтиёрлари билан фронтга кетиб қоладилар.

Павлик. Қойилман ботирларга.

Зинаида Гавриловна. Ўзимнинг ақлли ўғлим! (*Қучоқлайди.*) Серго сени мана шу малла сочли ақлли бошинг учун яхши кўриб қолди-да. Сен ҳам данданги яхши кўрасанми?

Павлик. Мен ундан ҳеч нарсамни ҳам аямасдим. Жонимни ҳам аямасдим.

Зинаида Гавриловна. Нега мунча, жон ўғлим? Сен бахтли, узоқ умр кечирасан.

Павлик. Мана, уруш тамом бўлсин — мактабга кираман, кейин ҳарбий билим юртига, кейин академияга кириб ўқийман.

Зинаида Гавриловна. Ҳозир нима ўқиясан?

Павлик. Ватан уруши ҳақидаги китобни.

Вагонга чанг-тўзон босган, жангда куйган Захар киради.

Зинаида Гавриловна. Сенга нима қилди, Захар?

30 Павлик. Захар амаки!
Захар (*илжайиб*). Ҳаммаси жойида, Зинаида Гавриловна.

Зинаида Гавриловна. Серго қалай?

Захар. Соғ-саломат.

Зинаида Гавриловна. Ишқилиб яралангани йўқми?

Захар. Йўғ-э! Уқлар уни кўрса қочади, ўқлар Сергодан ҳайиқади. Бугун эрталаб полкни у бошлаб борди. Роса жанг бўлди-да!

40 Зинаида Гавриловна. Яраланибсан-а, Захар?
Павлик. Захар амаки! Нима қилди?

Захар. Зарарсиз... Сал ўқ ялаб кетди.

Зинаида Гавриловна. Фронтда аҳвол қалай?

Захар. На патрон етишади, на снаряд. Душман-

нинг зарбаларини билак яланғочлаб қуруқ қўл билан қайтараямиз. Серго шунда ҳам асло чекинишни хаёлига келтирмайди. У мени фронт штабидан бирор хабар келган-келмаганлигини билиб келгани жўнатган эди.

Зинаида Гавриловна. Йўқ, ҳеч қандай хабар келгани йўқ.

Захар (телефон трубкасини олади). Штабми? Навбатчимисан? Захар гапиряпти. Ҳеч қандай хабар борми? Йўқ?

10 Зинаида Гавриловна. Серго ҳозир қаерда?

Захар. Ўнг қанотда, эски қўрғоннинг олдида. Разведка душмanning асосий кучлари ўша ерда эканлигини маълум қилди.

Павлик. Ҳов ўша ўрмоннинг даҳанасидами?

Захар. Ҳа, ўрмоннинг даҳанаси душман қўлида, қўрғонни биз қўлга киритдик. Шундай қилиб, штабдан ҳеч қандай хабар йўқ, денг? Хўп, майли, мен яна жанг қилгани кетдим, бўлмаса келтиршо (милтигини кўрсатади) зерикиб қолади. Ўзи ҳам жуда эски милтиқ-да.

20 (Кулади.)

Зинаида Гавриловна. Тўхта, Захар, ҳойна-ҳой очдирсан. Мана бу нон билан колбасани еб ол.

Захар (олмай). Ўзларингиз ҳеч нима емаган бўлсаларингиз-а?

Зинаида Гавриловна. Мен тўқман, Захар.

Захар. Хўш, сен-чи, Павлик?

Павлик. Менинг ҳам қорним тўқ. Олинг, энг, Захар амаки.

30 Захар (колбаса ва нонни олади). Раҳмат, икки кундан бери туз тотмагандим.

Зинаида Гавриловна. Сергога салом айт, уларнинг аҳволи дуруст экан, дегин.

Захар. Хўп бўлади! (Кетади.)

Зинаида Гавриловна (Павликка). Сен шу қадар ориқлаб кетдингки...

Тўп садолари эшитилади.

Эшитяпсанми? Бу яна ярадорлар кўпайди, деган гап. Госпиталга жўнаш керак.

40 Вагонга Отелло либосидаги, устидан шинель ҳам кийиб олган актёр киради. Унинг орқасидан қизи ва театр либосидаги бир неча актёрлар кирадилар.

Актёр. Салом, Зинаида Гавриловна.

Зинаида Гавриловна. Салом, ўртоқлар!

Павлик (*актёрларнинг гримидан қўрқиб*). Ойи!
Актёр (*кулади*). Павлик! Қадрдонларингни тани-
мадинг-а, уялмайсанми?

Павлик. Энди танидим.

Актриса. Биз сизга келган эдик, Зинаида Гаври-
ловна.

Зинаида Гавриловна. Хуш келибсизлар, хиз-
мат?

10 Актёр. Гримда бўлганим учун кечиринг, тез орада
саҳнага чиқишим керак.

Актриса. Биз яқин жойда, вокзалнинг ёнидаги
клубда спектакль кўрсатаётибмиз.

Актёр. Сиздан бугун биз қўяётган спектаклимизни
бориб кўришингизни сўраймиз.

Зинаида Гавриловна. Афсуски, бугун борол-
майман, ўртоқлар. Госпиталга шошиб турибман. Хўш,
ишларингиз қалай, юришиб кетдимиз?

Актёр. Жуда соз, Зинаида Гавриловна.

20 Актриса. Биз ҳозиргача ўнта спектакль кўрсат-
дик. «Қўзибулоқ қишлоғи», «Тубанликда», «Гамлет»ни
кўрсатдик.

Актёр. Кеча бўлса «Отелло»ни ўйнадик.

Зинаида Гавриловна. Бу ишларингиз жуда
ҳам яхши бўлибди.

Актриса. Томошабинлар-чи... Томошабинларимиз-
ни айтмайсизми, Зинаида Гавриловна!

Актёр. Кеча биз фронтга жўнаётган эшелон олди-
да томоша кўрсатдик.

Актриса. Очиқ ҳавода...

30 Актёр (*кулади*). Яна бунисини айтмайсизми...
охирги кўрinishда томошабинлар Дездемонани (*қизини
кўрсатади*) бўғиб ўлдиргани ҳам қўйишмади.

Павлик. Бўғиб ўлдиргани?

Зинаида Гавриловна. Қўрқма, бу пьеса,
Павлик.

Актёр. Бу одамларнинг оқ кўнгиллигини айтинг.
Мен бундай томошабинларни умримда кўрган эмас-
ман.

40 Зинаида Гавриловна. Халқнинг кучи ҳам
мана шунда-да!

Актёр. Гапларингиз тўғри, Зинаида Гавриловна.
Аммо, афсуски, бугун спектаклимизга боролмас экан-
сиз-да.

Зинаида Гавриловна. Албатта бораман...
Аммо келаси гал.

Актриса. Уртоқ Оржоникидзенинг ҳам боришларини сўраймиз.

Зинаида Гавриловна. У албатта боради. Григорий Константинович театрни жуда яхши кўради.

Актриса. Хайр, Зинаида Гавриловна. Юринг, дада.

Актёр. Яқин орада кўришгунча хайр.

Зинаида Гавриловна. Ишларингизда ҳар томонлама муваффақиятлар тилайман.

10 Актриса. Раҳмат!

Чиқиб кетадилар.

Зинаида Гавриловна. Павлик, энди мен борай.

Павлик. Тез қайтиб келасизми?

Зинаида Гавриловна. Билмадим, жон ўғлим. Қани, менга вагондан бир қадам ҳам жилмасликка сўз берчи.

Павлик. Хотиржам бўлинг, ойи, мен ҳеч ёққа кетмайман.

20 Зинаида Гавриловна. Яхши тушлар кўриб ёт. *(Кетади.)*

Павлик ёлғиз қолади. Китоб ўқийди. Яқин жойда снаряд портлади. Павлик деразага югуриб боради. Узоқ қараб туради.

Павлик. Эҳ! Беш ёшгина катта бўла қолсам нима қилар экан, а! *(Қўлини силтайди.)*

Эшик тарақлаб очилади. Яраланган Степан киради ва шу заҳоти йиқилади.

Степан. Уртоқ Оржоникидзе...

30 Павлик *(Степаннинг олдига югуриб боради)*. Степан амаки! Нима бўлди? Сизга нима қилди? *(Унинг енгидан тортади.)*

Степан. Павлик, тегма, секин, секин... Мен яраландим. Уламан, отанг қани?

Павлик. Дадам фронтда. Сизга нима қилди, Степан амаки?

Степан *(базўр)*. Мен фронт... штабининг... буйруғини... буйруғини... олиб келдим... жуда муҳим буйруқ... тезда етказиш керак.

40 Павлик. Дадам яқин орада... бу ердан уч чақиримча нарида.

Тўп садолари сусаяётгани эшитилади. Павлик Степанни суяб турғизади, чорпоёга ўтқизади.

Степан (бошини қуйи солади). Уртоқ Серго... Серго... (Туриб кетишга уринади.)

Павлик. Оз эмас-овлоқ эмас, ораси уч чақирим-а!.. Сиз етиб боролмайсиз, амаки.

Степан. Буйруқ... тезликда... (Гандираклаб, чорпоёга йиқилиб қолади.)

10 Павлик. Степан амаки. Амаки! (Нима қилишини билолмай, дераза томон югуриб боради, эшикни очади; Степаннинг олдига қайтиб келади.) Степан амаки!

Степан хушсиз.

Нима қилдим энди? Нима қилай, дадажон? (Нимадир эсига келиб қолади. Степаннинг сумкасини очиб ҳужжатларни олади. Ахтаради.) Буйруқ қани, амаки? Қарда бўлиши мумкин? (Унинг чўнтақларини тинтийди, қўйнидан конверт олади.)

Степан (кўзларини очади). Павлик... бу буйруқ... эҳтиёт қил... Душманларнинг қўлига тушиб қолмасин...

20 Павлик. Айтганларингизнинг ҳаммасини бажарман. Дадамга топшираман. Хайр, Степан амаки.

Степан. Хайр, ука. Эҳтиёт бўл... Ўзингни ўқдан сақла...

Павлик конвертни қўйнига солиб вагондан ўқдек отилиб чиқиб кетади.

(Турмоқчи бўлади, қийналиб деразанинг олдига келади ва қичқиради.) Эҳтиёт бўл, Павлик, эҳтиёт бўл! Эҳ! (Хушсиз бўлиб йиқилади.)

Парда

Еттинчи кўриниш

30

Фронт. Эски қўрғоннинг харобалари истеҳком бўлиб хизмат қилади. Командир пункти. Узоқдан ёйилган қўйи кетаётган жангчилар ҳалқаси кўринади. Олдинда Бядуля, Иванов ва бошқа командирлар.

Иванов (дурбиндан қарайди ва Бядуляга гапирди). Чап қанотга бир диққат қил... илғаяпсанми? Бизни четлаб ўтишга тиришишяпти... ишқилиб қуршовга тушиб қолмайлик-да...

Бядуля (дурбиндан қарайди). Ут очилсин!

Залп эшитилади. Жимлик.

Иванов. Мустаҳкамланиб олишибди... Бир ерда тўхтаб туришибди... Эҳ, менга бу тариқа жимжитлик сира ҳам ёқмайди-да.

Сахнага чап томондан, соқоли ўсиб кетган Калюга кириб келади. У ҳарбий формада.

Бядуля. Нима гап бўлди, Калюга?

10 Калюга. Ана шу ҳеч гап бўлмаётгани жонга тегаётибди-да. Патрон юбормасанг бўлмайди, лаънати оқлар борган сари сиқиб келяпти. Ўртоқ Серго қаерда?

Бядуля. Серго қўшин ичида. Шунча патронни нима қилдинг? Ахир мен сенга икки яшик патрон юборган эдим-ку. Ё бўлмаса чучвара ўрнига еяпсанми?

Калюга. Менга икки яшигинг нима бўлади? Мен у билан чумчуқ қўрийманми! Сен менга чинакам ёрдам бер.

Бядуля. Ахир мен ҳам қаердан оламан. Ўзинг ўйлаб кўриб, шунга яраша ҳукм чиқармайсанми?

20 Калюга. Нима, ҳукм чиқариб мен судмидим? Менинг вазифам жуда кичкина. Серго менга бир участкани топшириб қўйган. Мен шуни мудофаа қиламан. Лекин куппа-қуруқ қўл билан душманни улоқтириб ташлаш маҳол-да!

Иванов. Ўртоқ Серго келяпти.

Ҳамма ўгирилиб қарайди. Чанг-тўзонга ботган Серго кириб келади. Шинели лой, қўлида милтиқ.

Серго. Сен бу ерда нима қилиб юрибсан, Калюга?

Калюга. Ёрдам сўраб келдим, ўртоқ Серго. Патрон йўқ.

30 Серго. Захар қайтиб келдимми?

Иванов. Келгунича йўқ.

Серго. Қанча патрон қолди?

Иванов. Атиги тўрт яшик.

Серго. Бир яшигини Калюгага бер.

Калюга (ялиниб). Атиги бир яшикми?

Серго. Бошқа йўқ, Калюга, ўзинг кўриб турибсан-ку.

Калюга. Тушундим. (Ивановнинг орқасидан кета бошлайди.)

40 Серго. Калюга.

(Калюга тўхтайдди).

Жангчиларнинг руҳини кўтариб тур. Бизга ёрдамчи кучлар келаётибди, де.

К а л ю г а. Хўп бўлади, ўртоқ Серго.

Саҳна орқасидан ўқтин-ўқтин тартибсиз отишмалар, оёқ товушлари яқинлашиб келади.

Б я д у л я. Қаёққа? Қаёққа ахир, жин урганлар! Тўхтанглар! *(Сергонинг олдига югуриб келади.)* Уртоқ Серго. Бешинчи рота ўз позициясидан кўчибди... Фронт одамсиз қолаётибди!

Шовқин-сурон, одамлар ёпирилиб келаётгани эшитилади.

- 10 Серго. Фронтни ташлаб келишга ким журъат қила олади? *(Тепачага чиқиб, қўлини кўтаради.)* Ҳеч кимнинг фронтни ташлаб чиқишга ҳақи йўқ! *(Шивирлайди.)* Шундай нозик дақиқада жангчилардан бирон-тасининг ҳам фронтни ташлаб чиқишига ишонмайман. Азиз ўртоқлар, сиз билан бизнинг ахир, бундан ҳам оғир кунларни бошимиздан кечирганларимиз ёдингиздан чиқдимиз? Городок бўсағасида сизнинг полкингиз душман ҳалқасини ёриб ўтмаганмиди? Сиз билан биз Борисов шаҳрини олмаганми эдик! Ушанда оқ полякларга ва бошқа турли-туман итваччаларга қақшатғич зарба берган, шу бешинчи полк эмасмиди! Сизларга нима бўлди, азиз ўртоқларим? Чўчиётисизларми? Мен бунга ишонмайман. Эҳтимол ўртангизда ивгогарлар иш кўраётгандир? У тақдирда биз унга зарба берамиз.

Яқин орада ўқ отилади. Кимдир қичқиради.

(Қичқириб.) Ҳа, шундай бўлиши керак.

Саҳна орқасидан овоз. Биз қўрқоқ эмасмиз! Бизга патрон бер!

Патрон келди. Истаганингизча олишингиз мумкин. Уртоқ Иванов, бешинчи ротага тўрт яшик патрон берилсин. *(Жангчилар ўртасига сакраб тушади.)*

- 30 И в а н о в *(Бядуляга секин)*. Қўлимизда бори атиги тўрт яшик-ку.

Б я д у л я. Барини бераверасан. Серго қиладиган ишини билиб қилади.

И в а н о в чиқиб кетади.

К а л ю г а *(ҳайратда)*. Менга-чи?

Б я д у л я. Сенгами?

К а л ю г а қўлини силтаб чиқиб кетади. Саҳнадан яшикларни кўтариб ўтади.

С о қ ч и. Қим у?

Захар. Нега бақирасан? Ўз кишингни танимайсанми? Қишлоқи. *(Тош орқасидан чиқади.)*

Пешонасини арта-арта Серго кириб келади.

Бядуля. Захар!

Серго. Нима хабарлар бор?

Захар. Ҳеч қандай хабар йўқ, ўртоқ Серго. *(Уларга яқинлашиб.)* Оқлар қамишнинг орасида яшинринган. Ўз кўзим билан кўрдим. У, баччағарлар секин-секин сирғилиб келишяпти.

10 Бядуля. Демак, ҳалқа тобора сиқиб келмоқда.

Серго *(дурбиндан қараб)*. Мабодо душман қамиш ичига пистирма қўйган бўлса нима бўлади?

Бядуля. Унда душманни яқинлашиб келишга қўйиб берамиз. Кейин юзма-юз найзабозлик жангига ўтишга мажбур қиламиз.

Серго. Таваккалига иш кўришимиз яхши эмас. Биз энг аввал душманнинг қанча кучи бор эканлигини аниқ билиб олишимиз керак. *(Бядуляга.)* Қамиш ора-лаб разведка юборилсин.

20 Бядуля *(биринчи қизил аскарга)*. Қамиш ораси разведка қилинсин.

Қизил аскар эгилган кўйи чиқиб кетади.

Серго *(Семенчукка)*. Алоқани йўлга қўйдингми?

Семенчук. У томон жавоб бермаётибди.

Серго. Қандай бўлмасин йўлга қўйишга тириш.

Саҳна орқасидан туёқ дупури эшитилади.

Бядуля. Қим у?

Соқчи. Тўхта!

30 *Туёқ дупури тўхтади. Суворийлар отлардан тушадилар. Саҳнага кичик командир билан бир суворий кириб келади.*

Командир. Ўртоқ Оржоникидзе қаерда?

Серго. Нима иш билан келдинг, ўртоқ?

Командир *(Сергони таниб, жилмаяди)*. Салом, ўртоқ Серго! Мени танимадингизми?

Серго *(унга қараб қувониб кетади)*. Жалиев!

Жалиев. Менман, ўртоқ Серго.

Серго. Қаердан келдинг? *(У билан кўришади.)*

Жалиев. Фронт штабидан, сизнинг ихтиёрингизга.

40 Серго. Мен бизга мадад кучлар ўз вақтида етиб келишига ишонардим. Одамларнинг кўпми?

Ж а л и е в. Икки эскадрон.

С е р г о. Камроқ.

Ж а л и е в. Шундай бўлса ҳам, ўртоқ Серго, ҳаммалари жанговар йигитлар. Жангда ўсган. Отларини айтмайсизми! Ўзларига жуда мос. Отларини ҳам қаҳрамон отлар деса бўлади.

С е р г о. Яна нималар олиб келдинг?

Ж а л и е в. Тачанка авралар.

С е р г о. Нечта?

10 Ж а л и е в. Иккита.

С е р г о (*жилмаяди*). Камроқ. Қани, таниш бўлинглар, бу — дивизия бошлиғи Бядуля, бу бўлса — менинг қадрдон дўстим Жалиев. (*Жалиевга*). Сени кўрмаганимга қанча бўлди?

Ж а л и е в. Бир йилча.

С е р г о. Шундай шўх характеринг билан уруш майдо-нида бир йил мобайнида омон юришингга ўзимни ишонтиролмасдим. (*Бядуляга*). Бундан ўлим ҳам ҳазар қилади. Ўлим бундай қоқ сўнгални нима ҳам қилсин?!

20 Ж а л и е в (*кулади*). Шунинг учун ҳам яшаб юрибман-да, ўртоқ Серго.

С е р г о. Эскадронларинг қаерда?

Ж а л и е в. Шу ерда, жангга киришга тайёр ҳолда катта тош йўлда турибди.

С е р г о (*харитани ёзади*). Жалиев, сенинг бу қилич тутган беш юз азаматинг биз учун бир дивизия аскарининг ўрнини босиши керак. Бошлаб сен фронтни ёриб ўтасан. Лекин қаердан?

30 Б я д у л я (*харитани кўрсатиб*). Мен, мана бу ердан, душманнинг қоқ манглайдан уришни таклиф қиламан. Энг аввал отлиқлар, уларнинг кетидан пиёда аскарлар боради. Шундай қилиб йўл очилади.

С е р г о. Манглайдан атака қилишга икки эскадрон камлик қилади. Тўсатдан зарба берсак ғалаба қозонамиз. Менинг фикримча, Жалиев ёнбошдан уриши керак... Фронт чизигининг ўртасидан ёриб ўтиб, қутилмаган маневр билан душманнинг орқа томонига ўтиб олиш керак. Ундан кейин биз ҳам бу тарафдан атака бошлаб Жалиевга ёрдам берамиз.

40 Ж а л и е в. Тўғри, ўртоқ Серго.

С е р г о (*Жалиевга харитани кўрсатиб*). Мана, мана бу Шпиль қишлоғи, унинг орқаси қир. Сен ўрмонни оралаб борасан. Худди мана шу ерда ёриб ўтиш керак бўлади.

Ж а л и е в. Худди шу ердан ёриб ўтамиз.

Серго. Сен биз билан ўртоқ Иванов орқали алоқа боғлаб турасан. Тачанкаларни бизга ташлаб кет. Ҳозирча хайр, сизларга муваффақият тилайман, ўртоқлар.

Жалиев, Иванов ва суворий чиқиб кетадилар. Узоқлашаётган от туёқларининг дупури эшитилади.

(Бядуляга.) Сен нима дейсан, душманнинг асосий қўшилмалари шу қамишзорга яширинмаганмикан?

Бядуля. Сиз шундай деб ўйлайсизми?

10 Серго. Мен мавжуд душманга қараб иш кўришни маъқул топардим.

Разведкага кетган қизил аскар югуриб киради.

Қизил аскар. Разведка натижасида маълум бўлдики...

Серго, Бядуля. Хўш?

Қизил аскар. Душман ўз кучларини қамишзорга жилдирмоқда.

Бядуля. Ўртоқ Серго, кутиб ўтирсак бўлмас, фурсат зиқ. Дарҳол ҳужум бошлаш керак.

20 Серго (ҳилпираб турган байроққа узоқ тикилади, кейин миясига бир фикр келгандек). Бизга ҳам тегадиган совға бор экан. Уни қара, кўряпсанми шамол қай томонга эсаётибди?

Бядуля. У томонга...

Серго. Аниқроқ қилиб, душман томонга, дегин.

Бядуля. Хўш, нима эди?

30 Серго. Ҳали ҳам тушунмадингми? Қамишга ўт қўйиш керак. Қарабсанки, икки минут ҳам ўтмай оқлар эгаллаб турган бутун майдон аланга ичида қолиб кетибди.

Бядуля. Офарин! Ана тадбир! Семенчук!

Семенчук киради.

Семенчук. Хизмат, ўртоқ командир?

Бядуля. Буюраман, қамиш орасига яшириниб кириб, ўт қўйилсин!

Семенчук. Хўп бўлади, ўртоқ командир.

Бядуля. Лекин, эҳтиёт бўл, Семенчук.

40 *Семенчук қамишзор оралаб буқинганча душман томонга кета бошлайди. Серго билан Бядуля уни кузатиб турадилар. Уқ товуши.*

Серго (паузадан сўнг). Уни сезиб қолишди.
Бядуля (бақиради). Ерга ёт, Семенчук, ерга ёт!
Серго. Эшитмаяпти, эшитмаяпти!

Бядуля. Ўлдиришди...

Сергеев (югуриб келиб). Ўртоқ командир, топшириқни бажаришга ижозат беринг.

Бядуля. Яхши, ўртоқ Сергеев. Буюраман, бориб қамишга ўт қўйинг.

10 ди. Сергеев. Хўп бўлади! (Югуриб кетатуриб тўхтайдиган.)
Чўнтагидан қоғоз олиб, командирга узатади.)

Бядуля. Бунинг нима?

Сергеев. Партия билетим билан онамнинг адреси, ўртоқ командир.

Бядуля. Яхши, ўртоқ Сергеев.

Қизил аскар истеҳкомдан чиқиб ёв томонга эмаклаб кета бошлайди.

Серго (қараб). Яхши кетаётибди. Дадил йнгит экан.

20 оз Захар (кузата туриб). Ҳа, ҳа. Шундай! Ваня, бир чапга, чапга, Ваня!

Серго. Эшитмаяпти.

Бядуля (қичқиради). Чапга, Сергеев!

Серго (ҳаяжон билан). Ия!

Бядуля. Йиқилди... яраланди...

Бир неча қизил аскар югуриб киради.

Биринчи қизил аскар. Мен, мен бораман.

Иккинчи қизил аскар. Топшириқни бажаришга ижозат беринг.

30 Кочетков. Ўртоқ командир, мени юборинг.
Иккинчи қизил аскар. Мен бораман.

Биринчи қизил аскар. Бўлмаса қуръа ташлаймиз.

Бядуля. Бу нарса лотерея эмас!

(Узоқдан Павлик кўрнади)

Кочетков (командирга). Қандайдир бир бола шу томонга югуриб келяпти.

Серго (ўгирилиб қарайди). Павлик, Павлик, бу ёққа!

40 Павлик (югуриб кела туриб). Дада!

Уқ узилади. Павлик тўхтайдиган, гандираклар йиқилади.

Б я д у л я. Я р а л а д и л а р.

Серго ўрнидан санчиб туриб Павлик томон югуради.

(Уни тўхтади.) Уққа тутинмасин, ўртоқ Серго!

Серго. Қўйиб юбор! *(Буқинганча чолиб, кета бошлайди.)*

Қизил аскарлар ҳаракатга келиб, унинг орқасидан бормоқчи бўладилар.

10 *(Уларга қараб.)* Ётинглар, бошларингизни кўтарманглар. *(Павликка етиб бориб.)* Павлик, сен бу ерга нега келдинг? Қаердан келяпсан?

Павлик. Мана... *(Қўйнидан пакет олиб, уни Сергога бермоқчи бўлади, лекин узатолмайди.)*

Серго *(пакетни олиб)*. Павлик, азиз ўғилгинам!

Павликни кўтариб, истеҳком томонга келади.

Захар. Вой муаллимгинам эй!

20 Серго *(Павликни ётқизиб қайтади. Буйруқни ўқий бошлайди)*. «Армия штабининг буйруғига мувофиқ ҳужум бошлашимиз керак. Бизнинг қўшинларимиз ҳаракати натижасида душманнинг орқа томонга ўтадиган йўли тамоман кесиб қўйилган». *(Қувониб.)* Демак, бизга юборилган ёрдам Жалиевнинг беш юз қиличбардор азаматининг ўзигина эмас. Аттанг, қамишзор, қамишзор...

Захар *(Сергога яқинлашиб)*. Мени юборинг. Менинг қўлимда қамиш худда шамдай тутаб, тутуни худойи таолонинг олдигача чиқиб боради.

Серго. Сеними?

Захар. Хотиржам бўлинг. Уринлатаман.

30 Серго *(ҳаяжон билан)*. Ўзингга эҳтиёт бўл, Захар!

Захар чиқиб кетади.

Биринчи қизил аскар. Жуда дадил кетяпти. Иккинчи қизил аскар. Уни қара, уни қара! Серго. Нега тўхтаб қолди экан?

Бядуля. Йўқ, ялангликка қараб югурди.

Серго. Ҳой, Захар!

Бядуля *(қувониб)*. Ўртоқ Серго, қаранг, қаранг! Кочетков. Чап берди! Югурди!

40 Биринчи ва иккинчи қизил аскар. Югурди!

Серго. Яша, Захар!

Бядуля. Ўртоқ Серго! Қамишзор ўт олиб кетди!

Серго. Офарин, Захар! Ана энди бизнинг ишимиз юришиб кетади. Захар айтганча, ўринлайди.

Кочетков. Йигитлар, қаранглар-а, ўтнинг шиғиллаб кетишини!

Биринчи қизил аскар. Шамолни айтмайсанми, шамолгинани!

Иккинчи қизил аскар. Ана у томондан ҳам ўт кўринди. Қамишнинг ланғиллашини қара.

Бядуля. Захар, қамишлар орасида ўйнаб юрибди.

Серго. Эски йўл босар, ўз ишини билиб қилади.

10 Кочетков. Ёнишини қаранг-а, худди керосин сепгандай.

Биринчи қизил аскар. Орқага чекин, Захар, орқага!

Иккинчи қизил аскар. Оқлар қочарга жой тополмай қолди.

Бядуля. Шамолнинг эсишини қаранглар, бутун дашт ёнаётибди. Ҳашақларга ҳам ўт кетди.

Иванов югуриб киради.

Иванов. Ўртоқ Серго! Жалиевнинг отлиқлари ёвнинг ёнбошидан ёриб ўтди. Ҳужум бошлади.

20 Серго (*Бядуляга*). Тачанкалар олдиндан юборилсин! Орқасидан пиёдалар боради.

Кочетков. Қочиб қолишди! Қочиб қолишди. Ит-ваччаларни қамишзордан қувиб чиқардик!

Захар (*югуриб киради*). Ўртоқ Серго! Ҳамма иш ўринлади.

Серго. Фронт бўйлаб буюраман! Ҳужумга!

Бядуля (*фронт бўйлаб қичқиради*). Ҳужумга!

Серго. Менинг орқамдан, ўртоқлар!

30 Бутун фронт бўйлаб «Ура!» садолари бошланади. Олдинда Серго, Бядуля, Иванов. Уларнинг орқасидан ҳужумга кетаётган қўшин боради. Саҳна орқасидан гулдурос «ура!» садолари янграйди.

Парда

К. М. Симонов

РУС ҚИШИЛАРИ

(5 парда, 8 кўринишли пьеса)

Қатнашувчилар:

Иван Никитич Сафонов — автобатальон командири,
32 ёшда.

Марфа Петровна — онаси, 55 ёшда.

Валя Анощенко — шофёр, 19 ёшда.

Александр Васильевич Васин — 62 ёшда.

10 Иван Иванович Глоба — ҳарбий фельдшер, 45 ёшда.

Панин — марказий газета мухбири.

Ильин — политрук, 25 ёшда.

Шура — машинистка, 27 ёшда.

Харитонов — таносил касалликлари врачси, 60 ёшда.

Мария Николаевна — унинг хотини, 55 ёшда.

Козловский — шу кишининг ўзи.

Василенко, 30 ёшда.

Морозов.

20 Гаврилов.

Лейтенант.

Чол.

Луконин — генерал-майор, 32 ёшда.

Семёнов.

Розенберг.

Вернер.

Краузе.

Номаълум ярадор.

30 Командирлар, қизил аскарлар, немис солдат-
лари.

Воқеа ўтадиган жой — Жанубий фронт.

Воқеа 1941 йилнинг кузида ўтади.

Ғафур Ғулом таржимаси

БИРИНЧИ ПАРДА

Биринчи кўриниш

Катта рус печкаси бор ва бурчакларига иконалар қўйилган кенга хона. Иконаларнинг ёнига Сафоновнинг кейка ва шофёрлар қўлқопи кийиб тушган катта фотосурати қоқиб қўйилган. Кечқурунги пайт. Марфа Петровна ёйиб қўйилган карталар қаршида турибди. Унинг рўпарасида пальто кийган Мария Николаевна ўтирибди.

Марфа Петровна (карталардан кўзини олиб).
10 Нега ечинмай ўтирибсан, ечинсанг-чи.

Мария Николаевна. Йўқ, йўқ, мен бир рав йўл-йўлакай кириб ўтмоқчи эдим.

Марфа Петровна. Ёдингдами, а, Маруся, сен билан биз, қайлиқларимиз ким бўлар экан, деб фол очардик. Бунга ҳам эҳ-ҳе қанча йиллар бўлиб кетди. Ҳаҳ, худойим-эй эсимга тушира қолсанг-чи, бу қайси йилда эди, ҳаҳ... бу бир минг тўққиз юз саккизинчи йилда экан. Ҳамма ҳам қанақа йигитга учрарканман, деб ўйларди. Ҳойнаҳой кўркам, хушқомат бўлар, деб 20 ўйлардик. Ана кўрдингми, ўйлаганларимизнинг акси чиқди. Менинг эрим бўлса ҳузур-ҳаловат кўрмай мен билан яшамай ўлди-кетди. Сеники-чи, сеники бўлса, аммо-лекин кечирасан, расволарнинг расвоси ярамас одам бўлиб чиқди.

Мария Николаевна. Марфа Петровна...

Марфа Петровна. Кечирасан, дедим-ку, кечиргин-да, расво дедимми, расво! Дилимдагини тилим билан очиқ айтдим-қўйдим.

30 Мария Николаевна. Ахир, у шўрлик нима ҳам қила оларди? Ниманинг ҳам улдасидан чиқа оларди? Ўзлари кириб келишди, уйимизда яшай бошлашди. Ундан кейин эрим шўрликни шаҳар бошлиғи қилиб таъинлашди. Ўзи буни ҳеч ҳам хоҳламаган эди.

Марфа Петровна. Хоҳламаганлигига-ку ишонман, аммо эрингнинг асли муддаоси бу эмас эди-да. Унинг учун ким бўлса ҳам бари бир. Ишқилиб муддао-си тирик қолиш эди. Бир марта қўрқоқлик қилди, икки марта қўрқоқлик қилди, уч марта қўрқоқлик қилди, ун-

дан уёғига ғирт разил бўлди-қўйди. Сен менга уни таърифлаб ўтирмай қўя қол, мен ҳам уни унча-мунча биламан. *(Картага тикилади.)* Шундай қилиб фолинг яхши, ўргилай, Маруся, пешонангга сарой битибди. Бундан бу ёғига сенга йўл йўқ. Шу ердаки яшаган эдинг, худди шу ернинг ўзида аҳмоқ туғилиб аҳмоқлигингча ўлиб кетасан. Мана ўғлинг ҳам урушдан келиб қолар. У сиз эру хотинга ўз ташаккурини билдириб қўяди. Куллуқ э, худо хайр бергур ота-онагинам, фамилиямга иснод келтириб тоза ҳам булғатибсизлар, қиртишлаб ювиб поклаб олишнинг иложи йўғ-а, балли, деса керак. Худди шундай дейди.

Мария Николаевна. Ҳа, ишқилиб, кошки эди, омон бўлса... Мен ундан энг сўнгги хатни Тирасполдан олган эдим.

Эшик тақиллайди.

Марфа Петровна *(эшик томонга боради)*.
Ким у?

Овоз. Тезроқ оч.

20 *Марфа Петровна илгакни туширади. Немис фельдфебели, солдат ва Козловский кирадилар. Козловский пальто, ярим ҳарбий фуражка кийган, енгиди полицияга хос боғич.*

Козловский. Шу ерга бир хотин кирдими? *(Стол олдида ўтирган Мария Николаевнани кўриб, яқинлашади, елкасидан тутиб тезликда ўзига ўгиради.)* Кечирасиз. Сиз бу ерда нима қилиб ўтирибсиз?

Мария Николаевна. Бу киши менинг қиз ўртоғим бўлади. Салом.

30 Козловский. Салом... *(Картага қарайди.)* Эҳ-ҳа, фол очиб ўтирибмиз, денглар?.. Учталик, еттилик, туз, фол чакки чиқмабди... Келганингизга анча бўлдими?

Мария Николаевна. Ҳа, анча бўлди.

Козловский *(фельдфебелга ўгирилиб)*. Қўшни ҳовлига кирамиз. Бу ерда йўқ. *(Келганлар чиқиб кетадилар.)*

Марфа Петровна эшик иллагини солиб, ирганганча шу ерда осиглиқ турган сочиққа қўлини артади.

40 Мария Николаевна. Козловский деган одам шу бўлади. Биласизми, у билан биринчи кунлар танишганимизда жуда ҳам ювош, жуда ҳам мулойим одам

эди. Бу ерда ўзининг қандайдир қариндоши борлигини эсларди. Туғишган тоғамни ўн беш йилдан бери кўрган им йўк, дерди. Осоёишта ўтириб чой ичган эди. Энди-чи, энди кўрсанг ўтаканг ёрилади. Титраб-қақшаб туради.

Марфа Петровна. Сабр қил, сабр қил, ўзининг эринг ҳам титраб-қақшайдиган бўлиб қолади. Одамзод деган разилликни учига чиқиб олдим, ана шундай бирданига титраб-қақшашга бошлайди. Оҳ

10 шўрликкина. Баҳру бисотингни битта бўғчага тугиб ўттиз йил илгари эрингнинг уйига нима билан кириб келган бўлсанг, шуни кўтариб кетаверсанг нима қилар экан-а? Немисларнинг озгинагина эми-удумини сепиб, хайр-маъзурни насия қила қолсанг нима бўлар экан-а? Бунинг савобига ким етсин эди... Ёшлигингда қандай қувноқ, қандай барно, қандай гўзал, очиққина қиз эдинг. Ҳай, худо хайр бергур, ўзинг айт, нима бўлди сенга?

20 Мария Николаевна. Хайр, мен кетай. Кеч бўлиб қолди. Аммо сиз ҳам ҳамма ишни ёмонликка йўяверманг...

Марфа Петровна. Майли, кетсанг кет. Диққи-нафас бўлганингда кириб тур. Ўзинг биласан, менинг одатим шундай. Ўзим валақлаб ўзим ачиниб юраман. Сени айтяпман. Эрингга ўлганда ҳам ичим ачишмас. Туф-эй, уни худо кўтарсин. (*Меҳмонни кузатади, эшикни беркитиб, қулоқ солади. Кейин печкага ўгирилиб қаттиқ гапиради.*) Қани, туш.

Печкадан куртка ва эркакча этик кийган Валя сакраб тушади.

30 Хайрият, меҳмонлар ҳам келиб-кетишди. Юрагинг тоза арзиққандир, а?

Валя. Ҳа.

Марфа Петровна. Аммо одам кўрқади-я?

Валя. Ҳа.

Марфа Петровна. Хаҳ, разведкачи бўлмай кетгур қизалоқ? Чой ичасанми?

Валя. Ҳа.

40 Марфа Петровна. Ё тавба, ё тавба, бунинг нимаси: «Ҳа, ҳа!» Тилинг кесилганми. Биров сендан гап сўраганда: «Раҳмат, ўргилай холажон, раҳмат сизга, майли, чой қўйиб беринг», десанг бўлмайдимми?

Валя. Раҳмат, холажон, чой қўйиб беринг.

Марфа Петровна. Ана бу бошқа гап.

Узоқдан отишма товушлари эшитилади.

Тағин отишишяпти. (Пауза). Ҳай, қизалоқ, менга айтчи, ўтган гал сизлар томондан менга бир киши келган эди, ўғлимдан ҳам салом олиб келган эди. Албатта, бу ерда бошқа ишлар тўғрисидаги гапларни ҳисобга қўшаётганим йўқ. Шу киши ҳозир қаерда, омон-эсон юрибдими?

10 В а л я. Йўқ, кеча жангда ҳалок бўлди. Унинг ўрнига мени юборишди.

М а р ф а П е т р о в н а. Ҳа, ўзи ҳам жуда басавлат киши эди. Ҳай, сен қиз, қандай қилиб келдинг, лимандан сузиб ўтдингми?

В а л я. Сузиб ўтдим. (Пауза.) У қачон келар экан, а?

20 М а р ф а П е т р о в н а. Пайтини топиб келади. Қўриб турибсан-ку, ҳозир кўчада уларнинг ҳамма қоровуллари саланглаб юришибди. Саланглаб, саланглаб ҳафсаласи пир бўлиб, қаҳвасини ичгани кириб кетди-дегунча, у ҳам бу ерда ҳозир нозир бўлади. У шундай, ваъдасининг устида турадиган киши.

В а л я. Унинг оти нима эди-я?

М а р ф а П е т р о в н а. Аввалги оти-ку эсимда йўқ, ҳозир Василий деб чақиршади. Шу кечаю кундузда биздагилардан ҳамманинг оти ўзгариб кетган: биттасининг оти Василий, биттасини — Иван.

В а л я. Мен илгари шаҳар советининг раисига шофёр бўлиб хизмат қилар эдим, шунинг учун ҳам бу ердаги кишиларнинг кўпини танийман.

30 М а р ф а П е т р о в н а. Шофёрман, деддингми? Ундай бўлса танисанг ҳам ажаб эмас. Эшитишимга қараганда, немислар келмасдан бурун у шаҳарнинг кўзга кўринган одамларидан биттаси экан.

В а л я. Ким ўзи, кимни айтаяпсиз?

М а р ф а П е т р о в н а. Василийни-да.

Яқин жойдан отишма эшитилади.

Ана тағин отишма бошланди. Сен бўлсанг, нега келмаяпти дейсан. Фурсатини топиб ўзи келади. Яхшиси шуки, сен бемалол чойингни ичавер.

В а л я. Ҳаҳ, қуйсангиз қуя қолсангиз-чи.

40 М а р ф а П е т р о в н а. Қуридим дарёдан келдингми, қурмағур, кела солиб бир ҳўқача сувни бирваракай бошингга кўтардинг, тағин чой қуйинг эмиш.

В а л я. Бизда сув йўқ-да. Водокачкани портлатиб юборишган. Чанқаб бориб лимандан денгизнинг шўр

сувидан ичсанг, ичасан-ку, ammo кунига бир стакандан ортиқ чучук сув беришмайди!

Марфа Петровна. Ҳа, энди... мавриди шундай бўлиб турибди-да. (Пауза.) Дарвоқе, болагинам тирикми, омон-эсонми? Ҳали ҳам у сизларда командирлик қилиб турибдими?

10 В а л я. Ҳа, ҳали ҳам командирлик қилиб турибди. У сизга кўпдан-кўп салом айтиб юборди. (Деворда унинг суратини кўриб қолади.) Вой, бу кимнинг сўрати? Уша кимими?

Марфа Петровна. Худди ўзи. Унга ҳадеб тикилаверма. Унча ҳусни бўлмаса ҳам, ўзи шунқор, худди лочиндай йигит.

В а л я. Биздагиларнинг барчаси ҳам уни яхши кўради.

Марфа Петровна. Бир қарич ёш бошидан бўён бўлган-тургани шу. У туғилишдан тирмизак туғилган.

20 В а л я. Ёшлигида ҳам шундай жонсарак эдими?
Марфа Петровна. Эҳ-ҳе, нимасини айтасан, худдо ҳеч кимнинг ҳам бошига солмасин. Эртадан кечгача ким кўринган менга нолиб келгани-келган эди. Мен нима дердим: «Тутиб келинглар, тутиб келсанглар қулогини узиб қўлига бераман, тутолмасанглар тирақайлаганча тому тошга қочган бўладию қутулиб кетади», дердим. (Ўйланиб.) Хўш, қизгинам, сен бунча суриштириб қолдинг?

В а л я. Йўқ, ўзим шунчаки...

30 Марфа Петровна. Ҳа-ҳа, шундай дегин? Мен ўйлабманки, икковларинг...

В а л я. Нима деб ўйлагандингиз?

Марфа Петровна. Балки иккаловларинг бир-бирларингга андармон бўлиб, шу замонда нима дейсизлар... севги дейсизларми...

40 В а л я. Йўқ. Унингиз одам билан ҳазиллашгани-ҳазиллашган. Унинг ҳаммага айтадиган гапи, менинг шофёрим-қайлигим, мени отим, оти йўқ, жўни йўқ қайлиқ бўлиб қолган. Қайлиқ, қайлиқ, хуллас, шу сўз оғзидан узилмайди.

Марфа Петровна. Қайлиқ дедингми? Вой тавба, ҳозир ҳам шундай деб аташлар борми?

В а л я. Ҳа, нима эди, сиз бунга қаршимисиз?

Марфа Петровна. Қаршиликка-ку қарши эмасман-а, замонаси тушмагур қайлиқ ўйлашни кўтармайди. Бугун қайлиқ бўлиб келарсан, эртага бева. Бир кунга хотин бўлиб турсанг кошки эди.

В а л я. «Қайлық»ни у ҳазил-мазах билан айтади, деяпман-ку.

Марфа Петровна. Хайр, ҳазил-мазах бўлса йўли бошқа. *(Пауза.)* Аммо ҳозир замонаси қурғур ҳазилни кўтармайди. Ҳа дарвоқе, ҳали немислар келганда ҳеч бўлмаса кўз қирингни ташлаб кўролдингми?

В а л я. Йўқ, мен уларнинг овозларини эшитдим, холос. Қимир этгани ҳам юрагим бетламади.

Марфа Петровна. Ҳали биттаси русча гапирди-ку — ўша улар билан келган Козловский деган одам. Ўзи бу ерлик эмасу, расволарнинг расвоси. Немислар уни Николаев шаҳаридан буёққа сургаб юришибди. Мен, уни шаҳарма-шаҳар сургаб юришларини яхшиликка йўйиб қўйганман. Чунки, бунга ўхшаган расво, мохов, сотқин одамлар ҳар шаҳарда ҳам топилавермас экан. Шунинг учун ҳам орқаларидан эргаштириб у шаҳардан бу шаҳарга сургашгани-сургашган. *(Қулоқ солади, кейин деворий соатга қарайди.)* Ана энди уларнинг қаҳва ичадиган вақти бўлди, ичаётгандир ҳам. Бундан бу ёғига фалокат босиб энди немислар бостириб келиб қолса, унисини худодан кўравер. *(Жойидан қўзғалмай чақиради.)* Василий? *(Осойишта.)* Ҳой, Василий? *(Валя ихтиёрсиз эшик томонга қарайди.)* Василий деяпман!

Пярда орқасидан қўшни хона эшигида серсоқол эркак кўринади.

Морозов. Вой, Марфа Петровна-ей, қотиб ухлаб қолибман-а.

Марфа Петровна. Ҳалиги келган немислар ҳам уйғота олмабди-да?

30 Морозов. Йўғ-э, немисларга қарши алоҳида бир сезгирлигим бор, мана бу қиз билан чуғуллашганларингни эшитдим, қайтадан уйқига кетдим, бор э, тўйгунча гаплашиб олишсин дедим. *(Еруғдан кўзлари қамашиб, силаб ўлтиради.)* Ертўланг ҳам қоп-қоронғи зулмат-да ўзи.

В а л я. *(унга диққат билан тикилиб бирданига чапак отади.)* Сергей Иванович!

40 Морозов. Мен сизга айтиб қўяйми, ўртоқ луччак Карвон, мен ортиқ Сергей Иванович эмас, Василийман. Дурустми?

В а л я. Дуруст.

Морозов. Шу билан бирга, мен ўртоқ Карвон Морозов ҳам эмасман, ҳалиги айтганимдек, Василийман. Дурустми?

В а л я. Маъқул.

Морозов. Ва, ниҳоят, шу билан бирга, ўртоқ шинам Қарвон шаҳар Советининг ҳам раиси эмасман, бояги-бояги Василийман. Буниси ҳам дурустми?

В а л я. Буниси ҳам дуруст.

Морозов (*ҳазиллашиб*). Ҳа, яшанг, ҳаммаси ҳам дуруст бўлса, машина қаерда қолди? Яна бирон шикаст еб у ер-бу ерда ётган бўлса-я? Тагин бир бало рўй бергандир. Ҳойнаҳой рессори сингандир, а? Хўш?

10 В а л я. Нуқул ҳазиллашасиз-а, Серге... нуқул ҳазиллашасиз-а.

Морозов. Ҳа. Шу тобда ҳаммамиз ҳам ҳазиллашамиз. Ҳазиллашамиз, дедим-ку ўртоқ Қарвон.

В а л я. Бундан чиқди, биз ҳали кутиб ўтирган эканмиз-да?

Морозов. Балли, маълум бўлишича, биз каминаларини. Қани хатни буёққа чўз-чи.

В а л я қўйнидан кичкина қоғоз олади.

20 Бордию немисларнинг қўлига тушиб қолганинда нима қилардинг?

В а л я. Икки буклаб оғзимга солардиму ютиб юбориб қўя қолардим.

Морозов, Ҳа, хўп шундай қилдинг, дейлик. (*Қоғозни ўқийди.*) Ҳа, мазмунига қараганда, ўртоқ Қарвон сиз бу ерда бирон кеча-кундуз қоладиган кўринасиз. Менга шундай бир мурожаатнома ёзибдиларки, қўяверинг. Бундаги гаплар немис комендатурасига граната отиб қўя қолишдан осон эмас. Салгина мия ишлатишни талаб қилади. Қани, хўш, сизлар мудофаа қилиб турган жойда нима янгиликлар бор?

30 В а л я. Лимандан посёлкагача бизнинг қўлимизда. Заречная — бизнинг қўлимизда. Кейин Рязскаядан тортиб лиманга бориб келгунча бизнинг қўлимиздаю теварак-атрофда немислар.

Морозов. Маълум энди, немислар. Улар ўша томонга ўттиз чақиримча ичкарилаб кетишди. Буни қарангки, салдаёқ немисларнинг орқа томонига ўтиб қолибмиз. Нима ҳам дердик... Уруш-да. Ҳечқиси йўқ. Сизда-ку ҳеч бўлмаса лиманнинг нариёғидаги шаҳарнинг ярмида совет ҳокимияти барқарор, биз томонда эса немислар хўжайинлик қиляпти.

40

Эшикка биров секин тирмашади. Морозов револьверини суғуриб олади. Марфа Петровна уларга, кетинглар, деб ижо

қилади. Валя печканинг устига чиқади. Морозов парда орқасига ўтиб кетади. Марфа Петровна эшикка яқинлашади.

Марфа Петровна. Қим у?

Эшикка яна тирмашадилар. Марфа Петровна эшикни ичкарига очади, граждан кийимидаги қонга беланган номаълум одам остонага узала тушади. У эшикка суяниб ўтирган бўлса керак. Марфа Петровна индамай уни ичкари олиб киради, эшикни беркитиб, унинг қаршисида чўккалаб ўтиради.

Сен ўзинг кимсан?

10 Номаълум ярадор. (суст овоз билан). Бу ердагилар ўзи ким?

Марфа Петровна. Биз ўзимизникилар.

Номаълум ярадор. Бир қултум сув...

Марфа Петровна. Ҳой қиз!

Валя печкадан тушади.

Номаълум ярадор (бошини лиқиллатади). Кераги йўқ. Бу ерда ким бор? Бир-икки оғиз гапим бор эди... мен ҳозир ўламан...

20 Марфа Петровна. (Валяни унинг олдида қолдиради.) Ичир, ичир, ташналигини биламан, қизгинам. (Парда орқасига ўтиб секин гапирди.) Василий!

Номаълум ярадор. Ростданми, ўзимизникилар-мисизлар?

Валя. Ҳа, ўзимизникилармиз.

Морозов киради.

Номаълум ярадор. Мен қуршовдан чиқиб келаётган эдим... Улар... мени кўриб қолишди, бўлиб турган иш шу... ҳужжатларимни бўлса олиб қўйишди... менинг фамилиям... Бир қултум сув...

Валя (унга яна сув беради). Хўш, фамилиянгиз нима?

30 Номаълум ярадор. Менинг фамилиям... оҳ. Бир қултум сув...

Унга яна сув берадилар. Номаълум одам сапчиб тушиб, жим бўлиб қолади. Валя унинг бошини ерга қўяди. Чўнтаклари оғдарилган ва енглари йиртилган пиджагини кўздан кечиради.

Валя. Бутун кийим-бошини дабдала қилиб ташлашибди-я. Тинтишмаган жойи қолмабди.

40 Морозов (ўрнидан туради, қўлларини ёнига ростлаб). Хайр, нима ҳам қила олардик, алвидо, эй номаълум дўст. (Жимлик.) Ҳойнаҳой кўчада қони-қуш изи қолгандир. Эрталаб из қувиб келиб қолишлари мумкин. Қани, онахон, устбошини кийиб супургини қўлга

олинг. Бир кўз ташлаб кўринг-чи, ишлар қандай экан? (Дафъатан кўз ёшларини енги билан артади.) Ана холос, кўникиб қолдим, деб юрган эканман, не қилса ҳам одамларга ачинади киши. (Валяга қарайди.) Сен-чи, Карвонбоши қиз, нега йиғламайсан?

В а л я. Йиғлаёлмайман. Мен жуда кўп нарсаларни кўрдим, Сергей Иванович, етти ухлаб ёдимга тушмайдиган нарсаларни кўрдим. Дийдам қотиб кетган. Ешим қуриб қолган.

10 Иккинчи кўриниш

Сафоновнинг штаби. Тонг. Қандайдир темир йўл биносининг тамаки тутуни қоплаган хонаси. Бир неча эшик. Сафонов, Ильин. Машинакка устида — Ш у р а.

Сафонов. Ун бир кун бўлди-я. Крохалёв ҳам ўтган кунни ҳалок бўлди. Йўғ-э, қачон эди? Сен қайси кундан бери менда комиссар бўлиб ишляяпсан? Ҳай, Ильин, сенга айтаяпман?

20 Ильин. Икки кун бўлди шекилли. Йўғ-э, уч кун. Сафонов. Уч кун дедингми? Уйқудан қолавериб миянг говларкан-да, шанба-пайшанбанинг фарқига боролмай қоларкансан киши. Сен ҳалиги, ҳаҳ нима эди... Васинни чақирганмидинг?

Ильин. Чақирганман.

Сафонов. Бамаънигина чол, дейишяпти шекилли?

Ильин. Шундай.

30 Сафонов. Чиндан ҳам яхши одам бўлса, мен уни ўзимга штаб бошлиғи қилиб тайинлайман. Биз қамалда бўлганимиз важдан унинг унвонини ҳам белгилаб кўя қоламан. Шундай қилмаса ҳам бўлмайди-да, Ильин, одамларимиз камайиб кетяпти.

Ильин. Ваянинг ҳам икки кундан бери дараги йўқ. Наҳотки, немислар қўлига тушган бўлса?

Сафонов. Бундай совуқ нафасга кулоқ солгим ҳам келмайди. (Пауза.) Йўғ-а, сен менга шуни тушунтириб бер-чи, нега деҳқон халқи бунчалик аблаҳ бўлади-я? Қиз боши билан, разведкага мен бораман, деб отилиб чиқади-ю, сизлар бўлса чурқ этмадинглар.

40 Ильин. Аёл кишининг иши енгил. Зарур бўлиб қолса мен ҳам бораверсам бўларди-ю, аммо сариқ чақалик иш чиқмайди.

Сафонов. Бу гапинг ҳам тўғри. Дарвоқе, ҳалиги ёзувчини чақирганмидинг?

Ильин. Чақирганман.

Сафонов. Мен уни алоҳида бўлим бошлиғи қилиб қўймоқчи бўлиб турибман.

Ильин. Ия, Петровга нима бўлди, наҳотки, у ҳам...

Сафонов. Нима бўларди? Улди. Ана холос, вассалом, нома тамом. Шура, уни ўзим даволаб оламан деб ваъда берган эди, тузатолмади, ёлғон айтган экан.

10 Шура. Мен унинг бошида ўн икки соат миужжа қоқмай ўтирдим. Боши билагимда эди. Мана ҳозир ҳам машинка босолмай қўлим зирқираб оғрияпти. Мана титраб-қақшаб турганини кўринг, яна ўзингиз айта-сизки...

Сафонов. Бунинг энди ҳаммаси ўтган иш. Булар учун кейин биз сенга ташаккуримизни билдирамиз, аммо ҳозир-чи, даволай олмадингми, даволай олмадинг, ёлғон айтган экансанми — ёлғон айтдинг, мен шуни биламан, холос.

Эшик очилади. Елкаси ичкарига букилган, соқолли, новча Васин кириб келади. Гражданча пальто кийган, белига камар боғлаган.

20 *Одатланиб кетган одамлардай эпчиллик билан милтиқ кўтарган.*

Васин. Буйруғингизга биноан ҳузурингизга келдим.

Сафонов. Салом, қани, ўтиринг.

Васин. Саломат бўлсинлар.

Сафонов. Сиз техникумда ҳарбий ишлардан дарс берасизми?

Васин. Бергувчи эдим. Аммо ўзингизга маълум, шу кечаю кундузда отряд бўлиб кетганмиз.

30 Сафонов. Биламиз, студентлардан неча киши йўқотдингиз?

Васин. Олти киши.

Сафонов. Ҳа... Қани ўтиринг, марҳамат. Чекасизми?

Васин (*папирос олиб*). Ташаккур. (*Гугуртни чақиб чекиш учун Сафоновга тутади. Унинг оловидан Ильин ҳам чекиб олмоқчи бўлади. Васин қўққисдан гугуртни ўчириб қўяди. Ильин ҳайрон бўлиб унга қараб туради. Бошқа гугурт чақади.*) Кечирасиз. Тарки одат, амри маҳол: битта гугуртдан уч киши чекмайди.

40 Сафонов. Ирими шундай денг?

Васин. Унчалик ҳам эмас. Бу энди биласизми. Бурлар юришидан қолиб келаётган эски одат. Бурлар жуда ҳам мерган халқ келади. Биринчиси чекаётганда — бур деганинг милтиқни қўлга олган бўлади, ик-

кинчиси чекаётганда — аллақачон нишон олган бўлади, учинчиси чекаётганда эса — аллақачон энди ўқ узилган бўлади. Ана қаердан келган урф-одат эканлигини билдингизми? Ҳамма гапнинг ҳам илдизи бор.

Сафонов. Эшитишимча, сиз рус-япон урушида ҳам қатнашгансиз шекилли?

Васин. Худди шундай.

Сафонов. Герман урушида ҳамми?

Васин. Худди шундай.

10 Сафонов. Гражданлар урушидачи?

Васин. Инвалид бўлганим сабабли запас полкларда юрдим.

Сафонов. Эшитишимча, герман урушида сиз мукофотланган ҳам бўлсангиз керак?

Васин. Худди шундай. Уч марта «Георгий» нишони билан мукофотланганман.

Сафонов. Бир эмас, учта дедингизми? Қайси хужжат билан исботлай оласиз?

20 Васин. Худди шу тобда исботлай олмайман, чунки ёнимда олиб юрмайман, аммо шу билан исбот қила оламанки, кўрсатишим мумкин, сақлаб қўйибман.

Сафонов. Сақлаб қўйибман, дедингизми?

Васин. Худди шундай, сақлаб қўйибман.

Сафонов. «Георгий» деган нишон — бу жасурлик учун бериларди шекилли, а?

Васин. Худди шундай.

Сафонов (*паузадан сўнг*). Номингиз Александр Васильевич бўлса керак, шундайми?

Васин. Худди шундай.

30 Сафонов. Ана энди гапга қулоқ солинг, Александр Васильевич. Мен сизни ўзимга штаб бошлиғи қилиб олмоқчиман. Нима дейсиз?

Васин. Нима деб буйруқ берсангиз шу-да.

Сафонов. Албатта энди, буйруқ беришга, буйруқ бераман. Аммо сизнинг соғлигингиз қандай? Уддасидан чиқа олармикинсиз?

Васин. Чиқа оларман, деб ўйлайман.

Сафонов. Шаҳарни яхши биласизми?

Васин. Ўзим шу ерликман. Бир минг саккиз юз

40 етмиш тўққизинчи йилда шу ерда туғилганман.

Сафонов (*дилда ҳисоблаб*). Бироқ, анчагина кексайиб қолгансиз-да.

Васин. Бу гапингиз жуда тўғри.

Сафонов. Бари бир яна жангга киришга тўғри келади.

В а с и н (*елкасини қисиб*). Ижозатингиз билан ва-
зифамни адо қилишга киришай. Сиз ҳойнаҳой ёзма буй-
руқ ҳам бергандирсиз?

С а ф о н о в. Ҳозир бераман. (*Шурага.*) Қани ёз:
«Гарнизон бўйича тўртинчи сон буйруқ. Шаҳар мудо-
фаа штабининг бошлиғи қилиб...» (*Васинга.*) Ҳа, унво-
нингиз нима эди. (*Қулоқ солади. Тўхтаб қолади. Узоқ-*
дан отилаётган пулемётларнинг товуши эшитилади.)
Менинча, лиманда отишаётган ўхшайди, а? (*Яна қу-*
лоқ солади.)

В а с и н (*қулоқ солиб*). Худди шундай, лиманнинг
чап қирғоғидаги кечувда отишяпти.

С а ф о н о в (*Ильинга*). Бор, Заречная билан алоқа
боғла. (*Шурага.*) Валя у томонга қаердан ўтиб кетган
эди?

Ильин чиқиб кетади.

Ш у р а. Кечувнинг ўзидан.

С а ф о н о в. Ушанда тинчлик эди шекилли, а?

Ш у р а. Ҳа, тинчлик эди.

С а ф о н о в. Шундай. (*Уйланиб юради.*)

Васин кутади.

В а с и н. Сиз бир нарса сўраётгандек эдингизми?

С а ф о н о в (*эсига тушиб қолиб*). Дарвоқе, мен, сиз
эски армияда қандай унвонга эга эдингиз, деб сўрамоқ-
чи эдим.

В а с и н. Штабс-капитан эдим.

С а ф о н о в. Хўш, ҳозир-ку штабс деган гап йўқ.
Демак, капитан экансиз-да. Айтмоқчи, Қизил Армиядан
запасга ўтказилиш вақтида қандай унвонингиз бор
эди?

В а с и н. Бир минг тўққиз юз йигирма тўққизинчи
йилда инвалид бўлганим важдан батальон командири
даражасига ўтказилган эдим.

С а ф о н о в. Нима қилайлик, ҳозир у унвон ҳам
амалда эмас. Демак, майор бўлади-да. (*Шурага.*) Қа-
ни ёзавер-чи: «...майор А. В. Васинни тайинлайман».
(*Пауза.*) Менда сизнинг даражангизга мос шинель йўқ.
Комиссаримдан қолган битта шинель бор холос, шуни
оласизу кияверасиз.

В а с и н. Огоҳлантиришга ижозат беринг, бу ахир
қонунга хилоф бўлади-ку.

С а ф о н о в. Қонунга хилоф эканлигини яхши била-

ман. Хўш нима демоқчисиз, менга қолса штаб бошлигим ана шундай коржома кийиб юрсин, дейманми? Гарчанд менинг бу ишга ҳуқуқим бўлмаса ҳам, мен сизга унвон беришга мажбур бўлиб ўтирибман. Қандай қилайлик, ўзимизникилар етиб келгунча бир амаллаб турайлик, улар ахир бу гуноҳимиз учун сиз билан мени кечиришар. Хўш, яна қанақа айтадиган гапларингиз бор?

В а с и н. Тамом. Вазифаларимни бажаришга киришаман, ижозат беринг.

С а ф о н о в. Рухсат. Ана у хонага бир чиқиб келайлик, Александр Васильевич. Сенга мен харита кўрсатаман. Бир озгина сабр қил. Ташқарида эрталабдан бери совуқ бўшашмагандир-а? Мен ҳали чиқа олганим ҳам йўқ.

В а с и н. Худди шундай, совуқ.

С а ф о н о в. Шура! Шу ён-берингда қаердадир шиша тургандек эди? *(Тунука кружкага қуяди.)* Ароқ ҳам ичаверасизми?

20

В а с и н индамай ичиб юборади.

С а ф о н о в. Назаримда, ортиқча гапга ҳушинг йўқ кўринади.

В а с и н. Худди шундай, ортиқча гапнинг ҳожати йўқ.

С а ф о н о в *(хўрсиниб)*. Аммо менинг битта айбим шуки, ўлгунча гапни яхши кўраман. Ҳа, майли, зарари йўқ, ўтиб кетар. Бирор гап бўлиб қолса, сен менинг ёдимга солиб турарсан. Хўпми?

30

Чиқиб кетадилар. Шура машинкани тўхтатиб қулоқ солади. У ишламаётганида деразадан отишма товушлари эшитилиб туради. Панин ёқасига битта шпал тақилган шинелини елкасига ташлаганча кириб келади. Шурага оддий гравжданларча таъзим қилади, ҳалал бераётган фуражкасини ечиб қўяди.

П а н и н. Салом, Шурочка!

Ш у р а. Салом.

П а н и н. Аҳволлар қалай, Шурочка?

Ш у р а. Яхши. *(Унга дафтарни қайтариб беради.)*

Уртоқ Панин, ҳаммасини ўқиб чиқдим. Биз кеча кечаси Валя билан ўтириб ўқидик-йиғладик, ўқидик-йиғладик. Шуларнинг ҳаммасини ўзингиз ёзганмисиз?

П а н и н. Йўқ, мен шеър ёзмайман. Буни менинг ўртоғим ёзган. Биз у билан Ғарбий фронтга бирга борган эдик.

Ш у р а. У ҳозир қаерда, шу ердами?

П а н и н. Йўқ, у ҳалок бўлди.

Ш у р а. Йўғ-э, ёлғон.

П а н и н. Шундай, Шурочка, мен ҳам бошда ёлғон деб ўйлаган эдим, кейин билсам рост экан.

Ш у р а. Биз ўтган куни кечаси узоқ ўтирдик. Печкани ёқдик. Капитан бўлса, ярим соатгина мизғиб олай, деб ётди, Валечка билан мен бўлсам ўқидик-йиғладик, ўқидик-йиғладик. Кейин Валечка йўлга отланиб, у томонга разведкага кетди. Кейин капитан бўлса кўзини очиб: «Хўш, бу ерда икковларинг нима ўқиётган эдиларинг?», деб сўраб қолди. Мен унга ҳам яна бошдан-оёқ ўқиб бердим. У жуда маъюс чўзилиб ётарди. «Дуруст» деб ҳам қўйди. Ҳатто ҳаяжонландик ҳам.

П а н и н. Капитан-а?

Ш у р а. Ҳа, капитаннинг ўзи. Сиз нимага ҳайрон бўляпсиз?

П а н и н (елкасини қисиб). Ҳа-ҳа...

20 Ш у р а. У яна ана у иш важдан ҳам ташвишланган эди...

С а ф о н о в (кираётиб). Ҳа, эй, ёзувчи! Ҳормасинлар.

П а н и н. Салом.

С а ф о н о в. Шура! Бир минутгина ташқарига чиқиб тур.

Ш у р а чиқиб кетади. Жимлик.

30 Хуллас, гап шуки, ёзувчи оғайни, кучимиз камайиб қолди, сен ўз уйингда оёғингни чўзиб эмас, балки худди шу шаҳарнинг ўзидаёқ ўлишим мумкин, деган фикрни танангга ўйлаб кўрдингми? Яна беш-олти йилдан кейин эмас, худди бугун-эртагаёқ ўлиш мумкин эканлигини танангга сингдириб кўниктиролдингми?

П а н и н. Кўниктиролдим.

С а ф о н о в. Ҳа, яна яхши қилибсан. Хотининг қаерда?

П а н и н. Билмадим. Эҳтимол, Сибирнинг бирор ерида юргандир.

С а ф о н о в. Ҳа. Демак, у — Сибирда-ю, сен — бу ерда. «Доғистон водийсида туш қизигида...» дегин-а?

40 Хуллас, сен билан икковимизнинг ишимиз қандай чиқиши хотинингни етти ухлаб ёдига ҳам кирмас. Гап шуки, нафсинг койиб ўлтирмасин, менга шу тобда ёзувчининг кераги бўлмай қолди. Энди гап шуки, ҳозирча

эски касбингнинг баҳридан ўтасан. (Пауза.) Партия аъзосимсан?

П а н и н. Қандидатман.

С а ф о н о в. Ҳа, яна бари бир. Бугун кечаси Петров ҳалок бўлди. Сен энди менинг қўл остимда алоҳида бўлим бошлиғи бўласан.

П а н и н. Ҳа... йўғ-э...

10 С а ф о н о в. Ҳа деганинг — дуруст, аммо йўғ-э деганинг — ортиқча. Менинг сендан бошқа ҳеч кимим йўқда. Сен ахир, маълумотли, оқу қорани таниган одамсан, сен учун ўзинг билмаган ишга тутиниш ҳам осон. Аммо қўнгилчанликнинг мутлақо кераги йўқ. Сен ўша ҳалиги, ёзувчилигингни буткул ёдингдан чиқариб юбор.

П а н и н. Мен ёзувчи эмасман ахир. Журналистман.

С а ф о н о в. Оббо, журналистмисан, бошқамисан, менга бари бир, унут, дедим, унут.

П а н и н. Хўп, ана унутдим.

Эшик очилиб В а л я кириб келади. Устида ёқавайрон, шалаббо пальто, рўмоли елкасига сирғилиб тушган.

20 В а л я. Ўртоқ капитан...

С а ф о н о в. Ҳе бетайин қиз. (Унга томон югуриб бориб ийманганча чаккасидан ўпгач, қўйиб юборади.) Одамларнинг эхонасини ўйнатиб бу нима қилган ишинг, а?

В а л я. Мен ҳамма топшириқни бажардим, ўртоқ капитан.

30 С а ф о н о в. Ҳа, хўп, бу ишинг дуруст. Аммо сен нима деб ўйлаяпсан, бизга шунинг ўзигина кифоя эканми? Ҳа, хўш, сенинг ўзингчи — тирикмисан, ўликмисан, «бир дарагингни билиш бизга зарурдир ахир. Тушундингми? Қимни пулемётдан ўққа тутишди. Сеними?

В а л я. Ҳа.

С а ф о н о в. Ўзинг ҳам роса шалаббо бўлиб, дийдираб қолибсан. Шура! (Қичқиради.) Шура, ҳой!

В а л я. Ўртоқ капитан, маълум қилишга ижозат беринг.

С а ф о н о в. Ҳеч қандай маълумот беришнинг ҳожати йўқ. Бор, жўна, уст-бошингни қурит.

40 В а л я. То маълумотларни айтмагунимча ҳеч қаёққа кетмайман. Тушунарлими?

С а ф о н о в. Сенга айтаяпманки, бор, жўна, уст-бошингни қурит, кейин бафуржа... (Унинг назари остида тўхтайтиди.)

В а л я. Тушунарлими?

Сафонов. Тушунарли, тушунарли. Қани бўл, тезроқ айта қол. *(Унинг гапларига стол олдида турганча чидамсизлик билан қулоқ солади. Онда-сонда столни бармоқлари билан чертиб қўяди.)* Бордингми?

Валя. Бордим.

Сафонов. Топширдингми?

Валя. Топширдим.

Сафонов. Пакет қани?

Валя. Мана.

Сафонов. Бор энди, уст-бошингни қурит.

Валя. Йўқ, ҳали гап бор.

Сафонов. Хўш?

Валя. Морозов сизга шуни айтиб қўйишни топширдики, улар эртага кечаси айтган нарсангизни сувдан олиб ўтишаркан, эҳтиёт бўлар экансиз, ўқ отилмасин, деди.

Сафонов. Бўлдими? Бор энди жўна.

Валя. Йўқ, яна бор.

Сафонов. Тишинг-тишингга тегмаяпти-ку, тентак қиз. Бор, уст-бошингни қурит, деяпман сенга.

Валя. Морозов яна шуни ҳам айтдики, бу иш роп-па-роса иккида бўлар экан.

Сафонов. Энди басдир?

Валя. Тамом.

Сафонов *(кириб келаётган Шурага)*. Қани, уни олиб чиқиб бир иситиб қўй-чи. Узингдан қолар гап йўқ, менга тўғри келмайди. Қийишига у-бу топиб бер. Жуда бўлмаса, менинг калта пўстиним билан шимимни кийдира қол. Тушундингми?

Шура. Тушундим, ўртоқ капитан. *(Бошқа хонага чиқиб кетадилар.)*

Сафонов. Жуда лаънати қизалоқ-да.

Панин. Нега энди лаънати?

Сафонов. Чунки, ўлгундай шаддод, ўжар.

Панин. Шуниси яхши-да.

Сафонов. Ҳа, мен ёмон деяпманми? Мен ёқтирганимдан лаънати деб атаяпман-да.

Панин. Ёқтирганимдан дедингизми?

Сафонов *(бу сўзнинг кутилмаган оҳангини фаҳмлаб қолиб)*. Ҳа-да, яъни очиқ қўнгил билан. Хўш, қани нима экан, мен бир одамни ўлимга юбориб қўяй-да, унинг орқасидан ташвиш тортишга ҳам ҳаққим йўқми? У кишидан икки кундан буён хабар бўлмаса?..

Панин. У киши — деганингиз ким бўлди тагин?

Сафонов. Ҳаҳ, шу қизни айтаман-да, сенга нима

бўлди, а, ёзувчи, менга жуда ёпишиб олдинг?

Панин. Яна ёзувчи деясизми?

Сафонов (*илжайиб*). Кечирасиз, ўртоқ алоҳида бўлим бошлиғи.

Хонага Васин киради. У этик ва чарм футбол тугма тақилган эски нухали китель кийиб олган. Унинг елкасида, ёқасига бир жуфт ҳарбий шпал тақилган шинель.

Васин. Ўртоқ капитан, сизда португя топиладими?

10 Сафонов. Нима? Бор, португя бор, топиб берамиз. (*Васиннинг олдига боради ва унинг тугмасини ушлаб қувониб кетади.*) Ҳа, ҳа, дарвоқе, ёдимда бор. Бир



Фафур Фулом ҳамкасблари Б. Раҳмонов, К. Симонов, Зулфия, Б. Кербобоев, П. Антокольский, В. Липко, И. Султон, В. Костира ва Асқад Мухтор билан. Тошкент. 1958 йил.

минг тўққиз юз йигирма бешинчи йилда армияда шу расм эди; ёдингдами, Панин? Худди шундай тугма тақилар эди.

Васин. Ғоятда тўғри.

Сафонов. Жонон деган тугма-да ўзи.

Бошқа хонадан капитаннинг галифесини кийган Вая этикда, пўстинга ўраниб уни бағрига босганича чиқиб келади.

20 Вая. Вой, Шурка-чи, капитаннинг пўстини шуна-

қа иссиқки, худди баданингни момикқа ўраб қўйгандай-а... Маза! (Сафоновни кўриб қолиб.) Раҳмат, ўртоқ капитан. (Пауза.)

Ильин (кираётиб). Капитан, аппаратга боринг.

Сафонов. Юр, Александр Васильевич, қани юр, алоҳида бўлим бошлиғи.

Чиқиб кетадилар.

Валя. Мен бўлсам уларнинг борлигини пайқабман ҳам. Майли, зарари йўқ. Рост, агар билсанг-чи, у жуда ҳам иссиқ, жуда ҳам ёқимли. Мен бўлсам жуда ҳам совқотган эдим... Биласанми, сув, ҳатто ичида муз парчалар юрибди. Аранг сузиб ўтдим.

Шура. У ҳам бу ерда сени ўйлай-ўйлай роса ташвиш тортди-да.

Валя. У деганинг ким?

Шура. Қим бўларди, капитан-да.

Валя. Нега энди?

Шура. Мен қаёқдан билай? Балки ўзинг биларсан?

Валя. Йўқ. (Пауза.) Доим ёлғон гапирасан, Шурка.

Шура. Худо урсин агар.

Валя. Вой, мунча совуғ-эй. (Қунишади.) Пўстин кийиб ўтирган бўлсам ҳам совқотяпман-а. Биласанми, Шура, назаримда яқин ўртада у томонга яна бориб келаман шекилли-да.

Шура. Шундай дегин ҳали?

Валя. Ажаб эмас.

Шура. Наҳотки, капитан яна сени юборса? Мен бир-икки марта илтимос қилиб кўрган эдим, у жавоб бермади. Нега шундай экан, а?

Валя. Чунки, мен шу ерликман. Гап тамом, вассалом. Сен эса бу ерлик эмассан.

Шура. Яна сени юборадию бари бир орқангдан ўзи ташвиш тортиб юради. (Пауза.) Баъзида мен унга кўзимнинг қирини ташлаб қўяман, ловуллаб чақнаб туради, ҳаттоки қарагани ҳам ҳайиқади одам. У ҳойнаҳой урушгача роса шўх бўлганга ўхшайди, хотин-қизнинг шўри бўлган десанг-чи?

Валя. Лекин ўзи чиройли эмас.

Шура. Чиройли бўлмаса, ҳечқиси йўқ. Бари бир у жуда шўх бўлгану энди попуғи пасайиб қолган. Хўш, у сенга ёқмайdimи?

Валя. Ёқмайди.

Ш у р а. Бўлмаса қачон ёқади?
 В а л я. Урушдан кейин.
 Ш у р а. Урушнинг нима бўлишини биласанми ўзинг?
 В а л я. Нима бўларди?
 Ш у р а. У узундан-узоққа чўзилиб кетар. Урушдан
 кейин деб ўтириш яхши эмас. Ҳали-бери тугамайди.
 В а л я. Майли, мен чидаб бераман.
 Ш у р а. Мен-чи, чидолмайман.

10 *Жимлик. Ильин ва эски-туски граждан кийими кийган Козловский кириб келадилар.*

И л ь и н. Капитан қани?
 В а л я. Нариги хонада.
 И л ь и н (*Козловскийга*). Утиринг. Совқотгандир-
 сиз, а? Ароқ ичасизми?
 К о з л о в с к и й. Йўқ деёлмайман.
 И л ь и н. Шура, бу ўртоққа ароқ қуйиб бер.

Шура тунука кружкага ароқ қуяди. Козловский ичади.

20 К о з л о в с к и й. Эҳа. Тўппа-тўғри сувдан шилта-
 шалаббо чиқиб келганинг кифоя қилмай устига шаҳар
 айлантирганларини айтмайсизми?

И л ь и н. Ҳа, хўш, сиз нима деб ўйлаган эдингиз?
 Сувдан сузиб ўтдиму бўлди-қўйди, тамоман ишониб қўя
 қоладилар деб ўйлаганмидингиз?

К о з л о в с к и й. Йўқ, албатта, мен бундай деб ўй-
 ламаган эдим, аммо, ҳар ҳолда... Ахир немислар мени
 ўққа тутишди-ку. Бу аён кўриниб турган эди-ку. Хўш,
 қани нима дейсиз?

И л ь и н. Тўғри гапни киши, тўғри дейди-да. Бу иш
 аён кўриниб тургани учун сизга ароқ бердик-да.

30 *Сафонов киради.*

Ўртоқ капитан, мана бу киши нариги, немислар томо-
 нидан бизга сузиб ўтди.

С а ф о н о в (*Козловскийнинг олдига келиб*). Ҳормал
 (*Унинг қўлини сиқиб*). Қаердан келяпсан?

К о з л о в с к и й. Николаев шаҳрининг этак томони-
 дан ўтиб келяпман.

С а ф о н о в. Хўп. Сенинг бу нима қилган ишинг
 бўлди? Лимандан ҳам ўта олдингу кейин орқага қай-
 тиб бизга келдингми?

40 К о з л о в с к и й. Мен шаҳарда, худди мана шу қиш-
 лоқда, қуршовда бўлса ҳам ҳали ўзимизникилар бор-

лигини билиб қолдим. Кейин танамга ўйлаб кўрдим: Қанча узоқ кетганинг билан, етиб борасанми, йўқми, ундан кўра шу ердан сузиб ўт қўй, ўзимизникиларга қўшиласан-қўясан, дедим.

Сафонов. Ҳойнаҳой ҳужжатларинг ҳам йўқдир? Козловский й. Бор.

Сафонов. Ол-ҳа. Ҳужжатлари ҳам бор экан. Козловский й. Қизлар, сизда қайчи топиладими? Шур а. Нимага керак эди?

Козловский й. Ҳа, мана шу енгимни йиртиш учун.

Вал я унинг ёнига бориб енгини йиртишга ёрдамлашади. Партия билетимнинг муқоваси йўқликка йўқ, албатта. Аммо гап шуки, ўзи бутун, дурустми?

Сафонов (нам бўлган партбилетни кўздан кечириб). Дуруст. Хўш, унвонинг нима?

Козловский й. Младший политрук Иван Федорович Василенко.

Сафонов. Адаш эканмиз бўлмаса. Ҳа, совуққотдингми?

Козловский й. Бўлмасам-чи.

Сафонов. Сени иситиб қўйишдими?

Козловский й. Иситиб қўйишди.

Сафонов. Аммо масалан, бизда сув важдан ишлар еал чатоқроқ бўлса ҳам, ароқ бор, бизда етарли. Мен сенга айтсам, биласанми, баъзан шу даражада чанқаб кетасан киши, ароқни ҳам бир қултум сувсиз ичгинг келмай қолади. Аммо сенинг омон-эсон қутулганлигинг учун, ҳар ҳолда, бир стакангина чой билан меҳмон қилишимизга тўғри келади. Шура, ҳой Шура.

Шур а. Ҳозир.

Сафонов. Сен бор энди, ухла. Уйқунг келяптими?

Козловский й. Келяпти.

Сафонов. Ана у ерда менинг шинелим бор. Ушани ёпиниб ёта қол. Кейин биз сени текшириб кўрамиз ва вазифангни белгилаймиз. Менга ҳар битта одам қадрли. Мен сенга тортган машаққатларинг оғир эканку, деб дам олдириб ўлтиролмайман. Тушундингми?

Козловский й. Тушундим.

Сафонов. Ана энди бор. Шура сенга чойни ўша) жойга олиб кириб беради. (Унинг елкасига қоқиб иккинчи хонага чиқариб юборади.)

Вал я (ниманидир қийналиб эсламоқчи бўлиб). Мен унинг ўзини-ку кўрган эмасман, ўзини кўрмаганман, аммо овозини эшитганман. Мен унинг овозини қаерда эшитган бўлишим мумкин?

Сафонов. Овозини эшитган эмиш. Хаёлга келган бўлмагур гап, холос. Ол-ҳа у хонанда Шаляпин эдимик, унинг овози хотирангда қолиб танисанг?

Валя. Йўқ ахир, мен унинг овозини эшитганман, Иван Никитич.

Сафонов. Яна ўзиникини маъқуллайди-я. Хўш, нима қилиб ҳалигача диконглаб юрибсан? Сен ҳам ухлашинг керак-ку. Тўғрими?

10 Валя. Тўғри.

Сафонов. Шундай бўлса бор, жўна. Ана холос, овозини эшитган эмиш-а! Хушқомат ҳарбий йигитга кўзи тушибди-ю, дарров танишгилари ҳам келиб қолибди. «Сиз билан қаердадир учрашгандайман, овозингизни қаердадир эшитгандайман...» Э, тавба, албатта мен бу гапларни ҳазиллашиб айтяпман. Сен, гап шуки, жўна, бориб ухла.

Валя ва Шура чиқиб кетадилар.

20 Сафонов (Ильинга). Панин кетиб қолдими дейман?

Ильин. Йўқ, шу ерда.

30 Сафонов. Сен унга тайинлаб қўй, кейин мана бу билан бирга олдимга кирсин, гаплашиб кўрамиз. Василенко деган бу одам, яхши одамлар қатори кўринади. Мен албатта бу ишга қувонаман. Бироқ, ҳар ҳолда ўзи гаплашиб кўргани дуруст, тартиб бўлгани яхши. Мени нима ташвишга соляпти биласанми, Ильин, мени ташвишга солаётган нарса шуки, Глоба қаерда қолди? Чунончи, Глоба бизнинг қўшинларимиз турган ерга етиб боролдими ёинки Глоба бизнинг қўшинларимиз турган ерга етиб боролмадими? Ана айниқса шу масала мени ҳаммадан бурун хавотирга соляпти. Шунинг учунки, мен-ку ўлимдан қўрқмайман-а, аммо шу ўлим деган нарсада бир маъно бўлишига қизиқаман, аммо борди-ю шу ўлиш деган нарсада бир маъно бўлмаса, бундай ўлиш мени қизиқтирмайди, бемаъни тарзда ўлиб кетишга қизиқмайман. Қани кетдик. (Чиқа туриб эшикда тўхтайди.) Қайт. Александр Васильевичга айтгинки, биз билан бирга борсин.

40 Ильин саҳнани кесиб ўтиб хоналардан бирига киради. Сафоновнинг хонасидан Козловский чиқади. Шинелни елкасига ташлаб олган, қўлида тамаки ўраш учун тайёрланган қоғоз. Эшик орқасидан Ильин чиқид хона бўйлаб ўтади, унинг ортидан шотилмасдан Васин чиқади.

Козловский. Уртоқ майор, мурожаат қилишим мумкинми?

В а с и н. Хўш?

К о з л о в с к и й (унга тикилиб). Ҳозиргина қуршовдан чиқиб келдим. Бир чекимгина тамакингиз йўқми, ўртоқ майор?

В а с и н қутчасини олиб, унга махорка беради.

(Унга синовчан тикилиб.) Ўртоқ майор, мен сизни қаердадир кўргандекман.

В а с и н (сокин). Мен эса сизни кўрмаганман. Кечирасиз, сизнинг унвонингиз нима?

К о з л о в с к и й. Младший политрук Василенко.

В а с и н. Мен эса сизни кўрмаганман, ҳеч кўрмаганман, ўртоқ младший политрук. (Пауза.) Гугуртингиз бордир-а?

К о з л о в с к и й. Раҳмат. Бор.

В а с и н қутчасини ёнига солиб ошиқмасдан чиқиб кетади. Жимлик.

Бир ўзи саҳнада. Паузадан сўнг ҳайрат билан ҳуштак чалиб юборади.

Шу киши менинг тоғаммикин, а?

Қоронғилик.

Учинчи кўриниш

Иккинчи кўринишдаги декорация. Саҳнада чироқ ёнади. Саҳнада Ш у р а. Кўзлари йиғидан ишшган.

П а н и н (киради). Нега қовоғинг шишган, йиғладингми?

Ш у р а. Йўғ-э. (Ииғлаб туриб.) Шўрлик Ильянга жуда ҳам ачиниб кетяпман! Қошки эди сиз ҳам билсангиз! Вой бечора-ей! (Ииғлайди.)

П а н и н. Шура!

Ш у р а йиғлайди, жавоб бермай бошқа хонага чиқиб кетади.

В а л я (кираётди). Салом, ўртоқ Панин!

П а н и н. Салом, Валечка!

В а л я. Уҳ, роса саргардон бўлдим. Худди шу тобда йигитча қурмагурларга патрон олиб бориб бериб келдим. Эндигина физиллаб йўлга тушарманми, мени ўққа тутиб қолишди-ку, машинаминг дабдаласини чиқаришди, эсиз, эсизгина. Менга жин ҳам ургани йўқ.

П а н и н. Ия, машинангиз ишдан чиқдим, юрмайдими?

В а л я. Йўқ, юришга-ку юради. Ўзи ҳам мен билан

худди қадрдон ўртоқдай бўлиб қолган эди-да, гаплашар эди. Мен машинамга қараб: ана холос, бўлар иш бўлди, энди ремонтга жўнайверсангиз ҳам бўлади, дейман. У бўлса менга: ўртоқ ҳайдовчи, ҳали тузукман, сафда қолишга ижозат беринг, дегандек турибди. Ҳа, хўп, ижозат, дедим. Шундай қилиб, яна сафда қолди. Бошинг тошдан бўлгур, ўзи ҳам роса бақувват машина-да.

10 П а н и н. Ильин билан эрталаб сиз кетибмидингиз? В а л я. Ҳа. Буни қўяверинг-а, мен Ильинга: «Келинг энди нарироққа олиб бориб қўя қолай, тезроқ шу ташвишдан кутула қолайлик», десам, у менга: «Йўқ, бўлмайди дедим, бўлмайди. Сен бундан нарига бормайсан, мен ўзим яёв ҳам кетавераман», дейди. Мен ҳам ҳа хўп, деган бўлдиму машинамни салгина фиғиллатиб ўша ерда қола қолдим, буйруқ бўлгандан кейин итоат қилиш керак-да. Тихирлик қилмай шу машинада кетганида-ку ҳамма иш жойи — ростон бўларди. Аттанг, аттанг, жуда ачинаман, ўртоқ Панин.

20 П а н и н. Чорамиз йўқ, Валечка. Қандай қиламиз, иложимиз йўқ, ахир шундай ҳам бўлиб туради-да, бундай бўлмаслиги ҳам мумкин эмас.

В а л я. Менга-ку, майли-я, Шурани айтмайсизми, ҳойнаҳой уни кўргандирсиз.

П а н и н. Кўрдим.

30 В а л я (*пичирлаб, самимий*). Мен сизга айтсам, ахир улар гапни бир жойга қўйишиб тил бириктиришган, урушдан кейин-ку ҳали нима бўлиши маълум эмас, аммо улар ўттиз биринчи кунни енг учуда сен кўр-мен кўр тўйчиқ қилишмоқчи эди, бугун бўлса ўттизинчи — шўрлик бўлса ўққа учди-кетди. Ўзингиз танангизга ўйлаб кўринг, ўртоқ Панин, кишига алам қилади-да. Бечора қизнинг кўзида ёши шашқатор.

П а н и н (*уни диққат билан кўздан кечириб*). Нима десангиз, денгу бироқ бу гапларнинг биттаси ҳам тўғри эмас, Валечка.

В а л я. Нимаси тўғри эмас?

40 П а н и н. Ҳаҳ, ҳозир сиз айтаётган гаплар-да: тўй деяпсизми... ўттиз биринчи деяпсизми. Бу гапларнинг ҳаммаси қулоққа ёққани билан, ўзингиз ичингиздан чиқариб гапиряпсиз. Аммо бир чеккасини ўйлаганда кишининг диққати ҳам ошиб кетади.

В а л я. Қани, хўш, қулоққа ёқадиган бўлса ёмон эканми?

П а н и н. Йўқ, дуруст.

В а л я. Ҳар ҳолда, бечора Ильинга одамнинг юраги ачишади, очиғини айтганда, чакки йигит эмас эди. Ҳа, айтгандай, мабодо... Ҳа, бечорага жуда қийин бўлди, эсласанг ўпканг тўлиб кетади. Ҳойнаҳой унинг қаёқдандир хотин — бола-чақаси йўлига интизордир. Шўринг қургурлар унинг ўлганини олти-етти ой деганда билар, сиз билан мен бўлсам ҳозироқ аза очай деб турибмиз.

П а н и н (*ўйлаб*). Ҳа, бечора хотини бир йилда хабар топса ҳам катта гап. Топиб гапирдингиз.

10 В а л я. Ростданми? Эрмак қилаётганингиз йўқми?

П а н и н. Эрмагингиз нимаси! (*Пауза.*) Дарвоқе, менга қаранг, Валечка, сиз тўппончанинг муртигардонини биласизми, яъни бузиб тузата оласизми?

В а л я. Ҳа, биламан.

20 П а н и н. Не қилса ҳам шофёрсиз-да, билсангиз керак. Бир иш кўрсатиб қўйинг, шу тўппончани олиб, мурватларини бўшатиб беринг, бир сидирға ўзим латта билан артиб тозалаб чиқай. Кеча шу тўппонча воқеасини эшитсангиз борми, роса кулар эдингиз-да. Кеча янги қишлоқнинг нариги томонида бўлган эдим. У ерда бизникилар салгина ҳадиксираб ҳам қолишди. Қаминалари ҳозир алоҳида бўлимга бошлиқ бўлиб тайинланганлар, ҳойнаҳой биларсиз. Мен мана шу буюмни қўлга олибману кетаверибман.

В а л я. Эшитган эдим. Менга Иван Никитич айтганди?

30 П а н и н. Бу гапни айтишга айтгандир, аммо гапнинг хулласини айтмаган бўлса керак. Иш авжи қизиб турган пайтда лейтенант келиб нима дейди денг-а: «Ўртоқ комиссар,— дейди,— тўппончангизни битта-яримтага бериб тозалатиб олсангизмикин, бўлмаса тигини чирк босиб кетибди — отган билан ўқингиз хатога кетади дейди.

В а л я (*кулиб, тўппончани олади*). Сизнинг тўғрингизда нима гаплар эшитганимни билмайсиз.

П а н и н. Ҳўш, нима гап эшитдингиз?

В а л я. Менга айтишдики, илгари сиз тўппончанинг қинига атир, тиш порошоги солиб юраркансиз. Шу ростми?

40 П а н и н. Рост, рост. Жуда ҳам одамнинг юки енгил бўлади-да.

Козловский киради.

К о з л о в с к и й. Сиз мени чақирганмидингиз?

Панин (*Валяга секин*). Сиз буни бурчакка бориб тозалаб тура туринг, кейин бирга кетармиз.

Валя бурчакка бориб тўппончани тозалайди.

Ҳа, чақирган эдим.

Козловский. Тезроқ билсам мумкинмикин, атайлаб энг олдинги позициядан келдим.

10 Панин. Зарари йўқ. Шу нарсани бўркингизда билиб қўйингки, агар бундан кейин ўзбошимчалик билан бировни отиб қўядиган бўлсангиз мен сизни судга бераман.

Козловский. Хонаси шунақа эди, битта қўрқоқ бузоқ подани булғатиши мумкин эди, шундан кейин мен ноилож қолдиму...

Панин. Бўлмаган гап! Сизнинг ротангизда аҳвол ҳеч бир ундай эмас эди-да. Сиз ёш бола эмассиз. Сиз қай вақтда отиб ташлаш, қай вақтда суд қилишни яхши билишингиз керак.

20 Козловский. Ўртоқ Панин ахир бари бир эмасми... (*Оҳиста.*) Гап ўзимизни орамизда қолсини, ишнинг кети ёмонлашиб кетгандан кейин... суд қилиб ўтиришнинг нима ҳожати бор дейсиз! Ахир мен ҳам, сиз ҳам нобуд бўладиган бўлганимиздан кейин бари бир эмасми!

Панин. Балки, сиз ҳам, мен ҳам ҳалок бўлишимиз мумкин, лекин бу важ эмас. Токи армия мавжуд экан, қонун ҳам мавжуд. Тушундингизми?

Козловский. Тушундим.

30 Панин. Кейин, ундай эди, бундай эди, бари бир эмасми, деган гапларни мен иккинчи марта сиздан эшитмай. Бу довьюракликдан эмас — қўрқоқлик!

Козловский. Мен тинимсиз ўқ ёмғири остида йнгирма марталаб туриб беришга тайёрман.

Панин. Балки шундайдир, турасизми, турмайсизми бу билан менинг ишим йўқ. Гап шу! Боринг!

Козловский чиқиб кетади.

Хўш, Валечка, жой-жойига ўрнаштириб бўлдингизми?

Валя. Ҳозир, ҳаш-паш дегунча битираман-да. Ҳаҳ, айтмоқчи, ўртоқ Панин, мен унинг овозини қаерда ҳам эшитгандайман, овози жуда ҳам таниш.

40 Панин. Қимнинг овозини айтасиз?

Валя. Василенконинг овозини-да.

Панин. Билмадим, Валечка, қаёқдан билай. Қани,

кетдик. Лекин шуниси борки, бир нарсани келишиб олайлик: қаерда тўхташни буюрсам, ўша ерда тўхтайсиз. Менинг орқамдан эргашмайсиз.

В а л я. Хўп бўлади, орқангиздан эргашмайман, ўртоқ комиссар.

10 П а н и н. Ҳа, шундай бўлсин. Не қилса ҳамки, фуқаро одамман-да, ҳарбийларча буйруқ бериб ўтиришининг уддасидан чиқолмайман. Шунинг учун ҳам иш бошидан бақриб-чақриб қўя қолмоқчи бўлдим. Бошидан юрагингизни қўлга олиб қўйганим яхши. (*Кетадилар.*)

Қўшни хонадан Сафонов ва Васин чиқадилар.

С а ф о н о в. Энди сен, учинчи ротага бораман, деясанми? Ана холос, хайр, хўш, борсанг бора қол. Аммо Александр Васильевич, борганингдан кейин, билиб қўй, у ерда унча ҳаддингдан оша кўрма. Тушундингми?

20 В а с и н. Йўқ, тушунолмаяпман. Мен ўз вазифамни бажараман, холос. Қани, хўш, нима қиларди... Бордию ҳалигидай... Зарари йўқ, орқамизда қолганларнинг олға қараб бориши тезлашади.

30 С а ф о н о в. Шу гапларни сендан эшитишга қулоқ йўқ. Бошқалар эмас, худди сен билан менинг ўзим олға силжишимиз керак. Сталин нима деган, биласанми? Яъни, чунончи, Сталин айтганки, биз, деган ҳамма вақт, деган, олға-олға борамиз, деган. Демак, олға борамиз, борамиз, вассалом, гап тамом. (*Ўйланиб.*) Сталин шундай деган... Александр Васильевич, мени ўзинг яхши биласан, мен-ку, ўзингга маълум, бўлар-бўлмас одамнинг гапига ишонаверадиганлардан эмасман, ўзинг биласан, аммо ўзингга маълумки, Сталин нимаики деса, ҳамма вақт ва ҳар қаерда ишонаман, бу томони ҳам ўзингга маълум. Аммо мен унинг нутқини радиога эшитганманми, эшитганман. Қани, хўш, у нима деди-ю, мен нимани эшитдим, қулоғим шанғиллаб турса ҳам эшитдимми, эшитдим, шу эшитган гапларимдан биронтасини илиб ололдимми, илиб ололдим, қани, хўш, у менга нима дедию, мен нимани эшитдим, у менга айтдики: «Ҳой, Сафонов, ўрнингдан қимирлама.— деди. Бир қадам ҳам орқага тисарилмайсан,— деди.— Улсанг — ўларсану, тисарила кўрма,— деди. Унта ўқ еб ғалвирдек тешилиб кетсанг ҳам, ўрнингдан қўзғалма, турганинг — турган,— деди. Эшитдингми, шу гапларни у худди менга қараб айтди, худди ўз қулоғим билан эшитдим.

В а с и н. Роса ҳам гапни олиб қочадиган бўлибсиз-да, Иван Никитич.

С а ф о н о в. Албатта-да, албатта-да, шундай қил-маса бўладими? Ўрни келганда сен ҳам гапни эшиб ташлайсан. Бизлар ҳаммамиз, рус халқи деган шунақа гапни олиб қочаверади. Шунинг учун ҳам жангга кир-ганда жуда дадил бўлади. Аммо дадиллик-ку дадил-лик, лекин...

10 В а с и н. Зарари йўқ. Утган герман урушида, ази-зим, мени олти марта ғалвирдек тешиб юборишган эди, бу урушда ҳали бирорта ўқ еганим йўқ. Эски ҳисобга таққос қилганда яна олти марта яраланиш бўйнимда қарз, лекин ўладиган аҳмоқ йўқ.

С а ф о н о в. Ана бу гапинг ўринли. Сен, Александр Васильевич...

Т е л е г р а ф и с т (қўшни хонадан). Ўртоқ капитан, иккинчи рота телефонга чақиряпти.

С а ф о н о в. Ҳозир. (Чиқиб кетади.)

20 Козловский киради.

К о з л о в с к и й. Салом, ўртоқ майор.

В а с и н. Салом, ўртоқ младший политрук.

К о з л о в с к и й. Капитан қани?

В а с и н. Ҳозир келади. (Пауза.)

К о з л о в с к и й. Нима десангиз, денг, мен сизни қа-ердадир кўргандекман, ўртоқ майор.

В а с и н. Мен сизга бир қарра айтдим-ку, ёдимда йўқ, мен сизни ҳеч қаерда кўрган эмасман, деб.

30 К о з л о в с к и й. Салом, сиз мени кўрмагандирсизу мен сизни кўрганман.

В а с и н. Ажаб эмас.

К о з л о в с к и й. Сиз Николаев шаҳрида яшаганми-сиз?

В а с и н. Йигирма учинчи йилдан йигирма тўққизин-чи йилгача яшаганман.

К о з л о в с к и й. Мен ҳойнаҳой сизни ўша ерда кўр-гандирман-а?

40 В а с и н. Ажаб эмас. Агар сиз ҳам ўша ерда яшаган бўлсангиз кўрган бўлишингиз мумкин. Қани, хўш, бу ерга нима иш билан келдингиз?

К о з л о в с к и й. Ўқ-дори учун келдим. Бу гап капи-танга боғлиқ бўлса керак.

В а с и н. Йўқ, менга ҳам тааллуқи бор. Сизга мил-тиқ ўқи керакми?

Козловский й. Ҳа.

Васин. Икки юзта беришим мумкин. (*Езади.*) Семененкодан оласиз.

Козловский (*қоғозни олаётиб*). Бу қоғозга капитан қўл қўйиши керак эмасми?

Васин. Йўқ.

Козловский й. Дарвоқе, сиз қоида бўйича энг катта бошлиқ ҳисобланасиз-а!

Васин (*жаҳли чиқиб*). Катта бошлиқ дедингизми? Капитан Сафонов — горнизон бошлиғи, мен — штаб бошлиғиман; шу нарсани бир карра билиб қўйишингиз керак.

Козловский й. Албатта-ку энди, мен бу гапни бежиз гапирганим йўқ, мансабингизни белгилайдиган даража нишонларининг тайини йўқ, ана шунисига таажжубланаман холос...

Васин (*ўрнидан туриб*). Мен бўлса сизнинг даража нишонингиз билан фикрларингиз ўртасида тайин йўқлигига ҳайронман, яна шунисига ҳайронманки, ўртоқ младший политрук, сизнинг боядан бери қилаётган вақира-вуқурларингизнинг сону-саноғи билан сиз қилиб турган ишларнинг тош-тарозуси ўртасида тайин йўқ. Ундан ташқари биз кечириб турган шу шароитда бу хилдаги сафсаталар мутлақо ўринсиз, ана шуларга ҳайронман.

Козловский й (*ўтираётиб*). Ия, нафсингиз койидими, ўртоқ майор, мен сизга унчалик демоқчи эмас эдим, шекилли?.

Васин. Туринг, сиз билан бошлиғингиз гаплашаётибди?

Козловский туради.

Жўнанг. Сизга рухсат.

Сафонов (*кираётиб*). Нима шовқин-сурон? Нима жанжал?

Васин. Бу ерда жанжал бўлиши мумкин эмас, ўртоқ капитан. Мен младший политрукка танбеҳ бердим, холос. Учинчи ротага жўнашга рухсат этасизми?

Сафонов. Ия, дарвоқе, бор, дарров бор, Александр Васильевич.

Васин чиқиб кетади.

Сен нима қилиб мўйсафид билан пачакилашиб ўтирибсан? Сен бу ерда ҳаддингдан ошаверма.

Козловский й. Мен қаёқдан билай, Иван Никитич, мен уни ўзимизга ўхшаган жайдари одам дебману, ҳаддим сиға қолибди, у бўлса умуман... зиёлиликка боряпти.

Сафонов. Зиёлиликка боряпти дедингми? Унибуни қўй, шу сўзнинг нималигига фаҳминг ҳам етмайди. Сен нима деган одамсан — сен фаҳм-фаросати йўқ оми, кўзини очмаган кучукбаччадан фарқи йўқ битта одамсан, ҳали шунга кеккайиб юрибсанми? Сен гумроҳ аблаҳни университетга бориб беш йил муттасил савалаганларидан кейингина сен зиёли бўласан, фарқи шу вассалом. Мабодо саваламасалар-чи, зиёли бўлмайсан. Мўйсафидларни ранжитсин, деб ҳеч қайси китобда ёзган эмас, мен ҳам ижозат бермайман. Буни қаранг-а: «Жайдари одам дебман», «Ўзимизники дебман» эмиш... Қани, хўш, у ўзимизники бўлмай ким экан! Сен орқа этагингни турмучлаб юрганингда у немислар билан олишган, шунинг учун бир эмас учта «Георгий» нишони олган одам-а, тушундингми?

20 Козловский й. Тушундим.

Сафонов. Хўш, нима иш билан келган эдинг?

Козловский й. Ўқ олиб кетгани келган эдим. Озгина берди. Мана.

Сафонов. Қайрилиб қарашни ҳам истамайман. Модомики, менинг штаб бошлиғим сенга қанча берган экан, демак, имконига яраша берибди. Сен бу ерда менинг бошимни айлантирма: Ҳали унга, ҳали бунга йўлиқиб мияни ачитма. Қани жўна.

30 *Козловский чиқиб кетади. Ташқарида шовқин, Глобанинг овози эшитилади.*

Глоба. Сен нега мени киргизмайсан? Ол-ҳа! Заб мартаба тегибди-ку.

Граждан кийимида Глоба киради. Орқасида милтиқ кўтарган қизил аскар.

Қизил аскар. Ўртоқ капитан, сизга учрашмоқчи эмиш, ижозат бераверайликми?

Сафонов. Албатта-да, албатта, бу ахир ўзимизнинг Глоба-ку.

Глоба. Ўзгинам бўламан.

40 Сафонов Глобани қучоқлайди, кейин узоқлашиб қўлини чимчилайди.

Сафонов. Вой тавба-ей, Глоба, ўзингмисан, ўзингмисан?

Г л о б а. Узим.

С а ф о н о в. Тирикмисан?

Г л о б а. Тирикман.

С а ф о н о в. Балки ўзинг эмасдирсан? Балки бу арвоҳингдир?

Г л о б а. Арвоҳ деганинг нимаси. Арвоҳ деган пардек энгил бўлади, арвоҳ ҳаммага ўхшаган беш пуд келадими?

10 С а ф о н о в. Бу гапинг тўғри. Ишондим. Қани, ўтир-чи. (*Қичқириб.*) Шура!.. Қани бунга тишга илингундек овқат бер. Бидондаги сувдан ҳам бир стакан қуйиб кел. Глоба келиб қолди, унинг ҳам шу сувда бирор қултум насибаси бордир.

Ш у р а (*эшикда кўриниб, Глобага тикилади*). Салом.

Г л о б а. Салом, Шура!

С а ф о н о в. Қани, хўш, севинмайми, Шура, ўлмай омон-эсон етиб келди!

20 Г л о б а (*қўлини силтаб*). Хотин зотининг менинг учун севингани нимаю, севинмагани нима? Бу зот мени дуруст одам қаторига санамайди ҳам. Менинг тили очик дўлворлигим буларга унча ёқмайди.

С а ф о н о в. Қимга ёқмайди, деяпсан, хотинларгами?

Г л о б а. Ҳа-да. Ҳеч бўлмаса шу Шурани мисолга ола қолайлик, битта бунга эмас, исмики хотин бор ҳаммасига, ишқилиб, шу зотга ёқмайман-да.

С а ф о н о в. Учраша олдингми?

Г л о б а. Ҳа.

С а ф о н о в. Нима гаплар бор?

30 Г л о б а. Гап шуки, бизникилар яқин ўртада ҳужумга ўтишмоқчи.

С а ф о н о в. Ҳа-ҳа? Бизни ҳам қуршовдан олиб чиқиб кетиша олишармикин, а, Глоба?

Г л о б а. Ажаб эмас.

40 С а ф о н о в (*қўли билан кўзини беркитиб*). Эҳ, Глоба. Баъзан шундай орзу қиласан кишики, тирик бўлсам экан, дейсан, шу билан бирга бошқалар ҳам, чунончи шу атрофимизда юрган ёру дўстлар ҳам тирик бўлса экан, дейсан. Ҳа. Дарвоқе, сен, бизникилар ҳужумга ўтади, деддингми?

Г л о б а. Ажаб эмас. Мен генералнинг ҳузурида бўлдим, у сенга салом айтиб юборди. «Биламан,— дейди,— нега билмас эканман,— дейди,— Сафонов деган билан танишмиз»,— дейди.

С а ф о н о в. Йўқ, унинг менга салом айтиб юбориши

мумкин эмас. Чунки менинг генераллардан танишим йўқ.

Г л о б а. Унинг ўзи, танийман, деди.

С а ф о н о в. Фамилияси нима экан?

Г л о б а. Луконин дегандек бўлди.

С а ф о н о в. Луконин дедингми? У дарров генераллик даражасига кўтарилибдими?

Г л о б а. Хуллас, бутун кийим-бошлари генералча.

10 С а ф о н о в. Шуни айтгин-а! Ҳа, Глоба, ҳужум бош-лаб қолинса рисоладаги иш бўлар эди-да. Ушбу кунда олиб қараганимизда, бу генерал бизнинг олдимизгача албатта етиб кела олади. Чунки унинг одатини олиб қараганда ҳам у албатта етиб келади.

Г л о б а. Менинг назаримда ҳам шунақароқ бўлиб кўринган эди.

С а ф о н о в. Сен уларга, чунончи, қай тарзда маълумот бердинг?

20 Г л о б а. Буюрилганидек адо этдим, чунончи, айтдимки, бизни қуршовдан қутқазар экансизлар, дедим, мабодо бизни қуршовдан қутқариш планга тўғри келмаса, дедим, ана унда бизни қуршовдан қутқаришингизни сўрамайман, дедим. Аммо, албатта энди, биз ҳам яшашни истаймиз ва ҳоказолар, дедим, бу томонини шипшитиб қўйдим.

С а ф о н о в. Шу гапни ҳам айтдингми?

Г л о б а. Айтдим. Чунончи, масалан, гапнинг пўст калласини айтганда, уларнинг ўзи ҳам ана шу мазкур яшамоқ ҳиссининг фаҳмига борадиган кишилар экан.

30 С а ф о н о в. Хўш, бизга қандай топшириқ ва буйруқлар беришди?

Г л о б а. Албатта, энди, ўзингдан қолар гап йўқ, мен қорнига сўргич босилган пакет кўтариб келолмасдим. Модомики, мен қизиллардан қочиб келаётган муштумзўр сифатида йўлга тушган эканман, албатта энди мазкур сўргичли пакет қўлимда бўлгани ҳолда немислар билан бетма-бет туриб суҳбат қилишим мушкул бўларди. Аммо оғзаки буйруқнинг мазмуни шуки: бўш келма, дадил бўл, дадил бўл ва дадил бўл. Бундан ташқари, ўнқови келиб қолса алоқачи вакилларни юбораман деди. Самолётда жўнатаркан.

С а ф о н о в. Сенинг ўзингга бошқа ҳеч нима дегани йўқми?

Г л о б а. Йўқ. Мен ўйлайманки, Иван Никитич, ҳар бир иш ҳам ҳов ўша ерда, юқорироқ чоргоҳда ҳал қилинса керак. Сенинг танишинг бўлган ўша генерал сен

билан менинг миямни ачитиб ўтирмасдан гапни қисқа қилиб қўя қолди. Бўш келма, дадил бўл, вассалом! Ҳа кейин, яна айтдики, Сафоновга билдириб қўй, деди, Халхин-Голни, у ерда қандай жанг қилганимизни ёдига солса бутун иш ўринлаб кетади, деди.

Сафонов. У ерга етиб бориш жуда маҳолдир?

10 Глоба. Менинг қандай одамлигимни ўзинг биласан-ку, ҳамма иш ҳам жойига қараб бўлади, бир хил ерда ботирлик қўл келади, бир хил ерда сипоҳгарчилик, бир хил жойда бўлса-чи — азбаройи худо дейсану ўтиб кетаверасан. Генерал мени жўнатгиси ҳам келмай қолди: «Қаёққа борасан, ўтир шу ерда, Глоба»,— деди. Мен бўлсам: «Йўқ, бу иш менинг одатимга хилоф,— дедим. У ерда бизнинг йигитлар сиз юборадиган вакилларни кутиб интизор бўлиб қолишади»,— дедим. У: «Зудлик билан жўнатаман»,— дейди. Мен айтаманки: «Сиз юборадиган вакил самолётда бораркан, мен бўлсам икки оёғимни қўлимга олиб ғизиллаб қоламан, шуниси ўнғай, тезроқ бораман»,— дедим. Хўш, бу ерда нима гаплар бор, Иван Никитич?

20 Сафонов. Нима гап ҳам бўларди, худди сен кетган кунинг кечаси Крохалёв жароҳатлари туфайли ўлди. Петров ҳам ҳалок бўлди. Бугун эрталаб Ильин ҳам ҳалок бўлди. Шундай қилиб, энди, десанг, командир ҳам ўзим, комиссар ҳам ўзим. Умуман айтганда, таниш-билишларнинг бир талайи йўқ. Нима ҳам қилдик, бу гапларнинг ўзи ортиқча.

Қизил аскар (яна эшикни очади). Уртоқ капитан, бир киши сизга учрашмоқчи.

30 Сафонов. Майли, олиб кир. (Глобага.) Бунинг устига горнизон бошлиғи ҳам ўзим, бу ерда бутун иш менинг зиммамда. Қани ўша кишингни чақир.

Чол киради.

Чол. Сизга икки оғиз арзимиз бор эди, ўртоқ командир.

Сафонов. Арзимиз бор эди? (Ижирғанади.) Шу арзу додлардан ҳам ўлар бўлсам ўлиб бўлдим-да...

Чол. Битта ўзим учун келганим йўқ, мендан бошқа яна икки киши бор.

40 Сафонов. Хўш сиз мендан нима сўрайсиз? Менда ҳеч вақо йўқ, бинобарин, бу қилинаётган арзу-илтимос ҳам бефойда. Мабодо, овқат сўраб келган бўлсаларинг бақадри ҳол топиб бера оламан. Ҳаммага бир текис, ўзим қанча олсам, сизга ҳам шунча.

Ч о л. Йўғ-э, озиқ-овқат деб келганимиз йўқ.

С а ф о н о в. Агар сув сўраб келган бўлсаларингиз, сув масаласи ҳам ҳалиги айтганимдек, ҳаммага бир текис — қанчаки мен ичсам, сиз ҳам шунча ичасиз. Мўйсафид одам экансан ҳурматингни бажо келтираман, жон бошига бир стакандан ҳаммага баббаравар тегадигани шу.

Ч о л. Бизга сув ҳам керак эмас.

С а ф о н о в. Ҳа, нима керак бўлмаса?

10 Ч о л. Бизга милтиққиналардан берсангиз деб келдик.

С а ф о н о в. Хўш, милтиқлар сизга нимага керак бўлиб қолди?

Ч о л. Нимага кераклиги ҳаммага маълум.

С а ф о н о в. Демак, сен отахон, уч кишининг илтимоси билан келибсан-да? Ҳаммаларинг бир ёшда тенгқурмисизлар? Ошна-оғайнилар десанг-чи?

Ч о л. Ошна-оғайнилар.

20 С а ф о н о в (*Глобага*). Кўрдингми? (*Чолга*.) Отахон, дейман сиз армияда ҳам бўлганмисиз?

Ч о л. Ҳаммамиз ҳам бўлганмиз, баъзимиз герман урушида, баъзимиз япон урушида. Мен ўзим бўлсам япон урушида бўлганман. Ўтган герман урушида бўлса ёшим ўтиб қолган эди. Аммо мана бу урушда ўтган ёшлигим қайтиб келганга ўхшаб турибди. Қани, хўш, милтиқ важи нима бўлди?

С а ф о н о в (*ўрнидан туриб ва унинг олдига бориб*). Менга қара, отахон, бордию, бировнинг ўпкаси тўлиб йиғлаб юборди, шунда сен нима қилардинг, айт-чи? Масалан, чунончи, мен ўтдан, сувдан, ҳар хил синовлардан ўтиб келган одамман. Мен ўн йил умрим шофёрликда ўтиб, таксомотор ҳайдаганман. Бу нима эканлигини биласанми? Яъни бу шундай ишки, машина ҳайдаб кетаётганда йиғлаб бўлмайди. Сен бўлсанг мени йиғлатдинг. (*Ёшини артиб*.) Бўлди, отахон, мен сенга милтиқ топиб бераман. Аммо кечқурун келасан, кечқурун штаб бошлиғим ҳам шу ерда бўлади, у ҳам сен қатори кекса одам. У билан икки қария ҳасратлашасизлар. Ҳозир кетавер, кечқурун соат саккизга марҳамат.

40 Ч о л *чиқиб кетади*.

Демак, ишлар шунақа. Ҳозирча бизникилар қаердан, қандай қилиб зарба беришлари маълум эмас. Хайр, нима ҳам қилар эдик, биз ҳам мўлжал қилиб қўйган ишни ўша пайтда бажарамиз. (*Глобанинг олдига боради, эшикни ёпади, оҳиста*.) Шаҳарнинг немислар қў-

дида бўлган қисмида истиқомат қилиб турган киши билан маслаҳатни бир жойга қўйганмиз, немисларнинг орқа томонидаги Лиман кўпригини портлатиб юборамиз. Эртага кечаси Валяни яна ўша томонга жўнатишим керак.

Г л о б а. Ачинарсан-а?

С а ф о н о в. Мен ҳаммага ҳам баббаравар ачинаман.

10 Г л о б а. Шундай... Мен эса бундай ишларга оддий кўз билан қарайман. Улим рўпарага яққол келиб турибди. Яшашдай бахтиёрлик одамга керакми ахир? Керак! Сен уни кўриб турибсанми? Қўзинг тириклигида дарров қўлингга ол. Ўзи ҳам жуда кўнгли очиқ қиз. Мана, кўриб турарсан, ҳамма иш яхшилик билан ҳал бўлиб қолар.

С а ф о н о в. Қўйсанг-чи, мен ундан хавотир оламан, холос.

Г л о б а. Ўзингдан хавотир олмайсанми?

20 С а ф о н о в. Ўзимданми? Бўлмаса-чи! Аммо, Глоба, сен билан менинг йўригимиз бошқа. Биз қўрқа кўрмаслигимиз керак. Чунки бордию мен бирон марта қўрқа кўрсам борми, бошқалар ҳам қўрқадиган бўладилар. Кейин мен ўзим қўрқа кўрмаганим билан бари бир улар яна қўрқа берадилар. Бас маълум бўлдики, сен билан биз бирор марта ҳам қўрқа кўрмаслигимиз керак. Кечаси кўрпага кирганимизда бўлса, хайр, унинг йўли бошқа. Модомики, сен билан бизнинг кўрпамиз йўқ, демак бу ҳам эътибордан соқит.

Валя киради.

30 Хўш, Панинни олиб келдингми?

В а л я. Йўқ, у ўша ерда қолди.

С а ф о н о в. Қайси ўша ерда?

В а л я. Биринчи ротада-да. Уҳ, жуда чарчадим. *(Қўлқопларини ечиб, ўтиради.)*

С а ф о н о в *(Глобага)*. Хўш, энди сен нима иш қилмоқчисан? Панинни алоҳида бўлим бошлиғи қилиб тайинлаганимдан кейин у ўзини ҳаммага қўрқмас қилиб кўрсатмоқчи бўлади. Бундай деса, уни ҳамма ҳам шундай деб билади.

40 В а л я. Тўғри, нимасини айтасиз, мен уни неча мартаб ушлаб қолмоқчи бўлдим, олдинга интилгани интилган.

С а ф о н о в. Сен гапирмай қўя қолсанг-чи. Ушлаб

қолмоқчи бўлган эмишлар-а! Узинг-чи, ўзи бўлса, нима дейсан энди, бўлар-бўлмас хавф-хатарли жойга суқилгани суқилган. Яна ушлаб қолмоқчи бўлган эмиш-а.

Лейтенант (эшикдан). Уртоқ капитан, телефонга.

Сафонов чиқиб кетади.

Глоба (Валяга). Аҳволлар қалай, Валентина Николаевна?

10 Валя. Қандай бўларди, кўпчиликнинг аҳволи қандай бўлса меники ҳам шундай, ўртоқ Глоба.

Глоба. Кўпчиликнинг аҳволи қандай?

Валя. Қимни ҳам айтай сизга?

Глоба. Эҳ, хўп замонларга қолдик-да. Қарабсанки аёллар ҳам фронтда. Шахсан мен сизни эҳтиёт қилган бўлардим, Валечка. Сизни ҳам, умуман бошқаларни ҳам. Кошки эди сизлар ҳаётимизга зеб-зийнат бўлиб кўз ўнгимизда ўйнаб-кулиб омон юрсаларингиз.

20 Валя. Нима деяпсиз, биз учун сизларнинг ҳаётингизга зеб-зийнат бўлишдан бошқа иш қуриб қолибдими?

Глоба. Бўлмасам-чи. Аёл кишини нимага яратиб қўйибди. Аёл кишини ҳаётни безаш учун яратиб қўйибди-да. Уруш деган гап — бу ҳазилакам нарса эмас. Айниқса, шу уруш вақтида бошқа вақтларга нисбатан ҳаётнинг зийнатли бўлиши шарт, чунки бугун ҳаёт деган нарса бор бўлади-ю, эртасига қарасанг — гард-ғуборга айланиб кетади. Бинобарин, ҳаётнинг равиясига юриб уни безатиш, зийнатлаш керак.

30 Валя. Демак, сизнингча, ҳаёт деган нарса арчаю, унга бир хил ўйинчоқлар осиб керак эканда, а?

Глоба. Ана боринг арча ҳам дедик. Бундай ҳам бўлиши мумкин. Аммо мен сенинг тўғрингда гапираётганим йўқ, сен жуда шаддот қизсан, сен ҳатто мен билан гаплашишни ҳам хуш кўрмайсан. Аммо, умуман аёллар, ҳар ҳолда, ҳаётнинг беагию қувончи.

Валя. Ана шу гапларингиз учун ҳам мен сизни севмайманда.

Глоба. Мени севиб ўлтиришнинг ҳожати ҳам йўқ.

40 Сафонов (кираётиб). Бу нима шовқин-сурон?

Глоба. Валентина Николаевна билан икковимизнинг ўртамизда айни замонда хотин—аёлларнинг роли деган мавзуда навбатдаги келишмовчилик. Хайр, Иван Никитич, мен госпиталга бораман. Ҳойнаҳой медиклик касбимда мени кутилмаган ҳодисалар одатдагидек пой-

лаб тургандир. Етти кундан буён борганим йўқ, ҳойна-ҳой мен ўлмайдик-ку, деганларим қазо қилиб, ана ўлади, мана ўлади, деб турганларим мутлақо тирик бўлар. Кўриб турасан. (Чиқади.)

В а л я. Чарчадингизми?

С а ф о н о в. Ҳа, чарчадим. Аммо ҳали анча ўйлашим керак. Ахир бу, Валька, менинг Валечкам, даштларда битган чучмўмам, ахир бу чўзма-чалпак пиширишдек осон иш эмас.

10 В а л я. Ана холос, бошлиқ бўлсангиз ҳам чўзма ёйишни қўймайсиз... эрмак қиялпсизми.

С а ф о н о в. Бўлмаса-чи? Менинг юқори мартабам шуни талаб қилади-да. (Кулади.) Ҳеч бўлмаса чўзма ёйганда ҳам, ақл-хушни бир жойга қўйиб ёйиш керак бўлади, албатта. Бўлмаса сенинг кечаги ишингга ўхшаб қолади.

В а л я. Нима қилибман?

С а ф о н о в. Нима қилибман? Кеча мени машинада олиб юрганинг ёдингдан чиқдимми? Шундай бошини
20 бўш қўйиб ҳайдадингки жоним ҳалқумимга келди.

В а л я. Мен тез ҳайдаганим йўқ. Машинанинг ўзини яхши бошқариб бўлмади. Аслида мен қоидага риоя қилиб юрдим.

С а ф о н о в. Йўқ, беқоида. Унқир-чўнқирларга келганда тепкисини босмадинг.

В а л я. Йўқ, босдим.

С а ф о н о в. Босганинг йўқ. Сен менинг кўзимни бўямай қўя қол. Сен билан мулоим гаплашганимга, кўзини бўяса бўлавераркан, деб ўйлама.

30 В а л я. Мен сизнинг тўғрингизда ҳеч нима ўйлаётганим йўқ. Мен яна бир карра айтаманки, тепкини босганман.

С а ф о н о в. Хайр, худо ёринг бўлсин. Босганмиш, босганмиш. Аммо кўзингни бунақа олайтираверма, бўлмаса мен кўрқиб қочиб кетаман.

В а л я. Мен сизни ҳозиргача қандай олиб юрган бўлсам яна ўшандай олиб юраман. Машинанинг изми мендами, демак шу чўзмани ёйишни ҳам менга қўйиб беринг. Маъқулми?

40 С а ф о н о в. Маъқул.

В а л я. Ухлаб олсангиз бўларди. Ахир уч кеча-кундуздан буён ухлаганингиз йўқ.

С а ф о н о в. Сен буни қаердан биласан? Сен ахир куни кеча немислар томонидан қайтиб келдинг-ку.

В а л я. Биламан. Суриштирдим.

Сафонов. Суриштирдим?

Валя. Шунчаки, гап орасида суриштирдим.

Сафонов. Шундай дегин?.. (Пауза.) Сен бугун кечаси, кечи билан эртага яна немислар томонига бориб келишинг керак бўлади.

Валя. Яхши.

Сафонов. Бунинг нимаси яхши? Бунинг ҳеч яхши жойи йўқ. Юборгани бошқа одам топилмаётибди. Бўлмаса сени учинчи марта ўла қолсам ҳам юбормасдим.

10 Валя. Хўш, нега энди?

Сафонов. Юбормасдим, дедимми, гап тамом, вассалом. Умуман сен ўз бошлигингга ортиқча саволлар бераверма. Маъқулми?

Валя. Маъқул.

Сафонов. Хуллас, сен (эшик томонга қараб олиб) Василийга бориб учрашасан, унга, кўприк портлатилар экан, дейсан, ҳаммасини батафсил тушунтирасан. Аммо бу гапларни ёзма тарзда маълум қилиш мумкинмас. Унга айтиладиган гапларни биттама-бита ёдлаб оласан.

20 Валя. Яхши.

Сафонов. Яхшими, яхши эмасми, хуллас, гап шу. Икки мартаки бориб келдинг, учинчи марта ҳам бориб келасан, чунки ватан шуни талаб қилади. Ана кўрдингми, мен сенга қандай гапларни топиб гапиряпман.

Валя. Биласизми, Иван Никитич, ҳаммалари ватан, ватан дейдилару, ҳойнаҳой шу гапларни айтаётганда жуда катта ер кўз олдиларига келса керак. Менинг тасаввурим бошқача бўлади. Ново-Николаевка қишлоғимизнинг бир чеккасида ёғоч уйимиз бўлгучи эди, ёнидан ариқ ўтган, иккита қайин оғоч ўсиб чиққан. Мен эса ўша икки қайин оғочга арғимчоқ боғлардим. Менга қачон шу ватан тўғрисида гапирсалар, кўз олдимга ўша иккита қайин келади-туради. Балки менинг бу ишим дуруст эмасдир?

Сафонов. Йўқ, жуда дуруст.

Валя. Ана шу икки қайин оғочи эсимга тушдимми, унинг ёнида онам, акам турганини хотирлайман. Акамни эсласамчи — яна хаёлим аллақадарга кетади, ўтган йили унинг Москвага ўқишга жўнагани, уни кузатиб қўйганимиз, у жўнаган станция, Москвага қараб чўзилиб кетган йўл, Москванинг ўзи, ишқилиб, ҳаммаси, ҳаммаси кўз олдимдан ўтади. Кейин бу ширин хаёллар тамом бўлиб қолаётгандек бўлади-да, қайта

40

бошдан ўйлаб кетаман. Яна ўша икки қайин оғоч... Балки бу ишларим дуруст эмасдир, а, Иван Никитич?

Сафоно в. Йўқ, бу ҳам жуда дуруст. Бизлар ҳам-мамиз ҳам ҳойнаҳой шундай, ҳар ким ҳам ўзича хотирлайди. *(Пауза.)* Дарвоқе, сен немислар томонига ўтиб борганингдан кейин онамга айтиб қўйгинки, у ҳадеб немислар билан ўчакишавермасин. Бошқа ҳиссиётларни йиғиштириб қўйганда ҳам у ҳали бизга кўп керак бўлади. Яна шуни ҳам уқтириб қўйгинки, менинг 10 у билан кўришиш ниятим ҳам бор.

В а л я. Яхши, айтаман. *(Пауза.)*

Сафоно в. Ўзинг ҳам кўзингга қара. Умуман эҳтиёт бўл. Маъқулми?

В а л я. Маъқул.

Сафоно в. Мен яна сенга баъзи гапларни ҳам айтмоқчи эдим-у ҳозирча кераги йўқ. Кейин, қайтиб келганингдан кейин айтарман.

В а л я. Борди-ю, келолмай қолсамчи?

Сафоно в. Борди-ю келолмай қолсанг, демак ба-20 ри бир айтилгандан, айтилмагани яхши. *(Шинелини ёпиниб, диванга ётади. Чўзилган, кўзлари очиқ.)*

В а л я. Басдир энди, ухланг. Яхши бўлади.

Сафоно в. Уйқидан чиқиб кетибман. Кўзим илн-маяпти.

В а л я. Сиз бир амаллаб уннаб кўринг. Мен сизга қўшиқ айтиб бераман.

Сафоно в. Қандай қўшиқ?

В а л я. Қандай қўшиқ бўларди — болаларни ухлатиш учун айтиладиган алла-да... *(Айтади: «Алла қўзим, ширин сўзим, олгин ором аллаё!...»)* Сиз ҳеч бўл-30 маса соқол-мўйловингизни қирдирсангиз бўларди. Бу қандай соқолли гўдак, хунук бўларкан.

Сафоно в. Яхши, сен қайтиб келишинг билан соқолимни олдираман.

В а л я. Демак, мен қайтиб келолмасам, соқолингизни ҳам олдирмас экансиз-да? *(Сукут.)* Хайр, ундай бўлса, қайтиб келишим керак экан.

Сафоно в. Уйқим келмаяпти.

В а л я. Алла ҳам кор қилмадимми?

40 Сафоно в. Кор қилмаяпти. *(Пауза. Кўзини юмади ва тўсатдан ухлаб қолади.)*

В а л я *(унинг ухлаб қолганини сезмай)*. Биласизми, Иван Никитич, мен бориб келишдан ҳеч ҳам қўрқмайман. Биринчи гал чўчиган эдим, ҳозир эса чўчиётганим йўқ. Ўйлайманки сиз соқолингизни олдиришингиз учун

мен албатта қайтиб келаман. Сиз мени кутиб турасиз. Ҳамма ҳам кутади. Нега жавоб бермаяпсиз? (*Сафоновнинг уйқига кетганини пайқайди.*) Ана холос, ухлаб қолибди. Ухламайман, деган эди. (*Унинг ёнига боради. Уни уйғотгиси келади. Бу истагидан базўр воз кечиб, столга суюнади-да, унга қараб оҳиста ашуласини тамом қилади.*)

Сукут.

П а р д а

10 ИККИНЧИ ПАРДА

Тўртинчи кўриниш

Харитоновнинг уйи. Хусусий даволаш воситасида кун кечирувчи, қуйи шаҳар врачининг икир-чикирлар билан тўлган уйи. Умумий хона хизматини ўтайдиган овқатланиш хонаси. Бир неча харақлар. Иккита деворий шкаф — бирида идиш-товоқ, иккинчиси аптекага ўхшайди. Саҳнада нонушта столи олдида Розенберг ва Вернер. Вернер рюмжадан вино хўплаб, ниманидир паст овоз билан такрорлайди.

20 Розенберг (*йўл чамадонини очиб, олдига турли қоғозларни ағдаради: булар — фотосуратлар, ҳужжатлар*). Рус тилини роса қунт билан ўрганияпсан дейман-а, Вернер?

Вернер. Ҳа, ўрганияпман.

Розенберг. Бу ишингиз яхши. Биз бу ерда узоқ вақт туриб қолсак керак.

Вернер. Сизнингча уруш ҳали-бери...

30 Розенберг. Уруш-ку узоққа чўзилмайди, аммо, урушдан кейин демоқчиман. Биз фотиҳлар бўлиб қоламиз, фотиҳлар ўзларига муте бўлган халққа нафрат кўзи билан қарашлари мумкин, аммо ўша халқ бири-бири билан ақиллашиб сўзлашса ҳам тилини ўрганишлари зарур. Бегона ўлкада ҳеч кимга ишониб бўлмайди, Вернер.

Вернер. Бўлмаса, сиз ўзингиз нега Харитоновга ишонасиз?

40 Розенберг. Бе, чунки у сотқин ва тубан одам. Мабодо руслар қайтиб келсалар, уни албатта осадилар, йўғ-э, отиб ташлайдилар. Руслар осмайдилар. Бироқ мен Харитоновнинг хотинига ишнолмайман. Руслар қайтиб келишлари мумкин, аммо уни отмайдилар. Ана шу бир сабабнинг ўзгинаси учун ҳам мен унга ишон-

майман. (*Расмларни танлаб, тахлайди.*) Бугун Краузе менга яна бир чамадон шундай суратлардан совға қилди. Менга ҳадеб қарайверманг. Ҳа, шундай, мен бундай нарсаларни титкилашни яхши кўраман.

Вернер. Сизнинг қилигингиз латтафуруш-яканчиларга ўхшайди.

Розенберг. Зарари йўқ. Ана шу қоғоз, ана шу суратларга қараб, мен бу ердагиларнинг урф-одатини ўрганаман. Баъзан шу титкилашлар оқибатида қизиқ нарсалар ҳам чиқиб қолади. Мисол учун мана бу шахсий гувоҳномага қаранг, младший лейтенант Харитонов Н. С. деган кишиники экан. Н. С.—диққат қиялсизми? Гувоҳномани ўқ тешиб ўтибди. Эгаси ўлган бўлса керак. Мени қизиқтирадиган бу ҳам эмас. Мени қизиқтирадигани бу лейтенантнинг исми ва отасининг исми нима бўлди экан? Н. С.? Бизнинг уй хўжайинининг ҳам фамилияси Харитонов. Исми С. ҳарфи билан бошланади, отасининг исми эса А. ҳарфи билан. Тахмин қилиш қийин, аммо журъат билан тахмин қилсакда, шу гувоҳноманинг эгаси уй хўжасининг ўғли десак. Менга маълум, ахир унинг ўғли ҳам армияда-ку. Хўш, биз бундан қандай хулосалар чиқаришимиз мумкин? Бир талай. Биринчидан, гарчанд бу ерда фамилия ўхшашлиги бўлган ҳолда ҳам, шунинг ўзидан ҳам қизиқ аҳволи руҳия кўринишларини томоша қилиш мумкин: фош қилиш, шак-шубҳа, хато, оналик ғуссаси ва ҳоказолар. Ана шу хилда ишлаш, халқнинг урф-одатини ўрганиш менинг фаолиятларим системасига киради. Айтмоқчи, мен гапни нимадан бошлаган эдим?

30 Вернер. Сиз гапни Харитоновнинг хотинидан бошлаган эдингиз.

Харитонов (*эшикни очиб*). Мени чақирганмидингиз?

Розенберг. Йўқ. Ҳа, майли, киришга-кирибсиз, айтингчи хотинингиз асли қаерлик, доктор?

Харитонов. Вологдалик.

Розенберг. Ана кўрдингизми, Вернер, биз бўлсак ҳали Вологдани олганимиз йўқ. (*Харитоновга.*) Хотинингизнинг қариндош-уруғлари борми?

40 Харитонов (*шошиб қолиб*). Унча-мунча бор.

Розенберг. Унча-мунча бор — бу нима деган гап бўлди?

Харитонов. Яъни эгачи-сингиллари бор.

Розенберг. Эгачи-сингиллари — бу сизнингча унча-мунча бўладими? Ҳойнаҳой уларнинг эрлари ҳам

бордир? Ҳойнаҳой уларнинг эрлари сизга ўхшамаган бошқачароқ руслардир, а?

Харитонов. Сўзларингизга тушунолмаяман, капитан жаноблари.

Розенберг. Йўқ, сиз мени жуда яхши тушуна-сиз. Хотинингизга айтинг, бизга самовар қўйиб, чой олиб келсин.

Харитонов кетади.

10 Ана, кўрдингизми, Вернер, эгачи-сингилларининг эрла-ри бор экан. Мен уларни ҳозирча билмайман, балки уларнинг биттаси инженердир, биттаси майордир. Балки ўша майор эртага бу ерга келиб қолар. Харитонов-нинг хотини бўлса — унинг қайнагачиси, биз майорни ўлдирамиз дегунча, у бизни ўлдиради, бу хотин албатта куёвига ёрдам беради. Бу ишни қилиш ҳақиқатда қулай-ку.

Мария Николаевна чой идиш кўтариб киради.

Айтинг-чи, Мария Николаевна, сизнинг эгачи-сингилларингизнинг эрлари борми?

20 Мария Николаевна. Бор, капитан жаноблари. Розенберг. Улар русларми?

Мария Николаевна. Руслар. Сут ҳам ичасизми?

Розенберг. Йўқ. Сиз уларнинг эри рус, сизнинг эрингиз бошқа номаълум миллатдан бўлгани учун ҳа-сад қилмайсизми?

Мария Николаевна. Менинг эрим ҳам рус-ку.

Розенберг. Мен бунисени айтаётганим йўқ. Сиз менинг гапимни тушуниб турибсиз, билиб-билмасликка солмай қўя қолинг.

30 Мария Николаевна. Самовар қайнади, олиб кирайми?

Розенберг (*ўрнидан туриб*). Олиб кириг. Биз ҳозир у уйга чиқамиз.

Мария Николаевна кетади.

(*Вернерга.*) Ўйлайсизки, унинг шу гапларидан кейин ҳам мен унга ишонаманми? (*Ўз хонасига чиқиб кетади.*)

40 Мария Николаевна киради. Унинг кетидан Харитонов киради. Қўчадан бир неча отишма товушлари эшитилади. Мария Николаевна чўқинади.

Харитонов. Ия, нега чўқиянпсан?

Мария Николаевна. Уларнинг жонлари са-
ломат бўлсин, деб.

Харитонов. Уларинг ким?

Мария Николаевна. Ўзимизникилар-да.

Харитонов. Қачон ахир тилингни тиясан?

Мария Николаевна. Ўттиз йилдан буён ти-
йиб келяпман.

Харитонов. Ҳали ҳам шу гапми?

10 Мария Николаевна. Шу гап.

Харитонов (оҳиста). Маша, бери кел-чи. Сафо-
нованинг олдига бордингми?

Мария Николаевна. Бордим.

Харитонов. Мен айтган гапларнинг ҳаммасини
айтдингми?

Мария Николаевна. Айтдим. (Пауза.) Аммо,
рост гап шуки, мен бундай ишлардан жирканаман.

Харитонов. Жирканаман, деддингми? Мени ўл-
дириб қўйсалар, жирканмассан-а?

20 Мария Николаевна. Бу гапнинг сенга нима
дахли бор?

Харитонов. Бевосита дахли бор. Сен яна эрта-
га Сафонованинг уйига борасан, унга уқтириб қўй,
унга шундай уқтиргинки, бечора эрим жуда мушкул
аҳволда қолди, дегин. Тушундингми? Мен жуда муш-
кул аҳволда қолганман. Яъни немислар менинг жо-
нимга тегди, менинг уларга заррача рағбатим йўқ,
қўрқаман холос, кошки эди мен улардан ёқамни қут-
қазиб кетолсам, мени шаҳар бошлиғи қилиб тайинла-
ганларидан сира ҳам қувонганим йўқ. Шундай дейсан,
тушундингми?

30 Мария Николаевна. Тушунишга тушундим,
лекин бу гапларнинг сенга нима зарурлиги бор?

Харитонов. Шунинг учунки, бу гапларимнинг
ҳаммаси тўғри. Шунинг учунки, мен жон ҳовучлаб, тит-
раб-қақшаб яшагандан кўра бутун шу ой ичи ертўла-
да буқиниб ётишни аъло кўрардим. Имоним комилки,
кампирнинг уйига қатнов катта... Ҳа, ҳа, партизанлар
қатнаб туришади. Бари бир бу кампир ҳеч қачон не-

40 мисларнинг олдига келиб, Харитонов сизларни ёмон
кўради, деб айтмайди. Ўз партизанларига бўлса сид-
қидил билан айтиши мумкин. Ўзинг биласан Херсонда
шаҳар бошлиғи деган жанобни аллақачон ўлдириб ке-
тишди. Бу ерда бўлса мен жанобни ўшандай ўлдириш-

ларини истамайман, чунки «ўшандай жаноб» деган киши — ўзим бўламан.

Мария Николаевна. Худойим-эй. Шунча хавф-хатарнинг нима кераги бор-а, мен сенга аллақачон айтганман, ҳамма нарсани ташлаб, қаерга бўлса ҳам бирор қишлоққа яширинсак бўлмайдими.

10 Харитонов (*жаҳли чиқиб ва пичирлаб*). Қаерга яширинсак демоқчисан? Мол-мулку, ашқол-дашқолларчи? Менинг мол-мулкларим мен бўлмасам ҳам ҳаммавақт мол-мулк бўлиб қолаверади, аммо мол-мулксиз мен нима бўламан — ташландиқ ахлат. Ҳа, ахлатнинг ўзи, менинг қадрим-қимматим бир чақа бўлади. Уқиб олдингми, ҳой аҳмоқ?

Эшикни биров тақиллатади.

Бор оч.

Мария Николаевна йўлакка чиқиб ўша ондаёқ қайтиб киради. Унинг кегидан ўзини йўқотган, сочлари тўзгиган, рўмоли сирғалиб тушган Марфа Петровна кириб келади.

Марфа Петровна. Йиртқичлар!

20 Харитонов *чурқ этмайди.*

Ўлдиришди, кўзгинамнинг олдида ўлдиришди.

Харитонов. Қимни ўлдиришди?

Марфа Петровна. Таняни, қўшнимиз Таняни! Мен сенинг олдингга, майли, ким бўлса-бўлар, ҳар қалай доктор-ку деб келаётган эдим. Шўрликни дард тутиб турган эди. Одам қуриб қолгандай уни сеникига етаклаб келаётган эдим! Ана, ташқарида, деразангни тагида ётибди.

Харитонов. Жим, менинг айбим нима?

30 Марфа Петровна. Ҳаммасига сен айбдор. Ахир, кимки соат бешдан кейин кўчага чиқса отилади, деган буйруққа сен қўл қўймаганмисан?

Харитонов. Мен эмас — комендант қўл қўйган.

Марфа Петровна. Сен, сенинг ўзинг лаънати!

Унинг овозига қўшни хонадан Розенберг чиқиб остонада тўхтаб қолади.

Розенберг. Бу ерда ким бақиряпти?

40 Марфа Петровна. Мен бақиряпман! Нима учун бир хотин кишини кўчанинг қоқ ўртасида отиб ташлашади?

Розенберг. У хотин ким эди?

Харитонов. Шу ерда биттаси... Улар менга келишаётган экан. Уларнинг бир қўшниси туққан экан... шуни патруль отиб қўйибди.

Розенберг. Жуда ҳам тўғри қилибди. Соат бешдан кейин юриш таъқиқланган. Шундай эмасми?

Харитонов. Ҳа, ҳа, албатта, жуда тўғри.

10 Розенберг. Агар соат бешдан кейин хотинми, хотин эмасми, кимки бўлса ҳам отиб ташласалар — бу жуда тўғри иш бўлади. Мана сизни ҳам соат бешдан кейин юрганингиз учун қамашга ва судга беришга тўғри келади.

Марфа Петровна. Майли. Суд қил. Ҳа, ундир, уни ўлдиргандай... (Унга ҳужум қилади.) Ана шу қўлларим билан шу тобнинг ўзидаёқ бўғзингдан ана шундай шартта бўғиб...

Розенберг (эшик томонга ўгирилиб, қўшни хонага). Вернер! Навбатчига телефон беринг! (Хотиржам.) Демак, сизни осиб лозим бўлар экан.

20 Марфа Петровна. Ос!

Розенберг (Харитоновга). Унинг фамилияси нима?

Харитонов. Сафонова.

Розенберг. Унинг балки бирор кишиси армиядадир? Эrimi, ўғилларими?

Харитонов. Э-э, йўғ-э, ҳа-ҳа, бор бўлса керак, балки бордир. Яна билмадим.

Марфа Петровна. Бор. Эрим ҳам бор, ўғилларим ҳам бор. Ҳаммалари армияда.

30 Розенберг. Осишга тўғри келади!

Мария Николаевна (қўққисдан Марфа Петровнага ташланиб уни қучоқлаб олади ва унинг ёнида турганча). Менинг ҳам ўғлим армияда, мени ҳам осинглар. Мен сизларни ёмон кўраман! Ёмон кўраман!

Харитонов. Маша, сенга нима бўлди?

Мария Николаевна. Сени ҳам ёмон кўраман. Барчангизни ёмон кўраман, золимлар! Биз бўлсак — мана биз икки овсин ҳар иккимизнинг ҳам ўғлимиз фронтда! Шундай, а... (Украв йиғлайди.)

40 Розенберг. Олиб чиқинг... (Бир секунд иккилашиб туради.) Мана бунисини (Марфа Петровна кўрсатади.) Бунисини қолдиринг.

Харитонов. Ташаккур, капитан жаноблари. У бундан кейин ҳеч ундай қилмайди.

Марфа Петровна. Ташаккур айт, ташаккур айт, сотқин, оёқларига йиқилиб ташаккур айт!

Солдатлар унинг қўлларини ушлайдилар.

(Харитоновга.) Мен-ку мана бу немиснинг тумшугига тупурардим-ку, яхшиси сенга тупуриб қўя қолай.
(Унинг юзига тупуради.)

Солдатлар Марфа Петровна ни сургаб олиб чиқиб кетадилар. Мария Николаевна мадорсизланиб йиғлайди.

Харитонов. Капитан жаноблари... Бу ишга сиз унча эътибор бера кўрманг. Бунинг ўзи сал шунақа... Асабийроқ хотин. Яширадиган жойи йўқ, булар ҳақиқатан овсин-ажиндек эди.

Розенберг. Зарари йўқ, доктор, мен сизнинг хизматларингизни эътиборга олиб, хотинингизни афв этаман. (Мария Николаевнага қараганча, лўнда-лўнда қилиб гапирди.) Мен ахир сизнинг хизматларингизни ҳеч унутолмайман. Не қилса ҳам сиз ахир, аввалига ўн етти, кейин куни кеча беш коммунистнинг рўйхатини менга топширдигиз. Сиз ахир менга милиция бошлиғи Гаврилонинг турган жойини кўрсатиб бердингиз. Сиз ахир банкнинг яшиклари қаерга яширинганлиги тўғрисида мени огоҳлантирдигиз. Сиз ахир... Келинг қўйинг, мен сизнинг бутун хизматларингизни санаб ўтирмайман, санаган сарим хотинингиз ҳиддатлангандек кўриняпти. Сизнинг бизга кўрсатган ёрдамларингиз учун қувониши керак эди, у бўлса йиғлаб ўтирибди. Хайр, зарари йўқ, уни тинчлантиринг. (Қўшни хонага кириб кетади. Сукунат.)

Мария Николаевна (оҳиста). Шу гапларнинг ҳаммаси тўғрими?

Харитонов. Тўғри. Ҳа, ҳа, тўғри! Сен тирик қолганинга шукр қил, ахир қилиб қўйган ишингни биласанми!

Мария Николаевна. Менга бари бир, мен тирик қолишни истамайман, шу биттагина ўғлим Коля бўлмаса, ўлимимга мингдан-минг рози эдим.

Розенберг (Вернер билан бирга кириб). Мария Николаевна чой ёдингиздан кўтарилмасин-а.

Мария Николаевна чиқиб кетади.

(Вернерга оҳиста.) Ҳозир сиз билан биз ҳолати руҳиядан қизиқ манзараларни томоша қиламиз. Сиз-ку унча ёқтирмайсиз, яна бир оз урф-одат ўрганиш тажрибасини ўтказиш керак бўлади... Доктор!

Харитонов. Лаббай?

Розенберг. Аминманки, сиз бизга чинакам садоқатлисиз, доктор?

Харитонов. Шундай, капитан жаноблари.

Розенберг. Демак, кимки бизга қарши курашса, ўша сизнинг ҳам душманингиз бўлади, шундайми, доктор? Шундайми, шундай эмасми?

Харитонов. Шундай, капитан жаноблари.

Розенберг. Қанақа шундай? Аниқроқ айтинг.

Харитонов. Душманим бўлади, капитан жаноб-

10 лари.

Розенберг. Демак, шу душманлар тамоман нобуд бўлиб кетса қувонишингиз керакми, а, доктор?

Харитонов. Ҳа, керак, капитан жаноблари.

Розенберг. Йўқ, аниқроқ айтинг. «Керак» деманг — «қувонаман» денг. Шундай эмасми?

Харитонов. Қувонаман, капитан жаноблари.

Розенберг. Мен ишонаманки, хотинингиз тўғри айтгани йўқ, сизнинг ўғлингиз, албатта, бизга қарши курашаётгани йўқ, шундай эмасми?

20 Харитонов. Йўқ, капитан жаноблари, афсуски, бу сўзлар тўғри, ўғлим армияда. У билан аллақачондан буён орамиз келишмайди, лекин у армияда.

Розенберг. Чуқур таассуф билан айтаман дедингизми?

Харитонов. Ҳа, капитан жаноблари, таассуф...

Розенберг. Демак, эндиликда ўғлингиз армияда бўлмагундай бўлса, сизнинг ҳам шу афсусингиз барҳам топган бўлади-да, а?

Харитонов. Албатта, капитан жаноблари.

30 Розенберг. Менга яқинроқ келинг. (*Гувоҳнома ни бир қўли билан беркитиб, суратли томонини кўрсатади.*) Шу йигитни танийсизми?

Харитонов. Николай!

Розенберг. Маълум бўлдики, таниш экан. (*Гувоҳномани очиб.*) Эндиликда эса сизнинг барча ўкинч-афсусларингиз худди шу ўқ тешиб ўтган жойда барҳам топибди, доктор. Энди сиз мамнун бўлсангиз бўлади. Ўғлингиз ортиқ армия сафида йўқ. Рост, мен буни ўз кўзим билан-ку кўрганим йўқ, аммо шундай бўлганига ишонаман. Қутулдингиз, афсус емасангиз ҳам бўлади.

40

Харитонов индамайди.

Хўш, бу ишга қувондингизми, доктор?

Вернер. Розенберг!

Розенберг (*унинг томонига ўгирилиб, совуқ*). Хўш? Бир минутгина чидаб беринг. Демак, сиз бу ишга қувондингиз-а, жаноб доктор? (*Кескин.*) Ҳами ё йўқми?

Харитонов (*базўр*). Ҳа, қувондим.

Розенберг (*Вернерга*). Ана, кўрдингизми, Вернер, доктор қувонибди. Сиз билан биз эса доктордан беҳуда шубҳа қилиб юрарканмиз. Ҳозирча чиқиб туришингиз мумкин, доктор. Менга ҳаммаси равшан бўлди. Оқиқсўзлигингиз учун раҳмат. Сиз дарҳақиқат содиқ одам экансиз. Бундай одамлар сизнинг юртингизда камдан-кам учрайди, ҳар нарсанинг ози яхши.

Харитонов чиқиб кетади.

Вернер. Менга қаранг-а, шунча майнабозликларнинг нима кераги бор? Агар отиб ташлаш керак бўлса, шартта отиб ташланг, агар асабингиз кўтармаса-ю, удасидан чиқолмасангиз менга айтинг. Сизнинг шу қилиб турган ишларингиз солдатлик шаънига сира ҳам ярашмайди.

20 Розенберг. Сиз ҳам эски нуқтаи назардан қарайсиз, Вернер. Ваҳолонки, урф-одатларни ўрганиш айниқса сизнинг ҳам вазифангиз.

Вернер. Қўйсангиз-чи. Сиз урф-одат ўрганиш деб аталган қилиқларингиз билан жигимга тегдингиз. Мен ҳойнаҳой эртагаёқ полкка бориб сизнинг урф-одат ўрганишдек бемаъни ишларингиздан ва сизнинг ўзингиздан мени халос қилишларини сўрайман. Мен бу лаянати русларни суриштирмай ўлдиришда давом қилавераман, лекин бу ишда сизнинг телбаларча суҳбатларингиздаги тусмолларни мен қўлламайман, чунки бу нарса менинг ниҳоятда жонимга тегди.

Розенберг. Чой ичасизми?

Вернер (*чиқиб кета туриб*). Йўқ.

*Харитонов кириб, ҳолсизланган куйи суяниб қолади.
Мария Николаевна самовър кўтариб киради.*

Харитонов (*оҳиста*). Маша! Менга қара, ҳой, Маша.

Мария Николаевна. Нима дейсан?

Харитонов. Мен сенга бир гап айтмоқчиман...

Мария Николаевна. Хўш, яна нима демоқчисан?

40 Харитонов. Мен сенга айтмоқчиманки... Йўқ, йўқ, айтолмайман. (*Чиқиб кетади.*)

Мария Николаевна. Ҳозир қуруқ чой олиб келаман.

Розенберг (*қўлида гувоҳномани ушлаб, унга кўз қирини ташлайди*). Дарвоқе, сизнинг ўғлингиз, армияда ҳам бўлган экан-а?

Мария Николаевна. Нега, бўлган экан, дейсиз? У ҳозир ҳам армияда хизмат қилади.

Розенберг. Йўғ-э, бўлган эди, деб қўяверинг. Ёинки, эрингизнинг таъбири билан айтсак, афсуски 10 бўлган эди. Лекин яна эрингиз айтгандек худога шукрки, у йўқ. Аммо, биласизми, унинг йўқлигидан эрингиз гоятда хурсанд!

Мария Николаевна. Сиз нима деяпсиз? Вой, у нима деганингиз?

Розенберг. Йўқ... сиз фақат бу ишларнинг бунга бевосита алоқаси бор экан, деб ўйлай кўрманг. Мен оналар билан шундай бадмуомалада бўлолмайман. Аммо мана бу нарса менинг қўлимга тасодифан тушиб қолди. Мен шунинг учун ҳам: «Бўлган экан», деяпман.

20 Мария Николаевна *гувоҳномани қўлида гижимлайди, унга хира кўзлари билан қарайди, шу залда уни қўлидан қўймайдан столга бориб ўтиради. Қулоқлари том битиб индамай қолади.*

(*Паузадан сўнг.*) Мен-ку, бу гапларни сизга айтишга ботинолмас эдим, аммо сиз ҳам эрингизнинг фикрида-сиз деб ўйлабман. Эрингиз ахир ўз оталик ҳиссига қарамасдан бу ҳодисадан хурсанд бўлганини айтди.

Мария Николаевна *индамайди.*

Нега индамай қолдингиз? Ҳа, ҳа эрингизнинг ўзи айтди, доктор айтди.

30 Харитонов *киради.*

Доктор, сиз ўзингиз хурсандман, демаганмидингиз?

Мария Николаевна *бошини кўтариб Харитоновга қарайди. Харитонов индамайди.*

Ёки сиз мени алдаганми эдингизми? Сиз хурсанд эмас-мисиз?

Харитонов *индамайди.*

Мария Николаевна (*гувоҳномани қўйиб, ғай-*

риштиёрый гапиради). Мен ҳозир сизга чой дамлаб бераман.

Розенберг. Раҳмат, жуда соз бўларди.

Чойнак кўтарган Мария Николаевна Розенберг ва Харитоновнинг орқасида юрган куйи аввал бир шкафчага, кейин аптека шкафчасига боради. Унда ниманидир қидириб стол олдига қайтиб келади.

Мария Николаевна. Чой тайёр!

10 Розенберг. Қани, қуйинг бўлмаса. Ўзингиз биласиз, биз солдат халқига хотин киши ўз қўли билан чойми, қаҳвами қуйиб берса хуш келади. Шундай эмасми, а, доктор?

Харитонов индамайди.

Нега индамайсиз? Гунг бўлиб қолдингизми?

Мария Николаевна Розенбергга чой қуйиб беради. Қани доктор, мен билан чойхўрлик қилмайсизми, а? Сиз ҳаяжонлангансиз, парво қилманг, келинг бирга-бирга чой ичайлик. Сиз ахир бизнинг чинакам дўстимизсиз. Сиз билан бирга бир столда чой ичсам севинаям.

Харитонов. Раҳмат.

20 Розенберг. Мария Николаевна, эрингизга чой қуйиб беринг.

Пауза. Мария Николаевна Харитоновга қарайди, ўша ғайриштиёрсизлик билан унга чой қуйиб беради.

Қани, доктор.

Харитонов. Кечиринг, капитан жаноблари, алланечук бўлиб турибман... чойга ҳушим йўқ...

Розенберг. Майли, таъбингиз, таъбингиз.

Мария Николаевна (*осойишта*). Сизга бошқа ҳеч нарса керак эмасми, капитан жаноблари?

30 Розенберг. Йўқ, раҳмат. Вернер, мен ҳозир сизнинг олдингизга кираман! (*Қўлига чинни қулоқликни олиб чиқиб кетади.*)

Харитонов бошини қўллари орасига олиб диванда ўтиради. Мария Николаевна девор олдида туради. Сукунат.

Харитонов. Маша!

Мария Николаевна. Нима дейсан?

Харитонов. Маша, тоқатим тугади.

Мария Николаевна. Мени ўз ҳолимга қўй. Сенга қулоқ солишни истамайман.

Харитонов. Ҳаммасини ташлаймиз, кетамиз, қо-

чамиз. Мен уларнинг ҳаммасидан ҳам қўрқаман. Менга ҳеч нима керак эмас.

Мария Николаевна. Кечикдинг. Мен сенга бошида айтган эдим. Энди вақт ўтди. Иш қиёмидан қанчалик ўтганини сен билмайсан ҳам.

Қўшни хонадан сурилган стулнинг тарақлагани эшитилади. Эшик очилади. Розенберг югуриб кириб тўхтаб қолади.

Розенберг. Сиз чойга нима солган эдингиз? Нима солган эдингиз, сиз чойга, сиз, сиз!

Ерга муккаси билан йиқилади. Тиришади.

10 Мария Николаевна қимирламай туради.

Харитонов (шошиб қолиб). Сизга нима бўлди? Сизга нима бўлди? (Розенбергнинг олдига югуриб бориб, уни тургизмоқчи бўлади, ўгирилади.)

Мария Николаевна гуноҳсиз кишидек девор олдида қимирламай тураверади.

Вернер (битта-битта шахдам қадам босганча Розенбергнинг ёнига келади, унинг қўлидан ушлаб, кўтаради). Бу қилғуликни ким қилди?

20 Мария Николаевна. Биз. Эрим билан уни захарладик.

Харитонов (тиз чўкиб). Ёлғон, капитан жаноблари, у ёлғон айтяпти. Беҳуда гап... Бу ишни қилган биз эмас.

Мария Николаевна. Биз, биз. Тур ўрнингдан. (Харитоновнинг олдига бориб, унинг қўлигидан ушлаб турғизади.) Тур, дейман, Саша, тур ўрнингдан. (Тез.) Бу ишни биз қилдик. Биз сизларни ёмон кўрамиз. Бу қилғуликни биз қилдик, биз икковимиз — эрим билан мен қилдим.

30 Харитонов. Жаноби Вернер! Жаноби Вернер!

Вернер. Сизлар мени ҳойнаҳой, бизни судга беради, деб ўйларсизлар?

Харитонов. Жаноби Вернер, ахир бу ишни мен эмас, хотиним, ҳаммасини шу...

Мария Николаевна. Рост, бу ишни биз қилдик. Сиз бизнинг ўғлимизни ўлдирган эдингиз. Биз сизнинг мана бу лаънатингизни захарладик.

40 Вернер. Мен сизни судга бериб ўтирмайман. Мен сизларни ҳар иккингишни атиги икки минутдан сўнг осаман, холос. (Ташқари эшикни очади.) Ҳой, ким бор, буёққа кел!

Мария Николаевна (эсини йўқотиб қути учиб кетган Харитоновни бағрига босиб, деворга суяниб қаттиқ қичқиради). Ос! Ос! Ос! Оса қол! Майли ос!

П а р д а

Бешинчи кўриниш

Тун. Лиман соҳили. Сувга тушадиган жой. Қандайдир иморатнинг орқа девори. Сахро орқали аста-секин юрганча Сафонов ва Ваяя ўтадилар. Сафоновнинг ўнг қўли боғланган.

10 В а л я. Мен бўлса ўтган гал худди шу ернинг ўзидан сузиб ўтган эдим.

С а ф о н о в. Ана ўша ўтган гал худди шу ердан сузиб ўтганлигинг учун ҳам бу гал шу ердан ўтмай бошқа ердан сузиб ўтасан. (Соатига қарайди.) Ҳозир кетамиз.

В а л я. Кечаси ёниб турар экан-а. Жуда яхши соат экан.

С а ф о н о в. Улан-Баторда сотиб олган эдим, эҳ-ҳе қанча бўлди.

В а л я. Қаерда бўлади?

20 С а ф о н о в. Улан-Баторми? Бу Монголия деган жойда бўлади, ўзи сен ҳозир машинада Жанубий кечикка олиб борасан, ўша ердан мен сени кузатаман. Айтмоқчи кейин портлатиш учун керак бўладиган пилта билан тасмани эсингдан чиқармадингми?

В а л я. Машинада ётибди. Хўш, кетамизми?

С а ф о н о в. Ҳозир...

В а с и н (уйнинг орқасидан чиқиб, аланглаб). Уртоқ капитан!

С а ф о н о в. Ҳа.

30 В а с и н. Ҳозир кетасизми?

С а ф о н о в. Ҳа, нима эди?

В а с и н. Мен, рухсат берсангиз агар, ротада қолсам дейман. Телефонни ҳам тузатганлари йўқ. Узим бу ерда навбатчилик қилмасам бўлмайди. Бўлмасамчи, ҳой, ўлиб кетавериш кишига жуда алам қилар эдида, айниқса мени айтмайсанми, қиёмат-қойимга ишонмайман. Ана энди муддаони гапирса бўлади. Кеча мен биринчи марта гумбур-гумбур тўп садоларини эшитгандаёқ биринчи марта, ҳа энди яшар эканмиз, деб

40 ишонч ҳосил қилган эдим. Модомики, менда ана шу айтганимдай яшашга умид пайдо бўлдим, сендан сўрайман. Валентина Николаевна, саккиз ўйлаб бир қа-

дам қўй, бекорга такадай иргий берма. Чунки, мен сени омон юришингни жуда, жуда кўргим келади.

В а л я. Мен ҳам шуни орзу қиламан. (*Тўсатдан хаёлга берилиб.*) Сафонич, ҳой Сафонич?

С а ф о н о в. Хўш?

В а л я. Ўзим.

С а ф о н о в. Гап бошлагандан кейин у ёғини айтгин-да.

В а л я. Мен сенинг онангининг олдига борганимда
10 суратингни кўриб қолдим, сенинг тўғрингда оғзимга келган саволнинг ҳаммасини бердим. Ойинг: «Мана бунни қара, ёшлигида жуда ҳам жажжи бола эди»,— дейди. Ҳақиқатан ёшлигингда жуда ҳам ёқимтой бола экансан, менга жуда ҳам ёқди. Кейин ойинг бирданига менадан сўраб қолди: «Ҳа, қизим, нега мунча суриштиряпсан?»— деди. Мен унга: «Йўқ, шунчаки ўзим»,— дедим. У бўлса яна ўсмоқчилаб: «Ундай бўлса дуруст, мен сизларни бир-бирларингизни севишиб қолган экансизлар деб ўйлабман»,— дейди. Мен бўлсам ийманиб:
20 «Йўқ, ўзим шунчаки сўрагандим», дейман.

С а ф о н о в. Валя. (*Уни соғ қўли билан қучоқламоқчи бўлади.*)

В а л я. Қўй, қўй, бу қилигингни қўй, Сафонич, гапимни бўлма, мен сенга қолганларини айтиб бераман. Шундай қилиб, мен ойингга «Ўғлингиз, қачон мени кўрса ҳазиллашиб қайлиқ дейди», дейман. Ҳай, нега мен қайтиб келгандан бери мени «қайлиқ» деб ҳазиллашмайдиган бўлиб қолдинг? Нега? Айтавер, бу ҳазил-ку...

30 С а ф о н о в. Ҳазил бўлгани учун айтмайдиган бўлдим-да... Шундай қилиб, сен қайтиб келганингдан кейин... (*Яна уни қучоқламоқчи бўлади.*)

В а л я. Қўй, шу қилигингни қўй. Бу ишни сенга ҳойнаҳой Глоба ўргатгандир, а?

С а ф о н о в. Бу ишга Глобанинг нима алоқаси бор?

В а л я. Ўзим биламан. Унинг ҳаммага айтадиган гапи битта: «Дунёга бир марта келамиз. Бу қизнинг кўнгли очиқ... эртага нима бўлиши маълум эмас, балки ўлиб кетармиз?»— дейди холос. Мен бўлсам эртага
40 ўлиш учунгина яшашни истамайман. Мен истайманки...

С а ф о н о в (*уни қўйиб юбориб, фақат қўлини ҳамон қўйиб юбормайди, эркалаб*). Хўш, сен нимани истайсан, менинг чучмўмам? Нимани истайсан? Сенга нима қилиб берай?

В а л я. Мени кузатиб қўй, Сафонич. Ҳам йўл оёғи

учун менга атаб бирорта яхши гапингдан гапир. Чунки мен бугун нимадандир хавотир олиб турибман. Йўқ, сен яна бошқа нарсани кўнглингга келтириб ўтирма. Шунчаки... ўзим бир оз. Бунинг зарари йўқдир, а?

Сафонов. Зарари йўқ. (Пауза.) Ҳар эҳтимолга қарши тўппонча олиб кетяпсанми?

Валя. Йўқ. Наган. Оғирлик қилгани учун ташлаб чиқдим.

10 Сафонов (ижирганиб соғ қўли билан ўзининг кичкина браунингни олиб). Ма, маникени ола қол.

Валя (олиб, браунингни кўздан кечиради). Жуда яхши. Мабодо бирор нарса бўлиб қолса, мабодо немислар — унда менинг тирик қолишимнинг фойдаси йўқ. Тўғрими?

20 Сафонов. Тўғри. Унда менинг ҳам тирик қолишимнинг фойдаси йўқ. Мана ҳозирча сенга айтадиган гапим шу эди. Қолганини бўлса кейин айтаман. Кейин, бизникилар келганда, ўшанда сен ҳам ишонасанки, биз эртага ўлиш учун яшагувчи кишилар эмасмиз, ана шунда айтаман. (Пауза.) Қани кетдик. (Уй томонга кета бошлайдилар.) Сен тўппончани қаерга қўйдинг?

Валя. Чўнтагимга солдим.

Сафонов. Сен яхшиси қўйнингга сол, кўкрагингга қўйсанг яна яхши бўлади. Яхшиси шу.

Кетадилар.

Саҳна бир оз бўш қолади. Кейин пастдан, қияликнинг сувга олиб тушадиган томонидан калла кўринади. Оҳиста ҳуштак чалинади. Унга жавобан яна ҳуштак эшитилади. Козловский киради.

30 Козловский й. Шу ердасиз?

Номаълум. Шу ердаман.

Козловский. Лаънатиларнинг жой топилмаган-дек шу ерда сайр қилиб юришини қаранг, а.

Номаълум. Сиз уларнинг нима тўғрисида гаплашганини эшитолдингизми?

Козловский. Йўқ, менга бунинг кераги ҳам йўқ. Мен ўзим шундай ҳам биламан. Жаноби Розенбергга шундай деб айтингки...

Номаълум. Ўлдирилган.

40 Козловский. Ўлдирилган! Бўлмаса сизни ким юборди?

Номаълум. Капитан Вернер.

Козловский. Бўлмаса жаноби капитанга айтингки, биринчидан шаҳарда, портлашми, шунга ўхшаган

бир нарсанинг тараддуди бор, нима эканлиги ҳозирча маълум эмас, аммо тараддуд бор; иккинчидан, тахминан бир соатдан кейин жанубий кечикдан шу ердан бояги сиз кўрган қиз ўтади. Фамилияси — Аношченко, оти — Валентина.

Но маълум. Унинг кечиб ўтиши портлашга алоқадорми?

Козловский. Назаримда шундай.

10 Но маълум. Унинг ёнида ҳужжатлари ҳам бормикан?

Козловский. Ҳойнаҳой бўлмас. Албатта энди, яхшилаб исканжага олиб сиқиштирилса ҳужжатсиз ҳам...

Но маълум. Албатта энди. Лекин шу бугун ўтиши аниқ гапми?

Козловский. Ҳа, бир соатдан кейин ўтади.

Но маълум. Бўлмаса, мен тезроқ кета қолай.

20 Козловский. Ҳа. Албатта энди. Яна жаноби капитанга айтиб қўйингки, тоғам тўғрисида қилинган маслаҳатли иш...

Но маълум. Қандай иш?

Козловский. Жаноби капитанга айтиб қўйингки, тоғам тўғрисида қилинган маслаҳатли иш,— унинг ўзи билади,— ҳозирча ўринламай турибди. Ҳозир гарнизон бошлиғи ҳам, у ҳам бир-бирларини қўллаб-қўлтиқламоқда. Яна бир уриниб кўраман.

Но маълум. Шуми?

30 Козловский. Шу. Ҳа, айтмоқчи сиздан бир нарсани сўрамоқчи эдим: Лиман томондан яқин орадан тўплар гулдуриси эшитилмоқда.

Но маълум. Руслар ҳужумга ўтиб, яқинлаб келмоқдалар. Шундай. Мен ошиқиб турибман.

Козловский. Дуруст.

Номаълум ғойиб бўлади. Узоқ сукунат. Сувнинг оҳиста шапиллаши эшитилади. Қаердандир яқин орадан ўқ товуши, кейин яна ўқ товуши эшитилади. Саҳнага Козловский кирмай Васин билан бир қизил аскар киради. Васиннинг қўлида карабин.

40 Васин. Шу ҳам кузатиш бўлдими? Хизмат вақтингиз тугаб ўрнингизга бошқа одам келганда сизни суд қиламиз! Шу орада кимдир соҳилга сузиб келди.

Қизил аскар. Ўзингиз ўқ уздингиз-ку, ўртоқ майор. Ҳеч нима кўринмаётибди-да.

Васин. Шунинг учун кўринмаяптики, кечикиб пайқагансиз. Қоровул бошлиғини менга айтиб юборинг!

Дарҳол! Мен шу ерда кутиб тураман. (*Қоронғиликка тикилиб.*)

Козловский сездирмай ўтиб кетмоқчи бўлади.

Тўхта! (*Карабинни ўқталади.*)

Козловский (*қутулолмаслигига кўзи етиб*).
Ошна.

Васин. Қим у?

Козловский. Мен, ўртоқ майор — Василенко.

Васин (*унга ёндаша келиб ва карабинни шай*
10 *ҳолда тутиб*). Бу ерда нима қилиб юрибсиз?

Козловский. Ўртоқ майор... Карабинни тушир-
сангиз-чи, ахир бу менман-ку. Мен ҳозир сизга ҳамма
гапни тушунтириб бераман...

Васин (*эътибор бермай карабинни ўша ҳолда ўқ-*
талиб тутиб тураверади). Бу ерда нима қилиб юриб-
сиз?

Козловский. Ҳалиги, постларни текширгани
чиққан эдим, ҳойнаҳой ўзингиз ҳам текширгани чиқ-
қандирсиз.

20 Васин. Бу сизнинг ротангиз эмас. Бу ерда нима
қилиб юрибсиз?

Козловский. Ахир айтаяпман-ку, ўртоқ майор.
Постларни текшириб юрибман. Хўш, ўзимнинг ротам
бўлмаса — нима қилибди? Биз, сиёсий ходимлар ҳам-
ма ерда кўз-қулоқ бўлиб туришимиз керак-ку.

Васин. Сиёсий ишнинг бунга ҳеч даҳли йўқ. Бу
сизнинг ротангиз эмас. Ахир жавоб берсангиз-чи, бу
ерда нима қилиб юрибсиз, охирги марта сўрайман.

Козловский (*бирданига журғатланиб*). Алек-
30 сандр Васильевич! (*Пауза.*) Саша тоға!

Васин. Аҳмоқона ҳазилларни йиғиштиринг! Жиян
эмиш!

Козловский. Албатта, жиянингизман-да.

Васин. Менинг Василенко деган жияним йўқ.

Козловский. Аммо лекин сизнинг Николай Коз-
ловский деган жиянингиз бор-ку, Қоля жиянингиз.

Васин. Хўш?

Козловский. Александр Васильевич, мен ҳозир
сизга ҳамма гапни бирма-бир тушунтириб бераман.

40 Васин. Хўп. Қулоғим сизда.

Козловский (*ишониб*). Сиз ҳам менга диққат
қилинг, қулоқ беринг. Мен сизга яхшиликдан бошқа
нарсани истамайман. Эшитяпсизми?

Васин. Мен сизга бир марта айтдим-ку, ахир қу-
лоғим сизда, деб.

Козловский й. Сиз мени яхши эслаёлмаётисиз-а?
Васин. Тўғри, эсламаяпман.

Козловский й. Ахир сиз Николаев шаҳрини ёдингизга туширинг, Трехсвятская кўчада онаминг олдига борганингизни эсланг. Мен ўшанда, ўн беш ёшда эдим.

Васин. Тўхтаг-чи, сиз чиндан ҳам менинг жияним бўласизми?

10 Козловский (шошилиб). Чиндан, чиндан. Шунинг учун ҳам ҳозир мен сиз билан бемалол сўзлашиб турибман-да. Мен ҳеч нарса демаслигим ҳам мумкин эди-ку.

Васин. Сиз бу ерда нима қилиб юрган эдингиз?

Козловский й. Менми... Мен келинг, сиз билан очикчасига гаплашиб қўя қолай. Сиз аввало мени эски офицер сифатида, кейин эса онаминг акаси, менинг тоғам сифатида тушунишингиз керак.

Васин. Қани, хўш, қулоғим сизда.

20 Козловский й. Мен сизни қутқариб қолмоқчиман. Қуни эртага немислар шаҳарга сўнгги атака қиладилар. Биз ҳаммамиз нобуд бўламиз. Сиз ҳам нобуд бўласиз, агар...

Васин. Хўш, «агар»дан кейин нима гап экан, билайлик-чи?

Козловский й. Агар мен сизни ва ўзимни қутқазмасам... сиз нега беҳуда нобуд бўлиб кета беришингиз керак? Қонингиз минг қайнаганда ҳам уларга қўшилмайди-ку. Нега ахир?

30 Васин. Сиз мени қутқазиш учунгина атайлаб бошқа кишининг фамилияси остида бу ерга келдингизми?

Козловский й. Албатта йўқ, мен ёлғон гапирмайман. Фақат шунинг учунгина эмас. Аммо шунинг учун ҳам келдим. Албатта шунинг учун. Биз ўзимизнинг қонқариндошлигимизни эсимиздан чиқармаслигимиз керак. Этни тирноқдан ажратиб бўлмайди. Мен унутганим йўқ. Мен сизнинг бу ерда эканлигингизни билардим.

Васин. Хўш, қани, сиз менга нима таклиф қиласиз?

Козловский й. Бир амаллаб қутулайлик.

40 Васин. Мумкинми, билсам, қандай қилиб ахир?

Козловский й. Тонг отгунча у томонга сузиб ўтиш керак, у ерда ҳамма нарса тайёр бўлади: Икковимиз — сизу мен бирга сузиб ўтамиз. Сизни яхши кутиб оладилар, бунисига мен кафилман. Улар сизнинг бу ишни ноиложликдан қилаётганингизни биладилар. Мен буни уларга аллақачон тушунтириб қўйганман.

В а с и н. Тушунтириб қўйганмисиз?

К о з л о в с к и й. Ҳа, тушунтириб қўйганман. Мен уларга, менинг бу ерда тоғам бор, у бизга душман эмас, уни қутқазиб қолиш керак, дедим.

В а с и н. Хўш. Бу ерга нега келдингиз?

К о з л о в с к и й. У ёқдан бир одам сузиб ўтди. Мен сиз билан тонгга яқин сузиб ўтмоқчи эдим, бу тўғрида ҳам гаплашиб қўйдим. Мен бу ердан бари бир олдингизга бормоқчи эдим. Бу ерда учрашиб қолганимиз жуда ҳам яхши бўлди.

В а с и н. Эҳтимол!

К о з л о в с к и й. Сиз шунга розимисиз?

В а с и н. Мен ўйлаб кўришим керак.

К о з л о в с к и й. Менга қолса кўнаверганингиз маъқул. Бари бир бошқа иложи йўқ. Сиз мени фош қилар экансиз, мени отиб ташарлар. Мен ўлимдан кўрқмайман, бўлмаса бу томонга кечиб ўтмасдим ҳам. Хўш, бундан нима чиқди? Мен нобуд бўлсам, ярим кунга қолмай сиз ҳам нобуд бўласиз, мен — руслар қўлида, сиз — немислар қўлида. Бунинг сизга нима қизиғи бор? Улар сизга нима яхшилик қилиб бериб қўя қолган эканки, уларни деб ўзингизни ҳам, мени ҳам нобуд қиласиз? Агар шу ишлар бўлмаганда, агар шу революция бўлмаганда борми, сиз аллақачонлар тиниб-тинчиган, муҳтарам бир зот бўлардингиз, ниҳоят генерал бўлардингиз. Бунинг ҳам ортиқча қизиғи йўқ, гап бунда ҳам эмас. Гап шундаки, ҳозир бир амаллаб қутулиш керак. Шундай эмасми? Сиз менинг фикримга қўшиласизми?

30 В а с и н. Эртага атака бўлишини сиз аниқ била-сизми?

К о з л о в с к и й. Ҳа, ҳа, аниқ биламан.

В а с и н. Яхши. Юринг штабга борамиз, менинг хонамга кириб ўша ерда нима қилсак ишнинг силлиқ чиқишини бамайлихотир мулоҳаза қиламиз.

К о з л о в с к и й. Нега ахир? Бу ишнинг мулоҳаза қилиб ўтирадиган нимаси бор?

В а с и н. Шу ҳам гап бўлдими? Сиз мен билан худди ёш болалар билан гаплашгандек гаплашяпсиз, а.

40 Бу ишни қилгандан кейин ўринлатиб адо этиш керак-да. Штабнинг ҳужжатлари, қоғозлари, хариталарни қўлга олиш керак-да. Ўтадиган бўлгандан кейин, уларга арзитадиган бир иш қилиб ўтиш керак-да: бу ишга бел боғлагандан кейин катталарга ўхшаб, бординки, офицерга ўхшаб адо этиш керак-да, болаларга

ўхшаб иш қилиш керакми? Наҳотки сиз шуни ҳам билмасангиз?

Козловский. Ҳа. Сизнинг гапларингиз тўғри, аммо...

Васин. Ҳали сиз, мени фош қилиб уларнинг қўлига топшириб қўяди, деб қўрқаяпсизми? Мен бунисизни у ерга сургаб юрмай шу ернинг ўзида ҳам бажариб қўйишим мумкин эди-ку. Ўзингизни аҳмоқликка солаверманг. Ҳозир қоровул бошлиғи келади, кейин бирга кетамиз. Лекин тез амалга ошириш керак, биришни қиламан дедингми — қилиш керак, темирни қизигида бос деб бежиз айтилмаган. Сиз билан мен адибади айтишиб вақтни ўтказмаслигимиз керак. Дарвоқе, мана сиз, ўзингизни кимсан разведкачи деб атаб юрибсиз, бугун яна ярим соатдан кейин Жанубий кечик томондан Аношченконинг нариги томонга ўтишидан хабарингиз борми? Бу тўғрида ҳалиги айғоқчингизга ундай-бундай деб бўлса ҳам хабар бериб қўйдингизми? Ҳойнаҳой хаёлингизга ҳам келмагандир?

Козловский. Йўғ-э, хаёлимга келган, аллақачон хабар берганман. Сиз ҳали ҳам мени ким эканлигимни билмас экансиз-да, биз бир ишни бошлаганда пухта бошлаймиз.

Васин. Ундай бўлса дуруст, мени кечиринг, ўринлатибсиз, яхши бўлибди.

Қоровул бошлиғи ва қизил аскар кирадилар.

Ўртоқ сержант, соқчини ўзгартиринг. Бу ерда кимдир соҳилга сузиб ўтганга ўхшайди. Мен сувнинг шапиллаганини эшитдим-у, соқчи ҳеч нима эшитмабди. Тезликда унинг ўрнига бошқа одам қўйиб ўзини қамоққа олинг.

Қоровул бошлиғи. Хўп бўлади, ўртоқ майор!

Васин. Мен сизнинг қоровулхонангиздан карабин олган эдим, мана олиб қўйинг. (*Козловскийга.*) Тезроқ бўлинг. (*Соатга қараб.*) Тонг отишига уч соат қолди, тез-тез қимирланг! (*Чиқиб кетади.*)

Парда

Учинчи парда

Олтинчи кўриниш

Сафоновнинг штаби. Стол атрофида овқатланиб бўлган Глоба, Панин, лейтенант Васильев ўтирадилар. Шура столи

йиғиштиради. Глоба ўзича гингиллаб ашула айтади. Сукунат. Лейтенант гимнастеркасининг чўнтагидан фотосурат олиб уни кўздан кечира бошлайди.

Глоба. Нимага тикиляпсан, у нима?

Лейтенант. Қиз, бир қизнинг сурати.

Глоба. Қани буёққа бер-чи, бир назар солиб кўрай.

Ҳаммалари индамай навбатма-навбат суратни кўрадилар.

Чакана эмас, дўндиққина. *(Панинга беради.)*

10 Панин. Тўғри, чиройлик. *(Лейтенантга беради.)*

Лейтенант. Ярим йилдан бери кўрганим йўқ, хойнаҳой унутиб ҳам юборгандир.

Глоба. Қани яна бир кўрсат-чи. *(Яна бир бор кўриб суратни қайтариб беради.)* Сурати шу бўлса унутмаган.

Лейтенант. Унутмаганми-а?

Глоба. Албатта унутмаган. Чунки хушрўй қиз экан. Юз-кўзининг ўзи айтиб турибди. Кўришим биланок имоним комил бўлдим. Унутган эмас. Ташвиш
20 тортмай кўя қол.

Лейтенант *(суратга қарайди. Панинга)*. Сизда ҳам шунақа суратлардан борми, ўртоқ старший политрук?

Панин. Мендан сўраяпсизми? Аллақаерда ҳам бордек эди.

Лейтенант. Кўрсатинг, битта кўрайлик.

Панин. Аллақайси чўнтагимга солиб қўйган эдим-да.

Лейтенант. Қелинг, энди кўрсата қолинг.

30 Панин *(чўнтагини титкилаб сурат олади)*. Жуда фижимланиб кетибди.

Лейтенант *(қарайди)*. Ҳа деганда кўрсатмаганингизча ҳам бор экан, буни қаранг-а, кечиринг билмасдан кўзим тушиб қолди, орқасида хати ҳам бор экан...

Панин. Зарари йўқ, бу ерда унчалик сир гап ёзилган эмас.

Лейтенант. Бу қуралай кўзларини қаранг, а! Шу кўзлар сизни интизор бўлиб кутади. У сизни албатта кутади...
40

Сафонов *(устини қоқиб киради)*. Ёмғир ҳам қуйиб юборди. *(Пауза.)* Оббо, уй ичларингни кўмсаб ўтирибсизларми, дейман? Ҳа ёзувчим, сенинг уйинг жуда узоқдадир?

П а н и н. Узоқда.

С а ф о н о в. Ҳа, Глоба, сенинг қўлингда сурат кўринмайди, қани сени севганинг?

Ш у р а. Бу кишини қўяверинг. Бу кишининг феъл-атвори бўлса, битта сурат эмас, бутун бошли альбомни қўлтиқлаб юришларига тўғри келади.

Г л о б а. Ана шу ерига қолганда чакки кетдингиз, Шурочка. Дуруст, мен бўйдоқликка-ку бўйдоқман, аммо лекин бутун бошли альбомни қўлтиқлаб юриди, деган гапингиз чакки, беҳуда гап. Мабодо олиб юриш керак бўлса, шунақа биттасини олиб юргинки, кўзинг тушар-тушмас юрагинг каптарбаччадек ўйнаб кетсин, чунончи киройи кўтариб юрилса, Шурочка, сизнинг суратингиз арзийди. Қандай қилайки, сиз менга ҳадя қилмайсиз?

Ш у р а. Ҳадя қилмайман ҳам-да.

Г л о б а. Ана холос, айтмадимми. Дарвоқе, капитанмизни айтайлик, у ҳам севганининг суратини қўйнида солиб юрмайди. Яъни айтмоқчиманки, унинг мазкур маъшуқаси истаган вақтида ёнма-ён ўтириши мумкин, аммо бу бўлса узоққа жўнатиб ўзидан четлаштиргани четлаштирган.

С а ф о н о в. Сен бу ишга аралашаверма. Ўзинг биласан-ку, ундан бошқа ҳеч ким бўлмаса нима қилай...

Г л о б а. Ҳеч бўлмаса мен-чи.

С а ф о н о в. Сенинг ҳали навбатинг келиб қолади. Мен сени тишимнинг қавагида асраб қўйибман, мен сени пичоқ бўғизга келиб тақаладиган пайтда жўнатаман.

Г л о б а, Пичоқ бўғизга келиб тақалади деган пайтинг ўзи қачон бўлади?

С а ф о н о в. Пичоқ бўғизга келиб тақаладиган пайтми? У шундай бир пайтки, мабодо ҳалиги айтганинг ҳалок бўлса, унда сен борасан.

Сукут.

Яна икки кунгина бўкиб ўтира турамыз, кейин ҳамма иш ўринлаб кетади. (*Панинга.*) Сен ҳам, оғайни, алоҳида бўлим бошлиғи, бу ишларингни бошқага топшириб ёзув-чизувингга киришиб кетасан.

П а н и н. Дарҳақиқат, газетадагилар ҳам, ўз махсус мухбиримиз қаёқдадир йўқ бўлиб кетди, деб ўйлаётган бўлсалар керак... Мен ўзимизникилар билан қўшилишган замон «менинг немисим» деган мақоламини ёзаман: бу мақолада шу қўлларим билан, яъни

урушгача қалам тутиб келган қўлларим билан биринчи ўлдирган немисимни тасвирлайман.

Васин шахдам юриб киради, орқасида Козловский.

Васин. Ўртоқ капитан, Аношченко сузиб ўтиб кетдимикан?

Сафонов (*соатига қараб*). Мен боримда ўтгунча йўқ эди, ҳозир ўтиб кетгандир. Хўш нима эди?

Васин. У жанубий кечикдан ўтиши керакмиди?

Сафонов. Ҳа дедим-ку, нима гап ўзи?

10 Васин. Ўртоқ лейтенант, иккинчи ротани телефонга чақиринг! Дарҳол!

Охирги сўзлар вақтида, Васиннинг олдидан турган Козловский й тўплончани олади, лекин буни илгаридан билдирмай кузатиб турган Васин ўгирилиб енгил ҳаракат билан унинг қўлини бураб юборади. Тўплонча ерга тушиб кетади.

Қўлига қурол оладиган одам, урдасидан чиқса олади.

Сафонов. Ўзи нима гап?

Васин. Ҳозир, ўртоқ Панин, бир-иккита қизил аскарлардан чақириб буни бу ердан четлатинг.

20 Панин (*ташқари эшигини очиб*). Навбатчи!

Қизил аскар киради.

Алоҳида бўлимга менинг ихтиёримга олиб бораверсинми?

Васин. Йўқ, ҳозирча шу орага қўйилсин. Кузатиб турунг.

Панин (*қўшни хонанинг эшигини очиб*). Қани, юринг!

Козловский ўрнидан қўзғалмайди.

Юринг дейман!

30 *Козловский, Панин ва қизил аскар чиқиб кетадилар.*

Сафонов. Хўш, нима воқеа рўй берди, Александр Васильевич?

Васин. Ҳозир. (*Лейтенантга.*) Чақирдингизми?

Лейтенант. Ҳа, чақирдим.

Васин (*телефонга*). Аношченко ўтиб кетмаган бўлса, тўхтатиб турунглари. Мен сиздан: ўтказиб юбордиларингизми ё йўқми, деб сўраяпман? (*Пауза.*) Мен телефонда нималар тўғрисида гаплашиш мумкин-у, ни-

малар тўғрисида гаплашиш мумкин эмаслигини яхши биламан. Утказиб юбордиларингизми ё йўқми? Тушундим. Маъқул. Утказиб юборишибди. Аттанг, кечикибман.

Сафонов. Александр Васильевич, бир оғизгина гап билан тушунтириб бера қолсанг-чи.

Васин. Худди шундай. Ҳозир тушунтириб бераман. (*Козловский олиб кетилган эшикка имо қилиб.*) Бизнинг жиян яхшироқ тушунтириб беради. Юринг.

10 (*Уша хонага кириб кетадилар.*)

Шура. Иван Иванович!

Глоба. Ҳа!

Шура. Бу нима деган гап? Наҳотки, Валечка нобуд бўлиб кетаверса?

Глоба (*аччиғланиб*). Бас!

Шура. Наҳотки, нобуд бўлиб кетаверса!

Глоба. Бас деяпман!

Шура. Наҳотки шу оғир пайтларда ҳам унга раҳмингиз келмаса, у ҳалок бўлиб кетаверадими?

20 Глоба (*мушти билан столга уриб*). Бу тўғрида чурқ этма, деяпман, бас деяпман! У нобуд бўлмайди!

Сафонов (*эшикда кўриниб*). Глоба!

Глоба. Ҳа?

Сафонов. Фуқаро кийим-бошларини кийиб ол. Дарҳол. Улар қаерда эди?

Глоба. Госпиталда.

Сафонов. Югур! (*Эшикни бекитади.*)

Глоба. Ана холос, бизнинг навбат ҳам келди, пичоқ бориб бўғизга тақалган пайт деб шуни айтадилар,

30 Шурочка! (*Эшик томонга бориб, ўгирилади.*) Ҳойнаҳой атирдан бўшаган шишанг бордир, шунга озгина арақ қуйиб қўй, сувдан сузиб чиққандан кейин, баданни қиздиришга керак бўлади. (*Кетади.*)

Шура (*бир ўзи. Машинкаси турган стол олдига бориб, яшикни титади, шиша олиб унга узоқ ўйланиб қараб туради*). Валечканики, озгина қолибди... Энди бари бир...

Сафонов, Васин, уларнинг орқасидан Панин ва қизил аскарнинг ўртасида камарсиз, петлицалари олиб ташланган Козловский киради.

40

Сафонов. Глоба кетдими?

Шура. Ҳа.

Сафонов. Яхши. (*Васинга.*) Хайр, бўлар иш бўлибди. Бартараф қилиб қўя қолиш керак. Менингча, ҳамма гап равшан.

В а с и н. Уни кўрмаганимга ўн тўрт йил бўлди, у ҳам шу муддатда анча ўзгариб қолибди. Аммо шундай бўлишига қарамасдан тусини тусмоллаб билишим мумкин эди, андаккина бепарволик қилиб қўйибман. Шунинг учун истаган жавобгарликка тортилишга тайёрман.

10 С а ф о н о в. Бе, қўйсанг-чи, жавобгарлигингга бало борми, Александр Васильевич. Шу битта итвачча деб ўзингни диққат қилаверма. Ҳа, бор, жиянингоқ бўла қолсин, падарига лаънат. Отамиз ташлаймиз — шу ташвишдан қутуласан, жиянингнинг оти ўчади-қўяди. Уртоқ Панин! Ўзингнинг хонангга кир, бир варақ қорозга протокол ёзиб ташла. Лекин гапни чўзиб ўтирма. Унинг бирор иши йўқки, тонг отарга қолиб кетса, ҳозир ўлса ҳам бўлаверади. Тушундингми?

П а н и н. Тушундим.

Козловский қунишганча девор олдида туради.

Қизил аскар. Кетдик!

20 Козловский (*Васиннинг олдидан ўтиб*). Мен-ку ўлиб кетарман, аммо сиз худонинг ғазабига гирифтор бўлинг. Сиз, сиз менинг тоғам эмас... сиз аслида...

С а ф о н о в. Албатта-да, у сенга қандай қилиб тоға бўлсин?! Сенга ўхшаган ҳаромзодани жияним деб айтишга кимнинг ҳам кўзи учиб турибди дейсан!

Панин, қизил аскар ва Козловский чиқиб кетадилар.

В а с и н. Уртоқ капитан, рапорт бериб, бу ишни ҳар томонлама текшириб кўришларини илтимос қиламан...

30 С а ф о н о в. Рапорт деган гапни йиғиштир, Александр Васильевич! Сен билан менинг ҳозир рапорт ёзиб ўтирадиган вақтимиз эмас, сен билан мен куни эрта жангда бўлишимиз керак, жанг қилишимиз керак. (*Бошини столга эгганча индамай қолади.*)

В а с и н. Нима бўлди, Иван Никитич?

Сафонов индамайди.

Сизга нима бўлди дейман, Иван Никитич?

40 С а ф о н о в (*бўғиқ*). Кўприк тўғрисида-ку Валя уларга ҳеч бир очмаса керак. Бу хатони биз тузатишимиз мумкин. Орқасидан Глобани юборамиз. Валя айтмайди... Мабодо айтиб қўйса-чи... йўқ, йўқ, у ҳар қалай айтмайди. Александр Васильевич, сен айтмайди, деган гапнинг маъносига тушунасанми?

Навбатчи (*эшикни очиб*). Сизга армиядан одам келди, ўртоқ капитан.

Сафонов. Армиядан дедингми? Ким келибди?

Гаврилов (*кираётиб*). Мен — капитан Гаврилов, 49-армия штабидан келдим.

Сафонов (*унинг қаршисига туриб*). Жуда ажойиб. Сафонов, капитан. Ҳойнаҳой самолётда келгандирсиз?

Гаврилов. Ҳа, самолётда келдим. Рости шуки, роса совқотдим.

Сафонов. Шура, ҳой, қани тез бўл, келтира қол! Иссиққина чойни ҳам эвини қил.

Шура унинг қулоғига пичирлайди.

Хўш, бошқа иложимиз ҳам йўқ. Эртага атаб олиб қўйилганидан олиб кела қол. Сув тўғрисида гап кетяпти — яъни, сув йўқ эмиш. Зарарсиз. Топоади. Қани ўтиринг, танишинг. Сизни биз томонга ким юборди?

Гаврилов. Генерал-майор Луконин.

Сафонов. У ерда ишлар қандай?

Гаврилов. Яқинлашиб келяпмиз.

Сафонов. Ҳа-ҳа, шундай денг! Демак бугун-эрта шу ерда бўлар экансизлар-да?

Гаврилов. Шунақага ўхшаб турибди. Ҳозир мен сизга буйруқни топшираман.

Сафонов. Жуда яхши, жуда яхши. Мен буйруқ кўрмаганимга ҳам аллақанча вақт бўлди. Ўзбошимча иш қилавериб роса миям қотди.

Гаврилов унга буйруқни топширади.

(*Пакетни йиртаётиб*.) Биз бу ерда сизнинг келишингизга пешкаш тайёрлаб қўйган эдик. (*Оҳиста*.) Бугун эрта билан кўприкни портлатишимиз керак. Лиманнинг у тарафида немисларнинг қўлида нимаики бўлса ҳаммаси ўша томонда қолаверади.

Гаврилов. Кўприкни портлатамиз, дедингизми?

Сафонов. Ҳа! (*Буйруқни ўқийди*.) Маъқул, маъқул... Шундай. Э... эҳа, гап бу ёқда экан. Демак, кўприк... кўприкни қолдиришга тўғри келаркан, Александр Васильевич?

Васин. Қолдиришга тўғри келар экан, дейсизми?

Сафонов. Ҳа, қолдиришга тўғри келади. (*Ҳуштак чалиб юборади, унга буйруқни узатади*.) Васильев! Лейтенант. Шу ердаман.

Сафонов. Жой-жойда турган командирларга телефон бер. Ҳаммалари йиғилишсин. (*Гавриловга.*) Улар тез етиб келишади. Бизда унчалик кўп жой қолган эмас, ҳаммаларини ярим соатда йиғса бўлади. Уқиб чиқдингми, Александр Васильевич?

Васин. Уқиб чиқдим.

10 Сафонов (*оҳиста*). Александр Васильевич, маълум бўлишига қараганда сен билан менинг тирик қолиш тўғрисидаги фикримизни бир четга қўйиб туришга тўғри келади шекилли. Нима дейсан, а?

Васин. Мутлақо тўғри.

Гаврилов. Генералнинг ўзи ҳам сизга шахсан бир эллик хат бериб юборган эди.

20 Сафонов. Ия, ҳали бунақаси ҳам бор дегин? Қани, бу ёққа бер-чи. (*Хатни олиб ичиди йўқийди.*) Мана бу гапни қаранг. «Менинг қимматли собиқ шофёрим, ҳозирда эса капитан,— дебди,— ана бу гапи тўғри.— Халхин-Гол ёдингдан чиқмасин», дебди. Хўш, ана, ёдимиздан ҳам чиқмайди. Яна, шунга ўхшаган бир талай сўз ёзибди. Аввали ҳам шуки, бу хат генералдан бўлгани учун, кейин бир дўстингдан бўлгани учун кишига бир эмас, икки бор ёқади. Хўп бўлди, Халхин-Гол ёдимиздан чиқмагани бўлсин, ёдимизда сақлаймиз, ўртоқ генерал. Бас, маълум бўлдики, бизлардан ҳеч ким бир-бирини унутмайди. Тирик бўлсак ҳам унутмайди, ўлсак ҳам унутмайди.

Панин киради.

Хўш ишларни тугатдингларми?

30 Панин. Тугатдик. Протокол масаласи эса...
Сафонов. Кераги йўқ, ўтган ишга саловат. Назаримда, бу хилдаги расмиятлар ортиқча. Панин, мана мен буйруқ олдим. Армия Лиманга яқинлашиб келаётганмиш. Немислар сув томонга суриб қўйилибди. Немисларнинг орқа томонидаги кўприкни портлатиш тўғрисидаги фикримиз бор эди-ку, бу фикримиз маъқул чиқмай қолди. Мана ўртоқ капитан шаҳарни қолдириб бутун кучларни йиғиб ақалли икки соатгагина бўлса ҳам кўприкни қўлга киритиб туриб туриш тўғрисида буйруқ олиб келди. Бу, албатта, бизнинг қисмларимиз
40 етиб келгунча бўлиши керак, тоинки улар шу кўприкдан ўтиб яна ҳам илгарироқ бориш имкониятига эга бўлсинлар, маъқулми?

Панин. Маъқул.

Сафонов. Маъқулликка-ку маъқул-а, қийин, ишда. Панин, икковимиз одамлар билан гаплашишимизга

тўғри келади. Чунки кўприкни портлатиб юбориш деган сўз — кўприкни олиш керак деган сўз олдида ҳеч гап эмас, осон иш эди. Чунки одамлар жуда чарчаган, улар аллақачон, бизникилар келгунча яна икки кунгина кутамизу, иш тамом, деб умид қилар эдилар. Энди бўлса — улар кўприкни қўлга киритишлари ва шу кўприк учун жонбозлик кўрсатишлари керак бўлиб қолди. Ана шу гапни уларга тушунтириш керак. Гапларимга тушундингми, Панин?

П а н и н. Хўл, тушунтирамиз.

С а ф о н о в (*Гавриловга*). Чунончи, бир одам ярим йилдан буён жанг қилиб келаётган бўлса унга кунини эрта отпуск ваъда қилган бўлсалар, ўша одам отпусмага чиқай-чиқай деб турганидан икки соат олдин унга келиб, сен яна атакага борасан, деб буюриб қолсалар, унинг учун бу атака энг малол келадиган вазифалардан бири бўларди. Қандай қилайлик, оғирликка оғир, аммо бажарамиз. Кўприкни эгаллаш масаласини шахсан мен ўз зиммамга оламан. Сен бўлсанг, Александр Васильевич, душманни чалғитиб тинкасидан толдириш учун иккинчи ротадан қолган одамлар билан бирга Шимолий кечик томонга борасан. Гўё душман ҳалқасини ёриб ўтмоқчи бўлгандек бир ҳаракат кўрсатасан, лекин ана шу ҳаракатни шундай усталик билан амалга оширасанки, Александр Васильевич, бу ишинг худди чинакамга ўхшасин, у кўприк тўғрисида тамоман унутиб қўйсин, душманнинг ёдидан кўтарилиб кетсин. Унинг бутун диққати сенга қаратилган бўлсин.

В а с и н. Демак, бир томоша кўрсатар эканмиз-да.

С а ф о н о в. Балли, томоша кўрсатасан, фақат сен бу сўзни унутишинг керак. Ёнингда бўлган одамлар астойдил жангга киришмоқлари керак. Олдинда бирорта мақсад турмаса, ҳеч ким жонини ўлимга тикмайди. Бундай ишга сен чидаб беришинг мумкин, аммо бошқалар чидолмас. Мана Панин сен билан бирга комиссаринг бўлиб боради.

В а с и н. Мен шунисидан хавотирманки, улар бундай тузоққа илинмасмикан.

С а ф о н о в. Илинади, албатта илинади, мен ақл югуртириб кўрганман, илинмасдан қолмайди.

Г л о б а граждан кийимида кириб келади.

Мана Глоба, уларни тузоққа илинтириш учун сенга ёрдам бериши мумкин. Бу ёққа кел, Глоба.

Г л о б а унинг олдига бориб туради.

Гап шуки, нариги томонга ўтиб Василийни топасан, унга, кўприкни портлатиш қолдирилсин, дейсан. Маъқулми?

Г л о б а. Маъқул.

С а ф о н о в. Бу ишни бажарганингдан кейин...

Г л о б а. Қайтиб келавераманми?

С а ф о н о в. Бу ишни бажарганингдан кейин... кейин немисларнинг комендатурасига борасан.

Г л о б а. Хўш?

- 10 С а ф о н о в. Немис комендантга борганингдан кейин, хуллас у ерда бошқа бошлиқлари бўладими, мен собиқ кулак эдим, ҳақсиз эдим, жазога тортилган эдим, дейсан, у дейсан, бу дейсан, хуллас, гапингни топиб гапирасан. Тушундингми?

Г л о б а. Тушундим.

С а ф о н о в. Оғзингга келган гапни айтгин-у, аммо ишонтир, сидқидилдан айтаётибман, дегин. Тушундингми?

Г л о б а. Тушундим.

- 20 С а ф о н о в. Маъқул. Бу ердан қочиб ўтганингни гапир, ланъати большевиклар дастидан қочиб ўтдим, де, менда баъзи маълумотлар бор, улар қисмлар яқинлашиб келаётгани учун кечаси Лиман бўйлаб Шимоллий кечик олдида шаҳардан ёриб чиқиб кетишмоқчи, деб уқтир. Тушундингми? Улар бу ишни эртага соат саккизда бошлашмоқчи, деб вақтини ҳам айтган бўл.

Г л о б а. Тушундим.

- 30 С а ф о н о в. Аммо шуниси ҳам борки, улар ўсмоқчилаб, секин айлантириб кўришади, сен гапингда қатъий туриб оласан. Улар сени қамаб қўйишади. Шунда ҳам гапингда туриб оласан. Улар ўшанда сенга ишонишади. Кейин, улар бу гап тўғри чиқмаса отиб ташлаймиз, деб сени гаровга ушлаб туришади.

Г л о б а. Хўш, бу гап оқибатда қандай чиқади. Шундай чиқадими ё чиқмайдами?

- 40 С а ф о н о в. Бу оқибатда бундай чиқмайди. Бундай чиқмайдида, Иван Иванович, бундай чиқмайди, азизим, лекин менинг бошқа иложим ҳам йўқ. Мана қўлимда буйруқ турибди. Уни сенга ўқиб бериб ўтириш ортиқча, лекин бир нарса эсингдан чиқмасинки, зўр бир тақдир, кўп кишининг тақдири сенинг қўлингда.

Г л о б а. Дуруст, хуллас қўлимдан келганича тиришаман... (Пауза.) Борди-ю, ўладиган бўлсам, қўшиқ айтсам майлими?

Сафонов. Майли, азизим, майли.

Глоба. Ундай бўладиган бўлса, жуда соз. (Оҳиста.) У билан учрашиб қолиб, бир авахтага қамаб қўйилган тақдиримда, мен унга айтиб қўйишим мумкин бўлган гапларингиз йўқми?

Сафонов. Нимани ҳам айтиб қўярдинг? Сен аввал бир разм солиб кўр, агар унга бирон гапни айтишнинг ўрни бўлмаса, ҳеч нима дема, борди-ю, унга бирон гапни айтиш ўрни бўлса-чи — Сафонов менга, сени севишини айтиб қўйишимни илтимос қилди, дейсан. Гап шу, вассалом.

Глоба. Яхши.

Сафонов. Майли...

Глоба. Сафарга кетишдан олдин бир озгина ўтирилса киши бахтли бўлармиш, деган ақида бор дейдилар.

Ҳаммалари ўтирадилар.

Шура!

Шура. Ҳа.

Глоба. Қани, йўл оёғи учун ярим стакангина қуйиб бер.

Шура унга арақ қуйиб беради.

(Дарҳол ичиб юбориб, Гавриловга мурожаат қилади.) Нега тикилиб турибсан, ўртоқ капитан? Мен буни дадил бўлиш учун эмас, исиниш учун ичдим-ку. Дадил бўлиш учун арақ ёрдам бермайди. Дадил бўлиш учун менга қўшиқ мадад беради. *(Ҳамманинг қўлини қисади. Эшик олдига борганда ўгирилиб бирдан: «Соловей, соловей-пташечка...» қўшиғини айтиб юборади. Қўшиқ айтганча чиқиб кетади.)*

Жимлик.

Сафонов. Сен эшитдингми, ё эшитмадингми, ёзувчим? Сен русларнинг ўлим қаршисига отлаб боришларини эшитдингми, ё эшитмадингми?

Еттинчи кўриниш

Тўртинчи кўринишдаги декорация. Харитоновнинг уйи. Уй эгалари йўқ. Овқатланиш хонаси қоровулхонага айлантирилган. Шипшийдан. Мебеллар синдирилган, пардалар йиртилган, девордаги портретлар тартибсиз осилиб ётибди. Деразалар ташқариси-

дан хоч қилиб тахтачалар қоқилган. Ичкаридаги эшиклардан бирга тунука қопланиб ҳалқа қилинган. Ташқаридаги юқорисига ойна қопланган равондан аҳён-аҳёнда соқчининг милтиғи ва каскаси кўриниб қолади. Саҳнада стол атрофида боши танғилган Вернер ва хатчи Краузе ўтирадилар.

Вернер. Аҳмоқсиз, Краузе, сиз шунинг учун аҳмоқсизки, қизни қўлга туширгандан кейин уни ўша захотиёқ дастлабки терговдан ўтказишингиз керак эди. (Тунука қопланган эшикка имо қилиб.) Кейин бошқалар билан бирга қўшиб қамаб қўйиш қочмас эди.

Краузе. Ижозат этинг, жаноб капитан, сиз йўқ эдингиз, ноилож қолдим, бошқалар билан бирга қамашга мажбур бўлдим.

Вернер. Мен бор эдимми, йўқ эдимми бунинг аҳамияти йўқ, ҳар ҳолда, уни бошқалар билан бирга қамаш мумкин эмас эди. Энди бўлса қиз илгариги қамалганлар билан тил бириктириб олган бўлади-да, нима сўрасанг ўшалар уқтирган гапни айтади. У албатта энди кампирни фақат кўргани келган эдим холос, шунинг учун юборишган эди, деб бизни ишонтиришга тирishaди, шу гапида туриб олади. Унинг шундай қилишига сабаб битта, у ҳам бўлса сизнинг аҳмоқлигингиз. Бу гапларга энди ақлингиз етгандир?

Краузе (ўрнидан туриб). Худди шундай, жаноб капитан.

Вернер. Қизни буёққа чақиринг.

Солдат В а л я н и олиб киради. У қийналган ва ҳориган. Дармонсиз қўллари шалвираб туради.

Сизни ўласи қилиб уришибди деб эшитдим, шу ростми?

В а л я. Рост.

30 Вернер. Агар сиз бугун ҳам кечагидек жавоб берсангиз сизни — бугунги урганлари уришми — эртага ундан ҳам баттарроқ урадилар. Агар сиз мабодо бизга бирорта янги маълумот берсангиз-чи, сизни уриб-сўкиб ўтирмайдилар, жонингиз қийналмайди, отиб ташлайдилар. Менга қулоқ беринг-а, ҳатто осмайдилар ҳам, қийналмасин, деб отиб ташлайдилар. Солдатлар рост гапирадилар. Мен бу гапни сизга бир солдат сифатида айтаётиман.

В а л я индамайди.

40 Хўш, сиз бу томонга нега ўтган эдингиз?

В а л я. Мен бир марта айтдим. Мен бу томонга (жуда ҳорғин оҳанг билан, ўргатилган сўзларни так-

форлаётгандек гапиради) бир командиримизнинг она-сига далда бериш учун ўтган эдим, у кампирга яқинда сизни қутқазиб олишар экан, демоқчи эдим, холос. У хотин ҳам шу ерга қамалган экан, ўзидан сўраб кўринг. Мен ростини айтаётганимни у ҳам тасдиқласа керак.

Вернер. Албатта, тасдиқлайди, албатта тасдиқлайди, чунки толеларингга менинг хатчим шундай эси паст аҳмоқ бўлгану сизларни бирга қўшиб қўйган, сизлар аллақачон тил бириктириб олгансизлар, албатта тасдиқлайди-да. Хўш, шундай экан, ёнингиздан чиққан бу браунинг нимаси? Оналарига ўғилчаларининг совғачасини топшириш учун олиб келгандирсиз, албатта, а?

В а л я. Йўқ, йўқ. Браунинг шунинг учун керак эдики... тўппончани шунинг учун тақиб олган эдимки, мабодо шунга ўхшаган қўлга тушиб қолгудек бўлсам ўзимни отмоқчи эдим.

Вернер. Биз аёлларнинг ўз-ўзларини отишларига йўл қўймаймиз. Биз уларни бу машаққатдан ўзимиз халос қиламиз. Шу гап ҳамавақт ёдингизда бўлсин.

В а л я (*ҳамон лоқайд оҳанг билан*). Мен айтдимку: командирларимиздан бирининг онаси олдига келганман.

Вернер (*столга муштлаб*). Хўп, мен бу гапни эшитганман! Краузе!

К р а у з е. Лаббай?

В е р н е р. Кампирни олиб киринг.

Краузе Марфа Петровнаи олиб киради. Унинг оппоқ сочлари тўзгиган, қўллари Валяники сингари шалвираб турибди.

(*Марфа Петровнага.*) Мана бу (*Валяни имо қилиб кўрсатади*) сизларникига келган эдими? Биз уни ушлаб қолмаганимизда сизларникига келиши керакмиди?

Марфа Петровна индамайди.

У сизларникига неча марта келган?

Марфа Петровна индамайди.

Мана ҳозир соат икки минут кам етти. Агар еттигача жавоб бермас экансан, сени осамиз. Вассалом. (*Жавоб кутиб турган кишидек креслонинг суянчигига ўзини ташлайди.*)

М а р ф а П е т р о в н а. Жавоб берсам, бера қолай,

жаноб офицер. Икки минут қолган бўлса, жавоб бера қолай.

Вернер. Қани хўш?

Марфа Петровна. Эшитишимча, сиз Штеттин шаҳаридан экансиз, а, жаноб офицер.

Вернер. Хўш, нима эди?

10 Марфа Петровна. Қани энди кўзга кўринмайдиган одам бўлсаму физ этиб учганимча сизларнинг шаҳрингиз Штеттинга борсам, у ерда сизларнинг ҳам-маларингизни оналарингизни гиппа гирибонидан бўғиб, учуриб олиб келсам, осмонда муаллақ тўхтатиб: «Мана сиз туққан болалар, қилғилиқларини кўринг, ҳой, сиз қанжиқлар, сиз пок-покиза ер юзига ана шунақа ит-ваччаларни туғиб ташлаб қўйибсизлар. Ана шу чўлқур-бақалар, сизнинг болаларингиз, ана шу ёруғ жаҳонни булғатиб юрган илон-чиёнлар — сизнинг фарзандларингиз бўлади...», десам. Агар ўша мен учуриб келган сизнинг оналарингиз сизнинг бу ерда қилиб турган қилғилиқларингизни кўриб, тагин сизга лаънат ўқимаса мен 20 ўшандай оналарни ҳам сизга ўхшаган болаларига қўшиб туриб ер билан яксон қилар эдим, ўлдирар эдим!

Вернер. Бас!

Марфа Петровна. Хўп, бас қилдим! Айтадиганимни айтиб олдим. Айтган икки минутинг ҳам ўтиб кетди. Осмайсанми, ос!

Вернер (*соатга қарайди*). Ҳали ўн секунд бор. Қани қулоғим сенда.

Марфа Петровна. Менинг бошқа айтадиган гапим йўқ.

30 *Пауза.*

Вернер (*соатга қарайди*). Хўш, қани айтасанми? (*Пауза.*) Олиб чиқинг, осинг.

Краузе Марфа Петровнани олиб кетади. У эшикка борганда В а л я г а ўгирилиб қуюқ тағзим қилиб хайрлашади. Краузе уни ташқаридаги солдатларга топшириб қайтиб киради. Пауза.

(*Яна бир бор соатга қараб.*) Ана, уни ҳозир осадилар. Ҳа, ҳа, бир минутдан кейин. Уни ҳозир осилиши лозим бўлганлиги учунгина фақат мен унинг ҳозир айтган сўзларини айтиб олишга ижозат бердим. Қани, хўш сиз ҳеч нима дейсизми?

40 В а л я. Мен айтадиган гапимни айтиб бўлдим, мен бу ерга командирларимиздан бирининг онасига айтган гапини топшириш учун.

Вернер. Қани, хўш, ўша онаси ўзи ким? Қимнинг олдига келган эдингиз?

В а л я. Айтдим-ку.

Вернер. Яхши. Демак сиз браунинг бирор ҳодиса юз бериб қолганда керак бўлар, деб олган экансиз, дуруст... Мен-ку ўзим бундай шалоқ ишларни унча ёқтирмайман, аммо Краузе ўлгунча ишқибоз. (*Краузегга қараб.*) Краузе, ҳали сиз навбатчиликдан бўшаганингиздан кейин бу хонимчани олиб кетишингиз мумкин, уй қамоқ қиласиз. Тушунарлидир?

К р а у з е. Тушунарли, жаноб капитан.

Вернер. У навбатчиликдан соат ўнда бўшайди, албатта унгача сиз бирор дуруст фикрга келиб қолсангиз ҳалиги айтганим бўлмаслиги мумкин.

С о л д а т (*кириб*). Жаноб капитан, битта қочиб ўтган одам келди. Сизга йўлиқмоқчи, ижозат берасизми?

В е р н е р. Олиб кириг.

Глоба хиради.

Қаердан келдингиз?

Г л о б а. У томондан, жаноби офицер, ўзим ўтиб келдим.

В е р н е р. Ўзингиз кимсиз?

Г л о б а. Мен бир фельдшерман. Фамилиям — Глоба.

В е р н е р. Ўтиринг.

Г л о б а. Чуқур ташаккур билдираман, жаноб офицер.

В е р н е р. Хўш, нима учун ўтиб келдингиз?

Г л о б а. Иложимиз қанча, жаноб офицер, этни тирноқдан ажратиб бўладими, дегандек, большевикларнинг касрига қолиб барча руслар қирилиб кетаверсинми?

В е р н е р. Хўш, қани, нима демоқчи эдингиз, мақсадга келинг. Алланимадир демоқчисиз, шекилли?

Г л о б а. Албатта, жаноб капитан. Айтадиган гапим кўп. Мен у ердан қандай қилиб қочиб ўтишни хобимда кўрдим. Улар менинг бор буд-шудимни битта қўймай тортиб олдилар, қаширга тирноғим қолмади, беш йил қамалиб ҳам чиқдим. Энди уларни деб ўзимни ўққа тутиб берайми? Мен сизга жиддий маълумот олиб келганман, лекин... (*Валя томонга қараб қўяди.*)

Валя индамасдан нафрат билан унга қараб туради.

Вернер. Зарари йўқ. Уни бугун бари бир... Унинг олдида гапираверсангиз ҳам бўлади.

Глоба. Папиросингиздан битта берсангиз, жаноб офицер.

Вернер. Краузе, унга папирос беринг.

Глоба (*чекиб*). Чуқур ташаккур! (*Секин, столдан эгилиб туриб.*) Жаноб офицер, уларда бир қатра ҳам сув қолмади. Патрон ҳам йўқ. Улар, саломатлари, айниқса бошлиқлардан саломатлари бугун кечга яқин

10 Шимолий кечикда Лимандан ёриб ўтишлари кераклиги ҳақида қарор қилдилар. Улар кечаси худди ўша ердан атака бошлашмоқчи. Улар, немис буни сира ҳам кутмайди, йўғ-э, ҳалиги... сизларни сира кутмайди, деб шундай қилмоқчилар.

Вернер. Бу гап ростми?

Глоба. Худо ҳақи, рост, жаноб офицер. Мен бу гапни билган замониноқ сизлар томонга қочиб ўтишга қарор қилдим, чунки ҳеч вақосиз ўтиб борсам бари бир отиб ташлашади, агар бирон маълумот билан борсам менинг содиқ эканлигимга қаноат ҳосил қилишади, деб ўйладим. Мана ўзингиз ҳам кўрарсиз.

20 Вернер. Бу иш қачон бўлиши керак?

Глоба. Тез орада, соат саккизда.

Вернер (*ўйланиб, планшетадан харитани олади*). Буёққа келинг. Шу ерданми?

Глоба (*қараб*). Худди шундай, шу ердан.

Вернер. Сиз буни нима билан исбот қила оласиз?

Глоба. Ярим соатдан кейин бошланади. Ўзингиз кўрарсиз.

30 Вернер. Сиз русларнинг Лиманга яқинлашганидан хабардормисиз? Эшитяпсизми?

Тўп гумбурлаши эшитилади.

Глоба. Эшитяпман, жаноб офицер. Ахир бу худди ўша ерда-ку. Менинг уйим Винница яқинида эди. Хотиним ҳам, ҳамма бор-йўғим ўша ерда, ҳаммаси ўша ерда эди. Мен у ерга фақат сизлар орқалигинга ўтиб боришим мумкин. Гапларим ҳаммаси рост, шубҳа қилмасангиз ҳам бўлади. Мен ахир қўлингизда турибман-ку, жаноб капитан. Борди-ю, бирор гап бўлгудай бўлса, сиз мени кўз очиб юмгунча жойи ростонимга жўна-тишингиз мумкин. Мен буни жуда яхши биламан.

40 Вернер. Ҳа, сиз буни яхши билишингиз, жуда ҳам яхши билишингиз керак. Краузе, буларни олиб кетинг.

Краузе Валя ва Глобани тунука эшикли хонага олиб кириб қўйгач қайтиб чиқади.

Энди штаб билан алоқа боғланг, мен гаплашишим керак.

Краузе (телефонни олади). Тайёр, жаноб капитан!

Вернер (телефонга). Жаноб майор, бу ерга нариги томондан — шаҳарнинг нариги томонидан қочиб ўтган одам келди. У айтдики, жаноб майор, уларда сув ҳам қолмабди, патрон ҳам қолмабди, улар ўз қисмларидан бутунлай ажралиб қолган, бўлиб турган ҳодисалардан бутунлай беҳабар эмиш. У берган ҳамма маълумотлар аниқ. Бугун соат саккизда улар Лиман бўйлаб Шимолий кечик олдида ёриб чиқишга тиришиб кўради. У, бу нарсанинг саккизда бошланиши кераклигини маълум қилди. Ҳа, ҳа. Менингча, у ерга кўприкдаги тўртинчи ротани олиш керак. Ҳа. Хўш, нима экан кўприкда икки взвод қолади, кейин... кейин улар шаҳардан кўприкка қараб юришга журъат қилолмайдилар... Ҳа, албатта, текшириб кўраман. Хўп бўлади. Бажарилади. *(Трубкини қўйиб, ўрнидан туради.)* Краузе, сиз бугун уларга овқат беринг. Маъқулми?

Краузе. Маъқул.

Вернер. Сиз уларни бу ёққа чақириб бир бурддан нон берасиз, ана у Семёнов олдингизга келганда унинг нонига сездирмасдан шу хатни қўшиб берасиз. Бу нарса биринчи марта қилинаётгани йўқ, у дарров тушуниб олади.

Краузе. Борди-ю, унинг бир ўзини чақириб қўя қолсак-чи, жаноб капитан?

Вернер. Бу жуда ҳам жўн. Бу биз учун жўн, шунингдек, улар учун ҳам жўн. Биз ундан бир соатдан кейин сўраб оламиз. *(Пауза.)* Ҳа, нонни улашиб бўлганингиздан кейин, мен келгунча уларни бу ерда қолдира туринг. Улар бу ерда тезроқ тилга кира қоладилар. Ўзингиз эса, ўзингиз чиқиб кетиб мана бу эшикнинг тирқишидан кузатиб туринг.

Краузе. Яхши, жаноб капитан.

Вернер чиқиб кетади.

(Тунука қопланган эшикни очиб.) Ҳей, менга қараларинг! Бу ёққа келинглари!

Семёнов, Глоба ва Валя чиқиб келадилар.

(Бир неча бурда нон солинган тарелкани олиб.) Нон олинглар. Комендант жаноблари сизларга нон беришни буюрди. (Валяга.) Сиз оласизми?

Валя индамайди.

(Унинг оёқлари остига бир бурда нон тушириб юборади. Глобага.) Сиз-чи?

10 Глоба унинг олдига бориб нон олади. Краузе Семёновнинг олдига бориб унга нонни ўз қўли билан беради. Семёнов ҳаммага орқа ўгирганча нонни ея бошлайди. Глоба унга диққат билан тикилиб туради. Краузе чиқиб кетади.

Валя (оҳиста). Хўш, Иван Иванович, бу гапларнинг ҳаммаси ёлғон-а, ўйлаб чиқаргансиз-а. Айтаверинг, бу ерда ҳаммамиз ўзимизникилардан-ку?

20 Глоба (қаттиқ). Жигимга тегаверма. У ерда шунча оёқ ости бўлганим етар. Энди мен ўчимни олиб брига ўн қилиб қайтараман. Сизларнинг ифлос ишларингизга, бузиб ташланган уйимга, қамалиб чиққанамга ҳаммаси, ҳаммасига қайтарадиганимни қайтараман, ўчимни оламан.

Валя. Сиз ҳали шундай аблаҳ одам экансиз-ку. Ҳаҳ, шуни илгарироқ билганимда борми! Мен сизни ўлдириб қўя қолган бўлардим! Иван Никитич ҳам ўлдирган бўларди!

Глоба. Эҳҳа, иш қўлингдан аллақачон кетган... Энди қўлларинг қисқалик қилади.

30 Валя (Семёновга). Ҳой, ўртоқ, бунинг гапларини эшитяпсизми? Ахир у ҳозиргина келиб, бизникилар шаҳардан чиқмоқчи эканлигини, қачон ва қаердан чиқмоқчи эканлигини ҳаммасини буларга айтиб берди-ку. Уларнинг ҳаммаси бунинг касофатидан нобуд бўлиб кетади. Ҳаҳ, қўлимда бирор нарса бўлмади-да. (Глобанинг олдига келиб базўр қўлини кўтаради.) Мана! (Уни уради.)

Глоба уни куч билан итариб юборади. Валя гандираклар бориб девор олдигаги стулга ўтириб қолади.

Узоқ жимлик.

40 Глоба (Семёновнинг орқасини ўгирганини кўриб, Валянинг олдига келади ва уни секин туртади.) Валя! Валя (қаттиқ). Нима дейсан?

Семёнов унинг овозини эшитиб ўгирилади.

Г л о б а (овозини ўзгартириб). Мен сизга айтмоқчиманки, хоним, сиз унча ҳаддингиздан ошаверманг. Мен, одамлар менга қўллари билан туртиб безовта қилишларини ёқтирмайман. Мен буни, албатта, сиз аёл киши бўлганингизни назарга олиб кечираман. Бундан кейингисиде, сизни уришга менинг ҳам кучим етади.

В а л я. Афсус, нега илгари билмаган эканман-а? Ахир сиз доим менинг гашимга тегадиган гапларни гапирар эдингиз-ку. Сиз шунақа экансиз. Мен ўлгур фаҳхламаган эканман!

С е м ё н о в (унинг олдига тез бориб). Сен диққат бўлаверма! (Глобани имо билан кўрсатиб.) У ўзимизнинг ўртоғимиз, у жўрттага шундай қияпти. Эҳтиёти шарт-да. (Глобага, жаҳл билан.) Сен нега бунчалик майнабозлик қилавермасанг? Нима, биз немисмидик? Ҳаммамизни ҳам биргина нарса — ўлим кутади. Нима деган гап бу ахир, ўла-ўлгунимизча бир-биримиздан шубҳаланамизми? Унинг аҳволига бир қара, нима кўйга солиб қўйдинг. Бирон вазифа, топшириқ билан келгандирсан ахир? Менинг бунақанги ишларга ақлим етади.

Г л о б а. Бор, бор-эй ўша... Сизларнинг ҳаммаларингиз вазифа билан юради деб ўйлар экансизлар-да. Мен умр сурмоқчиман. Тушундингми? Менинг вазифам шу. Сизларнинг совет ҳокимиятингиз менга нима берибдики, мен уни деб беҳудага ўлиб кетаверсам?

В а л я (Семёновга). Улар менинг қўлларимни қайириб ташладилар. Худо ҳақи, сиз уни бир уринг илончаёнлигини билиб тавбасига таянсин...

Семёнов Глобанинг олдига келиб қўлини кўтаради.

Г л о б а (унинг қўлини қайириб ташлаб). Ҳой, ҳой, кўп ҳаддингиздан ошма, бўлмаса ҳозир эшикни тақиллатиб, немисларга, бу партизан уруши қияпти, дейман. Биласанми, мен уларга қандай маълумотлар олиб келганман? Улар мен учун сенинг оёғингни уриб синдиришади. (Пауза. Харитоновдан қолган маятникли дуб соатга диққат билан тикилиб туради. Соат худди саккиз.) Бу соат тўғри юрадимми?

Ҳеч ким индамайди.

Бу соат тўғри юрадими деяпман!

Семёнов. Соатнинг сенга нима кераги бор? (*Қизиқиб.*) Соатнинг неча бўлганлиги билан нима ишинг бор?

Глоба. Мен соат тўғри юрадим, деб сўрадим. Сенга бундан бошқа саволим йўқ, кўп бидир-бидир қилаверма. (*Қулоқ солади.*)

Сукунат оша узоқдаги илк отишмалар эшитилади.

Чироқ ўчади.

10 Парда

Саккизинчи кўриниш

Бешинчи кўринишдаги декорация. Лиман соҳили. Яқинда бўлаётган жангнинг ҳаяжонли музыкаси. Икки қизил аскар Васинни суяб саҳнага олиб кирадилар. Уни ўтқизадилар.

Биринчи қизил аскар. Хўш, қалай, ўртоқ майор.

Васин. Дуруст.

20 Иккинчи қизил аскар (*кўйлагининг енгини йиртиб Васиннинг кўкрагини боғлайди*). Отилиб чиқшини қаранг. Ҳозир қаттиқроқ танғиб қўяман, ўртоқ майор, анча енгил тортасиз.

Васин. Командирлардан биронтасини менга чақириб келинглар.

Биринчи қизил аскар. Ҳозир, ўртоқ майор! (*Кетади.*)

Васин. Бу еттинчи ва охирги яраланишим бўлса керак.

Панин киради.

30 Қим у?

Панин. Мен, Панин.

Васин. Бу еттинчи ва охирги марта яраланишим бўлса керак. У ерда аҳвол қалай, ўртоқ Панин?

Панин. Немислар бизни кутганга ўхшайди. Улар жуда кўпчилик. Улар шайланиб турган экан, кутиб олишди.

Васин. Жуда яхши. Кутиб олишгани жуда яхши бўлибди. Кутиб олганлари жуда яхши бўлибди... (*Пауза.*) Айтмоқчи капитандан одам келгани йўқми?

40 Панин. Ҳозирча йўқ. Нима буйруқ берасиз, ўртоқ майор?

В а с и н. Менингча бизга берилган буйруқ ўзгартирилмаган бўлса керак, ҳужум давом эттирилсин. Ҳозир учинчи взвод келади, уни сиз бошлаб борасиз.

П а н и н. Хўп бўлади.

В а с и н. Менинг ўрнимга командирликни ўзингиз олинг.

П а н и н. Есть.

В а с и н. Назаримда, кўприкдан биров... а?

Қ и з и л а с к а р. Худди шундай. Биров келаётгани эшитилмоқда, ўртоқ майор!

В а с и н. Қулоғим битиб қолди. Қаттиқ отишишяптими?

Қ и з и л а с к а р. Қаттиқ отишишяпти, ўртоқ майор.

В а с и н. Бу яхши.

Лейтенант югуриб киради.

Л е й т е н а н т. Майор қани?

В а с и н. Мен бу ерданман. Қаердан келдингиз?

Л е й т е н а н т. Ўртоқ Сафонов айтиб қўйишни топширди: бизникилар кўприкка етиб олдилар. Жанг бошланиб кетди. Сиз орқага қайтишингиз мумкин экан.

В а с и н. Соз! (*Бирданига қичқириб.*) Ҳаётимнинг сўнги дамида айтаманки: рус қуролига шарафлар бўлсин! Эшитяпсизларми: рус қуролига шарафлар бўлсин! (*Панинга.*) Орқага қайтишга буйруқ беринг. (*Лейтенантга.*) Капитанга бориб айтингки, капитанга айтингки, ... (*Қизил аскарнинг қўлига шилқ этиб тушади.*)

Панин унга эгилиб, кейин қаддини ростлаб, фуражқасини олади.

П а н и н. Капитанга айтингки, майор Васин имкони борича, ҳатто имконидан ҳам зиёдароқ ишларни амалга ошириб қаҳрамонларча ҳалок бўлди, денг. Яна шунини ҳам айтиб қўйингки, рота командирлигини алоҳида бўлим бошлиғи Панин ўз зиммасига олди. Сизга рухсат.

Саккизинчи кўринишнинг охири.

П а р д а

Тўққизинчи кўриниш

Еттинчи кўринишдаги декорация. Яна чироқ ёнади, соат ўн. Гло-

Ба ҳамон хона бўйлаб юради. В а л я стулга ёнбошлаган. Семёнов бурчакда туриб диққат билан уларнинг икковини ҳам кузатади. Яқин жойдан тўп гулдурослари эшитилади.

Г л о б а (*қулоқ солиб*). Соат ўн... Нима қилади дейсан,— соат ўн ҳам яхши вақт. Жуда қойилмақом.

С е м ё н о в. Нима учун?

Г л о б а. Ҳамма ишга ҳам. Кимнинг қандай даҳли борлигига қараб дуруст вақт. Хўжайинлар бизни батамом унутиб қўйдилар шекилли. Ҳойнаҳой биз билан

10 пачакилашиб ўтиришга фурсатлари йўққа ўхшайди, а?

С е м ё н о в (*диққати ошиб*). Билмадим.

Г л о б а. Билмадим, дедингми? Мен сени ҳойнаҳой ҳамма ишдан хабардордирсан деб ўйлагандим.

Ташқаридан яқиндаги отишмалар ва пулемёт тариллашлари эшитилади.

С е м ё н о в (*қўрқиб*). Худди кўчанинг ўзида отиш-яптими, а? Кўчага ҳам келиб қолишибди-да!

Г л о б а. Сен нимасидан қўрқасан? Бу отаётганлар, яъни сизникилар-ку. Яъни сизнинг большевиклар ша-

20 ҳарга кирдилар-ку? Сен эмас, мен қўрқишим керак. Сенга нима?

В а л я. Ниҳоят бизникилар келдиларми, а? (*Семёновга.*) Бу келганлар бизникиларми?

С е м ё н о в. Ёпишаверма, нари тур! (*Қулоқ солади.*)

Г л о б а (*унинг олдига бориб*). Сенга нима бўлди? Ўзингникилар босиб келгани сенга унча ёқмаяпти шекилли?

С е м ё н о в. Нариги тур, деяпман. (*Қулоқ солади.*)

30 Г л о б а. Қани, менга бир ўгирил-чи!

Семёнов ўгирилади.

Қани, сенинг турку тароватингга бир назар ташлаб қўяй. Ҳа. Чакки эмас экансан. Қани энди қанақа бўлар экансан? (*Унинг қулоғига тарсаки уради.*) Тарозунинг палласи баробар бўлсин. (*Бошқа қулоғига туширади, учинчи уриши билан ерга йиқитади.*) Ана энди ётавер, сенинг учун ер юзида қомат кўтариб юришнинг эҳтиёжи йўқ. Ётишнинг машқини қилиб тур. Барри бир отиб ташлашади — узала тушишингга тўғри келади.

40 В а л я. Сиз нима қиляпсиз?

Г л о б а. Мен ўз ишимни билиб қиляпман, Валеч-

ка, мана бу аблаҳнинг тумшугини эзиб қўяяпман. Бизникилар шаҳарга ёриб кирдилар. Энди мен сир тутган иш ҳам охирига етди. Буни немисларнинг жуфтакини ростлаганидан ҳам билса бўлади. Ҳозир немислар келиб бизни отиб ташлайдилар. Мен аниқ биладман, уларнинг одати шунақа. Шунинг учун ҳам ўлим олдида сенинг назарингда англашилмовчиликлар билан аблаҳ бўлиб қолишни истамадим. Тушундингми?

В а л я (*унга ташланиб, уни қучоқлайди*). Иван Иванович, азизим! Иван Иванович!

Г л о б а. Хўш, нима дейсан?

В а л я сўзсиз унинг пинжига киради.

Нима гап ўзи? Йиғлашингни қара. Ол-ҳа, менга қичқирганингда-ку, кўзингда ёш йўқ эди. Энди бўлса кўзда ёшинг шашқатор. Ўзинг ҳам роса баджаҳл қизсан-да. Кўзимни ўйиб оласанми деб ўйлабман.

В а л я. Мен шундай қийналиб кетдимки. Қанчалик қийналганимни кошки пайқай олсангиз эди.

40 Г л о б а. Мен-чи, мен ҳам сенинг кўзингга қараб қийналиб кетдим. Зарари йўқ. Валечка, зарари йўқ. Мени кечирсанг бас. Ҳали биз икковимиз «Соловей, соловей-пташечка» қўшиғини айтамыз. Ҳар ҳолда сен кўкарчиним бўркингда билиб қўйки, ҳозир немислар бизни отиб ташлагани келадилар. Бу энди аниқ.

В а л я. Майли, майли, шундай бўла қолсин. Менга энди бари бир. Ишқилиб бизникилар шаҳарга кира оладилар-ку, а?

30 Г л о б а. Албатта-да! Бўлмасам-чи! Бизникилар шаҳарга киришлари мутлақо аниқ бўлганлиги учун ҳам бизни отиб ташлайдилар-да. Бу қулт этиб сув ичгандек гап.

Семёнов эшикка интилади.

(*Уни яна ерга йиқитади.*) Хўш, йўл бўлсин? Сен-ку биз билан ўтирган эдинг, яна бир пасгина ўтира тур. Модомики, немислар сенга биз билан ўтиришни буюрган эканлар ҳовлиқшинингнинг ҳожати йўқ, ўтир. (*Валяга.*) Бунинг нимаси? Ёшингни арт. Падарига қусур. Кўз ёшингни менга кўрсатишинг мумкин, лекин ана бу лаънатиларга кўрсатишинг мумкин эмас. Қани кўзларингга бир термилиб қарай. (*Тикилади.*)

В а л я. Нима экан?

Г л о б а. Менга Иван Никитич бир топшириқ бер-

ган эди: мабодо сен билан икковимиз бирга ўладиган бўлсак, сенинг кўзингга тикилиб бир сўз айтиб қўйишни топширган эди.

В а л я. Қандай сўз экан?

Г л о б а. У сени севар экан, шуни айтиб қўй, деган эди. Шу холос, бошқа гап йўқ.

В а л я. Ростданми?

Г л о б а. Рост бўлмай, нима бўларди, мен сенга ўлим олдида ёлғон гапириб ўтирармидим?

10 *Отшмалар яқинлашади. Эшик тарақлаб очилади, Краузе ва автоматли солдат югуриб кирадилар.*

К р а у з е. Ҳамманг камерага!

Г л о б а (*Валянинг елкасидан қучоқлаб*). Кетдик!
(*Камерага ўтадилар.*)

К р а у з е. Тез! Тез! (*Семёновга.*) Сен ҳам!

С е м ё н о в (*унга ташланиб*). Жаноби Краузе... мен ахир ўз одамингизман-ку. Ахир ўзингиз биласиз-ку. Мени бу ерга жўрттага...

20 К р а у з е (*уни этиги билан итариб ташлайди*). Қа-
мерага кир, деяпман! Камерага кир!

С е м ё н о в. Сабр қилинг! Мен сизга ғоят жиддий маълумот беришим керак.

К р а у з е. Қани тезроқ айт!

С е м ё н о в. Бу одам — улардан экан. Аввал ёлғон гапирган экан.

К р а у з е. Ҳозир бизга бунинг аҳамияти йўқ. Камерага кир!

30 С е м ё н о в (*унинг қўлидан ушлаб олади*). Жаноб Краузе, ҳеч бўлмаса капитан жанобларини чақириб беринг, бўлмаса ўзим чақираман! (*Ташқари эшигига югуради.*)

У остонага борганда Краузе уни орқасидан отади. Ташқаридан гурс этиб йиқилган товуш эшитилади.

К р а у з е (*солдатга*). Бошла!

Солдат камеранинг эшигига бориб автоматдан навбатма-навбат ўқ узади. Камерадан Глобанинг: «Соловей, соловей, пташечка, канареечка жалобно поёт... Эх, раз, эх, два!» деб айтган ашуласи эшитилади.

40 Яна!

Солдат яна навбатма-навбат ўқ узади. Қисқа жимжитлик. Деразадан яқинлашаётган отшмалар эшитилади. Краузе ва солдат

чолиб чиқиб кетадилар, яна отишмалар, кейин яна узоқ жимлик. Камера эшигида В а л я кўринади. У елкасини, қўлини ушлаб кўради. Қўли ҳаракатсиз. У елкаси ва кўкрагидан яраланган бўлса керак. Деворга суйнади.

В а л я (орқасига қараб, камерага). Иван Иванович, Иван Иванович.

Жимлик.

Иван Иванович, Иван Иванович, сиз тирикмисиз? (*Жимлик.*) Иван Иванович, азизим, бу нима деган гап ахир? Менга қаранг, мен тирикман.

Жимлик.

Наҳотки ёлғиз ўзим тирик қолган бўлсам?

Жимлик.

Девор олдидаги креслога ўтиради. Отишлар ва одам товушлари эшитилади. Хонага қизил аскарлар ва Г а в р и л о в югуриб кирадилар.

Г а в р и л о в (*эшикда тўхтаб*). Уртоқлар!

Жимлик.

20 (*Аланелайди.*) Уртоқлар, бу ерда тирик қолган одам борми?

В а л я. Мен...

Г а в р и л о в (*унинг олдига келиб*). Бу қандай бўлди? Улар сизни ҳозиргина отдиларми? Шундайми?

В а л я. Ҳа, ҳа. Боғлаш учун биронта нарса бўлса эди... Еки сизда йўқми. Сиз аввал у томонга кириб қаранг, балки у ҳали тирикдир... Улар бизни отаётганларида у ўз гавдаси билан мени тўсиб қолди... бир хабар олинг, а, балки у ҳали тирикдир?

30 *Панченко камерага кириб, бошини чайқаган ҳолда чиқиб келади.*

Г а в р и л о в. Менда индивидуал пакет бор, унинг ичйда дока, бошқа нарсалар ҳам топилади. Ҳозир бераман.

В а л я. Беринг. Шундай қилиб бизникилар шаҳарга тамоман киришдими, а?

Г а в р и л о в. Тамоман.

В а л я. Унинг аҳволи қалай?

Г а в р и л о в. Қимнинг аҳволи?

В а л я. Сафоновнинг аҳволи-да?

Г а в р и л о в. Жойида. У ўлмайдиган йнгит. Мана дока, ушланг.

В а л я ярасини соғ қўли билан боғламоқчи бўлиб уддалай олмайди. Хонага орқасида лейтенант ва қизил аскар билан Сафонов кириб келади.

Сафонов. Ана, демак бу жой уларнинг комендатураси бўлган. Ҳойнаҳой шу яқин ўртада қамалганлар ҳам бўлса керак... *(Мавжуд ҳолни кўриб.)* Валя!

10 В а л я. Мен...

Сафонов *(қизил аскарлардан бирига)*. Тез бўл, докторлардан биронтасини чақир, ҳеч бўлмаса Шура-ни чақир. Тез бўл! *(Валяга ташланади.)* Нима гап бўлди? Нега овозинг чиқмайди?

Г а в р и л о в. Ҳушидан кетган бўлса керак. Ҳозиргина гапириб турган эди.

Сафонов *(Валянинг қўлини олиб)*. Ростданми? Вақтинчамикан? Улиб қолмасмикан, а, Гаврилов?

20 Г а в р и л о в. Ҳеч нима қилмайди. Бу-ку ўлмайди-я. *(Камера эшигига имо қилиб.)* Аммо ана у ердаги...

Сафонов *(сапчиб туриб, камерага киради, боши қуйи солинган ҳолда қайтиб чиқади)*. Глоба... Глоба ҳалок бўлибди... Дуруст одам эди, одамохун эди. Сен уни унча билмайсан. *(Енги билан кўзини артади.)* Бир талай ёру дўстларимдан ажралдим, Гаврилов. Ҳамма мусибатни чекишга қандай чидадим! Аммо иложим йўқ, чидашам керак.

Ш у р а югуриб киради.

Ш у р а. Оҳ, Валечка! Худо-ей, худогинам-ей...

30 Сафонов. Кўп ҳовлиқаверма. Доктор келгунча ярасини боғлаб турсанг яхши бўлади. *(Стул олдига бориб бир стакан сув қуюди-да, Валянинг олдига қайтади.)* Ма, унга сув ичир... *(Узоқлашади.)* Қани, анигини айтсанг-чи, барака топгур, Глоба ўлдимми? А?

Остонада Луконин адъютанти билан кўринади.

(Ўгирилиб.) Уртоқ генерал-майор...

40 Луконин. Кераги йўқ, доклад қилмай қўя қолинг. Айтадиган ҳамма гапингни ўзим яхши биламан. Салом! *(Уни қучоқлайди.)* Салом, Сафонов! Турли томондан келиб бўлса ҳам бошимиз бир жойда қовушди. Бундай учрашувга бахтиёр одамлар муяссар бўладилар.

(Сафоновни ўзидан узоқлатиб.) Вой, оғайни-ей, кексайиб қолибсан-ку. Важоҳатингни қара!

Сафонов. Нима қилибди?

Луконин. Сал кунда менга етиб оладиганга ўхшайсан, ошна. (Бирданига бошидан фуражкасини олади. Унинг сочлари сидирға оқариб кетган.) Мана кўрдингми? Яқинда етиб оласан. Хайр энди, модомики сен ҳам шаҳар олдинг, энди ҳозирча бу ерда ўзинг гарнизон комендант бўлиб туришингга тўғри келади. Лекин узоқ фурсатга эмас, биз ҳали олдинга кетамиз. Бу энди аниқ.

Сафонов. Аниқми?

Луконин. Аниқ. Сен ахир мени яхши биласан-ку — бир гапни айтдимми, ўша ишни қиламан. (Жилмайиб.) Мабодо ортиқчароқ гапириб қўйган бўлсам ҳам майли, кейин ортиқчароқ қилиб бажараман қўяман. (Адъютантга.) Қани, шу столга харитани ёз-чи! Нега қаққайиб турибсан, Сафонов? Утир.

Сафонов. Чексиз мусибатда қолдим, ўртоқ генерал-майор.

Луконин. Хўш?

Сафонов. Кўп одам нобуд бўлди. Ҳаммаси ҳам дуруст одамлар эди.

Луконин. Нима ҳам қила олар эдик? Кўплар йўқ. Иложимиз қанча? Халхин-Гол жанглирида биз билан бирга бўлган Севостьянов ёдингдами?

Сафонов. Ёдимда.

Луконин. Яқинда ҳалок бўлди.

Сафонов. Айтмоқчи, Гулиашвили-чи?

Луконин. Тирик. У икки марта яраланди, ҳозир яна жанг қияпти. Шу яқин ўртада, бизга қўшни жойда. (Адъютантга.) Бу ерда немислар томонидан осиб ўлдирилган ўртоқларнинг фамилияларини билдингизми?

Адъютант. Билдик.

Луконин. Эртага биз дафн маросими ўтказамиз. Ҳалок бўлган ўртоқларимизга ўзимизнинг сўнгги видолашув сўзларини айтамыз. Сўнгги таъзим бажо келтирамиз... (Пауза.) Қани фамилиялари, ўқимайсанми?

Адъютант (ўқийди). Антонов Иван Николаевич, Петрова Анна Сергеевна, Синцов Петр Андреевич, Неизвестный, Никольский Василий,— бу ёш бола, Полуяров Антон Андреевич, Сафонова Марфа Петровна, Ганикин Алексей Тимофеевич, Дубов Семён Иванович...

Луконин. Сенга нима бўлди, Сафонов?

Сафонов. Ҳеч қиси йўқ. Ҳеч қиси йўқ, ўртоқ генерал-майор. Ҳеч қиси йўқ. (*Урнидан туриб ва сахна олдига келиб.*) Заррача парво қилмайман. Аммо, жуда, жуда яшагим келади, узоқ умр кўргим келади. Шунчалик узоқ яшагим келадики. (*Адъютантнинг қўлидаги рўйхатни тортиб олади.*) Мана шу қилгуликни қилганларнинг энг сўнггисигача ҳалок бўлганини тирик кўзларим кўргунча яшагим келади. Энг сўнггиси деяпман, битта ҳам қолмай ҳалок бўлганини кўргим келади.

10 Худди шу ерда, оёқларим тагида ётганини кўргим келади.

П а р д а

Борис Славко

МУШФИҚИЙ

(5 кўринишли комедия)

Иштирок этувчилар:

1. Мушфиқий.
2. Қумри — унинг хотини.
3. Аъзам — Офтобни севгучи ёш йигит.
4. Офтоб — Аъзамнинг севимлиси.
5. Вали бобо — Офтобнинг амакиси.
6. Али Ҳусайн Бағдодий — донишманд.
7. Ҳамдам — саройбон.
8. Амир.
9. Амир донишманди.
10. Уғрилар, иккита: Сайид, Хол.
11. Қоровуллар, сарой мулозимлари, Вали бобонинг қўшнилари, савдогарлар, масхарабозлар, Ҳамдамнинг хизматкорлари тўрт киши ва бошқалар.

Ғафур Ғулом таржимаси

Биринчи кўриниш

Мушфиқийнинг уйи. Рўпарадаги айвонда Мушфиқий эшакнинг эгар-жабдуғини ямаб ўтирибди. Саҳнада хотини Қумри ўғир янчмоқда. Мушфиқий ўғир оҳангига мослаб куйлайди.

Мушфиқий:

Абдуллахон хон бўлди,
Ютганимиз қон бўлди.
Замона кажлигидан яқолар бўлди этак,
Бўз пайтава бўлди, бошга чиқди патак.
10 Болаларга кўмоч керак.
Ҳеч бўлмаса умоч керак.
Ҳар чорак тариқдан қирқ ғалвир капсан.

(Қўлида тикиб ўтирган жазликқа қараб.) Улмагил, Мушфиқий, бу ишни бошлабсан. *(Хотинига.)* Жўхорини оқлаб бўлдингми, хотин?

Қумри. Тайёр бўлиб қолди.

Мушфиқий. Балли, балли, жононим. Ҳамма ишнинг тез бўлгани маъқул. Эшиклик уй, битта-яримта худойи қўноқ келиб қолиши ҳам мумкин.

20 Қумри. Нима-нима, тагин қанақа худойи қўноқ? Бисотнимизда бор-йўғи шу жўхори бўлса...

Мушфиқий. Сен мендай барно эрга, шу жаранглама уй-рўзғорга эга бўлдинг. Мен ҳам қандай қилай, пешонам шўр экан, сендай тиллик-жағлик бирон бир дўндиққа гирифтор бўлдим. Ғазал тахминан шундай бошланар эди:

Дуэт

Мушфиқий

30 Бир қоп ёнғоқ берсалар алишмайман,
Бундан кейин байт-ғазал ёзишмайман,
Рости шуки, мен сендан қолишмайман,
Қумрихоним, кўрар кўзим ўзингсан.

Қумри

Севган ёрим барноларнинг барноси,

Элу юртнинг маслаҳатгўй доноси.
Ҳазил чоғи расволарнинг расвоси,
Мушфиқийжон, ширин сўзим ўзингсан.

Иккови бирдан

Йигирма йил умр этдик бирга-бирга,
Биз воқифмиз бу уйдан ўтган сирга,
Баъзан асал, баъзан айниган сирка,

Жонажоним ва юлдузим ўзингсан.

Жонажоним ва юлдузим ўзингсан.

Мушфиқий. Бор энди, жуда ҳам талтайиб кет-
динг, бор гўжага унна.

*Қумри қозон тагига жўнади, Мушфиқий яна жазлиқ ямаш-
га тугинди. Фурунглаб ашула айта бошлади. Эшикдан кулиб, қу-
валашиб Аъзам билан Офтоб кириб келади.*

Аъзам, Офтоб. Ассалому алайкум, Мушфиқий
амаки, салом, Қумри хола.

Мушфиқий. Салом, ёшлар, бир жуфт тўтидай
қайси боғдан учдингиз, қани айвонга. Аммо мен ишим-
ни битирмагунча ҳиринглашмайсиз. Бўлмаса янглишиб,
бигизни қўлга суқиб оламан.

Қумри (*Офтоб билан кўришади*). Омонмисиз,
эсонмисиз...

Аъзам. Амаки...

Мушфиқий. Лаббай?

Офтоб. Биз бир савол сўраб келган эдик...
(*Аъзамга қараб имлайди.*)

Мушфиқий. Қани, хўш, сўрангиз.

Аъзам. Сен айт, Офтоб.

Офтоб. Йўқ, ўзинг айт.

Аъзам. Айтавер, уялма.

Офтоб. Йўқ, сен гапга устасан.

Мушфиқий. Ана холос, айтилмаган саволнинг
жавоби ҳам бўлмайди. Айтинглар.

Аъзам. Одамнинг умрида неча фасл бор?

Мушфиқий. Ҳимм... Тўмтоқроқ савол кўринади.
Мана, ўзинг санаб тур. Одам деган тугилади, болалик
даврини яшай бошлайди, мактабга киради, ўспирин бў-
лади, бўй етади, эр бўлса — қизга, қиз бўлса — эрга
уйланиб жуфт-жуфт яшай бошлайди. Уларнинг ҳам
бола-чақалари бўлади, қарийди, ўлади. Буларнинг ичи-
да ҳам бир талай фасл ва фаслчалар бор, лекин бу
қисми сизнинг саволингизга қараб айтилади. Қани,
хўш давоми...

Аъзам. Биз ҳозир қайси фаслни яшамоқдамиз?
Мушфиқий. Ўзим ҳам, шундай бўлади, деб ўй-
лаган эдим. Сизнинг бир жуфт ғунчадай бўй етган
фаслингиз, яъни...

Аъзам. Бизга ёрдам беринг, амаки.
Офтоб. Сўраб беринг.

Аъзам

Офтобнинг юзидир мисоли лола,
Лаб ғунчаси шарбат тўла пиёла,
Бирлаштиринг мени бу навниҳола,
Ёрдам беринг, жон амаки Мушфиқий.

Офтоб

Қора сочим кечалардай узундир,
Кеча-кундуз тилимдаги сўзимдир,
Севган ёрим Аъзамжондир, кўзимдир,
Ёрдам беринг, жон амаки Мушфиқий.

Аъзам

Вали бобо мўйсафиддир, гап уқмас,
Унга иссиқ чалпакдан бошқа ёқмас,
Минг илтижо қилганимда бир боқмас,
Тушунтиринг, жон амаки Мушфиқий.

Офтоб

Аъзамнинг айбимиш камбағаллиги,
Беролмас қалинга бўрдоқи, йилқи,
Отам таънасидан кўзимда йиғи,
Қойиб қўйинг, жон амаки Мушфиқий.

Мушфиқий. Бас қил, тирранчалар, юрак-бағ-
римни эзиб юбордиларинг.

Қумри. Мен буларнинг севишиб юрганини илга-
ридан билардим. Бир тандиргина нон ёпиб Аъзамжон
томондан ўзим совчи бўлиб бораман.

Офтоб. Ўргилай холамдан!

Мушфиқий. Шу ишга ҳам бурнини тикди-я, бун-
га ман бораман.

Қумри. Йўқ, совчилик хотинларнинг ҳақи, ўзим
оқ ўраб келаман.

Ташқаридан эшак ҳанграгани эшитилади.

Мушфиқий (қулоқ солиб). Ийя, намоз вақти ҳам
бўлиб қолибди. (Аъзам, Офтобга.) Сизлар кетаверинг-

лар, қишлоққа етиб боргунларингча қош ҳам қорайиб қолади. Мен балки ҳозир, балки эрта барвақт орқаларингдан бориб, Вали бобога учрашаман.

Қ у м р и. Борганингни кўраман.

А ʼ з а м. Хайр. Раҳмат амаки.

О ф т о б. Хайр, яхши қолинг, хола.

Чиқиб кетадилар.

М у ш ф и қ и й. Йўлга озгина талқонингдан бер.

Қ у м р и. Юбормайман, юбормайман.

10 М у ш ф и қ и й. Ужарлик қилма, иш ёмонга кетади.
Қ у м р и. Зўр бўлса қўясиз-да...

20 М у ш ф и қ и й. Ана холос, бировни уйлантириб қўйиш учун ўзимиз ажралар эканмиз. Хўп майли. Рўзгорни тақсим қилишга ҳам тайёрман. Саҳндан томнинг лабигача — ҳовли меники. Томнинг лабидан юлдузгача — сеники. Манави нарвон меники бўла қолсин. Аммо поя оралигидаги катакчалар сеники. Учоқ, майли, сеники бўлсин, аммо нимаики овқат пишса меники. Мана бу танбур, бир даста ёғоч меники бўлсину ундан чиқадиган тиринг-тиринг овоз сеники бўлсин. Тақсимга кўндингми, ана энди менга жавоб. Қўй энди оппоғим, биз ўлгунча ажралмаймиз. Тўйликнинг тўйи ўтар, тўйсизнинг кунни. Хайр, мен кетдим. *(Эшакнинг эгар-жабдуқларини қўлтиқлаб қоча бошлайди.)*

Қ у м р и ўғир дастани ушлаб уни қувлайди.

Қ у м р и. Юбормайман дедим, юбормайман.

М у ш ф и қ и й. Қетаман дедим — кетаман. *(Қочади.)*

Қ у м р и қувлайди, саҳнадан чиқадилар.

30 Қ у м р и. Йигит ўлгур қочиб қутулди. Ҳеч бўлма-са гўжасини ичиб кетса бўларди.

П а р д а

Иккинчи кўриниш

В а л и б о б о н и н г ҳ о в л и с и в а б оғ и. Кўчанинг бир қисми, орқа планда кўча кўринади. Перспективада ой билан ёриган шаҳар кечаси.

Ўғриллар чиқиб келади. Улар атрофга аланглаб, писиб Вали бобонинг уйга яқинлашадилар.

Ўғриллар. Бутун маҳалла уйқуда.

С ай и д. Ҳовли жимжит.

Х о л. Ҳеч ким йўқ.

С ай и д. Чол тошдай қотиб ётибди.

Х о л. Ҳеч ким йўлимизни тўсмайди.

С ай и д. Ярим кечадан оғди. Ҳали замон чиқиб қолади.

Х о л. Биз унинг ёнига сирғалиб яқинлашамиз...

С ай и д. Шартта ушлаймиз...

Х о л. Оёқ-қўлини боғлаймиз...

С ай и д. Оғзига дўппи тиқамиз.

Х о л. Қопга солиб орқалаймиз.

С ай и д. Бу қизалоқ жарақлаган пулнинг ўзи, шартта сотамиз.

Х о л. Пулни маймун ҳам емайди.

С ай и д. Текис тақсим қиласанлар, лекин.

Х о л. Бир йил айшу ишратни кўтарари.

С ай и д. Қизни биз олиб қочганимиз ҳеч кимнинг етти ухлаб ёдига ҳам кирмайди.

Х о л. Ўзи тоза ҳам муғамбир қиз, йигит билан яширинча учрашиб туради.

С ай и д. Амакиси билмайди, чол эшакдай бефаҳм.

Х о л. Бўлмасам-чи.

С ай и д. У ўзи кўриқлаган гунчани — асалари, гулни — булбул, ана шундай шому оқшом суриб кетишини ёдига ҳам келтирмайди. *(Кулади.)*

Х о л. *(қисқагина хуштак чалади.)* Жим.

С ай и д. Сергак бўл, болалар.

Х о л. Боққа тушиб шохлар орасига яширинамиз.

С ай и д. Нега ҳалигача чиқмаяпти-а, кутавериб кўзимиз тешилди-ку.

Х о л. Жим... Ана келаяпти.

Ўғрилар яширинади. О ф т о б чиқади.

О ф т о б. Жоним Аъзамжон, нега мунча интизор қилдинг. У ҳар кеч Ҳулкар кўтарилганда келгучи эди. Мана аллақачон Ҳулкар ҳам кўтарилган. Ундан дарак йўқ. Ҳулкарнинг еттита юлдуз кўзи, меники билан тўққизта кўз унинг йўлида термиламиз. *(Қўшиқ айтади.)*

Кўзларим йўлида қолди, келмади ёрим менинг,
Жон билан севган азизим, яхши дилдорим менинг.

Кўкрагинг гулзорида бир тоза гул бўлгим келур,
Тарқагай, лаб соғаридин ўлса, хумморим менинг.

Кечалар сочим каби мунча қаро бўлса нетай,
Юзларимдай тонг отиб, яшнайти гулзорим менинг.

Икки кўнгил, икки ошақ, икки орзу бир тилақ,
Етти дўстнинг базмида сайрайди сеторим менинг.

Пауза.

С ай и д. Овозини қара-я, Ҳол, булбулигўё дейсан!
Х ол. Саройга муносиб қиз.

О ф т о б. Кун алланемаҳал бўлди. Ҳали замон ярим
кеча бўлади. Нима учун Аъзам келмади экан-а?..

С ай и д. Қизнинг ўзи ҳам жигарсўхта.

Х ол. Қани, бўлинглар, болалар!

10 У ғ р и л а р. У қичқирмасин учун оғзини беркитиш
керак.

О ф т о б. Оҳ, севишганинг билан бирга-бирга, бир
жуфт қумридай умр кечириш қанчалик ширин. Вой,
ким бу?

У ғ р и л а р. Жим бўл!

О ф т о б. Войдод, ёрдам беринглар! Аъзам!

Уғрилар Офтобга ёпирилиб, уни боғлайдилар.

У ғ р и л а р. Яхши ушла! Қопга сол! Бўлди. Қани,
тез қочайлик!

20 *Уғрилар Офтобни олиб қочадилар. Бир оз паузадан сўнг югу-
риб Аъзам киради. Офтобни кутади. Кесак ташлайди, хуш-
так чалади. Ашула айтади.*

Аъзам

Олмали боққа кириб шафтолини ерму киши,

Ўз ёри уйда туриб, бегонани дерму киши?

Кўзларим йўлингда қолди, Офтобим, қил назар,

Интизорлик бўлди даргоҳингда ошиқнинг иши...

30 *(Узоқлашиб кетаётган ўғриларнинг шарпасини сеза-
ди.)* Булар ким бўлди?.. Офтоб! Ҳой, Офтоб! Ҳеч ким
йўқ-ку... Офтоб! Ҳой, Офтоб, қий-чув келгандай бўлди.
Нима бўлиши мумкин? Офтоб, дейман, ҳой, Офтоб!
(Офтобнинг ерда ётган рўмолчасини кўради.) Ийи, бу
унинг рўмоли-ку. Офтобнинг ўзи қани? *(Вали бобонинг
эшигига бориб, тақиллата бошлайди.)* Вали бобо, ҳой,
Вали бобо! Уйғонинг, тезроқ туринг. Вали бобо, ҳой,
Вали бобо, эшикни очинг!

В а л и б о б о. Ким у, бемаҳалда?

Аъзам. Эшикни тезроқ очинг.

В а л и б о б о. Ўзинг кимсан, нега тақиллатаяпсан?

Аъзам. Мен Аъзамман, эшикни очинг, деяпман ахир сизга.

Вали бобо. Бемаҳалда йўқлаган меҳмон кўз оғриғи билан тенг. Хўш?..

Аъзам. Офтоб қани? Мен унинг додлаганини эшитгандай бўлдим.

Вали бобо. Қулоғинг бекор айтибди. Узингга шундай туюлгандир. Кўни-қўшни эшитса нима дейди, бор жўна.

Аъзам. Мен унинг, ахир, рўмолчасини боғдан топиб олдим.

Вали бобо. Эгиликка буюрсин. Дарров уйингга жўна, жонимни чиқарма. Менинг ғазабим ёмон. Уятингни оёқ ости қилиб, номаъқулчилик қилиб юрма. Сени қараб тур, такасалтанг, ўлмасак тонг ҳам отиб қолар, сен билан гаплашиб кўрарман. Қани, туёғингни шиқиллатиб қол!

Аъзам (*ялинчоқлик билан*). Вали бобо, дейман, ахир (*қичқириб*) кириб бир хабар олинг.

Вали бобо (*қўрқиб кетиб*). Жим бўл, ҳароми, жим! Мана — мана, кетяпман. Билиб чиқаман. Бўлмасам бу дайидан қутулмайдиган кўринаман. (*Кириб кетади. Ичкаридан овози келади.*) Офтоб, ҳой! Офтоб! Қизим, ҳой! Ҳой, Офтоб болам, ҳой! (*Қайтиб келади.*) Қаерга йўқолиши мумкин? Уйда йўқ, болам!

Аъзам. Уйда йўқми?

Вали бобо. Ҳа, уйда йўқ, ўрни бўш.

Аъзам. Уни олиб қочдилар.

Вали бобо. Уни олиб қочдилар? Нима дединг? Войдод, бошимга тоғ ағдарилди. Кўзимнинг нури Офтоб, маломатга қолдим.

Аъзам. Қичқиринг, қўшнилари чақиринг.

Вали бобо. Айланай, қўшнилар, худо хайр бергурлар, уйғонинглар. Мени худо уриб қолди, ёрдам беринглар. Войдод буёққа келинглар, войдод!

Одамлар йиғила бошлайди.

Овозлар: Нима гап, нима гап бўлди?

Нима шовқин-сурон?

Қаерга ўт кетди?

Қоровулни мачит жиловхонасидан уйғотиб юборинглар.

— Итларни қўйиб юбор.

Узоқ-узоқда бу тўполондан қўрқиб қочаётган итларнинг вангиллари эшитилади.

— Қим додлаяпти?

— Ҳаммани уйғотинглар»

— Вали бобони худо уриб қолибди!

В а л и б о б о. Барака топгур қўшниллар, ёрдам беринг. Мени талаб кетдилар, олиб қочдилар!

О в о з. Нима гап бўлди, нима ўзи?

В а л и б о б о. Талаб кетдилар, олиб қочдилар, бадбахт бўлиб қолдим. Айланай, тобуткашлар.

10 О в о з. Нимангизни ўғирладилар?

В а л и б о б о. Бисотимдаги бирдан-бир бойлигимдан ажралдим, ҳаётимнинг шамчироғи йўқолди, маломатга қолдим! Оҳ, пешонам.

О в о з. Айтсангиз-чи, нима бўлди ахир?

В а л и б о б о. Шўримга шўрва тўкилиб қолди! Оҳ шўринг қурғур қизгинам, ота-онангдан ажралганинг етмасмиди, қизим. Энди қайси ифлос қўлларнинг чангалидасан? Сенга шикаст берганларнинг умри зулматда ўтсин. Ўғри зоти лаънатга дучор бўлсин. Оҳ, мунча тақдирим тошдан экан-а, худойим!

20 О в о з л а р. — Ич-этини еб қўйди.

— Жинни бўлиб қолибди.

— Ҳадеб додлайверма!

— Айтсангиз-чи, ўзи нима гап, сенга нима ёрдам берайлик?

А ъ з а м. Офтобни ўғирлаб кетдилар, қўшниллар.

О в о з л а р. Офтобни олиб қочибдилар.

— У бадбахтлар-эй...

— Валақламасдан из қувайлик.

30 (Аъзамга.) Сен нима қилиб ўшшайиб турибсан?

А ъ з а м. Олакалтак, қоракалтак бўлинглар, фанор ёқинглар. Тўрт томонга тарқалиб из қувамиз. Қарим ака, тозингиз қаерда? Ўғрилар ҳали узоқ кетолмагандир. Жин бўлиб кўкка учмагандир, нина бўлиб қудуққа тушмагандир. Кўҳиқофда бўлса ҳам топамиз.

О в о з л а р. — Тутамиз, албатта тутамиз.

— Қизи тушмагур кўзга яқин эди-да.

— Байталга судратамиз.

40 *Узоқдан Мушфиқийнинг қўшиқ айтгани эшитилади. У эшак миниб саҳнага кириб келади.*

Мушфиқий ашуласи

Мубталомен, мубталомен, мубталомен, мубтало.

Ҳар нафас ўз хотиним жабри билан бошда бало.

Қайга борсам соядек мендан узилмас, оҳким,
Тоза ҳам шармандадурмен, не қилай, улфат аро.

Ишқ эмиш, маъшуқ эмиш, ошиқ эмишман дод, дод
Қумрихон ростин айтсам ҳар учи ҳам можаро.

Бир кеча ётсам агар орқам ўгириб мен ғариб
Кирни ювмай, ош пиширмай ҳафталаб мотамсаро.

Озгина роҳат қилай, деб қайга қочсам излагай,
Кирмаган битта эшик ҳам қолмагай бахти қаро.

(Вали бобонинг эшигига келиб, тақиллата бошлайди.)
Вали бобо, ҳо, Вали бобо! Эшикни очинг, биродари қадим!
Вали бобо, ҳо, Вали бобо! *(Пауза.)* Вали бобо зарур иш билан охиратга кетган кўринади. Хайр, бошқа дўстларни чақирай. Мулла Муҳаммадкарим, ҳой, мулла Муҳаммадкарим, Сафарбой! Очинглар ахир, камина Мушфиқий сизларга қўноққа келдим. *(Пауза.)* Ё таажжуб! Ҳамма эшиклар очиқ... Ахир айни замонда фуқаро кундуз кунлари эшикни тамбалаб ўтиради-ку, буларда тонг азонда ланг очиқ. Ёки мен уйдан чиқиб бу ерга келгунча хайриятли замон барпо бўлдими?.. Мулла Муҳаммадкарим, ҳой, Сафарбой. Ҳеч ким йўқ. Булар қаерга йўқолди экан? Хайр, мана бу саховатли боғларга кириб йўл озиғини ғамлаб олай. Сўнг яна сафар. Нариги кўчага ўтиб, у ердаги дўстлардан бу кўчадаги дўстларнинг қаердалигини сўрарман. *(Эшакни боғлаб боққа кириб кетади. Аъзам, Вали бобо ва бошқалар қайтадилар.)*

О в о з л а р. Бутун йўлни қидирдик.

— Кирмаган бурчагимиз қолмади.

— Кечанинг қоронғулиги уларни яширди-да.

— Қўлдан чиқардик.

В а л и б о б о. Оҳ, шўрлик пешонам, маломатга қолдим.

Аъзам. Мен энди нима қилдим? Юрагимни қайғу еб ташляпти. Оҳ, Офтоб, қаердасан?

М у ш ф и қ и й *(боғ ичидан)*. Уларнинг бошига кулфат тушибди.

Б и р и н ч и қ ў ш н и. Бу эшак қанақаси бўлди?

И к к и н ч и қ ў ш н и. Эгар-жабдуқли, устида хуржун.

У ч и н ч и қ ў ш н и. Тўхтанглар, мен бир кўрай-чи.

Тўртинчи қўшни. Бегона эшак-ку.
Бешинчи қўшни. Кимники бўлди экан?
Овозлар: — Ўғрилар қолдириб кетгандир.
— Вали бобо олинг, ичкарига киргизиб
боғлаб қўйинг.

Мушфиқий (*боғдан*). Бу менинг эшагим.

Ҳамма. Ким у?

Мушфиқий. Мен.

Ҳамма. Қандай қилиб боққа тушдинг?

10 Мушфиқий. Мени кучли бўрон туриб учириб олиб тушди.

Ҳамма. Бўлмаса нега қўлингда мевалар бор, булар қаердан?

Мушфиқий. Бўрон мени ҳар томонга учириб кетаверди. Мен дарахт шохларига ёпишдим. Мевалар узилиб қўлимда қолаверди.

Ҳамма. Қопингдаги нима, булар ҳам мевами?

Мушфиқий. Ҳа.

Ҳамма. Булар қандай қилиб қопга тушиб қолди?

20 Мушфиқий. Ана... ўлманглар... Мен ҳам шу ишга ҳайрон бўлиб туриб эдим.

Ҳамма. Бу ўғри! Уринг ўғрини.

Ҳамма Мушфиқий устига ёпирилиб, уни ура бошлайди.

Аъзам. Тўхтанглар, у йиқилди. Қани ўтни буёққа тутинглар. Ким экан, юзини кўрайлик. Айт, ўғри, қолганларинг қани, қизни қаерга яширдиларинг?

Урманг, шошманг, халойиқ.

Бу иш бизга нолайиқ,

Ўғри эмас дўстимиз.

30 Ҳамма

Кечир, Мушфиқий.

Мушфиқий

Вой, белим, вой.

Ҳамма

Марҳаматли биродар,

Бизга бўлма даъвогар,

Ўғри гумон қилибмиз,

Кечир, Мушфиқий.

Мушфиқий

40 Вой, бошим, вой.

Ҳамма

Сўз топилмас шошганда,

Бизлар бўлдик шарманда,

Ёмон гуноҳ қилдик биз,

Кечир, Мушфиқий.

Мушфиқий

Вой қўлим, вой.

Вали бобо. Мушфиқий, қоронғуда биз сени ўғри гумон қилибмиз. Нега бошдаёқ ўзингни танитмадинг, отингни айтмадинг?

Мушфиқий. От деганни сўраса айтадилар-да, сиз сўрамадингиз, мен айтмадим.

Ҳамма. Бизни кечир, Мушфиқий.

Вали бобо. Азиз Мушфиқий, сен йўлда ҳеч кимни учратмадингми? Офтобни ўғирлаб кетдилар. Қиз билан ўғриларни кўрмадингми?

Мушфиқий. Офтобни дедингизми? Ҳай аттанг...

Ҳамма. Сен йўлда бегона кишиларга йўлиқмадингми?

Мушфиқий. Йўқ, учратганим йўқ. Сизлар жуда таажжуб одамларсиз. Мен ўз умримда ҳалигача кўп бегоналарга йўлиққанман. Уларнинг сохтларини баъзан якка-якка, баъзан бир жуфт-бир жуфт, ҳимматим тутса учтадан, тўрттадан таъриф қилишим мумкин. Масалан, пакана оқсоқоллардан тахминан юзларча учратганман, семиз ғилайлардан мингларча учратганман, қора соқолли новчалардан ўн мингларча кўрганман. Хўш, шулардан сизга қайси бирисини қиз ўғриси деб ушлаб берай? Буларнинг ҳаммаси ҳам тақдири ёзган бўлса, бир марта қиз ўғриси бўлган. Масала шундаки, қайси ғилай ёки пакана қайси қизнинг ўғриси бўлган.

Ҳамма. Сен ахир бу оғир кунда бизга маслаҳат бер.

Мушфиқий. Сизлар агар мenden бирор маслаҳат сўрамоқчи бўлсаларинг, дўппосламасдан илгари сўрасаларинг маъқул бўлар эди. Унда мен сизларга тўғри ва аниқ маслаҳат берган бўлар эдим, янглишмаган бўлар эдим.

Вали бобо. Шўрликкина қизим, ота-онангдан ажралганинг етмасмиди...

Биринчи қўшни. Гапирманг-а, ўзингиз айбдорсиз, киши қизини ҳам ўғирлатадими?

Иккинчи қўшни. Қоғоздаги қантдай қилиб сақлаш керак эди-да.

Учинчи қўшни. Кеча — оқшом кўча-кўйга чиқармаслик керак эди.

Тўрттинчи қўшни. Боғнинг деворини қиз асраган киши баландроқ кўтаради-да.

Бешинчи қўшни. Эшикнинг ҳам зулфини чўп

тиқса очилади, кечқурун тамбаси ҳам йўқ.

О л т и н ч и қ ў ш н и. Битта кўппак ит дунёни ерми-ди, кечаси ечвор. Мана мандан сўра боласидан бераман.

Е т т и н ч и қ ў ш н и. Кекса одам ҳушёрроқ бўлгучи эди. Вали бобонинг ўзи ҳам ўлгунча ғафлат...

10 М у ш ф и қ и й. Тўхтанглар, азиз дўстлар! Нимаки деган бўлсаларинг ҳаммаси тўғри, лекин ҳозир эмас. Бу гапларингдан ўлик сичқонга қопқон қўйишча фойда йўқ. Бекорга оғизларинг кўпириб, соқолларинг булғанади. Ўйлаб кўринг ахир сизларнинг бу гапларингизга қараганда ўғриларда заррача ҳам айб йўқ, ҳамма айб Вали бобода кўринади. Шундай эмасми? Майли энди, Вали бобо, сиз хотиржам бўлинг, Офтобни топса бўлади. Аввал шуки, тонг отса бас, тонг отса Офтоб деган нарса ҳар ерда топилади.

В а л и б о б о. Ўзинг ёрдам бер, Мушфиқий.

Ҳ а м м а. Шафқатингни дариг тутма, Мушфиқий.

20 М у ш ф и қ и й. Йўқ, йўқ. Яхшиси сўраманглар. Чо-расозон аз иложи хеш худ бечораанд. Ҳаммаёғим соя ердай кўқариб ётибди.

Ҳ а м м а. Агар сен уни топишда бизга ёрдамлашмасанг, у чўриликда, амирлар саройида канизакликда нобуд бўлиб кетади.

В а л и б о б о. Шўрлик қизим, сени бир умрга йўқотаманми?

А ъ з а м. Азиз севгилим, сени бир умр кўрмайманми?

Ҳ а м м а. Шўрлик Офтоб, бахтсиз қиз.

30 А ъ з а м. Бизга раҳминг келмаса, Офтобга раҳмингиз келсин.

В а л и б о б о. Дўстлик ҳурматига мендан шафқатингни аяма.

Ҳ а м м а. Ҳаммамизга ҳам марҳамат қил, Мушфиқий.

М у ш ф и қ и й. Бечора дўстларим, мен сизга ёрдам берайми?

Ҳ а м м а. Ёрдам бер.

40 М у ш ф и қ и й. Жоним билан эди-ю, аммо кечикиб қолдиларинг. Чунки ўзимнинг ҳам ишим бошимдан ошиб ётибди. Масалан, мен яна хотинимдан қочиб келдим. Қумринисо ҳойнаҳой менинг изимга аллақачон тушган. Офтоб тушмаган, Қумри учмаган ер йўқ, деганларидай, у мени албатта топади. Ана унда мен яна уйқамоқ бўламан. Мен сизга ёрдам сўраб келаяпман-

ку, сиз мендан ёрдам сўрайсиз. Бир неча кун сизда меҳмон бўлай, деган эдим...

Ҳ а м м а. Сен бизга Офтобни топишда ёрдам бер, биз ҳам сенга ёрдам берамиз, Қумринисога сени топширмаймиз, унга бошқа боғларни кўрсатамиз.

Мушфиқий. Ана бу — гап, ана бу — маслаҳат.

Қумрининг саҳна орқасидан ашуласи келади.

Қ у м р и

Йўл йўқотдим, орқасидан сувдек оқдим,
Излаб-излаб тополмадим, ҳар ён боқдим,
Ёғоч кавшим пошнасига тақа қоқдим,
Бўйгинамга лойиғимни кўрган борми?

Умид билан бир ёстиққа бош қўйгандим,
Насиб, деб қозонимда ош қўйгандим,
Чолим, демай, кекса отин ёш қўйгандим
Арази кўп ошиқимни кўрган борми?

Сочбоғимдан узун эрди боғич боғи,
Урта бўйлик кўк саллалик, лас белбоғи,
Бирга қочган қалин тўнлик бир ўртоғи,
Йўрға ҳазрат, Мушфиқимни кўрган борми?

Мушфиқий. Хотиним.

Ҳ а м м а. Худди ўзи.

Мушфиқий. Мен нобуд бўлдим.

Ҳ а м м а. Сен нобуд бўлдинг.

Мушфиқий. Раҳмларинг келсин, қутқариб олинглар.

Ҳ а м м а. Офтобни қутқарасанми, топасанми?

Мушфиқий. Топаман, қутқараман.

О в о з. Бўлмаса қоч, Аъзамни ёнингга ол.

Аъзам. Мен кетаверамаман.

О в о з. Сен Офтобни қидириб топгунигча, биз Қумрини бу ерда ушлаб турамиз.

Мушфиқий. Тезроқ бўлинглар, дўстлар, у етиб келиб қолди.

О в о з. Жўнанглар. Мана бунини йўлга ола кет.

Мушфиқий. Хайр, дўстлар, хайр, Вали бобо. Ўзингни диққат қилаверма.

Ҳ а м м а. Хайр, муродга етинглар.

Мушфиқий билан Аъзам шошилиб кета бошлайдилар. «Хайр, сафарларинг бехатар бўлсин. Офтобсиз келмачлар» деган овозлар бўлади. Қумри кириб келади.

Қумри. Ҳой халойиқ, янги гапдан хабарларинг борми. Менинг дайди эрим Мушфиқий тагин уйдан қочди.

Ҳамма. Хабаримиз йўқ.

Қумри. Худоё худовандо унинг жазосини ўзинг бер. Мен уни топай-чи, нима қилар экан. Майли-я, айтинглар мусулмонлар, менинг у бирдан-бир азизим қаерга йўқолди. Худоё худовандо уни ўз паноҳингда сақла. Нимага бунча бўзрайиб турибсизлар. Мушфиқийни

10 кўрдиларингми?

Ҳамма. Йўқ, кўрганимиз йўқ.

Қумри. Қаердан қидирсам экан, азизим, қимматлим, овозингни чиқар. Худойим менга йўлбошчи бўл, уни топай. *(Орқа томонда кўринган йўлда Мушфиқий билан Аъзам кетиб боради.)*

Мушфиқий

(Қумрига қараб)

Кетарман бошим олиб сендан жудо кўргунча хайр энди,

20 Бошимга ахтариб бўлма бало кўргунча хайр энди,
Кўкаргил қаер бўлса бир гули раънога ўхшаб сен,
Ҳақингга айлайин яхши дуо кўргунча хайр энди.

Қумри

(Мушфиқийга)

Мушфиқий, жоним, мени ташлаб қаерга борасан,
Қўйворинг дейман халойиқ, тўхта, бахти қора сан!
Халқ

Мушфиқий, жон Мушфиқий, тез бор ишингда топ зафар,

Қўймагаймиз, бўлмагил, Қумри, бекор овора сан.

Мушфиқий *(қичқиради)*. Ҳой, хотинжоним, хайр!

30 Болаларнинг пешонасидан ўпиб қўй.

Қумри *(халққа)*. Қўйворингиз, ахир.

Парда

Учинчи кўриниш

Ҳамдам саройининг саҳни. Ҳужрага кираверишдаги айвон. Катта дарвоза ва кўчанинг бир қисми. Эрта билан. Ҳамдам билан унинг хизматкорлари чиқади. Улар орқаларига тисланиб юрадилар, таъзим-тавозе қиладилар. Улар орқасидан Али Ҳусайн Бағдодий чиқади.

40 Хизматкорлар. Қани, қани марҳамат. Мана шу ерга марҳамат қилсинлар, озор топмаслар. Марҳамат...

Ҳ а м д а м. Сафарлари муборак бўлсин, хуш келибдилар. Хўш, энди жанобларини қаердан сўраймиз?

А л и Ҳ у с а й н. Мен Бағдоддан бўламан. Исми Али Ҳусайн Бағдодий. Балки овозам бу ерларга келгандир, эшитгандирсизлар?

Ҳ а м д а м. Ҳай-ҳай, Али Ҳусайн Бағдодий, дедларми, буни қарангки, худди ўзлари... Аттанг-аттанг, эшитмаганимизни қаранг-а? Мана ўзларини ҳам кўришга муяссар бўлдик.

А л и Ҳ у с а й н. Мен машҳур донишманд ва ҳақим бўламан. Менинг номим бу тарафи — Ҳиндистону Чинмо-Чин, бу тарафи — Балху Бадахшон, бу тарафи — Руму Мисру Ҳабашистон, Мағрибдан Машриққа, боринг-чи, Жийдакапа қишлоққача машҳур. Одамлар мени ҳақимликда Луқмони Соний, донишмандликда Афлотуни Дуввум, деб атасалар ҳам, ўз номимга соя тушишидан қўрқиб, ўз отим билан чақирришларини илтимос қиламан. Чунки эчкини ҳам бузоқни ҳам ўз оёғидан осадилар. Мен кишидаги тўқсон олти минг бўгин, саксон саккиз минг томир, етмиш уч минг суякларни синчиклаб, олтмиш бир минг касалликдан тузата оламан. Менинг маслаҳатим билан ҳар қандай баста ишлар кушойиш топади. Эрон шаҳзодасининг Қўҳиқофдан келтирган канизагини чиллаширликдан, Ҳисор бегининг катта аммасини қулғунадан, Қўқон хонининг нортюясини ҳурковичликдан, Хоразм шоҳининг бароқ мушугини тумовдан, турк султонининг тоғаваччаси тўртинчи Боязиднинг чала туғилган Қамаррўззамон номли қизчасини кўзтегишидан сақлаб қолган — ман бўламан! Менинг дастимдан ўликлар шод, қабристонлар ободдир.

Ҳ а м д а м. Шунча одамларнинг ҳаммаси тузалиб кетдиларми?

А л и Ҳ у с а й н. Албатта-да, тузалиб у томонга кетмаган бўлсалар, иккинчи марта боқдиришга келмасмидилар? Мен ўз донишмандлигим билан ўн шаҳзода, ўттизта бек, элликта ҳоқим, юз йигирма вазир, уч юз эллик амлоқдор, беш юз ўн уч додхоҳ, олти юз битта муфти ва мударриснинг ақлини киргизганман.

Ҳ а м д а м. Шуларнинг ҳаммаси ҳам сизнинг маслаҳатингизга кириб, ишлари ўнғалиб кетганмикан?

А л и Ҳ у с а й н. Албатта-да, менинг маслаҳатим билан ишлари ўнғалиб кетмаган бўлса, қайтадан маслаҳат сўрамасмидилар. Аммо буларнинг кўплари мас-

лаҳатнинг кучлиликдан эплай олмай жинни ҳам бўлдилар, деб орқаворатдан эшитдим. Ҳозир энди бўлса мени бу ернинг амири меҳмондорчиликка чақирган. Балки маслаҳатлари бордир...

Ҳамдам ва хизматкорлари. Ҳай, ҳай, жанобингизга бўлган меҳрибончиликни қаранг-а. Амири-мизга ўша кучли маслаҳатларингиздан берар экансиз-да энди?

10 Али Ҳусайн. Мен амирга атаб Арабистоннинг олти оёқли оқ отидан биттасини тухфа келтирар эдим.

Ҳамдам ва хизматкорлари. Бундан ортиқ пешкаш бўлмайди.

Али Ҳусайн. Бироқ... йўлда арпани сингдиrolмай бўкиб ўлди.

Ҳамдам ва хизматкорлари. Вой-вой, толесизликни қаранг-а!

Али Ҳусайн. Менинг бу саройга тушишимнинг сабаби ҳам амирга арзон худойи янги бир совға қўлга киритишдир.

20 Ҳамдам. Кўп маъқул маслаҳат.

Али Ҳусайн. Сиз бу ишда менга ёрдам берарсиз.

Ҳамдам. Жонимиз билан...

Али Ҳусайн. Сизга бериладиган мукофот ҳам оз бўлмайди.

Ҳамдам. Ҳимматларига ташаккур. Нима қилса ҳам йўл келгансиз, бирор тамадди қилишга раёйлари бўлмасмикин? Сизнинг учун атаган лаззатли хўракни буюришга тайёрман.

30 Али Ҳусайн. Майли, бирор егулик тайёрланг.

Ҳамдам. Балки ювинарсиз, йўлнинг гард-ғуборидан покиза бўлишни истарсиз? Ҳой маҳрамлар, меҳмонимиз улуғ донишманд, ҳакими ягона Али Ҳусайн Бағдодий учун аъло ҳужралардан бирисини бўшатинг. Қани, меҳмон, марҳамат!

Али Ҳусайн хизматкорлар билан чиқиб кетади.

Ҳамдам ёлғиз қолади.

Эшик олдидан қсп кўтарган ўғрилар кўринади.

Ўғрилар: — Ана, етиб ҳам келдик.

40 — Уҳ, тоза ҳам чарчадим. Ўзимиз ҳам ўлгунча овра бўлдик-да.

— Ҳайтовур, орқамизга ҳеч ким тушмади. Изимизни ўчириб келдик.

— Тўқсонга фолбин икки юз етмиш марта қуръон калит қилганда ҳам бизни тополмайди.

— Шу ерда бир оз дам оламыз.

— Ҳа, ҳа, шу ерда қиттай ухлаб оламиз. Бозор-ўчарни эртага қиламиз.

— Ҳамдам бизга жой берар. Лекин лақиллатганига уча кўрмаларинг. У юлдузни бенарвон урадиганлардан.

— Мени лақиллатиб бўпти.

— Уғрини қароқчи урибди, дегандай мақтанаверма. Ҳамдамдан дам емаган киши йўқ. Ҳаммадан ҳам жузя олади.

— Кўрамиз.

— Лекин эҳтиёт бўлинглар, болалар. Кўзингдаги сурманг, оғзингдаги сақичинг, бор-чи иштонбоғингни ҳам суғуриб қўйганини билмай қоласанлар.

— Ҳа, бўпти, чақир-чи.

— Ҳамдам, ҳой Ҳамдам, Ҳамдам!

Ҳ а м д а м. Ассалому алайкум, бемаҳал меҳмонлар. Худойимнинг марҳамати билан ким бўласизлар? Эҳе, ошна, Сайидми, қудуққа тушган мунчоқдай йўқолиб кетдинг... Барака топкурлар, ғазнани урдингларми? Қопдаги нима? Ипак тандами, ёмбими ёки чинни-чеват Хитой кўрами?

Б и р и н ч и ўғри. Қуйма олтин, тиллаи сурх.

И к к и н ч и ўғри. Олмос пора. (*Қопни оча бошлайди.*)

Ҳ а м д а м. Уҳхў, дурдона, денглар. Азизлар, буни қаранг-а, қулфию калиди, калидию қулфи. Ҳозир менга бир барно донишманд — серпул барно ҳакими бадавлат меҳмон бўлган. Ана ўша амирга совға қилиш учун арзигудай пешкаш қидирмоқда эди. Агар таъби номуборақлари маъқул топса, қизни ўшанга сотамиз. Ундан тўққизни уриб қўймаслигингиз учун, фарду фурухтнинг тепасида ўзим тураман.

О ф т о б. Вой ўлай, булар нима дейишяпти?

Уғрилар (*бир чеккага*). Бизни йўлдан урмоқчи.

О ф т о б. Талеим қурсин!

Уғри. Ҳали буни ўйлашиб кўрамиз.

О ф т о б

(*ялиниб шуни куйлайди*)

Ачинтирсин менинг чеккан бу оҳим,

Осмондаги юлдуз бўлсин гувоҳим,

Вали бобо билан севган ҳамроҳим,

Пул десангиз, пул беради, қўйворинг.

Уғрилар ва Ҳ а м д а м

Қумри эдинг, сенга қафас қўйибмиз,

Саҳар олиб талай ерни юрибмиз,

Баланд нархга кўз тикиб ўтирибмиз,
Содда гапинг кулдиради, ваҳ-ҳа-ҳа!

О ф т о б

Тишим — инжу, лабим — ёкут, сўзим — дур,
Порлаб турган олмоспора — кўзимдур,
Қамбағалмиз, бор бисотим — юзимдур,
Даста-даста гул беради қўйворинг.

Ўғриллар ва Ҳамдам

10 Оқшомларнинг олов кўзли шеримиз,
Кечаларга аён бизнинг сиримиз,
Ҳунаримиз, ишимиз, тақдиримиз
Бу ишларга йўл беради, ваҳ-ҳа-ҳа!

О ф т о б

Етим қизман, бировнинг ёлғизиман,
Ой эмасман, офтобнинг ўзиман,
Аъзамжоннинг кўриб турган кўзиман,
Арслон шерга йўл беради, қўйворинг.

Ўғриллар ва Ҳамдам

20 Ўғри халқи сен айтганча хор эмас,
Раҳму инсоф қароқчига ёр эмас,
Қўлга тушсак фақат бизга дор эмас,
Алаш қилиб ўлдиради ваҳ-ҳа-ҳа!

*Ҳамдам ва ўғриллар Офтобни зўр билан ичкарига олиб кир-
дилар. Саҳнага хизматкорлар чиқиб, Али Ҳусайнга жой тай-
ёрлайдилар.*

Хизматкорлар
(ўйин тушиб куйлайдилар)

30 Супирайлик, тозалайлик жойларни,
Шама тўкиб дамлашайлик чойларни.
Хизмат билан ўтказайлик ойларни,
Ҳалво берар бизга ҳаким донишманд.

Тиканзорда ҳаргиз яйраб гул унмас,
Ўт ёнмаган ўчоқларда кул унмас,
Хўжайиндан бизга йиллаб пул унмас,

Тилла берар бизга ҳаким донишманд.

Жой ростлайлик унга соя салқиндан,
Анқо деган қушнинг ўзи бу чиндан,
Шафқат қилиб оғзи маҳкам хуржундан
Совға берар бизга ҳаким донишманд.

Эшик орқасига Мушфиқий билан Аъзам етиб келган. Бўсага тагида Аъзам шу ашулани куйлайди.

Аъзам

Уйқу йўқдир кўзларимда гулузорим ахтариб,
Танда қувват қолмади, кетди мадорим ахтариб.
Мен билан ҳамдard бўлмоққа халойиқ уйғонинг,
Бу томон келдим, муродим шулки, ёрим ахтариб.
Кўзлари тинмай йўлимда термилиб қон йиғлагай,
Қайси йўл бирлан топарман интизорим ахтариб.
Ёримас олам юзи кўрсатмаса юз офтоб,
Яшнамас дил топмасам мен навбаҳорим ахтариб.

Мушфиқий. Бўшашма, умидингни узма, топа-
миз.

Аъзам. Узингиз айтинг ахир, биродар Мушфиқий.
Ишонаманки, ўғрилар бу ерга ҳам келмаган. Биз бе-
корга овора бўлаяпмиз. Бегона шаҳар бўлса, таниш-
билиш бўлмаса, иккита қишлоқи нима ҳам қила олар
эдик. Оҳ, Офтобимдан айрилдим.

Мушфиқий. Қайғурма, топамиз.

Икковлари сарой эшигини қаттиқ тақиллата бошлайдилар.

Очинглар, ҳой очинглар, меҳмон келди.

*Хизматкорлар эшикни очадилар. Мушфиқий билан Аъзам
киради. Сарой ичкарисидан Ҳамдам билан Али Ҳусайн чи-
қади.*

Али Ҳусайн. Йўқ, минг динор бу катта пул. Бун-
дай пулга Фарангистонда уч юз саккизта бева беради.
Сенинг молинг бундай баҳога арзимаёйди.

*Ҳовлиқиб қолган хизматкорлар Мушфиқий билан Аъзамни
ўз орқаларига яширадилар.*

Хизматкорлар. Нима қилиб қўйдик? Хўжайин,

ҳеч кимни киритмангиз, деган эди. Биз уларни яшириб турайлик. Хўжайин кетгандан сўнг саройдан ҳайдаймиз.

Ҳ а м д а м. Эй улуғ донишманд, сизга манзур қилинган қизнинг гўзаллигини ўз доно кўзларингиз билан кўрингиз. Ой деса — ой, кун деса — кун. Қиз сотаётганлар ҳам бегона эмас, хоразмлик ҳалол савдогар азизлар. Улар жондан суғургандай қилиб уни сизга сотмоқчи бўлганларида тоза ҳам йиғладилар, қиз ҳам

10 йиғлади, мен ҳам чидаб туролмадим...

А л и Ҳ у с а й н. Гап битта, беш юз динор бераман. Хўп десаларинг, мана...

Ҳ а м д а м. Сиздай улуғ зотга хасислик келишмайди.

А л и Ҳ у с а й н. Ҳим... ундай бўлса беш юз динор, бор барака топ.

Ҳ а м д а м. Йўқ, мингдан сариф чақа ками йўқ.

А л и Ҳ у с а й н. Агар нарҳини камайтирмасанг, мен осмон билан, яъни худо билан маслаҳатлашиб кўраман. Дарҳақиқат қиз минг динорга арзийдими, йўқми,

20 биламан. (*Ерга тиз чўкиб кўкка қўл кўтаради.*) Поко парвардигор, ўзинг менга ёрдам бер, мен бандаларингдан машҳур ҳаким ва донишманд Али Ҳусайн Бағдодий бўламан. Эшитяпсанми, ё раббий?

М у ш ф и қ и й (*хизматкор ичидан туриб*). Лаббайк!

А ь з а м (*у ҳам секинроқ қайтаради*). Лаббайк!

А л и Ҳ у с а й н (*қўрқиб*). А?

М у ш ф и қ и й. Эшитаяпман, азиз бандам.

А л и Ҳ у с а й н (*довдираб*). Ана жавоб берди.

30 Ҳ а м д а м. Давом қилинг, қолганини ҳам сўранг.

А л и Ҳ у с а й н. Жавоб бер, эй худо, амирга совға қилиш учун олмоқчи бўлганим бу қиз минг динорга арзийдими?

М у ш ф и қ и й. Беш юз динор кифоя.

А л и Ҳ у с а й н. Ана, худонинг жавобини кўрдингми, беш юз динор, вассалом.

Ҳ а м д а м. Ахир бу қўлдан юлиб олган билан тенг. Эй худо, ҳаммани баробар кўр. Ўз қудратинг билан яратилган бу қиз минг динорга ҳам арзон-ку.

40 М у ш ф и қ и й. Беш юз динор.

А л и Ҳ у с а й н. Шаккоклик қилиб ўтирма. Бу ахир худо, худонинг овози.

Ҳ а м д а м. Ким ўзига зарарга мол сотади? Эй, парвардигор, мендай бир ожиз, пулсиз қулингга раҳминг келсин, тағин бир нима қўш.

Мушфиқий. Қизнинг исмини менга айт.

Ҳамдам. Офтоб!

Аъзам (*ирғиб чиқиб*). О, муттаҳамлар, қароқчилар, ўғрилар!

Ҳамдам (*хизматкорларга ғазаб билан*). Булар ким?

Мушфиқий. Биз. (*Аъзамни тирсағи билан биқинига туртиб, Али Ҳусайн Бағдодийга тавозе билан.*) Оҳ, Али Ҳусайн Бағдодий, мен ўз кўзларимга ҳам ишонмай қолдим. Наҳотки сиз Али Ҳусайн Бағдодий бўлсангиз?

Али Ҳусайн. Тўғри, мен Али Ҳусайн Бағдодийнинг асл ўзи бўламан.

Мушфиқий билан Аъзам (*дарров тиз чўкиб*). Оҳ, бизга ёр бўлган толеимиздан ўргилайлик, бахтимиздан ўргилайлик.

Али Ҳусайн. Ўзи нима гап, сизларга нима бўлди?

Мушфиқий билан Аъзам. Толеимиздан ўргилайлик, бахтимиз ёр бўлди.

Али Ҳусайн. Бу шодликнинг сабаби нима?

Мушфиқий. Ё Луқмони Соний, рўпарангиздаги икки ғариби бечора сизнинг дасти муборагингиз соясида майибликдан шифо топган кишилардир. (*Аъзамни туртади.*)

Аъзам. Шундай, шундай, улуғ донишманд, сиз бизнинг валинеъматимизсиз.

Али Ҳусайн. Нима учундир мен сизни эслай олмаяпман.

Мушфиқий. Уҳ-ҳў, албатта-да, сиз бизни қандай ҳам эслай олишингиз мумкин? Мана бу йигит илгари таниб бўлмайдиган даражада иргамчик майиб эди. У бечора мутлақ кўричак эди. Шўрлик ҳатто икки қадам беридан ҳам ҳеч нимани кўрмас эди. Мен ундан ҳам расвороқ дард билан жабр кўрар эдим. Менда қўлу оёқ ўрнига сурунка тумов бор эди. Биз сизнинг қўлингиздан шифо топдик. Қолган умрга биз сизга қарздормиз.

Али Ҳусайн. Тўғри, ёдимга тушди, мен сизни тuzатган эдим.

Мушфиқий билан Аъзам. Шундай, шундай, ўла-ўлгунча миннатдормиз, Али Ҳусайн.

Али Ҳусайн. Менга яқинроқ келиб сизни қандай тuzатганимни дурустроқ ёдимга солинглар.

Мушфиқий. Биз икковни ана ўша толесиз кун-

лар дўст қилган эди. Биз бир-биримиз билан дўстлашдик. Биз икки ғариб бутун дунёни чарх айланиб дардимизга даво излар эдик. Бу мени ўз елкасига кўтариб олган эди. Мен эса унинг бахтсиз кўр ичагига йўл кўрсатар эдим. Кунлардан бир кун ҳар икковимиз саҳро йўлида худога нола қилиб кетар эдик. Бирданига рўбарўдан тўзон кўтарилди, тўзон гирдобга айланиб, осмонга ўрлаб чиқиб кетди-да, бизга қараб кела бошлади. Биз даҳшат ичида қолдик. Бу тупроқ — қум тўзони ана-ана бизни босиб ўлдиради, деб турганимизда, гард ёйилиб ўртасида карвон кўринди. Карвоннинг олдида эса оқ нортаюга минган улуғ донишманд Али Ҳусайн Бағдодий борар эди. Сиз бизнинг ҳолимизга луқмонларча кўз ташлаб, суқротларча донишмандлик қилгандан сўнг, бир қоғозга ўралган дори узатдингиз ва: «Олинглар мана буни баҳам кўриб енглар, шифо топгандан сўнг ҳақими донишманд Али Ҳусайн Бағдодийни дуо қилингиз», дедингиз.

10 А ли Ҳ у с а й н. Э-э-э. Едимга тушди. У дори жумбулажажаниё деган маъжун эди.

Ҳ а м д а м. Қандай муттаҳамлар-а!

20 А ли Ҳ у с а й н. Сизлар менга миннатдор бўлишингиз керак.

М у ш ф и қ и й билан А ў з а м. Жонимиз билан, ҳазрат.

30 А ли Ҳ у с а й н. Мен сизларни ўзимга ёрдамчи қилиб тайинладим. Сиз қаерга борсам соямдек бирга борасизлар ва ҳаммага сизни қандай тузатганимни ҳикоя қилиб берасизлар. Ҳикояни айтганда тўзон билан бирга оташ куюни, оқ нортаюдан ташқари олти оёқли араб отини қўшиш ҳам ёдингизда бўлсин. (*Мушфиқийга.*) Сен баъзида керак бўлиб қолса, худонинг овозини акс эттирасан. Эрта амирнинг саройида меҳмон бўламиз. Ана шу ерда ҳикояни яна чиройлироқ, ҳамма бўлган гапни унутмай, тўла айтиб берасиз. Биласизки, мен мақтанчоқликни ёмон кўраман.

М у ш ф и қ и й билан А ў з а м. Жонимиз билан, валинеъматимиз.

40 А ли Ҳ у с а й н (*Ҳамдамга*). Улар бу ерда мен билан бирга қоладилар.

Ҳ а м д а м. Аммо бошда айтиб қўяй, ҳеч гап қолган эмас. На гўшт, на ёғ, на гурунч ва на нон. Ҳатто арпагача тамом. Мен фақатгина жанобингиз учун тайёргарлик кўрганман. Бинобарин, булар бошқа саройга тушсалар хўб бўлар эди.

Мушфиқий. Ташвиш тортаверма, саховатли саройбон, биз ўз қадрли шифобахш хўжамиз билан учрашганимиз шарафига овқатдан кечишимиз мумкин.

Ҳамдам (*Мушфиқийга*). Бу ёққа келиб кет. (*Бир чеккага судрайди.*) Шу топдаёқ саройни бўшатиб қўй.

Мушфиқий. Сен ҳам бу ёққа келиб кет. (*Бир чеккага судрайди.*) Бекор айтибсан. Бир қадам ҳам ташқарига чиқмаймиз.

Ҳамдам. Сен мени шу аҳмоқ жавобинг учун бу ерга етакладингми?

Мушфиқий. Сен ҳам ўша аҳмоқ саволинг учун бу ерга етакладингми?

Ҳамдам. Эшак билан сенинг орангда қанча фарқ бор?

Мушфиқий (*Ҳамдам турган ерга ишорат қилиб*). Сен билан мени орамча.

Ҳамдам. Очларингдан тириштириб ўлдирмасам, юрган эканман. Ҳой маҳрамлар, азиз меҳмонимиз, улуғ донишманд ҳақими бемонанд Хожа Али Ҳусайн Бағдодий учун тайёрланган овқатлар тайёрми?

Ичкаридан овоз. Азиз қўноғимиз, улуғ донишманд, ҳақими бемонанд Али Ҳусайн Бағдодий учун аталган овқатлар тайёр!

Ҳамдам. Ё соҳиб, овқат тайёр. Қозонларнинг қопқоғи кўтарилган. Ошпаз капгирни қўлга ушлаб, чўмични белга қистириб амрингизга мунтазир. Гул ҳидли шўрва, анбарбў палов, заъфарон рангли қовоқсомса, қуртоба, пистаи хандон, мурғи бирён, кабоб улён, ширчойи буён. Нозу неъмат, ширин шарбат, сўк мастава, мошкичири, нўхатшўрак, атала, ҳалво, узум, ниманки истасалар муҳайё!

Али Ҳусайн. Хизмат кўрсатиши чакки эмас.

Мушфиқий. Ижозат беринг, соҳибимиз, биз ҳам сизга дастурхон устида хизмат кўрсатайлик.

Али Ҳусайн. Албатта, шундай бўлсин.

Овқатланиш сахнаси.

Хизматкорлар қатор туриб мақтаб-мақтаб бир-бирларига товоқ узатадилар. Энг охири товоқларни Ҳамдам олиб Али Ҳусайнга бермоқчи бўлганида, Аъзам билан Мушфиқий йўлда тугтиб қолаверади. Бу ҳол бутун овқат давомида бўлаверади.

Биринчи хизматкор. Шўрва тайёр!

Иккинчи хизматкор. Қуён шўрва!

Учинчи хизматкор. Хушбўй шўрва!

Тўртинчи хизматкор. Лаззатли шўрва!

Ҳ а м д а м. Мана, қуён қулоғидан пиширилган лаззатли хушбўй шўрва!

Мушфиқий билан Аъзам тутиб қолиб татиб кўрмоқчи бўладилар, лекин ҳаммасини ичиб қўядилар.

Мушфиқий. Шу шўрва лаззатлими, қуён қулоғидан бўлган шўрва хушбўй бўлар эканми, ўлгунча шўр, қўланса, чучмал шўрва бўлибди. Тағин саримсоқ солгани нимаси!

Товоқни бўшатиб қўядилар.

- 10 Биринчи хизматкор. Мана палов!
Иккинчи хизматкор. Ёғлиқ палов!
Учинчи хизматкор. Ширин палов!
Тўртинчи хизматкор. Анбарбў палов!
Ҳ а м д а м. Мана, ёғлиқ, ширин, анбарбў палов.

Мушфиқий ва Аъзам суқатойлик билан паловга ёпишадилар.

Аъзам. Шу ҳам палов бўлдими! Ёғи доғ бўлмабди. Тағига олиб кетибди. Қуритилган майиз солибди. Ёғлиқ, ширин, анбарбў паловга майиз солинса, еб бўлмайдиган бўлар экан.

20 *Лаганини бўшатиб қўядилар.*

Биринчи хизматкор. Мана манти тайёр!
Иккинчи хизматкор. Пешнопдан бўлган манти!
Учинчи хизматкор. Аччиққина манти!
Тўртинчи хизматкор. Ёғлиқ манти!
Ҳ а м д а м (*тушқун овоз билан*). Балки хўжамиз мантидан татиб кўрарлар? (*Али Ҳусайнга бермоқчи бўлади.*)

Мушфиқий билан Аъзам буни ҳам тутиб оладилар.

- 30 Мушфиқий. Нега татинмас эканлар, албатта татиб кўрамиз.

Аъзам. Ана холос, татиб кўргудай ҳеч нима ҳам қолмади.

Ҳ а р и к к о в и. Кўп ярамас манти, нуқул пиёз, ха-мирига илиқ ҳам ўтмабди. Бу овқат кишининг соғлигига зарар қилади.

Биринчи хизматкор. Ҳалво тайёр!

Иккинчи хизматкор. Ширин ҳалво!
Учинчи хизматкор. Мағз ҳалво!
Тўртинчи хизматкор. Қандин ҳалво!

Ҳамдам (*жуда ҳам ўзини йўқотиб*). Ҳалво.

Мушфиқий билан Аъзам. Қани, бу ёққа бер.
(*Олиб ейдилар.*)

Мушфиқий. Вой, вой, ҳаммаёққа оғриқ туриб кетди, яна қийноққа қолдик.

Аъзам (*ерга йиқилади*). Биз заҳарландик. Овқатларда оғу бор экан. Унг биқинда шўрва қадалаяпти, чап биқинда палов ичакларни еб ташлаяпти. Мана бу ерни ҳалво ачиштираяпти, бу ерни эса манти жазилатаяпти. Вой дод, биз ўладиган кўринамиз, алвидо!

Али Ҳусайн. Буларга нима бўлди?

Мушфиқий билан Аъзам. Бақрайиб туриб ўлиб кетаверамизми? (*Али Ҳусайн олдиға эмаклаб бориб.*) Уҳ, бизларга шифо бер, соҳибимиз. Бизни ажални чангалидан қутқариб ол! Овқат эмас, бало едик.

Ҳамдам. Падар лаънат найрангбозлар.

Али Ҳусайн. Худойимга сад ҳазор бор шукур. Яхши ҳам бу овқатлардан бир луқма ҳам менга тегмади. Сизларни қандай қилиб олиб қола оламан энди? Айт, қаеринг оғрияпти?

Мушфиқий. Ҳаммаёғим.

Али Ҳусайн. Қорнингми? (*Мушфиқийга қўли билан тегади.*)

Мушфиқий. Бирданига енгил тортиб кетдим. Яна бир марта тегиб қўйинг, кўрмагандай бўлиб кетай.

Аъзам. Менга ҳам тезроқ муборак қўлингизни тегзинг. Уламан.

Али Ҳусайн бир қўли билан Мушфиқийга, иккинчи қўли билан Аъзамга тегади. Ҳар икковлари ирғиб ўринларидан турадилар.

Мушфиқий ва Аъзам (*бақирадилар*). Бу ахир мўъжиза, мўъжизанинг ўзгинаси. Оғриқ йўқолди. Муборак қўлингиздан шифо топдик.

Али Ҳусайн. Бунда таажжуб қиларлик ҳеч нима йўқ. Менинг қўлим ҳарқанақанги ўлимдан ҳам олиб қолади. Аммо бу ҳодиса эртага амир саройида батафсил сўйланиши керак.

Мушфиқий. Бўлмасам-чи. Биз бу мўъжизани бутун дунёга ёямиз. Биз бу билан икки мартаба ҳақими бемонанд Али Ҳусайн Бағдодийнинг шифобахш

қўлида ўлим чангалидан омон қолдик. Миннатдорлигимиз ер билан осмонга сиғмайди. Аммо шу билан бирга биз яна ҳам бахтиёрмизки, сизга келтирилган овқатларни батамом ейиш билан, сизнинг қимматбаҳо ҳаётингизни хавфу хатардан сақлаб қолаверамиз.

Али Ҳусайн (*ғурурланиб*). Сиз мен билан бирга бўлган вақтларингизда сизнинг ҳаётингизга ўзим жавобгарман.

10 Аъзам. Биз ҳам сизнинг ҳаётингизни иштахамиз билан қўриқлашга қасамёд қиламиз.

Али Ҳусайн. Сен энди муғамбир, бемаза оғиз — коски саройбон, агар сен қизни мен айтган баҳога бермасанг, устингдан амирга арз қиламан. Амирдан сен учун оғир жазо талаб қиламан. Қани кетдик, навкарларим.

Ғазабланган Али Ҳусайн Мушфиқий, Аъзам билан бирга чиқади.

Ҳ а м д а м

(*ёлғиз*)

20 Муттаҳамлар қайдан келди бошимга,
Оғу қўшди ширингина ошимга,
Келган эди донишманд ёнбошимга,
Шундай насиба қўлдан чиқиб кетарму?

Тиллали хум Али Ҳусайн Бағдодий,
Йўқдир анинг фаҳм, ижроку саводи,
Юракни ўртайди тилласин ёди,
Оғзим очиб латта тиқиб кетарму?

30 Бу икки муттаҳам ҳар найрангга боп,
Уларнинг қўлига тушса Офтоб,
Лабга кесак суртиб, бағримни ўртаб,
Қўзимга бармоғин суқиб кетарму?

Бўлмайин, Ҳамдамжон, кейин овора,
Балога қилайин олдиндан чора,
Ҳўкиздек олдингга солиб кунжара,
Шаънингда афсона тўқиб кетарму?..

Ҳой азизлар, бу ерга чиқинглар. Худонинг инояти билан толеларинг яна наҳс босди. Олдиндан бир иложини қилмасак, мен Али Ҳусайндай ёмбидан, Офтобдай олмос парчадан, сизлар бўлсангиз шунча тараддуд билан

иззат-обрўдан ажраладиган бўлдик. Офтобни ҳам ола чиқинглар.

Ўғрилар О ф т о б н и судраб чиқадилар.

С а й и д. Ўзи нима гап?

Ҳ а м д а м. Қадамларингизга ҳасанот. Пойимизга тушган одам бор.

Х о л. Кимлар экан?

Ҳ а м д а м. Ҳалиги келган икки қишлоқи. Бириси шайтонга почча, яна бириси иблисга амакивачча бўлар экан. Улар менинг қўлимдан Али Ҳусайнни, Али Ҳусайннинг қўлидан бутун нозу неъматларни кўз очиб юмгунча тортиб олдилар. Тезроқ қизни яширмасак, улар нина тешигидан туя ўтказиб Офтобни тортиб оладилар. *(Уларга бир кандикни кўрсатади.)*

О ф т о б н и шу кандикка яширмоқчи бўладилар. О ф т о б тихирлик қилади, ялинади.

О ф т о б

Бир озгина мен шўрликка раҳм этиб,
Қамаманг зиндонга, амакижонлар,
Юрсангиз — юрайин, турсангиз — турай,
Бўяманг сиз қонга, амакижонлар,
Кир ювиб, ош қилиб, тўнингиз ямай,
Қўймангиз армонга, амакижонлар.

Ҳ а м д а м. Опоқ қиз, даданг ҳофиз ўтган кўринади. Лекин бемаҳал қичқирган хўрознинг боши кетишини билмайдиган кўринасан. Қани, азизлар, яширинг.

Ўғрилар О ф т о б н и кандикка яширадилар. Чиқиб кетадилар. Мушфиқий билан Аъзам чиқади.

Аъз а м. Мен худди Офтобнинг овозига ўхшаш хотинлар овозини эшитдим.

Мушфиқий. Шу гапга мени овора қилиб судраб юрибсанми? Қўшиқ айтган мен эдим. Масалан, *(куйлай бошлайди)*:

Кепак бирлан шакарни қиздириб талқон қилиб
Азалда суст эшакни қамчилаб чаққон қилиб бўлмас,
бўлмас,

Қани, бир саховатли одам чиқсаю, шу ерга ҳаммом

солиб, бу мақому бу овозларнинг гаштини суриб эшитса.

Мушфиқий энди, «Дод-эй, вой-ей», деб авжга чиқмоқчи бўлиб турганда, ўғрилар билан Ҳамдам кириб қолади. Мушфиқий билан Аъзам яшириниб уларга қулоқ соладилар.

Ҳамдам. Азизлар, эртага бор барака топ билан бозори азимда пул қиламиз. Бу тўғрида Али Ҳусайнга ҳам шипшитиб қўяман. У бозорга келади, пулни жарақлатиб қизни топширамиз. Нозик омонатдан қутуламиз.

10

Ўғрилар. Тезроқ бўлиш керак.

Аъзам (*ирғиб чиқиб*). Тўхтанг, ўғрилар! (*Ўғриларга ташланади.*)

Ҳамдам билан ўғрилар қочадилар. Мушфиқий билан Аъзам уларни орқасида, ўғрилар бир хужрага яширинади. Ўғрилар иккинчи эшикдан чиққанида, Мушфиқий билан Аъзам шу ерга киради. Ҳамдам дарров уларнинг устларидан эшикни занжирлайди. Улар қамалиб қоладилар. Ҳамдам келиб кандикни очади, Офтобни ўғриларга топширади.

20

Ҳамдам. Қани, илдам қочинглар, азизлар. Донишмандга айтаман, эртага бозорга боради.

Ўғрилар Офтобни етаклаб қочадилар. Мушфиқий билан Аъзам деворларни муштаб бақирадилар.

Мушфиқий билан Аъзам. Очинглар, муттаҳам ўғрилар! Бари бир биздан қочиб қутула олмайсизлар. Очинглар, дейман. Сен саройбонни қараб тур!

Қумри келиб қолади. Улар тақиллатаётган эшикни очиб юборади.

Мушфиқий билан Аъзам эшик очилиши билан Қумрини ўғри фаҳлаб унга ташладилар.

30

Қумри. Вой, айланайлар, бу мен, оҳ, Мушфиқий! (*Ҳушидан кетиб йиқилади.*)

Аъзам. Айт, муттаҳам ўғри, Офтобни қаерга яширдинг?

Мушфиқий. Тўхта, бу менинг хотиним Қумринисо экан. Яхши ҳам ўзим ёнида бўлмаганим, бўлмаса мени ҳам қўшиб калтаклаган бўлар эканмиз.

Али Ҳусайн чиқади.

Али Ҳусайн. Нима шовқин-сурон? Қандай рас-

во сарой экан ўзи. Қўчмасам бўлмайди. Бу ким? Офтобми?

Мушфиқий. Ҳа, Офтоб.

Али Ҳусайн. Унга нима қилди? Тирикми, нафаси борми? Менинг тиббий китобларимда айтилишича, нафас олмаган киши кўпинча ўлган бўлади.

10 Мушфиқий. Ҳикматни қаранг-а, нафаси бор, фақат ўзидан кетган. Бу сизнинг ҳусни баркамолингизни бир марта яширин томоша қилмоқчи бўлган экан, савдогарлар билиб қолиб урдилар. Биз аранг ажратиб олдик. Ҳуши кетар экан: «Оҳ, келсангизчи менинг азизим Али Ҳусайним, донишмандим», дедию ғиқ этиб кетди.

Али Ҳусайн. Шундай дедими-я, о, бечора қиз.

Мушфиқий. Сиз шу ерда бунга қараб туринг. Биз ўша золим савдогарларни тутиб келамиз. Ҳали замон ўзига келиб қолар. Айниқса, сизнинг муборақ мўъжиза қўлингиз бир марта тегса, бас.

Али Ҳусайн

20

Ҳаким ҳозиқ донишмандман,
Жамолингга орзумандман,
Қаддинг кўриб кўп хурсандман,
Уйғон, Офтоб, жоним уйғон.

Худо билан чин сўзлашдим,
Хизр билан кўп излашдим,
Нархинг учун бир кўзлашдим,
Уйғон, Офтоб, жоним уйғон.

30

Ёшим улуғ, савлатим бор,
Билмасларга ҳурматим бор,
Қурт ҳам емас давлатим бор,
Уйғон, Офтоб, жоним уйғон.

Қумри (*ўзига келиб, ёрнидан туради, Али Ҳусайнни Мушфиқий деб ўйлайди*). Бу сенмисан?

Али Ҳусайн. Миёв.

Қумри. Сен мени танияпсанми, жоним?

Али Ҳусайн. Миёв.

Қумри. Қап-катта одам миёвлаганинг нимаси, аблаҳ! (*Бор кучи билан Али Ҳусайнни ура бошлайди.*)

Али Ҳусайн. Миёв.

40 Қумри (*уни дўппослайди*). Тагин миёвлайди-я, саёқ ўлгур, ҳув, бўғилиб ўлгур, осилиб ўлгур, сўйилиб ўлгур!

Али Хусайн. Войдод, ёрдам беринглар!

Ҳамдам билан хизматчилар чиқиб ғазабланган Қумрининг қўлидан уни ажратиб оладилар.

Тўртинчи кўриниш

Бозор саҳнаси

Нонвойлар, мевафурушлар, мешкобчилар, эски-туски йиғувчилар, саргарошлар ва бошқаларнинг харидор чақирган овозлари.

10 Кабобчи. Барра кабоб, барра кабоб!
Сомсапаз. Ҳой, иссиққинаю ёғлиғига, келинг!
Мешкоб. Обихудойи, обихудойи, оби Чашмаи калон, оби сард, обихудойи.

Мевафуруш. Қандин нишолда, тухми дурда, мағзи бодом, писта хандон, келиб қолинг.

Пояки. Шинавандага сотаман, Қарши тамакиси, ўткир нос...

Мушфиқий эшак минган, Аъзам бозорга кириб келадилар. Мушфиқий куйлайди.

Мушфиқий

20 Салом сизга, олақуроқ аҳли бозор,
Бани одам дастингиздан чекар озор,
Ун ялаган аллоплар, қон ялаган қассоблар,
Пули йўққа бозорингиз мисли мозор,
Бир калава ипдан мудом бир сўм фойда,
Пичоғингиз доим сизнинг ғарчча мойда,

Қизил юзли чойфуруш, хўқачада мойфуруш,
Эй «донолар», айтинг, чўри бозор қайда?

Аъзам. Ўз бемаза қўшиқларингиз билан бозор аҳлини ҳам, мени ҳам зериктирдингиз. Тезроқ юриб ўғрилари қидирайлик.

30 Мушфиқий. Сабр қил, бу ер, ахир, бозор. Шошган қиз эрга ёлчимас, деганлар. Ун ўғрини танлаб бир ўғрини оладиган жой. Ҳозир биз бориб хотинлар устбоши сотиб оламиз. Ана ундан сўнг мен сенга онт ича оламанки, шу куннинг ўзиёқ севганинг билан қовушсан. Ишнинг бу томони буткул тайёр. Энди арзимаган бир жиҳати бор холос. У ҳам бўлса — пул.

Мушфиқий. Мен ҳам, шундайдир, деб ўйлаган эдим. Пулдорлик кишини аҳмоқ қилади. Хўш, бу томонини энди нима қилдик?

Аъзам. Мен бу томонини ўйлаб қўйганман. Сиз менга керакли пулни қарз берасиз, бир оз фурсат ҳам берасиз. Мен тўлайман.

10 Мушфиқий. Яхши маслаҳат. Афсуски, мен бу иккисининг ярмисини бажара оламан. Яъни, мен сенга пул беролмайман. Чунки, унинг ўзи менда йўқ. Аммо, фурсат масаласига келсак, сен менинг қадрдон дўстим бўлганинг учун, истаганингча бера оламан. Мабодо менда пул бўлганда ҳам бари бир бермас эдим. Чунки, дўст кишига пул бериш — ҳам дўстингдан, ҳам пулингдан ажралдинг, деган сўз. Бу икки тарафлама мо-тамга ақлли киши чидолмайди.

Аъзам. Бирорта нарсани сотишга тўғри келади.

Мушфиқий. Масалан, нимани?

Аъзам. Ҳеч бўлмаса эшакни.

20 Мушфиқий. Айтишга осон. Биласанми, бу эшак ким бўлади? Бу эшак — мен билан хотинимнинг яқин дўстимиз. Ўзи Этемас эшакнинг авлодидан. Шунинг учун ҳам эт емайди. Кўп азиз эшак.

Аъзам. Бўмағўр гап. Сизнинг эшагингизга қараганда азизроқ, зўрроқ, гўзалроқ эшакларга бозор тўлиб ётибди.

Мушфиқий. Дуруст айтасан. У эшаклар билан биз дўстлаша олмаймиз. Агар Қумри эшакни сотганимни билса, мен юкимни кўтариб у дунёга кўчишга мажбур бўламан.

30 Аъзам. Нима учун?

Мушфиқий. Чунки бу дунёда менинг ортиқ ишим қолмайди. Мен шундай эшакдан қандай қилиб ажраламан? Мен унинг ҳўтиклигини, курраллигини, йигитлигини биламан. Мана умри боқий экан қирчиллаган дўнон эшак бўлди. Мен сотаман, деганда ҳам эшакнинг ўзи буни истамайди.

Аъзам. Истайди.

Мушфиқий. Йўқ, истамайди.

Аъзам. Жон-жон деб турибди.

40 Мушфиқий. Қалласини кесганда ҳам унамайди.

Аъзам. Ўзи менга: «Мушфиқийнинг сиқигида азобда яшаганимдан сотилиб кетганим яхши», деган.

Мушфиқий. Сен ҳали эшакка ишондингму менга ишонмадингми? Нега шу гапни ҳозир ҳам айтмайди?

Аъзам. Сиздан ҳижолат чекаётибди. Ана, кўрдин-

гизми, сотилиш овозаси чиққандан кейин хушэқиб, қулоғини солинтириб турибди.

Мушфиқий. Э-э... Ҳа, ҳа... Бўлмаса уни сотамиз. Аъзам, сен бир чекага чиқиб тур. Мен у билан хайрлашай. У сендан уялади.

Аъзам бир чеккага чиқади.

(Уни қучоқлайди.) Хайр, азиз рафиқам.

Аъзам. Хайр.

10 *Мушфиқий зарда билан бурилиб кетади. Аъзам унга эргашади.*

Мушфиқий ўз бўйига муносиб хотинлар кийими олади.

Мушфиқий. Шу топда менинг хотиним кўриб қолармиди-я, тоза танбеҳимни берар эди-да, ёдимга тушса ҳам кўрқаман.

Қумри кўриниб қолади.

Аъзам. Хизрни йўқласангиз бўлмасмиди. Оғзингиздан чиқмай алвастидай ҳозир у нозир!

20 *Мушфиқий. Нима, ким?*

Аъзам. Қим бўлар эди, янгам келяптилар.

Қумри. Ҳа, ҳа, сиз ҳали шу ердამидингиз?

Мушфиқий. Мен ўлдим. (Аста-секин йиқилади.)

Қумри. Худо кўтаргур дайди! Энди мендан ҳадеб қочаверишингнинг сабабини билдим, янги ёр топилганда, эскисидан кечмоқ керак экан-да? Худойим билдирса кимга оғушта бўлганингни ҳам билиб оларман. Хув тусингни ел есин!

30 *Мушфиқий. Мен бу фоний дунёдан аллақачон ўтганман. Жон баҳаққа таслим қилганман. Сенинг ўша ўлик танларга жондай ёқадиган хушмақом овозинг қулоғимга кириши билан жоним таним билан видолашиб кўя қолди.*

Қумри. Улсанг — жойинг жаҳаннам, устингдан чиқиб қолдим-да, а? Ҳу ўша ўйнашингга устбош, сарупо олган қўллари ерларда чирисин. Худойим-эй, нега уни бир кунликка учратибгина кўя қолмайсан.

Аъзам. Мурданинг олдида шаккоклик қилаверманг, амма. Биз сарупо эмас, Мушфиқийга кафан олаётган эдик.

40 *Қумри. Икковингиз ҳам ёлғончисиз. Мен бунинг сарамас бўлгур башарасидан тирик эканини кўриб турибман.*

Аъзам. Бир мусулмоннинг гапига ҳам ишонингда, амма, бу ўлган ахир.

Мушфиқий. Тўғри.

Қумри. Ўлган бўлса нима учун қўл-оёғи милтиқнинг ўқидай қимирляпти?

Мушфиқий. Чунки тоб ташлаб чирияпман. (Акса уради.)

Қумри. Акса урапти-ку?

10 Аъзам. Аммажон, акса ураётган Мушфиқийнинг ўзи эмас, балки унинг гуноҳсиз арвоҳи. Эшитмаганмисиз ахир, жаннати бўладиган ўлик акса урар эмиш. Эй, худо раҳмати Мушфиқийнинг руҳи, бизга айт, ҳозир сен нечанчи осмонда кетяпсан, жаннатга етай дедингми, йўқми?

Мушфиқий. Бир гала арвоҳлар учиб кетяпмиз. Илгари ҳам ўлиб кўрган корафта бир чўлоқ арвоҳнинг гапига қараганда ҳализамон етиб қолар эканмиз.

20 Аъзам. Хўш, ана энди нима дейсиз, агар шу гапдан кейин ҳам унинг ўлганига ишонмайдиган бўлсангиз, мен тилимни тишлайман, бошқа гапим йўқ. Бир хил мурда сергапликни ёқтирмайди.

Мушфиқий. Бу гап жуда тўғри.

30 Қумри. Ўлган бўлсанг ўлгандирсан, ўлим ҳақ, майли бунга ишонай. Аммо-лекин, жаннати бўлдим, деганингга ишонмайман. Чунки, ўтган чоршанба куни Маърифат сатангнинг уйида мушкулкушод бўлган эди. Шунда эшонойим китоб ўқиб бердилар. Китоб сўзига қараганда, ҳар киши ўз шаръий хотинидан бир кеча бўлак ўринда ётса, худойимнинг арши курсиси ларзага келиб етти дўзах пишқирар эмиш. Сен бўлса худонинг газабидан кўрқмай, мендан қочганинг-қочган. (Ийғлай бошлайди.) Албатта дўзахисан, сенга жаннат чикора?

Мушфиқий. Ана жаннатнинг дарвозасига ҳам етдик. Катта дарвоза ахлат ташиётган аравалар билан банд бўлгани учун бизни омбордан эмаклатиб олиб кираяптилар. Войдод!

Қумри билан Аъзам. Нима қилди?

40 Мушфиқий. Мени жаннатнинг чаёни чақиб олди. Ана холос, тирикликда ичккан жаннатга ҳам етдик. Олдимда буғдой пишиб ётибди-ку, татиб кўришдан кўрқаяпман. Тагин Одамдай ҳайдалиб юрмай. Ана дарахти тубо. Олмалар фарқ пишган. Жаннатнинг олмаси жуда жоноқи бўлар экан. Биттасини татиб кўрайчи. (Олмафурушнинг саватидан битта олма олиб ея

бошлайди.) Туфу, ичи қуртлаб кетибди. Мазаси ҳам асалга ботирилган турпдай чучмал.

Қумри. Вой, худойим-эй, наҳотки ростдан ўлик? Шу ниятинг бор экан, бир-икки кун илгари шипшитиб қўйсанг ўлармидинг? Ёш бошим билан бева қолавераманми, а, энди?

10 Мушфиқий. Шипшитиб қўймадинг, эмиш, сен ҳам бировга осон тутаверма-да. Ўз ўлимини иқрор қилиш кимга ёқади? Яхшиликнинг кечи йўқ, деганларидай, айтмаган бўлсам, кўриб турибсан.

Қумри. Энди ман нима қилдим? Худойим-эй, ўзингнинг раҳминг келсин. (Ийғлайди.)

Мушфиқий. Йиғлама, хотин, йиғлама. Менинг ҳам жигарим эзилиб турибди. Ўзинг яхши бўлсанг, эрдан кўпи борми, бирорта ёш-ялангга тегиб оларсан.

Қумри. Тегмай ўлай, менга эрнинг кераги йўқ. Мен сенинг ўлишингни истамасдим, менга ким сендай бўла олади?

20 Мушфиқий. Қандай қилай, қазо экан, ўргилай, хотин. Ҳозир сен уйга қайт. Кечга яқин бирор чорак жигар кўтариб орқангдан бораман. Кабоб қилиб еймиз. Эрта билан ўз қўлинг билан ғассоллик қиласан, таъзиямни жойига қўйиб кўмасан. Менинг ўлганимни қўни-қўшнига билдириб юрма, фотиҳани баҳона қилиб чўзма-чалпак, ҳалво-талқоннинг пайдан бўладиганлар кўп бўлади.

30 Қумри (яна қаттиқроқ айтиб йиғлайди). Қора соқол қадрдоним, Мушфиқим, вой, эрим, энди сизни қайдан топарман, жигарим.

Мушфиқий. Жигарни олиб бораман, дедим-ку.

Қумри. Мен сенга кунжут, ҳалво олиб қўйган эдим, энди уни ким ейди, вой эрим!

Мушфиқий. Ҳар галги ҳалво бўлса, ҳали ҳам ўзим ейман. Энгак ташлаётганимда ўлгундай оч эдим, жаннатда тўярман, десам, бу ерда кўрмоқ бору емоқ йўқ экан. Кечқурун мен боришимга ҳалвонгни сақлаб қўй, пашша ўтириб кетмасин.

40 Қумри. Мен сени деб ҳалвофурушни қандай алдаганимни билсанг эди.

Мушфиқий. Қандай ақлли иш қилдинг?

Қумри. У ҳалво тортаётганда ҳалво оғир келсин учун тарози паллага ўзимнинг олтин билакузугимни секин ташлаб қўйдим. Билмай қолиб тортаверди.

Мушфиқий. Билакузук нима бўлди?

Қумри. Ҳалвофуруш сезмай олиб кетди.

بسم الله الرحمن الرحيم قدومنا على هذا الموضع من بلادهم...

موسيقى - تيزمان بوشدا. دروغه. تو چين بجهه قاندا.

دواز - جاناگور. ما منا بون يونگ لولاگه.

موسيقى - خريدونمور. خريدونمور. تو انگو دستون صوفو بوم.

موسيقى - خريدونمور. خريدونمور. تو انگو دستون صوفو بوم.

موسيقى - خريدونمور. خريدونمور. تو انگو دستون صوفو بوم.

تو انگو دستون صوفو بوم. تو انگو دستون صوفو بوم.

خورد - خرد خرد خرد. خرد خرد خرد. خرد خرد خرد. خرد خرد خرد.

خورد - خرد خرد خرد. خرد خرد خرد. خرد خرد خرد. خرد خرد خرد.

خورد - خرد خرد خرد. خرد خرد خرد. خرد خرد خرد. خرد خرد خرد.

خورد - خرد خرد خرد. خرد خرد خرد. خرد خرد خرد. خرد خرد خرد.

خورد - خرد خرد خرد. خرد خرد خرد. خرد خرد خرد. خرد خرد خرد.

خورد - خرد خرد خرد. خرد خرد خرد. خرد خرد خرد. خرد خرد خرد.

خورد - خرد خرد خرد. خرد خرد خرد. خرد خرد خرد. خرد خرد خرد.

خورد - خرد خرد خرد. خرد خرد خرد. خرد خرد خرد. خرد خرد خرد.

خورد - خرد خرد خرد. خرد خرد خرد. خرد خرد خرد. خرد خرد خرد.

خورد - خرد خرد خرد. خرد خرد خرد. خرد خرد خرد. خرد خرد خرد.

خورد - خرد خرد خرد. خرد خرد خرد. خرد خرد خرد. خرد خرد خرد.

«Мушфиқий» комедияси таржимаси қўлёзмасидан бир саҳифа.

Мушфиқий (*ярим туриб*). Барака топ, барака топ, хотин. Сен ичкаридан, мен ташқаридан ана шундай бир-биримизга қайишаверсак, тез фурсатда рўзгоримиз гуллаб кетади. Қани жўна, тезроқ жўна, тараканадан илгари ўликнинг чеккасини тириштиравериш арвоқларга хуш келмайди.

Қумри. Хайр, азизим Мушфиқий. Оҳ худойим-эй, битта Мушфиқий билан ер тўярмиди? Нега унинг жонини олдинг?

10 Мушфиқий. Ёмон-яхши иш ўтган бўлса рози бўл, ёстиқдошим Қумри. Хайр.

Қумри чиқиб кетади. Мушфиқий ўрнидан дикка туради.

Мушфиқий. Аъзам, қани тез бўл. Ҳали ишимиз жуда кўп.

Қассоб гўштини мақтаб, ўйинга тушади.

Қ а с с о б

Минг қўрадан битта қўйни танлаб сўйдим,
Қансрамга оёғидан осиб қўйдим,
Шўрвасидан ичмай туриб ўзим тўйдим,
Олган хурсанд, олмаганга армон бўлур.

20 Юзи қаро бўлур эмиш алдамчилар,
Қайраб турсам пичоғимдан мой томчилар,
Келинг тезроқ, ямоқчилар, ҳаммомчилар,
Эчки гўшти йўқдир, десам ёлғон бўлур.

Чакса десам, саксон пайса ҳам чиқмаса,
Одам деманг эритганда нам чиқмаса,
Гўшт олсангиз суяк ундан кам чиқмаса,
Дастурхонда дуо қилинг, арзон бўлур.

Али Ҳусайн билан бирга ўғрилар чиқади.

30 Али Ҳусайн. Ақл ва дониш уни яна бир марта кўришимни талаб қилади.

Ўғри. Лекин ҳикмат буни рад қилади. Чунки мато нозик. Мушк қутисини очиш билан ҳиди оламни тутгандай, бу иш пинҳон бўлгани хўб. Ҳар қанча хилват ўз ихтиёрларида. Бу ҳикматларни ахир биз сизга эмас, сиз бизга айтишингиз керак.

Али Ҳусайн (*ғурур билан*). Тўғри! (*Пулни тўлайди.*)

Офтоб қолади. Ўғрилар кетадилар.

Донишмандлар шундай харид қиладилар. Бу савдомиз кўп яхши бўлди. Донолигимни ишлатиб, маъжуни фалосифа китобларимни ағдариб ўйлаб қарасам, бу қиз ўғирлик қиз бўлса керак. Чунки нархнинг арзонлиги, сотувчиларнинг қистови шунга гувоҳлик берар эди. Қани сўраб кўрай-чи. Айтинг-чи, эй гўзал маҳлиқо, сиз бировнинг исмат пардада ўтирган қизи эмасмисиз, сизни булар шабохун уриб қочирмадиларми?

К а м п и р. Шундай.

А л и Ҳ у с а й н. Ана, айтмадимми, овозини қаранг-а, худди хитой пиёласини чертганга ўхшайди. Мен гарчанд Мисру Истанбул, Тароблису Андалус, Эрону Туронни кездим, бундай гўзални кўрган эмасман. Бу неъматни амирга ҳам пешкаш тутишга хайфсинади киши.

К а м п и р. Албатта, жаноби ҳаким.

Мушфиқий билан Аъзам бозор айланиб шу ерга келиб қоладилар.

Аъзам (кампирга ташланади). Жоним, Офтобим, Офтоб! Энг охири сени излаб топа олдим.

Мушфиқий (уни туртиб). Ул-э ҳароми, ҳар гал ҳам ишни пачава қилиб юрасан. Бир нафас ҳап тур.

А л и Ҳ у с а й н. Дўндиғим, жоним, мен сенинг раъйингни синдиришни истамайман. Сен мен билан қоласан. Амирга эса бошқа бирор нарса пешкаш қилармиз. Ақлу дониш ва ҳикмат шуни талаб қилади. Ижозат бер, ўша Аштархон олмасидай юзингдан, Хабашистон кечасидай сочингдан, Миср қалдирғочининг қанотидай қошингдан, Машад гумбазидай бошингдан бўсалар олай. (Чачвонни кўтариб бадбашара бир кампирни кўради.) Қудратингдан ўргилай, парвардигор!

Мушфиқий, Аъзам. Қудратингдан ўргилай, парвардигор!

А л и Ҳ у с а й н (ҳайратда). Мен-ку оламда тенги йўқ бир қизни ҳикмат ва ақл далолати билан харид қилган эдим. Унинг ўрнида менинг бутун ҳақимлигим тузатишдан ожиз бўлган қулғуна бир башара.

К а м п и р. Ё донишманди аъло, ё ҳақими бебаҳо. Қудрати азалнинг ҳикматлари тўғрисида ҳамниша авомга панду насиҳатларни дариф тутмас эдингиз. Судан чўлида туя тухум қилганини, Қизил денгиз балиқлари каптар бўлиб учганини, Ҳиндистон тўқайларида бир ҳайвон кўз юмиб очгунча етти рангга бўялганини айтгучи ҳам ўзингиз эдингиз. Нега энди арзимаган бир ҳодисадан мунча ҳайратга тушдингиз? Мен ҳам аслида

ой деса ой, офтоб деса офтобдай сўлқиллаган бир қиз эдим. Ҳар тўқисда бир айб дегандай, менинг тўнг, ўжар, хушёқмас, гап ботмас ҳулқларим бор эди. Шу хулқларим билан бир кун муштипар онамга озор бердим. Онам ҳақжў бир хотин эди. Менинг ҳақимда: «Илоё, иловандо, бетинг кепчикдай шишиб, энгагинг кирпининг елкасидай тукли бўлсин», деб дуо қилди. Яна бошқа дуолари ҳам бор эди-ю, айтишга ҳазратларидан уяламан. Дуоси ижобат бўлди. Кўриб турибсиз, яна худо халлоқи карим. Сиз менга парваришни яхши қилаверсангиз зора илон пўст ташлагандай бешўн йилнинг мобайнида аслимга келсам.

10

Аъзам (*Мушфиқийга*). Оббо, бизни ҳам алдадилар, денг.

Мушфиқий. Хаф, бу ҳодисаларнинг кўзига тикилиб туриш — келажакнинг сирларини менга очиб беради.

Саҳнага Ҳамдам кириб қолади.

20

Ё донишманди аъзам Али Ҳусайни Бағдодий, қаранг, бизни ва сизни алдаган киши шунинг ўзи. Жавоб бер, малъун, Офтобни қаерга яширдинг?

Ҳамдам. Азизлар, раҳмларинг келсин, менинг гуноҳим йўқ. Бу ишни қилган — ўзини сизга савдогар деб таништирган ўғрилар эди. Улар мени ўлдириш билан қўрқитдилар. Ҳатто менга бу иш учун пул ҳам бермоқчи бўлдилар. Мен қабул қилмадим.

Мушфиқий. Офтоб қани?

Ҳамдам. Офтобни ўғрилар, амирга сотамиз, деб олиб кетдилар.

30

Мушфиқий. Марҳаматли валинеъматимиз, сизни алдаганларини қаранг-а!

Али Ҳусайн. Малъунлар, сен ҳам шуларнинг бириси!

Ҳар учовлари Ҳамдамга ёпирилиб, уни ура бошлайдилар. Ҳамдам қочади.

Тубан, ёлғончи, ҳали сен мендай донишманди замонни алдамоқчи бўлдингми. Мен сенинг устингдан амирга шикоят қиламан.

40

Мушфиқий. Албатта шикоят қилинг.

Али Ҳусайн. Ҳимоят талаб қиламан.

Мушфиқий. Яхши қиласиз.

Али Ҳусайн. Тўхта-чи, сен ҳам шу алдашларга иштирокчиларнинг биттасисан-ку.

Мушфиқий. Ия, зоти шариф, нима бўлиб бундай

фиқр жанобингизнинг ноёб миянгизга келди? Ўзингиз бизни мулозим этдингиз. Бизнинг вазифамиз сизни ўйнатиш-кулдириш эди. Кўз — қўрқоқ, қўл — ботир, деганларидай, сизни бир оз кулдирмоқчи ва давлатингиз миннатини бажо келтирмоқчи эдик. Шу топда бўлса у муттаҳамлардан интиқом олиш юрагимга орзу бўлиб қолди. Валинеъматимиз Али Ҳусайн Бағдодий, бўркингизда билингким, биз бу интиқомни фақат сиз учун олмақчимиз. Офтоб қўлтиғингиздаги жиззали кулчадай сизники бўлади. Бизга ишонаверинг.

Али Ҳусайн. Хўп, бу ишни қандай бўлдира оласан?

Мушфиқий. Саройга киришга уннаб кўраман, дарвозабон ошнам. Шу орқали ўғриларни ушлатиб, жазои олийга, мабодо зарур бўлса маъқуллаб, Офтобни ажратиб келаман.

Али Ҳусайн. Ана бу илмга ҳам, маъжуни фалосифага ҳам тўғри келадиган ҳикмат. Лекин тезроқ бор. Айни вақтдаги тезликнинг икки фазилати бор: ҳукамолар айтибдирларки, бириси — қиз бутун қолади, иккинчиси — қиз бутунлигича амирники бўлади. Шу фалсафадан аҳли илмнинг хулосаси: Али Ҳусайн Бағдодийнинг шухрати беҳалал бўлади.

Мушфиқий. Ўлгунча гўл одамлармиз-да, ҳикматнинг кучлилигини қаранг-а. Шу ҳикматларга қўшимча фуқаронинг ҳам бир ҳикмати бор.

Али Ҳусайн. Нима экан?

Мушфиқий. Е тўним ҳикмати.

Али Ҳусайн. Яъни?

Мушфиқий. Амир саройи шу қишлоқи хирқа тўнимга дастурхон ёзмайди. Янги тўн олишга фуқароликнинг умумий тумови бўлган пулсизлик йўл қўймайди.

Али Ҳусайн. Сен ҳикматдан бефаҳм оддий фуқаро бўлганинг учун шу сўзни менга айтаётгандирсан. Ахир бу ойнада (*ўзини кўрсатиб*) ўзингни кўрмайсанми? Бутун давлатимга (*Мушфиқийни кўрсатиб*) шу мурдор чеҳрани харид қилдим.

Мушфиқий. Энди нима қилдик? Ҳа... Ечинг.

Али Ҳусайн. Нима, менми?

Мушфиқий. Ҳа-да, сизнинг шу савлатингизнинг ўзи ўн сарой, йигирма беш ҳарамга арзигулик. Мен сизнинг, одамга либос — эшакка тўқим, дегандай, шу либосингиз билан борсам, эшик қолиб туйнукдан ҳам кира оламан. Ўз устимдаги хирқаларни бўлса ҳалиги айтганим дарвозабонга бераман. Чунки у бечора са-

ройдан бод юқтириб дўст — ошноларни ҳам пешкашсиз қабул қилмайдиган бўлиб қолган.

Али Ҳусайн. Мен ўзим нима қиламан?

Мушфиқий. Сиз бизга саломатлик ва ўзингизга сабр тилаб, кутиб турасиз.

Али Ҳусайн. Мендай бир донишманднинг куппакундузи, бозор ўртасида ярим яланғоч қолишим ҳикматда айтилмаган-ку?

10 Мушфиқий. Ҳикматни кишилар ўйлаган. Биз яна бошқасини ўйлаб кўрамиз.

Али Ҳусайн. Қандай ҳикмат?

Мушфиқий. Сизни ана шу сандиққа солиб кетамиз.

Али Ҳусайн. Мени сандиққа?! Мен бундай ҳикматни ҳеч бир китобда кўрган эмасман.

Мушфиқий. Ҳикмат кўрнинг таёғидай икки бошли бўлади. У ёғидан тутса ҳам бу ёғидан тутса ҳам бари бир. Истанг — сандиққа тушинг — Офтоб сизники, истаманг — пешкашсиз подшоҳга йўлиқинг.

20 Али Ҳусайн. Ҳақиқатан... қийин масала.

Мушфиқий. Вақт ўтяпти.

Али Ҳусайн. Хайр, яхши, биринчисига кўндим (*Ечина бошлайди.*) Лекин алдама.

Мушфиқий. Донишмандмисиз?

Али Ҳусайн. Албатта.

Мушфиқий. Донишмандлар ҳам алданадиларми?

Али Ҳусайн. Алдасалар — алдайдилару алданмайдилар.

Мушфиқий. Демак сандиққа тушаверинг!

30 Али Ҳусайн (*нон сандиққа тушади*). Бу ер жуда тор ҳам қаттиқ.

Мушфиқий. Торлиги учун кўнглингизни кенг тутсангиз бас. Қаттиқлиги учун сиз аввал мана бу қопга, сўнг сандиққа тушасиз, олам халос.

Али Ҳусайн. Сенга ишонаяпман-а, ёдингда бўлсин. (*Қопга тушади.*) Жуда ҳам тор, жуда ҳам қоронғи.

Мушфиқий. Унглингизни босиб ётсангиз, ўзингизга ўнгайроқ бўлади.

40 Али Ҳусайн. Тез қайтасизларми?

Мушфиқий. Бу гап бир маротаба зикр қилинди. Бир соатга қолмай, бизнинг ҳақгўлигимизга ўзингиз ишонасиз.

Али Ҳусайн. Қутдириб қўйманглар.

Мушфиқий билан Аъзам сандиқни ёпадилар.

(Сандиқдан.) Бу ер жуда ҳам дим, тез келмасаларинг бўғилиб ўламан!

Мушфиқий (қайта кийиниб). Озор чекаверманг! Қани, Аъзам, шу топдан бошлаб мен Али Хусайн Бағдодий, сен бўлсанг менинг ёрдамчимсан. Чунки, бир талай шоирлар тахаллус янгилаб фалокатдан қутулганлар. Иложини топсак сени ҳам бошқатдан кийинтирамиз.

Аъзам. Нима десангиз мен рози. Лекин Офтоб топилса бас.

Чиқиб кетадилар.

Чодирхаёл ўйини кетди. Қизиқчилар, ёғочоёқлар, муаллақбозлар ўйнайдилар. Ҳаммадан пуллар йиғилди.

Али Хусайн (инграган овоз билан). Мени қутқаринглар.

Шунинг устига саҳнага Ҳамдам кириб қолди.

Ҳамдам (соқсоқланиб). Оҳ, вой, оҳ, вой-ей. Тоза ҳам дўппосладилар-да. Бир бурда ҳам соғ жойим қолмади. Вой-вой, а? Бу инграётган ким?

Али Хусайн (сандиқ ичидан). Ҳой, ёрдам беринглар!

Ҳамдам. Ким бу?

Али Хусайн. Қутқаринг.

Ҳамдам. Кимни ким қутқаради? Сен меними, мен сеними? Ўзинг кимсан?

Али Хусайн. Менинг кимлигимни чиққанимдан сўнг биласан. Ҳозирча мени қутқар.

Ҳамдам. Бу ерда кимни кутиб ётибсан?

Али Хусайн. Ёрдамчиларимни.

Ҳамдам. Учрашишга белгилаган жойларингнинг саралигини қаранг-а, азизлар.

Али Хусайн. Мени бу ердан чиқариб ол, жуда сиқилиб кетдим. Хизмат ҳақингни бераман.

Ҳамдам. Ахир сен қандай қилиб бу ерга тушиб қолдинг?

Али Хусайн. Оруз-ҳавас билан эмас, менга, шу иш яхши, деб уқтиришди.

Ҳамдам (сандиқни очади). Ия, ҳали қопда ҳам экансан-ку. Аҳмоқ одам кўринасан. Қани чиқ. (Қопни очади.) Вой қудратингдан ўргилай, парвардигор! Сиз ахир машҳур донишманд ва ҳаким Али Хусайн Бағдодий экансиз-ку. Тағин онадан туғилгандай шир яланғоч. Мана бу тўнни кийиб олинг. Ия, бозор ичида айб бўлади. (Тўнни ечиб беради.) Бозорга хазрати амир

келадиган кўринадилар. Ана, ҳудайчилар билан сарой
хизматчилари ҳам кўринишиб қолди.

Ҳудайчи. Амири дономиз бу ерга ташриф бую-
радилар!

Сарбозлар. Сувлар сепилсин, оройиш ва тартиб
сақлансин!

Мулозимлар
(саккиз киши, хор)

- 10 Бошимизга соябонсиз, соябон,
Тахтингиздан паст эрур бу осмон,
Ҳайбатингиз ваҳмида титрар жаҳон,
Кеча-кун тинмай деюр эл: «Ал — омон!»

Сиз эрурсиз бизлара пушти паноҳ,
Шафқатингиздан ўтолмас оҳу воҳ,
Ҳурматингизга эгар бош қанча шоҳ,
Ҳаммамизга меҳрибонсиз, меҳрибон.

*Доира, ноғора, карнай-сурнай ўйинлари билан; сарбозлар ўйини.
Амир кириб келади. У бир тахтиравонда, атрофини аркони дав-
лат ўраб олган.*

- 20 Амир арияси

Амири салтанатмен, халқ қонидин шаробимдир,
Етимлар бағри бу ичган шаробимга кабобимдир.

Фақирлар кўз ёшидин инжулар йиғдим хазидамда,
Худонинг олдида қилган менинг битта савобимдир.

Менинг қаҳрим билан ер титрадию осмон ларзон,
Қани Рустам билан Доро у Қайхусрав ҳисобимдир.

Қилич, қон зулму бедоду жафоу жабру сийму зар—
Менинг ҳар икки дунёда жавобимдир, жавобимдир.

- 30 Бугун марҳаматим авжида, арз тинглайман — фарз
қиламан. Уғрига — шафқат қиламан, жаллодларга —
илтифот қиламан. Сўра сўрайдиганингни, аҳли насаб.

*Уғрилар мулозимларнинг орасини ёриб-ёриб Офтобни етаклаб
келадилар.*

Уғрилар (таъзим билан). Шаҳаншоҳим саломат
бўлсинлар, биз Хоразмшоҳнинг фуқароларидан имти-
ёзли савдогарлармиз. Биз жаноби зилли илоҳнинг

пойи қадамларига узоқ эллардан арзимаган бир пешкаш, қўлларига сув қуйишга ҳам арзимайдиган бир канизак келтирдик. Балки жаноби ҳазратимизнинг ҳарам саройларига чўриликка арзир.

А м и р. Юкларинг қаерда?

Ўғри боши (довдираб). Қароқчи олди.

А м и р. Қимнинг тупроғида?

Ўғри. Жанобларининг сарҳадлари ичкарасида, тахминан ўн беш тош.

А м и р. Салламно. Мамлакатимнинг бўз ўғлонлари ўз амирларининг қасосини Хоразмшоҳлардан ола бошлабдилар. Қиз қаерда, келтиринг.

Ўғри боши (довдираб). Ҳузурингизда, марҳамат!

А м и р (тахтиравондан тушиб, Офтобга яқинлашади. Унинг чачвонидан қараб ўзидан кета бошлайди). Оҳ, хусни илоҳий, оҳ, малаклар ичида малак. Бу совғангиз илтифотга лойиқ, эй жаҳонгард савдогарлар. Менинг сизга илтифотим — бошингизнинг саломатлиги бўлади. Жон керак бўлса, кун ботмасдан шаҳардан чиқинглар.

Ўғрилар ўринларидан қўзғалмайдилар.

Мулозимлар, маҳрамлар, буларга бу ердан жўнашга ёрдам беринглар.

Мулозимлар уларни қувлаб чиқарадилар.

Яна Офтобнинг чачвонини кўтариб қарайди.

Оҳ, гўзал, сен менинг эсимни олдинг, юрагимга эга бўлдинг. Оҳ, Кўҳиқоф париси, сени кўрдиму ақлимни йўқотдим. (Тахтиравонга ёстаниб инграйди.) Ақлимни йўқотдим.

Мулозимлар. Жаноби олий ақлларини йўқотибдилар! Жаноби олий ақлларини йўқотибдилар! Сизга нима ёрдам берайлик, бизнинг муқтадир ва ноёб амиримиз?

А м и р. Мен ҳам билмайман.

Мулозимлар. Айтинг, донишмандлар, энди нима қилайлик? Жаноб ақлларини йўқотибдилар.

Донишманд. Йўқолган нарсани қидирадилар.

Мулозимлар. Қидиринглар, қидиринглар, қидиринглар, қидиринглар!

Ҳамма тўрт оёқлаб ердан қидира бошлайди.

Ҳалойиқ ўртасидан Мушфиқий билан Аъзам чиқиб келадилар.

Мушфиқий. Жаноби ҳашмат маоб, сизнинг баланд рутбангизни паст қилғудай бундай ёлғон мулозимлар мени сизга мурожаат қилишга мажбур қилди.

Амир. Айт!

Мушфиқий. Ижозатингиз билан, бугун уйқудан турганингизда ақлингиз ўзингиз билан биргамиди ё йўқми?

Амир. Ёдимда йўқ.

10 Мушфиқий. Ана кўрдингизми, султони жумлаи олам, биз шунчалик ҳақиқатга ета олдикки, агар жанобларида ақл бўлса эди, ана шу ақлнинг йўқолганлигига шунчалик аҳмоқлик билан ишонмаган бўлардилар, жанобларида ақлнинг ўзи бўлмагани учун унинг йўқолганига шунчалик тез ишона қўйибдилар. Қишлоқ мачитидан гилам йўқолмагандай, таги бўлмаган нарсани йўқотиш мумкинми?

Амир. Тўхта, тўхта нима демоқчисан? Мени, таги ақли йўқ, демоқчимисан?

Мушфиқий. Йўғ-э, амири аъзам.

20 Амир. Бу гапга қандай ботирчилик қила олдинг, аблаҳ?

Мушфиқий. Шаҳаншоҳим, агар сизнинг ақлингизнинг ўзи тагида бўлмаса, уни қандай йўқотишингиз мумкин? Ақл югуртирсангиз-чи, ахир?

Амир. Бундай демоқчи бўлсанг, бошқа гап. Хўш, масалани бунчалик осон ва бунчалик тез ва ақл билан ҳал қилаяпсан, ўзинг кимсан?

Мушфиқий. Мен сояи давлатларида, ҳаким ва донишманд Али Ҳусайн Бағдодий.

30 Амир. Али Ҳусайн Бағдодий? Мен сени аллақачондан буён кутаман. Келишинг билан севишим. Донолигинг билан баҳраманд, ҳакимлигинг билан мени хурсанд қилдинг.

Яна тантана бошланади.

Мулозимлар. Али Ҳусайн Бағдодий экан, донишманд экан, ҳаким экан, олим экан, доно экан. Шаҳримиз қадамларига пешкаш.

Ўйинлар бошланади. Мушфиқий таъзим қилади.

Амир. Бу йигит ким?

40 Мушфиқий. Ёрдамчим, мунажжим Хўжа Сайёр Кайқубодий. (Аъзамнинг биқинига туртади.)

Амир. Марҳамат қилсинлар.

О ф т о б (*Аъзамни пайқаб*). Аъзам.

Аъзам. Офтоб!

Мушфиқий (*Аъзамни туртиб*). Жим бўл!

Аъзам. Чидай олмасам қандай қилай?

Мушфиқий. Қани, сиз ҳам лутфан айтинг, шаханшоҳим, бу киши ким бўладилар.

Амир. О, бу бир олмоспора, бир хазина, буни мен ҳозиргина қўлга киритдим. Бу билан ҳарам саройим яна порлайди.

Мушфиқий. Оҳ, бадбахтман, бошимга тоғ ағдарилди!

Амир. Сенга нима бўлди?

Мушфиқий. Ишонаманки, ҳали сиз бу қизга тегамагандирсиз?

Амир. Йўқ.

Мушфиқий. Оҳ, шафқату марҳаматингга, ҳазор мартаба шукурлар бўлсин, қудратли парвардигор! Тolleим ёр бўлиб ўз вақтида кела олибман. Амир алмўминин, кўриб турибсизми, устимиз гарду ғубор, ёрдамчим Хўжа Сайёр Қайқубодий бўлса аранг турибди. Биз йўл-йўлакай ўн манзилда от алмаштириб ҳузурингизга чопдик. Қушлардай қанотимиз бўлиб, даргоҳингизга учиб келолмаганимизга афсус еяр эдик. Жаноб олийларининг дурри бебаҳодай — қимматли ҳаётлари таҳлика остида эди. Менинг тилсимли дурбинимнинг, Хўжа Сайёрнинг устурлоби кўрсатишича, юлдузингиз наҳс ичида. Агар шу наҳс кўтарилгунча бу жонон билан суҳбатлашар экансиз, фожиали суратда марги муножот билан ўласиз.

Амир. Қандай хунук хабар! Бу қизни энди нима қиламан? Буни ахир менга совғага Хоразм савдогарлари келтирдилар.

Мушфиқий. Ана кўрдингизми, ҳам давлатингиз, ҳам мамлакатингиз, ҳам жонингизнинг қадимий душмани бўлган Хоразм шоҳлари бу қизни сизга жўртгага юборганлар. Айниқса, шу қизга тега кўрманг.

Амир. Бундай бўлиши мумкин эмас, балки сен хато қилаётгандирсан?

Мушфиқий. Марҳаматан менинг тилсимли дурбинимга қаранг ва ўз тақдирингизни томоша қилиб, бизнинг мулоҳазаларимизга тан беринг. (*Уzun бир дурбинни амирга беради. Амир узоқ қарайди.*)

Амир. Мен бунда ҳеч нарса кўраётганим йўқ.

Мушфиқий. Демак хатар жуда ҳам зўр экан, жаноб амир. Жинлар сизнинг кўзингиздан ўз тақдирингизни яширяптилар.

Амир. Бундай бўлиши мумкин эмас, ўйлаб кўр, балки хато қилаётгандирсан?

Мушфиқий. Сизни бу ишга ишонтириш учун баъзи тажрибаларни қилиб кўрсатишим мумкин. Библиб қўйингки, жинлар икки тоифа бўлади. Биринчи тоифа — Қўҳиқофдаги Абдурахмон парининг аскарлари бўлиб, булар сизнинг ҳимоячиларингиз, дўстларингиз. Иккинчи тоифа — Чангали Мозандарондаги Салосил девнинг аскарлари бўлиб, улар сизнинг ўлимингизни истовчи душманларингиз. Мен фақат ўзимгина билладиган ишлар билан ҳар икки тоифа жинларнинг ҳам кучларини синай оламан. Аммо бу тажрибани жаноби олийларининг қимматли вужудлари устида синаб кўришга ботирчилик қила олмайман. Агар ижозат берсангиз, кўмакдошим Хўжа Сайёр Қайқубодий устида амалиётга бошлайман.

Амир. Бошла.

Мушфиқий. Ҳозир ҳар икки тоифа жинларни чақириб, душман жинларни Хўжа Сайёр устига, дўст жинларни бу қиз устига юбораман. Агар Хўжа Сайёр қизга тегиш билан ўлмаса, демак душман жинларнинг кучи зўр келгани бўлади ҳамда сизнинг қизга яқинлашувингиз бир умр мумкин бўлмайди.

Амир. Жуда ҳам қизиқ тажриба. Қани, бошла, кўрайлик-чи.

Мушфиқий (*ўз дурбинига уннаб, парихонлар, сингари санноғлайди*). Ё Хўжа Сайёр Қайқубодий, тайёрлан, жинлар кела бошлади. Бошланди. Қизга яқинлаш. Қўлини ушла. Жаноби амир, амалиёт бориб турганда ҳеч ким уларга халақит бермаслигини сўрайман. (*Аъзамга.*) Уни қучоқла. Муҳаббат изҳор қил.

Аъзам Офтобни қучоқлайди.

Аъзам

Юзларингдек бу жаҳон боғида бир гулзор кам,
Гул қидирганда чамандин сен каби дилдор кам.

Офтоб

Йўлларида термилиб қолдим асири ишқ ўлиб,
Гарди пойингга сурарга чашми миннатдор кам.

Аъзам

40 Мен харидоринг қидирган битта олмоспорасен
Қадрини қўймоққа ҳатто бу жаҳон бозори кам.

О ф т о б

Дилни гар булбул каби олтин қафасда сақласанг,
Донани ёқут еганда чекмагай озор кам.

Ҳ а р и к к о в и

Ёр васлига етишмак лаззатин қилсак баён,
Шукурким, шукронаким, бу шеър ила ашъор кам.

Аъзам билан Офтоб ўпишадилар.

Амир. Бас, етар! Бундай барно йигитнинг азиз:
жонини бундан ортиқ хавфу хатарда қолишини иста-
майман. Тажриба тўхтатилсин.

Улар бир-бирларини эркалашда давом қиладилар.

Бас, етар, деяпман сизларга!

Мушфиқий. Шу кичкинагина амалиётдан сўнг,
менинг гапларимнинг тўғрилигига ишонган бўлсангиз-
керак, жаноби амир?

Амир. Оҳ, бу қизни ҳарам саройга олиб боринг-
лар. Мен, майли, толеимдан наҳс кўтарилиб, жинлар
ҳайдалгунча кутаман. Лекин бу тез бўладими?

Мушфиқий. Ўзимдаги бутун донишмандлик ва-
ҳикматнинг кучини аямай сарф қиламан.

Амир. Яхши. Менинг ҳаётимни бундай зўр таҳ-
ликадан қутқарганинг учун бугундан бошлаб сени
ўзимнинг бош мушовирим, яъни маслаҳатгўйим қилиб-
тайинлайман. Мен билан юр, сенинг соғ-саломат кел-
ганинг шарафига базми олий қурамиз.

Эски донишманд. Шундай қилиб, у амирга
донишманд бўлиб тайинландию мен ўрнимдан қол-
димми?

Мулозимлар. Машҳур донишманд ва ҳақими
бемонанд Али Ҳусайн Бағдодийни янги шарафли мар-
таба билан табриклаймиз!

Эски донишманд. Энди бутун иззат ва ҳурмат
уники бўладиган бўлди. Мен шарафсиз итдай даргоҳи-
дан қўвланадиган бўлдим. Йўқ, мен бунга чидаб тур-
олмайман. Мен унинг шуҳратли номига доғ соламан,
амир олдида ўз рақибимдан ўч оламан.

Мулозимлар. Салом сенга донишмандлар до-
нишманди. Салом сенга ҳақимлар ҳақими! Салом сенга
жаноби хазратнинг улуғ маслаҳатгўлари!

Ҳаммалари чиқиб кетадилар.

Парда

Бешинчи кўриниш

Амир саройи.

Мулозимлар ва эски донишманд.

Биринчи мулозим. Эй аслзод донишманд, бизга ўзинг ҳомий бўл. Амиримизнинг янги донишманд — маслаҳатгўйи иш бошлаганига ҳали икки кун ҳам бўлгани йўқ, аммо биз ундан етарли даражада жабру жафо тортишга улгурдик. Саройда ҳеч қаерга
10 бежавотирлик билан қадам қўйиб бўлмайди. Маслаҳатгўй ҳаммаёққа жин тутиш учун қопқонлар қўйган. Ҳали бу қопқонларга бирорта ҳам жин тушгани йўқ, аммо биз лўппа-лўппа тушиб турибмиз.

Иккинчи мулозим. Амир ошхонасида кечакундуз жин тутганда қопқонга қўйиш учун пистамағизли ҳалво пиширилади, кейин билиб қолсак, бу ҳалволарнинг ҳаммасини донишманднинг ўзи еяр экан.

Учинчи мулозим. Бизни ҳадеб қандайдир бир аччиқ дорини ичишга мажбур қилади. Бу дорини унинг
20 ўзи «Жинларга ўлим иксири», деб атайди.

Биринчи мулозим. Сенинг замонагда тинч ва осойишта яшар эдик, энди бўлса сарой танимаслик аҳволга келди. Мулозимлар ҳаммаси ўз сояларидан ҳам кўрқиб, якка-якка қисиниб, қимтиниб, кўрқиб, пушиб юрадилар. Донишманд ҳаммани жинлар билан чўчитиб қўйган.

Эски донишманд. Бошларингга тушган фалокат менга маълум. Бу донишманд менда анчадан буён ҳам шубҳа туғдириб юрибди. Амирнинг бўлса кўзи
30 кўрмайди, сўқрайиб қолган. Бу номуносиб одам амиримизнинг эс-ҳушини эгаллаб қўйибди. Мен донишманд тўғрисида унча-мунча сиру асрорларни фаҳмлаб қолдим. Аммо бу сирларни очиш учун яна сизлар менга ёрдам қилишларинг керак.

Мулозимлар. Биз бу важга қолганда қўлингиздаги шунқормиз, хизматингиздаги қул. Нима буюрсангиз тайёрмиз.

Эски донишманд. Мен сизнинг қўлингизга бир неча турли-туман саволлар ёзилган варақлар бераман. Сиз ана шу саволларни Али Ҳусайн Бағдодийга
40 берасиз. Биз ана шунда унинг не даража донишмандлигини синаймиз. Сизлар шунга ризомисиз?

Мулозимлар. Ризо бўлганда қандай, жаноби донишманд.

Эски донишманд. Қани, юринглар бўлмаса.

Ҳаммалари чиқиб кетадилар.

Мушфиқий билан Аъзам кириб келадилар.

Мушфиқий. Бир оз чидамли бўлишингни сўрайман, ишларимиз ўйлаган мўлжалимизга етиб қолди.

Аъзам. Хўп бўлади, мен нима десангиз шунга тайёрман.

Мушфиқий. Ҳозир сен амирнинг оғилхонасига бориб мирохўрлардан, айланиб келаман, деб битта яхшироқ от сўра, қаердан бўлса ҳам балиқчиларнинг катта саватидан биттасини топиб кел. Биз ана ўшанга Офтобни солиб олиб чиқиб кетамиз. Қолган ишларни бу ерда ўзим тўғрилайман. Мени ярим соатдан сўнг мана шу хонада кут.

Аъзам. Қувончим ичимга сиғмай кетяпти.

Мушфиқий. Тез бўл, югур.

Аъзам. Кетдим. (Кетади.)

Мушфиқий ёлғиз қолади. Бир тўда мулозимлар билан эски донишманд чиқади. Улар Мушфиқийга таъзим қиладилар. Эски донишманд мулозимларни туртиб, имою ишора қилади.

Мулозим. Эй донишмандларнинг донишмандроғи, аслзодларнинг аслзодроғи, тирик одамлар ичида донороғи, ботирларнинг ботири, айёрларнинг айёри, мунавварларнинг мунаввари! Эй замин донолиги билан тўла, арслондай ботир, кабутардай ювош, дили пок, тенгдошсиз билимдон, ўлмас ишларнинг устаси, шуҳратлилардан шуҳратлироқ, сахийлардан сахийроқ, пухталардан пухтароқ, ақллилардан ақллироқ, олимлардан олимроқ, лочинларнинг сарлочини, сенга салом ва эҳтиром!

Мушфиқий таъзим қилади. Эски донишманд мулозимларни туртади.

Биринчи мулозим. Ё донишманд, менинг ўнг кўзим аллақанча вақтлардан буён оғриб, кўп азоб бермоқда. Маслаҳат бер, нима қилсам экан?

Мушфиқий. Бир кун менинг ҳам тишим қаттиқ оғриб қолган эди. Лаънати оғриқ тиш бутун ҳузур-ҳаловатимни олган эди. Бор, дедиму оғриқ тишни суғурдим-ташладим. Оғриқ таққа тўхтади. Сенга ҳам шу маслаҳатни бераман. Оғриган кўзингни, бор, дейсану суғуртирасан-ташлайсан.

Биринчи мулозим. Оҳ, донишманд, мунчалик маъқул, мунчалик ақлли маслаҳатни одам боласи эшитган эмас!

Иккинчи мулозим. Ё донишманд Али Ҳусайн Бағдодий, мен сендан маслаҳат сўрамоқчи эдим. Мен яқинда ёшгина бир қизга қанчадан-қанча тўю томошалар қилиб уйланган эдим. Тўйдан ҳали бир ой ҳам ўтмай туриб қайлиғим момиқдай ўғил туғиб берди. Энди мен нима қилсам экан, ақлли маслаҳатингни аямасанг экан?

Мушфиқий. Дарров саҳҳофликка тушиб ҳафтияк, қуръон, жузгул, қаламдон, қалам, сиёҳ, ишқилиб, мактаб болаларига керак бўладиган асбоб-анжомни бутла.

Иккинчи мулозим. Ҳалитдан-а, нима учун шунча илгари?

Мушфиқий. Ҳа, ҳа, содда фуқаро, тўққиз ойлик йўлни бир ойда босган бола уч ойга қолмай мактаб ёшига кирмайдими?

20 Иккинчи мулозим. Бундай доно ва ноёб маслаҳат учун раҳматлар айтаман, донишманд.

Учинчи мулозим. Ё Али Ҳусайн, менга ёрдам берингиз. Менинг бир аллақачон бўйга етган қизим бор. Лекин мана уч йил бўлди, бирорта ҳам совчи чиқмайди. Куёв қидириб қилмаган ишим қолмади. Ичкуёв қилай, пул берай, уй-жой берай, мол берай, десам ҳам ҳеч ким қизимни олгуси келмайди. Энди нима қилсам экан?

30 Мушфиқий. Бунинг иложи жуда ҳам осон. Бир кун мен сигиримни сотмоқчи бўлиб бозорга олиб чиқдим. Кечгача бозор айландим, бирорта харидор кўнгил учун сигиримга қайрилиб ҳам қарамади. Кейин билсам, найранг ишлатмаса бўлмас экан. Бозорни бошимга кўтариб, «Ўзи серсут, қорнида олти ойлик боласи бор», деб қичқира бошладим, бошимга харидор йўғила бошлади. Ҳаш-паш дегунча, бор барака топ, мўлжалимдан ҳам қимматга сотиб юбордим. Мен ўйлайман, сен ҳам қизингни «Ўзи серсут, қорнида олти ойлик боласи бор», деб мақтай бошласанг, дарров куёв чиқади. Мана маслаҳат.

40 Учинчи мулозим. Бундай маъқул ва доно маслаҳатни Одамдан Хотамгача биров-бировга берган эмас.

Улар кетадилар. Елғиз эски донишманд қолади.

Эски донишманд. Энди мен қолдим. Биз бу

найрангбозни донишманд деб юрган эканмиз. Мен бу гапларнинг ҳаммасини амирга арз қиламан. Амир менинг бу қилган яхшилигимни унутмайди. Қайтадан ўз вазифамга олиб, буни ҳайдайди.

Хизматкор югуриб киради.

Хизматкор. Ҳурматли донишманд Али Ҳусайн, сизни улуғ амирал-мўъминини ҳаммаёқда қидириб юрибдилар. Тездан ҳузурларига борар экансиз.

Мушфиқий. Ҳозир, ҳозир бораман.

Мулозимлар таъзим билан чекиладилар. Амир йиғлаб чиқади.

Амир. Марҳаматли Али Ҳусайн, сен қаерда эдинг?

Мушфиқий. Ҳазрати амир, мен ҳам сизни тонг отгандан буён қидириб юрибман. Истироҳатхонага бордим, отхонага бордим, тахтхонага бордим, мана энди ишониб айта оламанки, сиз ҳозир у ерларда йўқсиз.

Амир. Тўғри-тўғри, тўғри айтасан, мен ҳозир у ерларда йўқман. Қўряпсанми, мен йиғлаяпман, ўкраяпман. Бошимга оғир мусибат тушди.

Мушфиқий. Рангингиз ҳам қув ўчиб кетибди, амирим.

Амир. Айтма ҳам, ярамни тимдалама ҳам. Оҳ сен агар бу оғир фалокат нима эканини билсанг эди, йўқ-йўқ мен бу қайғуни кўтара олмайман.

Мушфиқий. Айтинг, нима бўлди ўзи, жаноби амир?

Амир. Оҳ, марҳаматли Али Ҳусайн, у йўқолди.

Мушфиқий. Ким ўзи, ким йўқолди?

Амир. Менинг энг севган тенгдошсиз жийрон тўригим!

Мушфиқий. Йўқолдими?

Амир. Йўқолди. Мен бугун уни жиниб овга чиқмоқчи эдим. Оҳ, энди нима қиламан?

Мушфиқий (*дарров тиз чўкиб, қўлини дуога кўтариб*). Эй, ўн саккиз минг оламини йўқдан бор қилган қудратли парвардигор! Бизга қилган бу марҳаматинг учун сенга ҳазор, ҳазор мартаба шукурлар айтаман. Жаноби амирнинг севимли жийрон тўриқларини йўқотиш билан бизни улуғ неъматга муяссар қилдинг. Қудратларингга миннатдормиз, қодир оллоҳ!

Амир. Ҳой, сен жинни бўлиб қолдингми, нима қилаяпсан?

Мушфиқий. Е амира аъзам, дарров тиз чўкинг, мен қилаётганим саждаи шукурга сиз ҳам қўшилинг. Ахир ўйласангиз-чи, отнинг устида ўзингиз бўлса унда нима бўларди, от билан бирга ўзингиз ҳам йўқолмасмидингиз? Худонинг бу марҳаматига шукур айтинг.

Амир. Дарҳақиқат рост айтасан, донишманд Али Хусайн. Мен ўзим бу тўғриси ни тамом ёддан чиқарган эканман.

10 *Ҳар икковлари саждага бориб, дуо қила бошладилар.*

Мушфиқий. Қудрати комилингдан миннатдор-миз, эй улуғ тангри! Қудратинг билан йўқолган отнинг ўзи холос. Марҳаматинг соясида амиримиз саломат қолдилар. Шукурлар бўлсин!

Амир. Энди бир оз енгил тортдим. *(Болишга ён-бошлайди.)* Али Хусайн, тилсимли дурбинингга бир қараб кўр-чи, нима кўрсатар экан. Мен ўша навниҳол Офтобнинг лаззатли мевасини тота оламанми, йўқми?

20 Мушфиқий. Афсуслар бўлсинки, жаноби амир, кейинги вақтда жинлар яна ёпирилиб кела бошладилар. Жанобингизнинг вужудлари таҳлика остида, наҳс кўтарилгани йўқ. Дарвоқе, агар ҳазратим ижозат берсалар, жинларнинг кучини яна бир маротаба менинг ёрдамчим Хўжа Сайёр Қайқубодий устида амалиёт билан тажриба қилишимиз мумкин.

Амир. Ҳай-ҳай, ўша биринчи тажрибанинг ўзи кифоя. Нима қилса ҳам мен бугун...

ИЗОҲЛАР

В. П. Катаев

СОЛДАТ ФРОНТДАН ҚАЙТАРКАН...

(7-бет)

Катаев Валентин Петрович (1897—1986) Октябрь революцияси ғалабаларининг барқарор этилиши, совет халқининг Улуғ Ватан уруши йилларидаги ватанпарварлиги, душманга нафратини ўз асарларида катта маҳорат билан тасвирлаган улуғ рус совет ёзувчиси. В. П. Катаев «Оқариб кўринар ёлғиз елкан» (1936) қиссаси, «Қора денгиз тўлқинлари» тетрологияси, «Мен меҳнаткаш халқ фарзанди» повести ва «Полк ўғли» қиссаси билан машҳур. У «Полк ўғли» қиссаси (1945) учун СССР Давлат мукофоти билан тақдирланди. В. П. Катаев — Франциянинг «Гонкур» мукофоти лауреати. В. П. Катаев граждандар уруши даврида Украина фронтларида кўрган-кечирганлари асосида «Мен меҳнаткаш халқ фарзанди» повестини яратди. Кейинчалик мазкур повесть материалга таянган ҳолда «Солдат фронтдан қайтаркан...» пьесасини ёзди. Пьеса 1942 йилда Ғафур Ғулом томонидан ўзбек тилига таржима қилинган. Таржиманинг машинкада кўчирилган матни Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик театри архивида сақланади.

Машинка матни асосида томга киритилди.

8-бет 34 *Бут* — христиан динининг асосий рамзи ва ибодат предмети. Бутнинг келиб чиқиши ибтидоий жамиятга бориб тақалади. Қадимги Арабистон, Вавилония, Рим ва бошқа мамлакатлар эътиқодларида бут-крест диний белги сифатида қўлланилган. Христиан динида IV асрдан бошлаб ибодатга киритилган, V асрдан ибодатхона томларига ва XI асрдан бошлаб эса саждагоҳига қўйиладиган бўлган.

35 «*Георгий крести*» — революциягача рус армиясида офицер ва солдатларга ҳарбий жасорат учун берилган тўрт даражали, 1769 йилда таъсис этилган ҳарбий орден.

11-бет 8 *Сулги* — лунги, сочиқ.

16 *Десятина* — метрик система қабул этилганга қадар Россияда қўлланилган 1,09 гектарга тенг ер ўлчови.

13-бет 13 *Керенский* — А. Ф. Керенский (1881—1970) рус сўёсий арбоби, адвокат. 1917 йил мартдан бошлаб эсер, Вақтли ҳукуматда юстиция министри (март — май), ҳарбий ва денгиз министри (май — сентябрь), 30 августдан

- ошлаб олиш бош қўмондон. Октябрь инқилобидан сўнг советларга қарши исён ташкилотчиси, оқ эмигрант.
- 28-бет 18 *Марказий Рада* — Украина буржуа миллатчиларининг 1917—1918 йиллардаги контрреволюцион ҳукумати.
- 39 *Познанлик* — Познань — Польшанинг ғарбий қисмидаги шаҳар. Бу ерда Познань шаҳрилик маъносида.
- 44 *Ди банде швайний* (немисча) — чўчқалар галаси.
- 29-бет 8 *Битте* (немисча) — марҳамат.
- 16 *Обер-лейтенант* (немисча) — катта лейтенант.
- 18 *Цюрикк* (немисча) — орқага.
- 19 *Герр унтер-офицер* (немисча) — жаноб унтер-офицер.
- 24 *Абер* (немисча) — лекин, бироқ.
- 30 *Ахтунг!* (немисча) — диққат!
- 45 *Альзо* (немисча) — шундай қилиб, демак.
- 30-бет 3 *Аллес ин орднунг* (немисча) — ҳаммаси жойида.
- 32-бет 1 *Наполеон Бонапарт* (1769—1821) — Франция давлат арбоби ва ҳарбий саркардаси, Франция республикасининг биринчи консули, император.
- 23 *Берданка* — XIX аср охирларида рус армиясида фойдаланилган биротар милтиқ.
- 36-бет 24 *Гайдамак* — граждандар уруши даврида Украинада аксинқилобий отрядларнинг солдати.
- 39-бет 7 *Вахмистр* — чор ҳукумати вақтида отлиқ аскарларга бериладиган ҳарбий унвон.
- 8 *Аллес ист ин орбнунг, герр лейтенант* (немисча) — жаноб старший лейтенант, ҳамма нарса жойида.
- 15 *Пермете муа де парлэ франсэ* (немисча) — марҳамат, менга французча гапиринг.
- 23 *Монокль* — бир кўзга тутиладиган кўзойнак.
- 31 *Ротмистр* — чор армияси ва жандармерияси офицерларининг унвонларидан бири.
- 43-бет 20 *Хальт!* (немисча) — тўхта!
- 44-бет 39 *Махт фойер!* (немисча) — ўт оч!
- 49-бет 7 *Коростень* — Украина ССР Житомир области территориясидаги жой номи.
- Скоропадский Павел Петрович* (1873—1945) — чор армияси генерали, 1918 йилда герман империалистларининг Украинадаги ишончли вакили. У украин буржуа-миллатчилари ёрдамида халқнинг революцион ҳаракатини бостириб турган, кўзгалган украин меҳнаткашлари томонидан ағдарилган.
- 8 *Шчорс Николай Александрович* (1895—1919) — Граждандар уруши қаҳрамони, Қизил Армиянинг талантли командири, 1918 йилдан КПСС аъзоси. 1918—1919 йилларда немис интервентларига қарши жангларда отряд, полк, бригада, дивизияга қўмондонлик қилган. Жангда ҳалок бўлган.
- 9 *Богун Иван* — украин халқи озодлик урушининг қаҳрамони, полковник. 1648 йилдан бошлаб Брацлавда деҳқонлар отрядини бошқарган. Қатор жангларда қаҳрамонлик кўрсатган. 1659 йилда Польша истиклолчиларига қарши кўзғолон кўтарган. Польша феодаллари томонидан отиб ўлдирилган. 1918 йилда Н. А. Шчорсининг энг яхши полкларидан бирига «Богун полки» номи берилган.

- 57-бет 31 *Бурги* — карнай ёки сурнай шаклидаги қадимги чолғу асбоби.
- 61-бет 15 *Наводка* — тўғрилаш, нишонга олиш.
 24 *Митвем хабе их дас фершюген шу шпрехен* (немисча) — Мен ким билан гаплашишим керак.
 30 *Их шпрехе им ауфтраге, унзерен герр генерал. Ин бэнеймен хат унс цимлих унгенем бэрюрт* (немисча) — Мен сизга айтмоқчи бўлган гап сиз учун жуда ёқимсиз бўлса керак.
- 62-бет 22 *Вильгельм II Гогенцоллери* (1859—1918) — 1888—1918 йилларда Германия императори ва Пруссия қироли, 1918 йил ноябрь инқилоби натижасида ағдарилган.
Гинденбург Пауль (1847—1934) 1925 йилдан бошлаб Германия президенти, генерал-фельдмаршал (1914), Биринчи Шарқий фронт қўшинларига қўмондонлик қилган, 1916 йил августдан бошлаб Бош штаб бошлиги бўлган.
 1933 йил 30 январда ҳукумат тузишни Гитлерга топшириб, ҳокимиятни фашистларга берган.
Людендорф Эрих (1865—1937) — немис генерали. Биринчи жаҳон урушида генерал П. Гинденбург ёрдамчиси бўлган, 1914—1916 йилларда Шарқий фронт уруш ҳаракатларига амалда бошчилик қилган. 1916—1918 йилларда Германиянинг барча қўшинларига бошчилик қилган, немис фашизмининг ташкилотчилари ва илҳомчиларидан бири.
- 34 *Шрапнель* — ўқ билан тўлдирилган снаряд.

Б. А. Лавренёв

ДЕНГИЗДАГИЛАР ШАРАФИГА

(63-бет)

Борис Андреевич Лавренёв (1891—1959) етакчи рус совет драматургларидан бири. Б. А. Лавренёв 1920—1923 йилларда ва Улуғ Ватан уруши даврида Ўзбекистонда яшаб ижод этди. Марказий газета ва журналларда ўнлаб мақола, ҳикоя, шеърлари ва юзлаб фельетонлари босилган. «Наполеон IV», «Совет қуролининг шарафи» мақолалари ва «Қирқ биринчи», «Еттинчи йўлдош» сатирик асарлари шулар жумласидандир. Б. А. Лавренёв «Правда Востока», «Фрунзевец» газеталари редакцияларида ишлади. Унинг аксарият асарлари Туркистонга бағишланган. Б. А. Лавренёв «Емирилиш» (1928), «Қора денгизчилар ҳақида қўшиқ» (1944), «Америка овози» (1949) каби асарлар муаллифи. Ватан ҳимоячилари — совет денгизчиларига бағишлаб 1945 йилда ёзилган «Денгиздагилар шарафига» пьесаси учун Б. А. Лавренёв СССР Давлат мукофоти лауреати унвонига сазовор бўлган. Пьеса Ф. Фулом томонидан ўзбек тилига таржима қилиниб, 1947 йил 3 январда Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик театри саҳнасида қўйилган.

Асар театр архивидаги машинка нусха асосида нашрга тайёрланди.

66-бет 31 *Пирс* — денгиз портларида тўхтаган кемаларни боғлаб қўядиган жой.

- 74-бет 5 *Лаг* — кеманинг тезлигини ўлчайдиган ёки қанча йўл босганини аниқлайдиган асбоб.
- 12 *Бакаут* (голландча) — темирдек қаттиқ субтропик ёғоч бўлиб, ундан турли жиҳоз-асбоблар, жумладан, тишли ғилдираклар ишланади. Бу ўринда гап шу ғилдираклар устида боради.
- 13 *Дейдвуд* (инглизча) — кема тумшугининг сув ости қисмига боғлиқ воситалари.
- 78-бет 41 *Нахимов Павел Степанович* (1802—1855), рус флоти саркардаси, адмирал (1855). Ҳарбий-денгиз санъатида прогрессив қарашлари билан машҳур. Қрим урушида эскадрага қўмондонлик қилиб, Синоп жангида (1853) турк флотини тор-мор этган. 1854—1855 йилларда Севастополни қаҳрамонона мудофаа этишида бошчилик қилган.
- 99-бет 36 *Кодограмма* — код билан берилган хабар.
- 110-бет 14 *Пўнқуш* — қора қуш.
- 119-бет 20 *Юнкер* — революциядан олдинги Россияда офицерлар тайёрлайдиган ҳарбий ўқув юртининг ўқувчиси.
- 122-бет 10 *Обиватель* — ижтимоий ҳаётга аралашмай ўзининг шахсий турмуши билан овора бўлиб қолган, тор фикрли одам.
- 129-бет 28 *Боцман* — ҳарбий кемаларда кичик командир.
- 138-бет 25 *Дон Кихот* — бу ўринда испан ёзувчиси Сервантеснинг (1547—1616) машҳур романи «Дон Кихот» номли романининг бош қаҳрамонига ишора бор.
- 139-бет 27 *Эвольвента* — дифференциал геометрия тушунчаси, ечилган, ечилувчи деган маънони билдиради.
- 144-бет 10 *Гавань* — денгиз қирғоғида пароходлар тўхтайдиган махсус жой.

Нозим Ҳикмат

БИР СЕВГИ АФСОНАСИ

(150-бет)

Машҳур турк шоири, драматурги ва публицисти, жамоат арбоби Нозим Ҳикмат Ран (1902—1963) Туркия миллий-озодлик ҳаракатининг фаол қатнашчиларидан бири. У 1921 йилда Совет Иттифоқига келди, Шарқ меҳнаткашларининг Коммунистик университетиде ўқиди ва 1922 йилда РКП(б) сафига кирди. Н. Ҳикмат 1924 йилда Туркияга қайтади ва Туркия Коммунистик партияси сафига кириди. У 1951 йилдан умрининг охиригача СССРда яшади. У «Инсон манзаралари» (1941) эпопеясини, «Турмадан мактублар» шеърлар туркумини, «Бир севги афсонаси», «Гўзал Юсуф», «Туркия ҳақида ҳикоя» (1952), «Дамоклнинг қиличи» (1960), «Ажал шамшири» каби пьесалар ва «Сурур» (1961) романини яратди. Н. Ҳикматнинг «Шеърлар тўплами» (1953), «Туркия ҳақида ҳикоя», «65 шеър» (1962), «Сурур» романи (1972), «Инсон манзаралари» эпопеясининг 1-китоби ўзбек тилига таржима қилиниб чоп этилган. Н. Ҳикматнинг «Бир севги афсонаси» пьесаси «Фарҳод ва Ширин» дostonи мотивлари асосида яратилган. Пьеса 1948—1952 йилларда академик шоир Ф. Ғулом томони-

дан ўзбек тилига ағдарилган ва 1954 йилда Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик театри саҳнасида қўйилган. Н. Ҳикмат 1958 йилда Тошкентда бўлиб, ўз асарининг саҳна вариантини кўришга муяссар бўлган. Озарбайжонлик кинорежиссёр А. Иброҳимов мазкур пьеса асосида кинофильм яратган. Н. Ҳикмат Осие ва Африка ёзувчиларининг Тошкент конференцияси қатнашчиси (1958), Жаҳон Тинчлик Кенгаши Бюроси (1951) ва Президиуми аъзоси (1959), Халқаро Тинчлик мукофоти лауреати (1950). Н. Ҳикмат турк адабиётидаги демократик йўналишнинг асосчиси сифатида жаҳон прогрессив адабиётида катта ўрин эгаллайди. Н. Ҳикмат Ғ. Ғулум, Миртемир, М. Шайхзода билан яқин дўстона муносабатларда бўлган. Бугунги кунда ҳам ўзбек шеъриятининг навқирон авлоди вакиллари чексиз ҳурмат билан Н. Ҳикмат образини яфода қилмоқдалар. А. Орипов, Р. Парфи ва М. Солиҳ Н. Ҳикматга бағишлаб асар яратганлар. Н. Ҳикматнинг «Инсон манзаралари» эпопеясининг I-китоби Рауф Парфи томонидан ўзбек тилига ўқприлган.

Н. Ҳикматнинг «Бир севги афсонаси» пьесаси 1955 йилда Ўздавнашр томонидан Ғ. Ғулум таржимасида нашр қилинган. Таржима мазкур нашр асосида чоп этилмоқда.

152-бет 1 Кат — кенг ёғоч қаравот.

164-бет 39 *Шарафа* — бинонинг девор, шифт ва шу каби жойларига одатда ганчдан қуйиб ёки ўйиб ишланган нақш, безак.

173-бет 16 *Довул* — қаттиқ овозли ноғора.

Г. Д. Мдивани

ФРОНТ БҮЙЛАБ БҮЙРУҚ

(217-бет)

Георгий Давидович Мдивани (1905—1977) — атоқли грузия совет ёзувчиси. Адабий фаолиятини 20-йилларда шоир сифатида бошлаган. Театр ва кино драматургияси соҳасида самарали ишлаб бир қанча пьесалар ва киносценарийлар яратган. Улар мамлакатимизнинг кўплаб театрларида муваффақият билан саҳналаштирилган, кинофильмлар сифатида экранларда намоён этилган. Адибнинг асарлари сиёсий ақуаллиги ва мароқлилиги, тематикасининг кенглиги билан ажралиб туради. Драматург социалистик революция самараларини барқарор этиш, совет кишиларининг тинч меҳнати, она юртимизни ташқи ёвлардан ҳимоя қилишдаги жонбозликлари, шунингдек, халқларнинг тинчлик, озодлик учун фашизмга, империализмга, мустамлакачиликка қарши курашлари каби муҳим мавзуларни акс эттирган. Г. Мдивани сценарийлари асосида суратга олинган «Оддий аскар Александр Матросов» (1948), «Солдат Иван Бровкин» (1955), «Қатта йўл» (1956), «Иван Бровкин қўриқда» (1958), «Бизнинг ҳовлимиз» (1957) фильмлари, «Номус» (1937), «Фронт бўйлаб буйруқ» (1941), «Москва осмони» (1943), «Яхши ниятли кишилар» (1950), «Қим айбдор» (1948), «Консулни ўғирлаб кетишди» (1960) пьесалари ана шулар жумласидандир.

«Фронт бўйлаб буйруқ» пьесасини Ғафур Ғулум 1941 йилнинг сентябрида Ваҳоб Рўзиматов иштирокида таржима қилган. Пьеса

шу таржима асосида 1941 йилнинг октябрида ҳозирги И. Охунбоев номидаги Республика ўзбек ёш томошабинлар театрида саҳналаштирилган.

Таржима қўлёмаси ёзувчининг уй-архивида сақланмоқда.

Таржима 226 саҳифадан иборат бўлиб, рус алифбесига асосланган ҳозирги ўзбек алифбесига сарғиш чизиқсиз қоғоз (29×20) га кўк сиёҳ билан ёзилган. Таҳрир қилинган ўринлар мавжуд.

Қўлёманнинг 1-саҳифасига: «Георгий Мдивани. Фронт бўйлаб буйруқ. 7 кўринишли пьеса. Фафур Фулом ва Ваҳоб Рўзиматов таржимаси», деб ёзилган.

Таржима қўлёзма асосида эълон қилинмоқда.

- 239-бет 16 *Робеспьер* — Максимилиён Мари Изидор Робеспьер (1758—1794) — француз буржуа революциясининг машҳур арбоби.
- 39 *Марат Жан Поль* (1743—1793) — француз буржуа революцияси арбоби, олим ва публицист, халқ оммасининг ҳимоячиси сифатида танилган.
- 254-бет 19 *Афина* — Грециянинг пойтахти, асосий иқтисодий ва маданий маркази.
- 19 *Минотавр* — грек мифологиясида Миноснинг ҳўкизи. Танаси одамга ва боши ҳўкизга ўхшаган махлуқ.
- 20 *Тезей* (Тесей) — грек мифологиясида Афина подшоши.
- 263-бет 2 *Пульман* — пассажирлар ёки юк ташийдиган тўрт ўқли катта вагон.

К. М. Симонов

РУС КИШИЛАРИ

(276-бет)

Симонов Константин Михайлович (1915—1979) — рус совет ёзувчиси, жамоат арбоби, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1974).

Кўп жанрли ижодида совет кишиларининг образини яратган, уларнинг юксак ички туйғулари, қаҳрамонона курашларини бадний акс эттирган. Жумладан, унинг «Кунлар ва тунлар» повестини (1943—1944), «Тириклар ва ўликлар» роман-трилогияси (1959—1971), «Рус масаласи» пьесаси (1946) машҳур. Бир неча бор СССР Давлат мукофотиغا сазовор бўлган.

К. М. Симонов 1957—1959 йилларда Ўзбекистонда яшади, «Солдат бўлиб туғилмайдилар» романини шу ерда ёза бошлаган.

Ўзбек ёзувчиларининг асарларини рус тилига таржима қилишда унинг хизматлари катта. А. Қаҳҳорнинг «Синчалак» повестини ҳамда Ғ. Фуломнинг «Бизнинг уйга меҳмон бўлинг, дўстларим» шеърини таржима қилган.

К. М. Симоновнинг 1942 йилда ёзилган «Рус кишилари» пьесасини Ғ. Фулом шу йили ўзбек тилига таржима қилди. Таржиманинг қўлёзма ва машинка қилинган матни Ғ. Фуломнинг уй-архивида сақланмоқда.

Таржима 263 саҳифа бўлиб, рус алифбесига асосланган ҳозирги ўзбек алифбесига сарғиш чизиқсиз қоғоз (30×20) га кўк сиёҳ билан ёзилган, таҳрир қилинган ўринлар мавжуд. Таржиманинг охирига «25/IX—42» санаси қўйилган.

Таржиманинг машинкада кўчирилган матни пушти чизиқсиз қоғоз (30×18,5)га ёзилган, 59 саҳифадан иборат.

Қўлёзма ва машинка қилинган матни ўртасида фарқ йўқ.

Қўлёзма асосида нашр қилинмоқда.

278-бет 14 *Тирасполь* — Молдавия ССРдаги шаҳар. Днестрнинг чап соҳилида.

20 *Фельдфебель* — чор ҳукумати армиясида ва баъзи чет эл армиясида старший унтер-офицер, рота командири-нинг ёрдамчиси.

280-бет 24 *Лиман* — дарёнинг денгизга қуйилиш жойида сувнинг кўпайиши, тошиши натижасида пайдо бўлган кўрфаз.

283-бет 9 *Рессор* — рессора — автомобилнинг ғилдираклари ўқи билан кузови ораллиғига ўрнатилган ва амортизация вазифасини ўтайдиган эгиловчи қисм.

293-бет 8 *Португя* — қилич осиб юрадиган қайиш.

345-бет 29 «*Соловей, соловей-пташечка...*» — шу номли рус халқ кўшиғидан. (Аслида бу кўшиқни ҳарбийлар сафланиб кетаётганда ижро этишган.)

Борис Сливко

МУШФИҚИЙ

(363-бет)

Рус драматурги Борис Сливко 1957 йилгача Тожикистон ССРнинг пойтахти Душанбе шаҳарида яшаб ижод қилган. Сўнг РСФСРнинг Кострома областига қарашли Кострома шаҳарига кўчиб кетган. «Мушфиқий» драмаси Б. Сливко қаламига мансуб. Лекин пьеса авторининг биографияси ва ижоди ҳақида бошқа маълумотларга эга эмасмиз. Пьеса Муқимий номидаги комедия ва сатира театрининг раҳбарларидан Ўзбекистон ССР Халқ артисти Миршоҳид Мироқилов ва театр режиссёри Бобо Хўжаевнинг илтимосига кўра 1940 йилда Ғ. Фулом томонидан ўзбек тилига эркин таржима қилинган. Лекин нима сабабдандир пьеса саҳна юзини кўрмаган. «Мушфиқий» пьесасининг қўлёзмаси Б. Хўжаевнинг шахсий архивида сақланган ва 1976 йилда Ғафур Фулом адабий меросини ўрганish ва нашр этиш комиссиясининг секретари В. Рўзиматовга топширилган. Таржима араб алифбесида сарғиш ва кўкимтир чизиқсиз ёзув қоғози (29,5×20)нинг бир томонига кўк сиёҳда ёзилган, автограф. Пьеса 77 саҳифадан иборат, охириги варақлари тушиб қолган.

Таржиманинг саҳифасига рус алифбесига асосланган ҳозирги ўзбек алифбесида «Б. Сливко. Мушфиқий. 4 пардали комедия. Ғафур Фулом таржимаси. Тошкент — 1940», деб ёзиб қўйилган.

Нашрда автографга асосланилди.

363-бет 2 *Мушфиқий* — Абдураҳмон Мушфиқий (1525—1588) — форс-тожик шоири. Унинг ҳажвий шеърлари, ғазал ва қасидалари бир қанча девонларидан ўрин олган. Мушфиқий ўз асарларида юқори табақа вакилларининг худбинлик, риёкорлик, хасасликларини фош қилди, ижтимоий тенгсизликни қоралади. Мушфиқий асарлари халқ орасида кенг тарқалган ва унинг ўзи ҳам Мулла

- Мушфиқий номи билан тожик халқ латифалари қаҳрамонига айланиб кетган.
- 368-бет 35 *Перспектива* — бу ўринда узоқдан кўриниш, манзара маъносига қўлланилган.
- 372-бет 35 *Кўҳи қоф* — миф, эртак ва дostonларда қайта-қайта учрайдиган афсонавий тоғ номи.
- 376-бет 19 *Чорасозон аз иложи хеш худ бечораанд* (тожикча) — тадбиркорлар ўз ишларининг иложсизлигидан бечора-дирлар.
- 379-бет 15 *Луқмон* — шарқ халқлари орасида тенги йўқ ҳақим ҳисобланган афсонавий шахс.
- 16 *Афлотуни дуввум* — Афлотун (Платон, мил. ав. 427—347) қадимги грек файласуфи. Платоннинг шарқда кенг тарқалган номи. «Афлотуни дуввум» — бу ерда иккинчи Афлотун (донишманд) маъносида.
- 383-бет 30 *Динор* — VII-XIV асрларда Осиёнинг мусулмон давлатларида ҳамда Шимолий Африка ва Испанияда муомалада бўлган асосий пул бирлиги — олтин танга.
- 397-бет 16 *Корафта* (тожикча) — кўпни кўрган, ўз бошидан кечириб, тажриба орттирган, тажрибали.
- 42 *Қўлзмада* бир неча сатр тушиб қолган.
- 400-бет 4 *Таракана* — тарқатиб юбориш, бўлиб олиш.
- 401-бет 12 *Андалусия* — Испаниянинг жанубий области.
- 27 *Хабашистон кечасидай* — бу ерда қопқора маъносида.
- 405-бет 12 *Чодир хаёл* — парда ва умуман саҳна томошалари.
- 406-бет 26 *Рустам* — бу ўринда А. Фирдавсийнинг «Шоҳнома» дostonи бош қаҳрамонларидан бири Рустамга ишора қилинади.
- Доро, Кайхусрав* — бу сатрларда ахоманийлар сулоласи (милод. ав. 558—486) подшоҳлари кўзда тутилади.
- 410-бет 8 *Мозандарон* — Эрондаги шаҳарнинг номи, IX—XII аср манбаларида Табаристон номи билан маълум бўлган.

РАСМЛАР РЎИХАТИ

| | |
|--|-----|
| Ғафур Ғулом грузин шоири Г. Леонидзе билан. Тбилиси. 1960 йил. | 81 |
| Ғафур Ғулом қозоқ ёзувчиси Мухтор Аvezовнинг уй-музейида. Олма-ота. 1966 йил. | 122 |
| Ғафур Ғулом турк шоири Нозим Ҳикмат билан. Тошкент. 1958 йил. | 162 |
| Ғафур Ғулом ҳамкасблари Б. Раҳмонов, К. Симонов, Зулфия, Б. Қербобоев, П. Антокольский, В. Липко, И. Султон. В. Костирия ва Асқад Мухтор билан. Тошкент. 1958 йил. | 293 |
| Борис Сливко «Мушфиқий» комедияси таржимасининг I-саҳифаси. | 366 |
| «Мушфиқий» комедияси таржимаси қўлзмасидан бир саҳифа. | 399 |

МУНДАРИЖА*

| | |
|--|---------|
| В. П. Катаев. Солдат фронтдан қайтаркан. | 7—419 |
| Б. А. Лавренёв. Денгиздагилар шарафига. | 63—421 |
| Нозим Ҳикмат. Бир севги афсонаси. | 150—422 |
| Г. Д. Мдивани. Фронт бўйлаб буйруқ. | 217—423 |
| Қ. М. Симонов. Рус кишилари. | 276—424 |
| Б. Сливко. Мушфиқий | 363—425 |
| Изоҳлар | 417 |
| Расмлар рўйхати | 426 |

* Биринчи устундаги рақамлар асосий текст, иккинчи устундаги рақамлар изоҳлар берилган саҳифаларни билдиради.

Гулом Гофур.

Мукаммал асарлар тўплами. 12 томлик/[Таҳрир ҳайъати: О. Аҳмедова-Гуломова ва бошқ.; Масъул муҳаррир В. Рўзиматов]. Т. 10. Таржима-лар. Т.: «Фан», 1988. 428б.

Сарл. олдида: ЎзССР ФА А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт ин-ти.

Гулям Г. Полное собрание сочинений. В 12 т. Т. 10 Переводы.

Ўз2

На узбекском языке

ГАФУР ГУЛЯМ

ПОЛНОЕ СОБРАНИЕ СОЧИНЕНИЯ

В 12 томах

Том X

ПЕРЕВОДЫ
(Драматургия)

Ўзбекистон ССР ФА А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг илмий совети, ЎзССР ФА тарих, тилшунослик ва адабиётшунослик бўлими томонидан нашрга тасдиқланган.

Муҳаррир *А. Комилова*
Рассом *В. Тий*
Техмуҳаррир *Л. Тюрина*
Корректор *О. Абдуллаева*

Тершга берилди 25.05.88. Босишга рухсат этилди 8.07.88. Формат 84×108¹/₃₂. Босмахона қоғози № 1. Адабий гарнитура. Юқори босма.. Шартли босма л. 22,47. Ҳисоб-нашриёт л. 21,9 Тиражи 5000. Заказ 143. Баҳоси 2. 60 т.

ЎзССР «Фан» нашриёти, 700047. Тошкент, Гоголь кўчаси, 70.
ЎзССР «Фан» нашриётининг босмахонаси: Тошкент, М. Горький проспекти, 79.